

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**А.АБДУВОХИДОВ, О.САТТОРҚУЛОВ, А.МУХАМЕТОВ,  
А.БУРХАНОВ, А.АБДУВАЛИЕВ, С. РАСУЛОВ, Ғ.БЕРДИЕВ,  
М.МАМАТОВ, О.УМАРАЛИЕВ, С.КАМИЛОВА, К.РАХМАТОВ**

**ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК**

**Тошкент-2020**

**УДК:**  
**КБК:**  
**ISBN**

Иқтисодий хавфсизлик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув кўлланма/ А.Абдувоҳидов, О.Сатторкулов, А.Мухаметов, А.Бурханов, А. Абдувалиев, С. Расулов, Ғ.Бердиев, М.Маматов, О.Умаралиев, С.Камилова, К.Рахматов

Ўқув кўлланмада миллий хавфсизликнинг таркибий қисми бўлган иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари, шахс, корхона (фирма) ва бутун мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига таъсир этувчи таҳдидлар ҳамда уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари, восита ва усуллари баён этилган.

В учебное пособие собраны актуальные вопросы обеспечения экономической безопасности как компонента национальной безопасности, механизмов обеспечения экономической безопасности отдельных лиц, предприятий и экономомических интересов всей страны и их экономической безопасности.

The educational manual contains topical issues of ensuring economic security as a component of national security, mechanisms for ensuring economic security of individuals, businesses and economic interests of the whole country and their economic security.

**Масъул муҳаррир:** и.ф.д., проф. А.Қодиров

**Такризчилар:** и.ф.н., доц. Б. Ходжиев  
и.ф.н., доц. М. Абдуллаева

© Гулистон давлат университети

*“...Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечирishi, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши - бизнинг бош мақсадимиздир... Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз, ... белгилаб олган режа ва дастурларимизни амалга ошириши, албатта осон бўлмайди. Ҳали фақат қозғоғда бўлган бу режа ва дастурларни амалий ишларга, реал натижага айлантириши учун барчамиз биргаликда қаттиқ меҳнат қилишимиз керак. Бу йўлда бизга ишонч ва илҳом, зайрат ва шижоат берадиган беқиёс бир куч-қудрат борки, биз унга таяниб, ўз мақсадларимизга албатта етамиз. Бу - ҳаёт синовларида товланган, сўзида қатъий турадиган, ишинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимиздир.”*

*(Ш. Мирзиёев)*

### **Кириш**

“Бизнинг вазифамиз - тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, - деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши маросимига бағишланган нутқида, - ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади<sup>1</sup>”.

Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлиги остида “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ҳам ўз ичига оладиган мазкур кенг кўламли дастурий ҳужжат ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралда имзоланган Фармонига мувофиқ уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан

---

<sup>1</sup> Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари 2018 йилнинг 28 -декабрь куни мамлакатимиз Парламентига йўллаган Мурожаатномасида: “Биз ҳар бир йилга эзгу ният билан ном берамиз ва ўз олдимизга улкан марраларни кўямиз. Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ” асари “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади” деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор. Биз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди”- деб, таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг якунлари ва 2019 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож-лантиришнинг устувор масалаларини қамраб олган Мурожаатномасида 2019 йилни мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”-деб номлаш таклиф этилди ва бу таклиф бир овоздан маъқулланди<sup>2</sup>. Мамлакатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек: Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Мана шундай бир шароитда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай мустақил давлат учун муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг долзарблиги унинг миллий иқтисодиётнинг аҳоли учун нормал ҳаётий фаолият шароитларини, уни барқарор тарзда ресурслар билан таъминлаш, миллий давлат манфаатларини

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>

руёбга чиқара олишга кодирлигини ифодалаш билан ҳам тавсифланади. Айниқса, ёш мустақил давлатлар иқтисодиётининг бирёқламалиги ва қарамлиги, аҳолининг паст турмуш даражаси ўзида ижтимоий таҳдидни ифодалаб, хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга бардошлилигини ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, унинг жаҳон иқтисодий тизимида рақобатбардошлигини ошириш масалаларини таҳлил қилиш мазкур ўқув қўлланманинг мақсади ҳисобланади. Ўқув қўлланманинг вазифаси талабаларда бугунги глобаллашув шароитида ва жаҳон молиявий -иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда шахс, корхона (фирма) ва миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида зарурий билим ва кўник-маларни шакллантиришдан иборатдир. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш асосида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш борасида миллий иқтисодиётга, корхона (фирма) ва алоҳида шахсга нисбатан хавф туғдираётган таҳдидларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўқув қўлланманинг объекти ҳисобланади. Айни бугунги кунда ҳар бир фуқаро, шахс иқтисодий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларнинг ўзи, оиласи ва мамлакат учун қай даражада таъсир этиши ҳақида мустақил фикрлашни, иқтисодий таҳдидларни аниқлаш ҳамда хавфсизликни микро ва макро даражада таъминлашдаги муаммолар ечимини излаб топиш йул-йўриқларини ўрганиши лозим. Шу асосда иқтисодий таҳдид ва хавфсизлик, иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш масалаларига илмий-назарий жиҳатдан ёндашиб, уни ҳал этишда амалий кўникмалар ҳосил этиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам, мазкур ўқув қўлланмада шахс, корхона (фирма) ва бутун мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига таъсир этувчи таҳдидлар ҳамда уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари, восита ва усуллари баён этилган.

*Иқтисод- бу ишчи от, сиёсат эса-ишчи отга қўшиладиган арава. Буларнинг иккиси ҳам ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Иқтисод ҳамиша сиёсатдан олдинда юриши керак, аксинча эмас. (Муҳаммад ибн Рашид ал-Мақтум)*

## **1 - МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

**Режа:**

**1.1. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси: унинг таърифи ва мазмуни**

**1.2. “Иқтисодий хавфсизлик” фанининг предмети, объекти ва мақсадлари**

**1.3 Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари (индикаторлари)**

**Таянч тушунча ва иборалар:** Иқтисодий хавфсизлик, барқарор иқтисодий ўсиш, давлатчилик, миллий хавфсизлик, иқтисодий манфаатлар, макроиқтисодий кўрсаткичлар.

**1.1. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси: унинг таърифи ва мазмуни**

Иқтисодий хавфсизлик - иқтисодий категория ҳисобланади. У иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш таъминланган, ижтимоий эҳтиёжлар оптимал даражада қондирилган, оқилона бошқариш амалга оширилган, миллий ва халқаро даражаларда иқтисодий манфаатларнинг ҳимояланганлик ҳолатини ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, унинг моддий асоси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизлик иқтисодий категория сифатида давлатчилик шаклланган ҳамда жамият ўз манфаатларини англаб этган даврлардан пайдо бўла бошлаган.

Иқтисодий хавфсизлик ўзининг объект ва субъектларига эга бўлиб, унинг объекти деганда мамлакатнинг иқтисодий тизими ҳамда уни ташкил этувчи унсурлари тушунилади.

Иқтисодий хавфсизлик объектларига қуйидагилар киради:

- табиий бойликлар;
- инсон ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли;
- ишлаб чиқариш фондлари;

- кўчмас мулк;
- молиявий ресурслар;
- хўжалик тизимлари;
- минтақалар;
- оила;
- инсон.

Иқтисодий хавфсизлик субъектлари қуйидагилардан иборат:

- функционал ва тармоқ вазирликлари ҳамда идоралари;
- солиқ хизматлари;
- божхона хизматлари;
- банклар;
- биржалар;
- суғурта компаниялари;
- қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмита ва комиссиялари;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар, иш ва хизматлар кўрсатувчилар;

- истеъмолчилар жамиятлари.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ишлаб - чиқариш -технологик соҳалардаги хавфсизлик;
- саноат соҳасидаги хавфсизлик;
- озиқ-овқат хавфсизлиги;
- демографик хавфсизлик;
- молиявий хавфсизлик;
- ахборот хавфсизлиги;
- ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги хавфсизлик ва ҳ.к.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги индикаторлари ажратиб кўрсатилади:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши;
- аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
- инфляция даражаси;

- ишсизлик даражаси;
- иқтисодиёт таркиби;
- давлат қарзи;
- жамиятнинг мулкӣй табақаланиши;
- иқтисодиёт ва жамиятнинг криминаллашуви;
- ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик ҳолати;
- рақобатбардошлик;
- импортга боғланганлик;
- хуфёна иқтисодий фаолият миқёси;
- олтин валюта заҳиралари.

Иқтисодий хавфсизликни мезонларга асосланган ҳолда ўрганиш деганда, иқтисодиёт ҳолатини умумлаштирилган ҳолда, яъни ресурс салоҳияти ва унинг ривожланиш имкониятлари, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси, рақобатбардошлиги ва ҳоказоларни баҳолаш тушунилади.

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлганлиги боис ҳам уни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мамлакатнинг ҳар соҳада юксалишининг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, “ушбу долзарб масалада енгил фикрлаш ёки муқаррар хавфга беписандлик билан қараш, уни камайтириб кўрсатиш қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳақида тарихдан исталганча мисоллар келтириш мумкин”<sup>3</sup>.

Иқтисодий хавфсизлик давлат хавфсизлиги тизимидаги муҳим йўналиш бўлиб, мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш, экологик ҳалокатлардан ҳимоя қилиш каби йўналишлар билан бир қаторда туради. Мана шу йўналишлар бир - бирини тўлдириб туради ва бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки, мамлакат иқтисодиёти бақувват бўлмаса, у барқарор ривожланмаса, ушбу мамлакатнинг мудофаа қобилиятини





---

<sup>3</sup> Экономическая безопасность: учебник для вузов/ под общей редакции Л.П. Гончаренко, Ф.П. Акулинина. М.: издательство-ЮРАЙТ. 2018. 478 стр. Серия: Специалист



таъминлаш мушкул бўлиб қолади. Айти пайтда, мамлакатда ижтимоий барқарорлик таъминланмас экан, унинг мудофаа қобилияти ҳам мустаҳкам бўлмайди ва иқтисодиёти самарали ривожланмайди.

Иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ёритиб беришдан олдин миллий хавфсизлик тушунчасига тўхталиб ўтиш керак бўлади. Миллий хавфсизлик манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли сифатида манфаат ва эҳтиёжларни қондириш, моддий, маънавий, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги барча тасаввурларни ифодалайди. Мамлакатнинг миллий хавфсизлиги унинг миллий манфаатларини турли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий ва бошқа омиллар таъсири ва таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилади. Шунинг учун ҳам миллий хавфсизлик таркиби мураккаб тузилишга эга бўлиб, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, экологик, ғоявий, мафкуравий, ахборот хавфсизлигини ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Миллий хавфсизлик турлари ва миллий хавфсизликнинг энг заиф соҳалари

Иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишига қодирлигини таъминлашга йўналтирилган.

Республикада иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакат миллий хавфсизлигининг бир қисми сифатида биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида кўриб чиқилди. Унда мамлакатнинг миллий хавфсизлиги, унинг ажралмас қисми бўлган иқтисодий хавфсизлик масалалари назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган.

Ҳозирги пайтда иқтисодий хавфсизлик бу - мамлакат иқтисодиётини доимий барқарор ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирларнинг умуммиллий мажмуаси бўлиб, у албатта давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва мустақиллигини ҳамда ташқи ва ички таҳдидларга қарши туриш механизмини кўзда тутди.

Илмий адабиётларда ва дарсликларда «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг турлича талқинлари берилган. Бир гуруҳ олимлар мазкур тушунча мазмунини мамлакатнинг етарли муҳофаа салоҳиятини, давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кафолатлашга қодир бўлган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг аҳволи сифатида таърифлайди<sup>4</sup>.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса ўрганилаётган тушунчани ҳокимият институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш механизмларини яратишга қодирлиги ва тайёрлиги, деб талқин қиладилар.

А. Исаходжаев ва А. Расулевларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик бу фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат бўлмай, давлат ҳокимияти институтлари, ижтимоий бирлашмалар, хусусий секторнинг

---

<sup>4</sup> Экономическая безопасность: учебное пособие/ М.В. Кунцман. – М.: МАДИ, 2016. – 152 с.

мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг миллий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмини яратиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга тайёрлиги ва қобилиятидир.

“Иқтисодий хавфсизлик” деганда иқтисодиётнинг мамлакат ижтимоий, сиёсий ва мудофаа қобилиятининг етарли даражасини таъминлаш имконини берадиган ҳолати тушунилади. “Иқтисодий хавфсизлик” - бу халқнинг (давлат орқали) мустақил равишда, ташқаридан бўладиган аралашини ва тазйиқларсиз ўз иқтисодий тараққиёт йўли ҳамда шакллариини белгилашидир. “Иқтисодий хавфсизлик” - бу нафақат миллий манфаатларни ҳимояланган-лиги, балки ҳокимият институтларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоялаш механизмларини яратишга бўлган тайёрлиги ва қобилияти ҳамдир.


Россиялик машҳур олим, академик Л. Абалкин “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг учта асосий унсурини ажратиб кўрсатган. Булар: иқтисодий мустақиллик, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги, мамлакат-нинг ривожланиш ва тараққиёт этишга қодирлиги.<sup>5</sup>

Л.Абалкиннинг фикрича, иқтисодий мустақиллик мутлоқ тавсифга эга эмас, чунки халқаро меҳнат тақсимооти миллий иқтисодиётларни бир-бирига боғлиқ қилиб қўяди. Бундай шароитларда иқтисодий мустақиллик миллий ресурсларни назорат қилиш имкониятини билдиради. Ишлаб чиқариш, самарадорлик ва маҳсулот сифатининг шундай даражасига эришиш керакки, у маҳсулот рақобатбардошлигини таъминласин ва жаҳон савдосида, кооперация алоқаларида ва фан-техника ютуқларини айирбошлашда тенг иштирок этиш имкониятини берсин. Миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги эса мулкчиликнинг барча шакллариини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаоллиги учун шароит ва кафолатларни яратиш, барқарорликка путур етказиши мумкин бўлган омилларга (масалан, иқтисодиётда криминал тузилмалар билан кураш, оғир ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган даромадлар

---

<sup>5</sup> Абалкин Л. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение.// Вопросы экономики. 1994, №12, с. 45

тақсимланишида катта тафовутларга йўл қўймаслик) тўсик бўлиш имкониятларини билдиради.



2- расм. Иқтисодий хавфсизлик даражалари <sup>6</sup>

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мамлакатнинг ўз-ўзидан ривожланиш ва тараққий этишга қодирлиги айниқса ҳозирги пайтда ўта муҳимдир. Инвестиция ва инновациялар учун керакли муҳитни яратиш, ишлаб чиқаришни мунтазам модернизация қилиш, ходимларнинг билим, касб-малака, умумий маданий даражасини ошириш қабилар миллий иқтисодиётнинг барқарорлигининг зарур ва муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади<sup>7</sup>.

Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг шундай ҳолатидирки, бундай ҳолатда мамлакат миллий манфаатларининг қаноатли ҳимоялангани, мамлакат иқтисодий ривожининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ички ва ташқи жараёнлар ривожига энг ноқулай шароитда ҳам мудофаа салоҳиятининг етарли даражада таъминланганлигини ифода этади.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

<sup>6</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность. – СПб.: Питер, 2007, с. 67

<sup>7</sup> Гордиенко, Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекции. Учебно-методическое пособие / Д.В. Гордиенко. - М.: Инфра-М, Финансы и статистика, 2013. - 625 с.

халқаро (глобал ва минтақа даражасида);

миллий, локал (мамлакат ичидаги минтақа ёки тармоқ даражасида);

хусусий (фирма ва шахс даражасида).

Халқаро иқтисодий хавфсизлик - бу ҳар бир давлат, яъни дунё ҳамжамияти аъзосининг ўз ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти стратегиясини эркин танлаш ва амалга ошириш имкониятларининг таъминлангандаги ҳолатидир.

Халқаро иқтисодий хавфсизликни амалга оширишда тараққиёт моделларини зўрлаб ўтказиш, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мажбурлашдан воз кечиш, ҳар қандай халқнинг ўз мустақил йўлини танлаш ҳуқуқини тан олиш, турли мулкчилик шакллари ва манфаатларнинг мавжудлигини қонуний эканлигини ҳурматлаш йўлидан борилади.

Миллий иқтисодий хавфсизлик иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг миллий манфаатларни кафолатли ҳимояланганлиги, мамлакат ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлиги, етарли иқтисодий ва муҳофаа салоҳиятининг таъминлангандаги ҳолатини ифодалайди.

Корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги - маъмурият ва персонал томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий, ташкилий- иқтисодий ва инженер-техник чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир<sup>8</sup>.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқишда унга таъсир етувчи барча омилларни ва биринчи навбатда иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишни ҳисобга олиш керак бўлади.

Шундай қилиб, иқтисодий хавфсизлик миллий иқтисодиётнинг изчил ва самарали ўсишини таъминлай оладиган ички ва ташқи шарт-шароитлар йиғиндисини ҳамда унинг жамият, давлат, шахснинг эҳтиёжларини қондира

---

<sup>8</sup>Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: Академия, 2006, 111 – б.

олиш, ташки бозорларда рақобатбардошлигини таъминлай олиш, турли таҳдидлардан ҳимоясини кафолатлай олиш қобилиятини ифодалайди.

Бундан келиб чиқадики, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги биринчи навбатда иқтисодиётнинг самарадорлиги билан таъминланиши керак, яъни иқтисодиёт юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш, рақобатбардошликни таъминлаш асосида ўзини ўзи ҳимоя қилиши зарур. Бу эса давлат органлари, иқтисодиётнинг барча бўғинлари ва ташкилий тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

## **1.2. “Иқтисодий хавфсизлик” фанининг предмети, объекти ва мақсади**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида катта ўзгаришлар амалга оша бошлади. Бу интеграция жараёнларида ва халқаро меҳнат тақсимотида, глобаллашув жараёнларининг тезлашувида намоён бўлди. Жаҳон мамлакатларининг тараққиёт даражасидаги тафовутларнинг кучайиб бориши ва ривожланган давлатлар томонидан тенг бўлмаган иқтисодий муносабатларни амалга оширилиши, яъни билвосита назорат қилиш (инвестициялар киритиш, кредит ва субсидиялар бериш йўли билан) сиёсатини амалга ошириш, баъзи ҳолларда сиёсий тазйиқ ўтказиш каби ҳодисалар ҳам ҳозирги даврнинг хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан қарам мамлакатларга савдо эмбаргоси орқали сиёсий шартлар қўйиш амалиётини, бунинг оқибатларини бошдан кечирган Ироқ, Эрон, Ливия, Куба каби мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Маълум даврларда жаҳон иқтисодиётида, алоҳида олинган минтақаларда, мамлакатларда содир бўладиган турли инқирозлар миллий, шу жумладан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммоларининг долзарблигини оширади. Маълумки, АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидан бошланиб, кейинчалик жаҳон иқтисодиётини қамраб олган “молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни

келтириб чиқарди”<sup>9</sup>. Бундай шароитда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолини турмуш даражасини пасайиб кетишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада зарурий чора-тадбирларни белгилаш учун эса таҳдидларнинг характери, миқёси, уларнинг оқибатларини билиш керак бўлади.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг, глобал молиявий- иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида таъкидланганидек, бунинг тасдиғини республиканинг ташқи дунё билан алоқаларининг тобора кучайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширилаётганлигида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида ва бошқаларда кўриш мумкин.

Бундай шароитда мамлакат корхоналарини ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини таъминлаш, дунё бозорлари талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортни рағбатлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш эса мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий хавфсизликни ҳам, миллий хавфсизликни ҳам бирдек таъминлаш давлатнинг энг асосий функцияларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Америкалик мутахассисларнинг фикрига кўра, иқтисодий хавфсизлик таъминланиши учун камида иккита шарт бажарилиши керак:

---

<sup>9</sup> И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, Ўзбекистон. 2009 4-б



- биринчиси, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, хўжаликнинг таракқий этишига тегишли бўлган қарорларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб қабул қилиш қобилиятини сақлаб қолиш;

- иккинчиси, аҳолининг эришилган турмуш даражасини сақлаб қолиш ва уни янада юксалтириш имкониятларининг мавжуд бўлиши<sup>10</sup>.

Бундан кўриш мумкинки, иқтисодий хавфсизлик - бу энг аввало мамлакат миллий манфаатларининг ҳимояланганлигида яққол ўз ифодасини топади.

Ҳар қандай фаннинг предмети ва объекти мавжуд бўлганидек, “Иқтисодий хавфсизлик” фанининг ҳам ўз объекти ва предмети мавжуд.

Бир томондан иқтисодий тизимнинг объектив ҳимояланиш хусусиятлари, унга хавф соладиган куч ва омилларга қарши туриш механизмини, иккинчи томондан, давлатнинг ҳимоячи сифатидаги функциялари, шу мақсадда ташкил этиладиган институтларни ўрганиш ушбу фаннинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт ва унда амалга ошадиган жараёнлар “Иқтисодий хавфсизлик” фанининг объектини ташкил этади.

Давлат, жамият ва шахснинг муҳим ҳаётий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида назарий ва амалий билимлар бериш фаннинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

### **1.3 Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари (индикаторлари)**

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати мезон ва кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Макро ва микро даражада иқтисодий хавфсизликка бўладиган таҳдидларни таҳлил қилиш ва башоратлашда иқтисодий хавфсизликнинг мингдан зиёд кўрсаткичларидан фойдаланилади. Лекин шуларнинг ичида 19 та индикатордан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланилади. Бу индикаторлар иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторларида ва ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликнинг муҳим

---

<sup>10</sup> Гордиенко, Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекции. Учебно-методическое пособие / Д.В. Гордиенко. - М.: Инфра-М, Финансы и статистика, 2013. - 625 с.

жиҳатларини ифодалайди. 19 та индикаторнинг хусусиятларидан бири улар орасидаги ўзаро боғлиқликдир.

Иқтисодий хавфсизликнинг мезон ва кўрсаткичлари асосида иқтисодий тизимнинг амал қилишидаги таҳликали чегаралар белгиланади. Кўрсаткичлар таҳликали чегаралар сифатида қабул қилинган бирликлардан чекинган ҳолатларда тизим изчил ривожланишга бўлган қобилиятини, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини йўқотиб боради, трансмиллий корпорацияларнинг экспансияси объектига айланиб қолади, миллий бойликларнинг талон-тарож қилиниши, хуфёна иқтисодиёт ва коррупция миқёсларининг кенгайишидан зарар кўради.

Давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иқтисодиётни нафақат сифат, балки хавфлардан холи бўлган тарзда ривожланиш чегараларини сон жиҳатдан ҳам белгилаши талаб етилади.

Демак мамлакатда иқтисодий хавфсизлик ҳолатининг сустлашишига маълум бир чегара доирасида йўл қўйилиши мумкин. Иқтисодий хавфсизлик учун кўрсаткичларнинг ўзи эмас, уларнинг чегаравий миқдори муҳим аҳамиятга эга. Шу чегараларга риоя қилмаслик такрор ишлаб чиқаришнинг турли элементларини нормал тараққий этишига тўсқинлик қилади. Иқтисодий хавфсизликда негатив, бузувчи жараёнларнинг шаклланишига олиб келади. Иқтисодий хавфсизликнинг миқдорий кўрсаткичлари бўйича миллий манфаатларни таъминлаш мақсадида кўрсаткичларнинг энг қуйи ёки юқори чегаралари аниқланади.

Ҳокимият институтлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий хавфсизлик сиёсати кўрсаткичларнинг барчасини меъёрида сақлаб туришга қаратилиши керак. Иқтисодий хавфсизликнинг бир чегаравий кўрсаткичи бошқа шундай кўрсаткичнинг ёмонлашуви ҳисобига таъминланиши мумкин эмас. Давлат ҳар бир аниқ ҳолатда хавфсизлик ва иқтисодий самарадорликнинг уйғунлашувини таъминлашга ҳаракат қилиши керак бўлади. Айтиш пайтда қисқа давр оралиғида фойда келтириши мумкин бўлган иш, стратегик жиҳатдан умуман фойдасиз бўлиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликнинг мезони - иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини ифодаловчи муҳим жараёнлар нуқтаи назаридан иқтисодий ҳолатни баҳолаш ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ресурс салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш;
- ресурс, капитал, меҳнатдан самарали фойдаланиш даражасини етакчи мамлакатлар даражасига ва шунингдек, ички ва ташқи характерга эга бўлган таҳдидлар минимумни ташкил этгандаги даражасига мувофиқлигини баҳолаш;
- иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- ҳудудий сарҳадларни ва иқтисодий маконни яхлитлигини баҳолаш;
- суверенитет ва мустақилликни, ташқи таҳдидларга қарши туриш имкониятларини баҳолаш;
- ижтимоий барқарорликни ва ижтимоий зиддиятларни олдини олиш ва ҳал этиш имкониятларини баҳолаш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун унинг индикаторлари мониторингини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мониторинг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг ўзгариш тенденциялари ва истиқболини аниқлаш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, мезонлар бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш учун йўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Уни амалга оширишда жамият базисини қайта ташкил этиш, ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятини қайта қуриш, янги бозор институтларини, хўжалик юритиш дастакларини, бошқариш тизимини яратишга мувофиқ босқичма-босқич ҳаракат қилиш зарур бўлади.

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

- ялпи ички маҳсулот (ҳудудий ялпи маҳсулот); инфляция даражаси; давлат бюджети камомади; ички қарз даражаси; ташқи қарз даражаси; ишсизлик даражаси; турмуш даражаси ва сифати; олтин валюта захиралари;
- хуфёна иқтисодиёт фаолияти; экологик ҳолат.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари яна бир катор кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Масалан, аҳоли даромадлари, чакана нархлар миқдори, уй-жой билан таъминланганлик, ҳудуднинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ҳудуднинг тўлов баланси, экспорт-импорт сальдоси ва бошқалар.

Юқорида таъкидланганидек, кўрсаткичларнинг барча мажмуаси қабул қилинган чегаралар доирасида бўлган ва бир чегаравий кўрсаткич бошқа бир



**3- расм. Иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг гуруҳланиши**

чегаравий кўрсаткичнинг ёмонлашуви ҳисобига яхшиланмаган тақдирдагина хавфсизликнинг энг юқори даражасига эришилади.

Хавфсизлик кўрсаткичлари билан уларнинг таҳликали чегара миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик динамикада ўрганилиши зарур.

Адабиётларда иқтисодий хавфсизликнинг таҳликали чегарасига оид индикаторлар 50 та кўрсаткични ўз ичига олган бўлиб, улар тўрт гуруҳга ажратилиб туркумланган: иқтисодиётнинг барқарор ривожланишга қодирлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; молиявий тизим барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; ижтимоий соҳа кўрсаткичлари; ташқи савдо ва иқтисодий фаолият кўрсаткичлари.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичларига ялпи ички маҳсулот ҳажми, саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва унинг таркиби, машинасозлик маҳсулотлари ҳажмида янги турдаги маҳсулотлар улуши, муҳофаа ва фан учун ҳаражатлар улуши каби кўрсаткичлар киради.

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичларига эса давлат бюджети камомати, давлат қарзи, пул муомаласи, ўзаро ҳисоб-китоб ва бошқа молиявий кўрсаткичлар киради.

Учинчи гуруҳ аҳоли даромадлари даражаси, аҳолининг мулкӣ жиҳатдан табақаланиши, ишсизлик кабиларни ўз ичига олади.

Тўртинчи гуруҳ кўрсаткичларига эса мамлакат ички истеъмолида импортнинг улуши ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмида экспортнинг улуши каби индикаторлар киради.

Хўжалик юритишнинг исталган соҳасида - ишлаб чиқариш, ташқи савдо, илмӣ-техникавий ҳамкорлик ва бошқаларда, барча мамлакатлар учун хавфсизликнинг маълум чегаралари мавжуд бўлиб, уларни илмӣ асосланган меъёрлар асосида аниқлаш мумкин. Айни пайтда айрим олинган мамлакатда мавжуд бўлган вазиятга тўлиқ баҳо берувчи универсал кўрсаткич мавжуд эканлиги тўғрисида гапириш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки иқтисодий хавфсизлик кўп омиллар таъсирида бўладиган ҳодиса ҳисобланиб, у миллий ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўзгариб турувчи ички ва ташқи шароитларининг йиғиндисини акс эттиради.

Академик В.К. Сенчаговнинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Экономическая безопасность России” номли дасриқда таъкидланишича, иқтисодиёт ҳолати ва унинг хавфсизлиги учта индикатор, яъни истеъмол нархлари, миллий валюта курси ва аҳолининг пул даромадлари билан белгиланади. Мана шу учта индикатор иқтисодий хавфсизликнинг бошқа индикаторларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Улар иқтисодий хавфсизлик воситаси сифатида хизмат қилади<sup>11</sup>. Бундай кўрсаткичлар давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифаларини амалга ошириш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Чегара кўрсаткичлари - иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларнинг миқдор жihatдан ифодаланишидир. Мазкур кўрсаткичлар тизимли таҳлил, прогноз ва ижтимоий-иқтисодий режалаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасида асосий устуворлик аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўлганлиги боис ЯИМ ҳажми ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг қуйи чегаравий миқдорларини белгилашда айнан шу кўрсаткичлар асос сифатида олинishi керак.

1-жадвал.

**Иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Кўрсаткичларнинг қуйи чегараси</b>
ЯИМга нисбатан инвестициялар ҳажми, фоизда	25
Илмий-тадқиқот ишланмалари учун харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда	2
Яшаш минимумидан паст даромад даражасига эга бўлган аҳоли улуши, фоизда	7
Аҳолининг умр кўриш узунлиги	70
Децил коэффиценти	8
Жиноятчилик даражаси ҳар 100 минг кишига	5000
Инфляция даражаси	20
Ташқи қарз, ЯИМга нисбатан фоизда	25
Давлат бюджети камомади	5
Пул массаси М2, ЯИМга нисбатан фоизда	50
Ички истеъмолда умумий импортнинг улуши, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари	30 25
Халқаро меҳнат ташкилоти услубиётига кўра, ишсизлик даражаси, фоизда	7

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ижтимоий соҳада таҳдидлар минимал даражада бўлиши учун яшаш минимумидан паст даромадга эга бўлган аҳоли улуши 7-10 фоизни ташкил этиши, бой ва камбағаллар даромадлари ўртасидаги тафовут эса саккиз мартадан ошмаслиги керак.

Бир гуруҳ олимлар иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий миқдорларини белгилашда БМТ томонидан 1990 йилда қабул қилинган инсоний ривожланиш

<sup>11</sup>Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб. Питер 2007, с. 12

индексини таклиф этадилар. Мазкур индекс ижтимоий тараққиётнинг энг аниқ умумлашган кўрсаткичи (мезони) бўлиб ҳисобланади<sup>12</sup>. Инсон тараққиёти индекси (ИТИ / Human Development Index (HDI) — бу дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатларида инсоннинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида тараққий этишини тавсифловчи йиғма кўрсаткич ҳисобланади. Инсон тараққиёти индекси ҳар йили БМТнинг Тараққиёт дастури экспертлари ва мустақил халқаро экспертлар гуруҳи билан биргаликда халқаро ташкилотлар ва миллий институтларнинг статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Инсон салоҳиятининг ривожланиш концепцияси БМТ Тараққиёт дастурининг ўзига хос интеллектуал маҳсулоти ҳисобланади. 1990 йилда БМТнинг Тараққиёт дастури дунё мамлакатларининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига баҳо берган ҳолда биринчи маърузасини эълон қилди. Мазкур маърузада инсон тараққиёти тушунчасига таъриф берилади. Унга кўра, инсон тараққиёти - бу танлаш имкониятларининг кенгайиб бориш жараёни ҳисобланади. Танловнинг энг муҳим элементлари бўлиб, узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, зарурий таълим даражасига эга бўлиш ва моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланганлик ҳисобланади. Сиёсий эркинлик, инсон ҳуқуқларининг етарлича кафолатланганлиги, ўз-ўзини намоён қилиш ва шу кабилар танловнинг қўшимча элементлари ҳисобланади. 2010 йилда эълон қилинган инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузада “инсон тараққиёти” тушунчаси бир мунча тўлдирилади. Мутахассислар инсон тараққиётида ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш тамойиллари муҳим ўрин тутди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таърифига кўра, инсон тараққиёти - бу инсонларнинг узоқ, соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришлари борасида танлов имкониятларининг кенгайиб бориши ва шу аснода инсонларнинг глобаллашиб бораётган жамиятда барқарор ривожланиш ва ижтимоий адолат мезонларини таъминлашда фаол иштироклари ҳамдир.

---

<sup>12</sup>Shu manba 73 bet.

Макур таърифга кўра, инсон тараққиёти уч ташкил этувчини ўз ичига олади. Буларнинг биринчиси фаровонлик, иккинчиси ҳуқуқ ва имкониятларнинг кенгайиши ва учинчиси ижтимоий адолатлиликдир.

Инсон тараққиёти концепциясининг асосий стратегик инструменти бўлиб, 1990 йилда покистонлик иқтисодчи Махбуб ул-Ҳақ томонидан ишлаб чиқилган инсон тараққиёти индекси ҳисобланади.

Инсон тараққиёти индекси — бу у ёки бу мамлакатдаги фуқароларнинг ҳаёт кечириш даражасини кўрсатувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур индекснинг “турмуш даражаси”, “ҳаёт сифати” каби синонимлари ҳам мавжуд. Инсон тараққиёти индекси мамлакатнинг ривожланишига мамлакат фуқароларининг соғлиғи, таълим олиш имкониятлари ва даромадлари даражасидан келиб чиқиб баҳо беради:

1. кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси
2. саводхонлик даражаси индекси;
3. ялпи миллий даромад индекси.

Инсон тараққиёти индекси билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик жиҳатидан қайта ҳисобланган инсон тараққиёти индекси, гендер тенгсизлиги индекси ва кўп қиррали қашшоқлик индексидан ҳам фойдаланилади. Адабиётларда иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий миқдорлари учта гуруҳга ажратиб кўрсатилади:<sup>13</sup>

биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш соҳаси, унинг ташқи дунёга минимал даражада боғлиқлик шароитида фаолият юритиш қобилиятини киритадилар. Ушбу гуруҳга қуйидаги чегаравий миқдорлар киритилган:

- ЯИМ умумий ҳажми - “катта еттилик” бўйича ўртача индикаторнинг 75 фоиз миқдорида;

- аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми - “катта еттилик” бўйича ўртача индикаторнинг 50 фоиз миқдорида;

- дунё бўйича ўртача индикаторнинг 100 фоиз миқдорида;

---

<sup>13</sup> Shu manba, 74-75 betlar.




- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши умумий ҳажмида қайта ишлаш саноати улуши - 70 фоиз;
- ЯИМда инвестициялар улуши - 25 фоиз;
- саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик улуши - 20 фоиз;
- аҳолининг ички истеъмолида импорт улуши - 30 фоиз, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари - 25 фоиз;
- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида янги маҳсулотлар улуши - 6 фоиз.

**ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ**



**ТЕНГСИЗЛИКНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДАГИ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ**



**ГЕНДЕР ТЕНГСИЗЛИГИ ИНДЕКСИ**



**КАМБАҒАЛЛИКНИНГ КўП ҚИРРАЛИ ИНДЕКСИ**



4-расм. Инсон тараққиёти индекси ташкил этувчилари

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичлари таркибига аҳоли турмуш даражаси ва сифати билан боғлиқ чегаравий миқдорлар киритилган:

- аҳолининг умумий сонида яшаш минимумидан паст даромадга эга бўлган фуқаролар улуши - 7 фоиз;
- умр кўриш узунлиги - 70 ёш;
- бой ва камбағаллар даромадлари ўртасидаги тафовут - 8 марта;
- ишсизлик даражаси - 7 фоиз.

Учинчи гуруҳ кўрсаткичлари молиявий ҳолат билан боғлиқ бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

- ЯИМга нисбатан ички қарз миқдори - 30 фоиз;
- ЯИМга нисбатан ташқи қарз миқдори - 25 фоиз;
- ЯИМга нисбатан бюджет дефицити - 5 фоизгача;
- нақд хорижий валюта ҳажмининг нақд миллий валюта ҳажмига нисбати 25 фоиз;
- ЯИМга нисбатан пул массаси (M2) - 50 фоиз.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, чегаравий кўрсаткичларнинг бир хил миқдорини белгилаб қўйиш услубий жиҳатдан унча тўғри бўлмайди. Масалан, биринчи гуруҳ кўрсаткичларида келтирилганидек, инвестициялар улуши ЯИМга нисбатан ҳисоблаганда 25 фоиздан кам бўлган ҳолатда иқтисодиётга таҳдид юзага келади. Лекин, айти пайтда инвестициялар улуши 40 фоиз бўлганида ҳам таҳдид юзага келиши мумкин. Фарқ шундаки, биринчи ҳолатда меҳнат қуролларининг моддий ва маънавий жиҳатдан эскириши натижаси сифатида таҳдид юзага келса, иккинчи ҳолат аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий хавфсизликнинг айрим чегаравий миқдорларини қатъий қилиб эмас, балки маълум доира чегарасида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистоннинг интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг, глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисмига айланганлиги шароитида мамлакат миллий хавфсизлигининг муҳим элементи бўлган иқтисодий хавфсизликни таъминлаш

муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий хавфсизлик эса энг аввало мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳимояланганлигини акс эттиради.

2. Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, унинг моддий асоси бўлиб, иқтисодий категория сифатида давлатчилик шаклланган ҳамда жамият ўз манфаатларини англаб етган даврлардан пайдо бўла бошлаган. Иқтисодий хавфсизлик мамлакат миллий манфаатларининг кафолатли ҳимоялангани, мамлакат иқтисодий ривожининг ижтимоий йўналтирилгани, ички ва ташқи жараёнлар ривожига энг ноқулай шароитда ҳам мудофаа салоҳиятининг етарли даражада таъминланганлигини ифода этади.

3. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати мезон ва кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Мана шу мезон ва кўрсаткичлар асосида иқтисодий тизимнинг амал қилишидаги таҳликали чегаралар белгиланади. Мамлакатда иқтисодий хавфсизлик ҳолатининг суствлашишига маълум бир чегара доирасида йўл қўйилиши мумкин. Иқтисодий хавфсизлик учун кўрсаткичларнинг ўзи эмас, уларнинг чегаравий миқдори муҳим аҳамиятга эга. Шу чегараларга риоя қилмаслик такрор ишлаб чиқаришнинг турли элементларини барқарор таракқий этишига тўсқинлик қилади.

### **Назорат саволлари**

1. Иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ёритиб беринг?

2. Иқтисодий хавфсизликнинг объекти ва субъектлари тўғрисида тушунча беринг?

3. Иқтисодий хавфсизлик индикаторлари ва мезонлари нималардан ташкил топади?

4. Иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичлари ҳақида батафсил тушунча беринг?

5. Иқтисодий хавфсизлик фанининг объекти ва предметини нималар ташкил этади?

*Ақл-идрокдан йироқ иқтисодиёт ҳаммадан аввал инқирозга юз тутади.*

*Бенджамин Франклин*

## **2-МАВЗУ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАКЛИ ВА УСУЛЛАРИ**

**Режа:**

**2.1. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмининг мазмуни, тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари.**

**2.2. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг шакллари.**

**2.3. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ички иқтисодий механизмлари.**

**2.4. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи иқтисодий механизмлари.**

**Таянч тушунча ва иборалар:** иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми, институт, иқтисодий агент, иқтисодий салоҳият, инновацион ва инвестицион фаоллик, иқтисодий кооперация, рақобатбардош иқтисодиёт

### **2.1. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмининг мазмуни, тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари**

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаат нуктаи назаридан муттасил тарзда ўзаро алоқада бўлишини, шунингдек катта маблағ талаб этувчи ва доимий равишда амалга оширилувчи кўп қиррали жараён ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини шакллантириш борасида тизимли ёндашув иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур ёндашувга мувофиқ иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмининг барча таркибий элементлари яхлитликда, ўзаро боғлиқликда ўрганилади. Айни пайтда тизимнинг ҳар бир унсури иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ишончлилиқ даражасини ошишига хизмат қилувчи ўзига хос функцияларнинг элтувчиси эканлиги билан ажралиб туради.

Хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг турли босқичларида барпо қилинувчи иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг **институционал механизми** бундай механизмнинг муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг институционал механизмини қараб чиқишдан аввал, хавфсизлик институтлари тушунчасига аниқлик киритиб олишимиз талаб этилади.

Илмий адабиётларда “институт” тушунчасининг қуйидаги таърифла-рини учратишимиз мумкин:

- Институтлар-бу ҳар қандай жамиятда ўзаро алоқаларнинг амалга оширилишини белгилаб берувчи расмий ва норасмий қоидалар ва меъёрлар тизими;

- Институтлар- ҳар қандай жамиятдаги ўзига хос “ўйин қоидалари” (Д.Норт);

- Институтлар- бу инсонлар ўзларининг кундалик ҳаётларида амал қилиб яшайдиган фикрлаш тарзи;

- Институтлар- бу ўтмишда содир бўлган жараёнларнинг натижаси.

Индивидга таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан барча институтларни расмий ва норасмий институтларга ажратиш мумкин. Норасмий институтлар инсонларнинг жамиятда ўзларини тутишлари ва ҳатти-ҳаракатларига нисбатан қатъий чекловлар ўрнатмайди, аксинча инсонларнинг жамиятда яшашларини имкон даражасида енгиллаштиришга хизмат қилади. Норасмий қоидалага амал қилмаслик қатъий жазоланмасида, аксарият ҳолларда бундай норасмий қоидаларга амал қилмаслик жамият аъзолари томонидан маъқулланмайди. Ўз навбатида уларнинг бузилиши етарлича қаттиқ жазоланишига сабаб бўлувчи қоидаларни расмий институтлар сифатида қабул қилишимиз мумкин бўлади.

Илмий адабиётларда расмий институт норасмий институтнинг ўзига хос давоми сифатида қаралади. Жамиятда мавжуд ўзини тутишнинг ёзилмаган қонун-қоидалари, таркиб топган урф-одатлар ва анъаналардан тобора мураккаб жараёнларга ўтиб борганимиз сари жамиятда қатъий қонун-қоидалар

шаклланиб, индивидларнинг хатти-ҳаракатлари ва қонун-қоидалар расмий кўриниш ола бошлайди. Бунда кўпинча расмий институтлар норасмий қоидалар асосида вужудга келади.

Расмий институт- бу шундай институтки, унга кўра жамият ҳаётини тартибга солиш борасидаги барча хатти-ҳаракатлар ва қоидалар қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, расман тасдиқланган кўрсатмалар, йўриқномалар, қоидалар, регламент, низомлар ва шу қабилар асосида тартибга солинади. Давлат, армия, суд, оила, мактаб ва бошқалар расмий ижтимоий институтлар ҳисобланади. Расман қатъий белгиланган салбий ва ижобий санкциялар асосида мазкур институтлар ўзларининг бошқарув ва назорат функцияларини амалга оширадилар.

Шундай қилиб, иқтисодий ривожланишнинг институционал тузилмаси- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ бўлган институтлар (расмий ва норасмий муносабатлар)нинг йиғин-дисидан иборатдир.

Мазкур қоидаларнинг яхлитлиги иерархик кўринишда ифодаланган бўлиб, бунда қоидаларнинг энг бошида мамлакат конституцияси, сўнгра қонун ҳужжатлари ва қонунлар тўплами, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг қарор ва кўрсатмалари туради, иерархик муносабатларнинг асосини эса индивидуал битимлар ташкил этади. Мазкур иерархия даражаси қанчалик юқори бўлса, расмий қоидаларни ўзгартириш шунчалик катта харажатларни талаб этади.

Институционал механизм иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларнинг ўзига хос инъикоси ҳисоблангани ҳолда, расмий ва норасмий институтларни ҳаракатга келтиради, хўжалик юритувчи субъектлар ва агентларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмини аввалдан шаклланган институтлар ҳаракатга келтиради ва мазкур институтлар жамиятда белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёнида қабул қилинган тартиб ва қоидалардан маълум даражада четга чиқиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур оғишлар институционал механизмнинг самарасизлиги ва шунингдек, мавжуд тартиб ва қоидалар доирасида самарадорлиги юқори бўлган норасмий институтларнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли институционал механизмни қайта кўриб чиқиш ва мослаштириш талаб этилади. Ушбу жараёнда мазкур механизмнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракатларига қай тарзда таъсир кўрсатиши баҳоланади. Таҳлил давомида ўрнатилган институционал механизм доирасида легитим (расмий) ва норасмий тартиб ва қоидалар бирдек ўрганилади ва таҳлил натижасида энг самарали институтлар саралаб олинади. Сўнгра, энг самарали деб топилган норасмий институтлар расмийлаштирилади, оғишлар бартараф этилади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатлари доирасига расмий институтларни жорий этиш амалиёти сифатида интериоризация жараёнлари амалга оширилади.

Институционал механизм ўзининг бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради:

- Хўжалик юритувчи субъектлар ва агентлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаштиришда муҳим ўрин тутаяди;
- Хўжалик юрйтиш механизми доирасида ривожланади ва унинг ўзгариши хўжалик юрйтиш механизмнинг трансформацияси туфайли юз беради;
- Хўжалик алоқалари доирасида иқтисодий субъектлар ва агентларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишга ва белгилашга йўналтирилган;
- Унинг ёрдамида хўжалик юрйтиш механизмнинг барқарор-лигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишга эришилади;
- Хўжалик юрйтиш механизмнинг бошқа таркибий ташкил этувчиларига нисбатан ўзининг бир мунча консервативлиги билан ажралиб туради;



- Хўжалик юритиш механизми доирасида умумий мақсадларга эришиш учун субъектларнинг индивидуал манфаатларини тизимлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди;

- Мазкур механизм орқали субъектларнинг умум қабул қилинган меъёрлар ва қоидалардан четга чиқишлари тартибга солинади ва мўътадиллаштирилади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмини иқтисодий хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тавсифга эга бўлган чора-тадбирлар тизими сифатида ифодалаш мумкин. Бундай чора-тадбирлар сирасига қуйидагилар киради:

- ✓ Иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш, уларни башоратлаш ва келгусида мазкур хатарларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилувчи иқтисодий вазиятнинг ҳар томонлама ва ҳаққоний мониторинги;

- ✓ Бундай чегаравий кўрсаткичларга амал қилмаслик келгусида турли хил низолар ва беқарор вазиятни келтириб чиқариши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чегаравий қийматларини аниқлаштириш. Чегаравий қийматлар (кўрсаткичлар)- бу иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан хўжалик фаолиятида йўлқўйилиши мумкин бўлган чегаравий нисбатларнинг рақамларда ифодаланувчи миқдорий индикаторлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичларга амал қилмаслик такрор ишлаб чиқариш жараёни турли иштирокчиларининг иқтисодий жиҳатдан бир текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, келгусида мамлакат иқтисодий хавфсизлигига катта салбий таъсир кўрсатади;

- ✓ Давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаштириш ва уларни бартараф этиш борасидаги фаолияти.

В.К.Сенчагов иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида қуйидаги кўринишга эга бўлган схемани тавсия этади:

1. Миллий манфаатлар; иқтисодий сиёсатнинг (стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли) устуворликлари, мақсад ва вазифалари.

2. Таҳдид ва хавф-хатарлар (ички, ташқи).

3. Индикаторлар ( кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, улар сигнал (хабар) бериш функциясини бажаради).

4. Чегаравий қийматлар (иқтисодиётнинг хавфсиз ҳолатини хавфли ҳолатдан ажратиб туради).

5. Чегаравий қийматлар билан индикаторларнинг амалдаги ва истиқболли кўрсаткичларини таққослаш асосида хавфсизликни баҳолаш.

6. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегия ва концепцияси.

7. Ташкилий- бошқарув блоки.

Мамлакатимизда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг Давлат стратегиясига мувофиқ, чегаравий қийматлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодиётнинг ташқи омилларнинг таъсиридан қатъий назар кенгайтирилган такрор ишлаб жараёнларини таъмин эта олиш, бу ўз навбатида кундалик ҳаётда ва шунингдек экстремал вазиятларда ҳам давлатнинг мавжуд бўлиши учун мамлакатда ишлаб чиқаришнинг муҳим ҳаётий тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш имкониятларини кўзда тутди. Стратегик ресурслар устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг мамлакат ҳудудидан ортиқча миқдорларда олиб чиқиб кетишининг олдини олиш, мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳар қандай вазиятда ҳам фаол ҳимоя қила олиш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

2. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уни бир маромда ушлаб туриш. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш нуктаи назаридан қашшоқлик, аҳоли даромадларининг табақаланиши ва ишсизлик кўрсаткичлари қийматининг белгиланган чегаралардан ошиб кетишига йўл қўймаслик.

3. Инвестицион фаолликни ошириш мақсадида тегишли молиявий шарт-шароитларни яратиш, миллий валюта, молия ва банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга чиқишига кенг имкониятлар яратиб берувчи ташқи савдонинг мақбул тузилмасини яратиш. Қўшни ва яқин хориж давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш.

5. Мамлакатнинг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва илмий-техникавий тараққиётнинг стратегик йўналишларида мамлакат хавфсиз-лигини таъминлашга йўналтирилган илғор миллий илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг ҳар томонлама ривожланишига кўмак кўрсатиш.

6. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда умуммиллий бозорларнинг амалда бўлиши ва турли хил сепаратик тенденцияларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ва умумдавлат манфаатларига риоя этилишини таъмин этувчи ягона иқтисодий маконни сақлаб қолиш ва халқаро доирада кенг кўламли иқтисодий алоқаларни амалга ошишига кенг имкониятлар яратиб бериш.

7. Жамият ҳаётининг турли жабҳалари ва шунингдек, хўжалик ва молиявий фаолият юритиш соҳа ва тармоқларининг криминаллашувини олдини олиш мақсадида қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

8. Турли иқтисодий вазиятларда бозор иқтисодиётининг меъёрада амал қилишини кафолатлаш мақсадида давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувининг зарурий чегараларини аниқлаштириш ва таъминлаш.

Умуман олганда юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси моҳиятини аниқлаштиришда бир мунча қўл келади ва мазкур тушунчани ҳар бир жиҳатини инобатга олган ҳолда ўрганиш имконини беради. Чегаравий қийматлар иқтисодиёт соҳалари бўйича мамлакатнинг миллий манфаатлари доирасидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш институциоанал механизмининг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. О.В.Иншаков ва Н.Н. Лебедевлар фикрича, институционал механизм қуйидаги функцияларни бажаради ва ўз навбатида мазкур функцияларни иқтисодий хавфсизликни

таъминлашнинг институционал механизмига тўлалигича мансуб дейишга асослар мавжуд:

1) ҳамкорликда фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида умумий нормалар ва статуслар кўмагида агентларни битта субъектга интеграциялашувини таъминлаш;

2) қоида ва меъёрларни ва шунингдек, субъектлар ва турли институтларнинг агентларини табақалаштириш;

3) белгиланган талаблар асосида институт субъектлари ва унинг агентларининг ўзаро алоқаларини тартибга солиш;

4) янги талабларнинг кундалик реал воқеликка айланишини амалга ошириш;

5) кундалик одатга айланган инновацияларнинг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

6) турли институтларга мансуб бўлган субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш ва улар ўртасида субординацияни таъминлаш;

7) субъект ва агентларни қабул қилинган қоидалар ва шунингдек уларнинг оппортунистик хулқ-атворлари тўғрисида хабардор қилиш;

8) институт томонидан белгиланган талабларга риоя этувчи ва уни инкор этувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш;

9) меъёр, қоида, келишув ва шаклланган тартибларга риоя қилинишини назорат қилиш.

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимларни динамик моделлаштириш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми-ни ишлаб чиқиш борасида Россиялик олим В.В.Водянова томонидан ўзига хос ёндашув таклиф қилинган. Мазкур ёндашувга мувофиқ, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми хавф-хатарлар ва хавф-хатарга учраши мумкин бўлган объектларни аниқлаштириш ва мазкур таҳдидлардан ҳимояланишнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш

имконини берувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий омиллар билан шартланувчи элементларнинг умумийлигини ифода этади.

Институционал механизм амалда бўлишининг асосий қоидалари тамойиллар деб юритилади ва бундай тамойиллар сирасига қуйидагилар киритилади:

- мамлакат қонунчилиги нормалари ва тизимнинг амалда бўлишини белгилаб берувчи қоидаларга риоя қилиш;
- турли соҳаларда фаолият юритувчи хўжалик субъектлари иқтисодий манфаатларининг мувозанатини таъминлаш;
- иқтисодий хавфсизликка таҳдид ва унга қарши курашиш борасидаги тадбирларга устуворлик бериш;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ресурс асосини яратиш ва уни мустаҳкамлаш;
- иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми-ни бошқаришда марказлашган ва номарказлашган ёндашувлардан фойда-ланиш ва уларнинг қўлланилиши борасида улар устидан назорат ўрнатиш;
- ижтимоий хўжаликнинг бошқа соҳаларида хавфсизликни таъминлаш механизмлари билан институционал механизмнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
- иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва шу каби турли тавсифга эга бўлган чора-тадбирларни амалга оширишда тизимли ёндашувга асосланиш.

Юқорида тилга олиб ўтилган механизмнинг таркибий жиҳатларини аниқлаштирган ҳолда, биринчи навбатда иқтисодий хавфсизликнинг объектлари бўлган индивидлар (шахслар); яхлит ҳолда жамият, уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли қатламлари, жамоат бирлашмалари; юридик ва жисмоний шахслар ва шунингдек, тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари сифатида давлатга эътибор қаратиш талаб этилади. Маълумки, умумий ҳолатда жамият ва ҳар бир шахс манфаатлари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир, шу сабабли ҳам ҳуқуқий ҳимоя объекти саналувчи асосий

ижтимоий манфаатлар ва ижтимоий муносабатлар ҳар бир иштирокчисининг ҳаётий манфаатлари яхлит бир бутунликни ташкил этади. Бунда хусусий ва оммавий манфаатларнинг турличалиги нафақат мазкур манфаатлар ўртасида, балки уларнинг алоҳида турлари ўртасида ҳам бир қатор зиддиятларни келтириб чиқаради.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмини ташкил этувчи барча элементларнинг ўзаро ҳамкорликда бўлиши лозим-лигини инкор этмаган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмидаги таркибий беқарорлик мазкур механизмнинг самарали фаолият кўрсатиши борасида жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш иқти-содий хавфсизликни таъминлаш институционал механизмининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда энг биринчи вазифа ҳисобланади.

Давлат иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмида асосий мувофиқлаштирувчи вазифасини бажарганлиги боис, юқорида тилга олиб ўтилган зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда давлатнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Ўз манфаатлари йўлида ҳаракатланувчи давлатга қарашли бўлмаган нодавлат субъектлари институционал механизмнинг юқори даражадаги функциялари (масалан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш)ни уддалай олмайдилар, мазкур институционал механизмнинг бир қатор функцияларини тор доиралардагина амалга ошира оладилар холос.

Бугунги кунда мамлакатда бозор муносабатларини эркинлаштириш, давлатнинг бошқарувчилик функцияларини қайта кўриб чиқишга қаратилган кенг кўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилаётган бир шароитда, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат ва нодавлат тузилмаларининг узвий ҳамкорлиги талаб этилади. Айнан шу мақсадда кейинги пайтда Маъмурий ислохотларни амалга ошириш концепцияси, “Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Ўзбекистон Респуб-

ликасининг давлат-хусусий шерикчлик тўғрисида”ги Қонунлари ва қатор Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди.

## **2.1. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг шакллари**

Дунёнинг илғор мамлакатларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасидаги бугунги кундаги вазиятни таҳлил қилиш асосида намоён бўлиш шаклига кўра уларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин бўлган жараёнларни илғаш имконини беради:

- 1) шакл ва кўринишларнинг ривожланиш тенденциялари;
- 2) мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш усуллариининг ривожланиши борасидаги тенденциялар.

Биринчи гуруҳга бошқа фаолият турларига нисбатан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида давлат бошқарув органларининг ҳатти-ҳаракатлари ва чора-тадбирларига устувор аҳамият берилиши билан боғлиқ бўлган тенденциялар (ўзгаришлар) киради. Улар ўз навбатида иқтисодиёт-нинг самарали фаолият кўрсатишига миллий лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигининг тобора боғлиқ бўлиб қолаётганлиги; иқтисодиётнинг рақобатчиларнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ ҳолда рақобатбардошлик даражасининг ортиши ёки заифлашиши ва миллий хўжаликнинг ҳаётий муҳим соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги; дунёнинг турли мамлакатлари билан иқтисодий интеграция алоқаларининг кучайиши кабиларда ўз аксини топувчи иккинчи гуруҳ билан ҳам ўзаро алоқада бўлади.

Мураккаб очиқ иқтисодий тизимлар ривожланишининг қонун ва қонуниятлари амал қилиши механизми асосида мазкур тенденцияларни ўрганиш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги қонуниятларини аниқлаштириш имконини берди:

- иқтисодиётнинг самарали амал қилиши биринчи навбатда унинг ресурс таъминотига боғлиқдир. Миллий иқтисодиёт инфратузилмасининг ривожланиши, унинг миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ва

жаҳон хўжалигининг бошқа миллий хўжалик секторлари билан ўзаро алоқаларининг кучайиб бориши асносида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мавжуд шаклларининг тадрижий тараққий этиши билан бир қаторда, уни таъминлашнинг янги шакллари ҳам вужудга кела бошлайди;

- мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлиги кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижавийлигига ва махсус ажратилган ресурслардан қай тариқа фойдаланилишига боғлиқдир. Рақобатчиларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатаётган таъсири, миллий хўжаликнинг бошқа миллий иқтисодиётлар билан ўзаро алоқаларга киришиши, давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга ошираётган мақсадли ўзгартиришлари, буларнинг барчаси иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мавжуд шакл ва ёндашувларининг такомиллашувига, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг истиқболли усулларининг пайдо бўлишига тўртки беради. Ҳатти-ҳаракатларнинг ушбу тизими махсус ажратилган куч ва ресурслардан амалда самарали фойдаланилиши, махсус чора-тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилиши билан ажралиб туради;

- иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва бу борада ажратилаётган куч ва ресурслардан мақсадли фойдаланилиши кўп жиҳатдан махсус ташкилий тузилма фаолиятининг йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш шакл ва усулларини такомиллаштириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг бундай шакл ва усулларини ҳаётга тўлақонли жорий эта олиш имконини берувчи махсус ташкилий тузилма барпо этилишини кўзда тутди;

- мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги қарши томоннинг иқтисодиётга таъсир кўрсатишига боғлиқдир. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда қарши томоннинг миллий иқтисодиёт соҳа ва тармоқларига, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар даражасига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири



атрофлича таҳлил қилинади ва бу борада тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

- иқтисодий кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётининг бошқа мамлакатлар иқтисодиёти билан ўзаро алоқалари кўлами ва тавсифига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий хўжаликнинг макроиқтисодий муҳит билан ўзаро уйғунликда ривожланиши таъмин этилади. Бу эса иқтисодиётнинг амалда бўлиши учун қулай шарт-шароит-ларнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Мазкур шарт-шароитлар қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

✓ иерархик буйсуниш тартибида иқтисодий тизимлар билан ўзаро алоқаларга киришиш чоғида ички иқтисодий хавфсизликни таъминлаш;

✓ бир-бирига буйнсунмайдиган иқтисодий тизимлар ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишда иккала томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

✓ рақобатчи давлатлар иқтисодий тизими амал қилишининг издан чиқиши.

Юқорида кўриб чиқилган қонуниятлар мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шакллари аниқлаштириш имконини беради:

- иқтисодий патронат;
- иқтисодий кооперация;
- иқтисодий қарама-қаршилик.

Иқтисодий патронат ( лотинча, patronus-ҳомий, қадимги Римда ҳуқуқ ва эркинликлари ўз қўлида бўлмаган ёки камбағал фуқароларнинг бой одамларга мутлоқ қарамлигини ифода этувчи ҳомийликнинг алоҳида кўриниши амалда бўлган)- агар алоҳида тизимлар яхлит бир бутун тизим сифатида қаралса, мамлакат иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодий тизимларнинг ички хавфсизлигини таъмин этади. Иқтисодий патронат доирасида глобал бошқариш тизимига кирувчи ҳар бир бошқариш, ишлаб чиқариш ва шу каби тизимларнинг иқтисодий нуқтаи назардан хавфсиз амал қилиши таъмин этилади. Иқтисодий хавфсизликни таъмин-лашнинг мазкур

шаклини кўллаб-қувватлашнинг асосий сабаби шундаки, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат энг аввало фаолиятининг бузилиши ёки тўхтаб қолиши мамлакат тақдирига, унинг иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган миллий иқтисодиётнинг энг муҳим ва ҳаётий тармоқ ва соҳаларини кўллаб-қувватлашга эътибор қаратади.

Миллий хўжаликнинг фавқулодда муҳим тармоқлари иқтисодиётини ташкил этиш ва бошқариш бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хосликларини белгилаб беради. Иқтисодиётнинг мазкур секторларини давлат томонидан бошқаришнинг шакл ва усуллари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) буюртмачи монополиясининг мавжудлиги (аксарият ҳолларда давлатнинг ўзи буюртмачи ҳисобланади);

2) маҳсулотларнинг сифат ва техник тавсифларига алоҳида талаблар қўйилади. Маҳсулотлар учун фан сиғимлилиқ, технология даражасининг юксаклиги каби жиҳатлар муҳим саналса, мазкур соҳаларда амалга оширилувчи инвестицион лойиҳалар учун эса узоқ муддатлилиқ ва капитал сиғимлилиқ кабилар муҳим саналади;

3) стратегик аҳамиятга эга бўлган хом ашё ва материаллар захирасини яратиш, сафарбар этилувчи қувватларни бир маромда ушлаб туришга доимий эҳтиёж мавжуд;

4) технологияларни узатишни чеклаш, ишлаб чиқаришларни ва олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни такрорлаш, ишлаб чиқарувчилар ўртасида пирамидал алоқаларнинг вужудга келишига олиб келувчи иш тартиби, кооперация ва ихтисослашув жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари;

5) бундай тармоқ корхоналарининг жаҳон бозорига чиқиш борасида маълум чеклов ва қийинчиликларга дуч келиши.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг навбатдаги шакли иқтисодий кооперация ҳисобланади. Иқтисодий кооперация бир-бирига буйсунмайдиган турли иқтисодий тизимларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқа-ларини

йўлга қўйиш орқали мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодий кооперация жараёнида миллий хўжаликлар билан турли мамлакатларнинг иқтисодий тизимлари, хорижий ва халқаро ташкилотлар ўртасида иқтисодий ресурсларни ўзаро айрибошлаш борасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади.

Иқтисодий кооперация- бу фаолият самарадорлигини ошириш мақса-дида турли миллий хўжаликларнинг ҳамкорликдаги тузилмаларга уюшиш-ларини тақозо этувчи объектив зарурият ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мазкур шаклини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш миллий иқтисодиёт доирасида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини таъминлаш нукта назаридан ҳар доим ҳам етарли бўлмаслиги билан изоҳланади. Иқтисодий кооперация қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1) фуқаролик ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларининг хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан савдо қилиш. Қуйидагилар савдо алоқаларининг асосий мақсади ҳисобланади: товар ишлаб чиқарувчилар ва экспортчи корхоналарнинг фойдасини ошириш; экспортчи-мамлакат ташқи савдо балансини яхшилаш; оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш ва импорт қилувчи мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун сарфланган харажатларни қисман ёки тўлиғича қоплаш; хўжалик юритувчи субъектларнинг сафарбарлик тайёргарлигини ошириш;

2) энг аввало ривожланаётган мамлакатларга уларнинг иқтисодиётларини мустаҳкамлаш мақсадида молиявий ва моддий кўмак кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олувчи иқтисодий кўмак кўрсатиш. Иқтисодий ёрдам алоҳида мамлакатлар ҳукуматлари ёки хусусий институтлар (тижорат банклари) ўртасидаги ўзаро икки томонлама келишувлар ва шу билан бир қаторда жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама келишувлар асосида кўрсатилади. Иқтисодий ёрдам кўмак қабул қилувчи

мамлакатларга хорижий валюталар оқимининг кўпайишини ва мамлакат ички жамғармалар ҳажмининг орти-шини таъмин этиши билан бир қаторда кўмак қабул қилувчи мамлакатларга янги техника-технологиялар, билимлар ва бошқарув усулларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Қуйидагилар иқтисодий кўмак кўрсатишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

- иттифоқчи ёки шерикларнинг иқтисодий ёки ҳарбий салоҳиятини ошириш;
- ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан қарамлигининг ортиши;
- давлат ва унинг ҳокимият тузилмаларида ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- минтақада муҳим стратегик жойлашув ўрнига эга бўлган давлатларнинг ҳарбий-сиёсий ҳатти-ҳаракатларини моддий ёки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг турли соҳаларида мамлакатларнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотига асосланувчи иқтисодий интеграция иқтисодий кооперациянинг олий кўриниши ҳисобланади. Иқтисодий интеграция қуйидаги кўринишларда амалга ошади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш, стандартлаштириш ва ишланмалар, меҳнат воситаларини модернизациялаш ва таъмирлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш ва уюшмалар тузиш;
- ҳамкорликда иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш;
- биргаликда кадрлар тайёрлаш ва шу кабилар.

Бир-бирига қарама-қарши томонларнинг ўзаро рақобат курашида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шакли бўлиб, қарши иқтисодий кураш ҳисобланади. Бунда қарши курашувчи томонлар ҳарбий куч ва салоҳиятдан фойдаланмаган ҳолда, зарур иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодий фаолият олиб боришнинг ресурс базасини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига

махсулотлар бозорида ва ишлаб чиқариш соҳасида устунликни кўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Қарши курашувчи томонлар ўзаро курашда устунликка интилар эканлар, бунда улар турли усул ва воситалардан фойдаланадилар. Бу усул ва воситалар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: саноат ва технологик шпионаж; экспорт-импорт ташкилотлари, ишлаб чиқариш объектларида жосуслик ва разведка ишларини амалга ошириш; стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар, хом ашё ресурслари, товар ва хизматлар бозорида экспансияни амалга ошириш; стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар, стратегик хом ашё, озиқ-овқат, валюта ва шу кабиларга нисбатан экспорт ёки импорт борасида эмбарго жорий қилиш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш шакли сифатида иқтисодий қарама-қаршилик- бу миллий хўжаликни ҳимоя қилиш ва қарама-қарши курашувчи томонларнинг иқтисодиётига самарали таъсир кўрсатишнинг турли усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда давлатлар, уларнинг блоклари ва коалициялари ёки бошқа рақобатчилар ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир.

Бу борада иқтисодий қарама-қаршилик давлатлараро ( давлатлар ичидаги ёки коалициялар ўртасида) курашнинг қуйидаги ўзига хос соҳаларини камраб олади:

- 1) қарама-қарши томонларнинг хўжалик фаолияти соҳаси;
- 2) қарама-қарши курашувчи томонларнинг сиёсий мақсадларига буйсундирилган иқтисодий кураш усуллари ва йўналишлари;
- 3) транспорт, саноат, молия ва бошқа шу каби хўжалик тизимлари ва объектлари ва уларнинг ҳимоясига таъсир кўрсатиш.

Агар томонларнинг ўзаро иқтисодий қарама-қаршилиги урушга тайёргарлик кўриш ёки уруш олиб бориш мақсадида амалга оширилса, у ҳолда мазкур қарама-қаршилик ҳарбий-иқтисодий соҳада қарама-қаршилик кўринишини олади. Иқтисодий-ҳарбий қарама-қаршилик учун қуйидаги жиҳатлар хос:

- мустақил бўлсада, қарама-қарши томонлар қарши томоннинг хўжалик фаолияти соҳаларига турли йўллар ва воситалар билан аралашади;
- ҳарбий соҳада таъсирни кучайтириш, ҳарбий тайёргарликни ошириш ва ҳарбий машғулотлар йўналишини қарши томонга йўналтириш;
- ҳарбий ва “фуқаролик” ишлаб чиқаришлари ўртасидаги нисбатларни ҳарбий соҳа томонга кўпроқ буриш. Ҳарбий ҳаракатлар аниқ бўлиб қолган пайтда, бутун мамлакат иқтисодиёти ҳарбий ишлаб чиқаришга йўналтирилиши мумкин;
- ҳарбий-иқтисодий қарама-қаршилик ҳарбий курашлар динамикаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади; ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун сарфланувчи ресурслар истеъмолининг ортиши қарши курашувчи томонлар иқтисодиётининг “ҳарбий йўл”га туширилганлигини ва унинг қанчалик чуқурлашганлигини кўрсатади, ҳарбий ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмини белгилаб беради.

Қуйидагилар иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан қарама-қарши курашувчи томонларнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

- қарама-қарши томоннинг хўжалик фаолияти соҳаларини қисқартириш (ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиб олиш ҳажмини ошириш ёки камайтириш, иқтисодиётнинг мобилизацион тайёргарлик даражасини ошириш ва шу кабилар);
- саноат ҳудудлари, ишлаб чиқариш объектлари, транспорт ва бошқа хўжалик майдонларини йўқ қилиш (эгаллаб олиш, бузиб ташлаш) ёки ҳимоя қилиш.

Иқтисодий қарама-қаршилик борасида ўзаро курашувчи томонларнинг кураш стратегиялари одатда қуйидаги мақсадларга буйсундирилган бўлади:

- 1) стратегик хом ашё, озиқ-овқат, қурол-яроғ ва ҳарбий техника эскпорти (импорти) ҳажмларини ошириш ёки камайтириш;
- 2) қарз ва кредитлар бериш ёки олиш;
- 3) хом ашё ва бошқа ресурсларнинг стратегик захираларини яратиш;
- 4) қарама-қарши томонларнинг иқтисодиётини беқарорлаштириш;

5) асосий ишлаб чиқаришлар, транспорт коммуникацияларини резервлаш;

б) иттифоқчи давлатлар ва нейтрал мамлакатларнинг ишлаб чиқариш қувватлари, хом ашё ва бошқа ресурсларидан кенг фойдаланиш.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юқорида тилга олиб ўтилган иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг турли усул ва воситаларидан кенг фойдаланиш талаб этилади.

### **2.3. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ички иқтисодий механизмлари**

Халқаро майдондаги вазият, ташқи иқтисодий айрибошлаш алоқаларининг самарадорлиги, илмий-техникавий тараққиёт ва унинг натижаларидан иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида фойдаланиш даражаси, ижтимоий-иқтисодий алоқалар ҳолати ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси мамлакат иқтисодий хавфсизлигини белгилаб беради. Ҳар қандай мамлакат иқтисодий хавфсизлигинининг моддий асосини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъмин эта олувчи ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ташкил этади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мос механизми ва уни амалга ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим. Замонавий иқтисодиёт умум сиёсий, иқтисодий, маданий ва кадриятларни ишлаб чиқишда ифодаланувчи дунё мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ва ўзаро боғлиқликнинг тобора кучайиб бориши билан тавсифланади. Шу боис глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини иқтисодий таҳдидларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими сифатида кўриб чиқишимиз мумкин. Мазкур механизм қуйидаги элемент-лардан ташкил топади:

- мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва башоратлаш мақсадида иқтисодиёт ва жамият ҳаётини ҳар томонлама объектив мониторинг қилиш;

- уларга риоя қилмаслик беқарорлик ва ижтимоий низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қийматларини белгилаш;

- иқтисодиётнинг ички ва ташқи таҳдидларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида давлатнинг фаолияти.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари орасида ички иқтисодий ва ташқи иқтисодий механизмларни ажратиб олишимиз мумкин. Ички иқтисодий механизмларга қуйидагилар киради:

- 1) мамлакат иқтисодиётида бозор ўзгаришларини амалга ошириш;
- 2) иқтисодиётни бошқаришда марказий муассасалар билан бозор инструментларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
- 3) стратегик заҳира ва запасларни жамғариш.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ички иқтисодий механизмининг самарали амал қилиши қуйидагилар билан тавсифланади:

- миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларини ҳам сифат ва ҳам миқдор жиҳатидан ошириш борасидаги имкониятлари;

- мамлакат ичида муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш даражаси. Мазкур кўрсаткич мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифлайди ва мамлакатнинг асосий маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятлари тўғрисида хулоса қилиш имконини беради;

- давлат стратегияларини етарлича кўлам ва сифатда амалга оширилишини таъмин этувчи асосий иқтисодий ресурслар устидан давлат назоратининг ўрнатилганлиги;

- турли индикаторлар ва мезонлар орқали баҳоланувчи молия тизимининг барқарорлиги. Молия тизими барқарорлигини баҳолаш борасидаги мавжуд индикаторлар нуқтаи назаридан мамлакат молия тизими бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг молия тизимига нисбатан бир мунча



барқарор ҳисобланади. Молия тизими барқарорлигининг асосий муаммолари мезо ва макродаражада мавжуд бўлгани ҳолда, молия институтларининг ривожланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир;

- илмий ва инновацион потенциални кўллаб-қувватлаш. Илмий салоҳиятни акс эттирувчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ЯИМнинг фан сиғимлилиги; фан соҳаси ходимларининг ўртача йиллик сони; иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидан илмий ходимларнинг улуши; илмий муассасалар сони;

- мамлакатда ягона иқтисодий маконни барпо этиш ва уни талаб даражасида ушлаб туриш;

- бозор иқтисодиётининг меъёрида фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан иқтисодий жараёнларни зарур даражада тартибга солиш даражаси.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш воситалари- бу мамлакат иқтисодиётининг турли таҳдидлардан кўриши мумкин бўлган йўқотишларини бартараф қилиш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган ижтимоий ва этик ҳулқ-атвор, мафкуравий, диний, дипломатик, ҳуқуқий ва шу каби нормалар ва шунингдек, иқтисодиётни бошқаришнинг турли: халқаро, минтақавий, жамият ва давлат бошқаруви каби даражаларидаги бошқарув идоралари ва тузилмаларининг умумийлигидир.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаштириш имконини берувчи омилларни мониторинг қилиш ва башоратлаш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг муҳим элементи ҳисобланади. Мониторинг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари динамикасини кузатиб боришнинг тезкор ахборот-таҳлилий тизимини ифода этади. У иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг аниқ миқдорий кўрсаткичлари асосида амалга оширилиши лозим бўлгани ҳолда, ижтимоий-иқтисодий индикаторларнинг беқарорлиги ва тез ўзгарувчанлиги, тармоқлар ўртасида номуносибликларнинг мавжудлиги ва биринчи навбатда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги шароитида иқтисодиётнинг айти дамдаги

ҳолатини баҳолашда катта аҳамият касб этади. 1-жадвалда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларнинг тавсифи келтирилган.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилувчи давлат сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Тузилмавий сиёсат соҳасида:

- макроиқтисодий даражада:

1) ялпи талабни ошириш;

**1-жадвал.**

**Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларнинг тавсифи**

Йўналишлар	Тавсифи
иқтисодий хавфсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий кўрсаткичларидан иқтисодий ривожланишнинг амалдаги ёки башорат қилинаётган қийматларининг четга чиқишини аниқлаш	Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва илмий асосланган башоратлар асосида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбир ва механизмлар ишлаб чиқиш. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш дастурлари, унинг йўриқнома, мезон ва кўрсаткичлари
Миллий иқтисодиётга таҳдидлар соҳасидан мамлакатни олиб чиқиш борасида давлат томонидан амалга оширилувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқиш	
Асосий фаолияти иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилиш ёки уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилиш	Хавфсизлик кенгаши иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нуктаи назаридан давлат бюджети концепциясини муҳокама қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича давлат идоралари ва муассасаларининг иш фаолиятини мувофиқлаштиради
Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуктаи-назаридан молия ва хўжалик масалалари бўйича қабул қилинаётган қарорларни экспертли ўрганиш	Мамлакат иқтисодиётига хавф солувчи таҳдидларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан самарали назорат ўрнатиш

2) жамғармалар нормасини ошириш ва жамғармаларнинг инвестицияларга айланишига имкон берувчи қулай инвестицион иқлим яратиш;

3) экспорт кўлами ва географиясини кенгайтириш;

4) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида импорт операцияларини тартибга солиш;

-микроиқтисодий даражада:

1) иқтисодий жиҳатдан самарали корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш борасида зарурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш. Бундай фаолият турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш, иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларида инновацион фаолиятни жадаллаштириш, дори-дармон ва тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштириш ва уни қайта ишлаш, атроф-муҳит муҳофазаси борасида турли фаолиятларни амалга ошириш;

2) самарасиз иқтисодий тузилмаларни тугатиш ёки қайтадан ташкил қилиш;

3) нархларнинг ўсишини чеклаш мақсадида келишув жараёнларини ташкил қилиш;

4) иқтисодий субъектларнинг хулқ-атворларига бозор қоидаларини сингдириб бориш.

2. Ижтимоий сиёсат соҳасида:

1) келгуси авлодларнинг эҳтиёж ва истакларининг қондирилишини шубҳа остига қўймаган ҳолда, жамият аъзоларининг бугунги кундаги эҳтиёжларининг тўлақонли қондирилишига имкон берувчи мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш асосида жамиятда бирдамликни кучайтириш;

2) трансферт тўловлари кўринишида аҳолига ижтимоий кўмак кўрсатишни кенгайтириш ҳисобига аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқни қисқартириш. Бугунги кунда жаҳон банки берган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда

қашшоқлик чегарасида кун кечираётган аҳоли сони умумий аҳоли сонининг 11,9 фоизини ташкил этмоқда.

### 3. Илмий-техник сиёсат соҳасида:

2019-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион жиҳатдан ривожлантириш концепциясида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мамлакат илмий-техник салоҳиятини дунёнинг илғор мамлакатлари даражасига олиб чиқиш кўзда тутилган. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- 1) мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- 2) мамлакатнинг технологик жиҳатдан мустақиллиги ва унинг ҳарбий соҳада хавфсизлигини таъмин этувчи турли ҳаёт фаолияти соҳаларида илмий-техник ишланмалар базасини яратиш;
- 3) илмий-техник маҳсулотлар ва технологияларнинг дунё бозорларига чиқиш.

### 4. Инвестицион сиёсат соҳасида:

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги даврида маълум бир объектив шарт-шароитлар таъсири остида миллий иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш асосларини таъмин этувчи мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг инвестицион омиллари олдинги ўринга чиқади. Миллий хўжаликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан хусусий инвестицияларнинг жалб қилинишига, инвестицион фаолликнинг ошишига замин яратувчи, қулай инвестицион муҳит яратишни кўзда тутувчи инвестицион жараёнларни бошқаришнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бугунги кунда мамлакатимизда асосий инвестор давлатнинг ўзи бўлиб қолмоқда.

### 5. Худудий сиёсат соҳасида:

- 1) саноат тармоқларини ривожлантиришга катта устуворлик берган ҳолда, ҳудудлар иқтисодиётини қайта ташкил этиш;

2) ҳудудларнинг мавжуд имконият ва салоҳиятларидан тўла қонли фойдаланиш мақсадида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3) ноқулай шарт-шароитларга эга бўлган (Оролбўйи минтақаси) ҳудудларни иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш;

4) ҳудудлараро инфратузилма тизимларини (транспорт, алоқа) ривожлантириш.

6. Молия тизими соҳасида:

1) солиқ тизими самарадорлигини ошириш;

2) бюджет танқислигини молиялаштиришнинг ноинфляцион усулларида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

3) умум давлат манфаатлари ва устуворликларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш;

4) дотация ва субсидияларни қисқартириш, бюджетда энг зарур бўлган дотацияларни сақлаб қолиш;

5) миллий мудофаа харажатларини мақбуллаштириш.

7. Пул-кредит муносабатлари соҳасида:

1) миллий валюта-сўмнинг барқарорлигини таъминлаш;

2) касса хизматлари кўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ишончли тизимини йўлга қўйиш;

3) банк омонатчиларининг манфаатларини ўз вақтида ва самарали ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

4) жорий валюта ва капитал операцияларини давлат назорат органлари томонидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;

5) мамлакат олтин-валюта захираларининг камайиб кетишига йўл қўймаслик.

8. Хом ашё ресурслари билан таъминлаш соҳасида: миллий манфаатларга устуворлик берган ҳолда, фойдали қазилма конларини sanoat усулида ўзлаштириш ва фойдали қазилма конларини разведка қилиш учун инвестицияларни кўпайтириш.

9. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида: иқтисодий фаолият соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишида намоён бўлувчи, уюшган ва иқтисодий жиноятчиликка фаол қарши курашиш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ички иқтисодий механизмлари ўз ичига уни ташхислаш ва мониторинг қилишнинг ташкилий жиҳатларини қамраб олади. Мониторингни ташкил қилиш учун биринчи навбатда, ижро этувчи ҳокимият органларининг функция ва мажбуриятларини аниқлаштириш; ижро этувчи ҳокимият идораларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизмларини ишлаб чиқиш; маълумотларни жамлаш, кузатиш, қайд қилиш, таҳлил қилиш ва уларни сақлаш билан шуғулланувчи идоралар рўйхатини шакллантириш; иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида иқтисодий хавфсизлик борасидаги таҳдидларга қарши курашиш ва мониторинг қилиш борасида ҳокимият идора ва ташкилотларининг функцияларини ва уларни амалга ошириш борасидаги мажбуриятларини аниқлаштириш талаб этилади.

2-жадвал.

**Иқтисодий хавфсизликни бошқарувчи давлат органлари**

Бошқарув органлари	Бошқарув органларининг функциялари
<p>Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши (хавфсизлик кенгаши аппарати, идоралараро комиссиялар ва Хавфсизлик кенгаши хузуридаги илмий кенгаш)</p>	<p>-давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, давлат ҳокимияти идораларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини амалга оширишга қўмаклашиш, давлатнинг яхлитлигини ва унинг суверинитетини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституцион ваколатларини таъминлаш бўйича зарурий шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>-миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий объектлари сифатида давлат ва жамият, шахсларнинг ҳаётий муҳим манфатларини белгилаш;</p> <p>-мамлакат рақобатбардошлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;</p> <p>-миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича давлат раҳбари томонидан қарорлар қабул қилиш учун Президентга таклифлар тайёрлаш;</p> <p>-давлат ва жамият, шахсга таҳдид солувчи ички ва ташқи</p>

	<p>хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қарорлар тайёрлаш;  -фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф қилишни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш, экологик, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва бошқа салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;  -миллий хавфсизликни таъминлаш ва бу борадаги тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ижро этувчи ҳокимият идора ва ташкилотлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш;  -давлат раҳбарига миллий хавфсизликни таъминлаш борасида мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш ёки янги органлар ташкил этиш;  -миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида бошқа масалаларни ҳал этиш</p>
<p>Ўзбекистон  Республикаси  Иқтисодий тараққиёт ва  камбағалликни  қисқартириш вазирлиги</p>	<p>-дунё бозорлари конъюнктураси, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни, хорижий далаатларнинг иқтисодий ва савдо сиёсатларини мониторинг қилиш ва башоратлаш, мамлакатнинг жамланма молиявий балансини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил ва мониторинг қилиш;  -миллий ҳисоблар тизимининг умумиқтисодий прогноз кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш, қиска, ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун иқтисодиёт тармоқ ва секторлари, ҳудудий тузилмалар ва яхлит мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини башоратлаш;  -савдо-иқтисодий, илмий-техник соҳаларда мамлакатнинг бошқа хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва унинг самарадорлигини ошириш;  -иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг минтақавий тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;  - Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида алоҳида иқтисодий ҳудудларни бошқариш;</p>
<p>Ижро этувчи ҳокимият  органлари (ИИБ,  Прокуратура, Давлат  солиқ қўмитаси)</p>	<p>-Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг бевосита услубий раҳбарлигида иқтисодиёт соҳасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича иқтисодий хавфсизлик бўйича таҳдидларни баҳолаш; маҳаллий давлат</p>

	ҳокимияти органлари иштирокида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
--	---

#### **2.4. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи иқтисодий механизмлари**

Глобаллашув шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва стратегик устуворликларини ҳисобга олиши тараққиётни таъминлаш мафқураси бўлиши лозим бўлган давлат стратегияси орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланган.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган ва айни пайтда стратегик режалаштиришнинг муҳим ҳужжати бўлган мазкур ҳуқуқий ҳужжатда мамлакат иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган. Стратегияда ресурс-хомашё, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, молиявий ва ижтимоий соҳаларда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги таҳдидлар ва хавф-хатарлар кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси, Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси, Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган муддатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек ҳукумат Қарор ва Фармойишлари Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш борасидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистоннинг миллий манфаат-ларини ҳимоя қилиш ва стратегик миллий устуворликларни амалга ошириш барча бўғиндаги давлат бошқаруви идора ва ташкилотлари, шу жумладан марказий банк, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг



бошқа институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади. Давлат сиёсати мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмнинг муҳим элементи ҳисобланади. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) мамлакат иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш;
- 2) ташқи ва ички муҳитнинг таҳдид ва хавф-хатарларига нисбатан иқтисодиётнинг барқарорлигини ошириш;
- 3) барқарор иқтисодий ўсиш;
- 4) мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва уни таракқий этган дунё мамлакатлари даражасида бўлишини таъминлаш;
- 5) мамлакат мудофаа қобилиятини таъмин этувчи мудофаа саноати комплексини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- 6) аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси ва сифатини яхшилаш.

Ҳаракатлар стратегияси ва мамлакатни 2030 йилгача бўлган муддатда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш концепциясида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни баҳолаш борасида маълум кўрсаткичлар назарда тутилган. Хусусан, ташқи иқтисодий хавфсизликни баҳолаш борасида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- 1) дунё иқтисодиёти ялпи ички маҳсулотига Ўзбекистон ЯИМининг улуши;
- 2) мамлакатнинг, шу жумладан давлатнинг ташқи қарзи;
- 3) капиталнинг соф олиб кирилиши ёки олиб чиқиб кетилиши;
- 4) мамлакат ҳудудларининг иқтисодий интеграциялашув даражаси;
- 5) импорт операцияларига нисбатан мамлакат олтин-валюта захираларининг нисбати;
- 6) экспорт ва импортнинг физик ҳажми индекси;
- 7) савдо баланси сальдоси;
- 8) истеъмол товарларининг товар ресурслари ҳажмида импортнинг улуши ва шу кабилар.

Нафақат дунё миқёсида, балки мамлакат ичида ҳам оқилона давлат сиёсатини амалга оширибгина, мазкур кўрсаткичларнинг ижобий натижаларини таъмин этиш мумкин. Шу сабабли ҳам мазкур кўрсаткичлар мамлакат ичида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида эришилган кўрсаткичларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Иқтисодий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш мамлакат иқтисодиёти ички ва ташқи муҳитини мониторинг қилиш, расмий статистик кузатиш маълумотлари ва шу билан бир қаторда иқтисодий хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларни баҳолаш борасида экспертларнинг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда, турли давлат ва нодавлат ташкилот-идоралари томонидан ўзларининг ваколатлари доирасида тақдим этилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни башоратлаш ва таҳлил қилиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва давлат сиёсатини амалга ошириш борасида маълум бир функцияларни амалга оширувчи ижро ҳокимияти органлари иқтисодий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш ва мониторинг қилишни амалга оширадилар.

Иқтисодий хавфсизлик ҳолатини таҳлил ва мониторинг қилишнинг ахборот-таҳлилий таъминоти ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ташкилотларининг ахборот ресурслари, мамлакат миллий хавфсизлиги ҳолати кўрсаткичларини мониторинг қилишнинг ахборот-таҳлил тизими, давлат миқёсида стратегик режалаштиришнинг ахборот тизими ресурслари базаси орқали таъмин этилади.

Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва бошқариш органлари ва раҳбар шахслари бўлиб қуйидагилар ҳисобланадилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлик кенгаши;
- Ўзбекистон Республикаси Парламенти ( Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати);
- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши;
- Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ташқи иқтисодий механизми асосий эътиборни глобал иқлим ўзгаришлари, жаҳон иқтисодиёти, глобал рақобат, глобал молия, жаҳон товар ва молия бозорларидаги конъюнктуравий тебранишларнинг кучайиши, ахборот хавфсизлиги каби соҳаларда вуждга келиши мумкин бўлган хавфларга қаратади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ташқи бозорларда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қодир бўлган воситаларнинг самарадорлигига боғлиқ. Монополистларга қарши курашиш, солиқ имтиёзлари, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари экспортини имтиёзли кредитлаш; ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш; ресурс тежамкор технологияларни изчил жорий этиш кабиларни кўзда тутувчи ва ҳам ташқи, ҳам ички бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи оқилона протекционистик сиёсатни амалга ошириш бу борадаги самарали механизмлардан бири ҳисобланади.

Халқаро савдонинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни куйидагиларда кўринади:

- Миллий ресурс базасининг чекланганлик даражаси қисқаради, мамлакатда ички бозорнинг кенгайиши юз беради;
- Миллий хўжаликда барча такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг интенсивлиги ортади;
- Миллий саноатнинг техник даражаси яхшиланади ва жамғариш имкониятлари кенгайди, иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари ўсади, турли табиий ресурслар, шу жумладан ишчи кучидан оқилона фойдаланиш таъмин этилади;

- Экспорт ҳажмининг ортиши эвазига мамлакатда янги иш ўринлари яратилади;
- Мамлакатларнинг халқаро ихтисослашув даражаси ортади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, арзон импортга таяниб қолиш, мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашда салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда халқаро савдонинг ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

- халқаро савдо ёрдамида барча хўжалик алоқаларининг натижалари рўёбга чиқади, бу ўз навбатида капитал ва ишчи кучини олиб кириш ёки олиб чиқиш, ишлаб чиқариш кооперацияси, илмий-техник ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишида акс этади;

- жаҳон бозорида савдо операцияларини амалга оширишнинг фаоллашуви мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатларини белгилаб беради;

- халқаро савдонинг ривожланиши минтақавий интеграцияни таъмин этишнинг муҳим асоси бўлиб ҳисобланади, бу эса келгусида халқаро меҳант тақсимотининг янада чуқурлашишига замин яратиб беради;

- хорижий кредит ва қарз маблағларини жалб қилган ҳолда, миллий иқтисодиётда инвестициялаш жараёнлари фаол амалга оширилади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида Тарифлар бўйича бош келишув, Жаҳон савдо ташкилоти, турли хизматлар савдоси бўйича бош Келишув каби институтлар доирасида амал қилувчи кўп томонлама келишувлар халқаро савдони тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётни инновацион жиҳатдан янгилаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, умуман олганда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда ташқи савдо сиёсатининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси умумий тарзда мамлакат иқтисодий хавфсиз-лигини таъминлашга хизмат қилади. Мамлакат экспорти ва уни диверсификациялаш даражасининг йил сайин ўсиб бориши, импортнинг интел-лектуаллашуви,

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро капитал ҳара-катининг турли жараён ва кўринишларида иштирок этишлари асносида ташқи савдо сиёсати яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнига тобора сингиб бормоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг ҳам ички ва ҳам ташқи хатарлари ўзаро чирмашиб, бир бутунликни ташкил этмоқда, шу боис иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмида ички ва ташқи хатарларни бирдек баҳолаш талаб этилади.

Бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат яқин истиқболда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни, саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришни кўзда тутди. Буларнинг барчаси мамлакат ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

### **Қисқача хулосалар:**

1. Институционал механизм иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларнинг ўзига хос инъикоси ҳисоблангани ҳолда, расмий ва норасмий институтларни ҳаракатга келтиради, хўжалик юритувчи субъектлар ва агентларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмини аввалдан шаклланган институтлар ҳаракатга келтиради ва мазкур институтлар жамиятда белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатади.

2. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мос механизми ва уни амалга ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Замонавий иқтисодиёт умум сиёсий, иқтисодий, маданий ва кадриятларни ишлаб чиқишда ифодаланувчи дунё мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ва ўзаро боғлиқликнинг тобора кучайиб бориши билан тавсифланади.

3. Иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаштириш имконини берувчи омилларни мониторинг қилиш ва башоратлаш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг муҳим элементи ҳисобланади. Мониторинг иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари динамикасини кузатиб боришнинг тезкор ахборот-таҳлилий тизимини ифода этади. У иқтисодий

хавфсизлик индикаторларининг аниқ миқдорий кўрсаткичлари асосида амалга оширилиши лозим бўлгани ҳолда, ижтимоий-иқтисодий индикаторларнинг беқарорлиги ва тез ўзгарувчанлиги, тармоқлар ўртасида номутаносибликларнинг мавжудлиги ва биринчи навбатда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги шароитида иқтисодиётнинг айна дамдаги ҳолатини баҳолашда катта аҳамият касб этади.

### **Назорат саволлари**

1. “Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми” ва “иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми” категориялари ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд?

2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмининг мазмунини тушунтириб беринг?

3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми тузилмаси қандай?

4. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми қандай тамойилларга асосланади?

5. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизми қандай ўзига хосликларга эга?

6. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тушунтириб беринг?

7. Глобаллашув жараёнлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигига қай тариқа таъсир кўрсатади?

8. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий хавф-хатарлар нималардан иборат?

*Ҳар қандай давлатнинг иккита чегараси мавжуд. Улардан бири давлатнинг ҳудудий чегараси бўлса, иккинчиси эса унинг манфаатлар чегараси ҳисобланади. Бугунги глобаллашув шароитида давлатнинг манфаатлар чегарасини мустаҳкамлаш узоқни кўзлаган ҳар қандай ҳукуматнинг устувор вазифаси ҳисобланади. (Кенъичи Оно)*

### **3-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАҲДИДЛАР ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ**

**Режа:**

**3.1. Иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидлар**

**3.2. Глобаллашув жараёнларининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири**

**3.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривож-ланиш мақсадлари ва Ҳаракатлар стратегиясининг муштараклиги**


**Таянч тушунча ва иборалар:** таҳдид, ички ва ташқи таҳдидлар, миллий иқтисодиёт, инфратузилма, инвестицион фаоллик, иқтисодиёт тузилмаси, глобаллашув.

#### **3.1. Иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидлар**

Таҳдид жамият, давлат ва уларнинг субъектлари, алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиган, зиён-заҳмат келтирадиган, хавф-хатар туғдирадиган омиллар ва шарт-шароитларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, янги ланиш ва тараққиёт йўлига, жаҳон

ҳамжамиятига қўшилиш йўлига солинаётган таҳдидлар гуруҳларга ажратиблиб, таҳлил қилинган<sup>14</sup>.



**1-расм. Миллий хавфсизликка таҳдидларнинг таснифланиши**

Иқтисодий хавфсизликка бўладиган таҳдидлар - мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга салбий таъсир кўрсатадиган, шахс, жамият, давлатнинг иқтисодий манфаатларини чеклаб қўядиган, миллий қадриятлар ва ҳаёт тарзига хавф соладиган ҳодиса ва жараёнлардир<sup>15</sup>.

Одатда иқтисодий таҳдидлар умумлаштирилган ҳолда ички ва ташқи таҳдидларга ажратиблиб ўрганилади. Иқтисодий таҳдидлар мамлакат иқтисодиёти ривожига, жамият, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита хавф туғдиради. Бу таҳдидлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни издан чиқариб, аҳолининг турмуш даражасини пасайиб кетишига олиб келади, жамият ҳаётида танглик ҳолатларини келтириб чиқаради, ижтимоий барқарорликка путур етказди.

Ички таҳдидлар жумласига мамлакат иқтисодиётининг ривожланишга қодир эмаслиги, тараққиётда инновацион асосларнинг заифлиги, қарама-

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 15 б.

<sup>15</sup> Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб. Питер 2007, с.67



қаршилиқлар ва ижтимоий зиддиятларни ҳал этишда манфаатлар балансига эриша олмаслик кабилар киритилади.

Жаҳон нархлари ва ташқи савдодаги ўзгаришлар, кириб келаётган капитал (хорижий инвестициялар) ҳажмидан мамлакатдан чиқиб кетаётган капитал ҳажмининг ортиб кетиши, ташқи қарз миқдорининг катталашиб кетиши, импортга боғланиб қолиш, экспорт таркибида хомашё маҳсулотлари улушининг ошиб кетиши ташқи таҳдидлар қаторига киради.

Агар мамлакат ичидаги таҳдидларни олди олинмаса, улар бартараф этилмаса, ички таҳдидлар иқтисодиётни ташқи таҳдидларга сезувчан қилиб қўяди. Ички таҳдидлар давлатни иқтисодий ва молиявий жиҳатдан заифлаштириб, ҳарбий соҳада таҳдидларни кучайишига олиб келади. Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиши миллатни халқаро молиявий ташкилотларга қарам бўлиб қолишига олиб келади. Бунда давлатнинг бюджет маблағлари ижтимоий мажбуриятларни бажаришга, масалан, бюджет соҳаси ходимларига иш ҳақи тўлаш, пенсия, нафақалар беришга ҳам етмай қолиши мумкин. Ички таҳдидлар миллий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ички талабни қондира олмаслик натижасида иқтисодиётни импортга, ташқи бозор конъюнктурасига боғлиқлигини кучайтириб қўяди. Давлатнинг ички таҳдидларга қарши туриш қобилиятининг суст бўлишлиги уни самарали ташқи сиёсат олиб боришдан маҳрум қилиб қўяди, у миллий товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлай олмайди, рақобатбардош маҳсулотлар экспортини рағбатлантириб, янги товар бозорларини эгаллай олмайди.

Адабиётларда иқтисодий хавфсизликка ички таҳдидлар сифатида қуйидагилар келтирилади<sup>16</sup>:

- мамлакат иқтисодиётининг бирёқлама ривожланганлиги ва таркибий деформациянинг кучайиши;
- миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг пастлиги;
- иқтисодиётнинг юқори даражада монополлашуви;

---

<sup>16</sup> Экономическая безопасность: учебное пособие/ М.В. Кунцман. – М.: МАДИ, 2016. – 152 с

- юқори даражадаги инфляция;
- минерал - хом ашё базаларининг кам ўрганилганлиги;
- мамлакат илмий-техника салоҳиятининг ёмонлашуви, фан-техника ривожланишининг айрим йўналишларида илғор ўрин-ларнинг бой берилиши, бошқа фаолият соҳаларида интеллектуал меҳнат нуфузи ва обрў- эътиборининг тушиб кетиши;

- инфратузилманинг ривожланмаганлиги;
- ички бозорлардан миллий товарларнинг чет эл товарлари томонидан сиқиб чиқарилиши;

- ҳудудий сепаратизм ва лоббизмнинг юқорилиги;
- инвестицион фаолликнинг пасайиши;
- ижтимоий зиддиятлар келиб чиқиш хавфининг мавжуд-лиги;
- қонунчиликнинг ривожланмаганлиги, ҳуқуқий интизом-нинг сустлиги;
- молиявий ва шартномавий интизомнинг пастлиги;
- иқтисодиётнинг криминаллашуви, бошқарувда коррупциянинг кучайиши;

- даромадларни яшириш, солиқ тўлашдан қочиш ҳоллари-нинг кўпайиши;

- молиявий маблағларнинг чет элларга ноқонуний тарзда ўтказилиши.

Ташқи таҳдидлар жумласига эса қуйидагилар киритилади:

- экспорт таркибида хом ашё маҳсулотларининг устувор-лиги;
- мамлакатнинг импорт маҳсулотларига қарамлиги, боғлиқ-лиги;
- импорт таркибининг рационал эмаслиги;
- ташқи қарзларнинг ўсиб бориши;
- экспорт ва валюта назоратининг яхши йўлга қўйил-маганлиги;
- божхона чегараларининг етарли даражада белгилан-маганлиги;
- экспорт-импорт операцияларига хизмат кўрсатувчи транспорт инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги.

Юқорида келтирилган ички таҳдидлар орасида иқтисодиёт таркибининг деформациялашувининг кучайиши иқтисодиётга сезиларли таъсир

кўрсатадиган таҳдидлардан бўлиб ҳисобланади. Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун биринчи навбатда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш керак бўлади. Бундай ўзгаришларнинг мазмуни ишлаб чиқариш билан талаб таркиби ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда ифодаланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда олиб борилган ислохотлар давомида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш каби масалалар биринчи навбатда ҳал этиладиган вазифалар сифатида Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган.

Мамлакатда инвестицион ва инновацион фаолликнинг сусайиши ҳам жиддий таҳдидлардан бўлиб ҳисобланади. Республикада иқтисодиётга бўладиган бундай таҳдидни олдини олиш мақсадида фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Бу лойиҳалар ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлиқ тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфра-тузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва

кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий-таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2016 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция киритилди, бу 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлари ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан зиёд бўлди. 2018 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 103,6 триллион сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Мазкур кўрсаткични 2021 йилга бориб, 204,8 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2018 йилда мамлакатимизда умумий қиймати 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди<sup>17</sup>.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2017 - 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>

Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2020 йилларда аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш учун кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан кўмир қазиб олишни йилига 7,8 миллион тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг таянч тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини юксалтириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ва ишчилар сони кўпаяди.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди. Мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтириш борасида амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар республиканинг иқтисодий шерик ва ҳамкорлари доирасини кенгайтиришга ёрдам берди. Бунда, ташқи савдони эркинлаштириш ва миллий иқтисодиётдаги танқисликларнинг бартараф этилиши мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида эришган муҳим ижобий натижалари ҳисобланади. Шунга қарамай, республиканинг ташқи иқтисодий фаолияти ўз ривожланишининг бошланғич босқичида бўлганлиги сабабли, халқаро меҳнат тақсимооти жараёнларида мамлакатимиз фаол иштирок этаётган бўлсада, мавжуд табиий-иқтисодий ресурслар, ишчи кучи захирасидан тўлақонли фойдаланиш имконини берувчи иқтисодий салоҳиятдан етарлича фойдалана олаётгани йўқ. Бозор ислохотларини амалга оширишда Ўзбекистон ўтиш даври иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий муаммоларга дуч келди. Бундай муаммолар сирасига қуйидаги-ларни киритишимиз мумкин: ўтиш даври иқтисодиётидаги пасайишнинг ҳаддан зиёд чўзилиб кетиши; иқтисодиётнинг деиндустрилизацияси; миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлик даражасининг пастлиги ва шу кабилар Ушбу муаммолар билан бир қаторда, ташқи савдо шароитининг ёмонлашишига олиб келган импорт харидларининг доимий ва сезиларли ўсиши иқтисодий соҳада айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2008 - 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо шароитлари

индекси 0,23 – 0,28 оралиғида ўзгариб турди<sup>18</sup>. Ҳозирги вақтда импортнинг улуши саноат маҳсулотларида -37,0-40,0% ни ташкил қилади<sup>19</sup>. 2019 йил якунида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 млрд. долларга ўсди (ўсиш суръати – 26,2%).Экспортнинг юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларнинг улуши пастлигича қолмоқда. Хусусан, 2019 йилда мамлакат экспортининг асосий улуши қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллардан тайёрланган маҳсулотлар - 5,1 млрд. доллар (умумий экспортдаги улуши 28,5 %), хизматлар-3,6 млрд. доллар (19,9%), энергия ташувчилар - 2,5 млрд. доллар (14,1%), тўқимачилик маҳсулотлари - 1,6 млрд. доллар (9,1%), озиқ-овқат маҳсулотлари - 1,5 млрд. доллар (8,5%), рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 951,3 млн. доллар (5,3%), кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар - 876,9 млн. доллар (4,9%), қора металллар ва ундан тайёрланган буюмлар - 349,6 млн. доллар (2%) хиссасига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин<sup>20</sup>.Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга сарфланадиган энергия сарфини 7,4 фоиз, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия

<sup>18</sup> Жаҳон банки. Жаҳон ривожланиш кўрсаткичлари 2019

<sup>19</sup> <https://uzdaily.uz/ru/post/53648>

<sup>20</sup> <https://uza.uz/oz/society/zbekiston-respublikasi-tash-i-savdo-faoliyatining-2019-yil-ya-17-01-2020>

самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

### **3.2. Глобаллашув жараёнларининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири**

XX асрнинг охири чорагида жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ривожланиши глобаллашув жараёнлари таъсирида амалга ошди. Глобаллашувнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти биринчи навбатда хўжалик тараққиётининг манбалари, омиллари ва шакллари билан боғлиқдир. Бу ерда гап сармоялар, технологиялар, ишчи кучи, интеллектуал ва молиявий ресурслар, бошқарув ва бошқалар тўғрисида кетмоқда. Ушбу жараёнлар халқаро савдо ва инвестиция ҳажмларининг ўсиши, жаҳон молия бозорлари ва ишчи кучи бозорларининг мисли кўрилмаган тарздаги диверсификацияси, жаҳон хўжалик алоқаларида трансмиллий корпорациялар ролининг ошиши, глобал рақобатнинг кескинлашувида намоён бўлмоқда.

Глобаллашув иқтисодий тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига ўтиш даврининг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Демак, глобаллашув жаҳон ҳамжамиятининг бугунги кундаги тараққиёти босқичини ифодаловчи жараёндир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 1995-йилдаёқ дунё аҳолисининг 90 фоизи глобаллашув жараёнларига тортилган.

“Глобаллашув” ибораси биринчи марта 1983-йилда Т. Левитт томонидан қўлланган. У “кўпмиллатли йирик корпорациялар томонидан ишлаб чиқарилган алоҳида маҳсулотлар бозорларининг қўшилиб кетиш ҳодисасини” глобаллашув ибораси билан ифодалаган<sup>21</sup>.

Глобаллашув - байналмилаллашувнинг энг янги босқичи бўлиб, унда дунё хўжалиги ягона иқтисодий организмга айлана бошлади. Мамлакатлараро товар ва хизматлар, капитал ва ахборот оқимларининг, халқаро миқёсда меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигининг кескин ўсиб бориши глобаллашувнинг характерли хусусиятларидан биридир. Кейинги даврларда ишлаб чиқаришнинг

---

<sup>21</sup> Г.Ф.Фейгин. Развитие национальных экономик в условиях глобализации: историко-экономический аспект. / Известия Санкт-Петербургского университета. №2, 2009, с.14



миллий бозорларга эмас, кўпроқ дунё бозорларига йўналтирилганлиги дунё иқтисодиёти глобаллашувининг ҳозирги босқичини ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳисобланади<sup>22</sup>. Глобаллашув жараёнларининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири масалаларини ўрганишда “иқтисодий глобаллашув” муаммосига кўпроқ аҳамият бериш керак бўлади.

Трансмиллий корпорацияларнинг ўсиб бориши, яъни ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, халқаро миқёсларда пул кўринишидаги капиталнинг турли шаклларда ҳаракат қилиши “иқтисодий глобаллашув” тушунчасига сифат жиҳатдан янги мазмун бахш этди.



2-расм. Дунё иқтисодиётида кузатилаётган тенденциялар

Айни пайтда “Жаҳон бозори, халқаро хўжалик муносабатлари ва институтлари миллий хўжалик тизимларининг оддий давоми, уларнинг йиғиндиси эмас, балки улардан тубдан фарқ қилувчи ташкилий тузилма бўлиб ҳисобланади”<sup>23</sup>.

Иқтисодий глобаллашув бир қатор хусусиятларга эга:

биринчидан, кейинги йилларда дунёда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар натижасида жаҳон хўжалигининг универсаллашуви, бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган иқтисодий маконнинг кенгайиши.

Иқтисодий глобаллашувнинг иккинчи хусусияти - капитал ҳаракатининг эркинлашуви ҳамда молия тизимлари ва валюта назоратини тартибга

<sup>22</sup> Международная экономика: теория и практика. Учебник для вузов. – СПб. Питер, 2008. с. 15

<sup>23</sup> Богомолов О.Т. Анатомия глобальной экономики. –М.: 2004-с

солишнинг қийинлашуви. Ушбу жараёнларнинг таъсири натижасида халқаро савдо ҳажмлари, мамлакатлар ўртасида молиявий ва сармоя оқимлари бир неча баробар ошиб бормоқда.

Глобаллашув жараёнининг учинчи характерли хусусияти - миллий хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан очиқлигининг ортиб бориши. Бундай ҳолат дунёда истеъмол қилинаётган товар ва хизматларнинг ўрта ҳисобда деярли ярми тўла ёки қисман улар истеъмол қилинаётган мамлакатлардан ташқарида ишлаб чиқарилишини кўрсатади.

Глобаллашувнинг тўртинчи хусусияти унинг ишсизликка ва мамлакатларнинг иш билан бандликнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш қобилиятига таъсири билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда илм талаб қиладиган ва юқори технологияли тармоқлар юқори малакали, лекин кам миқдорда ишчи кучи талаб этади. Кейинги йилларда меҳнат, материал ва энергия талаб этадиган тармоқларда банд бўлган паст ва ўртача малакага эга бўлган ходимлар сони қисқариб бормоқда. Уларнинг бир қисми хизмат кўрсатиш секторларига ўтмоқда, лекин катта қисми ишсизлар қаторидан жой олмоқда.

Бешинчи хусусияти - иқтисодий жараёнларнинг глобал муаммолар, жумладан, ресурсларнинг чекланганлиги, демографик вазиятнинг ва озиқ-овқат муаммоларининг кескинлашуви, ривожланган мамлакатлар билан қолоқ мамлакатлар орасидаги технологик ва интеллектуал салоҳиятдаги тафовутнинг чуқурлашуви, даромадлар бўйича табақалашувнинг кучайиши, экологик муаммоларнинг кескинлашуви билан боғлиқлигидир.

Глобаллашув тарафдорлари ушбу жараёнда иштирок этадиган барча мамлакатлар ундан фойда кўради, деган фикрни билдирадилар. Лекин реал ҳаётда глобал муносабатларнинг устунликларидан асосан ривожланган мамлакатлар манфаат кўрмоқдалар, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Глобаллашув маълум маънода иқтисодиётнинг қутблашувини кучайтиради. Машҳур венгер иқтисодчиси М.Шимаининг ҳисоб-китобларига кўра, 1995 йилда жаҳон ЯИМнинг 80 фоизи дунё аҳолисининг 14,5 фоизи

яшайдиган 24 мамлакат томонидан, 15 фоизи дунё аҳолисининг 31,5 фоизи тўғри келадиган 63 мамлакат томонидан ўзлаштирилган. Жаҳон ЯИМнинг бор йўғи 5 фоизи дунё аҳолисининг ярмидан кўпи, яъни 55,5 фоизи истиқомат қиладиган 45 мамлакат томонидан ўзлаштирилган<sup>24</sup>. 2005-йилда дунё бўйича олинган даромаднинг бор йўғи 39 фоизи дунё аҳолисининг 84 фоизи яшайдиган жон бошига энг паст ва ўртача даромадли мамлакатлар улушига тўғри келган. МДХ ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг бор-йўғи 4,1% тўғри келади, ЕИ мамлакатларининг улуши эса 24%ни ташкил этади<sup>25</sup>.

Глобаллашув шароитида мамлакатлар иқтисодий хавфсизлиги - кўп қиррали тушунча бўлиб, ҳозирча унинг ягона талқини қабул қилинмаган. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ва ташқи иқтисодий алоқалар жадаллик билан чуқурлашиб, миллий иқтисодиётларнинг байналмилаллашуви кучайиб бормоқда. Бундай шароитда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нафақат мамлакат даражасида, балки минтақа даражасида ҳам энг муҳим масалалардан бирига айланиб боради.

---

<sup>24</sup> Internet ma'lumotlari

<sup>25</sup> Иванов Ю. О глобальном международном сопоставлении ВВП по 146 странам мира. / Вопросы экономики, №5, 2008, с. 29



3-расм. Дунё иқтисодиётининг глобаллашуви

Глобаллашув дунё ҳамжамияти иштирокчилари учун янги имкониятлар яратиш билан бир вақтда, миллий иқтисодиётлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатар ва таҳдидларни ҳам вужудга келтиради. Глобаллашув жараёнлари кучайиб борган сари бундай таҳдидлар миқёси кенгайиб, уларни башорат қилиш ва бартараф етиш қийинлашиб боради. Бир пайтнинг ўзида ҳам дунё ҳамжамиятига, ҳам алоҳида олинган конкрет мамлакатга таҳдид соладиган янги глобал хавф-хатарлар вужудга келади.

Глобаллашув жараёнига умумий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг ибораси билан айтганда, “мутлақо янгича маъно - мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”<sup>26</sup>.

<sup>26</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”, 2009, 111-бет.

Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодий хавфсизлигини кенг халқаро ҳамкорликсиз таъминлаш мумкин эмас. Чунки юзага келаётган муаммоларни фақат миллий восита ва механизмлар ёрдамида ҳал этиб бўлмайди. Шу боис “миллий иқтисодий хавфсизлик” ва “халқаро иқтисодий хавфсизлик” каби тушунчалар ўртасида алоқадорлик кучайиб бормоқда. Халқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлаш миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида қаралади.

Глобаллашув мамлакатлар иқтисодиётини ташқи омиллар таъсирига очиқ қилиб қўяди. Масалан, XX аср 70- йилларининг ўрталарида ОПЕК аъзоларининг хатти- ҳаракатлари натижасида нефт маҳсулотларига жаҳон нархлари ошиб кетди. Жаҳон миқёсида энергия истеъмолининг мунтазам ўсиб борганлиги ва энергия ресурсларининг чекланганлиги шароитида кўп мамлакатлар олдида энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммоси долзарб бўлиб қолди.

XX аср 70 - йилларининг бошларида Бреттон - Вуд халқаро валюта тизимининг парокандаликка юз тутганлиги ва 1976-йилда Ямайка келишувлари асосида “сузувчи” валюта курсларига ўтилганлиги, ривожланган мамлакатлар томонидан капитал ҳаракатлари устидан назоратни секин-аста сусайтирилганлигидан далолат беради.

Кейинчалик ўтган асрнинг 80 - 90 йилларида Лотин Америкаси ва Жануби-шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида содир бўлган ва жаҳон молия бозорларида ҳалокатга олиб келган инқирозлар натижасида молиявий хавфсизликни таъминлаш зарурияти пайдо бўлди.

Ер юзи аҳолиси сонининг кўпайиб бориши, бунинг натижасида хом ашё ва маҳсулотларга бўлган талабнинг ошиши ва оқибатда чиқиндиларнинг катта миқдорда тўпланиб бориши атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу жараёнлар глобал характерга эга бўлганлиги боис, дунё миқёсида таҳдидга айланиб, экологик хавфсизликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди.

**“Иммунитет” немисча сўз бўлиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида маълум бир шахсларнинг жамиятда умум қабул қилинган қоида ва қонунларга**

буйнсумаслик ҳуқуқини англлатган. Давлатда алоҳида мақомга эга бўлган дипломатлар, депутатлар ва судьялар мазкур ҳуқуққа эга бўлганлар. Вақт ўтиши билан иммунитет сўзининг қўлланилиш соҳаси ҳам кенгая борди. У тиббиёт ва биология соҳасига ҳам кириб борди. XIX асрнинг иккинчи ярмида иммунитет - инсон организмнинг турли хил инфекция ва захарланишларга қарши кураша олиш қобилияти сифатида талқин қилинган бўлса, XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб мазкур сўз, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида турлича маънода қўлланила бошланди. **Иммунитет – ташқи таъсирларга қарши тура олиш, жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга хотиржамлик ва совуққонлик билан муносабатда бўлишдир.**

**Иммунитет сўзининг келиб чиқиши асли латин тилига боғлиқ бўлиб,** турли мажбуриятлардан ҳолилик, мутлақо эркинлик маъносини билдиради.

Иқтисодий таълимотлар тарихида иммунитет- мулкдорнинг мол-мулки ва ерига давлат ҳокимиятининг турли мансабдор шахсларининг даҳл қили-шини чекловчи қироллик ёрлиғи сифатида талқин қилинган.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий иммунитет тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ўринли деб ҳисоблаймиз: **“Иқтисодий иммунитет- бу алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётининг реал воқеликда фавқулодда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий- иқтисодий, ижтимоий- сиёсий,табiiий-экологик каби хавф-хатарларга қарши кураша олиш, уларнинг иқтисодиётга салбий таъсирини тезда бартараф этган ҳолда барқарор ривожланишни таъмин эта олиш қобилиятидир”.**

Иқтисодий иммунитет ҳақида сўз борар экан, албатта барқарор ривожланиш ҳақида фикр юритишимиз ўринли бўлади, зеро ҳозирда коронавирус инқирози шароитида дунё мамлакатлари даражасида “барқарор ривожланиш” тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу борада дунё мамлакатлари қатор ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилишяпти ва ўзларининг барча саъйи ҳаракатларини мазкур йўналишга сафарбар қилишяпти.

Барқарор ривожланиш тушунчасининг замирида нима ётади? Қуйида мазкур саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз:

- Барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг эҳтиёжларининг қондирилишини шубҳа остига қўймаган ҳолда, бугунги эҳтиёжларнинг самарали тарзда қондирилишини ифода этади.

- Барқарор ривожланиш инсонлар ва умуман олганда сайёрамизнинг келажакига таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши ҳатти –ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини кўзда тутаяди.

- Барқарор ривожланишни таъминлаш учун уч асосий ташкил этувчи: иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф –муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўзаро уйғунликда ҳал этиш талаб этилади. Мазкур компонентлар бир –бирлари билан узвий боғлиқ бўлгани ҳолда,алоҳида инсонлар ва яхлит ҳолда жамият фаровонлигини таъмин этишда фавқулодда муҳим саналади.

- Барқарор тараққиётни таъминлашнинг зарурий талабларидан бири қашшоқлик ва унинг барча кўринишларига барҳам бериш ҳисобланади. Бунинг учун, барчага бирдек қўшимча имкониятларни тақдим этиш, аҳоли даромадлари даражаси ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, ижтимоий тараққиёт ва интеграциялашувга кўмаклашиш, аҳолининг базавий турмуш даражасини ошириш,табiiй ресурслар ва экотизимлардан барқарор фойдаланиш ва уларни оқилона ўзлаштириш имконини берувчи кенг қамровли ва барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш талаб этилади.


Бугунги кунга келиб, дунё мамлакатлари коронавирус пандемияси таъсирида дунё иқтисодиётини қамраб олган иқтисодий инқироздан имкон қадар тезроқ чиқиш йўллари ҳақида бош қотиришмоқда. Бу борада иқтисодчилар, сиёсатчилар, тиббиёт соҳасининг етакчи мутахассис ва олимлари ўз қарашларини илгари сурмоқдалар. Бир сўз билан айтганда барчамиз ўзига хос “вирусолог”га айланиб қолдик. Зеро, коронавируснинг қандай ҳолатларда инсонга юқиши, қандай ҳароратда вируснинг ўлиши, вирус юқиш хавфини камайтириш учун 1,5-2 метрлик ижтимоий масофани сақлаш лозимлиги ҳақида билимларимиз етарлича ошди. Бу албатта яхши,

тахлилчиларнинг башорат қилишларича ҳар 15-20 йилда COVID-19 каби хавфли вируслар таъсирида инсоният янги эпидемияларни бошидан кечириши мумкин экан. Microsoft асосчиларидан бири Билл Гейтс Financial Times нашрига берган интервьюсида янги коронавирус пандемиясини инсоният ҳаётидаги энг жиддий синовлардан бири деб атади. Унинг фикрича, агар дунё мамлакатлари бундай пандемияга аввалдан тайёр бўлганларида, дунё иқтисодиёти бугунги кунда бу қадар катта йўотишларга учрамаган бўлар эди. Шунини қайд этиш лозимки, Билл Гейтс 2015 йилда Африка қитъасида Эбола эпидемияси кенг тарқалган бир пайтда, кейинги беш йилда инсоният бундан хавфлироқ эпидемияга дуч келиши ҳақида тўхталиб ўтган эди. Айтиш пайтда унинг башоратлари амалга ошди, ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда дунё коронавирус пандемияси сабаб мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий-сиёсий инқирозни бошидан кечирмоқда. Аввал юз берган иқтисодий инқирозлар талаб, тақлиф ёки ликвидлик омилларидан бирининг таъсири остида вужудга келган бўлса, ҳозирда дунёда кечаётган ва кўпчилик мутахассислар томонидан “Буюк карантин”, “Қора оққуш ҳодисаси” деб аталаётган инқироз аввалги инқирозлардан фарқли ўларок, талаб, тақлиф ва ликвидликнинг бир пайтда таъсири остида кечмоқда. Шу боис, мазкур инқирозни **“учтаси бирда инқироз”**-деб ҳам аташимиз ўринли бўлади. Дунё иқтисодиётида таъминот занжиридаги узилишлар сабаб истеъмол талаби ва ишлаб чиқариш тақлифининг қисқариши, дунё фонд бозорида етакчи индексларнинг кескин пасайиши натижасида дунё мамлакатлари иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги катта йўқотишларга дуч келмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) 14 апрель куни эълон қилинган жаҳон иқтисодиёти прогнозига кўра, 2020 йилда глобал иқтисодиётнинг пасайиши 3 фоизни ташкил қилади. Бу глобал иқтисодиёт 0,08 фоизга қисқарган 2009 йилдан кейинги биринчи жаҳон рецессияси бўлади. ХВЖ прогнозига кўра, 2020 йилда рецессия 194 мамлакатдан 157тасида қайд этилади. АҚШ иқтисодиёти 5,9 фоизга, еврохудуд - 7,5 фоизга пасаяди, Хитойда эса ўсиш 1,2 фоизгача секинлашади.



**2020 йилнинг 1-чорагида Хитой ЯИМнинг ўсиши (мавсумий тебранишларни ҳисобга олган ҳолда, %да)**



**4-расм. Хитойда ЯИМнинг ўсиши (2020 йилнинг 1-чораги) (Манба: Хитой миллий статистика бюроси маълумотлари)**


Венесуэла (-15 фоиз), Ливан (-12 фоиз), Греция (-10 фоиз), Хорватия ва Черногория (-9 фоиз) 2020 йилда энг кўп пасайиши кутилаётган иқтисодиётлар қаторига киради. “Биз шафқатсиз реалликка дуч келдик. Унда инфекциянинг экспоненциал ўсиши бир неча кун ичида 100 нафар касалланган одам 10 000га айланишини англатади”, - деди ХВЖ бош иқтисодчиси Гита Гопинат. Унинг таъкидлашича, ҳозирги инқироз аввалгиларига ўхшамайди. Иқтисодий ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, эҳтимол, 2008-2009 йилларда глобал молиявий инқирозни келтириб чиқарган зарардан анча кўпроқдир. Уруш ёки сиёсий инқирозда бўлгани каби, пандемия қачон тугаши номаълум. Ялпи талабни рағбатлантириш бу сафар унчалик аҳамиятли эмас, чунки инқироз ҳукуматларнинг турли соҳалардаги ишларни чеклаш тўғрисидаги мажбурий қароридан келиб чиқади. “Бу йил дунё иқтисодиёти Буюк тушкунлик [1929-1933 йиллар] давридан бери энг чуқур рецессияни бошдан кечириши эҳтимолдан холи эмас”, - деди Гопинат. Унинг аниқлик киритишича, 2020 йилги инқирозни “Буюк ўзини ўзи

изоляция қилиш” ёки “Буюк карантин”, деб аташ мумкин. Эпидемиологик инқироз натижасида жаҳон ялпи ички маҳсулотининг умумий йўқотиши 9 триллион долларгача етиши мумкин, дейилади ХВЖ материалларида. Шунингдек, ХВЖ коронавирус билан боғлиқ вазиятнинг ривож бўйича муқобил ҳамда пессимистик сценарийларни ишлаб чиқди. Масалан, пандемия 2020 йилнинг иккинчи ярмида ҳам тўхтамаслиги мумкин, бу ҳолда глобал иқтисодиёт янада пастлайди - жорий йил 6 фоизга. Агар пандемия 2021 йилда давом этса, глобал ЯИМ кетма-кет иккинчи йил пасайиши мумкин - яна 2,2 фоизга. 2021 йилда, ХВЖ бошланғич сценарий-сига кўра, дунё иқтисодиёти пандемиядан тез тикланиб, 5,8 фоизга ўсади. Бу дунёда 1980 йилдан бери рекорд даражадаги иқтисодий ўсиш бўлади. ХВЖ Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишлари бўйича янги прогнозларини ҳам эълон қилди. Унга кўра, 2020 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил қилади. Лекин 2021 йилда 7 фоизга чиқади. Инфляция 12,6 фоиз, келгуси йилда 10,6 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Жорий тўлов баланси эса -9,4 фоизга тушиб кетади.

**G** @granadamaps

Source: 

### GDP change in 2020 (provisional projections)




**5-расм. Коронавирус пандемияси таъсирида 2020-йилда дунё мамлакатлари-даги иқтисодий йўқотишлар (ЯИМга нисбатан фоизда). Манба: ХВЖ маълумот-лари.**

Жаҳонга машҳур боксчи Майк Тайсондан “Сиз жанг қилиш стратегиянгни қачон ишлаб чиқасиз?”-деб сўрашганида, у “рақибим жағимга биринчи зарбасини бергандан кейин жанг стратегиямни ишлаб чиқаман”-деган экан. Худди шу каби бугунги кунда дунё иқтисодиёти коронавирус инқирозининг биринчи ва айтиш мумкинки, қақшатқич зарбасини қабул қилди. Мана шундай шароитда дунё мамлакатлари коронавирус инқирозига қарши курашиш борасида ўз чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқмоқда ва жуда катта маблағлар йўналтирмоқда. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари Сенати ва Президент Дональд Трамп администрацияси коронавирус пандемияси шароитида иқтисодиётни рағбат-лантириш мақсадида 2 трлн. доллар маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди (2008 йилда Обама ҳукумати молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш дастури доирасида 787 миллиард доллар маблағ йўналтирган). Мазкур маблағларнинг 350 миллиард доллари кичик бизнесни қўллаб-қувват-лашга, 250 миллиард доллари ишсизликдан суғурталанишга, 46 миллиард доллари бевосита вирусга қарши курашишга йўналтирилади. Бунга қўшимча тарзда коронавирус пандемиясидан

катта талофот кўрган штатлар ва шаҳар-ларни қўллаб-қувватлаш,

## A Breakdown of Coronavirus' \$2T Economic Stimulus

Distribution of CARES Act Budget by Category



Article & Sources:  
<https://howmuch.net/articles/breakdown-coronavirus-2t-economic-stimulus>  
 United States Senate - <https://senate.gov>

howmuch.net

6-расм. АҚШда коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари дастури доирасида ажратилаётган маблағларнинг тақсимланиши (манба: <https://howmuch.net/articles/breakdown-coronavirus-2t-economic-stimulus>)

корхоналарнинг барқарор ишлашига кўмаклашувчи 500 миллиард долларлик фонд ташкил этиш, бундан ташқари, қонунда йиллик даромади 75 минг долларни ташкил этувчи америкалик катта ёшдаги солиқ тўловчиларга 1200 доллар ва ҳар бир фарзанд учун 500 доллар ажратиш ва бу мақсадлар учун 500 миллиард доллар сарфлаш кўзда тутилган.

Йиллик ялпи ички маҳсулоти қарийб 21 трлн. долларни ташкил этувчи Қўшма Штатлар федерал захира тизимини қўллаб-қувватлаш ва унинг ликвидлигини таъминлаш учун қўшимча 4 трлн. доллар йўналтиришни кўзламоқда. Умумий ҳолатда АҚШ ҳозирги инқироз шароитида иқтисо-диётни қўллаб-қувватлаш учун мамлакат тарихида мислик кўрилмаган 6 трлн. долларлик маблағни йўналтирмоқда.


Европа Иттифоқи инқирозга қарши курашиш чора-тадбирларининг биринчи босқичида евро ҳудудга кирувчи мамлакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 трлн. евро маблағ йўналтирмоқда. Бу маблағлар биринчи навбатда соғлиқни сақлаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланади.

Россия Федерацияси ҳам коронавирус пандемияси таъсирида келиб чиққан иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида мамлакат ЯИМининг 1,2 фоизини йўналтирмоқда ( мамлакат ЯИМи 2019 йилда 1,66 трлн. АҚШ долларини ташкил этган).

Умуман олганда дунё мамлакатлари коронавирус инқирозига қарши курашиш чора-тадбирлари дастурлари доирасида ўз ЯИМининг 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисмини йўналтирмоқдалар. Таҳлилчилар коронавирус пандемияси жиловланмас экан, бу кўрсаткичлар янада ошиши мумкинлиги ҳақида башорат қилмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясининг тарқалишини олдини олиш, унинг иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига салбий таъсирини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унга 10 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағлар биринчи навбатда, коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш; тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш; аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш; иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юрити-шини таъминлашга йўналтирилиши белгилаб берилди.

**Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.**



**Тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:**

- Берилган кредитлар бўйича **фоиз харажатларини қоплашга кафилик ҳамда компенсация** тақдим этишни кенгайтириш;
- Иқтисодий фаолликни ва бандликни** кенгайтиришга қаратилган **инфратузилма лойиҳаларини** амалга ошириш, **кичик sanoat зоналарида** муҳандислик коммуникацияларини куриш.

**Жамғарма маблағларидан қандай фойдаланилади?**

**Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш:**

- Зарурий дори воситалари ва тиббий буюмлар**, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;
- Карантинда сақлаш** билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- Эпидемияга қарши курашда иштирок этаётган **тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш**, Республика санитария-эпидемиология хизматидаги қўшимча маблағлар ажратиш;
- Даволаш ва бошқа муассасаларни **куриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш** ва жиҳозлаш.

**Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:**

- Давлат кафолати остида жалб этилган **кредитларни сўндириш, фоизсиз бюджет ссудалари** ажратиш орқали стратегик корхоналарни **давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**;
- Ташқи савдони амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг **бир қисмини компенсация қилиш**;
- Салбий таъсирга энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари** ва **соҳаларини**, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда **тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш**;
- Уч йилгача фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали **солиқ тўлаш муддатларини кечиктириш** ҳамда тадбиркорлик сушлашиши туфайли худудий бюджетларда **олинмай қолинмаган даромадлар ўрнини тўлдириш**.

**7-расм. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар (Манба: <https://strategy.uz/>)**

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий инқирозга қарши курашиш борасида ўз режа ва дастурларини амалга ошираётган бўлсада, мазкур дастурларда қуйидаги ўхшашликларни кўришимиз мумкин:

- Деярли барча мамлакатлар бугунги кунда умумий овқатланиш корхоналари, сартарошлар, такси ҳайдовчилари, якка тартибда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи турли касб эгаларига ёрдам кўрсатмоқда. Барча ҳукуматлар кичик бизнес эгалари, якка тартибдаги тадбиркорларга беғараз грантлар ва имтиёзли кредит маблағлари ажратмоқда.

- Мамлакат фуқароларига тўғридан-тўғри пул маблағлари ажратиб берилиши йўлга қўйилмоқда. Америка Қўшма Штатлари ҳар катта ёшдаги фуқарога 1200 доллардан, оиладаги ҳар бир болага 500 доллардан пул тарқатаётган бўлса, Япония ҳукумати ҳам ҳар бир мамлакат фуқаросига 926 АҚШ доллари (100 минг иена)дан пул ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди

(мамлакатимизда ҳам коронавирусга қарши курашиш доирасида японларнинг кундалик турмуш тарзига айланган 13 та қоидадан фойдаланиш катта самара бериши табиий). Бундай йўл тутиш турли хил ўғирлик ва фирибгарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

- Инқироздан катта зарар кўрган ва мазкур тоифага тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган корхоналарга молиявий кўмак кўрсатиш. Бундай компаниялар қаторига дастлаб авиакомпаниялар туристик хизматлар кўрсатувчи корхонлар киритилган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур рўйхатга бошқа тармоқ ва соҳаларнинг вакиллари ҳам қўшилмоқда.

- Корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва таътиллари тақдим этиш, уларнинг турли тўлов ва мажбуриятларини кечиктириш.

- Ишсизлик нафақаларини кўпайтириш ва уларни олиш борасидаги талабларни енгиллаштириш. Масалан, Ирландия Covid-19 туфайли иш жойини йўқотганларга ҳафтасига 350 евро нафақа тўлашни ваъда қилмоқда.

- Корхоналар ва жисмоний шахсларнинг тўловларини кечиктириш, уларга кредит таътилларини тақдим қилиш.

- Карантин туфайли тўхтаб қолган фирма ва корхоналарнинг ўз ходимларига иш ҳақини тўлаб беришлари учун уларга бюджетдан дотациялар ажратиш. Буюк Британия, Нидерландия, Чехия ҳукуматлари хусусий бизнес вакиллари иш ҳақларининг 80-90 фоизини бир неча ой давомида тўлаб бериш мажбуриятини олишган.

- Ишдан бўшатилаётган ходимларга турли компенсация тўловларини тўлаб бериш.

- Болалар боғчаси, мактаблар вақтинча ёпилганлиги муносабати билан ота-оналарга болар парвариши билан боғлиқ ҳақ тўланадиган таътиллар бериш. Францияда бюджет ҳисобидан ота-оналарга икки ҳафтагача муддатга меҳнат таътиллари берилмоқда.

- Бир қатор мамлакатлар ҳаттоки режалаштирилган тадбирларнинг ортга сурилганлиги муносабати билан ҳам турли тўловларни амалга ошириш амалиётидан фойдаланмоқда.

Бу хил тадбирларнинг амалга оширилиши пандемиянинг кенг тарқалишининг олдини олишга, унинг оқибатида келиб чиқувчи иқтисодий оқибатларни имкон қадар юмшатишга хизмат қилади.

Бугунги кунда йирик халқаро ташкилотларнинг экспертлари, нуфузли мутахассис ва олимлар коронавирус пандемиясининг тез орада жиловланишига умид билдирмоқдалар. Албатта, пандемия эртами-кечми жиловланади, лекин пандемиядан кейинги дунё иқтисодиёти, жаҳоннинг сиёсий манзараси тубдан ўзгариши кундек равшан бўлиб қолди. Шу боис, биз бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий иммунитетини мустаҳкамлашга интилишимиз лозим бўлади.

Турли хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий силкинишлар даврида жамият ва мамлакат иқтисодиёти иммунитетини кўтаришга хизмат қилувчи барча мамлакатлар учун бирдек қўл келиши мумкин бўлган чора-тадбирлар дастури бўлмасада, Жаҳон банки қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди:

1. Кучли институтлар ва ижтимоий ҳамжиҳатлик- бу мамлакатнинг ҳар қандай хатарларга қарши тура олишини таъмин этувчи ўзига хос қалқон ҳисобланади. Дунёда барча мамлакатлар иқтисодий тушкунлик, жамиятда табақаланишнинг кескинлашиши, уюшган жиноятчиликнинг ўсиши каби салбий ҳолатларга дуч келишлари табиий ҳолдир. Мазкур таҳдидларга қарши кураша бориб, институтлар худди инсон организмнинг иммун тизими каби ўзини тутди. Шу боис, мамлакатлар кучли институтларни шакллантиришга ва жамиятда ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга интилишлари талаб этилади.

2. Миллий ва халқаро даржадаги йирик институционал тузилмалар мамлакат ва дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлувчи ҳар қандай хавф-хатарларга қарши курашиш борасида ўз имконият ва салоҳиятларини бирлаштиришлари талаб этилади. Европа Иттифоқининг



Италия ҳукуматига ёрдамнинг кечиктириши оқибатида Италияда бугунги кунда вазият қанчалик салбий тус олганлигини бунга яққол мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

3. Энг аввало, аҳолининг камбағал ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш. Беқарор ва ички зиддиятларга бой мамлакатларда инқирозли вазиятларга қарши курашишдан олинган асосий хулоса шундан иборатки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дастурлари энг аввало турли хил салбий шокларга нисбатан энг заиф инсонларга йўналтирилмас экан, кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермайди. Самарали ва манзилли ижтимоий ҳимоя тизими беқарорлик ва можаролар таъсирига қарши курашиш борасида ўзига хос биринчи ҳимоя чизиғи ҳисобланади.

4. Барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт йўлида мамлакатлар ва халқар ўртасида ижтимоий-иқтисодий интеграция алоқаларини янада кучайтириш. Минтақавий ёки халқаро миқёсда ўзаро интеграцион алоқа-ларни кенгайтириш мавжуд хавф-хатарларга қарши курашишда энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

5. Хавф-хатарларнинг таъсирини камайтириш, уларга қарши самарали курашишда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ва кенг жамоатчиликнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга мамлакатда қабул қилинган қонун ва меъёрлар доирасида мутсақил ҳаракатланиш ҳуқуқини тақдим этиш.

Дунё мамлакатларининг барқарор ривожланишни таъминлаш, шу жумлдан коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал инқирозга қарши курашиш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларини таҳлил қилиш асносида мамлакатимизда глобал иқтисодий инқирозга қарши курашиш чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- **Билимлар иқтисодиётини** ривожлантириш асосида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фан сиғимли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- **Инсон капитали** сифатини яхшилашга қаратилган тизимли чоратadbирларни амалга оширишни янада жадаллаштириш;

- Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини ресурс тежамкор технологиялар асосида ривожлантириш ва бунда асосий эътиборни **яшил иқтисодиётга** қаратиш;

- Дунё иқтисодиётининг бундан буён тараққий этиши кўп жиҳатдан рақамли технологияларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал этиш асосида **рақамли иқтисодиётни** ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини модернизациялаш ва диверсификациялаш ишларини изчил давом эттириш, саноат ишлаб чиқаришининг технологик тузилмасини такомиллаштириш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни маҳаллийлаштириш имконини берувчи **саноатлаштириш сиёсатини** изчил давом эттириш;

- Халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро ихтисослашувнинг қонун ва қоидаларига амал қилган ҳолда, **халқаро иқтисодий ва ижтимоий интеграцион жараёнларда фаол иштирок** этиш;

- Экологик ва турли пандемик хавф-хатарлар даражасининг тобора ортиб бориши шароитида **ҳозир жавоб тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини** доимий равишда такомиллаштириб бориш;

- Аҳолининг **тиббий маданиятини ошириш, иқтисодий саводхонлик даражасини яхшилашга** қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва шу асосда таълим дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

- Миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик асосида **миллий урф-одатлар ва азалий қадриятларимизни** кенг тарғиб қилиш;

- **Фуқаролик жамияти ва жамоатчилик назоратини** ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу кабилар.

Юқорида тилга олиб ўтилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизнинг турли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### **3.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Ҳаракатлар стратегиясининг муштараклиги**

- Барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг эҳтиёжларининг қондирилишини шубҳа остига қўймаган ҳолда, бугунги эҳтиёжларнинг самарали тарзда қондирилишини ифода этади.

- Барқарор ривожланиш инсонлар ва умуман олганда сайёрамизнинг келажакига таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши ҳатти -ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишини кўзда тутаяди.

- Барқарор ривожланишни таъминлаш учун уч асосий ташкил этувчи: иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф -муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўзаро уйғунликда ҳал этиш талаб этилади. Мазкур компонентлар бир -бирлари билан узвий боғлиқ бўлгани ҳолда,алоҳида инсонлар ва яхлит ҳолда жамият фаровонлигини таъмин этишда фавқулодда муҳим саналади.

- Барқарор тараққиётни таъминлашнинг зарурий талабларидан бири қашшоқлик ва унинг барча кўринишларига барҳам бериш ҳисобланади. Бунинг учун, барчага бирдек қўшимча имкониятларни тақдим этиш, аҳоли даромадлари даражаси ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, ижтимоий тараққиёт ва интеграциялашувга кўмаклашиш, аҳолининг базавий турмуш даражасини ошириш,табiiй ресурслар ва экотизимлардан барқарор фойдаланиш ва уларни оқилона ўзлаштириш имконини берувчи кенг қамровли ва барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш талаб этилади.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар нималардан иборат?

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 193 аъзо -давлатлари барқарор ривожланиш соҳасида янги кун тартибига эга бўлган: ”Дунё қиёфасини ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланишнинг кун

тартиби” деб, номланувчи якуний ҳужжат борасида бир тўхтамга келишди. Мазкур ҳужжат 17 мақсад ва 169та вазифадан ташкил топган.

- Дунё давлатлари раҳбарлари 2016 йилнинг сентябр ойида мазкур универсал ҳужжатни қабул қилишди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кейинги 15 йил ичида, яъни 2030 йилгача бўлган муддатда дунёда барқарор иқтисодиётни қуриш ва қашшоқликка барҳам бериш имконини беради.

- Мазкур ҳужжатнинг кун тартибида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2000 йилда қабул қилинган Ривожланишнинг минг йиллик мақсадлари декларациясини амалга ошириш натижасида эришилган натижалар ётади. Ривожланишнинг минг йиллик мақсадлари декларациясининг амалиётга жорий этилиши дунёда миллионлаб инсонларнинг очлик ва қашшоқлик гирдобидан қутулишларига имкон берди. Ўзбекистоннинг минг йиллик мақсадларнинг ижросини таъмин этган дунёнинг санокли мамлакатлардан бири сифатида тан олинди, мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида барқарор ривожланиш мақсадларини ҳам Ўзбекистоннинг оғишмай амалга оширишига ишонч уйғотади.

- Барқарор ривожланиш мақсадлари барча манфаатдор томонлар ва инсонларнинг кенг иштироки ва уларнинг бу борадаги қарашларининг имкон даражасида ҳисобга олиншини назарда тутди. Барқарор ривожланиш мақсадлари 193 та аъзо -давлатларнинг барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида бир тўхтамга келишлари натижасида пайдо бўлган ҳужжатдир. Мазкур барқарор ривожланиш мақсадларини шакллантиришда бутун дунё бўйича етти миллиондан ортиқ инсонлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари, фуқаролик жамияти вакиллари, парламентлар аъзолари, ишбилармонлик доираларининг фикрлари жамланган. Барқарор ривожланиш мақсадлари комплексини ишлаб чиқишга 2012 йилнинг июн ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида барқарор ривожланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган ўтказилган («Рио+20») конференциясида дастлабки қадам қўйилган.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар асосида нима ётади?

- Мақсад ва вазифалар кейинги 15 йил ичида инсонлар, сайёрамиз, тараққиёт, тинчлик ва ҳамкорлик борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни қамраб олади.

- қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, барча инсонларнинг бирдек ҳаёт кечиришларига имкон бериш асосий вазифа саналади.

- сайёрамизни деградациядан сақлаб қолиш, унинг мавжуд табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, келажакка авлодга сайёрамизнинг бой ва мафтункор табиатидан ва имкониятларидан фойдалана олиш имкониятини бериш.

- Иқтисодий, ижтимоий ва техник тараққиётнинг табиат билан уйғунликда кечиши учун мамлакатлар ва инсонларнинг раўнақи ҳақида қайғуриш лозим.

- Барқарор ривожланиш тинчлик ва барқарорликсиз амалга ошмайди. Қўрқув ва зўравонликдан ҳоли бўлган тинчликсеварлик ва адолатга асосланган жамият барпо этишга бутун дунё ҳар қачонгидан ҳам муҳтож.

- Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибига киритилган мақсад ва вазифаларни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмаслиги бугунги кунда тобора ойдинлашиб бормоқда.

- Барқарор ривожланиш мақсадлари кенг қамровли бўлиб, барқарор ривожланишнинг қуйидаги компонентларини қамраб олади: иқтисодий ўсиш, ижтимоий интеграция ва атроф -муҳитни муҳофаза қилиш. Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида ижтимоий масалаларга алоҳида урғу берилган.

Бугунги кунда қандай муаммолар ўз ечимини кутмоқда?

- 800 млн.дан ортиқ инсон ўта қашшоқ кун кечирмоқда, 795 миллион киши очликдан азият чекади.

- 2000-2015 йиллар ичида мактабга қатнамайдиган болалар сони тенг яримга қисқарган бўлсада, бугунги кунда дунёда 57 млн. бола бошланғич мактабга бориш ҳуқуқидан маҳрум.

- Гендер тенгсизлиги хануз сақланиб қолаётганлиги катта ташвиш уйғотади.

- Иқтисодий фаровонлик борасида бой ва камбағал уй хўжаликлари ўртасида тафовут катталигича қолмоқда. Даромади паст уй хўжаликлари иқтисодий неъматлардан фойдаланишда катта қийинчиликка дуч келадилар.

- Болалар ва оналар ўлими ҳам бутун дунёда катта ташвиш уйғотади.

Биз қуйида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар билан мамлакатимизда амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни ўзаро таққослаб кўришга ҳаракат қиламиз (3-илова).

Мамлакатимизда 2017- 2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг самарадорлигини оширишда бу борада тўпланган хориж тажрибаси, хусусан ривожланган мамлакатлар амалиётини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Биз бу борада Европа Иттифоқи, Германия Федератив Республикаси, Франция тажрибаси билан қисқача танишиб чиқамиз. Дастлаб Европа Иттифоқи тўғрисида тўхталамиз. ЕИнинг иқтисодий ривожланишини бошқариш ва стратегик режалаштириш иккита яққол кўзга ташланувчи элемент билан ажралиб туради. Биринчидан- бу ЕИ иштирокчи-мамлакатларининг молиявий ва тузилмавий сиёсатларининг муҳим кўрсаткичлари, мақсад ва йўналишларини белгилаб берувчи стратегик бошқарувнинг умумевропа тизими, ЕИ органлари томонидан бюджет ва иқтисодий сиёсат мониторингини амалга ошириш тизими бўлса, иккинчидан -бу бошқарувнинг турли даражаларини қамраб олувчи миллий қонунчилик ва режалаштириш ҳужжатлари тизимидир. Умумевропа стратегик бошварув ва режалаштириш тизимининг асосий ҳужжати бўлиб, 10 йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияси “Европа 2020” ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ЕИ томонидан 2010 йилда қабул қилинган. Унинг асосий мақсади- ЕИнинг барқарор ривожланиши ва инклюзив иқтисодий ўсиш учун етарлича шароитлар яратиб беришдан иборатдир. Инклюзив иқтисодий ўсиш дейилганда, иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги жараёнларга барча иштирокчиларнинг жалб

этилиши тушунилади. “Европа 2020” стратегиясида бешта асосий мақсад шакллантирилган бўлиб, мазкур мақсадлар бутун ЕИга ёйилган бўлиб қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

1. Бандлик: 20 ёшдан 64ёшгача бўлган аҳолининг 75%ининг бандлиги таъминланган бўлиши лозим;

2. ЕИнинг 3% ЯИМи тадқиқот ва ишланмаларга инвестиция қилиниши лозим;

3. Иқлим ўзгаришлари ва энергетик барқарорлик: иқлим ўзгариши ва энергетика сиёсати соҳасидаги мақсадларга эришиш ( атроф-муҳитнинг ифлосланиши 30%га қисқартирилиши зарур);

4. Таълим: мактабда ўқишни ташлаган ўқувчилар улуши 10%дан ошмаслиги керак, олий маълумотли ёшлар сони умумий ёшлар сонининг камида 40%ини ташкил этиши лозим;

5. Ижтимоий биқиклик ва камбағаллик билан курашиш: қашшоқлик чегарасига ўтиб қолиши мумкин бўлганлар сонини қисқартириш, камбағаллик остонасида бўлганларни 20 миллион кишига қисқартириш.

Қўйилган мақсадларга эришиш мақсадида қуйидаги устивор фаолият йўналишлари илгари сурилади:

- “Инновацион иттифоқ”. Инновацияларни яратиш ва жорий этиш учун ҳатти -ҳаракатларни бирлаштириш товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда инновацион ғоялардан фойдаланишга имкон бергани холда, иқтисодий ўсишни ва янги иш ўринлари яратилишини таъмин этиши лозим.

- “Ёшлар ҳаракати”. Таълим сифатини ошириш. Ёшларни меҳнат бозорига жалб қилиш.

- “Европада рақамли технологияларни ривожлантириш”. Иқтисодиёт соҳаларида рақамли ва тезкор интернет технологияларидан фойдаланиш даражасини ошириш.

- “Европада ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш”. Углеводород хомашёси кам талаб этилувчи иқтисодиётга ўтиш. Қайта

тикланувчи энергия манбаларини излаб топиш ва улардан кенг фойдаланиш. Транспорт секторини модернизация қилиш. Иқтисодиётнинг ресурс сиғимлилигини камайтириш.

- Глобаллашувга йўналтирилган “Индустриал иқтисодиёт”. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб -қувватлаш. Иқтисодиётнинг sanoat базасини кенгайтириш.

- “Қашшоқликка қарши Европа сиёсати”. Ўзаро имкониятларни бирлаштириш эвазига бутун ЕИ ҳудудида камбағаллик даражасини қисқартириш.

Мазкур баён қилинган асосий фаолият йўналишлари бутун ЕИ мамлакатлари учун ҳам бирдек таалуқли саналади.

Сўнги 20 йилда Германия Федератив Республикасида бошқарувнинг федерал, регионал ва муниципал даражаларини қамраб олувчи ривожланиш ва режалаштиришнинг миллий тизими таркиб топди. Германия федерал ҳукумат томонидан 2002 йилда қабул қилинган барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси (Perspectives for Germany. Our Strategy for Sustainable Development) га таяниб иш кўриб келади. Мазкур стратегия ҳукуматнинг бир неча бор ўзгаришига қарамасдан мазмунан ўзгармасдан келмоқда, стратегияга охири марта ўзгартириш 2012 йилнинг феврал ойида киритилган. Германияда Стратегияни ишлаб чиқиш ва унда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг амалий ижросини назорат қилиб бориш мақсадида барқарор ривожланиш бўйича Давлат қўмитаси ташкил этилган. Мазкур қўмига таъкидлаш давлат вазирликлари қуйидаги департаментларга киртилган: халқаро муносабатлар, молия, ижтимоий сиёсат ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат, таълим, фан ва илмий тадқиқотлар, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалиги, атроф -муҳит, транспорт, иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий кооперация ва ривожланиш.

Миллий тараққиёт стратегияси етти та режали асосномалар ва лойиҳалар блокидан ташкил топган:

I. Ҳаядан стратегиягача



II. Барқарор ўсиш модели

III. Стратегия ижтимоий жараён сифатида

IV. Мақсад ва кўрсаткичлар

V. Барқарор ривожланиш стратегиясининг асосий вазифалари

VI. Глобал жавобгарлик

VII. ўзгаришлар ва ўлчовлар натижаси. Стратегияни ривожлантириш ва мониторинг қилиш.

Франция ҳам миллий стратегик режалаштириш соҳасида етарлича бой тажрибага эга саналади. Дастлаб, 1946 йилда устивор иқтисодиёт соҳаларидан инвестицион фаолликни оширишга қаратилган беш йиллик индикатив режа ишлаб чиқилган бўлса, миллий хавфсизликни таъминлаш борасида қатор ҳудудий ва миллий режалар ишлаб чиқила бошланди. Хусусан, 1972 йилда Францияда муҳофаа масалаларига бағишланган “Оқ китоб” (Le Livre blanc sur la défense de 1972) эълон қилинади. Айни шу даврдан бошлаб стратегик мустақилликни таъминлашга қаратилган турли режа ва дастурлар қабул қилиш даври бошланади. 1981 йилда Франция режалаштиришнинг рақамли кўрсаткичларидан воз кечиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг сценарийли ва тавсияли кўрсаткичлари тизимига ўтади. 1998 йилдан бошлаб Францияда миллий режалар қабул қилинмайди. Бу борада асосий урғу “дастурий мувофиқлаштириш”га қаратилади.

Стратегик ривожланиш йўналишлари мақсадли давлат дастурлари кўринишида ишлаб чиқилади ва уларнинг амалга оширилишини рағбатлантириш мақсадида турли молиявий имтиёзлар ва преференциялар берилади. Бундай ёндашувга мисол тариқасида глобаллашув шароитида Франциянинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлилигини оширишга йўналтирилган янги иқтисодий стратегиянинг ишлаб чиқилишини келтиришимиз мумкин. Мазкур стратегияда бир ёки бир нечта фаолият йўналишлари бўйича маълум бир инновацион лойиҳа доирасида биргаликда ривожланишга эришиш учун ҳамкорлик мажбуриятларини ўз зиммасига олган корхоналар, тадқиқот маркази, таълим

муассасаларининг бирлашмаларини ифода этувчи рақобатбардошлик кутблари белгилаб берилган. Бунда тўртта асосий жиҳатга эътибор қаратилган: маълум бир ҳудудни ривожлантиришнинг глобал стратегиясига боғлиқ бўлган иқтисодий ривожлантириш стратегияси; инновацион лойиҳалар доирасида кенг қамровли ҳамкорлик қилиш; иқтисодий ўсиш салоҳияти юқори бўлган бозорлар учун мўлжалланган технологияларга барча эътиборни қаратиш; халқаро бозорга чиқиш учун капитал қўйилмаларини жамлаш ва рентабелликни ошириш.

Францияда стратегик режалаштиришнинг асосий элементи бу -Бюджет тўғрисидаги Қонун (LOLF) ҳисобланади. Мазкур қонунни амалга киритиш жараёни 2001 йилдан 2006 йилгача бўлган муддатни қамраб олган. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат бюджети маблағлари давлат сиёсатининг йўналишлари бўйича тақсимланиши жорий этилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардан бошлаб то 1980 йилларнинг сўнггига қадар Япония дунё мамлакатлари орасида энг юқори ўсиш суръатларини таъмин эта олган санокли дунё мамлакатларидан бири саналади. Бироқ, кўчмас мулк бозоридаги “кўпик”нинг ёрилиши ва 1990 йиллар давомидаги навбатдаги “йўқотилган ўн йиллик” мамлакат иқтисодиётида оғриқли нуқталар борлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда “Абеномика”деб ном олган макро ва микро даражадаги чора -тадбирлар натижасида мамлакат иқтисодиётида ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Япония Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатда ЯИМнинг ўсиши 2013 молия йилида 2,8%ни ташкил этгани ҳолда, ишсизлик даражаси ўртача 4,0%ни ташкил этмоқда. Синдзо Абэ кабинети томонидан амалга оширилаётган ижобий макроиқтисодий силжишларга қарамасдан ҳудудларни барқарор ривожлантириш масаласи Япония ҳукумати олдидаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Минтақаларни ривожлантириш муаммолари сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг бир қутбли ва бир ўқиликка асосланган тузилмаси, бунда саноат ва инсон ресурслари бир нечта йирик мегаполислар атрофида жойлашган бўлади. Бундай тузилма атроф қишлоқ ҳудудлари иқтисодий фаолиятининг депопуляцияси ва деградациясига олиб келади, шаҳарларда яшовчи аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашишига ва инсонлар ҳаётининг табиий ва техноген катаклизмларга боғлиқлигини ошишини келтириб чиқаради.

- умр кўриш узунлигининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлган аҳоли ўртасида демографик инқирознинг пайдо бўлиши, бунинг натижасида фарзанд кўриш ёшидаги аҳолининг репродуктивлик кўрсаткичсининг пасайиши. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатда 2020 йилга бориб кекса ёшдаги аҳоли сони 30%ни, 2050 йилга бориб эса қарийб 40%ни ташкил этади. Бундан ташқари, 2020 йилда Япония аҳолиси 122,74 млн. киши, 2030 йилда 115,22 млн. киши, 2050 йилда эса 95,15 млн. кишини ташкил этиши башорат қилинмоқда. Ҳудудларни ривожлантириш муаммоларини бартараф этиш мақсадида Япония ҳукумати томонидан узоқ муддатли ва комплексли ривожлантириш режалари ишлаб чиқилган бўлиб, стратегик вазифаларни қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

- Шарқий Осиёнинг ривожланиб бораётган иқтисодиётлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- Ҳудудлардаги ижтимоий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш;

- Жамият аъзоларининг табиий ва техноген катаклизмларга қатъий қарши тура олиш иммунитетини шакллантириш;

- Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқаришни ташкил этиш;

- Давлат ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш.

Мисол тариқасида оладиган бўлсак, Япония ҳукумати томонидан 2008 йилда тасдиқланган ҳудудларни ривожлантиришнинг Миллий стратегияси мамлакатни (Окинава ва Хоккайдони ҳисобга олмаган ҳолда) 8 та макроҳудудга

бўлади: Канто, Тохоку, Токай, Кинки, Сикоку, Хокурику, Чугоку и Кюсю. Макроҳудудларда регионал режалаштириш кенгашлари ҳудудларнинг ривожланишига бевосита жавобгар бўладилар. 2009 йилда мазкур макроҳудудларнинг ҳар бирида 8 та регионал стратегиялар ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Япония ҳукуматида функциялар қуйидагича тақсимланган. Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм масалалари бўйича вазирлик шаҳар ва ҳудудий сиёсатни амалга ошириш, ҳудудларни макон нуқтаи назаридан ривожлантириш ва режалаштиришга жавобгар ҳисобланади. “Миллий ва ҳудудий режалаштириш бюроси” вазирликлар ўртасидаги ва шунингдек марказий ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштиради. Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм масалалари бўйича вазирлик ўз фаолиятини амалга оширишда “Озиқ-овқат базасини, қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича бош режа”га амал қилади. Мазкур режа қишлоқ ҳудудларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, ҳудуд салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳудудлари иқтисодиётини кўтариш, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, қишлоқ ҳудудлари аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган. Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги кичик ва ўрта бизнесни қўллаб -қувватлаш ва кластерларни яратишга жавоб беради. Ички алоқалар ва коммуникациялар вазирлиги маҳаллий ҳукуматлар ишини бошқариш ва улар фаолиятини молиялаштириш масалаларига масъул ҳисобланади. Регионал ривож-лантириш стратегияларини амалга ошириш учун қатор меъёрий-ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган. Бу биринчидан, 2005 йилда қабул қилинган “Миллий ҳудудларни режалаштириш акти”га асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган миллий ва регионал режалар ҳисобланади. Улар ер ресурсларини, қирғоқ бўйи, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, борасидаги узоқ муддатли ва комплекс воситалар ҳисобланади, туризм ва маданиятни ривожлантириш, экологик вазиятни яхшилаш, саноат корхоналари ва инфратузилмани жойлаштириш масалаларини мувофиқлаштиради. Бундан ташқари мазкур режаларда табиий

катаклизмларга қарши тура олиш масалалари ҳам ўрин олган. Регионал ривожлантириш стратегияларини амалга ошириш борасида қатор институционал янгиликлар жорий этилган. Масалан, 2001 йилда “Шаҳарлар тараққиётини тиклаш бюроси”, 2002 йилда “Махсус ҳудудларни тузилмавий ислоҳ қилиш бюроси”, 2003 йилда “Ҳудудларни жонлантириш бюроси”, 2006 йилда шаҳар ичи ҳудудларини ривожлантириш мақсадида “Шаҳар ичи ҳудудларини ривожлантириш бўйича бюро” ташкил этилган. 2007 йилда мазкур тўртта бюро ягона орган -“Ҳудудий тараққиёт бўйича интеграциялашган бюро”га бирлаштирилиб, уни бошқариш бевосита Вазирлар Маҳкамасига берилган. Японияда урбанизация даражасининг фавқулодда юқори эканлиги ва саноатнинг бир нечта йирик шаҳар агломерацияларида мужассамлашганлиги ҳукумат учун энг муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида “Шаҳарларни тараққий эттириш Дастури” ишлаб чиқилган. Японияда регионал ривожлантириш стратегиялари инновацион тараққиётга асосланади. Инновацион тараққиётни таъминлаш мақсадида Япония ҳукумати томонидан доимий равишда грантлар бериб борилади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Таҳдид жамият, давлат ва уларнинг субъектлари, алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиган, зиён-заҳмат келтирадиган, хавф- хатар туғдирадиган омиллар ва шарт-шароитларни англатади.

Иқтисодий таҳдидлар мамлакат иқтисодиёти ривожига, жамият, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита хавф туғдиради. Бу таҳдидлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни издан чиқариб, аҳолининг турмуш даражасини пасайиб кетишига олиб келади, жамият ҳаётида танглик ҳолатларини келтириб чиқаради, ижтимоий барқарорликка путур етказди.

2. Глобаллашув иқтисодий тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига ўтиш даврининг маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Глобаллашув жаҳон ҳамжамиятининг бугунги кундаги тараққиёти босқичини ифодаловчи жараёндр.

3. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ва ташқи иқтисодий алоқалар жадаллик билан чуқурлашиб, миллий иқтисодиётларнинг байналмилаллашуви кучайиб бормоқда. Бундай шароитда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нафақат мамлакат даражасида, балки минтақа даражасида ҳам энг муҳим масалалардан бирига айланиб боради.

4. Глобаллашув дунё ҳамжамияти иштирокчилари учун янги имкониятлар яратиш билан бир вақтда, миллий иқтисодиётлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатар ва таҳдидларни ҳам вужудга келтиради. Глобаллашув жараёнлари кучайиб борган сари бундай таҳдидлар миқёси кенгайиб, уларни бартараф этиш ва прогнозлаш қийинлашиб боради. Бир пайтнинг ўзида ҳам дунё ҳамжамиятига, ҳам алоҳида олинган конкрет мамлакатга таҳдид соладиган янги глобал хавф- хатарлар вужудга келади.

### **Назорат саволлари**

1. Иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидлар нималардан иборат?

2. Глобаллашувнинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида тушунча беринг?

3. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда?

4. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг?.

5. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг муштараклиги нималарда кўринади.

6. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда дунёнинг етакчи давлатлари тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?

*Терроризмнинг оқибатлари билан эмас, балки аслида терроризмни келтириб чиқарувчи сабабларга қарши курашишимиз ва бу масалага бутун дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратишимиз лозим*

*( Ш. Мирзиёев)*

#### **4-МАВЗУ. ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ, ХАЛҚАРО УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА РЕГИОНАЛ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИ**

**Режа:**

**4.1. Терроризм ва унинг иқтисодий хавфсизликка таъсири**

**4.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда регионал ташкилотларнинг ўрни ва роли**

**Таянч тушунчалар ва иборалар:** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, терроризм, экстремизм.

#### **4.1. Терроризм ва унинг иқтисодий хавфсизликка таъсири**

Халқаро миқёсда барқарорлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид соладиган ҳодиса сифатида терроризм ўтган асрнинг охирларидан бошлаб жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини торта бошлади. Лекин, фақат 2001-йил сентябр воқеаларидан кейин сиёсатчи ва экспертлар ушбу муаммога жиддий қарай бошладилар.

Терроризмнинг тарихига назар солинадиган бўлса, у ўрта асрлардан бошлаб дунёнинг барча минтақа ва мамлакатларида учраб турган. Айни пайтда унинг кўринишлари ва амалга ошириш усуллари турлича бўлган.

Терроризм қандай шаклда намоён бўлишидан қатъий назар миқёслари ва оқибатлари нуқтаи назаридан энг хавфли ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммолардан бирига айланиб қолди. Терроризм ва экстремизм дунёнинг деярли барча мамлакатлари ва уларнинг фуқаролари хавфсизлигига таҳдид солмоқда ва жуда катта сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўқотишларга олиб келмоқда.

Терроризмни жамият ҳаёт фаолиятига таҳдид сифатида ўрганишда, биринчи навбатда, унинг энг тубан, энг қабих мақсадларга хизмат қиладиган ҳодиса эканлигини кўзда тутиш керак бўлади.

“Террор” ва “терроризм” ибораларининг юзга яқин талқини бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам мукаммал эмас. Лотинча “террор” деган сўз “қўрқинч”, “дахшат” маъносини англатади. “Терроризм” эса террорни амалга оширишдир. Ушбу иборанинг кенгроқ маънода сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликларни келтириб чиқариш мақсадида зўравонлик ҳаракатларини амалга ошириш, деб талқин қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида терроризмга: “Терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар”<sup>27</sup>”- сифатида таъриф берилади.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида террорчилик ҳаракатига — гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакиллариининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни шу жумладан континентал

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)




шельфда жойлашган стационар платформаларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш -деб таъриф берилади.

Террористик ҳаракатлар турлича бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради:

- таъқиб қилиш;
- бузғунчилик қилиш;
- гаровга олиш;
- қотиллик;
- қўрқитиш;
- портлатиш ва б.

Террорчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳар доим ҳам қотиллик билан боғлиқ бўлмасда, доимо зўравонлик, мажбурлаш ва таҳдидни кўзда тутди. Айни пайтда кўзланган мақсадлар турлича бўлиши мумкин: сиёсий, иқтисодий, қасд олиш ва бошқалар.

Терроризм ва ундан аҳолини ҳимоя қилишга бағишланган Америка қитъаси давлатларининг Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлиб ўтган конференциясида (1970-й.) терроризмнинг учта - ижтимоий, сиёсий ва ғоявий тури айтиб ўтилган.



1- расм. Терроризмнинг турлари

Терроризм икки хил тоифада намоён бўлиши мумкин. Биринчиси яқка тартибда амалга ошириладиган, иккинчиси эса гуруҳ бўлиб амалга ошириладиган терроризм. Сиёсатшуносликда давлат терроризми тушунчаси ҳам қўлланилади. Бунга диктаторлик ва тоталитар режимларнинг репрессиялари мисол бўла олади.

Терроризм давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Ушбу ҳодиса ижтимоий, этник, диний радикализм ва экстремизм-ни ифодалашнинг энг ёмон усули бўлиб, бундай ҳаракатни амалга ошира-диган кишилар гуруҳи ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар.

Халқаро миқёсда терроризм даҳшатли эпидемия сифатида тарқалиб бормокда. Терроризм айниқса XX асрнинг 60-йилларидан кучайиб бошлади. Бу даврда дунёнинг бир қанча минтақаларида турли террористик ташкилотлар ва гуруҳлар фаоллиги ошиб борди. Баъзи манбаларга кўра, дунёда 500 дан ортиқ яширин террористик ташкилотлар мавжуд. 1968 - 1980 йиллар давомида улар

томонидан 7000 мингга яқин террористик ҳаракатлар амалга оширилган. Терроризм миқёслари бутун дунёда кенгайиб бормоқда: агар 80-йилларда 500 дан 800 тагача катта террористик ҳаракатлар амалга оширилган бўлса, 90 - йилларда 900 ва ундан ортиқ ҳаракатлар амалга оширилди. Россиялик сиёсатчи Д.В. Олшанский<sup>28</sup> терроризмнинг тўртта турини ажратиб кўрсатади.

Сиёсий терроризм - сиёсий арбобларга, улар ўтказётган сиёсатга, ҳукуматларга таъсир ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар.

Ахборот соҳасида терроризм - жамият аъзоларининг руҳиятига, ҳуқуқ-атвориға таъсир кўрсатиш.

Иқтисодий соҳадаги терроризм - террористларнинг иқтисодий манфаатга эришиш мақсадида рақибларига, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига, давлатлар ва уларнинг бошлиқларига таъсир ўтказиши.


Ижтимоий терроризм - жиноятчилик миқёсларининг кенгайиши, криминал вазиятнинг кескинлашуви, умумий ижтимоий беқарорликнинг вужудга келиши.

Халқаро ташкилотлар ва олимлар терроризмнинг келиб чиқиш сабабларига алоҳида эътибор қаратиб келадилар. Бундай сабабларни аниқлаш терроризмга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомил-лаштиришда асосий эътибор қаратиладиган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>28</sup> Internet ma'lumoti

БМТнинг 1990-йилда Гаванада бўлиб ўтган жиноятчиликни олдини олиш ва уларга нисбатан муносабат масалаларига бағишланган Халқаро конгрессда терроризмнинг куйидаги асосий сабаблари кўрсатиб ўтилган: қашшоқлик, ишсизлик, саводсизлик, уй-жойнинг етишмаслиги, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллашмаганлиги, келажакка ишончнинг йўқлиги, аҳолининг маржиналлашуви (лот.Маргиналис сўзидан - ижтимоий ҳаётнинг энг паст қатламидагилар - дайдилар, қашшоқлар), ижтимоий тенгсизликнинг кучайиши,



оилавий ва ижтимоий алоқаларнинг сусайиши, тарбиядаги нуқсонлар, миграциянинг салбий оқибатлари, маданий ўзига хосликни йўқотиш, маданий-маънавий ҳордиқ чиқарадиган масканларнинг етишмаслиги, оммавий ахборот воситалари томонидан зўравонлик, тенгсизликни кучайишига олиб келиши мумкин бўлган ғоя ва қарашларни тарқатиш.

## 2-расм. Терроризмнинг таснифланиши

Глобаллашув даврида терроризм шундай бир ҳодисага айландики, унга қарши курашишда бутун жаҳон ҳамжамияти иштирок етиши керак. Фақат шундагина курашнинг самарадорлигига эришиш мумкин. Терроризмга қарши кучларни бирлаштириш зарурияти унинг трансмиллий характерга эга эканлиги каби хусусияти билан белгиланади. Шу билан бирга халқаро терроризм билан кураш бўйича давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш бир қатор

универсал ва минтақавий халқаро конвенсияларнинг предмети сифатида белгиланган. Терроризмга қаршилик кўрсатиш бўйича Женева Конвенсияси (1937-й), Террористик актларни олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Вашингтон Конвенцияси (1971-й.), Терроризмга йўл қўймаслик бўйича Европа Конвенсияси (1977-й) шулар жумласидандир.

Ҳозирга келиб дунё ҳамжамятида терроризмга қарши кураш борасида маълум тажриба орттирилган:

- XX асрнинг 70 - йиллари ўрталаридан бошлаб, БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва у билан кураш бўйича Қўмитасининг ҳар бир сессиясида у ёки бу даражада умуман терроризм ва шу жумладан халқаро терроризм масалалари кўриб чиқилган;

- 1970 - йиллардан бошлаб, БМТ ўндан ортиқ антитеррористик ҳужжатлар қабул қилди;

- функциялари тўлиқ ёки қисман терроризмга қарши кураш бўлган халқаро тузилмалар ташкил этилган ва улар фаолият олиб бормоқда (масалан, ИНТЕРПОЛ, ЕВРОПОЛ, МДҲнинг Антитеррорга қарши маркази ва бошқ.);

- араб давлатлари Лигасининг ички ишлар вазирлари Кенгашининг 13 - сессиясида терроризмга қарши курашда “Хулқ-атвор Кодекси” лойиҳаси қабул қилинди. Унга кўра террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш учун мамлакат ҳудудидан жой бериш, террористик ташкилотларга молиявий, моддий ва бошқа ёрдам бериш таъқиқланади.

Терроризм ҳақида гапирганимизда уни келтириб чиқарувчи сабаблар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бугунги кунда юридик адабиётларда терроризмнинг қуйидаги сабабларини ажратиш кўрсатилади:

- 1) ижтимоий табақаланишнинг кучайиши билан биргаликда аҳоли турмуш даражасининг сезиларли даражада пасайиши, бу эса ўз навбатида ҳасад қилиш, бошқаларни кўролмаслик, нафратланиш, ўтмишни қўмсаш каби салбий ижтимоий-руҳий омилларни келтириб чиқаради;

- 2) иқтисодий ва энергетик инқироз, нархларнинг ўсиши, инфляция;

3) бир қатор ижтимоий гуруҳлар ва касб эгалари, айниқса ҳарбий тажрибага эга бўлган, қурол-яроғ ишлатиш кўникмасига эга шахслар ижтимоий аҳволининг ёмонлашиши;

4) ишсизликнинг ўсиши, бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг касбий ва руҳий деградациясини келтириб чиқаргани ҳолда, миграция муаммоларини янада чигаллаштиради;

5) кенг аҳоли қатламларининг қурол -яроғдан эркин фойдалана олиш имкониятларининг мавжудлиги. Илгари ҳарбий ва куч тизимларида хизмат қилган шахсларга етарлича яшаш шароитлари яратиб берилмаслиги оқибатида уларнинг жинойтчи тўдалар қармоғига тушиб қолиши;

6) амалдаги ўз ҳукуматига қарши чиқиш ёки уни ағдаришга уриниш (масалан, Италиядаги “Қизил бригадалар” ва Ғарбий Германиядаги “Қизил армия фракцияси” фаолияти);

7) оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, тенгсизлик ва адолатсизликнинг ўсишини келтириб чиқарувчи ғоя ва қарашларнинг кенг ёритилиши ва шу қабилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: ”Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”<sup>29</sup> -деб, таъкидлайди. Маърифат - инсониятнинг тақдирини белгиловчи муҳим омил. Агар жамият маърифатли бўлса, бу жамиятнинг истикболи, келажаги ёруғлигини англа-тади. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги маърузасидан.

маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”<sup>30</sup>-деб, алоҳида таъкидлайди.

Ҳар бир организм ўзига таҳдид соладиган вируслар ва бошқа офатларга қарши курашувчи иммунитет ҳосил қилгани каби, ҳар бир жамият ва давлат ўз ҳавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар билан курашиши - ҳаётий қонуният. Аввало, юксак маърифатли жамиятлар бундай таҳдидлардан ҳимояланиш даражаси юқори бўлса-да, атрофдаги ижтимоий муҳитдан чиқадиган таҳдидларни бартараф этишга тайёр туриш лозим. Бу ҳол эса, жамиятнинг мафкуравий тизимини мустаҳкамлашни тақозо этади. Шундай заруриятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда мафкуравий барқарор муҳитни яратиш ва долзарблигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу масала хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТнинг юксак минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзлари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди: “Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”.<sup>31</sup>

---

<sup>30</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан “Халқ сўзи”, 2017-йил 4-август

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги маърузасидан.

Бундан ташқари мамлакатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида муқаддас Ислом динимизни нотўғри талқин қилиш, уни ниқоб қилган ҳолда турли бузғунчи кучлар айниқса ёшлар онгу - шууридан фойдаланишга уринаётганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон бугунги кунда улуғ аجدодларимизнинг маърифат соҳасидаги анъаналарини изчил давом эттирмоқда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг асосий ташаббускорларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг билим-маърифат ғояларига нақадар содиқ бўлиб, шу борада бошқаларга ўрнак бўлаётганини кўрсатади. Айниқса, бизнинг муқаддас ислом динимиз ҳақида ҳозирги кунда дунёнинг турли бурчакларида нотўғри тасаввурлар уйғотиш ҳаракатлари кўзга ташланиб турган бир шароитда “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”<sup>32</sup> деган сўзлар БМТ минбаридан янграгани муқаддас динимиз ҳақидаги сохта ва бўҳтон гапларга муносиб жавоб бўлди. Президентимиз жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда буюк маърифатпарвар боболаримизнинг бой мероси, эзгу анъаналарига таянишимизни алоҳида уқтириб ўтди. Айниқса, буюк аждодимиз, ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Сахиhi Бухорий” асарининг муаллифи бўлган Имом Бухорийнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқот маркази, Тошкент шаҳрида эса Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани Ватанимизнинг бугунги маърифий қиёфасини кўрсатадиган буюк ишлардир.

Халқаро миқёсдаги ва давлат ичида содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган терроризмда сиёсий терроризмнинг ўрни бир мунча катта. Сиёсий терроризмнинг сабаблари турли -туман бўлиб, уларнинг айримларини келтириб ўтамиз: 1) ҳукмрон элитанинг муҳолифат сиёсий партияларга нисбатан репрессив ҳаракатларни амалга ошириши; 2) ҳукмрон элита томонидан

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги маърузасидан.



жамиятга ёт бўлган ижтимоий-сиёсий янгиликларни жорий этишга интилиш; 3) давлат ичида ички сиёсий низоларнинг кескинлашиши; 4) у ёки бу минтақада икки давлат манфаатларининг тўқнаш келиши; 5) миллий давлатчилик сиёсатини амалга оширишда ҳукумат томонидан йўл қўйилувчи хатоликлар; 6) алоҳида инсонлар, гуруҳлар ва партиялар томонидан қасддан миллатлараро низоларни келтириб чиқариш; 7) бир давлатнинг иккинчи бир давлатга нисбатан агрессия қўллаши ва кўпчилик ҳолларда ҳудудий яхлитлигининг бузилиши тинч аҳоли томонидан қуролли қаршиликларни келтириб чиқаради (муҳим объектларни портлатиш, ўт қўйиш ва ҳоказо); 8) терроризмни давлат сиёсати даражасида қўллаб -қувватлаш; 9) хорижий давлатларнинг ҳукуматлари фаолиятдан норозилик оқибатида мазкур давлатларнинг муассасалари ва вакилларига нисбатан террористик актлар содир этилади.

Терроризмни олишга қаратилган чора -тадбирларни икки тарафлама қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчидан, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши чора -тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳар қандай давлатнинг бирламчи вазифаси ҳисобланса, иккинчидан- терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олиш- бу давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва халқаро манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида терроризмнинг вужудга келишини бартараф этишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тавсифга эга бўлган чора -тадбирлар мажмуидир. Терроризмнинг бугунги кунда намоён бўлиш ҳолатлари ўзига хос кўлам ва жиҳатларни касб этаётганлигини эътиборга олмаслик, терроризмга қарши кураш ишларининг самарадорлигини пасайтриб юборади. Россиялик профессор В.В. Лунеев терроризмнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тобора ортиб бораётганлигини бугунги кундаги энг катта ҳақф сифатида баҳолайди. Унинг фикрича терроризм ҳозирда ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- ўсиш суръатлари бўйича (кейинги ўттиз йил ичида жаҳон миқёсида ОАВда эълон қилинган ва барчага маълум бўлган 10 мингдан ортиқ террористик актлар содир этилган);

- ташкиллаштириш даражаси бўйича (ўтган юз йиллик мобайнида терроризм якка ҳолдаги террорчилардан йирик террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларигача, сиёсий террористик тузилмалардан “Ал-Қоида” сингари трансмиллий террористик уюшмаларгача қадар ўсиб ривожланди);

- моддий -техник ва молиявий таъминланиш даражасига кўра (дастлаб террорчилик хужумларида оддий пичоқ ва ўқотар қуроллар ишлатилган бўлса, бугунги кунга келиб террорчилик хужумлари террорчиларни қўллаб - қувватлашнинг йирик молиявий марказлари томонидан молиялаштирилиб, террорчилар ҳатто оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиш билан ҳам таҳдид солмоқдалар);

- террористик фаолиятнинг миллий ва трансмиллий кўламларига кўра (терроризм бугунги кунда нафақат маълум бир кичик ҳудудни, балки бутун бир шаҳарлар, мамлакатлар ва минтақаларни ҳам қамраб олмоқда);

- жиноят оқибатлари ва қурбонлар сонининг ўсиб боришига кўра (террорчиларнинг ҳатти -ҳаракатлари натижасида қурбон бўлаётган бегуноҳ инсонлар, айниқса ёш болалар сони муттасил ўсиб бормоқда);

- қўйилган мақсадларнинг тавсифи ва кўлами бўйича (бунда террорчилар амалдаги ҳукуматни ағдаришдан тортиб, бутун бошли халқларни йўқ қилишгача бўлган мақсадларни кўзлаб ҳаракат қиладилар);

- терроризм ижтимоий базасининг кенгайиб боришига кўра ( бугунги кунда дунёда асосан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг терроризм таъсирига тушиб қолаётганлигини мамлакатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтди).

“Тинчлик ва иқтисодиёт институти” ҳар йили эълон қилинадиган “Терроризмнинг глобал индекси -2017 йил” маърузасини нашр қилди. Маъруза муаллифлари мамлакат ичидаги террористик фаолликни қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳолашади: террористик ҳаракатлар сони, ҳалок бўлган ва жабр кўрганлар сони, етказилган моддий зарар миқдори. 2017 йил учун эълон қилинган маърузада Ўзбекистон 163 та мамлакат ичида 0,077 балл тўплаб 125-ўринни эгаллади. Тадқиқот натижаларига дунёнинг фақатгина 38 та мамлақати

бугунги кунда терроризмнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга таъсирини сезишмайди. Бундай мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Япония, Монголия, Руминия, Словакия, Жанубий Корея, Шимолий Корея, Финляндия, Уммон, Вьетнам, Польша, Латвия, Куба, Панама, Уругвай, Сингапур, Туркменистон ва Папуа-Янги Гвинея давлат-ларини киритишимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, мазкур рейтингнинг дастлабки ўринларини террорчилик хавфи юқори бўлган мамлакатлар эгаллашади. 2016 йилда Ўзбекистон мазкур рейтингда 117 - ўринни эгаллаган бўлса, сўнгги бир йил ичида мамлакатимиз ушбу рейтингда ўз мавқеини 8 пунктга мустаҳкамлаб олди<sup>33</sup>. (3-илова)

#### **4.2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда регионал ташкилотларнинг ўрни ва роли**

Маълумки, дунёдаги ҳар қандай суверен давлат жаҳон ҳамжамиятига ўзининг ташқи сиёсий қарашлари, умумбашарий муаммоларга муносабатлари ҳамда азалий мунозара ва музокаралар объекти бўлган уруш ва тинчлик масалаларига ёндашувлари билан кириб боради. Бу борада Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок аниқ сиёсий позициясини ва ташқи сиёсат борасидаги концепциясини баён этди. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини қонуний асосида кафолатлаб берди. Унинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидава нормаларига асосланиши белгилаб қўйилди. Давлатнинг, халқнинг олий манфаатларини, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши, зарур бўлганда улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги Асосий қонунда белгилаб берилди.

---

<sup>33</sup> University of Maryland, Institute for Economics and Peace: Global Terrorism Index 2017.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон чиндан ҳам жаҳон ҳамжамиятининг энг сиёсий фаол, халқаро муносабатларда ўзини асосли, қатъий ва ўзгармас позициясига эга бўлган давлат сифатида намоён қилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий мавқеи ва имижини белгилаб берадиган муҳим омил сифатида ўз куч-қудратини кўрсатди.

Вақт ўтган сари умумдунёвий сиёсий жараёнлар тобора фаоллашмоқда, янгидан -янги муаммолар давлатлараро, минтақалараро ва умумбашарий миқёсда бутунлай янгича ёндашувларни, сиёсий қарашларни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ана шу жараёнларда, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсатда ўзининг замонавий қарашлари ва муаммолар ечимини топишдаги ўзига хос ёндашувлари билан ўзининг кенг имкониятларини намоён этмоқда. Бу ҳақдаги ҳаққоний фикрларни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги маърузасида яққол кўриш мумкин. Ушбу маърузада Президент Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳозирги замон талаблари ва замонавий цивилизация эҳтиёжлари нуқтаи назаридан аниқ белгилаб берди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатида мустаҳкам изчилликнинг мавжудлиги, биринчи Президентимиз, И.А. Каримов бошлаб берган мустақил тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсат давом этаётгани давлатимиз қудратининг ва сиёсий барқарорлигининг ёрқин мисолидир. И.А. Каримов тамал тошини қўйган ва жаҳон меҳварига бутун салоҳиятию салобати ва қудратини кўрсатаётган Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати замонавий талаблар, бугунги эҳтиёжлар ва дунёвий қарашларнинг энг илғор намуналари билан бойитиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари кўриб, уларни оқилона ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро муносабатларини тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш ҳамда миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, юртимиз иқтисодиётининг барқарор ва тез суръатлар билан ўсиши, унинг очик, демократик давлат куриш йўлида жадал сиёсат олиб бориши ва ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши бугунги кунда ташқи сиёсат соҳасидаги асосий мақсаддир.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қуйидаги принципларга содиқ бўлиб қолмоқда:

ўзининг миллий манфаатларига асосланган очик, прагматик ва пухта ўйланган ташқи сиёсат олиб бориш;

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;

ташқи сиёсий фаолият концепциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Аслини олганда, тарихий тажриба шундан далолат берадики, давлатнинг сиёсий қарашлари ва жаҳон ҳамжамиятидаги халқаро муносабатларда узвийликнинг мавжудлиги унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаш билан бирга, ички сиёсатда барқарор тараққиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ички ва ташқи сиёсатнинг ана шундай соғлом, қатъиятли ва ишончли ривожланиши бевосита унинг ҳам дунёвий, ҳам ички мавқеини

белгиламоқда. Ҳозиргача мавжуд сиёсий қарашлар ХХІ асрда инсон ва инсоният тақдир билан боғлиқ бўлган йўналишлар тизимини қамраб олмоқда. Президент Ш. Мирзиёев бугунги кунда ва олис истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлар ҳудудлари қуроли можаролар ва кескинлик ўчоқларига айланишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириш;

мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни ҳамда жамиятни ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг жадал жараёнларини самарали амалга ошириш учун мумкин қадар қулай ташқи сиёсий шарт-шароитларни шакллантириш;

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт зонасига айлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга қўмаклашиш;

жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўпқиррали тизимини шакллантириш, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб туриш, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенг диверсификация қилиш;

мавжуд ёки юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун сиёсий дипломатик ҳамда халқаро ҳуқуқий механизмлардан, жумладан, превентив дипломатия чора-тадбирларидан фойдаланиш;

Ўзбекистоннинг сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳадаги ишончли, масъулиятли шерик сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлаш,

мамлакатимизнинг ташқи дунё учун инвестицион, сайёҳлик, маданий-тарихий жозибadorлигини кучайтириш;

миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этиш жараёнларини кучайтириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг дунёнинг йирик бозорларига кафолатли чиқишини таъминлайдиган кўп муқобилли транспорт-коммуникация йўлакларининг тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Юқоридаги вазифалар, айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб боришини таъминлайди. Шу асосда ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб боради. Айтиш пайтда бу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини, сиёсий ва иқтисодий салоҳиятини намоён қилади.

Президент Ш.Мирзиёевнинг давлатлараро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда яқин кўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги саъйи ҳаракатлари Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатидаги муҳим тамойил сифатида кўзга ташланаётгани айниқса эътиборлидир.

Ўзбекистон бугунги кунда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида ташкилотга аъзо бўлган давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш учун астойдил интилоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) — минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат - Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари

учрашувида тузилган (2001 йил 15 июн). ШХТнинг вужудга келиш тарихи „Шанхай бешлиги“ деб аталган уюшма фаолияти билан боғлиқдир. Дастлаб Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари иштирокида („Шанхай бешлиги“) учрашуви бўлиб ўтган. Унда чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончли мустаҳкамлаш (1996 йил) ва қўшма чегарада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш (1997 йил) тўғрисида 2 та битим имзоланган эди. 1998 йилдан „бешлик“ мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги собиқ Совет Иттифоқи — Хитой чегараси бўйлаб ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарор-лаштириш масалаларидан минтақавий хавфсизлик ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш чораларига ўтишга қаратилди. ШХТнинг Душанбе (2000 йил) саммитида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. Ана шу саммитда „бешлик“ негизида кўп тармоқли ташкилот тузиш тўғрисида таклиф илгари сурилди. ШХТ таъсисчиларидан бири сифатида иштирок этиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Шанхай саммитида (2001 йил июн) янги ташкилотнинг мақсад ва принципларини эълон қилган Декларация, шунингдек, терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғриси-даги конвенция қабул қилинди. Ташкилотнинг Санкт-Петербургда бўлган 2-саммитида (2002 йил июн) устав ҳужжати — ШХТ Хартиясига имзо чекилди. ШХТ нинг олий органи Давлат бошлиқлари кенгашидир. Ташкилот структураси Ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибият (Пекин шаҳрида жойлашган) ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ Тошкент шаҳрида жойлашган)дан иборат. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йил 1 январдан фаолият кўрсатади. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Шу мақсадда



тузилма таркибида кенгаш ва ижроия кўмитаси фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга 6 давлат махсус хизматлари раҳбарлари-нинг вакиллари киритилган. Ижроия кўмитасида эса ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШХТга аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида Ташкилотнинг шаклланиш даври яқунланганлиги қайд этилди. Мажлис яқунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикасининг Ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларнинг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадига қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. ШХТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорлик борасида ташкилотга аъзо давлатлар олдида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хом ашё захираларини ўзлаштириш, сув энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш каби масалалар мавжуд. ШХТнинг бошқа Собиқ СССР ҳудудида жойлашган регионал ташкилотлардан фарқи ушбу ташкилотга МДХ давлатларидан ташқари унга Хитой, Ҳиндистон ва Покистон ҳам қўшилган.

ШХТ ҳарбий блок ҳисобланмайди, бироқ ташкилот аъзолари хавфсизлик ва терроризм билан курашга доир масалаларни кўриб чиқишади. 2002 йилдан буён ташкилот аъзолари мунтазам равишда аксилтеррор машқларини ўтказишади. 2011 йилнинг 15 июнида ШХТнинг ўн йиллик саммитида мамлакатлар раҳбарлари Гиёҳвандликка қарши стратегия ва уни амалга ошириш дастурини тасдиқлашди. Аксилтеррор тузилмасининг бевосита саъйи ҳаракатлари натижасида ўтган йиллар ичида минтақада содир бўлиши мумкин бўлган 550 дан ортиқ террорчилик ҳаракатларининг олди олиб қолинди.

## **Қисқача хулосалар**

1.Терроризм жаҳондаги барча мамлакатлар барқарорлиги ва миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид бўлиб ҳисобланади. Терроризм ва экстремизм дунёнинг деярли барча мамлакатлари ва уларнинг фуқаролари хавфсизлигига таҳдид солмоқда ва жуда катта сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўқотишларга олиб келмоқда. Терроризмни жамият ҳаёт фаолиятига таҳдид бўлиб, у энг тубан, энг қабих мақсадларга хизмат қиладиган ҳодисадир.

2.Глобаллашув даврида терроризм қарши курашишда бутун жаҳон ҳамжамияти иштирок етиши керак. Фақат шундагина курашнинг самарадорлигига эришиш мумкин.

3.Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ташқи сиёсатини олиб боришда республиканинг манфаатларидан келиб чиқади. XXI асрнинг бошларида Марказий Осиё фаол геосиёсий рақобат минтақасига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг минтақа марказида жойлашганлиги унинг геостратегик жиҳатдан ўрнини белгилайди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё ҳудудида содир бўладиган воқеалар у ёки бу даражада Ўзбекистондаги вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Осиё қитъасидаги энг нуфузли ташкилотга айланган ШХТда муҳим ўринни эгаллайди ва унинг мақсадларини амалга оширишда, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва таъминлаш борасидаги фаолиятида фаол иштирок этади.

## **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини очиб беринг?

2. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор вазифалари нималардан иборат?

3. Терроризм турлари тўғрисида гапириб беринг?

4. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда регионал ташкилотларнинг ўрни нималарда кўринади.

5. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва унинг минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида қисқача гапириб беринг?

6. Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш борасидаги саъйи ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?

*Иқтисодий жиҳатдан заиф давлат саноат ишлаб чиқариши йўқлиги учун ҳам қашшоқдир ва у айни вақтда қашшоқ бўлганлиги сабабли ҳам саноат ишлаб чиқариши йўқ. (Ханс Вольфганг Зингер)*

## **5-МАВЗУ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК**

**Режа:**

**5.1. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили**

**5.2. Иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги**

**Таянч тушунча ва иборалар:** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, рақобат, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ички иқтисодий салоҳият, ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, молия-кредит тизими.

### **5.1. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили**

Дунёнинг барча мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, уни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш мамлакат иқтисодиётини унинг таҳдидларидан ҳимоя қилувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқиши пировард натижада - мамлакат

иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтди<sup>34</sup>.

Ўзбекистонда қабул қилинган ислохот ва модернизация моделини амалга оширишда тадрижий ёндашувни танланганлиги ислохотларни изчил ва босқичма-босқич олиб бориш имкониятини яратди.

Рақобат бозор хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасида рақобат янги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз салоҳияти ва имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратади.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда эса халқаро рақобат муаммолари биринчи ўринга чиқиб боради. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам рақобат тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган ва ушбу муаммолар билан шуғулланадиган идоралар ташкил етилган. Бу эса ўз навбатида бозор хўжалигининг муваффақиятли амал қилишида рақобатнинг етакчи ролини тан олинганлигидан далолат беради.

Капитал ва меҳнат ҳаракатчанлигининг ошганлиги, дунё иқтисодиётининг ёппасига ахборотлашуви, эркин савдо ва бозорлар интеграциялашувида намоён бўлаётган глобаллашув жараёнлари, дунёнинг барча мамлакатлари учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаш-тиришда кенг имкониятлар очмоқда. Лекин, шу билан бирга, мамлакатлар ушбу жараёнларга хос бўлган айрим қийинчиликларга ҳам дуч келмоқдалар. Айни пайтда дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, глабаллашув жараён-ларидан асосан дунё бозорига тайёр рақобатбардош товарлар билан чиқаётган мамлакатлар кўпроқ наф олмоқдалар.

Мамлакатимиз раҳбари 2018 йилнинг 28 -декабрь куни мамлакатимиз Парламентига йўллаган Мурожаатномасида: “Биз ҳар бир йилга эзгу ният

---

<sup>34</sup>И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, Ўзбекистон. 2009 4-6 б

билан ном берамиз ва ўз олдимизга улкан марраларни кўямиз. Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асари “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади” деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор. Биз 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди”-деб, таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг якунлари ва 2019 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устивор масалаларини қамраб олган Мурожаатнома-сида 2019 йилни мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”-деб номлаш таклиф этилди ва бу таклиф бир овоздан маъқулланди <sup>35</sup>. Мамлакатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек: Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Мана шундай бир шароитда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари ҳар қандай мамлакат истеъмол товарларини маълум қисмини ташқи бозорлардан харид қилишга мажбур бўлади. Мана шундай шароитда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш импортни таъминлаш учун валюта тушумларини кафолатлайди. Демак, рақобатбардошлик иқтисодий хавфсизлик муаммоси билан ҳам бевосита боғлиқдир. Маълумки, бир неча йиллардан бери мамлакатларнинг жаҳон хўжалик тизимида рақобатбардошлигини аниқлаш ҳамда уларни рақобатбардошлик рейтингини тузиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ҳар йили Бутун жаҳон иқтисодий форуми Глобал рақобатбардошлик даражаси тўғрисида ҳисобот эълон қилади. Бу борада дастлабки маъруза 1979 йилда чоп этилган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-12-2018>

мамлакатлар рақобатбардошликнинг глобал индекси асосида кетма -кетлик тартибида рўйхатга киритилади. Рақобатбардошлик индекси мамлакатнинг ўз фуқаролари учун муносиб ҳаёт кечириш имкониятини таъмин этишга қай даражада қодир эканлигини кўрсатади. Бу эса, биринчи навбатда мавжуд ресурслардан нечоғли самарали фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Эркин бозор шароитида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъмин этиш учун одатда, муттасил тарзда меҳнат унумдорлигини ошириб бориш, товар ва хизматлар сифатини яхшилаш талаб этилади. Бутун жаҳон иқтисодий форуми экспертларининг фикрича, глобал рақобатбардошлик индексидан мамлакатлар иқтисодий тараққиёт ва рақобатбардошликни таъминлаш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бутун жаҳон иқтисодий форуми вакилларининг таъкидлашларича, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигига турли-туман омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, давлат молиясини самарасиз бошқариш, юқори инфляция даражаси иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатса, интеллектуал мулк муҳофазаси, ривожланган суд -ҳуқуқ тизими кабилар ижобий таъсир кўрсатади. Институционал омиллар билан бир қаторда таълим ва ишчи кучи малакасини ошириш, доимий равишда янги билим ва технологияларга эгалик қилишга интилиш ҳам рақобатбар-дошликка таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан саналади. Бугунги кунда мамлакатлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг умумлашган кўриниши бўлиб, Колумбия университети профессори Ксавье Сала-и-Мартин (Xavier Sala-i-Martin, Columbia University) томонидан Бутун жаҳон иқтисодий форуми учун махсус ишлаб чиқилган ва 2004 йилда биринчи мартаба нашр қилинган Глобал рақобатбардошлик индекси ҳисобланади.

Глобал рақобатбардошлик индекси иқтисодий тараққиётнинг турли даражасида бўлган мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини синчковлик билан таҳлил этиш ва тавсифлаш имконини берувчи 113 та

ўзгарувчидан ташкил топган. Барча ўзгарувчилар миллий рақобатбардош-ликни аниқлаб берувчи 12 та назорат кўрсаткичларига бирлаштирилган:

1. Институтлар сифати.
2. Инфратузилма.
3. Макроиктисодий барқарорлик.
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим.
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик.
6. Товар ва хизматлар бозори самарадорлиги.
7. Меҳнат бозори самарадорлиги.
8. Молия бозорининг ривожланганлиги.
9. Технологик тараққиёт даражаси.
10. Ички бозор кўлами.
11. Корхоналарнинг рақобатбардошлиги.
12. Инновацион салоҳият.

Юқорида санаб ўтилган омил ва кўрсаткичларнинг ҳеч бири ўзи алоҳида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъмин этишга қодир эмас. Масалан, таълимга сарфланаётган харажатлардан кутилаётган самара меҳнат бозорининг самарасизлиги туфайли сезиларли даражада пасайиб кетиши мумкин ёки макроиктисодий барқарорлик нуқтаи назаридан молиявий маблағларни бошқариш самарадорлигига қачонки давлат молиясини бошқариш тизими шаффоф бўлганда, иқтисодиётда коррупция аломатлари сезиларли даражада паст бўлгандагина эришиш мумкин.<sup>36</sup> (1-илова)

Мамлакатлар рақобатбардошлигининг мезонлари таркибини шакллантиришда иқтисодиёт, таълим, фан, ҳуқуқий тизим, информатика, инфратузилма, молия, солиқ тизими, ташқи иқтисодий фаолият, бошқарув тизими, ижтимоий соҳаларнинг ривожланганлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга алоҳида аҳамият берилган.

Рақобатбардошлик - иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим механизми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизлик ва рақобатбардошлик

---

<sup>36</sup> <http://reports.weforum.org/global-competitiveness-index/>



доимо ўзаро муносабатда бўлиб туради. Иқтисодий хавфсизлик ҳам, рақобатбардошлик ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини тавсифловчиларидир. Шу билан бирга рақобат-бардошлик бир пайтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини ривожланиш даражасини индикатори бўлса, иқтисодий хавфсизлик унинг мавжудлиги ва ривожланиш шарти сифатида намоён бўлади.

Мамлакатда рақобатни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, рақобат муҳитини яратиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юксак иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг самарали таркибини шакллантиришда ва миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлатни ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни амалга оширишда бош ислохотчи эканлигини белгиловчи тамойилдир. Ўтиш даврида айнан давлат миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ислохотлар жараёнини тартибга солиб туриши, иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсади ва устувор вазифаларини белгилаши, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириши зарур эканлигини Ўзбекистон тажрибаси яққол намоён қилди.

Ўтган чорак асрдан кўпроқ мустақил тараққиёт даврида иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни

янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

ҳаражатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва

аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ушбу масалаларни амалга ошириш асносида Ҳаракатлар стратегиясида таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш, унда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, шунингдек, миллий валюта ва нархлар даражасининг барқарорлигини таъминлаш назарда тутилган. Иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий валютанинг ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигига боғлиқдир. Бунинг учун товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) ўзгаришини кузатиш методикасини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Марказий банк томонидан белгиланадиган қайта молиялаш ставкаси молия бозорини тартибга солишнинг асосий кўрсаткичидир. Шу борада, яъни молия бозорларини ва тижорат банкларининг инвестициявий имкониятларини барқарорлаштириш учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва Марказий банкнинг асосий регулятори бўлмиш қайта

молиялаш ставкасини ўрнатишнинг халқаро методикасидан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг очиклиги ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ўтган йилларда амалга оширилган банк-молия соҳаларидаги тизимли тадбирлар натижасида, яъни 2016 йил давомида ўтказилган стерилизация операцияларининг ўртача ҳажми 2015 йилга нисбатан 1,3 мартага ошди. Бу эса банк тизимидаги ликвидликни самарали бошқаришга, пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Айни дамда, товар ва хизматларни харид қилишда нақд пулсиз, нақд пул кўринишидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Аммо неъматларни нақд пулсиз кўринишда айрибошлаш амалга оширилганда сотувчилар томонидан сунъий равишда нархларнинг ошириб кўрсатиш ҳолатлари юзага келмоқда. Мазкур ҳолат икки хил кўринишдаги тўловлар ўртасидаги тафовутнинг бир-биридан кескин фарқланишига ва натижада истеъмолчиларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, нархларнинг бозор қонунларига зид бўлган ҳолатда ўсишига олиб келмоқда.

Юзага келаётган ноиқтисодий камчиликларни бартараф этиш бўйича 2017 – 2021 йиллар давомида нақд пулсиз кўринишда товар ва хизматлар сотишда сунъий юқори нархлар ўрнатганлик учун жавобгарликни ошириш ҳамда бозор механизмларини жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланган. Иккинчидан, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга нархларни декларация қилиш тартибини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда кейинчалик 2020 йилда уни бекор қилиш вазифаси белгиланган.

Учинчидан, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, шу жумладан, иқтисодиёт соҳаларида тўловларнинг замонавий электрон шакллари жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш, шунингдек, банкдан ташқари айланишини қисқартириш лозим. Бунинг учун аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари

ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага киритиш; банк пластик карталари орқали ҳисоб рақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; банк пластик карталари орқали жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини кенгайтириш; тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш; пластик картадаги маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш; валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтаришнинг тартиб-таомиллари ва технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, ички ва халқаро савдони амалга оширишда валюта курси асосий таъсир кўрсатадиган омил сифатида қаралади. Иқтисодий эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси валюта тизимида валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, валютавий назорат жараёнига аслида назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларининг фаол тарзда жалб этилганлиги валютавий назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига, жорий валюта бозори ликвидлилик даражасининг паст даражада эканлиги эса, миллий валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва таклиф асосида шакллантириш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

Чунончи, валюта курси ва паритети ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, валюта курси нақд ва нақдсиз пул айланмаларига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Аммо пул тизимининг айрим элементлари ривожланишда давом этиб, тизимнинг ўзига, иқтисодийнинг ҳолатига, айрим даврий

оралиқларда, бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Масалан, пуллар таклифининг кескин ошиши инфляция даражасининг ўсишига ва шунинг асосида пул қийматининг пасайишига олиб келади. Ёки миллий валютанинг реал алмашув курсининг ошиши мамлакат экспорт салоҳиятининг пасайишига ва шу тариқа хорижий валюталар таклифининг камайишига олиб келиши мумкин.

2016 йилда сўмнинг ҳамкор давлатлар ва бошқа асосий хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсининг қадрсизланиши мамлакатимиз экспорт қилувчи корхоналари рақобатдошлигининг кучсизланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг хорижий валюталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялари ҳажмини ошириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курсини АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топган “валюта савати”га нисбатан аниқлашни жорий қилиш йўли билан миллий валюта -сўмнинг девальвация суръатини пасайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АҚШ Федерал захира тизими, Европа Марказий банки ва Япония Марказий банки билан валютавий своп операцияларини узлуксиз равишда амалга оширишни йўлга қўйди. 2019 йилдан бошлаб мамлакатимиз тарихида биринчи марта суверен давлат облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқариш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида, биринчидан, жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар барҳам топади; иккинчидан, Марказий банкнинг расмий халқаро валюта захираларини бошқариш имконияти кенгаяди.

Шу борада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш кун тартибидаги бирламчи масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валютани тартибга солишнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини тайёрлаш Ҳаракатлар

стратегиясида белгилаб қўйилди. Қарор лойиҳасида қуйидагиларнинг акс этиши назарда тутилган:

валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор механизмини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини таъминловчи ва қўллаб-қувватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектларининг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;

ҳар қандай манипуляцияларнинг олдини оладиган механизмларни жорий этган ҳолда, хорижий валютанинг биржада эркин муомалада бўлишини таъминлаш;

тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий қилиш;

бюджетга қўшимча тушумлар, тижорат банкларининг жорий кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг таянч тармоқларини вақтинчалик молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида Ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти у бажараётган функцияларда намоён бўлади. Унинг асосан иккита функцияси мавжуд: тақсимлаш; назорат. Давлат айнан бюджетнинг тақсимлаш функциясига таяниб, ихтиёридаги марказлашган молия ресурсларини шакллантиради ва уларнинг ёрдамида умумдавлат истеъмолларини пул ресурслари билан таъминлайди.

Молиявий назорат тизими субъектлар (назорат килувчилар), объектлар (назорат килинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини биргаликда жамлаб, уз ичига олади. Молиявий назоратнинг муҳим шаклларида бири бу - давлат

бюджет-молия назорати ҳисобланади. Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари учун мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирларни белгилаш имконияти яратилади.

Давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, нақд пул муомаласи механизмларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги воқелик нуктаи назаридан долзарб бўлиб қолмоқда. Бунинг учун давлат маблағлари ҳақидаги маълумотларни давлат секторида ҳисобга олишнинг халқаро стандартларига мослаштириш орқали уларнинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш, шу жумладан, иқтисодиётнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қайта молиялаштириш ставкасини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани мамлакатларнинг валюта сиёсатига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва қатор давлатларда “Голланд касали”нинг юзага келишига туртки бермоқда. “Голланд касаллиги” табиий ресурс манбаларининг кашф этилиши натижасида мамлакат саноатлашув даражасининг пасайиб кетиши, давлат миллий валютасининг кучли ревальвацияланиши ва натижада мамлакат экспорт товарлари рақобатдошлигининг сезиларли даражада пасайишини англатади. “Голланд касаллиги”га учраган давлатда асосий экспорт товарларини ишлаб чиқаришга асосланган мамлакат қайта ишлаш саноатида кескин пасайиш юз беради ва мамлакатнинг анъанавий экспорт тушумлари манбаи бўлган қайта ишлаш саноатига нисбатан кучли салбий таъсир вужудга келади. Табиий ресурслар



учун қулай баҳолар шароити йўқолгач, мамлакатнинг кучсизланган анъанавий саноати орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаши анча оғир кечади.

Юқоридан таъкидланган “касаллик”нинг олдини олиш учун Ҳаракатлар стратегиясида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш учун 2018-2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланмоқда:

банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш;

бошқарув ва банк таваккалчилиги тизими, шу жумладан, хориждаги илғор тажрибалар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш;

тижорат банклари фаолиятига, шу жумладан, кредит сиёсатига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик;

тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш қўламини янада ошириш;

банкларга хос бўлмаган вазифаларни истисно этиш бўйича амалий чораларни кўришни назарда тутувчи дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Навбатдаги ўзгаришлар сифатида кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги тартибларни ишлаб чиқиш белгиланган. Ушбу тартибларда қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотни ҳар қандай кредиторга унинг ёзма сўрови олинган вақтдан бошлаб 10 кун ичида тақдим этиш ҳамда кредиторга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорга эътироз билдириш ҳуқуқини бериш масаласи киритилмоқда. Ушбу тартибларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши асносида санация

режаси билан рози бўлмаган кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, банкротлик ҳолатларидан тикилган маблағларни қайтариш даражасини ошириш, «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш имкони яратилади.

Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобидан амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этиш тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг қулай воситаси ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Молия бозорини ривожлантириш концепциясини яратиш ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида қуйидагилар акс эттирилган:

мустаҳкам молиявий институтлар (банклар, суғурта компаниялари, йирик давлат компаниялари, акциядорлик жамиятлари)га қимматли қоғозлар (облигациялар, векселлар ва бошқалар) чиқаришга рухсат бериш;

қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг молия бозорининг замонавий воситаларини жорий қилинишдаги ролини кучайтириш, яъни мазкур органни назорат органи сифатида эмас, балки қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги фаолияти самарадорлигини ошириш;

қимматли қоғозларни дастлабки ва қўшимча эмиссия қилишни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш;

суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шакллари жорий қилиш, суғурта ва бошқа турдаги молиявий хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш;

алоҳида миллий корхоналар акцияларининг хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишига эришиш (IPO), уларнинг хорижий капитал бозорига чиқишини таъминлаш.

Мамлакатимизнинг ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида бирламчи эмиссиялар устунлик қилмоқда. Иккиламчи фонд бозорининг ривожланиши, энг аввало, қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш учун бозорнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, қимматли қоғозларнинг муомала қилиши ва уларга хизмат кўрсатиш тизимида чиқимлар ва харажатларни камайтиришга ёрдам бериш, бозорнинг ахборот жиҳатдан очиқлигини кучайтириш керак бўлади.

Иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланишига ва инвесторлар ишончининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобидан ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш, ўз-ўзидан маҳаллий ҳокимиятнинг турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, маҳаллий бюджетнинг чекланганлиги ундан хўжасизларча фойдаланиш мумкин, дегани эмас. Шунинг учун яқин истиқболда бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга

қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ушбу ҳужжатларнинг кучга кириши оқибатида бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар тасарруфида қоладиган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг рўйхати ва миқдорини қайта кўриб чиқиш орқали шаҳар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини оширган ҳолда, фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш имкони яратилади.

Ҳаракатлар стратегиясида кўтарилган яна бир муҳим масала бу - солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилашдан иборатдир. Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

2) солиқ юкини, хусусан: якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш (масалан, узоқ ва бориш қийин бўлган) жойларини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш; йирик корхоналар учун солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобидан уни изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда қўлланилаётган солиққа тортиш тартиблари улар фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгуси молия йилига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишларида катта аҳамият касб этмоқда. Айнан давлат солиқ сиёсати инструментлари орқали уларнинг иқтисодий фаоллик даражасини оширишга эришилмоқда. Чунки кичик

тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини белгиловчи омилларга корхона тўлайдиган солиқлар ва йиғимларнинг таъсир доираси юқоридир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш тизимида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларга назар соладиган бўлсак, мазкур ислохотларни қуйидаги уч босқичга бўлишимиз ҳамда ҳар бир босқичда эришилган тенденцияларни таҳлил қилишимиз мумкин: I босқич (1991-1997 йиллар); II босқич (1998-2004 йиллар); III босқич (2005 йилдан ҳозирги кунга қадар).

Бундан ташқари, солиққа тортиш тизимида мазкур субъектлар зиммасидаги солиқ юкининг оптимал даражасини аниқлаш масаласи долзарб муаммолардан бўлиб, солиқлар орқали давлат улар фаолиятини чеклаши ёки мақсадли тарзда рағбатлантириши мумкин. Давлат мазкур субъектлар фаолиятига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили эканлиги, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, иқтисодиётда ялпи таклифга ижобий таъсир этиб, аҳоли ва тадбиркорлар даромадларининг кўпайишига, натижада эса жамғармаларнинг ошишига ҳамда капиталнинг жамланишига, аксинча, солиқ ставкаларининг меъёрдан ошиши иқтисодиётда меҳнат ва иқтисодий фаолликнинг пасайишига, жамғармаларнинг иқтисодиётдан четланишига, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади<sup>37</sup>.

Иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга, бу орқали эса мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин. Солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда, кичик корхона ўз фаолиятини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ҳамда охир-оқибат ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини кўтаришга эришмас экан, тақдим этилган солиқ имтиёзлари

---

<sup>37</sup> Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Монография. ТМИ-Т.: "Iqtisod-moliya". 2014.

фақатгина улар сонини кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда бўлган солиқ имтиёзларининг сони, ҳажмидан ташқари, уларнинг мазкур субъектлар фаолияти давомидаги самарадорлик кўрсаткичини ҳам таҳлил қилиб бориш зарур.

Имтиёзларнинг индивидуал тартибда берилишига йўл қўймаслик мақсадида уларни мақбуллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозимдир.

Бугунги глобллашув жараёнлари жадаллашаётган шароитда мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўзгаришига таъсир кўрсатадиган соҳалардан яна бири - бу халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро молия бозори институтлари билан алоқаларни кенгайтиришни талаб этади.

Этакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали:

халқаро молиявий институтлар пул маблағларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан:

2016-2020 йиллар давомида 27 та лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банки кредитларини жалб этиш;

2017-2019 йиллар давомида 20 та лойиҳани амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки кредитларини жалб қилиш.

Ислон тараққиёт банкининг 1 миллиард доллардан кам бўлмаган миқдордаги кредитларини жалб қилишни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини ишлаб чиқиш орқали 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Ислон тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.

Устувор ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чет эл ҳукумат ташкилотларининг (Хитой экспорт-импорт банки, Корея экспорт-импорт банки, EDCF Фонди, Япон

халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (ШТҲА), Франция тараққиёт агентлиги (ФТА), Европа ҳамкорлик комиссиялари ва ҳоказо) имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш имконининг яратилиши Ҳаракатлар стратегиясида келтириб ўтилган.

Шунингдек, етакчи халқаро ва чет эл молиявий институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жалб қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзага келадиган харажатларни камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг кредит рейтингини яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро рейтинг ва суғурта агентликлари (S&P, FITCH, MOODY'S ва ҳоказо) билан учрашув ва давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб бориш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларнинг қилиниши режалаштирилган:

2017 – 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади. Жами харажатлар учун 37 687,8 миллиард сўм ва 8 349,3 миллион АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

№	Молиялаштириш Манбалари	Миллий валютада, млрд. сўм	АҚШ долларида, минг доллар
1.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	5 263,1	1 625,8
2.	Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	15 423,0	311 510,0
3.	Тижорат банклари кредитлари	16 941,2	-
4.	Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва беғараз ёрдам	60,5	8 036 157,8

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат рақобатбардошликни бошқармайди, балки тартибга солишнинг турли усул ва воситалари ёрдамида унга таъсир

кўрсатади. Булар қаторига турли қонунлар, қонуний ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари ва иқтисодий дастакларни киритиш мумкин.

Давлатнинг вазифаси миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат. Рақобатбардошликни бошқариш эса бевосита ишлаб чиқарувчилар даражасида амалга оширилади. Айни пайтда, ишлаб чиқарувчилар тегишли ҳуқуқларга, тадбиркорлик ташаббускорлигига, кадрларга эга бўлишлари керак. М.Портернинг фикрича, давлат рақобатбардошликнинг ўзига хос катализатори ролини ўйнаши лозим. Лекин, шу ўринда давлат сиёсатининг устуворликларини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг фикрича, рақобатни ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат чора-тадбирлари мажмуасига қуйидагилар кириши керак:

- инфратузилма, малакали ишчи кучи, илмий-конструкторлик ишланмаларини яратиш;
- самарали солиқ ва пул сиёсатини ўтказиш, энергияташувчилар бозорини тартибга солиш;
- талабни, ички рақобат ва инноватсияларни рағбатлантириш;
- бозордан сифатсиз маҳсулотларни сиқиб чиқариш учун техник ва технологик стандартларнинг аниқ тизимини яратиш;
- харидорларга тўлиқ ва сифатли ахборотларни етказиш;
- қолоқ ҳудудларни ривожланишини рағбатлантирувчи минтақавий сиёсатни амалга ошириш;
- экспортни рағбатлантириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини яратиш, уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалаларига ислохотларнинг илк босқичлариданоқ алоҳида аҳамият берилди. Рақобатни қўллаб-қувватловчи, уни тартибга солиб турувчи бир қатор қонун ва қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул



қилинди. Бу борада асосан икки йўналишдаги меъёрий ҳужжатлар тизими яратилди:

- иқтисодиётдаги монопол ҳолатларни олдини олиш борасида - Ўзбекистон Республикасининг “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида” (1992-й.), “Товарлар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида” (1996-й.), “Табиий монополиялар тўғрисида”ги (1999-й.) қонунлари;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида - Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”ги (1998-й.) қонунлари.

Иқтисодиётда монополлашув тамойиллари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларға қаратилади.

Шу ўринда етарли даражада мукамал бозор иқтисодиёти шакллантирилган давлатларнинг рақобатни қўллаб-қувватлаш ва мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш борасида тўплаган тажрибалари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Ривожланган давлатларда шакллантирилган мустақкам қонуний асослар, меъёрий-услубий ва ресурслар базаси, турли объектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан шуғулланувчи тегишли давлат ва жамоат ташкилотларининг мавжудлиги ва уларнинг самарали ишлаши уларда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва мамлакат рақобатбардошлигини юқори даражада сақлаб туриш учун кенг имкониятлар яратади. Кўпчилик ривожланган давлатларнинг ҳукуматлари рақобатни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардошликни таъминлаш учун махсус дастурлар ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар. Бунинг учун зарур бўлган инфратузилмани ривожлантирадилар ва уни такомиллаштирадилар.

Шу ўринда иккинчи жаҳон урушида вайрон бўлган иқтисодиётни 15 йил ичида тиклаб, 25 йил давомида ривожланган мамлакатлар қаторидан энг юқори ўрин олишга эришган Япониянинг мамлакатда рақобат муҳитини шакллантириш борасидаги тажрибаси эътиборга лойиқ. Урушдан сўнг бу мамлакат олдида турган биринчи ўриндаги вазифа вайрон бўлган саноат ишлаб чиқаришини тиклаб олиш бўлди. Бу вазифани амалга ошириш учун Япония ҳукумати давлат томонидан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш муаммосини ҳал этишга бўлган турли ёндашувларни ўрганиб чиқди ва энг асосий эътиборни саноат сиёсатига қаратди. Мана шу сиёсатнинг амалиётга муваффақиятли тадбиқ этилиши рақобат муҳитини шаклланиши учун замин яратди ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъмин-лади. Бу эса, ҳозирда ҳам глобал бозорларда ушбу мамлакатнинг рақобат мавқеининг сақланиб қолишига имконият яратмоқда.

Самарали ва илмий жиҳатдан пухта асосланган саноат сиёсати Япония иқтисодиётининг тез суръатлар билан ўсишини таъминлади.

1960-йилларнинг охирига келиб, Япония ички бозорининг барча зарур товарлар билан тўйинтирилганлиги япон компанияларини экспорт стратегиясини ривожлантиришга ундади. Ички бозорда товарлари етарли бўлган ҳар бир тармоқда экспорт салоҳияти орта борди. Бу эса ўз навбатида ташқи бозорларда сотиш каналлари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантиришни тақозо етди. Айни пайтда, юқорида таъкидланган ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш билан биргаликда амалга оширилди. Шу билан бирга инвестиция жараёнларига давлатнинг аралашуви камайиб борди. Хусусий сектор мамлакатда ва ундан ташқарида капитал қўйиш ва тижорат фаолиятини ривожлантириш йўналишларини мустақил равишда белгилай бошлади. Ҳукумат эса ўз фаолиятини рақобат муҳитини ривожлантиришга ва рақобатни қўллаб-қувватлашга қарата бошлади. Давлат кичик ва ўрта бизнесни йирик монополиялар тазйиқидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширди.

Мамлакатдаги ўзгаришлар аҳоли даромадларини ошишига олиб келди. Бундан ташқари аҳолининг маълумот даражасини ошганлиги, фаровон яшашга интилиш истеъмол талабини кенгайтишига ва ошишига туртки бўлди. Бунинг натижасида харидор учун кураш, ички рақобат кучайди ва янги-янги товарлар ишлаб чиқарила бошланди. Натижада япон компанияларининг даромадлари ошди ва бу ўз навбатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Рақобат муҳитини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ имтиёзлари бериш йўли билан хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари учун инвестициялар йўналтири-лишини рағбатлантирилганлиги Япония саноат сиёсатининг устувор вазифаси бўлиб келмоқда.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадик, Японияда рақобатни қўллаб-қувватлаш ва рақобат муҳитини шакллантиришда асосан саноат сиёсатини амалга оширишга ва шу орқали мамлакат иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилган. Айти пайтда, мамлакатда иқтисодиётга давлат аралашуви маъмурий назоратга эмас, балки иқтисодий дастакларга асосланган бўлиб, бу эркин рақобат учун кенг майдон шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган. Мана шундай тажрибаларни ўрганиш ҳамда улардан республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, мамлакатимизда рақобат муҳитини янада кенгайтириш учун имконини беради.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожининг бугунги босқичида «монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат муҳитини шакллантириш» масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларни ҳал этиш мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсишига, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигининг ортишига, нархларни пасайишига замин яратади.

## **5.2. Иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги**

Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнларини чуқурлашиб бориши миллий иқтисодиёт олдида бир қатор янги вазифаларни қўймоқда. Миллий иқтисодиётнинг дунё бозорида ўз ўрнини топиши, яъни маълум “дарчани” эгаллаши учун унинг рақобатдошлик даражаси доимий равишда ўсиб бориши лозим. Ушбу мақсадларга эришиш учун миллий иқтисодиётни барча соҳаларида техник ва технологик янгиланиш амалга оширилиши керак. Бу борада фан ва техника ютуқлари, ишлаб чиқаришни бошқарувнинг (менежмент) янги усулларини доимий равишда жорий этиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кейинги йилларда фан ва техника ютуқларини ва ишлаб чиқариш бошқарувини янги усулларини жорий этиш билан бирга, инсон капитали ривожига жуда катта эътибор берилмоқда. Информацион технология, роботлар, био-, нанотехнологияларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий этилиши муносабати билан меҳнат ресурсларининг касбий малакасини ошириш катта аҳамият касб этиб, уларнинг сифати мамлакат иқтисодиёт рақобатдошлигини ва барқарор ривожланишини таъминлайди.

Мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги ўрнини реал секторнинг ривожланиш даражаси ва рақобатдошлиги белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг реал секторига турлича таъриф берилган бўлиб, улардан баъзи бирларини келтириб ўтамиз:

1. Иқтисодиётнинг реал сектори - иқтисодий ва қонуний белгиланмаган иқтисодий атама ҳисобланади ва маълум ҳудуддаги фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик, ўрта ва йирик (индустриал) корхоналарни бирлаштирадиган иқтисодиёт соҳасидир.

2. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётнинг йирик таркибий қисми бўлиб, у турли ишлаб чиқариш соҳаларини ўхшаш тавсифлар. иқтисодий мақсадлар, функциялари орқали бирлаштиради ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан иқтисодиётнинг бошқа қисмларидан фарқ қилади.

3. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётни материал-буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, номоддий бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори капитални спекулятив ҳаракатини истисно қилган ҳолда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш ва иқтисодий ўсиш жараёнларини бирлаштирадиган соҳа.


5. Иқтисодиётнинг реал сектори - бу иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлиб, тўғридан тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш, даромад олиш ва бюджет даромадлари тушумини таъминлайди.

6. Иқтисодиётнинг реал сектори - тижоратга асосланган серияли ва йирик миқдорда маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчи. жумладан, бино ва иншоотларни қуриш, алоқа, телекоммуникация, транспорт хизматини амалга оширувчи кичик. ўрта ва йирик корхоналар йиғиндисидир.

Иқтисодиётнинг реал секториди хавфсизликни таъминлаш мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки барқарорлик ва тараққиёт айнан реал ишлаб чиқариш, самарали фаолиятни таъминлаш, аҳоли бандлиги, унинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодиёт реал секторининг иқтисодий хавфсизлиги энергетика, озиқ-овқат ва ахборот соҳаларида хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Реал секторининг энг йирик, етакчи тармоғи - саноат тармоғи ҳисобланади. Унда меҳнат қуроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади; машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади; ер ости бойликлари қазиб олиш амалга оширилади; минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва ҳ.к.лар.



**1- расм. Иқтисодиёт реал секторининг иқтисодий хавфсизлиги**<sup>38</sup>

Саноат тармоғи иқтисодиётнинг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожини ва самарадорлигини қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради. Саноат тармоғининг ривожини туфайли унда банд бўлган ходим-ларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади. Фақат йирик машина индустрия-сигина фан ва техника ҳамда инновациянинг барча ютуқларини мужассам-лаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириб меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтара олади.

Саноат ва айниқса, унинг энг муҳим соҳаси бўлган оғир саноат мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У

<sup>38</sup> Экономическая безопасность: учебное пособие/ М.В. Кунцман. – М.: МАДИ, 2016. – 152 с

моддий-техника воситаларини ўзи ва бошқа тармоқлар учун такрор ишлаб чиқариш билан бир вақтда жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириб ҳам боради.

1-жадвал.

**Реал сектор иқтисодий хавфсизлигининг услубий жиҳатлари**

<b>Реал сектор иқтисодий хавфсизлигининг услубий жиҳатлари</b>	<b>Услубиётнинг асосий тушунчалари. Мақсад ва вазифалар. Мақсадларга эришишнинг механизм ва воситалари</b>
Муаммони ҳал этишнинг асосий усуллари	Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегияси моделини шакллантириш. Хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш усуллари тизимлаштириш
Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан реал секторнинг ҳолати	Реал сектор тармоқларининг ҳолатли-тизимли таҳлили. Яхлит ҳолда реал сектор ривожланиши динамикасини экспертлик -таҳлилий баҳолаш
Индикаторлар -хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичларини танлаб олиш	Умумий таснифлаш. Асосий кўрсаткичларни танлаб олиш. Кўрсаткичларни услубий жиҳатдан ҳисоб -китоб қилиш
Тизимни давлат томонидан бошқариш	Давлатнинг ўрнини асослаш. Мазкур йўналишда давлат бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган вазифаларнинг кўламларини аниқлаштириш. Давлат бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилувчи режа ва дастурларда хавфсизликни таъминлашнинг ҳудудий муаммоларини эътиборга олиш. Хуқуқий таъминот.

Саноат учун фан-техниканинг узлуксиз тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг ютуқлари билан қуролланиши даражасининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш, компьютерлаштириш ва кимёлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина иқтисодий мустақилликнинг бирдан-бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация

қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди <sup>39</sup>. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш масаласи туради.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий учун ривожланган саноат тармоғи катта аҳамиятга эга. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари қанчалик кўп бўлса, иқтисодийда ўсиш шунчалик юқори бўлади, мамлакат хилма хил ва мураккаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қодир бўлса, унинг фаровонлик даражаси ва мамлакат иқтисодийнинг истиқболдаги ривожланиши шунчалик юқори бўлади. Агарда ривожланган мамлакатларда саноат тармоғи инновацияларнинг жорий этилишини, меҳнат унумдорлиги ва диверсификацияланган экспортни ошишини таъминлаб берса, ривожланаётган мамлакатларда - турмуш даражасининг ошишига йўл очиб берилишини таъминлайди. Зеро, немис саноатчиси Ханс Вольфганг Зингер айтганидек: “Иқтисодий жиҳатдан заиф давлат саноат ишлаб чиқариши йўқлиги учун ҳам қашшоқдир ва у айна вақтда қашшоқ бўлганлиги сабабли ҳам саноат ишлаб чиқариши йўқ”.

---

<sup>39</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи, 8 февраль 2017 йил.



Коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инқироз натижасида дунё бўйича амалга оширилаётган иқтисодий фаолият турларининг қарийб 90 фоизи у ёки бу даражада азият чекмоқда.

Трансмиллий савдо алоқалари ва таъминот занжирлари узилди, истеъмол талаби кескин қисқарди, миллионлаб ишсизлар армияси пайдо бўлди ( АҚШда ҳозирги кунга келиб, ишсизлар сони қарийб 39 миллион кишини ташкил этмоқда). Пандемия бошлангандан буён, дунёда ҳар олти кишидан биттаси ўз ишидан маҳрум бўлди, қолганларда эса меҳнат куни давомийлиги 23 фоизга қисқарган. Халқаро меҳнат ташкилоти иқтисодиётни тиклаш ва фуқароларни иш жойига қайтариш борасида мамлакатлар тезкор чора-тадбирлар кўриши зарурлигини таъкидламоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдернинг таъкидлашича, қайси мамлакатда вирус юктириб олганларни аниқлаш ва улар билан мулоқотда бўлган барча шахсларни кузатиш тизими яхши йўлга қўйилган бўлса, мазкур мамлакат-ларда иш вақти 7 фоизга қисқарган, бундай шарт-шароитлар яратилмаган мамлакатларда иш вақтининг қисқариши 14 фоизни ташкил қилади. Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида иш вақтининг давомийлиги 12,9 фоизга қисқарган.

ХМТ раҳбарининг сўзларига кўра, коронавируснинг тарқалиши бутун дунё бўйлаб меҳнат бозорларига узок муддатли таъсир кўрсатиши мумкин, яъни инсонлар, шу жумладан ёшлар карантин тадбирлари олиб ташлангандан кейин ҳам яхши иш топишлари осон бўлмайди. Пандемия бошланишидан аввал ҳам дунё бўйича ёшлар ишсизлиги энг катта муаммолардан бири бўлиб келаётган эди, хусусан 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё бўйича 267 миллион нафар ёшлар ишламаган ва таҳсил олмаган бўлса, бугунги кунга келиб вазият янада ёмонлашди.

ХМТ раҳбари Гай Райдернинг фикрича, бугунги кунда дунё мамлакатлари ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг касбий тайёргарликларини ошириш борасида қатъий чоралар кўрмас эканлар, пандемиядан сўнг дунё иқтисодиётини тиклаш жуда қийин кечади.

Бугунги куннинг ҳаётий ҳақиқатлари мана шундай. Иқтисодиётнинг яқин истиқболдаги ўзгаришлари ҳам унчалик қувонарли эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳолатга баҳо берган ҳолда, инқироздан муваффақиятли чиқиш йўллари кўрсатиб берди. Жорий йилнинг 13 май куни БМТ 2020 йилнинг ўрталаригача бўлган муддат учун дунё иқтисодиётидаги вазият борасида ҳисобот эълон қилди. Мазкур ҳужжатда 2021 йилгача бўлган муддат учун ҳам иқтисодий башоратлар ўрин олган. БМТ иқтисодчилари бу йил жаҳон иқтисодиёти 3,2 фоизга қисқаришини тахмин қилмоқдалар. [COVID-19](#) пандемияси оқибатида кейинги икки йил ичида дунё бўйича даромадларнинг 8,5 триллион долларгача қисқариши кутилмоқда. Бу 1930 - йилларнинг буюк депрессиясидан буён кузатилаётган энг кескин пасайишдир. БМТ бундай таназзулнинг оғир оқибатларини халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш орқали бартараф этиш мумкинлигига ишонч билдирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги ҳисоботга кўра, ривожланган мамлакатлар салбий иқтисодий ўсишни бошдан кечирадилар-уларнинг ЯИМи 5 фоизгача тушади. Бу йўқотишларни фақат 2021 йилда, иқтисодиётнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3.4 фоизга етган пайтдагина қисман қоплаш мумкин бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг қисқариши жорий йилда ўртача 0,7 фоизни ташкил этиши кутилмоқда (ХВЖнинг таҳлилларига кўра, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 2020 йилда 1,8 фоиз атрофида бўлади, 2021 йилда эса бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил этади). Жаҳон миқёсида талабнинг қисқариши ва таъминот занжиридаги узилишлар туфайли жаҳон савдоси ҳажми қарийб 15 фоизгача қисқаради. Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун эълон қилган ҳисоботида 2020 йилда Ўзбекистонда хусусий истеъмолнинг ўсиши атиги 0,4% бўлиши башорат қилинмоқда, таққослаш учун, 2019 йилда мазкур кўрсаткичнинг ўсиши 5,4% ни ташкил этган. Асосий фондларга ялпи инвестицияларнинг ўсиши 3,1% (2019 йилда 33,8% ни ташкил этган), экспорт ва импортнинг ўсиши 2019 йилда мос равишда 10,9% ва 47,3%ни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилда эса экспорт 1,2%, импорт эса 3,2%га ўсиши

кутилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳисоботга кўра, мамлакатимизда инфляциянинг йиллик суръатлари 15.8% бўлиши кутилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодий тармоқлари ва соҳалари ўсиши борасидаги таҳлиллар 2020 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2,6 фоизни ташкил этишини кўрсатмоқда (World Bank, Poverty & Equity and Macroeconomics, Trade & Investment Global Practices).

Пандемия натижасида 2020 йилда қашшоқлик чегарасида кун кечирувчи инсонлар сони дунё бўйича 34 миллион кишига ўсиши ва бу ўсишнинг ярмидан кўпи Африка қитъаси мамлакатларига тўғри келиши кутилмоқда. Узоқ муддатли башоратларга кўра, 2030 йилга бориб мутлоқ қашшоқликда кун кечирувчи аҳоли сони дунё бўйича яна 130 миллион кишига кўпайиши тахмин қилинмоқда. Пандемия шароитида юқори ҳақ тўланувчи ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар бир мунча кам азият чеккан бўлсалар, ҳозирги инқирозли вазиятдан кам ҳақ тўланувчи ва зарурий малакага эга бўлмаган фуқаролар катта талофот кўрмоқдалар. Бунинг натижасида БМТ экспертларининг фикрича, даромадларнинг тақсимланиши борасида камбағаллар ва бойлар ва шунингдек мамлакатлар ўртасидаги фарқланишлар янада кучаяди.

Коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган глобал иқтисодий инқирозга дуч келган дунё мамлакатлари унинг оқибатларини юмшатиш ва тезроқ инқироздан чиқиш борасида барча усул ва воситаларни ишга солмоқдалар. ЯИМнинг 10 фоиз ва ундан кўпроқ қисмини ташкил этувчи бюджет ажратмалари соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш ва пандемияга қарши курашиш, фуқароларнинг меъёрида кун кечиришларини таъминлашга йўналтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам пандемияга қарши курашиш, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган кенг қамровли молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда. 18 май куни Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонга 375 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди, шу билан бир қаторда Осиё тараққиёт банки тиббий асбоб-

ускуналар харид қилиш учун 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари ажратди. Умуман олганда Ўзбекистон пандемияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастури доирасида халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг 3,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини жалб этишни кўзда тутмоқда ( Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги №ПҚ-4691 сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инқирозга қарши жамғарма даромадлари Молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг 27 май санасида тақдим этилган маълумотларга кўра 7,44 трлн. сўм ( 7,32 трлн. сўм халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари ва 123,5 млрд.сўм давлат бюджети маблағлари) ни ташкил этади. Шунини таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт секторларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарманинг 1,4 трлн. сўм маблағи йўналтирилмоқда.

Аммо инқирознинг чуқурлиги ва жиддийлиги иқтисодиётнинг тезда ва оғриқларсиз тикланишини ваъда қилмайди. БМТ бош қотибининг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича ёрдамчиси ва ташкилотнинг бош иқтисодчиси Эллиот Харриснинг таъкидлашича “инқироздан кейинги тикланиш суръати ва ҳажми нафақат вируснинг тарқалишини олдини олувчи соғлиқни сақлаш тизими чора-тадбирларининг самарадорлигига, балки мамлакатларнинг иш ўринларини сақлаб қолиш жамиятнинг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир”.

Ҳукуматлар молиявий ёрдам олаётган корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларига инвестиция киритишга ундаши керак.

БМТнинг глобал иқтисодий мониторинг бўлими бошлиғи ва юқорида тилга олиб ўтилган ҳисоботнинг асосий муаллифларидан бири Хамид Рашид:” аввалги инқирозлар тажрибаси шунини кўрсатадики, солиқ ва пул имтиёзлари ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтиришга олиб келмайди. Ҳукуматлар молиявий ёрдам олаётган корхоналарни ишлаб чиқариш қувватларига сармоя

киритишга ундаши керак. Бу ўз навбатида етарлича меҳнат шарт-шароитларига эга бўлган иш ўринларини сақлаб қолиш, даромадлар тенгсизлигининг янада авж олишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади”-деб таъкидлайди. Аксинча, экспертларнинг таъкидлашларича, молия тизимига миллиардлаб маблағларнинг киритилиши акция ва облигациялар нархининг тезда аввалги ҳолатига қайтишига замин яратсада, иқтисодиётнинг энг муҳим ташкил этувчиси бўлган ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келмайди.

Пандемиядан сўнг халқаро миқёсда иқтисодий фаолликни жонлан-тиришнинг энг муҳим шартларидан бири, бу халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир. Бу нарса инқироздан катта зарар кўрган мамлакатларга молиявий кўмак кўрсатиш ва пандемиянинг кенг тарқалишини олдини олишда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. БМТ инқироздан кейинги даврларда жаҳон иқтисодиётини тиклашда турли хил иқтисодий тебранишларга нисбатан барқарор бўлган дунё иқтисодий моделини яратиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, “яшил технологиялар”ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Пандемия таъсиридан катта зарар кўрган тармоқларнинг ўз фаолият юритиш тартиб-тамоийилларини ўзгартиришлари, бевосита мазкур тармоқлар билан узвий боғлиқ бўлган соҳаларга, компанияларга таъсир қилади, мазкур соҳа ва компаниялар ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатиб туришлари ва ҳаттоки уни бутунлай ёпишга ҳам мажбур бўладилар. Бунинг натижасида рисклар қиймат занжирлари бўйлаб ўтиб, бутун бир иқтисодиётда турғунликни келтириб чиқаради. Шу тариқа, пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини иқтисодий инқироз эмас, балки табиий офатлар таъсирига қиёслаш мумкин. Ҳозирги иқтисодий инқирознинг тез тарқалиши давлат томонидан етарли даражада жавоб чораларини кўришни ва инқирознинг тарқалиш тезлигини камайтиришга қаратилган тезкор ва профилактик чораларни ўз ичига оладиган sanoat сиёсати воситаларини танлашни талаб қилади.

Бугунги кунда капитал бозоридаги мавжуд муаммолар ҳам дунё иқтисодиётининг ўзининг аввалги ҳолатига қайтишига тўсқинлик қилади, хусусан пандемиядан зарар кўрмаган тармоқлардаги корхоналар ҳам молиявий бозорлар имкониятининг чекланиши натижасида молиявий қийин-чиликларни бошидан кечириши мумкин. Шу сабабли ҳам, саноат сиёсатини амалга ошириш чоғида инқироздан зарар кўрган тармоқ ва соҳалар билан бир қаторда, уларга ёндош бўлган соҳаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи саноат сиёсати воситаларини танлаш муҳим ўрин тутади.

Пандемия таъсиридан зарар кўрган корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида амалга оширилаётган саноат соҳасида давлат сиёсати ўзининг бир қатор воситаларига эга. Бундай чора-тадбирлар ва воситалар орасида қуйидагилар муҳим ўрин тутади:

Тармоқлар ва компанияларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиш:

- молиявий кўмакка мухтож компанияларга субсидиялар ажратиш;
- бизнесга имтиёзли кредитлар ажратиш;

Тармоқ ва компанияларга билвосита ёрдам кўрсатиш:

- давлат харидлари;
- турли восита ва усуллар ёрдамида талабни рағбатлантириш.

Коронавирус пандемиясининг янада чуқурлашиб бориши шароитида ривожланган мамлакатлар ўз мамлакатлари ҳудудида саноат ишлаб чиқаришини қайтадан ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йирик фирмалар учун хавфларни камайтириши мумкин, аммо ривожланаётган мамлакатлар у ёқда турсин, илғор иқтисодиёти мавжуд мамлакатларнинг ишчи ва хизматчиларига ҳам катта фойда келтирмайди.

Коронавирус пандемиясининг кучайиши асносида глобал логистик занжирларга хос бўлган муаммолар, ҳар қачонгидан ҳам ўзини яққол намоён қила бошлади. Авваллари ривожланган иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларнинг бизнес компаниялари ўз эътиборларни ишчи кучи арзон ва мўл бўлган

мамлакатларга қаратган бўлсалар, бугунги кунда улар ўз эътибор-ларини энг паст ҳақ тўланувчи ходимлар-саноат роботларига қаратмоқдалар.

Вазиятнинг бундай тус олиши жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар билан изоҳланади. 2008 йилдан 2011 йилгача бўлган вақт оралиғида Хайтс Ахир, Николас Блум ва Давид Фурсерилар томонидан ишлаб чиқилган бутунжаҳон ноаниқлик индекси 200 %га кўтарилган.

Таққослаш учун, 2002-2003 йилларда оғир ўткир respirator синдроми (SARS) авж палласида глобал ноаниқлик индекси 70% га ошган бўлса, Буюк Британия Европа Иттифоқидан чиқиб кетиш бўйича сайловларда овоз берганидан сўнг, мазкур индекс 250% га ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётда ноаниқлик ҳукм сурса, қўшилган қийматнинг глобал занжирларига путур етади. Ўтган йилларнинг маълумотларига асосланган ҳолда шуни қайд этишимиз мумкинки, COVID-19 пандемияси оқибатида ноаниқлик индексининг 300%га ўсиши глобал логистик занжирлар фаоллигининг 35,4%га пасайишига олиб келади. Мана шундай бир шароитда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар ўз ишлаб чиқаришларини хорижий мамлакатларда ташкил этишни маъқул кўрмайдилар.

Саноат ишлаб чиқаришига роботларни жорий қилиш ҳар қачонгидан ҳам арзон тушаётган бир пайтда, йирик саноат ишлаб чиқарувчилари ўз ишлаб чиқаришларини миллий чегараларга кўчиришга шунчалик катта иштиёқ билан ёндашадилар. Бу ерда мантиқ жуда ҳам оддий. Айтайлик, АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлашган компания ўзбекистонлик ишчига нисбатан ўз мамлакати фуқароларига етарлича катта ҳақ тўлаши талаб этилади. Лекин робот тиббий суғурта, касаллик варақаси у ёқда турсин, иш ҳақини ҳам талаб қилмайди.

Саноат роботларига инвестиция киритиш бу аслида янгилик эмас. Роботлар жорий этиш бўйича жаҳонда етакчи бўлган Германияда 2017-йилда қайта ишлаб чиқариш саноатида 10000 ишчига тўғри келувчи роботлар сони 322 тани ташкил этгани ҳолда, Жанубий Кореяда 10000 нафар ишчига 710 та, Сингапурда эса 10000 нафар ишчига тўғри келувчи роботлар сони 658 та,

Америка Қўшма Штатларида эса бу кўрсаткич 10000/200ни ташкил қилади. 2008 йилда бошланган инқироз давридаёқ, Германия каби давлатлар ишлаб чиқаришда ишчи кучи харажатларини энг паст даражага тушуриш имконини берувчи етарлича миқдордаги роботларга эга эдилар. Иқтисодиёти тараққий этган бошқа давлатлар эса роботларни саноатга жорий қилишни жадаллаштирган ҳолда, хорижда жойлаштирилган ишлаб чиқаришларни ўз ҳудуд-ларига қайтаришга ҳаракат қилдилар. Бугунги кунда ҳам худди шу вазият такрорланмоқда.

Бугунги кунда марказий банклар COVID-19 пандемияси оқибатларига қарши курашиш мақсадида фоиз ставкаларини пасайтириб бормоқдалар. Дунё мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур ҳолат саноатни роботлаштиришнинг 75,7%га ўсишига олиб келиши мумкин. Лекин роботлаштириш ҳаддан зиёд жадаллашади деб, айта олмаймиз, чунки бугунги кунда тобора ўсиб бораётган ноаниқлик инвестициялар оқимининг ҳам чекланишига олиб келади.

Ушбу тенденция глобал қўшилган қиймат занжирлари катта таъсир кўрсатадиган иқтисодиёт секторларида яққол намоён бўлади. Хусусан Германияда бундай секторларга ўз ишлаб чиқаришида фойдаланилувчи ресурсларнинг 12 фоизини ишчи кучи арзон бўлган мамлакатлардан импорт қилувчи автомобилсозлик ва транспорт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, электроника ва тўқимачилик саноати киради. Умуман олганда, немис иқтисодиёти ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи ресурсларнинг 6,5 фоизини импорт қилади.

Кимё саноати, металлга ишлов бериш, электр жиҳозлар ишлаб чиқариш ва электроника саноати вакиллари бугунги кунда ўз ишлаб чиқаришларини жадаллик билан “уй”га қайтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, АҚШ, Франция, Италия, Германия кимё саноати ишлаб чиқаришларини ўз ҳудуд-ларига қайтаришга катта аҳамият қаратишмоқда.



Бундай жараёнларнинг давом этиши ўтиш иқтисодиётида бўлган, асосан оралик маҳсулотларни экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиёти ва саноати учун катта хавф туғдиради.

Ҳозирда дунё мамлакатлари ўз ишлаб чиқаришларини протекционистик чоралар билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдаларки, бу ҳолат таракқий этган мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқаришни янгидан қайта ташкил этишга бўлган уринишларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис, дунёда таркиб топган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатлар саноат борасидаги сиёсатларини амалга оширишлари талаб этилади.

Коронавирус пандемияси оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инқироз шароитида дунё мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган саноат сиёсатини таҳлил қилиш асосида қуйидаги бирламчи хулосаларга келишимиз мумкин бўлади:

1. глобал қўшилган қиймат занжирларидаги узилишлар туфайли мамлакатлар ўртасидаги экспорт ва импорт алоқаларининг чекланиши;
2. протекционистик чора-тадбирларнинг кучайиши;
3. саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши;
4. йирик саноат ишлаб чиқарувчилари томонидан хорижда жойлашган ишлаб чиқаришларни ўз “уй”ларига қайтаришга интилиш;
5. саноатни роботлаштириш ва рақамли технологияларни изчил жорий қилиш;
6. ноаниқлик индексининг ўсиб бориши шароитида саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилаётган инвестициялар оқимининг камайиши;
7. илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига йўналтирилаётган маблағлар улушининг кўпайиши, инновацияларни ҳар томон-лама рағбатлантиришнинг кучайиши;
8. бозорнинг йирик иштирокчилари оппортунистик хулқ-атвор кўринишларини намоён қилишлари ва шу кабилар.

Истиқболда саноатни ривожлантиришнинг асосий мақсади илғор саноат технологияларини жорий этиш учун бутун жаҳон технологик муҳитига интеграциялашиш орқали саноат ишлаб чиқаришининг барқарор-лиги ва тузилмавий жиҳатдан мувозанатлашганлигини таъминлаш асносида саноат ишлаб чиқаришининг жаҳон хўжалигида рақобатбардошлигига эришишдан иборатдир.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, бугунги кунда мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантириш даражаси талаб даражасида эмас. Шу ўринда бир таҳлил юритсак. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизни 2030 йилгача бўлган муддатда дунёнинг инновацион жиҳатдан кучли ривожланган 50 та давлати қаторига олиб чиқиш масаласи қўйилган. Канадалик хоккей юлдузидан “Сизнинг муваффақиятингиз сири нимада?”-деб савол беришганида, у “бошқа ўйинчилар хоккей шайбасини излашаётган бир пайтда, мен хоккей шайбаси қаерга бориб тушишини олдиндан биламан”-деб жавоб берган экан. Демакки, бизнинг мўжаллаган манзилимиз аниқ, яъни инновацион тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олиш, лекин бугунги кундаги ўрнимиз қаерда эканлигини билиб олиш фойдадан холи бўлмайди. Хусусан бугунги кунда инновацион жиҳатдан ривожланган кучли 50 талик давлатларда илмий-тадқиқот ишлари учун ажратилётган маблағлар улуши ЯИМга нисбатан ўртача 2,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,2 фоизни (орадаги фарқ салкам 12 марта)ни ташкил этади. Ўзбекистонда энергетика самарадорлиги кўрсаткичи етакчи инновацион давлатларнинг ўртача кўрсаткичидан салкам 4 марта паст. Инновацион жиҳатдан ривожланган давлатларда коррупцияни назорат қилиш индекси 80дан юқори бўлгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 25 ни ташкил этади. Юқори технологияли маҳсулотлар экспортида ҳам катта фарқланишлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистонда юқори технологияли маҳсулотлар экспортининг саноат маҳсулотлари умумий экспортидаги улуши 4 фоиз

атрофида бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич инновацион жиҳатдан етакчи давлатларда ўртача 23-24 фоизни ташкил этади.

2019 йил учун экспорт ва импорт таркибини таҳлил қилиш ҳам қувонарли натижаларни бермайди. Хусусан, 2019 йилда мамлакатимиз экспортининг асосий қисми рангли металллар (28,5%), углеводородлар (14,1%) рангли металллар (5,3%) ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, импорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши (39,4%) тобора ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда саноатнинг 69 фоизи асосан хом ашё ёки бирламчи қайта ишлашга тўғри келмоқда. Машина ва асбоб-ускуналарнинг импортини бир томондан ижобий баҳолаш мумкин бўлгани ҳолда, масаланинг иккинчи томонини эътиборга олиш лозим. Бундай ҳолатнинг муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиши, узоқ муддатли даврда мамлакатнинг “иқтисодий қотиллик” қурбонига айланишига замин яратиб беради. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тиришни барча чора-тадбирлар билан қўллаб-қувватлаш долзарб вазифага айланмоғи зарур.

**Қуйидагилар саноатни ривожлантиришнинг устиворликлари ҳисобланади:** саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш; ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини чуқурлаштириш; маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва энергия сифимини пасайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш; рақамли иқтисодиёт ва рақамли технология унсурларини изчил жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг дунё андозаларига мослигини таъминлаш; ички инфратузилмавий чекловларни олиб ташлаш; ижтимоий муаммоларни ҳал этиш; махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини такомиллаштириш.

Саноатни ривожлантириш борасида бугунги кунгача эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда ўрта муддатли истиқболда саноатни ривожлантириш маълум бир муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги билан

изоҳланади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мобайнида мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиш суръатлари 2018 йилда илк мартаба 16,6 фоизни ташкил қилди. 2016-2018 йиллар ичида мазкур тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 33,8 фоизга ошди. 2019 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик ўсиши 6,4%ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари мамлака-тимиз иқтисодиётига мазкур тармоқнинг кўшган улушини кўпайтириш имконини бергани ҳолда, саноат тармоғининг Ўзбекистон ЯИМдаги улушини 2016 йилдаги 20,6%дан 2019 йилда 30,3 %гача ўсишини таъмин этди.

Асосий иқтисодий фаолият турлари орасида тоғ-кон саноатининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин. Газ қазиб олишнинг кўпайиши эвазига 2016-2019 йиллар давомида мазкур соҳада йиллик ўсиш 116,4 фоизни, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши эса -154,9 фоизни ташкил қилди. Бунинг натижасида тоғ-кон саноатининг саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида с 8,0% дан 13,4% фоизгача ўсди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг индустриал секторини ривожлантиришда қайта ишлаш саноати катта улушга эга бўлгани ҳолда, 2019 йилда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмининг 79,8%и қайта ишлаш саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган.

2016-2019 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш борасида ҳам сезиларли ижобий силжишлар кузатил-ганлигини қайд этишимиз лозим. Бутун саноат ишлаб чиқаришининг диверсификация даражасини тавсифловчи ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот-нинг умумий қийматидаги сўнгги уч йил мобайнида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган янги турдаги маҳсулотларнинг улуши кўрсаткичи 5,9% дан 11,5% фоизгача ўсган.

Қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг экспорти ҳажмида текстил, кийим-кечак, чарм саноати маҳсулотлари алоҳида ўрин эгаллайди, мазкур соҳаларнинг корхоналари улушига қайта ишлаш саноати маҳсулотлари

экспортининг қарийб 50 фоизи тўғри келади.

2019 йилда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлиги сезиларли даражада ошди, хусусан меҳнат унумдорлиги 10,6%га ўсди; ишлаб чиқаришнинг материал сиғими даражаси 51,4%дан 51,0%гача; ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими даражаси эса 8,8% дан 8,7% гача пасайди.

Айни пайтда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар ва муаммолар мавжуд:

Асосий фондлар эскириш даражасининг юқорилиги, хомашё ресурслар нархининг қимматлиги, айрим ҳолатларда эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи талаб даражасини пастлиги натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича **ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги** кузатилмоқда. Хусусан, сўнгги бир неча йиллар давомида аксарият маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 50 %дан паст кўрсаткични, алоҳида товар позициялари бўйича эса-ундан ҳам пастроқ даражани ташкил этмоқда.

**Хомашё ресурсларини қайта ишлаш даражасининг пастлиги.** Мамлакатимизда қазиб олинаётган миснинг атиги 25 %и қайта ишланади, рухнинг 80%, молибденнинг 99%, пилланинг 88%, хом терининг 60%и қайта ишлов берилмасдан экспорт қилинади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси талаб даражасида эмас.

**Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида инновациялардан етарлича фойдаланилмаётганлиги.** Сўнгги уч йил давомида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган инновацион маҳсулотларнинг улуши реализация қилинган умумий саноат маҳсулотлари таркибида 10 фоизни ташкил этганли-гини кўришимиз мумкин.

Қайта ишловчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида **юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушининг пастлиги**, шу билан бир қаторда охириги уч йил мобайнида бу хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб бораётганлиги. 2018 йил якунларига кўра, мазкур кўрсаткич қиймати автомобилсозликни ҳисобга олмаган ҳолда, атиги 1,6 %ни ташкил этган, айти пайтда эса бу кўрсаткич қиймати Чилида 2,1%, Туркияда 2,4%ни ташкил қилади. Дунёнинг саноати ривож-ланган мамлакатларида ушбу кўрсаткичнинг қиймати Ўзбекистоннинг кўрсат-кичларидан жуда юқори, бу эса мамлакатимиз саноатининг юқори техноло-гияли секторини ривожлантиришда жуда катта бўшлиқлар мавжудлигидан далолат беради.

Кўпчилик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш муаммоси. Бу энг аввало, аксарият маҳсулот турлари бўйича сифатни таъминлаш борасида қатъий талаблар ва миллий сифат андозаларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Республикамиз ҳудудида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг аксарият қисми корхона-ларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилган техник шартлар ва талаблар асосида ишлаб чиқарилади. Техник шартларнинг меъёрлари ҳар доим ҳам барча технологик жараёнларга риоя қилиш ва маҳсулот сифатининг юқори даражада бўлишини кафолатламайди. Маҳаллий саноат товарларининг жаҳон бозорлари томонидан қўйилувчи сифат талабларига жавоб бера олмаслиги маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, уларнинг экспорт имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда.

Амалда саноатнинг барча тармоқларида тайёр маҳсулот сифатини баҳолаш, маркетинг схемаларини ишлаб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш ва экспортни йўлга қўйиш соҳаларида малакали мутахассисларнинг танқислиги кузатилмоқда, мазкур муаммо юқори малакали ишчи кадрлар-нинг етишмаслиги билан янада чигаллашади.

Баҳолашларга кўра, самарали бандликни таъминлашга хизмат қилувчи қайта ишлаш саноати, индустриал кичик бизнес, юқори технологияли хизмат

турлари ва инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантириш, ресурс тежамкорлик йўналишида иқтисодий сиёсат устиворликларини ўзгартириш ва ислохотларни жадаллаштириш шароитида қисқа муддатли истиқболда саноатни ривожлантириш барқарор ўсиш суръатлари билан тавсифланади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, мазкур соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш асносида 2022 йилга бориб, ўртача 9,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Яхлит тарзда башорат қилинаётган 2020-2022 йиллар оралиғида саноат ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ўртача йиллик 8,1%ни ташкил қилади, бу эса 2019-2022 йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 26 %дан кўпроқ ўсишини таъмин этади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига қайта ишлаш саноати тармоғининг жадал суръатлар билан ривожланиши катта таъсир қилади, башоратларга кўра 2020-2022 йиллар оралиғида мазкур сектор йилига ўртача 8,6% га ўсади. Қайта ишлаш секторида кузатилувчи бундай ўсиш ялпи саноат ишлаб чиқаришига қайта ишловчи саноатнинг улушини 2018 йилдаги 79,5%дан 2022 йилда 81 %гача ошириш имконини беради.

Қайта ишлаш саноатидаги ижобий таркибий силжишлар етакчи саноат тармоқларнинг ўсиши билан таъминланади. Машинасозлик тармоғининг ўсиш суръатлари йилига ўртача 15% га ўсиши кутилмоқда. Машинасозлик саноатидаги ижобий таркибий ўзгаришларга электротехника саноатини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар моделларини янгилаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва кенгайтириш ҳисобига автомобилсозлик саноатини ривожлантириш каби омиллар катта туртки беради.

Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам жадал суръатларда-ҳар йили ўртача 5,7% га ўсади. Азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши кимё саноатидаги ижобий ўсиш тенденцияларини таъмин этади.

Тўқимачилик, кийим-кечак, ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатнинг ўсишига салмоқли ҳисса қўшади. Таҳлил қилинаётган давр

мобайнида ушбу соҳаларнинг ўртача йиллик ўсиши 6,4% ни ташкил этиши кутилмоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши асосан пахта ва тўқимачилик кластерларини яратиш ва ривожлантириш орқали пахта экспортининг ҳажмини камайтириш, маҳаллий корхоналар томонидан чуқур қайта ишлашнинг ўсишини таъминлаш орқали таъминланади.

Истикболда саноат ривожланишининг прогноз кўрсаткичларига эришиш учун қуйидаги устувор стратегик йўналишлар бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш зарур:

**Саноат корхоналарини бошқаришнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш.** Бу йўналишда айрим давлат корхоналарини аста-секин хусусий инвесторларга, шунингдек давлат корхоналарининг айрим функцияларини хусусий операторларга ўтказиб бориш орқали давлат корхоналарини институционал ўзгартириш ва ислоҳ қилишга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади. Саноат корхона ва ташкилотларининг йирик тузилмаларини кластер типига хўжалик жамиятларига (холдинглар, қўшма корхоналар, бошқа саноат ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари) айлантириш муҳим йўналиш ҳисобланади. Корпоратив бошқарув ва стратегик режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

**Ишлаб чиқариш объектларини модернизациялаш ва технологик янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш.** Шу муносабат билан саноат корхоналарининг мунтазам техник ва технологик аудитларини ўтказиш ҳамда ускуналар паркини кенгайтириш ва янгилаш учун ресурс, инвестиция ва бошқа имкониятларни излаб топиш зарур. Бу муаммонинг ечимларидан бири машина ва ускуналарни узоқ муддатли ижарага беришни кўзда тутувчи лизинг муносабатларини жорий этишни кенгайтириш ҳисобланади.

**Ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими маҳсулот таннархини пасайтириш.** Саноатнинг энергия ва ресурс сиғимининг юқори эканлигини ҳисобга олиб, энергия ва ресурс тежамкор илғор



технологияларни, халқаро сифат стандартлари ва техник қоидаларини изчил амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

**Рақамли иқтисодиёт элементларини изчил жорий этиш.** Шу муносабат билан рақамли технологиялар ва саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш асносида Жанубий Корея ва шу каби мамлакатларнинг тажарибасидан келиб чиққан ҳолда “ақлли саноат корхонаси”ни яратиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўрта муддатли истиқболда автомобилсоз-лик, электроника ва фармацевтика каби тармоқларда “ақлли заводлар” яратиш, шу мақсадда тажриба алмашиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича пилот лойиҳаларни амалга ошириш орқали мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишимиз мумкин.

**Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш.** Бу йўналишда саноат товарларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш зарур. Шу муносабат билан халқаро сифат стандартлари билан максимал унификациялашни ҳисобга олган ҳолда саноат маҳсулотларининг кўпчилик турлари учун ягона миллий давлат стандартлари тизимини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, бу йўналишда саноат корхоналарида техник назорат бўлимларини ташкил этишни қонунан тартибга солиш зарур.

**Ички инфратузилмавий чекловларни олиб ташлаш муҳим аҳамиятга эга.** Республика саноатининг мавжуд салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун марказлашган маблағларни жалб қилиш ва давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш инфратузилмасини (электр ва газ таъминоти тизимлари, йўллар ва темир йўллар, телекоммуникациялар ва бошқаларни) ривожлантириш талаб этилади. Мазкур йўналишни саноатни тараққий эттириш борасидаги давлат сиёсатининг муҳим устуворликларидан бири сифатида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Санаб ўтилган йўналишлар доирасида чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат таркибий тузилмасини мақбуллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини

ошириш, ишлаб чиқариш бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига саноатнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлайди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришнинг сифат жиҳатидан янги - эркин иқтисодий тизимни барпо этиш жараёнлари рўй бермоқда. Бу тартибни амалга оширишда иқтисодий очиқлик, миллий ва хорижий иқтисодий субъектларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда соғлом рақобат муҳитига алоҳида урғу берилади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати бу борада муҳим аҳамият касб этади. Биламизки, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган ислохотларнинг бош мақсади Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишига йўналтирилган. Бунинг учун эса ташкилот томонидан белгилаб берилган конценсус шартлар амалга оширилиши керак. Бу талаблар орасида очиқ савдо режимини вужудга келтириш, импорт тарифлари ва бошқа савдо чекловларининг камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳолат ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун, айниқса, салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Таркибий ўзгаришлар ва янгиланишларни бошдан кечираётган миллий иқтисодиёт тармоқлари ва субъектларининг рақобатбардошлиги очиқ савдо режими шароитида жиддий ҳавф остида қолади. Шунинг учун иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш борасида давлатнинг ролини аниқ белгилаб олиш зарурати туғилади. Шунини таъкидлаш керакки, бу борадаги давлат сиёсати жамиятнинг барча аъзолари томонидан қабул қилинган ва асосланган стратегияга таяниши лозим.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг глобаллашув ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнларига мослашувини кўзда тутувчи самарали ҳуқуқий ва қонунчилик, иқтисодий, ижтимоий, институционал ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги фаол давлат сиёсатини амалга ошириш талаб этилади.

Бизнингча, иқтисодий ўсишга эришмай туриб инвестицион фаолликни жонлантиришни кутиш мумкин эмас. Шу билан бирга корхоналарнинг даромадлари ва аҳоли маблағларини фаол инвестицион манбага айлантириш

ҳам талаб этилади. Ҳатто инвестициялар ҳажмининг ошиши ҳам нормал такрор ишлаб чиқариш циклини шакллантиришдаги муаммолар ҳал этилди, дегани эмас. Бунга Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари тажрибаси ҳам гувоҳлик бермоқда. Бунга сабаб қилиб, қарийб ўн-ўн беш йил давомида етарли инвестицион ресурсларга эга бўлмаган миллий иқтисодиётдаги салбий таркибий ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодиётнинг бирдан эркин қўйиб юборилиш, ривожланган миллий иқтисодиётлар билан рақобатга киришиш ва инвестицион иқлимнинг ёмонлашуви мураккаб техник ва технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий тармоқларга жиддий зарба бўлди. Айнан мана шу ерда, юқори технологиялар ва замонавий саноат тармоқларида Ғарб мамлакатларидан яққол ортда қолиш кузатилди. Уларни модернизациялаш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш учун етарли инвестицион маблағларнинг етишмаслиги таназзулнинг асосий сабаби бўлди. Бундан ташқари, фанталаб тармоқларнинг асосий базаси - илмий тадқиқот ва ишланма-лар соҳаси издан чиқди. Ҳозирги глобаллашув жараёнида саноатнинг қатор муҳим соҳалари барқарор ва бар-давом ўсиш йўналишига эга бўлиб бормоқда. Аммо бу ўзгаришлар тўла маънода иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашнинг етарли гарови бўла олмайди. Умумий хулоса қилиб шуни айти-шимиз мумкинки, иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш борасида қуйидаги устувор жиҳатларга

аҳамият бериш зарур:

Биринчидан, иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ва иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашда давлат ва бизнеснинг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш. Европа ва Американинг етакчи мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни

кўрсатмоқдаки, на давлатнинг иқтисодиётдан бутунлай чиқиб кетиши, на иқтисодий жараёнларни тўлалигича давлат назоратига олиши ҳеч қандай ижобий самара бермайди. Давлатнинг иқтисодий фаолияти бозор механизмларини инкор этмаслиги керак. Давлат бизнес билан яқин ҳамкорлик қилиши лозим. Давлат билан бизнеснинг манфаатлари мос келувчи

соҳалар кўп: инвестицион ва инновацион фаолиятни жонлаштириш борасида етарли шарт-шароитларни яратиш, зарурий инфраструктурани шакллантириш.

Иккинчидан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқаришда таркибий силжишларни таъминлашга, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион жараёнларни жонлантиришга, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга имкон беради.

Учинчидан, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан яна бири - турли шаклдаги корхоналарнинг инновацион фаолиятидир. Бу фаолият самарали бўлиши учун ягона давлат инновация сиёсатини шакллантириш, инновацион соҳанинг устувор ривожланиш йўналишларини аниқлаш, қонунчилик, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, корхоналарни юқори технологик соҳаларга йўналтириш ва бу учун етарли иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни барпо этиш талаб этилади.

Тўртинчидан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи йўналишлардан яна бири - бу техник потенциалнинг қимматли унсурларини сақлаб қолишга қаратилган таркибий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишдир. Бу сиёсат қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

- корхоналарнинг ИТТКИга қилган сарф-харажатларини солиқдан озод этиш;
- давлат кўмагида ИТТКИ натижаларини тижоратлашувини таъминловчи инфратузилмани барпо этиш;
- миллий корхоналарнинг технологияларни, асбоб-ускуналарни (асосий воситаларни) импорт қилишга кетган харажатларини субсидиялаш.

Бунинг учун давлат қуйидаги дастаклардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ: индикатив режалаштириш; давлат инвестицияси; божхона божлари; таълим сиёсати; юқори самарали технологиялар; ноу-хауларни сотиб олишга квота белгилаш ва ҳоказо.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакати ҳисобланувчи Ўзбекистонда сўнгги йилларда инновацион янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ аксарият ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос баъзи муаммолар бу борада тўсиқ бўлмоқда. Ана шундай тўсиқлардан бири - бу кўпчилик корхоналарнинг ихтиёрий равишда инновация лойиҳаларига маблағ ажратиш имконига эга эмаслигидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда корхоналарнинг даромад (фойда) солиғи мунтазам равишда пасайтирилиб, бундан бўшаган пул маблағлари иш ҳақи фондига ўтказиб борилмоқда. Фикримизча, ана шу ҳосил бўлган бўш пул маблағларининг маълум қисмини марказлашган инновация фондига йўналтириш керак. Янги шаклланадиган инновация фонди орқали (кредит, ссуда, лизинг, субсидия шаклида) корхоналарнинг инновацион янгиликларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ёки фирмаларнинг инновация ишларига кўмаклашиш лозим.

### **Қисқача хулосалар**

1. Рақобат бозор хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасида рақобат янги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз салоҳияти ва имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратади. Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда эса халқаро рақобат муаммолари биринчи ўринга чиқиб боради.

2. Рақобатдошлик - иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим механизми бўлиб, иқтисодий хавфсизлик ва рақобатдошлик доимо ўзаро муносабатда бўлиб туради. Иқтисодий хавфсизлик ҳам, рақобатдошлик ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини тавсифловчиларидир. Рақобатдошлик ҳам мақсад, ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини ривожланиш даражасини индикатори бўлса, иқтисодий хавфсизлик унинг мавжудлиги ва ривожланиш шарти сифатида намоён бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, уни диверсификация қилиш ва рақобатдошлигини

ошириш мамлакат иқтисодиётини унинг таҳдидларидан ҳимоя қилувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

3. Мамлакат иқтисодиётида реал сектори асосий ўринни эгаллайди, Шунинг учун ҳам ушбу секторда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва тараққиёти айнан реал ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир.

4. Ўзбекистонда реал сектор корхоналарини ривожлантириш борасидаги ислохотлар мустақилликнинг илк даврларидан амалга ошириб бошланди. Иқтисодиётнинг ўзак тармоқларни ривожлантириш республика иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шarti эканлигидан келиб чиқиб, уларни тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришга еришилди. Бу эса мамлакатда енергетик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун асос яратди.

### **Назорат саволлари**

1. Рақобатбардошлик индекси тўғрисида тушунча беринг?
2. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўллари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
3. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш тўғрисида тушунча беринг?
4. Инновацион ривожланиш деганда нимани тушунасиз?
5. Иқтисодиётнинг реал секторида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш зарурати ва унинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

*Иқтисодий жиҳатдан хавфсиз ва мустақил бўлмаган инсоннинг мутлоқ шахсий эркинлиги тўғрисида гапириш мушкул. Оч ва ишсиз инсонлар - бу диктатура учун тайёр кадрлардир. (Франклин Рузвельт)*

## **6-МАВЗУ. МАМЛАКАТДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ - ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ**

**Режа:**

**6.1. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик иқтисодий хавфсизликнинг ижтимоий индикатори сифатида**

**6.2 Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурияти**

**Таянч тушунча ва иборалар:** ижтимоий соҳа, аҳоли турмуш фаровонлиги, ишсизлик, ишсизлик турлари, давлатнинг ижтимоий сиёсати, ёшлар сиёсати, истеъмол саватчаси.

### **6.1. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик иқтисодий хавфсизликнинг ижтимоий индикатори сифатида**

Ижтимоий соҳадаги манфаатлар миллий манфаатларнинг энг асосийларидан бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий соҳадаги манфаатлар халқнинг юқори турмуш даражасини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатида акс этади. Айнан ижтимоий соҳадаги манфаатлар амалга ошганда шахс, жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги мувозанатга эришилади.

Аҳолининг юқори турмуш даражаси унинг пул даромадлари динамикасида, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар истеъмоли, аҳолининг мулкий табақалашуви даражасида, бандлик даражасида, аҳолининг барча қатламлари учун соғлиқни сақлаш, таълим хизматларидан баҳраманд бўлиш имкониятлари мавжудлигида намоён бўлади.

Аҳоли турмуш даражаси миллий ва шунингдек иқтисодий хавфсизликнинг энг асосий ижтимоий индикаторларидан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республиканинг мустақил тараққиёти даврида аҳолини турмуш даражасини ошириш борасида ислохотларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш қуйидагиларни ўз ичига олган маҳанизм асосида амалга оширилди:

- ногиронлар, етим қолган болалар, ёлғиз қарияларни ижтимоий таъминлашни ўз ичига олган тизим;
- кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам тизими;
- аҳолининг алоҳида гуруҳлари учун ижтимоий имтиёзлар тизими;
- пенсия таъминоти тизими;
- пенсия тизими орқали қамраб олинмаган кекса кишиларга нафақа тўлаш тизими;
- ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими.

Мустақиллик даврида амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашга, умуман, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ва бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди. Бу даврда нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устувор йўналишлардан бири бўлиб келди. Ислохотларнинг ушбу босқичида даромадлар нисбатини ўзгартириш иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банкларидаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорларини бир вақтнинг ўзида марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилди. 90-йилларнинг биринчи ярмида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди.

Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва уларнинг турмуш даражасини оширишнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Ислохотлар чуқурлаша борган сари республика аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимига ўтиш бошланди. Бунда ички



нархларни жаҳон нархлари даражасига тез тенглаштириб олиш ва аҳоли даромадларини шунга мувофиқ равишда ошириш йўли билан ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилди.

Республика аҳолисини турмуш даражасини ошириш ва шу орқали мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашда фаол ижтимоий сиёсатнинг учинчи йўналиши катта ўрин тутди. Бунда аҳолини кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилди. Бундай сиёсат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари - пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ва аҳолининг шунга ўхшаш бошқа гуруҳларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий вазифаси, деган қоидадан келиб чиқиб амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий ислохотларнинг илк босқичида аҳолининг энг муҳтож, ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин бўлди, бу эса аҳолининг муайян бир қисми қашшоқлашувининг олдини олиш, фуқаролар тинчлиги ва аҳиллигини таъминлаш имконини берди.

Ислохотлар чуқурлаша борган сари аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган ижтимоий ҳимоя тизимига ўтилди. Бундай тизимнинг энг муҳим хусусияти, аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашувдан иборат бўлди.

Ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўлларини излаш натижасида кўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситаси бўлган маҳалла орқали муҳтожларга ёрдам беришга ўтилди. Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Бозор муносабатлари вужудга келаётган даврда жамиятдаги маънавий, ахлоқий муҳит, одамларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият ва санъат соҳаларининг ривожланганлигига боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳалар алоҳида қўллаб-қувватланди.

Мамлакатни ва жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилганлиги ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизмини ишлаб чиқилганлиги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлади ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортди.

Мустақиллик йилларида республикада аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича олиб борилган сиёсат тўла-тўқис ўзини оқлади. Бундай сиёсат ўртача умр кўриш даражасини узайиши, аҳоли даромадларини ошиши, турмуш даражасини кўтарилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий барқарорликка эришиш, турли таҳдидларни олдини олиш ва охир-оқибатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун замин яратди.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш - буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир. Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш ҳам устувор вазифа қилиб қўйилган.

Президентнинг Парламентга йўллаган Мурожаатномасида 2019 йил - “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб берилди:

Биринчидан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;

Иккинчидан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;

Учинчидан, илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;

Тўртинчидан, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;

Бешинчидан, хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;

Олтинчидан, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш;

Еттинчидан, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш;

Саккизинчидан, туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш;

Тўққизинчидан, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантириш.

Миллий меҳнат бозорининг эътиборга молик ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади: аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши (ҳар йили ярим миллиондан ортиқ битирувчилар ишга жойлашиш бўйича кўмакка муҳтож); 700 мингдан ортиқ ишсизларнинг, шунингдек, ишчи кучининг талаб ва таклифи бўйича номутаносибликнинг мавжудлиги; айрим туманларда ишсизлик ва норасмий секторда иш билан бандликнинг юқори даражаси кузатилади. Бандлик ва менҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра 2018 йилда мамлакатимизда ишсизлик даражаси 9,3

фоизни ташкил этади. Бу ишсизликнинг табиий даражасидан анча кўп фоизни ташкил этади.

Бундай ҳолат бандликка кўмаклашишнинг фаол сиёсат чораларини амалга ошириш, яъни иш ўринларини яратиш, аввало ёшларни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш чорасини кўришга заруриятини келтириб чиқаради.

Янги иш ўринларини ташкил этишда эркин иқтисодий зоналарнинг ҳам ўрни катта. Хусусан, мамлакатимизда “Навой” “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги 4931-сонли фармони билан «Ургут», «Ғиждувон», «Кўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилди <sup>40</sup>. Бу иқтисодий зоналарда мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш янги иш ўринларининг яратилишига замин яратади.

Яқин келажакда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- битирувчиларни бириктириш ишларини пухта ташкил этиш;
- битирувчилар бандлигини таъминлашда янги самарали шакллар ва услубларни давом эттириш;
- битирувчилар бандлигини таъминлашда белгиланган имтиёزلардан кенгроқ фойдаланиш;

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Кўкон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги 4931-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

- битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори талабларига асосан, профессионал кадрларни қайта тайёрлаш юзасидан қисқа муддатли тренинг ва ўқув курсларини ўтказиш бўйича нодавлат таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш, давлат аккредитациясига эга бўлган нодавлат таълим муассасалари учун давлат намунасидаги ҳужжатларни бериш бўйича мавжуд чекловларни бартараф этиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида керакли талабдан ортиқ ҳажмда тайёрланаётган гуманитар таълим йўналишларини қисқартиришни ва мос равишда аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутувчи ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим мутахассислик йўналишларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Жорий ва истиқболдаги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, аграр сектор, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси, уй-жой коммунал хўжалигини малакали мутахассислар билан ҳамда битирувчиларни кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради.

Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш қуйидаги соҳаларда назарда тутилган:

- фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидеги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш
- қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш
- паррандачилик ва асаричиликни ривожлантириш
- ихчам иссиқхоналар ташкил этиш

– уруғ ва кўчатлар етиштириш

Бунинг натижасида аҳоли томорқасидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, ишлаб чиқариладиган сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми кўпаяди.

Ҳаракатлар стратегиясида олис ва тоғли ҳудудларда туризм ва экотуризмни ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш ва қадоклаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бунда, тоғ олди ҳудудларидаги қишлоқларда 10-15 та хонадонларда сайёҳларга хизмат кўрсатиш уйлари ташкил этилиб, яъни уйнинг битта ёки иккита хонаси деворлари сўзана, адрас билан безатилиб, кўрпача тўшалиб, хонтахта қўйилиб, туалет ва ошхонанинг санитар ҳолатлари тартибга келтирилиб, чет эллик сайёҳларга табиий манзараларни кўрсатиш билан бирга нон ёпиш, миллий таомларни тайёрлаш, миллий урф-одатлар билан таништириш каби хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент Фармонида аҳоли бандлиги масалаларига оид қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

1. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш;

2. Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш;

3. Иш ўринларини ташкил этишни янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

4. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган ишсиз фуқароларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилган иш

берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия тақдим этиш тизимини яратиш;

5. Меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлиги ва меҳнат фаолиятининг “шахсий тарихи”ни акс эттирувчи “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий комплексини яратиш;

6. World Skills International (WSI) уюшмаси ва соҳанинг бошқа халқаро етакчи ташкилотлари методологияси бўйича ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари соҳаларида ишчиларни ўқитиш тизимини жорий этиш;

7. Халқаро стандартларга мувофиқ касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш;

8. Меҳнат гузарлари ва коворкинг марказларида фуқароларни тадбиркорлик лойиҳалари тайёрлаш бўйича ўқитиш амалиётини жорий этиш;

9. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нисбатан суст ривожланган туманларнинг ишсиз ёшларини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги (Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан ташкил этилган) касб-ҳунарга ўқитиш марказларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга қайта ўқитиш орқали уларнинг бандлиги таъминланиши назарда тутилган.

Иқтисодий хавфсизлик тизимида инсоннинг, шахснинг иқтисодий хавфсизлиги масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки тараққиётнинг кейинги босқичларида қарорлар қабул қилиш жараёнларига жамиятнинг таъсири ошиб бормоқда, яъни инсон омили таъсири кучайиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсоний ривожланиш ва ҳаёт сифати давлат бошқаруви самарадорлигининг мезонига айланиб қолди. Бундай ҳолат инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги - бу инсоннинг муҳим ҳаётий манфаатларининг ҳимояланиши учун шарт-шароитларнинг кафолатлангандаги, ижтимоий тараққиёт ҳамда инсон ва жамият ҳимояси тизими таъминлангандаги ҳолатдир.

Инсон шахсининг иқтисодий хавфсизлиги миллий иқтисодий хавфсизлик, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан белгиланади.

Мамлакатимизда инсон иқтисодий хавфсизлигининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, республика қонунлари ва турли қонуний ҳужжатлари ташкил этади.

Алоҳида фуқаролар ва жамият инсон иқтисодий хавфсизлигининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Иш ўринлари, ижтимоий таъминот тизими, моддий ишлаб чиқариш инсон иқтисодий хавфсизлигининг субъекти бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги соҳасида давлат фаолиятининг предмети бўлиб ҳисобланади:

- инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги тизимига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни таҳлил ва синтез қилиш;

- ижтимоий-иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш учун хизмат қиладиган иқтисодий сиёсат ва институтсионал ўзгаришларни амалга ошириш.

Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги борасидаги давлат стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички ва ташқи таҳдидларни тавсифлаш;

- инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги шарт-шароитларига мувофиқ келадиган мезон ва иқтисодиётнинг ҳолати;

- иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий чоралар асосида инсоннинг муҳим манфаатларини ҳимоялаш;

- инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги борасидаги давлат стратегиясини бажарилишини назорат қилиш.



Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги фуқароларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутди:

- озиқ-овқат билан таъминлаш;
- иш билан бандликни таъминлаш;
- таълим олиш учун шароит яратиш;
- ахборот билан таъминлаш;
- тиббий хизмат кўрсатиш;
- пенсия таъминоти;
- шахсий жамғармаларини ҳимоялаш;
- уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш;
- экологик хавфсизликни таъминлаш.

Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлиқ бўлиб, эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлган даромад даражасини таъминлашни кўзда тутди.

Инсоннинг ижтимоий хавфсизлиги мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини индивиднинг етарли ҳажмда ва сифатли неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган даражада тараққиётга эришишни билдиради.

Жамиятда ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқишининг бош сабабларидан бири ишсизлик бўлиб, у иқтисодий хавфсизликнинг энг муҳим индикатори сифатида алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган муаммолар қаторида туради. Ишсизлик мамлакатда мавжуд табиий, меҳнат, моддий, иқтисодий ва молиявий ресурслардан самарали ҳамда етарлича фойдаланмаслик ҳолатини англатади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик деганда ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги, натижада унинг бирор-бир қонуний даромад манбаига эга бўлмаслигининг муайян ҳолати тушунилади. Бошқача айтганда, ишсизлик - ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан

таъминланмаган қисми<sup>41</sup>. Ишчи кучи таклифининг унга бўлган талабдан ошиб кетиши натижасида ишсизлик вужудга келади.

Макроиктисодий жиҳатдан ишсизлик жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуасидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир. Шу маънода, ишсизлик ортикча ишлаб чиқариш қувватларига ёки фойдаланилмаётган табиий ва моддий ресурсларга тенг, аммо ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ортикчалигидан фарқ қилиб, “ортикча” ишчи кучи бозори иқтисодиётидаги доимий воқеликдир<sup>42</sup>.

Ижтимоий жиҳатдан ишсизлик даромадларнинг пасайишига олиб келганлиги боис нафақат ишсиз кишининг ўзи учун, балки унинг оиласи учун ҳам жиддий муаммоларни туғдиради. Бундай ҳолат охир оқибатда жамиятдаги ҳолатга таъсир кўрсатади. Ишсизлик миқёсларининг кенгайиб бориши норозиликларни ва ижтимоий беқарорликни келтириб чиқаради.

Ишсизликнинг кескин кўпайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфлятсия ҳамда хўжалик юритишнинг муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари) тез ўсмаганлиги сабабли кўпгина корхоналарда молиявий аҳвол ёмонлашуви натижасида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради, инвестиция фаолияти сустлашади, истеъмол харажатлари эса инфлятсия таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камаяди.

Амалда ишсизлик табиий даражасининг энг мақбул миқдори йўқ. Ҳали ҳеч ким иқтисодиёт учун маълум ишчининг ишлаб чиқариш билан шуғуллангандан кўра, ишсиз бўлгани афзал эканлигини исботлашга эришгани йўқ. Аксинча, ялпи миллий маҳсулотни юқори даражада ишлаб чиқариш натижасида ишсизликнинг табиий даражаси пасаяди. Аммо у мақбул

---

<sup>41</sup> Абдурахмонов Қ.Х, Имомов В. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. –Тошкент 2008. 141б

<sup>42</sup> Шу манба

микдордан юқори бўлиб қолаверади. Чунки ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ўз имконият даражасига етмаган бўлади<sup>43</sup>.

Чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида мамлакатимизда инсон ҳаётини яхшилаш, унинг қулай турмуш шароитларини яратиш мақсадида ўлкан ишлар амалга оширилди. Демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг соғлигини кафолатлаш йўналишида жаҳон тажрибаси ва миллий тажрибага асосланган ҳолда яхлит тизим яратилди.

Айни вақтда замон талаби мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, аҳолини ижтимоий ҳимояси, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Харакатлар стратегияси”да Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Собиқ Иттифокдан мерос бўлиб қолган тизимлашмаган, умумий шаклга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан яхшилаб, тизимли, манзилли характерга эга бўлган ва кўлами бўйича аҳолининг барча қатламларини ҳар томонлама ҳимоясини ташкил этишга қаратилган такомиллашган тизимни жорий этди ва бугунги кунга келиб аҳолига ижтимоий кафолатларни таъминланмоқда.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий

---

<sup>43</sup> Абдурахмонов Қ.Х, Имомов В. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. –Тошкент 2008. 141б

нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда<sup>44</sup>.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида ижтимоий соҳанинг аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Жамиятни демократлашуви жараёнида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш учун «Нуроний» жамғармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини кўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисининг замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имконларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 28 декабрь куни “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

---

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016 йил 9 сентябрь.

тўғрисида”<sup>45</sup> ги Фармон ва “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>46</sup> ги Қарорнинг қабул қилиниши бу борада ислохотларнинг янги босқичга кутарилиши бўлди. Мазкур фармон ва қарорда оқсоқоллар, кексалар ва фахрийларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёлғиз ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш, “Нуроний” жамғармаси марказий аппаратини, унинг вилоят ва туманлардаги бўлинмаларини моддий қўллаб-қувватлаш, “Нуронийлар маскани” комплексларини яратиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш, бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифати ва даражасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни бириктириш орқали ошириш, кекса ёшдаги шахсларни тўловсиз асосда даволаш ва соғломлаштириш кўзда тутилган. Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган. Жойлардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек, барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, кексалар ва ногиронларнинг 23 та “Саховат” ва “Мурувват” уй-интернатлари моддий-

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сонли Фармони.

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2705-сонли, қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 10-модда.

техник базасини умумий миқдори 207 миллиард сўм ҳажмда мустаҳкамлаш мазкур фармон ва қарор ижросида ўз аксини топди.

Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилади, шунингдек, халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағларини жалб этиш кўзда тутилган<sup>47</sup>.

Бундан ташқари, 2016 йил 26 декабрда “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун моҳияти аҳолининг ҳожатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидаги асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган бўлиб, унда ижтимоий хизматларни аниқ ва манзилли амалга ошириш, эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларга бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётини эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошқа чораларни амалга ошириш назарда тутилган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд қатламлари ҳимоясини кафолатлаш бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, бу масала 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида тўла ўз аксини топди.

---

<sup>47</sup> Кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш кучайтирилади.  
<https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/29/keksalar>.

Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг соғлигини тиклаш, сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилиши режалаштирилди. Айниқса, манзилли, ҳудудларда, чекка жойларда бу борада йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши эътиборга лойиқдир.

Халқаро меҳнат ташкилоти кичик бизнесда ва ўзини ўзи банд қилган аҳолини, айниқса, норасмий иқтисодиётда ишлаётганларни ҳимоя қилиш учун шошилинч ва муҳим сиёсат чораларини кўришга чақирмоқда

Коронавирус Covid-19 пандемияси ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиёт тармоқларини жиддий синовдан ўтказмоқда. Шу билан бирга, пандемия даврида “Буюк ёпилиш” атамаси билан кириб келган иқтисодий инқироз халқаро хўжалик алоқаларида “қиймат занжирлари”ни узилиши билан бирга хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатиб Жаҳон иқтисодиётининг рецессиясини бошлаб берди.

Бу инқирознинг ўзига хос томони шундаки – унда ҳам талаб, ҳам таклиф инқироzi билан бирга тарихдаги энг катта ишсизлик муаммоси кузатилмоқда.

### **Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:**

*биринчидан, талаб инқироzi – жаҳон аҳолисининг 80%и карантинга тушиши натижасида товар (асосан узоқ муддатли истеъмол товарлари) ва хизматлар истеъмоли пасайиши;*

*иккинчидан, йирик иқтисодиётларда ялли талаб тушиши натижаси ЯИМнинг ўсиш суръатлари 5-10% пасайди. Goldman Sachs прогнозларига кўра, 2020 йилда АҚШда ЯИМ -6%га, Хитой ЯИМ -9%га тушиши;*

*учинчидан, йирик иқтисодиётлардаги иқтисодий муаммолар кетидан ривожланаётган давлатларда ҳам иқтисодий муаммолар келиб чиқа бошлади. Бу муаммолар асосан, 2020 йил февралдан бошлаб жаҳон бозорларида кузатилаётган хомашёлар нархларининг пасайиши, хусусан нефть нархининг охириги 18 йиллик минимумдан пасайиб кетганлиги, хомашё экспортига асосланган иқтисодиётларга салбий таъсири сезиларли бўлмоқда (The Economist 2020a; CNN 2020);*

*тўртинчидан, пандемия шароитида қўлланилаётган чекловлар аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни деярли деярли барча давлатларда ошиб кетишига олиб келди.*

Агар ташқи савдо айланмаси йил бошидан буён Хитой ва Европада эпидемия таъсирида салбий таъсир кўрсатган бўлса, унда барча савдо объектларини ёпиш (озик-овқат дўконлари ва бозорлардан ташқари), умумий овқатланиш ва хизматлар, мамлакат ичидаги транспортда қатъий чекловлар ва бошқа мамлакатлар билан авто, ҳаво ва темир йўл алоқаларининг тўхтатилиши ички талабнинг пасайишига олиб келди.

Ички талабни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасини 16% дан 15% га, кейинроқ эса 14 %га туширди. Бу сўнгги 5 йил ичида қайта молиялаш ставкасининг илк марта пасайтирилиши бўлди.

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори кўрсаткичларда ўсиб бориши ЯИМ тузилмасидаги улушини ҳам ошишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг ҳисоботида кўра, 2019 йил якунларига кўра ЯИМда хизматлар 35,5%, саноат 30%, қишлоқ хўжалиги 28,1%, қурилиш 6% ни ташкил этди. Демак хизмат кўрсатиш соҳасидаги оғир вазият иқтисодий ўсиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 2020 йил 1 чорак якуни бўйича эълон қилган мониторинг натижаларига кўра, апрель ойининг бошига келиб Covid-19 пандемияси таъсирида глобал миқёсда 2,7 млрд иш ўринларининг тўлиқ ёки қисман ёпилишига олиб келди, бу эса жаҳондаги иш билан банд аҳолининг 81 %ига таъсир қилди.

Жаҳонда камбағал аҳоли сони қарийб 2 бараварга ёки 500 миллион кишига кўпайиш хавфи юзага келмоқда.

Буларнинг натижасида иш ўринлари сони қисқариши, ишлаб чиқариш қувватларининг қисман ёки тўлиқ тўхталиши, масофадан ишлаш тамойиллари жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги пасайиши кузатилмоқда.



Айниқса, туризм, сайёҳлик, меҳмонхона ва транспорт хизматлари энг катта йўқотишларга дуч келди. Йўқотишларнинг ҳажмини йирик авиакомпанияларнинг акциялари қиймати 50 фоизга пасайганлигида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, дунёда қайси соҳани олмайлик, глобал инқироз иш ўринларини қисқаришига кескин таъсир кўрсатмоқда. Аксарият сиёсатчилар постпандемик даврда иқтисодий тиклаш бўйича зудлик билан амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар, айниқса, иқтисодий йирик тармоқлари, ҳаётий муҳим бўлган соҳалар ва аҳолининг аксарият қисми банд бўлган тадбиркорлик соҳаларини ҳимоя қилиш бўйича жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

**Назарий жиҳатдан** иқтисодий сиёсатнинг роли, ташқи, қарз олиш ва суғурта етишмовчилиги каби экстерналиялардан (ташқи таъсирдан) ҳоли шароитда Covid-19нинг катта зарарли таъсири фақат қисқа муддатли V шаклидаги рецессияни келтириб чиқаради. Бунда иш ўринлари ва ишлаб чиқариш камайиши билан ЯИМ пасаяди. Қасалликнинг тарқалишини чеклаш бўйича чора-тадбирларга риоя қилиш учун уларнинг иқтисодий фаолияти, аммо кейин ишсизлик ёки бизнес ёпилмасдан, сақлаш сиёсати тугаши билан ҳамма нарса нормал ҳолатга қайтади. Иқтисодий бир мунча вақт юқорида кўрсаткичларга эришиши мумкин. Чунки узок муддат фойдаланиладиган товарлар ва хизматларга бўлган талаб қондирилди.

Аммо **амалиётда** Covid-19 узок давом этадиган чуқур турғунлик ва кескин иқтисодий ўзгарувчанликни келтириб чиқариши мумкин (Фурман 2020). Макроиқтисодий сиёсатнинг мақсади ушбу қисқа муддатли V шаклидаги турғунликни репликация қилишга ҳаракат қилиш, ташқи талаблар ва молиявий чекловларни юмшатиш, салбий зарбаларнинг таъсирини камайтиришга ёрдам берадиган монетар ва фискал воситалардан фойдаланиш (Бернанке 2020; Блиндер ва Занди 2015; Гали ва Гамбетти 2009).

**Сўнгги эмпирик тадқиқотлар** шуни кўрсатадики, хусусий истеъмол давлат харажатлари ҳисобига рағбатлантирилади ва бу далил мавжуд

макроиқтисодий назарияга зиддир. Унга кўра давлат харажатларининг ўсиши (солиққа асосланган) истеъмолни камайтириши керак (Bouakez & Rebei, 2003). Векторли авторегрессия (VAR)га асосланган сўнгги эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат харажатларининг кўпайиши хусусий истеъмолнинг сезиларли ва доимий ўсишига олиб келади ва улар иқтисодий тараққиётга олиб келади (Gali, Lopez-Salido & Valles, 2007; Okubo, 2003; Perotti, 2002).

Агар ҳукумат харажатларни ссудалар билан молиялаштирса, хусусий истеъмол ҳажми ҳам ошиши мумкин. Аммо келажакда ҳукумат олинган ташқи қарзларни сўндириб бориши ва/ёки солиқларни ошириши керак, шунинг учун бу ижобий корреляцияни **узоқ муддатда қўллаб-қувватлаб бўлмайди.**

Шунингдек, **хусусий сектор орқали маблағларни тарқатиш** давлат давлат ташкилотлари орқали тақсимлашдан кўра унумлироқ. Буни Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ўтказилган кенг миқёсли тадқиқотларда кўриш мумкин.

Хусусан, Руминиядаги ялпи истеъмол ва ялпи ички маҳсулот ўртасида ижобий боғлиқлик борлиги аниқланди. Шу билан бирга, хусусий истеъмол ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик кучли, давлат истеъмоли ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик эса кучсиз эканлиги исботланди.

Марказий ва Шарқий Европанинг 11 мамлакати учун ишлаб чиқилган тадқиқотда, Гозгор (2013) фақат Хорватия ва Словенияда молия ва бюджет сиёсати узоқ муддатли истиқболда хусусий истеъмолга таъсир кўрсатишини кўрсатган бўлса, бошқа 9 та давлатида таъсир кучи вақтинчалик бўлган.

Кўплаб кузатувчилар ҳозирги кунда энг яхши рағбатлантириш тури бу уй хўжаликларининг айниқса, пулни сарфлаш эҳтимоли кўпроқ бўлган қатламига, яъни иш жойи ёки даромадлари йўқотган кам таъминланганлар ва ўзини ўзи иш билан таъминлаганлар учун деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлари орқали жами 312,4 минг киши иштирок этган аноним сўровнома натижаларига асосан фуқароларнинг 21 %и вақтинча ишини йўқотган, 7 %и ўз ҳисобидан меҳнат таътилида, 7 %и ҳақ

тўланадиган меҳнат таътилида, 18 %и уйда масофадан туриб ва 21 %и ишхонага қатнаб ишлаётганлигини билдиришган.

Республикадаги мавжуд карантин режими туфайли жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушумлар 3 баробарга, ЯТТларнинг қатъий белгиланган солиғи бўйича тушумлар 84 фоизга камайган.

Кичик бизнес соҳаларида кўплаб ишчилар даромад манбаидан айирилгани ва ишдан бўшатилишлари кузатилмоқда. Бу вазиятда иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари бўйича корхоналар ва аҳолининг тўлов қобилиятига жиддий таҳдид солувчи омиллар юзага келмоқда. Хусусан, норасмий секторда банд бўлганлар айниқса, энг заиф ва ҳимояланмаган қатлам бўлиб қолди.

Жорий қилинган карантин чоралари таъсирида энг қаттиқ зарба берган соҳаларда норасмий иш банд бўлган қарийб 1,6 млрд нафар ишчиларга жиддий таъсир қилган.

Кризиснинг биринчи ойида норасмий иш билан банд аҳолининг тахминан 60 %ида даромадлар пасайган. Ушбу кўрсаткич Африка ва Лотин Америкасида 81 %га тушган.

Аҳоли табақалари кесимида эса 82 % паст ва ўрта даромадли қатлам вақтлари, 28 %и эса юқори даромад қиладиганларга тўғри келган. Юқори даромадли давлатларда бу кўрсаткич 76 %ни ташкил этган.

Халқаро меҳнат ташкилоти кичик бизнесда ва ўзини ўзи банд қилган аҳолини, айниқса, норасмий иқтисодиётда ишлаётганларни ҳимоя қилиш учун шошилинч ва муҳим сиёсат чораларини кўришга чақирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотларига кўра бугунги кунда Ўзбекистон меҳнат бозорида 13,5 млн киши банд бўлиб, улардан 5,7 млн киши расмий ва 7,8 млн киши норасмий секторда, шу жумладан, 2,6 млн киши меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилмоқда.


Жаҳон банки томонидан берилган маълумотларга кўра Covid-19 пандемияси ва қўлланилган карантин чоралари таъсирида юзага келган

иқтисодий инқироз туфайли, пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 20%га кескин тушади<sup>[12]</sup>. Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари сонидан келиб чиқадиган бўлсак бу кўрсаткич 500 мингдан кўпроқ киши коронавирус пандемияси таъсирида доимий иш жойларига кетолмай қолиш эҳтимоли юқори.



**1-расм. Ўзбекистонда соҳалар кесимида расмий ва норасмий иш билан банд аҳоли.**

Аксарият ҳолларда норасмий секторда бандлар кўрсаткичи қишлоқ жойларида кўпроқ бўлиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда ҳам кўриниб турибди.



**2-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида расмий ва норасмий иш билан банд аҳоли.**

Кўрилган чоралар натижасида Ўзбекистонда Covid-19 вирусидан зарарланганлар орасида ўлим даражаси 0,4% ни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда касалликдан даволанаётганлар ҳам, касалликда гумон қилинганлар ҳам, карантинда сақланаётганларнинг барчаси бепул, давлат бюджети ҳисобидан даволанмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш – бу янги иш ўринларини яратиш, бозорда талаб ва таклифни шакллантириш, пировардида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун катта имконият ва захира ҳисобланади.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун қонуний фаолият юритиш учун қулай ва содда ҳуқуқий тизим яратиш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан карантин даврида аҳоли бандлиги ва даромади кескин камайишини олдини олиш бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди:**

- *ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш ва қонунчиликда тақиқланмаган барча тадбиркорлик шаклларига рухсат бериш (ҳозирда 85 та фаолият турига рухсат берилган);*

- аҳоли бандлигини таъминлашдаги муҳим бўлган сервис соҳасини ривожлантириши (овқатлар ва товарларни уйга етказиб бериш, кўчма савдо ва хизматларни ташиқил этиб, бу корхоналарнинг камида 70 фоизини бемалол ишлатса бўлади);
- онлайн ишласа бўладиган соҳаларга максимал имкониятлар яратиб бериши;
- товарларни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишни рағбатлантириши;
- етказиб беришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига фаолият юритиши учун шароит яратиб бериши;
- уй-жойларни ремонт қилиш ҳамда автотранспорт, маиший техника ва бошқа товарларга кредитлар беришни кенгайтириши;
- қишлоқ хўжалиги кооперативларини қўллаб-қувватлаш орқали мавсумий ишларга аҳолини кенг жалб қилиши;
- фермер хўжаликлари томонидан дала томорқаларида экин экишга аҳолига ёрдам бериши;
- “оборот”дан чиққан ерларни ўзлаштириб, кооперативларни ташиқил қилиши;
- аҳоли хонадонларида иссиқхоналарни ишга тушириши;
- ўзлаштирилмаган ерларни учун суғориш тизимини йўлга қўйиши орқали янги майдонлар ташиқил этиши ва қўшимча иш ўринлари яратиши;
- ижтимоий хизмат турларини кенгайтириши асосида янги иш ўринларини яратиши (жамоат жойларини дезинфекциялаш, қариялар, ногирон ва ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож шахсларни парваришлаш ва бошқалар).

Энг асосийси, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун фақат хабардор қилиш орқали рўйхатдан ўтиб ишлаш механизминини жорий этиш бўйича ўта долзарб ва муҳим бўлган топшириқ берилди. Мазкур топшириқ билан узоқ вақт мобайнида норасмий секторда банд бўлган аҳолини давлат рўйхатига олиш тизимини кескин соддалаштириш, бунда кундалик хунари билан аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган фуқаролардан умуман солиқ ундирилмаслиги

белгиланди. Мазкур ташаббус шу кунгача меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича қилинган энг самарали ислоҳотлардан бири сифатида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари ва маҳалла институтини кенг жалб қилиш амалиёти ҳам самарали ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Юзага келган вазиятда қисқа муддатда барча критик ресурсларни жамлаш ва уни марказлаштирилган ҳолда аҳолига самарали тарзда етказишда авваламбор энг заиф қатламлар, ишсиз қолганлар, даромад манбаидан айрилганлар ва бошқа қатламалар чекловларсиз хавфсиз ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди.

Бунда нафақат давлат идоралари балки кўп сонли кўнгиллилар, хомийлар ва тадбиркорлик субъектларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиш ва сақлаш учун махсус павильонларда ёрдам олишнинг аниқ тизими ишга туширилди.

**Карантин даврида аҳолини фаол иш билан банд қилиш мақсадида ҳудудларда тадбиркорлар, фермерлар ва банклар томонидан бир қатор ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда:**

- *камбағал оилаларга томорқада экин экишга ёрдамлашиш, уларга қорамол ва парранда тарқатиш ҳамда касаначиликни йўлга қўйиш;*
- *Тошкент шаҳрида хусусий банклар туманларга бириктирилиб тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериш;*
- *карантинга қадар ишсиз бўлган ва кунлик даромад асосида яшаб келган кўплаб фуқаролар фаол меҳнат орқали иш билан таъминлаш;*
- *барча ҳудудларда сервис соҳасини ривожлантириш;*
- *ишлаб чиқарувчи корхоналарга товарларини аҳолига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотишни рағбатлантириш;*
- *тижорат банклари аҳолига уй-жойларни ремонт қилиш ҳамда автотранспорт, маиший техника ва бошқа товарларга кредитлар беришни кенгайтириш;*

- *онлайн технологиялар орқали ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун даромадларини олиши учун зарур шарт-шароит ва енгилликлар яратиши;*
- *оилавий ва уй шароитидаги ҳунармандчиликни ривожлантириши бўйича имтиёзлар бериши ва маҳсулотларини сотишига кўмаклашиши.*

Таклиф этилган ташаббуслар ҳар томонлама самарали бўлиши учун, инқироздан кейинги даврда иқтисодий жиҳатдан барқарор ва янада кучли бўлиш учун аҳоли, давлат ва бизнес ўртасида узвий алоқалар янада мустаҳкамланиши, ўзаро ишонч ошиши, бизнеснинг ижтимоий масъулияти ошиши ижобий самара бериши кутилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг ва барча тармоқлари, банклар, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таъминлаш бўйича кўплаб замонавий ва самарали механизмлар ишлаб чиқилди. Аҳолини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш чоралари тизимлаштирилган ҳолда йўлга қўйилди. Иқтисодий фаол аҳолининг барча қатламлари учун кенг қўламли қўллаб-қувватлаш чораларининг жорий этилиши пандемиядан кейинги даврда миллий иқтисо-диётимизнинг барча тармоқлари барқарорлигини таъминлаш билан бирга жорий этилаётган енгилликлар, имтиёзлар ва ташаббуслар эвазига рақобатбардошликни ошириш имконини беради.

## **6.2. Озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш зарурияти**

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи бевосита миллий хавфсизликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кишилар ҳаёт фаолиятининг муҳим тизими сифатида жиддий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ушбу муаммо ўзининг долзарблиги жиҳатидан ҳарбий ва умумиқтисодий хавфсизлик билан бир қаторда туради. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат суверинитетини, иқтисодий хавфсизлигини ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда. Ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламасдан туриб, миллий хавфсизликнинг бошқа компонентлари тўғрисида сўз юритиб бўлмайди.



Озиқ-овқат хавфсизлиги - мураккаб тизимли ва кўп поғонали муаммо бўлиб, мамлакатнинг жуда кўп иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларига тегишли бўлади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини учта даражада кўриб чиқиш мумкин:

- халқаро даражада;
- ички иқтисодий;
- алоҳида инсон, оила, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари даражасида.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини халқаро жиҳатидан кўриб чиқиладиган бўлса, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан хавфсизликни етарли даражасини белгилаш ёки аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мезонларини айтиб ўтиш керак бўлади. Ушбу Ташкилотнинг таъкидлашича, алоҳида минтақаларда ишлаб чиқариш ҳажмларидаги қисқаришларни ўрнини босиш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг маълум даражадаги захираларига эга бўлиш керак бўлади. Мана шундай захиралар даражаси жаҳон эҳтиёжларининг 20 фоизи даражасида бўлиши керак. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу даража бир неча йиллар давомида критик нуқтадан пастда бўлган.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланиши бозор баҳоларини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

Бундан ташқари озиқ-овқат хавфсизлиги давлатнинг мамлакат ва уни минтақаларини озиқ-овқат билан таъминлаш тизимида турли табиий офатлар ва фавқулотда ҳолатлар натижасида юзага келадиган бузилишларни олдини олишга бўлган қодирлигини ҳам кўзда тутати. Бунинг учун эса доимо янгиланиб ва ўрни тўлдириб туриладиган стратегик озиқ-овқат захираларини ва уларни тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш тизимини яратиш зарур бўлади.

Демак, озиқ-овқат хавфсизлиги ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада

таъминланишини, импорт маҳсулотларга боғлиқликни камайтиришга эришишни ифодалайди.

Бугунги кунда ер юзида 7,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳар соҳада кечаётган глобаллашув жараёни тараққиёт сари ташланган дадил қадам сифатида талқин этилаётган бўлсада, қишлоқ хўжалиги, энергетика, экология каби айрим масалаларда муаммо келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолат табиийки, жаҳон ҳамжамияти муаммоларга жиддий муносабат билдириши ва уларнинг ечимини топишда масъулиятни ўз зиммасига олиши лозимлигини тақозо этади. Сўнгги пайтларда жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бориши нафақат камбағал мамлакатлар, балки ривожланаётган, ҳатто дунёнинг етакчи давлатларини ҳам ташвишга солмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, яқин вақтлар ичида дунёдаги қатор мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин. Озиқ-овқат тақчиллиги айрим мамлакатларда тартибсизликлар, ғалаёнлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бутунжаҳон озиқ-овқат дастурининг экспертлари озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги айрим мамлакатларда ижтимоий беқарорликни келтириб чиқариши мумкинлигидан ташвишланмоқдалар. БМТ маълумотларида келтирилишича, бугунги кунда дунё миқёсида 895 миллионга яқин киши очарчиликни бошдан кечиряпти. Табиийки, шу ўринда озиқ-овқат тақчиллигининг сабаблари нимада деган савол туғилади. Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат истеъмол қилиш ҳажми ортиб боряпти. Дон маҳсулотларидан ёнилғи ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Қолаверса, дунё озиқ-овқат захиралари сўнгги 25 йилда энг паст даражага тушиб кетган, дунё биржаларида олиб-сотарлик билан боғлиқ фирибгарликлар борлиги, собиқ мустамлакаларда иқтисодиётнинг бир ёқлама ривожланиши ҳам озиқ-овқат тақчиллигини келтириб чиқармоқда.

Иқлимнинг глобал исиши ер юзи аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар сайёрамизда ҳаво ҳарорати

фақат бир даражага кўтарилса, дон экинларидан олинадиган ҳосил миқдори 10 фоизга пасайиб кетар экан. Озиқ-овқат тақчиллиги хавф солаётган мамлакатлар вазиятдан чиқиш учун, аввало, ички имкониятларни ишга солмоқдалар. Жумладан, дунёда гуруч экспорт қилиш бўйича биринчи бўлган Таиланд, Ҳиндистон, Вьетнам ва Бразилия мамлакатларидан фарқли ўлароқ гуруч экспортини камайтирмасликка қарор қилди. Ҳозирда Таиландда гуручдан бир йилда икки марта ҳосил олинаётган бўлса, энди бу экиндан ҳатто уч марта ҳосил олиш чоралари кўрилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган асосий эҳтиёжларни ўз ҳисобига қондириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мана шундай ҳаётий муҳим вазифани мамлакат иқтисодиётининг йирик тармоғи бўлган агросаноат мажмуаси амалга оширади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси шундан гувоҳлик берадики, кишилиқ жамиятининг барча соҳа ва жабҳаларида, айниқса глобал иқлим ўзгариши таъсирида сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида тобора авж олаётган қашшоқлик ва очарчиликка барҳам беришнинг асосий омилларидан бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, шунингдек уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг хўжалиқ юритиш фаолиятларини инновациялар асосида ташкил этиш стратегик аҳамият касб этиб, ушбу жараёни узлуксиз такомиллаштириш давр талабига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёти иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Чили ва Вьетнамдаги иқтисодий ўсишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлгани ҳолда, айрим Африка мамлакатларининг ривожланишдан ортда қолиши, мазкур мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг етарли даражада таъминлай олмаётганликлари билан изоҳланади

Бу, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги секторининг бандлик ва ЯИМда улуши юқори бўлган иқтисодий ривожланишнинг дастлабки босқич-ларида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини (хом ашё, меҳнат, капитал жамғариш, хорижий валютани жалб қилиш) таклиф этиш орқали иқтисодиёт-нинг бошқа соҳалари ўсишига ёрдам беради.

Шу тариқа, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши саноат ишлаб чиқариши ўсишини рағбатлантиришда катта мультипликатив таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тар-моқларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсишига олиб келади, айти пайтда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларлик ўсишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ўсишининг мазкур мультипликаторлари одатда, даромади паст мамлакатларда юқори бўлиши кузатилади, чунки мазкур мамлакатларда саноат секторининг асосий улуши ( қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш) ва хизматлар соҳаси қишлоқ хўжалиги кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади.

Бошқа бир томондан, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши қишлоқ хўжалигидан ташқари фаолият билан шуғулланувчи аҳолининг ортиб бораётган улушини озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради ва шу билан биргаликда шаҳар аҳолисининг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида унмдорликнинг ошиши озиқ-овқат маҳсу-лотлари нархини пасайтиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида шаҳар-ларда номинал иш ҳақини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги бевосита боғлиқликнинг мавжудлиги эвазига қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъмин этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг молиявий салдоси деб аталувчи, яъни қишлоқ хўжалигидан

келадиган пул оқимлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқ-ларининг ўсишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, инвестиция сифатида йўналти-рилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун иқтисодиёт-нинг бошқа секторлари маҳсулотлари, хусусан саноат маҳсулотлари (ўғитлар, асбоблар ва машиналар)га талаб пайдо бўлади, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли даромад-ларининг ўсиши асносида зарурий истеъмол товарларига талаб ортиб боради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги даромадларнинг ўсиши саноатлаштиришни рағбатлантиради. Мазкур омил ўз пайтида Ҳиндистон ва Хитойда ер исло-ҳоти сиёсатининг асосини ташкил қилган эди. Хусусан, Хитой ердан фойда-ланувчиларга ерга эгалик ҳуқуқини бериш орқали 800 миллион қишлоқ уй хўжаликлари ўртасида саноат маҳсулотларининг ички бозорини ривожлан-тиришга эриша олди. Таъкидлаш лозимки, Хитой ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш орқали камбағаллик ўлчамларини кескин қисқартириш имконига эга бўлди. Ўзбекистонда ҳам камбағалликка қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқишда Хитой тажрибасидан фойдаланиш ижобий самара беради. Хитой бугунги кунда камбағалликни тугатиш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. Жаҳон банкининг маълумот-ларига кўра, Хитойда бугунги кунга келиб 850 миллион киши қашшоқлик чегарасидан чиқарилди. Хитойда камбағаллик даражаси 1981 йилда 88 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги камбағаллик даражаси билан тўла мос тушади, хусусан камбағаллик даражаси АҚШда (1%), Швецияда (0,61%), Германияда (0,19%), Италияда (1,5%)ни ташкил этади.

Бундан ташқари, даромади паст мамлакатлар айнан қишлоқ хўжалигида таққосланма афзалликларига эга бўлганликлари боис, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш очик иқтисодиётни шакллантириш шароитида устувор аҳамият касб этади. Иқтисодий ривожланиш бўйича тадқиқот олиб борувчи етакчи мутахассис олимларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги қисқа муддатда қиёсий афзалликлар тақдим этади, агросаноат мажмуасини ривожлантириш эса

узоқ муддатли истиқболда саноатлаштиришга катта йўл очиб беради. Мазкур мамлакатлар учун қишлоқ хўжалигига инвестициялар саноатлаштириш ва муваффақиятли таркибий ўзгаришлар борасида иқтисодий жиҳатдан самарали ўсиш стратегияси бўлиб хизмат қилади. Осиё мамлакатларида қашшоқлик даражасини қисқартиришда қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантириш муҳим асос бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида бугун талабларидан келиб чиққан ҳолда, устуворликларни аниқлаштириш борасида муайян бир қийинчиликлар мавжуд, хусусан бу борада қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиш талаб этилади:

- очлик даражасини камайтириш ва аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини пасайтириш ёки фермерларни қишлоқ хўжалигига кўпроқ сармоя киритишга ундаш мақсадида мазкур нархларнинг ошишишни рағбатлантириш;

-бюджет маблағларидан қисқа муддатли озиқ-овқат муаммосини юмшатиш учун фойдаланиш (масалан, озиқ-овқат ёрдам дастурлари орқали) ёки мазкур маблағларни қишлоқ хўжалигига инвестиция қилиш ва узоқ муддатли маҳсулдорлик муаммосини ҳал қилишга йўналтириш;

- ўзини –ўзи таъминлаш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишга катта эътибор қаратиш ёки қиёсий устунликлардан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини кенгайтириш;

- қашшоқликни камайтиришда самарали бўлган майда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ёки ҳосилдорликни ошириш ва қиймат яратишнинг интеграциялашган занжирлари орқали мураккаб бозорларга чиқиш борасида самарали ҳисобланаувчи йирик хўжаликларини жадал ривожлантириш.

Шу тариқа, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш борасида қишлоқ хўжалигининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ушбу салоҳиятдан фойдаланиш борасида самарали ёндашувларни танлаб олиш ва қишлоқ

хўжалиги ресурсларидан самарали фойдаланишнинг замонавий усул ва воситаларини ўзлаштириш даромад даражаси паст мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда тахминан 16,4 млн. киши (умумий аҳолининг 49,4%) қишлоқ жойларда (2019 й.) яшайди. Мамлакатимизда туғилиш даражаси юқори (23.3 промилле), қишлоқ ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги яққол кўзга ташланади. Ўзбекистонда 25 ёшгача бўлган аҳоли 45,5%ни, 30 ёшдан кичик аҳоли сони 55% дан кўпроқни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигидан бошқа даромад топишнинг муқобил манбалари камлиги боис, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда аксарият ҳудудлар иқтисодиёти-нинг асосини ташкил қилади. Ўз навбатида жуда кўп сонли фуқаролар:

- асосан қишлоқ хўжалиги (жумладан, деҳқончилик, чорвачилик, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик) ҳисобига кун кечирадилар. Улар табиий капиталга (ер, сув, ҳайвонлар, дарахтлар) эгаллик қилганлари ҳолда, табиий капиталдан кун кечирининг асосий манбаи сифатида фойдаланадилар;

- ишлаб чиқаришда асосан оилавий меҳнатдан фойдаланадилар. Оилавий меҳнатга қараганда ёлланма меҳнатдан чекланган миқдорда фойдаланилади;

- истеъмол (уй хўжалиги истеъмоли) ва ресурслардан фойдаланиш (оилавий меҳнат, уруғ, органик ўғитлар каби уй хўжалиги ишлаб чиқариши ресурслари) борасида ўзини –ўзи таъминлашга асослангани ҳолда, бозор билан нисбатан паст даражада ўзаро уйғунлашган.

2019 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасининг Ўзбекистон ЯИМ даги ҳиссаси 28,1% ни ташкил этди ва 2019 йилда мамлакат ЯИМининг ўсишига қишлоқ хўжалигининг қўшган улуши 0,9 %ни ташкил қилди. Ўтган 2019 йилда қишлоқ хўжалиги секторида 3,543 миллион киши (банд бўлганлар умумий сонининг 26%и) иш билан банд бўлган бўлгани ҳолда, уларнинг 1,066 миллиони расман иш билан банд бўлган бўлса, 2,477 миллион киши норасмий секторда ёки ўз-ўзини иш билан банд қилганлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини хорижга сотиш Ўзбекистонга жами экспорт даромадларининг 25% гача бўлган қисмини таъмин этади.

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш давомида барча ҳудудларда энг юқори кўрсаткичлар деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши аниқланди. Шундай қилиб, 2019 йилда улар томонидан картошка умумий ҳажмининг 88,4%, сабзавот 74,3%, қовун озиқ-овқат маҳсулотлари 60,8%, мева ва резаворлар 62,6%, узум 55,0%, гўшт 92,3%, сут 95,1%, тухум 52,6%, балиқ 7,4%и ишлаб чиқарилган. Фермер хўжаликлари томонидан ғалланинг 78,7%и, пахта хомашёсининг 96,2%и ишлаб чиқарилган. Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан асосан тухум (36%), балиқ (64,1%), сабзавот (18%) ишлаб чиқарилади. 2019 йил якунига кўра, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари таркибида кичик бизнеснинг ялпи қўшилган қийматдаги улуши: қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликда - 98,6%ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорларга ажратилган ер майдонларининг 85,2%и фермер хўжаликларига тўғри келгани ҳолда, 2019 йилда мазкур хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 27,4%и ишлаб чиқарилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорларга ажратилган ер майдонларининг атиги 11,3%и деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келсада, улар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 71,2%и ишлаб чиқарилган. Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳиссасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2,8% и тўғри келади.

Ўтказилган тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида тухум ва балиқ соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган меъёрдан паст даражада истеъмол қилинади. Нафақат, тухум ва балиқ, балки гўшт ва гўшт маҳсулотлари, мева, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли ҳам кам таъминланган хонадонларда янада паст кўрсаткични ташкил қилади. Бунинг сабаби, айниқса, қишлоқ ҳудудларида



истиқомат қилувчи аҳоли даромадларининг пастлиги ва етиш-тирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархининг қимматлиги ҳисобланади.

1-жадвал.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тузилмаси (%)**

<b>Хўжаликлар тоифаси</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>
<b>Жами</b>			
Фермер хўжаликлари	29,3	26,0	26,9
Дехқон хўжаликлари	68,4	71,2	70,1
Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар	2,3	2,8	3,0
<b>Ўсимчилик</b>			
Фермер хўжаликлари	49,2	45,3	48,7
Дехқон хўжаликлари	49,1	52,2	48,4
Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар	1,7	2,5	2,9
<b>Чорвачилик</b>			
Фермер хўжаликлари	3,7	4,6	5,0
Дехқон хўжаликлари	93,1	92,3	91,9
Қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар	3,2	3,1	3,1

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Пахта хомашёси экспортдан воз кечиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор бериш, тарқоқ хўжаликлар ўрнига кластерлар тузиш ва қишлоқ хўжалиги секторини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар билан ўзаро интеграция-сини таъминлаш бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Сирдарё вилоятида тажриба сифатида Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси “Bek cluster” масъулияти чекланган жамияти агросаноат соҳасида биринчи кластер сифатида ташкил этилган бўлса, бугун юртимизнинг барча худудларида бу тажриба янада оммалашмоқда. Бир сўз билан айтганда юртимиз иқтисодиётидаги янги тузилма пахтачилик-тўқимачилик кластерлари катта самарадорликка эришишни бошлади. Хусусан, Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси “Bek cluster” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқ-даки, қисқа мудда пахта ҳосилдорлигини гектарига 17,2 ц/га.дан 30,2 ц.га, ғалла ҳосилдорлигини эса

гектарига 22,5ц/га.дан 61,5 ц/га.га оширишга эришилган. Шу билан бир қаторда 2622 нафар фуқаро доимий иш жойи ва барқарор иш ҳақи билан таъминланган.

2-жадвал.

**Ўзбекистон ҳудудларида ташкил этилган пахтачилик-тўқимачилик кластерлари (2018 йил)**

№	Худуд	Кластер ядроси	Ер майдони (га.)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	ҚК МЧЖ “Amudaryotex”	7 000
2.	Андижон вилояти	МЧЖ “Vodiy Sanoat Faxri”, ҚК МЧЖ “Marhamattekstil”, ҚК МЧЖ “Al’yorteks», МЧЖ “Best Textile International” ва МЧЖ “Sohib Omad Barakasi”	41690
3.	Бухоро вилояти	МЧЖ “Merganteks”, МЧЖ “Parvoz Humo Ravnaq Trans”, МЧЖ “Qorako’l Kumush Kalava”, МЧЖ “Bahor Chance Textile”, ҚК “Peshkuteks”, МЧЖ “Buxoro Zarhal Teks”	25 000
4.	Жиззах вилояти	МЧЖ “Jizzax Industrial To’qima”	5 000
5.	Қашқадарё вилояти	МЧЖ “Bunyodkor”, МЧЖ “Oq saroy textile”, МЧЖ “Shaxrisabz Tekstil”, МЧЖ “Sulton Teks Group”	31700
6.	Наманган вилояти	ҚК МЧЖ “Toshbuloq Teks”, МЧЖ “Namangan To’qimachi”, МЧЖ “Namimpektekstil”, МЧЖ “Namangan Momiq Sochiqlari”, ҚК МЧЖ “Uztex Uchkurgan”, МЧЖ “Uchkurgan Textile”	45468
7.	Самарқанд вилояти	МЧЖ “Baht Invest Hamkor Tex”, МЧЖ “Daka Tex”, МЧЖ “Мароканд Сифат Текстиль”, ҚКМЧЖ “Amin invest international” ва ҚКМЧЖ “Artek International”	26 300
8.	Сирдарё вилояти	ҚК МЧЖ “BEK CLUSTER”	23896
9.	Сурхондарё вилояти	ХК МЧЖ “Nortex Style”, МЧЖ “Chinoz Textile” ва МЧЖ “Billur Teks”, ҚК МЧЖ “Surhonteks”, МЧЖ “Surxon Sifat Tekstil”	33920
10.	Тошкент вилояти	МЧЖ “Maxim Gold Tex”, МЧЖ “Ko’kcha tekstil”, МЧЖ “Agro Teks Alliance”, ХК МЧЖ “Textile Technologies Group” (TTG)	37320
11.	Фарғона вилояти	ҚК МЧЖ “Baxodir Log’on Tekstil”, ҚК МЧЖ “Fergana Oseana”, МЧЖ “Bulut Textile”, ҚК МЧЖ “Expo Kollor Prin Teks”, МЧЖ “Global Textile Solutions”, МЧЖ “Fergana Global Textile”	29810
12.	Хоразм вилояти	МЧЖ “Xorazm Tex”, ҚК МЧЖ “Shovot Tekstil”, МЧЖ “Kobotex”	25505
<b>ЖАМИ ЕР МАЙДОНИ</b>			<b>3332609</b>

2019 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида фармони қабул қилинди. Стратегиянинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационалини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини қўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилona фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга қўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини

жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

Шу билан бир қаторда, асосан қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ва уларнинг барқарор даромад манбаларига эга бўлишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777 сонли Қарори қабул қилинди. 2019 йилда тижорат банклари орқали тадбиркорлик ташаббусларини имтиёзли шартлар асосида қўллаб-қувватлаш борасида 700 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги пандемия шароитида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда сўнгги ойлар ичида “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурс-ларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”, “Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатил озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Ўз.Рес. Президентининг Қарорлари ва Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўз.Рес. Президенти Фармоннинг қабул қилинишининг ўзиёқ, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қанчалик устиворлик берилаётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модерни-зация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказ-

ларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Давлат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишни оосонлаштиришга кўмаклашувчи ишлаб чиқариш ва бизнесни ташкил этишнинг янада рақобатбардош шакли сифатида кластерларни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерлари сони 2018 йилда 15 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 73 тага етди. 2019 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 1,8 миллион тоннаси ёки ялпи ҳосилнинг 66%и кластерлар ҳиссасига тўғри келди.

Кластерларнинг ижобий самаралари қаторида ҳосилдорликни ошириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш, харажатларни тежаш ва яна шу каби жиҳатларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги №ПҚ-3279 сонли “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Сирдарё вилоятида ташкил этилган пахтачилик-тўқимачилик кластери ҚК, МЧЖ “БЕК CLUSTER”га дастлаб 18 000 гектар ер ажратиб берилган бўлиб, ажратилган ер майдонларининг 3,4 %и 60 ва ундан юқори, 15 %и 51-60 балл бонитетига, 63,2 %и 41-50 балл бонитетига, 18,3 %и 40 ва ундан паст балл бонитетига эга эди. Бугунги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-шини замонавий ёндашув ва усуллар асосида ташкил этилиши ҳисобига қисқа муддат ичида пахта ҳосилдорлигини гектарига 17,2 ц/га.дан 30,2 ц.га, ғалла ҳосилдорлигини эса гектарига 22,5ц/га.дан 61,5 ц/га.га оширишга эришилган. Шу билан бир қаторда 2622 нафар фуқаро доимий иш жойи ва барқарор иш ҳақи билан таъминланган. Шу кунгача ҚК, МЧЖ “БЕК CLUSTER” томонидан саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида лойиҳа қиймати 380 миллиард сўм ва 572 минг АҚШ долларига тенг бўлган 10 та йирик лойиҳа амалга оширилган бўлса, яқин истиқболда яна лойиҳа қиймати 142 миллиард сўм бўлган иккита йирик лойиҳани ишга тушириш мўлжалланган. Қувонарли ҳолат шундаки, бугунги

кунда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида рақамли технологияларни қўллашга жиддий эътибор берилётган бир пайтда кластер томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рақамлаштириш борасидаги лойиҳаларни амалга оширишга 790 минг доллар миқдорида маблағ йўналтирилиб, амалда катта иқтисодий самарага эришилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари доирасида қуввати 430 минг тонна бўлган маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қуритишни ташкил этиш бўйича 96 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 8 минг гектарга яқин токзорлар яратиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йил давомида 410 млн. долларлик кластер маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган. Шунинг алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз миқёсида 2019 йилда кластерлар томонидан 11 мингта янги иш ўрни яратилган.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатувчи омиллари сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади:

Нарх орқали рағбатлантириш. Жаҳоннинг илғор тажрибаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари нарх рағбатларига таъсирчан эканлигини кўрсатади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари “тўғри” нархларни белгилаш қишлоқ хўжалиги ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Қўшилган қиймат яратишнинг интеграл занжирларини ташкил этиш. Озиқ-овқат бозорлари тобора супермаркетлар каби ривожланган интеграл қиймат занжирларига айлантирилмоқда. Улар фермерлар, маҳсулотни қайта ишловчилар, чакана савдо билан шуғулланувчилар ва истеъмолчиларни ўзаро бирлаштиргани ҳолда, қимматли маълумотларни алмашиш, зарур бўлганда маблағ билан таъминлаш, санитария ва фитосанитария стандартларини аниқлаштириш ва уларга риоя этилишни таъминлаш, хавф-хатарларни тақсимлашни рағбатлантириш ва тадқиқот ва инновацияларни молиялаштириш имконини беради. Молиявий хизматлар, телекоммуникация, транспорт ва

энергетика каби кўллаб-қувватловчи тармоқлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам ўз навбатида енгил кўчади. Кўлам самарасига ва истеъмолчига етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатининг сезиларли даражада ошишига эришилади. Бошқа бир томондан, супермаркетлар анъанавий чакана дўконларнинг йўқолишига ва кўплаб иш ўринларининг йўқолишига олиб келсада, жараён иштирокчилари нархларнинг пасайишидан бирдек манфаатдор бўладилар.

Тўғри технологияларни танлаш. Ер ресурсларининг чекланганлиги туфайли қишлоқ хўжалигининг истиқболда тараққий этиши мазкур ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Бу борада технология катта рол ўйнайди. Меҳнат тежовчи, ер ва сув тежовчи, хатарларни камайтирувчи, маҳсулот сифатини оширишга имкон берувчи ва экологик соф технологиялар фарқланади. Молиявий ресурслар чекланган шароитда технологияларни танлашда устуворлик ишлаб чиқариш ресурсларининг нисбий нархларига боғлиқ саналади.

COVID-19 пандемияси нафақат инсон ҳаётига, балки унинг кун кечирish манбаларига ҳам катта хавф солмоқда.

Айрим мамлакатларда пандемиянинг тарқалиши секинлашиб, инфекция ҳолатлари сони камайиб бораётган бўлса, бошқаларида эса COVID-19 тез тарқалишда давом этиб, зарарланишлар сони яна кўпая бошлади. бир сўз билан айтганда пандемия глобал жавоб талаб қиладиган глобал муаммо бўлиб қолмоқда.

Фавқулодда чоралар кўрилмаса, миллионлаб болалар ва катталар учун узоқ муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фавқулодда глобал тусга эга бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига дуч келишимиз табиийдир.

Бу асосан озиқ – овқат маҳсулотларининг тақчиллиги билан боғлиқ-даромадлар тушмоқда, пул ўтказмалари қисқармоқда ва маълум бир ҳолатларда озиқ-овқат нархлари кўтарилиб боромоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий тус олган мамлакатларда, бугунги кунга келиб озиқ-овқат маҳсулотларининг

тақчиллиги билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш инқирози катта хавф туғдирмоқда.

Дунёда очлик ёки тўйиб овқатланмасликдан азият чекаётган одамлар сони ўсишда давом этаётган бир пайтда COVID-19 пандемиясига дуч келдик. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, 2020 - йилда пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий таназзул натижасида дунёдаги очликдан азият чекаётган одамлар сони камида 83 миллионга, ҳатта катта эҳтимол билан 132 миллион нафарга ҳам етиши мумкин экан. БМТнинг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра, деярли 690 миллион киши 2019 йилда очликдан азият чеккан, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 10 миллион кишига, беш йил олдингига қараганда 60 миллиондан ошиқроқдир. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг юқорилиги ва молиявий имкониятларнинг чекланганлиги натижасида миллиардлаб инсонлар сайёрамызда тўйимли ва соғлом овқатланиш имкониятига эга эмаслар.

БМТ ҳисоботида келтирилишича, 2020-йил охиригача COVID-19 пандемияси натижасида сурункали очликдан азият чекаётганлар сони 132 миллион кишига кўпайиши мумкин. Шу билан бир қаторда, Озиқ-овқат инқирозлари бўйича глобал маърузада таъкидланишича, 2019 йилнинг якунига келиб, дунёнинг 55 мамлакати ва ҳудудларида истиқомат қилувчи 135 миллион киши ўткир озиқ-овқат танқислиги шароитида кун кечиришган. Бундан ташқари, 2019 йилда дунёда 75 миллион бола ўсишдан ортда қолган бўлса, 17 миллион бола эса тўйиб овқатланмаслик туфайли ҳолсизлик ва кам-қонликдан азият чекаётганлиги халқаро экспертлар томонидан айтилмоқда.

Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра, пандемиянинг иқтисодий оқибатлари натижасида 100 миллионга яқин киши қашшоқлик домига тушиб қолиши мумкин. Ишсизликнинг муттасил ўсиши, даромад манбалари-нинг йўқотилиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига нархнинг ўсиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам истеъмолчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни хавф остига қўяди ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий хатарларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари,



пандемия миллий иқтисодиётларни чуқур рецессияга олиб келиши боис, дунё мамлакатлари пандемиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимларига салбий таъсирини юмшатиш борасида жиддий чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Жаҳон банки мутахассисларининг фикрича, жорий йилда дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар экин ишларини талаб даражасида амалга ошира олмаганликлари боис, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчилли-гининг юзага келиш хавфи жуда юқори, шу боис қишлоқ хўжалиги ишларини ўз вақтида амалга оширишга кўмаклашиш давлатларнинг бу борадаги асосий вазифалардан бири бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Халқаро озиқ-овқат ташкилоти (FAO) мутахассислари COVID-19 туфайли инсонлар очлик домига тушиб қолишларига сабаб бўлувчи учта омил-ни ажратиб кўрсатишади:

- Бандлик даражасининг пасайиши ва даромадларнинг қисқариши фуқароларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига сарфлашлари мумкин бўлган харажатларнинг қисқаришини англатади. Мигрантларнинг пул ўтказмаларининг қисқариши ҳам мазкур муаммони янада чигаллаштиради. Шу билан бирга, дунё мамлакатлари орасида сиёсий, ирқий, иқтисодий, миллат-лараро зиддиятларнинг кучайиши озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилишига ва тақчиллигига сабаб бўлмоқда.

- Пандемия оқибатида юзага келган турли мажбурий тўсиқлар ва узилишлар ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ пандемияга қарши чора-тадбирлар ҳам озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти борасида жиддий оқибатларни келтириб чиқаради.

- Давлат даромадларининг кескин пасайиши турли тавсифга эга бўлган ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларини маблағ билан таъминлашни мушкул ҳолатга солиб кўяди ва давлатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондира олмаслигини англатади.

Мамлакатимизда пандемиянинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида, қишлоқ

хўжалигига пандемиянинг таъсири ҳалокатли даражада бўлмади, деб айтишга тўла ҳаққимиз бор. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасидан олинган дастлабки маълумотлар шундан далолат берадики, 2020 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт бироз бўлса-да ўсишда давом этди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 255,3 трлн. сўм ва 0,2% га ошган бўлса, ўтган йилнинг шу даврида 6% ўсиш кузатилган эди. Тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг ўсиши 0,3%ни ташкил этди. Қиёслаш учун шуни айтишимиз мумкинки, яқин атрофда жойлашган қўшни давлатлар таназзулни бошдан кечирмоқда. Қозоғистонда ЯИМ биринчи ярим йилликда 1,8% га, Қирғизистонда 5,3% га камайган. Россия Марказий Банки маълумотларига кўра, мамлакатда йиллик ЯИМнинг камайиши 9,5-10% ни ташкил этади. Хитой иқтисодиётида иккинчи чорақда 3,2 %га га ўсганига қарамай, биринчи ярим йилликда мамлакат иқтисодиёти 1,6%га қисқарди.

Иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан динамика секинлашган бўлса-да, ўсиш давом этмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси 2,6% га, қурилиш-7,3% га, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 1,2% га ошди. Саноат ишлаб чиқариш асосан тоғ-кон саноати 20,1% пасайишига, 1,9% камайди. Шу билан бирга, барча саноат ишлаб чиқаришининг 81% ни ташкил этувчи қайта ишлаш саноати 2,2% га ошди.

Ҳукумат далалардаги баҳорги ишлар муваффақиятли ўтиши, мева-сабзавотларнинг янги ҳосили истеъмолчиларга тўсиқсиз етиб бориши ва саноат ходимлари ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун нисбатан эркин ҳаракат қилиши учун барча зарур чораларни кўрди. Бундан ташқари, ҳукумат озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини сезиларли даражада ошириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва дунёда озиқ-овқат етказиб бериш занжирларининг узилиши шароитида экспортни ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширди. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида эса аксинча, ўтган йилнинг шу даврида ўсиш 2,4 %ни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида соҳада ўсиш 2,7% га тезлашган. Энг жадал ўсиш балиқчилик соҳасида кузатилмоқда - ўтган йилнинг шу давридага нисбатан

ўсиш кўрсаткичи 16,7%ни ташкил қилмоқда. 2020 йилнинг январь-июль ойларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан 498,7 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

Бирок, Ўзбекистонда пандемия қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатмади, деган фикрдан йироқмиз. Умумий овқатланиш корхоналарига исбатан карантин чекловларининг жорий этилиши, туризм соҳасининг жиддий синов-ларни бошидан кечириши каби ҳолатларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг пасайишига, ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчиларнинг даромадларига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

3-жадвал.

**2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг қиймати**

Ташаббускорлар ва лойиҳачиларнинг номлари	Лойиҳалар умумий қиймати	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:		
		ўз маблағлари	банк кредитлари	хорижий инвестиция ва кредитлар
Жами (180 лойиҳа)	595 886,3	242 916,7	189 461,6	163 508,0
Шу жумладан:				
Янги қурилиш (141 лойиҳа)	463 267,3	169 714,7	144 324,6	149 228,0
Реконструкция ва модернизация (39 лойиҳа)	132 619,0	73 202,0	45 137,0	14 280,0

*Манба: “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси маълумотлари асосида тузилган*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича тизимли тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2020 йилга келиб 2016 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ҳажмини 79,4 фоиз, мева шарбат-ларини 80,5 фоиз, қуруқ меваларни 73,1 фоиз, гўшт ва гўшт маҳсулотларини 59,5 фоиз, колбаса маҳсулотларини 68,8 фоиз, сут ва сут маҳсулотларини 56,6 фоиз, сариёғни 51,4 фоиз, қандолат маҳсулотларини 59,9 фоиз, ўсимлик ёғини 57,2 фоиз, шакарни 24,0 фоизга, пишлоқни 2,5, гўштли консерваларни 2,4, балиқ маҳсулотларини 3,4 ва музлатилган балиқни 2,8 марта ошириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган чора-

тадбирлар аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлаништириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган маърузасида бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва мамлакат озиқ -овқат хавфсизлигини таъминлашда тўсиқ бўлиб турган қуйидаги муаммолар алоҳида тилга олиб ўтилди:

**Биринчидан, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш** - мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда;

**Иккинчидан,** суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келаётганлиги;

**Учинчидан,** аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш - энг асосий вазифаларимиздан бири эканлиги, аммо бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслиги;

**Тўртинчидан,** мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш ишлари, афсуски, етарли даражада эмаслиги;

**Бешинчидан,** республикаимиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган бўлсада, томорқадан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги;

**Олтинчидан**, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирганлиги;

**Еттинчидан**, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётганлиги;

**Саккизинчидан**, фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масалалари оқсаётганлиги ва шу кабилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари, пандемия юзага келтирган хавф-хатарлар ва жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида уни ривожлантиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- майда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи йирик ишлаб чиқариш корхоналари, савдо-воситачи ташкилотлар ўртасида “бир қишлоқ-бир маҳсулот”, ёки “бир маҳалла-бир маҳсулот” каби тизимлар асосида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, бозорбоп ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида ҳудудий ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян бир турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг афзалликлари ва хатарларини ҳисобга олиш, самарали ихтисослашув йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича таклифлар киритиш.

- “бир қишлоқ-бир маҳсулот” тамойили асосида мева-сабзавот ва бошқа харидоргир ва экспортбоп юқори қўшимча қийматга эга экин турларини етиштириш, уларни йирик корхоналар билан биргаликда қайта ишлаш технологияси бўйича бепул қўлланмалар, рисоалар ва бошқа амалий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишга устивор вазифа сифатида қараш.

- юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон ва хусусий уй хўжаликлари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставка-сидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида тижорат банклари томонидан мева-сабзавот ва бошқа ликвид ва экспортга йўналтирилган экин турларини етиштириш ва кенгайтириш ҳамда уларни қайта ишлаш бўйича микрокредит-лар ажратишни тавсия этиш.

- шунингдек, мева-сабзавот ва бошқа харидоргир ва экспортбоп экин турларини етиштириш ва уларни қайта ишлашни кўпайтириш ҳамда кенгайтириш учун деҳқон хўжаликлари ва ишсиз фуқароларга қўшимча ер участкалари ажратиш ва уларни имтиёзли шартлар асосида зарурий восита ва маблағлар билан таъминланишини йўлга қўйиш.

- йирик ташқи савдо воситачилари ва қайта ишлаш корхоналарининг сифатли мева-сабзавот ва шу каби бозорбоп, экспортга йўналтирилган экин-лар турларини етиштириш, уларни сақлаш, қадоқлаш ва дастлабки қайта ишлаш борасида майда ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрса-тишларига замин яратиш, ишлаб чиқарувчиларни ўз етиштирган маҳсулот-ларининг ҳар қандай вазиятда ҳам сотилишига ишонтириш ва бу борада фьючерс шартномалари асосида фаолиятни йўлга қўйиш.

- фаолияти янгидан йўлга қўйилган техникум ва касб-ҳунар мактабларида замонавий қишлоқ хўжалиги асослари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш.

- соҳада илмий-тадқиқот ишларини янада жонлантириш, бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг амалиётга йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратиш, ОТМ билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўрта-сида ҳамкорликни амалда ривожлантириш, ўзгарувчан бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда соҳа учун мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кластерли ривожлантиришнинг ижобий ва салбий жиҳатларини эътиборга олиш, бунда ташаббускор давлат эмас, балки турли мулк шаклида фаолият кўрсатувчи соҳа корхоналари бўлишига алоҳида эътибор қаратиш.

- қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири -юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида ҳам шу ҳақда гап боради. Юқори сифатли ва хавфсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш учун Озиқ-овқат хавфсизлигининг халқаро стандарт-лари *Hazard Analysis and Critical Control Points* (НАССР) га жавоб бера оладиган тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### **Қисқача хулосалар**

1. Аҳоли турмуш даражаси миллий ва шунингдек, иқтисодий хавфсизликнинг энг асосий ижтимоий индикаторларидан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республиканинг мустақил тараққиёти даврида аҳолини турмуш даражасини ошириш борасида ислохотларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Мамлакатни ва жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилганлиги ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизмини ишлаб чиқилганлиги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлади ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилди.

2. Мустақиллик йилларида республикада аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича олиб борилган сиёсат тўла-тўқис ўзини оқлади. Бундай сиёсат ўртача умр кўриш даражасини узайиши, аҳоли даромадларини ошиши, турмуш даражасини кўтарилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий барқарорликка эришиш, турли таҳдидларни олдини олиш ва охир-оқибатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун замин яратди.

3. Инсоннинг иқтисодий хавфсизлиги бу инсоннинг муҳим ҳаётий манфаатларининг ҳимояланиши учун шарт-шароитларнинг кафолатланганлиги, ижтимоий тараққиёт ҳамда инсон ва жамият ҳимояси тизими таъминлангандаги ҳолатдир.

4. Инсоннинг ижтимоий хавфсизлиги мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ижтимоий соҳанинг бошқа

тармоқларини индивиднинг етарли ҳажмда ва сифатли неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган даражада тараққиётга эришишни билдиради.

5. Ишсизлик жамиятда ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқишининг бош сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ишсизлик иқтисодий хавфсизликнинг энг муҳим индикатори сифатида алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган муаммолар қаторида туради. Ишсизлик мамлакатда мавжуд табиий, меҳнат, моддий, иқтисодий ва молиявий ресурслардан самарали ҳамда етарлича фойдаланмаслик ҳолатини англатади.

6. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи бевосита миллий хавфсизликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кишилар ҳаёт фаолиятининг муҳим тизими сифатида жиддий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ушбу муаммо ўзининг долзарблиги жиҳатидан ҳарбий ва умумиқтисодий хавфсизлик билан бир қаторда туради. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат суверенитетини, иқтисодий хавфсизлигини ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда.

### **Назорат саволлари**

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”-деган фикрининг мазмун-моҳиятини очиб беринг?

3. Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга қандай баҳо берасиз?

4. Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қанчалик долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлайсиз?

5. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида қандай муаммолар мавжуд ва уларнинг ечими қандай?



*Аввало иқтисодий эркинликни таъминлаш зарур. Иқтисодий эркинлик бўлмас экан, эркинлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. (Маргарет Тэтчер)*

## **7-МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ**

**Режа:**

**7.1. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги**

**7.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёт гарови**

**Таянч тушунча ва иборалар:** корхона, иқтисодий хавфсизлик, хавфсизлик тизими, илмий-техник тараққиёт, инновациялар.

### **7.1. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги**

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутунлай янги тизими бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт субъектлари орасида миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим дастаги бўлган корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги деганда унинг илмий - техникавий, ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда кадрларини фаол ва нофаол иқтисодий таҳдидлардан, масалан, давлатнинг самарасиз илмий - саноат сиёсатидан ёки ташқи муҳитда юзага келган таҳдидлардан ҳимояланганлиги тушунилади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорлик бузилганда, айниқса, долзарб бўлади.




**1- расм. Корхона иқтисодий хавфсизлигининг асосий мақсади.**

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш узлуксиз жараён бўлиб, унда вужудга келиши мумкин бўлган зарарларни олдини олиш вазифаси қўйилади. Буни амалга ошириш учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси бўлиши талаб этилади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси деганда, корхона иш фаолиятини амалга оширишда унинг хавфсизлигини етарли

даражасида таъминлашга қаратилган энг муҳим қарор ва чора - тадбирлар йиғиндиси тушунилади<sup>48</sup>.



**2-расм. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсад ва вазифалари.**

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясининг урта асосий тури ажратиб кўрсатилади.

<sup>48</sup> З. Аминов. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди... диссертация автореферати. Самарқанд 2009. 106



### 3- расм. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси турлари.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик борасидаги стратегиясини пухта ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш миллий иқтисодиётнинг энг муҳим дастаги бўлган корхоналарнинг барқарор ўсиши ва ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона (фирма) фаолиятининг асосий мақсади фойда (даромад) олиш ҳисобланади. Шунингдек, корхона ўз олдида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, персоналнинг касбий маҳоратини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида меҳнатни ташкил етишни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган ва таклиф етилаётган маҳсулотнинг истеъмолчиларини, миждозларини ва инсофли шерик, ҳамкорларнинг сонини кўпайтиришни ҳам мақсад қилиб олади.

Корхонанинг иқтисодий манфаатлари, турли эҳтиёжлар мавжуд шароитда талабни қондириш, яшаш ва ривожланиш учун рақобат кураши кучайган шароитда ҳимоя қилинади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда — хўжалик субъектининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти, корхона айланма активларининг умумий активлар суммасига нисбати;

- жорий ликвидлик кўрсаткичи;
- ўз капиталининг рентабеллиги;
- умумий тўловга қодирлик кўрсаткичи, активлар бозор қийматининг хўжалик субъектининг барча мажбуриятларига нисбати;
- капиталлаштириш коэффиценти, бозор қийматидаги ўз капитали-нинг қарз маблағларининг баланс қийматига нисбати;
- менежмент коэффиценти, сотишдан олинган пул тушумининг жорий мажбуриятлар миқдорига нисбати.

Хавфсизлик тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхона объектларини, бошқарувчи раҳбарларнинг шахсий дахлсизлигини ҳамда пул маблағларини сақлаш учун кўриқчи-қоровуллик хизматини ташкил этиш;
- корхонанинг информацион жиҳатдан ҳимояланишини таъминлайдиган аналитик хизматни ташкил этиш. Унинг вазифалари ичида разведка ва контрразведка билан шуғулланишни ташкил этиш учун стратегик муҳим субъектлар билан ишлаш.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш учун унинг хавфсизлигига таҳдид соладиган хавфхатарларни билиш керак бўлади. Бунинг учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини ифодалайдиган параметрларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш керак бўлади.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, республикада корхоналар иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги бу борадаги амалий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.<sup>49</sup>

Г.С. Вечкановнинг “Экономическая безопасность” номли дарслигида корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бешта элементни ўз ичига олиши айтиб ўтилган:

---

<sup>49</sup> Г.С. Вечканов. Экономическая безопасность. Учебник. –СПб.: Питер, 2007, с.227-228

- биринчи - иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг таркиби ва характерини ҳамда уларнинг таъсир йўналишини аниқлаш;
- иккинчи - иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни баҳолаш;
- учинчи - иқтисодий хавфсизликка таъсир кўрсатадиган таҳдидларни муҳимлиги ва вужудга келиш вақти бўйича гуруҳларга ажратиш;
- тўртинчи - у ёки бу таҳдидларга нисбатан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегия вариантини шакллантириш ва танлаш;
- бешинчи - иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ белгиланган чора - тадбирларни аниқлаш ва амалга ошириш.

Юқорида номи келтирилган дарсликда иқтисодий хавфсизликни кескинлашувига олиб келадиган омиллар сифатида қуйидагилар келтирилган:

- корхонанинг рақобатбардошлик кўрсаткичининг пастлиги;
- корхона учун инвестиция муҳитининг яхши эмаслиги;
- корхонанинг молиявий фаолиятини барқарор эмаслиги;
- давлатнинг ўз эҳтиёжлари учун керак бўладиган маҳсулотларнинг ҳақини тўлаш борасида қобилиятсизлиги.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини сон ва сифат жиҳатдан характерлайдиган индикаторларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш динамикаси;
- ишлаб чиқариш корхонасининг тармоқ ва мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши;
- ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушуришнинг амалдаги даражаси;
- ишлаб чиқариш жараёнининг барқарорлиги;
- ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси;
- айланма маблағларни молиялаштириш учун ўз манбалари билан таъминланганлик;
- муддати ўтган қарздорлик (дебиторлик, кредиторлик);
- ишлаб чиқаришнинг фонд (капитал) қайтими;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиш суръатлари;

- инновацион фаолликнинг даражаси.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган хавф - хатарлар келиб чиқиш манбаларига кўра ички ва ташқи таҳдидларга ажратилади.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ички таҳдидлар асосан ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади:

- асосий капитални эскирган элементларининг оммавий тарзда ишдан чиқиши, улар ўрнининг тўлдирилмаслиги ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш салоҳиятининг йўқотилиши;

- техник ва технологик жиҳатдан қуролланишнинг орқада қолиши;

- ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги;

- корхона ичида ўғрилик ва бошқа нохуш ҳодисаларнинг мавжуд бўлиши;

- корхона персоналининг хатолари (“инсон омили”);

- рақобатчиларнинг ахборот олиш учун корхона персоналидан фойдаланиши;

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ташқи таҳдидларга қуйидагилар киради:

- товарлар бозорида ўз ўрнини йўқотиш, яъни ўз товарини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган фойда билан сотиш имкониятининг йўқлиги;

- мамлакатда молиявий ҳолатнинг салбий томонга ўзгариши;

- фонд бозорида корхона акциялари нархларининг пасайиб кетиши, яъни корхонанинг капиталлашув даражасининг пасайиши;

- харидорлар ва буюртмачилар томонидан тўлов интизомига риоя қилинмаслиги;

- ноҳалол рақобатчилар ва контрагентлар;

- криминал рақобат;

- саноат шпионажи;

- давлатнинг жиноятчиликини олдини олиш, одил судловни амалга ошириш ва шунингдек иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларининг заиф жиҳатлари;

- компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар;

- янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш<sup>50</sup>.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган таҳдидларни бартараф этиш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш керак бўлади. Корхона ходимларининг юқори малакага эга бўлишларини таъминлаш, ходимларнинг юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлишларига эришиш, корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш, юқори рақобатбардошлигига эришиш, корхонани бошқаришда юқори самарадорликка эришиш, корхона фаолиятининг етарли экологик даражасини таъминлаш, корхонанинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини, корхона-нинг ахборот муҳити ҳимоясини таъминлаш, корхона ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- корхонанинг экологик хавфсизлигини умумстратегик режалаштириш ва прогнозлаш;

- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини стратегик режалаштириш;

- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тактик жиҳатдан режалаштириш;

- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини оператив бошқариш.

## **7.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таракқиёт гарови**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда

---

<sup>50</sup> 5. Вечканов Г.С.. Экономическая безопасность. Учебник. –СПб.: Питер, 2007, с.227-228



давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ ва демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат экан, бу борадаги асосий шартлардан бири иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ҳисобланади. Миллий тараққиёт моделимизнинг асосий тамойилларидан бири - давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ҳисобланиб, мавжуд иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланган ҳолда, барча кучларни ягона мақсад сари йўналтиришда давлатнинг тартибга солувчи вазифасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий бозор тизимини давлатнинг аралашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ, аралашувнинг ўз чегараси бўлиб, унинг мазкур чегарадан ошиб кетиши бозор жараёнларининг издан чиқишига таъсир этиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди. Натижада иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик юритишни ташкил этиш ва бошқарув жараёнларида давлатнинг меъёридан ортиқ иштирокини пасайтириш масаласи майдонга тушади.

Давлат аралашуви миқёсини тартибга солиш учун муҳим чекловлар мавжуд. Масалан, давлат томонидан бозор механизмининг издан чиқарувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди (умумий директив режалаштириш, нархлар устидан ялпи назорат ва бошқалар)<sup>51</sup>.

Иқтисодиётга давлатнинг аралашувини қисқартириш, энг аввало, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришни тақозо этади.

---

<sup>51</sup> Проблемы и ограничения государственного вмешательства в экономику. - <http://econtool.com/>

Бозор иқтисодиётида уй хўжаликларининг муҳим функцияларидан бири бу оилавий тадбиркорликни ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. “Оилавий тадбиркорлик – бу оилавий капиталдан самарали фойдаланиб, фойда олишга йўналтирилган ташаббусли мустақил фаолиятдир. Оилавий капитал бу ерда оила аъзоларининг жисмоний, ижтимоий, молиявий ва интеллектуал капиталлари сифатида намоён этилган”.<sup>52</sup> Оилавий тадбиркорликни кенг миқёсда ривожланишига туртки берган муҳим омил бу иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида хизмат кўрсатиш соҳасини (савдо, умумий овқатланиш, дам олиш ва х.к.) кескин ўсиши бўлиб ҳисобланади. Бунда кичик оилавий тадбиркорлик корхоналари нисбатан самарали ва мақсадга мувофиқ фаолият олиб боради. Оилавий тадбиркорликнинг муҳим хусусият-ларидан бири, бу унинг фойдани максималлаштиришга интилмаслиги, балки унинг асосий мақсади уй хўжалигининг (оиланинг) даромадга, бандликка ва ўзининг имкониятларини ўзи рўёбга чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш талабларидан келиб чиқади.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, биринчидан, оиланинг моддий ресурсларига, иккинчидан, унинг аъзоларининг тадбиркорлик қобилиятига танланган фаолият йўналишига, унинг объектига ҳамда демографик тавсифларига, оила аъзоларининг сонига, жинсига, ёши, соғлигининг ҳолатига боғлиқ. Уй хўжаликлари ушбу функцияларини давлат ва нодавлат ташкилотларининг хизмат кўрсатиш тизими соҳалари орқали йўлга қўяди.

Ҳозирги шароитда оилавий бизнесни ташкил этишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидаги асосий жиҳатларни кўрсатиш мумкин: оила аъзоларининг фаолият юритаётган корхонадаги иш ўрнини йўқотиши натижасида у ўз оила аъзолари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши; оила бошлиғининг ўз ишини очиши ва унга оила аъзоларини ҳам жалб этиши; оила аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва шерикликдаги шартнома асосида ташкил

---

<sup>52</sup> Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти. (Ўқув қўлланма). -Т.: “Фан ва технология”, 2014, -Б.61.

этилиши. ...Уларнинг барчаси оилавий бизнеснинг ташкил этилиш ҳолати ва даражасига турлича таъсир кўрсатади.<sup>53</sup>

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади”<sup>54</sup> деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Статистик маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) йиллик ўсиши 2005 йилда 7,0; 2010 йилда 8,5; 2013 йилда 8,0; 2018 йилда 5,1; 2019 йилда 5,6 фоизга тенг бўлди. Умуман олганда, 2005-2019 йиллар давомида Ўзбекистонда реал ЯИМ ҳажми 3,4 мартадан кўпроққа ошди. Бундай ижобий ўзгаришларда республика уй хўжалиги секторининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда 5389,1 мингта; 2012 йилда 5885,4 мингта 2019 йилда 6520,4 мингта уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар сони 2010 йилга солиштирганда 20,9 фоизга ошган. Статистик маълумотларга қараганда республикада 6,2 миллиондан ортиқ уй хўжаликлари, 4,2 млн.дан ортиқ деҳқон хўжаликлари мавжуд.<sup>55</sup>

Уй хўжаликларининг оилавий тадбиркорлик шакллари қадимдан (шахсий томорқа хўжалигидаги фаолияти) ва улар томондан амалга оширилган турли хил хизмат турлари бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида бу жараён янада тез суратлар билан ўсди. Республикада узоқ йиллар мобайнида оилавий бизнес ва тадбиркорлик билан аҳоли асосан норасмий, яъни расман

---

<sup>53</sup> Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияавторереферати.– Тошкент. 2019.

<sup>54</sup> Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

оилавий корхоналар ташкил этмасдан шуғулланиб келган. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан кейин оилавий корхона ташкил этиш орқали оилавий тадбиркорлик билан расман шуғулланиш имкониятлари туғилди<sup>56</sup>.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 26 апрелда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади<sup>57</sup>-деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>58</sup> Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750 сонли қарори эълон қилинди. Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама

---

<sup>56</sup> Абулкасимов Ҳ.П., Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорлик-нинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. /Монография. -Т.: “Университети”, 2015. ISBN –Б.54.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикасининг — “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни, 2012 йил 26 апрель. 3-модда

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябридаги ПФ-4848 сонли Фармони, <http://www.lex.uz>

ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш икки йилга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сон Қарори <sup>59</sup> республикаимиз уй хўжаликларини иқтисодий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий асосларини белгилаб берувчи муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Дастур доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун –энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари учун –1000 баробаригача ва тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлаш учун –1000 баробардан ошиқроқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармонига мувофиқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бир қатор енгиллик ва имтиёзлар берилиши йўлга қўйилди <sup>60</sup>.

---

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила-тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777 сонли қарори.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни янадаэркинлаштириш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида рўйхатга олинган оилавий тадбиркорлик шакли бўлган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) 2018 йилда 48,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,2 % кўп демакдир(2.7-жадвал).

Мамлакат иқтисодиётида оилавий тадбиркорликни ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни муттасил тарзда ўсиб бормоқда. Биринчи навбатда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши ва улар ассортиментининг кенгайиши, мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш ва реал даромадларининг ўсишида намоён бўлмоқда. 2005–2018 йиллар давомида ЯИМда кичик бизнеснинг улуши 38,2% дан 59,4% га, жумладан кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 21,5% дан 38,3% га ўсди. Кичик бизнес секторида банд бўлганлар сони 2008 йилда 8,0 млн. кишини ташкил этгани ҳолда, 2018 йилда ушбу секторда банд бўлганлар сони 9,9 млн. кишини ёки Республика иқтисодий фаол аҳолисининг 79,3 фоизини ташкил қилди. Японияда бу кўрсаткич 78 фоизни, Италияда 72 фоизни, Германияда 69,5 фоизни, АҚШ да 54 фоизни ташкил этади.<sup>61</sup>

1-жадвал.

2005-2018 йилларда кичик бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>62</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005	2010	2012	2018	2005 йилга нисбатан ўзгариш %да
1	ЯИМда кичик бизнеснинг улуши	%	38,2	52,5	54,6	59,4	155,5

<sup>61</sup> www.stat.uz

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг ушбу йиллар бўйича маълумоти асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2	Шу билан бирга кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	21,5	32,7	33,9	38,3	178,1
3	Кичик бизнесда банд бўлганлар сони	млн. Киши	6,7	8,6	9,3	9,9	147,8
4	Умумий бандликдаги улуши	%	65,5	74,3	76	79,3	121,1

Кичик бизнес соҳасида бандликнинг ортиши кам таъминлаган аҳоли даражасини қисқартиришда муҳим омил саналади. Янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларининг барқарор ўсиши, қулай бизнес – муҳитнинг барпо этилиши, ягона солиқ тўловлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ресурсларга етишиш шартларининг соддалаштирилиши ва шунингдек, йирик компаниялар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларнинг ривожланиши эвазига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2005 йилдаги 9,8%дан 2018 йилда 34,7 %гача ўсди.

Қурилиш индустриясида кичик бизнес субъектларининг улуши 2005 йилдаги 49,4%дан 2018 йилда 65,6%га ўсганлиги кузатилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниб, мамлакатимиз қишлоқларини тубдан яхшилаш, уй-жойларни замонавий қиёфага ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини янги даражага кўтаришга қаратилган алоҳида Давлат дастури қабул қилинганлиги ва унга 2012 йилдан бошлаб намунавий уй-жой қурилишини молиялаштиришга Осиё Тараққиёт Банки жалб этилганлиги сабаб бўлди.

Уй-жой массивларини бунёд этиш билан бир қаторда кичик бизнес субъектлари томонидан ичимлик суви тармоқлари, қишлоқ врачлик пунктлари, умумтаълим муассасалари, ижтимоий инфратузилма, сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 504 миллиард сўмлик маблағлари

сув таъминотини яхшилаш ва ирригация тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Республика вилоятларида қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 90%дан ортиғи кичик бизнес субъектлари томонидан бажарилмоқда, хусусан бу кўрсаткич Андижон вилоятида – 96,4%, Наманган вилоятида – 68,5% ва Самарқанд вилоятида – 98,3% ни ташкил этади<sup>63</sup>.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб - қувватланиши экспорт маҳсулотлари ва хизматлари ҳажмининг ўсишида кичик бизнес ҳиссасининг ортиб боришига замин яратиб берди. Кичик бизнес субъектларининг экспорт ҳажмидаги улушининг 6%дан 26,5 %га ўсиши эвазига, мамлакат умумий ташқи савдо айланмаси ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улуши 2005 йилдаги 18,0%дан 2018 йилда 38,9%га ўсган<sup>64</sup>.

Саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмида кичик бизнес субъектлари улушининг сезиларли даражадаги ўсиши қуйидаги тармоқларда: озиқ - овқат саноатида - 17,9%дан 94,0%га (78,1 пунктга), медицина соҳасида - 6,7%дан 68,4%га (61,7 пунктга), полиграфия саноатида - 35,1%дан 89,0%га (53,9 пунктга), қурилиш материаллари саноатида - 5,3%дан 40,0%га (34,7 пунктга), ёқилғи саноатида - 10,5%дан 26,8%га (16,3 пунктга) ва машинасозлик саноатида - 2,3%дан 16,7%га (14,4 пунктга) кузатилган. 100% ўсиш кўрсаткичига эришган микробиология саноати маҳсулотлари экспорти ҳажмида кичик бизнеснинг улуши етарлича катта бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳунармандчилик ҳам оилавий тадбиркорликнинг муҳим шакллари дан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳунармандчилик ҳамма даврларда сақланиб, ривожланиб келган. Собиқ тоталитар тузум даврида ҳам турли тазийиқларга қарамасдан бадийий ва амалий ҳунармандчилик сақланиб қолган. Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ҳунарманд-чиликнинг ривожланишига қулай шароитлар яратилиб, йўқолиб кетаётган ҳунармандчилик турлари ҳам

---

<sup>63</sup> Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. – Т.: 2018. – Б.143.

<sup>64</sup> Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. – Т.: 2018. – Б.145.



қайта тикланмоқда<sup>65</sup>. Ҳозирги даврда оилавий сулолалар томонидан узок йиллар давомида шуғулланиб келинаётган оилавий ҳунармандчилик касбкорликларидан ҳисобланган каштачилик, тикувчилик, тўкувчилик, дурадгорлик, зардўзлик, мисгарлик, кулолчилик, наққошлик, заргарлик, новвойлик, косибчилик, ўймакорлик, миллий пичоқчилик ва шу каби бошқа ҳунармандчилик йўналишларида оилавий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда<sup>66</sup>. Шунингдек, республикамызда ҳунармандчиликнинг замонавий турлари, жумладан, автомобиль, электротехника маҳсулотларини, телевизор ва радиотехника ҳамда мобиль телефонлар, компьютер техникаларини таъмирлаш каби касбкорликлар вужудга келиб, ривожланмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда касаначиликнинг роли ҳам ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлан-тириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 2005йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонида касаначилик асосида фаолият юритаётган кичик корхоналарга ва оилаларга солиқ ва бошқа имтиёзлар берилган. Жумладан, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан 2019 йилгача озод қилинган. Шунингдек, корхонанинг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажаришда касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар мулк солиғи тўловидан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франчайзинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон Қарори мамлакатимизда франчайзингни ривожлантириш,

---

<sup>65</sup> Абулкасимов Ҳ.П, Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркор-ликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. /Монография.-Т.: “Университети”, 2015. ISBN –Б.64.

<sup>66</sup> Абдуллаева Р.Г. Оилавий бизнес-аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили. // Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг назарий ва амалий жиҳатлари (илмий мақолалар тўплами).”Иқтисод ва молия” журналига илова, 4-сон.2014 йил.-43бет.

франчайзинг тизими асосида ишлаётган корхона ва оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратишга хизмат қилади<sup>67</sup>.

“Оилавий бизнес ва тадбиркорлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида кўпроқ ривожланган бўлиб, бу қишлоқ аҳолисининг томорқа ерлари билан таъминланганлиги билан асосланади”<sup>68</sup>. “Дехқон хўжалиги оилавий хўжалик бўлиб, уни бир киши – оила бошлиғи ёки унинг аъзоси бошқаради. Бундай хўжалик ёлланма ишчи меҳнатидан доимий фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас”<sup>69</sup>. “Дехқон хўжаликлари томорқа хўжаликлари замирида вужудга келган хўжалик юрители шаклидир”<sup>70</sup>.

Дехқон хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси мос равишда ўсиб, 70,0% ташкил этди ва унда 15 миллиондан ортиқ киши дехқон хўжаликлар маҳсулотидан бевосита баҳраманд бўлмоқда. Хўжалик юрителининг бу шаклида салкам 8 миллион ишга яроқли киши иш билан банд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилган “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680 сон Қарори қабул қилинди.

Қарорда белгиланадики: “деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участка қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўлаган тақдирда, суғурта бадали тўлаган йил

---

<sup>67</sup> Абдуллаева Р.Г. Германияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.//Миллий иқтисодийни модернизациялашнинг назарий ва амалий жиҳатлари(илмий мақолалар тўплами).”Иқтисод ва молия” журнаliga илова, 4-сон.2014йил.-35бет.

<sup>68</sup> Абулкасимов Х.П, Қулматов А.А. “Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари”/Монография.-Т.: “Университети”, 2015. ISBN –Б.48.

<sup>69</sup> БеркиновБ.Б. Дехқончилик хўжаликлари ривожланишининг ташкилий-иқтисодий муаммолари. «Иқтисодий эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида дехқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференция. 23-24 май, 2003. -Т.: Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти.

<sup>70</sup> Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Салимов Б.Т. ва бошқалар. –Т.: ТДИУ. 2004. – 12-б.

меҳнат стажига киритилади”<sup>71</sup>. Бу қарор Республикамиз қишлоқ ҳудудларида яшаётган уй хўжаликларидаги яширин ишсизликни бартараф этиб уларни иқтисодий фаолликга йўналтиради.

2019 йилда деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-нинг асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди. Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликлари салмоқли ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда 2019 йилда етиштирилган картошканинг 83,8% сабзавотнинг 70,7% полиз экинларининг 59,8% гўштнинг 91,8% сутнинг 95,1% тухумнинг 57,1% деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.<sup>72</sup>

Деҳқон хўжаликларида асосан гўшт, сут, тухум, полиз экинлари, маккажўхори, шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Деҳқон хўжаликлари кўпроқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сўнгги йилларда гўшт ва сут маҳсулотларининг 90 фоиз, сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотларининг эса 50 фоиздан кўпроқ қисми деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Жадвалда келтирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (ғалладан ташқари) ишлаб чиқариш суръатлари деҳқон хўжаликларида бошқа турдаги хўжаликларга нисбатан юқоридир. Баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръатлари қишлоқ хўжалиги бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан деҳқон хўжаликларида 1,5 мартага юқоридир.

2018 йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида шахсий томорқа хўжаликларини юритиш билан банд бўлганлар 10,4 фоизни ва уй хўжалигини юритиш билан шуғулланувчилар 11,5 фоизни ташкил этади. Бу ҳолат қишлоқ ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хослигини акс эттиради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда банд бўлганларнинг энг катта улуши таълим соҳаси (26,1%), саноат (16,9%), соғлиқни сақлаш (10,9%), молия ва аудит, бошқарув (9,9%), савдо ва умумий

---

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680 сонли қарори.

<sup>72</sup> “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” статистик тўплам, 2019 йил.

овқатланиш (8,9%)га тўғри келади. Қишлоқ ҳудудларида уй хўжалик-ларининг 89,4 фоизи шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш билан шуғулланади. Бу эса уй хўжаликларининг қўшимча даромадга эга бўлиши ва уларнинг турмуш фаровонлигининг яхшиланишида муҳим омил ҳисобланади (2.7-расм). Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда аҳолини самарали иш ўринлари билан таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган. Аҳолини самарали бандлигини таъминлашда уларнинг мустақил равишда банд бўлиши ва ушбу фаолиятдан оладиган даромадлари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил равишда банд бўлиш уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигига тўғридан-тўғри таъсир этиб уларни кўпроқ кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини фаолияти билан шуғулланишни тақозо қилади.

Уй хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда иқтисодиётдаги бизнес муҳити ва унга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми катта аҳамият касб этади. Аҳолини самарали бандлигини таъминлашда уларнинг мустақил равишда банд бўлиши ва ушбу фаолиятдан оладиган даромадлари муҳим аҳамият касб этади. Мустақил равишда банд бўлиш уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигига тўғридан-тўғри таъсир этиб уларни кўпроқ кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини фаолияти билан шуғулланишни тақозо қилади. Уй хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда иқтисодиётдаги бизнес муҳити ва унга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг рақобатдошлик даражасини ошириш уларнинг ўз фаолиятлари давомида кенгайиб, йириклашиб боришини тақозо этади. Лекин, кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган имтиёз ва енгилликларга эга бўлиш

имконини берувчи корхоналарнинг миқдорий чегаралари айрим ҳолларда ушбу жараёнларга тўсқинлик қилиши мумкин. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг юксалиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида иқтисодий салоҳияти ортган кўплаб корхоналар мазкур имтиёزلардан фойдаланишни давом эттириш мақсадида ўз ходимлари сонини белгиланган миқдорий чегара доирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса, уларнинг йириклашиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда.

Шунга кўра, мамлакатимизда рақобатдош компанияларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йириклашишини рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқиш орқали ўрта бизнес субъекти тоифасини жорий этиш ва унга алоҳда имтиёزلарни белгиланиши кичик бизнес субъектларининг ўрта бизнесга ўтиши ва шу тариқа соҳанинг жадал ривожланиши учун замин яратади.

2020 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган “Бизнес юритиш” рейтингига кўра Ўзбекистон Республикаси 190 та мамлакат ўртасида 69 - ўринни эгаллади. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, Жаҳон банкининг маърузасида қайд этилишича “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” меъзони бўйича Ўзбекистон айни пайтда глобал рейтингда, корхоналарни рўйхатдан ўтказишда –8, қурилиш учун рухсатнома олишда – 132, электр таъминотига уланишда – 36, мулкни рўйхатдан ўтказишда – 72, кредитлар олишда – 67, миноритар инвесторларни ҳимоя қилишда – 37, солиққа тортишда – 69, халқаро савдода – 152, шартномалар ижросини таъминлашда – 22, қарздорликни бартараф этишда – 100 ўринларни эгаллаган. Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги 20 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.<sup>73</sup>

Дастурда белгилаб берилган тадбирлардан яна бири - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат

---

<sup>73</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/24/doing-business-2020/>

иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш ва такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

### **Қисқача хулосалар**

1. Корxonанинг иқтисодий хавфсизлиги унинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳамда кадрларини фаол ва нофаол иқтисодий таҳдидлардан, масалан, давлатнинг самарасиз илмий-саноат сиёсатидан ёки ташқи муҳитда юзага келган таҳдидлардан ҳимояланганлигидир.

2. Корxonанинг иқтисодий хавфсизлик борасидаги стратегиясини пухта ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш миллий иқтисодиётнинг энг муҳим дастаги бўлган корxonаларнинг барқарор ўсиши ва ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

3. Корxonанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш учун унинг хавфсизлигига таҳдид соладиган хавф-хатарларни билиш керак бўлади. Бунинг учун корxonанинг иқтисодий хавфсизлигини ифодалайдиган параметрларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш керак бўлади.

4. Корxonанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган хавф-хатарлар келиб чиқиш манбаларига кўра ички ва ташқи таҳдидларга ажратилади. Корxonанинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ички таҳдидлар асосан ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келади.

### **Назорат саволлари**

1. Корхона иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар нималардан иборат?
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётганлигининг сабабларини кўрсатинг?
3. Мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб беринг?
4. Иқтисодиётда давлатнинг улушини қисқартиришнинг асосий йўллари ва воситаларини шарҳлаб беринг?
5. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини кўрсатинг?

*Иқтисодиёт ҳам худди инсонлар каби озриши мумкин. Инсонда бўлгани каби бундай ҳолатларда тезроқ соғайиб кетиш учун зарур бўлган ички иштиёқ ва ҳаракатнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади. (Маргарет Тэтчер)*

## **8-МАВЗУ. ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ**

**Режа:**

**8.1. Хуфёна иқтисодиёт глобал муаммо сифатида**

**8.2 Хуфёна иқтисодиёт мамлакат иқтисодий хавфсизлигига тахдид сифатида**

**Таянч тушунча ва иборалар:** иқтисодиётнинг расмий ва норасмий сектори, хуфёна иқтисодиёт, коррупция, трансмиллий жиноятчилик.

### **8.1. Хуфёна иқтисодиёт глобал муаммо сифатида**

Самарасиз бошқарув ва танлаб олинган тараққиёт моделининг реал ҳаётийликка кўп ҳолатларда мос келмаслиги билан изоҳланувчи ва дунёнинг деярли барча мамлакатларида кузатилаётган мураккаб иқтисодий вазият норасмий иқтисодиёт кўламларининг тобора кенгайишига олиб келди.

Меҳнаткашлар учун норасмий иқтисодиёт энг аввало, самарали бандлик учун етарлича шарт-шароитлар, тегишлича ижтимоий таъминотнинг мавжуд эмаслиги, меҳнат қонунчилигига риоя этилмаслиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида ижтимоий муросанинг йўқ эканлигини англатади. Ушбу омилларнинг барчаси “яхши иш ўринлари”га эга бўлган барқарор корхоналарнинг яратилишига тўсқинлик қилади.

Норасмий иқтисодиёт - мамлакат иқтисодий тараққиётига фавқулодда салбий таъсир кўрсатгани ҳолда, мамлакат миллий хавфсизлигини ҳам жиддий хавф остига қўяди.

Норасмий иқтисодиётнинг ўсиши биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий соҳани тубдан издан чиқишига олиб келади, миллий иқтисодиётнинг



рақобатбардошлик даражасини пасайтириб юборади, аҳолининг ижтимоий фаоллигини пасайтириб юборгани ҳолда давлат бюджетига пул тушумларининг қисқаришини ва ҳаётий жиҳатдан муҳим ижтимоий лойиҳаларнинг етарлича молиялаштирмасдан қолишини келтириб чиқаради. Айнан шу сабабли ҳам бугунги кунда норасмий иқтисодиёт кўламларини қисқартиришга йўналтирилган чора -тадбирлар долзарб муаммолардан саналади.

Ижтимоий - иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви инсониятнинг янада тараққий этиши учун янги имкониятлар очиш билан бирга, бир қатор сифат жиҳатдан янги бўлган глобал таҳдидларни ҳам келтириб чиқарди. Бугунги кунга келиб хуфёна иқтисодиёт трансмиллий характерга эга бўлиб бормокда.

Кўпинча иқтисодий адабиётларда “хуфёна иқтисодиёт”, “яширин иқтисодиёт”, “ноқонуний ишлаб чиқариш”, “норасмий иқтисодиёт”, “нолегал иқтисодиёт” тушунчалари синонимлар сифатида келтирилсада, аммо Миллий Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган кўлланмада бу тушунчаларга ҳар хил таърифлар берилади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида **Ҳисобга олинмайдиган иқтисодиёт** тушунчасидан фойдаланилади. Халқаро стандартларга мувофиқ, ҳисобга олинмайдиган иқтисодиётнинг асосий элементлари таркибига қуйидагилар киритилади:

- **яширин ишлаб чиқариш.** Бу хил ишлаб чиқариш аслида иқтисодий жиҳатдан асосли ва қонуний бўлсада, ишлаб чиқарувчилар солиқлар тўлашдан қочиш, маълум бир меъёр ва стандартларга риоя қилмаслик мақсадида онгли равишда чширин кўринишда фаолият юритишни маъқул кўрадилар;

- **ноқонуний ишлаб чиқариш** қуйидагилар билан тавсифланади: (1) эгалик қилиш, сотиш ва ишлаб чиқариш қонун йўли билан таъқиқланган фаолият турлари (масалан, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва сотиш, фоҳишабозлик, контрабанда, ўғирланган товарлар олди-сотдиси ва бошқалар) ва (2) қонунчиликда шуғулланишга амалда рухсат берилган бўлсада, аммо тегишли тартибда рухсатномасиз шуғулланилганда бундай фаолият турлари ҳам ноқонуний фаолият сифатида талқин этилади;

- **норасмий секторда ишлаб чиқариш**, бундай фаолият тури рўйхатдан ўтмаган ёки аъзолари сони рўйхатдан ўтиш учун белгиланган чегарадан кам бўлган ва маълум бир даражада бозор йўсинидаги ишлаб чиқаришга эга бўлган уй хўжалиги секторида фаолият кўрсатувчи нокорпоратив корхоналар томонидан амалга оширилувчи фаолият турларини қамраб олади, бунда ишлаб чиқарувчилар оила аъзоларининг меҳнатидан фойдаланган ҳолда, маълум бир турдаги маҳсулотларни бозорга олиб чиқадилар;

- **уй хўжалиги ишлаб чиқариши**;

- статистик кузатишни ташкил этишдаги хатоликлар туфайли ҳисобга олиш қийин бўлган **ишлаб чиқаришлар**. Бунда фаолият тури қасддан яшириб кўрсатилмасда, статистик кузатиш имкониятларининг пастлиги сабаб фаолият натижаларини иқтисодий кўрсаткичлар асосида баҳолаб бўлмайди.

Ҳисобга олиш қийин бўлган иқтисодиётнинг юқорида келтирилган таърифи бир мунча тор саналади, чунки у коррупция, порахўрлик, капитални ноқонуний олиб чиқиб кетиш, товламачилик кабиларни қамраб ололмаган.

2015 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти №204 сонли Йўриқнома қабул қилган. Мазкур йўриқномага кўра “норасмий иқтисодиёт”<sup>74</sup>: қонунчилик асосида ёки амалиётда расмий муносабатлар билан иқтисодий бирликлар ва ходимларнинг тўлиқ ёхуд тўлиқ қамраб олинмайдиган иқтисодий фаолияти қамраб олсада, қонун йўли билан таъқиқланган фаолият турлари, хусусан гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг ноқонуний муомаласи, ноқонуний қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, одам савдоси ва шу кабиларни ўз ичига олмайди.

Хуфёна ва ноқонуний иқтисодиёт итальян мафияси 1930 -йилларда америка иқтисодиётига ҳужум уюштирган пайтларда ўзини бор бўйи басти билан намоён қилди. Айни ўша пайтдан бошлаб хуфёна иқтисодиёт нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг муаммосига, балки умумиқтисодий ва умумдавлат миқёсидаги муаммога айланди.

---

<sup>74</sup> Рекомендация МОТ №204 о переходе от неформальной к формальной экономике, 2015г.

Ўтган асрнинг 60-йилларининг бошида хуфёна фаолиятнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 5,6 фоизни ташкил этган бўлса, сўнгги йилларда дунё ЯИМининг учдан бир қисми, тахминан 39 трлн. доллар норасмий ва ноқонуний секторга тўғри келмоқда (ХВФнинг ҳисоб-китобларига кўра дунё ЯИМи 2014 йилда 107,92 трлн. долларни ташкил этган).

Европа мамлакатларида норасмий иқтисодиёт ўсиши суръатлари алоҳида эътиборни тортади. Иқтисод фанлари доктори А. Сафонованинг кўрсатишича, сўнгги 45 йил ичида норасмий иқтисодиёт кўлами Швецияда 11 марта, Германияда қарийб 8 мартага, Данияда деярли 4 мартага ўсган. 2013 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида ЯИМнинг 18,4% и норасмий иқтисодиётга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич АҚШ, Янги Зеландия, Канада, Япония ва Австралияда ўртача 8,6 %ни ташкил этган.<sup>75</sup>

Йоханнес Кеплер университетининг профессори Ф.Шнейдернинг тадқиқотларига кўра, 2015 йилда хуфёна иқтисодий фаолият кўламлари Европа мамлакатларида 18%ни ташкил этган. Норасмий иқтисодиётнинг энг паст улуши Швейцарияда (6,5%), Австрияда (8,2%), Люксембург (8,3%), Нидерландия (9,0%), Буюк Британия (9,4%), Германия (12,2%)да кузатилади. Европа мамлакатларида норасмий иқтисодиётнинг энг юқори кўрсаткичлари Болгария (30,6%), Руминия (28%), Туркия (27,8%) Хорватия (27,7%), Италия (27%), Эстония (26,2%), Греция (26%), Литва (25,8%), Латвия (23,6%), Испания (22%)да кузатилади.

Хуфёна иқтисодиёт муаммосини тадқиқ қилишда мутахассислар қуйидаги қонуниятга алоҳида эътибор қаратадилар. Қайси мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар юқори бўлса, шу мамлакатда хуфёна иқтисодиёт миқёслари кам бўлади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори йилига 30 минг долл.дан кам бўлмаган мамлакатларда жамиятнинг ижтимоий таркибида аҳолининг 60 - 70 фоизни ташкил этувчи ўрта қатламлар етакчи рол ўйнайди. Булар асосан қонунларга итоат этадиган масъулиятли

---

<sup>75</sup> F. Schneider: Size and development of the shadow economy of 31 European and 5 other OECD countries from 2003 to 2012: Some new facts

солиқ тўловчилардир. Албатта, бу мамлакатларда кам таъминланганлар ҳам мавжуд, лекин ривожланган ижтимоий ёрдам дастурлари уларни хуфёна иқтисодиётга тортилишларига тўсиқ бўлади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт йўлида тўсиқ ролини ўйнайдиган самарали институционал механизм шаклланган. Бунда давлат марказий бўғин бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий барқарорлик бозор хўжалигининг самарали ишлашини таъминловчи ва хуфёна иқтисодиётни фаоллашувини бирмунча чеклаб турувчи муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мана шу мувозанатнинг бузилиши иқтисодий жиноятчиликни кучайишига олиб келади. Бунга АҚШда 1930 - йилларда содир бўлган буюк депрессия даврида жиноятчиликни авж олиб кетганлиги мисол бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт миқёслари ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча юқори бўлиб, бунинг сабаблари тубдан фарқ қилади. Ривожланаётган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт мажбурий характерга эга бўлиб, аҳолининг ўта камбағал қатламларини қандай қилиб бўлса ҳам кун кўриш масаласини ҳал этиш билан белгиланади.

Таъкидланганидек, ривожланаётган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт улуши жуда катта бўлиб, Нигерияда расмий ЯИМнинг 76 фоизни ташкил этади. Мана шундай юқори кўрсаткичлар Таиланд (71%), Миср (68%), Боливия (66%) ва Панама (62%) каби мамлакатларда кузатилади. Лотин Америкаси мамлакатларида эса 60 - 65 фоиз атрофида қайд қилинади.

## **8.2 Хуфёна иқтисодиёт мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида**

Хуфёна иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муаммолар ўтган асрнинг 70 - йилларидан бошлаб тадқиқотчиларнинг эътиборларини тортиб бошлаган.

Академик Г.Сенчагов таҳрири остида нашр этилган “Экономическая безопасность России”, деб номланган дарсликда ёзилишича, хуфёна иқтисодиёт

муаммоларини ўрганиш борасидаги салмоқли ишлардан бири П. Гутманнинг (АҚШ) “Яширин иқтисодиёт” деб номланган мақоласи бўлди. Унда ҳисобга олинмаган ёки яширин фаолиятни писанд қилмаслик мумкин эмаслиги таъкидланган<sup>76</sup>.

«Хуфёна иқтисодиёт» - бу жамият томонидан назорат қилинмайдиган товар моддий бойликлар ва хизматларнинг харажати. Бошқа сўз билан айтганда, алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги давлат бошқарув органларидан яширинадиган ижтимоий-иқтисодий муносабат-ларни ҳам ифодалайди. Бу муносабаталар иқтисодий фаолиятнинг ҳисобга олинмаган ва регламентланмаган муносабатларини ўз ичига олади.


Россиялик мутахассис Д. В. Гордиенко хуфёна иқтисодиётни нафақат иқтисодий - ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий - иқтисодий воқелик сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, “Хуфёна иқтисодиёт - бу жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда кўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир”<sup>77</sup>. Хуфёна иқтисодиёт ошкор расмий иқтисодиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Хуфёна иқтисодиёт тадбиркорлари ўз фаолиятларида иқтисодий муносабатлар, хўжалик юритиш субъекти бўлмасдан туриб, давлатнинг “хизмати”дан, моддий - ашёвий омиллари, ишчи кучидан фойдаланадилар.

Иқтисодий адабиётларда “хуфёна иқтисодиёт” криминал, сохта, норасмий, нолегал (иккиламчи иқтисодиёт)ларга бўлиб ўрганилади.

---

<sup>76</sup> Экономическая безопасность России. Под общ. ред. акад. Г.Сенчагова. Москва. «ДЕЛО». 2005, с.764

<sup>77</sup> Гордиенко, Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекции. Учебно-методическое пособие / Д.В. Гордиенко. - М.: Инфра-М, Финансы и статистика, 2013. - 625 с..



**1- расм. Хуфёна иқтисодиётнинг шакллари.**

Криминал иқтисодиёт расмий иқтисодиёт таркибида амалга ошириладиган иқтисодий жиноят шаклида намоён бўлади (масалан, ўғрилик, назоратнинг барча шаклларида бутунлай беркитилган яширин иқтисодий фаолият). Сохта иқтисодиёт ҳаракатдаги ҳисоб ва ҳисобот тизимида ифодаланадиган сохталаштирилган натижаларни берувчи расмий иқтисодиёт сифатида характерланади (кўшиб ёзишлар).

Норасмий иқтисодиёт иқтисодий алоқаларни амалга оширишни расмий ўрнатилган тартибини тўлдирувчи ёки алмаштирувчи шахсий муносабатларга ва бевосита бўладиган алоқаларга асосланган ўзаро норасмий муносабатлар тизимини ифода этади.

Нолегал (иккиламчи иқтисодиёт) назоратдан беркитилган индивидуал ва кооператив фаолият турларини, яъни ўрнатилган тартибда рўйхатга олинмаган фаолият турларини қамраб олади.

Хуфёна иқтисодиётга бўлган комплекс ёндашув уни қуйидагича таърифлаш имконини беради. Хуфёна иқтисодиёт бозор хўжалигининг объектив ва доимо мавжуд бўлувчи тизими бўлиб, унинг доирасида хўжалик юритувчи субъектлар ноҳалол рақобат усуллари орқали иқтисодий манфаат олишга ҳаракат қиладилар, яъни, ўз ташаббуслари ёки ташқи шарт-шароитлар таъсирида қонунга, иш юритиш этикасига, бизнес билан ҳокимият ўртасидаги ўйин қоидаларига, жамиятнинг маънавий - ахлоқий меъёрларига зид бўлган хатти - ҳаракатларни амалга оширадилар<sup>78</sup>.

<sup>78</sup> Попов Ю.Н. , Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.50

Бундан келиб чиқадики, хуфёна ва норасмий фаолият олиб боришдан охир-оқибат тадбиркор ўзига ҳам, давлатга ҳам зарар келтиради. Биринчидан, «хуфёна иқтисодиётда» фаолият кўрсатаётган корхона (фирма) бозорни қўллаб-қувватловчи институтлардан фойдалана олмайди. Иккинчидан, корхона ўз фаолиятини фош бўлиб қолиш ва жазо олишнинг доимий хавфи остида олиб боради ва бу унинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатади. Ўз ресурсларини яшириб корхона улардан самарали фойдалана олмайди. Учинчидан, норасмий тарзда фаолият кўрсатаётган корхона ишлаб чиқаришга катта капитал сарфлай олмайди, яъни фош бўлиб қолишдан чўчиб фаолиятни кенгайтира олмайди. Ва ниҳоят, тўртинчидан, давлат олиши мумкин бўлган солиқ тушумларини ололмайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг Коррупция ва жиноятчилик муаммоларига бағишланган қисмида “Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси”<sup>79</sup> мамлакат иқтисодиётга катта таҳдид солиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Унда “хуфёна” деб аталаётган иқтисодиёт воқелик сифатида қандай шароитда вужудга келганлигига ҳам тўхталиб ўтилган. Асарда ёзилишича, бундай иқтисодиёт “ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон - ўзига бек бўлиб олган еди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди”<sup>80</sup>.

---

<sup>79</sup> Karimov I.A. «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari». – Т.: “O'zbekiston”, 1997, 16-б

<sup>80</sup>Shu manba, 87-б.

“Хуфёна” иқтисодиётнинг собиқ Иттифоқда шаклланиш шарт-шароитларини кузатиш шуни кўрсатдики, у 80-йилларнинг ўрталарига келиб, кенг қулоч ёзди (яширин хизмат соҳаси, товарларни давлат чакана тармоқини четлаб сотиб олиш, давлат моддий техник таъминоти тизимини четлаб, корхоналарни таъминлаш) хуфёна сектор ишлаб чиқаришда ҳам шакллана бошлади.

Худди шунга ўхшаш хуфёна иқтисодиёт Шарқий Европа мамлакатларида ҳам мавжуд эди. Лекин уларда очик майда тадбиркорлик (чекланган даражада бўлса ҳам) каналлари мавжудлиги туфайли, “хуфёна” иқтисодиётнинг кўлами жуда ҳам катта эмас эди.

Собиқ Иттифоқда кооперация тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва нодавлат тадбиркорлигининг шаклланиши учун ҳуқуқий асоснинг яратилиши тадбиркорликни очик-ойдин олиб бориш учун шароит яратди. Бироқ бу жараён Шарқий Европадагига нисбатан бошқачароқ кечди. Асосий фарқ шундан иборат эдики, Шарқий Европа мамлакатларида давлат ва нодавлат секторлари орасида озми-кўпми аниқ чегаралар бўлган бўлса, собиқ Иттифоқда эса бу чегаралар “ювилиб” кетган эди ва бу давлат корхоналари учун ўз маблағлари билан кооперативларни ва бошқа нодавлат корхоналарини (кичик корхоналар, тижорат банклари, биржалар) ташкил этиш имконини берди. Шу сабабли, давлат корхоналарининг мулки ва пул маблағлари нодавлат корхоналарнинг капиталига айланди ва бу корхоналар давлат режали хўжалик тизимида фойдаланиш учун мўлжалланган ресурсларидан катта-катта даромадлар олдилар. Бироқ бу йўлда давлат секторидан нодавлат секторига ресурсларни эркин оқиб ўтишига маълум ташкилий-ҳуқуқий тўсиқлар бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. Ушбу тўсиқлар мавжуд бўлганлиги сабабли, уларни четлаб ўтиш йўллари излаб топиш зарур эди ва коррупция бундай услуб бўлиб хизмат қилди. Бундай ишлар кооператив ва давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш - савдо фаолиятларида давлат корхоналарининг хомашё ва материаллари, молиявий ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишдан иборат бўлмади. Давлат мулки



нафақат кичик кооператив ва кичик корхоналарнинг, балки катта-катта биржа ва банкларнинг устав капиталларини шакллантириш учун фойдаланила бошланди. Давлат капиталини дабдурустдан, тартибсиз хусусийлаштириш бошланди. Шу билан бирга, тижоратнинг криминаллашуви тез суръатлар билан ривожлана бошлади<sup>81</sup>.

Республика биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида таъкидланганидек, “хуфёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жинойтчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади”<sup>82</sup>.

Аксарият ҳолларда инсонга кам куч сарфлаб, кўпроқ манфаат олишга интилиш хосдир. Ю.Н.Попов, М.Е. Тарасовларнинг фикрича, бундай рационализм ички тўсиқларнинг етарли эмаслиги ва баъзида уларнинг умуман йўқлиги шароитида инсонни хуфёна фаолият олиб боришга ундайди. Инсон табиатини ўзгартириб бўлмайди, лекин инсоннинг хулқ-атворини у яшаётган муҳит, тарбияси, маданияти ва маънавияти белгилайди. Инсон табиатидаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимига, яъни тарихий анъаналар, қонунчилик, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига боғлиқ равишда ҳал этилади. Умуман, хуфёна фаолият инсоннинг хўжалик фаолияти давомида у ёки бу даражада доимо мавжуд бўлади.

Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омиллар орасида бозор хўжалигига хос бўлган иқтисодий омиллар алоҳида ўрин тутди.

Институционализм тарафдорларининг қарашларича, хўжалик субъектларининг фаолиятлари қонун доирасида олиб борилган тақдирда трансаксион харажатларининг юқорилиги яширин иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ундайди. Бундай харажатларга қуйидагилар киритилади:


---

<sup>81</sup> Колганов М. Особенности предпринимательства в переходной экономике. №1, 1999, 77-78-б.

<sup>82</sup> Каримов И.А “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 87б

- қонун доирасида фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар (юримдик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш, лицензия олиш, юримдик адрес олиш ва бошқа расмиятчиликларни амалга ошириш учун қилинадиган сарф-харажатлар);

- қонун доирасида фаолиятни давом эттириш (солиқлар тўлаш, меҳнат муносабатлари соҳасида қонуний талабларни бажариш, зарур бўлганда низоларни суд орқали ҳал этиш учун сарфланадиган харажатлар).



## 2- расм. Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабабларининг гуруҳланиши.

Умумий қабул қилинган трансакция харажатлари нуқтаи назаридан хуфёна иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши ҳуқуқий базанинг такомиллашмаганлиги, давлат томонидан ўзига хос функцияларнинг самарасиз бажарилиши, хўжалик фаолиятида икки хил стандартларнинг кэнг тарқалиши каби товламачиликларнинг ўсиши билан боғлиқ катта миқдордаги трансакция харажатлари билан кузатилади.

Трансакция харажатлари ўсишининг сабаби хуфёна сектори иқтисодиёти эмас, балки расмий иқтисодиётда юқори трансакция харажатларининг мавжудлиги хуфёна сектор фаолият кўрсатишининг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хуфёна бизнес иштирокчилари ўзини солиқлардан, лицензиялашдан, шартномалар тузишдан, қонунларга амал қилишдан озод қилади ва “ўйин

қоидаларига” кўра мулкчилик ҳуқуқини мустақил равишда муҳофаза қилади ҳамда уни бузган хатти-ҳаракат учун жазолайди ва бу билан расмий фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга қараганда рақобат жиҳатдан устунликка эга. Жадвалда иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш юзасидан трансакция харажатлари таққосланади(1-жадвал).

1-жадвал.

**Трансакция харажатлари: иқтисодиёт секторлари бўйича қиёсий таҳлил**

Трансакция харажатлари тури	Расмий сектор	Хуфёна сектор	Изоҳ
1. Тадбиркорлик фаолияти учун лицензия олиш	+	-	Норасмий ишлаб чиқариш
2. Ерга эгалик қилиш ёки уни ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритиш	+	-	Ноқонуний қурилиш
3. Тегишли қонунлар ва нормативларни билиш ва уларга амал қилиш	+	-	Хуфёна иқтисодиётнинг ўйин қоидаларига амал қилиш
4. Солиқларни тўлаш	+	-	
5. Кредит олиш	+	+	Кредит имтиёзли шартларда берилади
6. Шартномалар шартларининг бажарилишини назорат қилиш тизими	+	+	Битимларни ноиқтисодий назорат қилиш
Жами	6+	2+	

Мазкур жадвал шуни яққол кўрсатиб турибдики, иқтисодиётнинг хуфёна секторида аксарият позициялар бўйича фақат тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда трансакция харажатлари расмий иқтисодиётга қараганда анча паст(6+/2+). Масалан, ерга эгалик қилиш ёки уни ижарага олиш ҳуқуқларининг ноқонуний қўлга киритилиши иморат солувчилар учун бепулга тушмайди, лекин барча расмий тартиб-қоидалар ва ушбу трансакцияни амалга оширувчи инстанциялар, сарфланган вақт ва бошқа сарф-харажатларни ҳисобга олган ҳолда нолегалитим йўл айрим субъектлар учун анча осон ва фойдали бўлиб чиқади. Чунки хуфёна иқтисодиёт расмий иқтисодиётдан ўтиб бўлинмас тўсик

билан ажралмаган, кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар трансакцияларни хуфёна сектор ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Шуларни инобатга олганда норасмий сектор фаолиятини чеклаш нафақат қонунчиликни такомиллаштириш, балки тадбиркорлик фаолияти юритиш учун сарфланадиган трансакция харажатларини ҳам қисқартириб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонунларга итоат этиш “баҳоси” тўғридан-тўғри пул харажатларинигина эмас, балки у ёки бу процедураларни амалга ошириш учун кетадиган вақтни ҳам ўз ичига олади. Айнан шу ҳолат кўп ҳолларда хуфёна фаолият юритиш учун асосий сабаб бўлади. Бу ерда муқобил қарорни излаш натижасида иқтисодиёт субъектлари давлат иштирокисиз, яъни хуфёна фаолият олиб бориш йўлини танлайдилар.

Демак, олимларнинг фикрича, қонунга итоат этишнинг юқори баҳоси билан хуфёна иқтисодиёт ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Лекин яширин тарзда фаолият олиб бориш ҳам катта сарф-харажатлар билан боғлиқ. Хуфёна фаолият олиб борадиган хўжалик субъектлари харажатлар-нинг баъзи турларини тежаган ҳолларида, бошқа, баъзи ҳолатларда кўпроқ харажатларни қилишга мажбур бўладилар. Жумладан:

- ҳуқуқий санкциялардан бош тортиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (солиқ ва бошқа молиявий соҳаларда маслаҳатчилар хизматига ҳақ тўлаш, реклама қилиш имкониятлари чегараланганлиги натижасида йўқотилган фойда, “икки хил” бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ харажатлар);

- солиқ ва иш ҳақиға кўшимчалар тўлашдан қочиш. Даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва пенсия фондларига мажбурий тўловлардан қочиш корхонага иш ҳақиға сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш имконини беради, лекин меҳнатни капитал билан қоплаш, техник жиҳатдан қайта қуриш, меҳнат унумдорлигини оширишга бўлган рағбатни пасайтиради.

- қонун томонидан мустаҳкамланган мулк ҳуқуқининг йўқлиги билан боғлиқ харажатлар. Одатда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи анъанавий ижтимоий келишув асосида белгиланади ва мустаҳкамланади. Хуфёна

фаолиятда эса келишувлар, одатда, оғзаки тузилади. Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, давлат иқтисодиётнинг очик секторида трансакцион харажатларни пасайтириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини амалга оширган тақдирда, уларда қонунга бўйсунишга рағбат уйғонади.

Иқтисодчилар хуфёна иқтисодиёт келиб чиқишининг иқтисодий сабабларини бозор хўжалиги доирасида рақобат муаммоси билан боғлаш мумкин, деган фикрни билдирадilar. Улар хуфёна иқтисодиётни номукамал рақобатнинг бир шакли сифатида кўриш керак, деб ҳисоблайдилар. Мукамал бозор муносабатлари шаклланиб ва ривожланиб боргани сари соғлом рақобат хуфёна иқтисодиётни сиқиб чиқаради. Бунинг исботини ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин. Уларда хуфёна иқтисодиётнинг улуши ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлардагига қараганда анча паст.

Давлат иқтисодиётни самарали бошқара олмас экан, тадбиркорликни амалга ошириш учун етарли шароитлар яратмас экан, хуфёна иқтисодиёт хунук кўринишларга эга бўлиб, миқёслари кенгайиб бораверади. Хуфёна иқтисодиёт миқёслари, айниқса, инқирозлар даврида, юқори инфляция ва валюта курсларининг кескин ўзгариб туриши, бозор хўжалигида мувозанат бузилган шароитда шиддат билан кенгайиб боради.

Хуфёна иқтисодиётни келиб чиқиш сабабларининг кейинги гуруҳига ижтимоий омиллар киради. Ҳозирги кундаги жамиятда бир қатор ижтимоий муаммолар мавжуд бўлиб, улардан бири жамиятнинг ижтимоий табақаланишидир. Бу бозор иқтисодиётига хос бўлган жараён бўлиб, муаммони ҳал этишга бўлган уринишлар аксарият жамиятларда муваффақиятсиз бўлмоқда. Жамиятнинг таркибий тузилиши хуфёна иқтисодиёт иштирокчиларининг потенциал сонини белгилайди. Чунки, аҳолининг кам таъминланган ва бошқа гуруҳлари хуфёна сектор доирасига кўпроқ тортилади.

Хуфёна иқтисодиётни келиб чиқиш сабабларининг яна бир гуруҳига ҳуқуқий омиллар киради. Бу тадбиркорликнинг ҳуқуқий базасини

такмиллашмаганлиги билан боғлиқдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам тадбиркорликнинг ҳуқуқий базасини ривожланиши иқтисодий жараёнлардан орқада қолади. Бозор хўжалигидаги ўзгаришлар билан мавжуд ҳуқуқий база ўртасидаги зиддиятлар хуфёна иқтисодиёт субъектлари учун ҳуқуқий соҳадаги камчиликлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Уй хўжаликлари муҳим сектор сифатида ҳуқуқий меъёрлар билан эмас, асосан амалиётда шаклланган урф-одатлар ва анъаналар билан тартибга солинади. Давлат ушбу секторда амалга ошириладиган иқтисодий муносабатларни назорат қилиши имкониятига эга бўла олмайди.

Қонунлар ҳам хуфёна фаолият турларига нисбатан турлича бўлиши мумкин. Баъзи ҳолатларда йирик корпорациялар ўзларининг молиявий имкониятларидан фойдаланган ҳолда қонун чиқарувчиларга тазйиқ ўтказишлари ва маълум ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келадиган қонунларни қабул қилинишига ҳаракат қилишлари мумкин.

Хуфёна иқтисодиётни келиб чиқиш сабабларининг бошқа бир гуруҳига маънавий омиллар киради. “Теневая экономика в системе рыночного хозяйства”- деб номланган дарслик муаллифлари Ю.Н.Попов ва М.Е. Тарасовларнинг фикрича, ушбу омиллар тадбиркорлик фаолиятининг маънавий асосларини заифлиги билан белгиланади. Уларнинг таъкидлашларича, қонунлар маълум даврнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини ўзида акс эттиради. Лекин айнан қонунлар орқали амалга ошириладиган давлат манфаатлари кўп ҳолларда жамиятнинг кўпчилиги манфаатларига мос келавермайди, айрим ҳолатларда эса уларга зид бўлиши мумкин.

Тадбиркорликнинг маънавий асоси кенг бўлиб, кўп ҳолларда хўжалик ҳуқуқидан ҳам муҳимроқдир. Юқорида номи келтирилган дарслик муаллифлари мисол тариқасида Иккинчи жаҳон уруши даврида Германиянинг нацистлар режими билан хуфёна операциялар ўтказган швейцар банклари фаолиятини келтирадилар. Расмий томондан олиб қараганда бундай фаолият қонунга зид бўлмаган, лекин жаҳон ҳамжамияти олдида бу банклар оддий

маънавий-ахлоқий тамойилларни оёқ ости қилганлар. Мана шундай баҳони Германиянинг йирик корпорациялари фаолиятига ҳам бериш мумкин. Улар ҳам Иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан босиб олинган ҳудудлардаги минглаб кишиларнинг меҳнатидан фойдаланганлар. Айти пайтда, деб ёзадилар дарслик муаллифлари, ҳозирга келиб мана шу корпорациялар, бир пайтда жамиятнинг маънавий - ахлоқий тамойилларни бузганликларини тан олган ҳолда, инсонларга турли кўринишда товон тўламоқдалар<sup>83</sup>.

Дарслик муаллифлари ушбу гуруҳ сабаблари доирасида фуқаролик жамияти институтларининг ролига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Бозор хўжалиги тизимининг мураккаблашуви натижасида давлатнинг бир ўзи хуфёна иқтисодиётга қарши кураша олмайди. Оммавий ахборот воситалари томонидан иқтисодий жиноятларни текшириш ва фош этиш давлатга хуфёна иқтисодиётга қарши курашда катта ёрдам бўлиши мумкин.

Айнан фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимиятини очиқ ва шаффоф фаолият олиб боришга ундайдилар. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлатнинг ижтимоий - иқтисодий сиёсатининг очиқлиги Коррупция ҳамда ҳукумат органлари билан бизнес ўртасидаги хуфёна операцияларни олдини олишнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

Ва ниҳоят, хуфёна иқтисодиётни келиб чиқиш сабабларининг охири гуруҳига сиёсий омиллар киритилади. Ушбу омиллар сиёсий тизимдаги зиддиятлар оқибатида юзага келади. Бунда энг муҳим, принципал масалалардан бири ҳокимият билан йирик капитал ўртасидаги муносабатлар масаласидир. Маълумки, уларнинг бирлашиши ҳар нарсага қодир бўлган олигархияни шакллантиради. Бу хуфёна иқтисодиётга сифат жиҳатдан янги белгилар беради<sup>84</sup>.

Иқтисодиёт ривожланишининг объектив эҳтиёжлари билан олиб борилаётган давлат сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам Хуфёна

---

<sup>83</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.24

<sup>84</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.24

иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Ўтган асрнинг 20-йилларида АҚШда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилганлиги натижасида хуфёна алкоголь бизнеси ривожланиб кетган. 80-йилларда шундай ҳолат СССРда ҳам такрорланган. 1960-йилларда Ҳиндистонда ҳукумат қарори билан паст пробали тилла билагузуклар ишлаб чиқариш таъқиқланганлиги боис, қисқа вақт ичида хуфёна иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60 фоизга етган. Ҳиндистон ҳукумати ўйламасдан қабул қилинган қарорни бекор қилганидан сўнг иқтисодиёт нормал ҳолатига қайта бошлаган.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, таъкидлаш керакки, хуфёна иқтисодиёт товар- пул муносабатлари пайдо бўлган даврдан бошлаб шаклланиб ва ривожланиб, очик иқтисодиёт билан параллел фаолият кўрсатиб келган. Айни пайтда унинг миқёслари турлича бўлган. Шундан келиб чиқиб уни ўрганишга бўлган ёндашувлар ҳам хилма-хил бўлган.

Тадқиқотчиларнинг катта бир қисми хуфёна фаолият ва хуфёна иқтисодиётни ўрганишга ҳуқуқий жиҳатдан ёндашадилар (33- расм). Ушбу ёндашув тарафдорлари хуфёна иқтисодиётни турларга ажратишда қонуннинг бузилишини асосий мезон қилиб оладилар. Хуфёна иқтисодиётни иккига ажратадилар: криминал (“қора”) ва ноқриминал (“кул ранг”). Бунда бирор бир фаолиятни давлатдан яшириш фактини икки турдаги мотив билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Биринчиси, хўжалик субъектларининг ўз харажатларини камайтириш (биринчи навбатда солиқ тўлашдан бош тортиш ҳисобига) билан боғлиқ бўлса, иккинчиси фаолиятнинг ноқонуний эканлиги боис уни тўхтатиб қўйилишидан ҳадиксираш билан боғлиқ.

Шундай қилиб ноқриминал (“кул ранг”) иқтисодиётда даромадлар (ёки харажатлар) яширилади, криминал (“қора”) иқтисодиётда фаолиятнинг ўзи яширилади. Ўз навбатида криминал иқтисодиёт доирасида иккита таркибий қисм ажратилади: ноқонуний (яширин) ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий жинойатчилик.



Ноқонуний (яширин) ишлаб чиқариш фаолиятига бизнес кўринишида ташкил этилган, қонун йўли билан тақиқланган фаолият турларини киритиш мумкин. Ноқонуний (яширин) ишлаб чиқариш фаолиятига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қурол ишлаб чиқариш ва сотиш;
- нарқобизнес;
- қимор ўйинлари;
- контрабанда;
- фоҳишабозлик ва бошқ.

Иқтисодий жиноятлар иқтисодий соҳадаги жиноятлар бўлиб, улар ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган ва ғаразли мақсадларни кўзлаб қилинган иқтисодий жиноятлардир (улар яратилган қийматни қайта тақсимлаш соҳасида амалга ошади):

- ғаразли мақсадларда хизмат мансабини суистеъмол қилиш (порахўрлик);
- фирибгарлик
- ўғирлик
- таъмагирлик (рекет) ва б.

Ю.Н.Попов ва М.Е.Тарасовларнинг ёзишича, криминал иқтисодиётнинг ушбу тури иқтисодиётга бевосита тегишли бўлмай, жиноятчиликнинг бир тури ҳисобланади. Лекин шу билан бирга иқтисодий жиноятчилик катта иқтисодий зарар келтиради ва айнан шунинг учун ҳам криминал иқтисодиётнинг бир қисми сифатида қаралади.




3 - расм. Хуфёна иқтисодиётни турларга ажратишга бўлган ҳуқуқий ёндашув<sup>85</sup>.

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиёт соҳаси ўзининг юқори даромадлилиги ва субъектларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қила олмасликлари боис, иқтисодий жиноятчилик учун яхши муҳит бўлиб ҳисобланади. Хуфёна иқтисодиётни турларга ажратишга бўлган статистик ёндашув хуфёна иқтисодиётни расмий статистикадан яширилган фаолият сифатида тавсифлайди (3-расм). Расмий иқтисодиёт - бу давлат томонидан кузатиладиган ва назорат қилиниши мумкин бўлган иқтисодиёт бўлса, яширин ёки норасмий иқтисодиёт - расмий ҳисоботларда ва расмий шартномаларда акс эттирилмайдиган хўжалик муносабатлари йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

Реал хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар давлат органларидан онгли равишда, атайлаб яширилиши ёки миллий статистика тизимида камраб олинмаслиги мумкин. Бундан ташқари сохта иқтисодиёт ҳам мавжуд бўлиб, унда фаолият фақат қоғозда амалга оширилади.

<sup>85</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.28



**4 - расм. Хуфёна иқтисодиётни турларга ажратишга бўлган статистик ёндашув<sup>86</sup>.**

Статистик ҳисоб-китоблардан тадбиркорлик фаолиятининг турли элементлари тўғрисидаги маълумотлар яширилиши ёки онгли равишда маълумотларни бузиб кўрсатилиши мумкин:

- корхонани яшириш (рўйхатдан ўтказмасдан ёки лицензия олмасдан хўжалик фаолиятини амалга ошириш);

- хўжалик операцияларини яшириш ( уларни шартнома ва ҳисоботлар-да акс эттирмаслик);

- ишчи кучини яширин равишда ёллаш (ишчи кучини меҳнат шартномаларини расмийлаштирмасдан ёллаш); меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотларни (иш ҳақи, пенсия ва суғурта тўловлари, техника хавфсизлиги, иш вақти ва бошқ.) бузиб кўрсатиш;

- даромадларни яшириш (солиқ тўлашдан қочиш).

Юқорида келтирилган ёндашувларни муҳим эканлигини тан олган ҳолда, “Теневая экономика в системе рыночного хозяйства” дарслигининг муаллифлари хуфёна иқтисодиётни турларга ажратишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ёндашувдан фойдаланиш зарур, деган фикрни билдирадилар.

<sup>86</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.28

Мана шундай ёндашув зарурлигини асослаган ҳолда, дарслик муаллифлари расмий-ҳуқуқий ёндашув хуфёна иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиб бера олмайди ва бу ўз навбатида давлат ва жамиятнинг унга таъсир кўрсатишда қўлланиладиган воситаларини чегараланишига олиб келади, деган фикрни билдирадилар<sup>87</sup>. Уларнинг фикрича, бундай ёндашув, юқорида келтирилган ёндашувларга хос бўлган белгиларга эга бўлиш билан бирга, улардан муҳим хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. Ушбу ёндашув қуйидаги мезонлар гуруҳини ўз ичига олади:

- ҳуқуқий;
- статистик;
- иқтисодий;
- ижтимоий;
- маънавий.

Хуфёна иқтисодиётни таснифлаш учун яна бир нечта аниқ мезонлар таклиф этадилар. Хуфёна иқтисодиётнинг субъектлари бўйича, фаолиятнинг мақсад ва мотивлари бўйича, оқибатлари ва зарар миқёслари бўйича, давлатнинг жавобгарлик даражаси бўйича, аҳолининг муносабати бўйича мезонлар орқали таснифлашни таклиф этадилар.

---

<sup>87</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства. «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.33

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тадбиркорликнинг таркибидан, мулк шаклларида, келтирадиган зарар миқёсларидан келиб чиққан ҳолда хуфёна иқтисодиётни таснифлаш ҳам аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.



**5 - расм. Хуфёна иқтисодиётнинг иқтисодий фаолият соҳалари бўйича таснифланиши.**

Уларнинг фикрича, хуфёна иқтисодиёт агентлари (катнашчилари) орасида энг кўп сонлиги кичик бизнес бўлса, ижтимоий ва иқтисодий зарар келтириши бўйича шубҳасиз йирик капитал (олигархлар) биринчи ўринга чиқади.

Демак, хуфёна фаолиятни олдини олиш ва уни очиқ фаолиятга айлантириш мамлакат иқтисодиётининг хавфсизлигини таъминлайди, барқарор иқтисодий ўсиш учун имконият яратади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг ҳозирги босқичида хуфёна иқтисодиёт глобал муаммога айланиб бормоқда. Хуфёна иқтисодиёт бозор хўжалигининг объектив ва доимо мавжуд бўлувчи тизими бўлиб ҳисобланади. Бундай тизим доирасида фаолият олиб боровчи хўжалик субъектлари рақобатнинг умумқабул қилинган қоидаларидан ташқарида ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунга, иш юритиш етикасига, бизнес ва ҳокимият ўртасидаги ўйин қоидаларига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар.

2. Хуфёна иқтисодиёт турли, жумладан, антропологик, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий сиёсий омиллар таъсирида вужудга келади. Хуфёна иқтисодиёт миқёсларини баҳолашга бўлган турли ёндашувлар мавжуд.

3. Хуфёна иқтисодиёт ривожланган ва ривожланиш босқичида бўлган мамлакатлар учун характерли бўлиб, ўзининг миқёслари жиҳатдан фарқ қилади. Тараққий этган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт йўлида тўсиқ ролини ўйнайдиган самарали институционал механизм шаклланган. Бунда давлат марказий бўғин бўлиб ҳисобланади. Дунё тажрибасидан маълумки, қайси мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар юқори бўлса, шу мамлакатда хуфёна иқтисодиёт миқёслари кам бўлади.

### **Назорат саволлари**

1. Хуфёна иқтисодиёт тушунчасига таъриф беринг?
2. Хуфёна иқтисодиёт кўламларининг ортиб боришига туртки бўлувчи асосий омилларни санаб беринг?
3. Хуфёна иқтисодиёт кўламларини қисқартиришнинг йўллари нимада деб ўйлайсиз?
4. Ҳисобга олинмайдиган иқтисодиёт тушунчаси нимани англатади?
5. Трансакция харажатлари ва уларни пасайтириш йўллари нималардан иборат?

*“...Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак...”*

*(Ш.Мирзиёев)*

## **9-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ КРИМИНАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ**

**Режа:**

**9.1. Коррупция ва унинг иқтисодий хавфсизликка таъсири**

**9.2. Коррупцияга қарши курашишнинг жаҳон тажрибаси ва бу борада давлатнинг роли**

**9.3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг қонуний ва меъёрий асослари**

**9.4. Рақамли иқтисодиёт жамиятда коррупцион ҳолатларнинг камайтиришнинг муҳим асоси сифатида**

**Таянч тушунча ва иборалар:** коррупция, коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаблар, коррупцияга қарши курашишнинг меъёрий ва ҳуқуқий асослари, лоббизм.

### **9.1. Коррупция ва унинг иқтисодий хавфсизликка таъсири**

“Коррупция” лотинча (corruptio) сўздан олинган бўлиб, бузилиш деган маънони англатади. Коррупция фақат бир кўринишда намоён бўладиган ҳодиса бўлмай, у жамият ҳаётининг турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини қамраб олади. Ўз табиатига кўра турлича бўлган юзага келиш ва қайта тикланиш механизмлари билан характерланади.

Коррупция ҳодисасини тадқиқ қилган барча тадқиқотчи ҳамда сиёсатчилар унинг ахлоқсизлик эканлиги ва ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва демократик тараққиётига зиён етказишини тан оладилар. Лекин, ижтимоий-иқтисодий фанларда ушбу ҳодиса жамият ва иқтисодиёт институтлари тизимидан ташқаридаги “маънавий жиноят” сифатида

ўрганилади. Унинг табиати, функциялари, жамият ва иқтисодиётга етказадиган зарарлари тўғрисидаги тасаввурлар ва фикрлар чекланиб қолмоқда деган фикрлар мавжуд.

“Теневая экономика в системе рыночного хозяйства”, деб номланган дарсликнинг коррупция масаласига бағишланган қисмида муаллифлар Н. Макиавеллининг коррупцияга берган таърифини келтирадилар, яъни, коррупция “оммавий имкониятлардан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш”ни англатади<sup>88</sup>. Ҳозирги давр халқаро меъёрий ҳужжатларида коррупциянинг турлича талқинлари келтирилган. БМТнинг коррупцияга қарши халқаро кураш тўғрисидаги ҳужжатларида, коррупцияга шахсий манфаат учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш, деб таъриф берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида коррупцияга:” Шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши<sup>89</sup>-деб, таъриф берилади.

Коррупция тушунчаси порахўрлик тушунчасидан кенгроқ маънони англатади. Ушбу тушунча порахўрликни (бирор-бир шахснинг касби тақозо қиладиган мажбуриятдан чекинганлиги учун мукофот бериш) ва непотизм (шахсий муносабатлар асосида ҳомийлик қилиш) ҳамда шахсий манфаатлар учун фойдаланиш мақсадида жамоат маблағларини ноқонуний ўзлаш-тиришни англатади.

Шулардан келиб чиқиб, юқорида номи келтирилган дарслик муаллифлари Коррупцияга қуйидагича таъриф берадилар: ўзи ёки шахсий муносабатлар йўлга қўйилган бошқа шахслар учун қандайдир устунликларга эга бўлиш мақсадида томонларнинг мустақиллик тамойилларига атайин риоя

---

<sup>88</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.76

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



қилмаслик. Бундай таъриф коррупция хуфёна иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади, деган фикрни тасдиқлайди.

Бир қатор мутахассисларнинг фикрича, коррупция - хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфёна иқтисодиётнинг кўринишидир. Шунинг учун коррупцияни иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этишда деярли баҳс-мунозаралар йўқ. Унинг давлат амалдорларининг порахўрлик фаолиятидан иборатлиги ва жамиятга катта зарар етказишини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этадилар.

Мутахассислар порахўрликни уч субъектли муносабатлар, деб айтадилар ва уларга пора олувчилар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилар киради, деган фикрни билдирадилар. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар марҳаматига муҳтожлардир. Воситачилик вазифасини эса айрим шахслар ва яширин ташкилотлар амалга оширадилар.

Коррупциянинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишида фарқлар мавжуд бўлиб, иқтисодий жиҳатдан, бу эркин бозор қонун-қоидаларига мос келмаганидан яширинча юз беради. Бу муносабатда барча коррупциялашган гуруҳнинг манфаати уйғунлашади. Амалдор хизматига талаб бўлганидан, у сотади. Бу ерда пора яширин хизмат ҳақи шаклига киради. Порахўрликда ҳам бозор муносабати бор, лекин бу тор эгоистик манфаатга бўйсунувчи муносабат бўлганлиги сабабли уни жамият тан олмайди, чунки бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши бошқалар манфаати ҳисобидан бўлади. Шунинг учун буни жамият қабул қилмайди ва натижада у яширин тус олади.

Юридик қонунларда акс этган қоидаларнигина жамият қабул қилади. Шунинг назарда тутиб, коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият деб айтиш мумкин. Коррупция - глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин бу мамлакатларда коррупциялашув даражаси турлича бўлиб, бундай ҳолат унинг илдиэлари чуқурлигидан далолат беради.

Ўрганилаётган муаммога бағишланган адабиётларда коррупциянинг сабаблари турлича талқин этилади.



**1 - расм. Коррупциянинг сабаблари.**

Уларнинг объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилиб, улар орасида қонунчиликнинг номукамаллиги, демократик тамойиллар ва институтларнинг ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги ажратилади. Мутахассисларнинг фикрича, коррупциянинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак. Коррупция иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлар экан, демак унинг иқтисодий илдизларини топиш керак бўлади. Бу илдизлар пул муносабатларининг ўзидадир. Пул универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилинади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулай шакли. Пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганча жамғариш мумкин. Пул ликвидлиги энг юқори бўлган активдир. Ликвидликни эса пулнинг кадр-қиммати таъминлайди. У кўзга кўринмас молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради. Пулнинг ликвидлиги муҳим бўлганидан, пора беришда қаттиқ валюталар ишлатилади, чунки уларнинг кадри барқарор бўлгани учун жамғариш воситаси бўла олади. Пул - бозор муносабатларининг маҳсули, шу сабабли пул муносабатларининг ривожла-ниши коррупцияни озиклантиради.

Натурал ишлаб чиқариш шароитида порахўрлик моддий шаклда бўлиши мумкин, уни кўздан яшириб бўлмайди. Пул муносабатлари эса яширин муносабат ўрнатиш имконини беради. Шундай қилиб, коррупция-нинг

объектив сабаби пулнинг юксак ликвидлик хусусиятидир. Бундай хусусият пул фетишизмини, яъни уни илоҳийлаштиришни, унга сиғинишни юзага келтиради, пул ҳамма нарсани ҳал қилувчи кучга эга, деган тасаввур-ни пайдо қилади. Бу эса очқўзликни келтириб чиқаради, уни ғайриқонуний йўл билан топа олиш имконияти бор кишиларни коррупциялашган киши-ларга айлантиради.

Бозор тизимининг мукамал эмаслиги, унинг механизмларида узилишлар бўлиб туриши коррупциянинг кенг ёйилиши учун қулай шароит ҳозирлайди. Демак, бозор муносабатларининг такомиллаштирилиши коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бўлиб ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда коррупциялашиш даражасининг бошқа гуруҳ мамлакатларидагига нисбатан анча пастлиги мана шу тезиснинг тўғрилигидан далолат беради.

Коррупциянинг объектив сабабларидан бири давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва шунга боғлиқ ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш давлат амалдорларига боғлиқ бўлишидир. Давлатнинг иқтисодиёт-га таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Бу усулларнинг қўлланилиши амалдорлар фаолиятига боғлиқ.

Давлатнинг рухсат бериш функцияси ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан биридир. Давлат қўлидаги субсидиялар, солиқлар, имтиёзли лицензиялар, квоталар, преферентсиялар ва буюртмалар каби воситалар бизнесни тартибга солиб туришда қўлланилади. Улардан кимнинг баҳраманд бўлиши амалдорларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий фаолиятдан яхши натижага эришиш учун тадбиркорлар пора бериш йўли билан амалдорларни сотиб олиш ва шу орқали имтиёзларга эга бўлишга интиладилар. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур эканлиги ва айни вақтда коррупцияни юзага келтириши иқтисодиётдаги зиддиятли ҳолатдир.

Коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда кўпчилик тадқиқотчилар давлат қонунларининг номукамаллигига урғу берадилар. Қонунлар одатда реал ҳаётдаги ўзгаришлардан орқада қолади, шу сабабли улар

тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб турилади. Мукаммал ҳисобланган қонунлар вақт ўтиши билан номукаммал бўлиб қолади, чунки реал ҳаёт илгарилаб кетади. Номукаммал қонун реал ҳаёт талабидан ортда қолган ва келажакни тўлиқ акс эттирмайдиган қонундир. Бундай қонунлар яхши ишламайди, натижада коррупцияга йўл очилади.

Коррупцияни лоббизм ҳам келтириб чиқаради, бироқ, ҳар қандай лоббизм ҳам бунга олиб келмайди. Рухсат берилган, жамият тан оладиган лоббизм борки, у очик бозор алоқаларига таянади. Бунда у ёки бу гуруҳ шахслар ёхуд фирмалар манфаатига мос келадиган, жамият учун зарарсиз бўлган қарорларни давлат идоралари томонидан қабул қилиш зарурлигини асослаш ва бунга кўмаклашиш билан боғлиқ лоббизм коррупцияни келтириб чиқармайди. Аммо, шу билан бирга, хуфёна лоббистик хизматлар борки, улар индивидуал ва корпоратив манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда бошқалар манфаатига зид ишларнинг амалга оширилишини билдиради. Шундай бўлганда ғайриқонуний лоббизм пайдо бўлади.

Юқори ликвидли активларнинг мавжудлиги ва давлатнинг иқтисодийга аралашуви, демократия даражасининг пастлиги коррупциянинг объектив сабаблари бўлса, аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигидаги нуқсонлар коррупциянинг субъектив сабабларига киради. Субъектив муносабат коррупцияни кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин, бироқ коррупцияни таг-томири билан йўқота олмайди. Чунки унинг илдизлари иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасига бориб тақалади.

Коррупциянинг салбий ҳодиса сифатида хавфсизликка таҳдид солиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди, шу сабабли давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари унга қарши курашиб келади. Бироқ дунёнинг ҳеч бир мамлакатада, ҳатто ҳар томонлама юксак ривожланган мамлакатларда ҳам коррупция тугатилмаган. Жамият коррупцияни чеклаб туриши, катта хавф туғдирмайдиган даражага келтириши мумкин. Унга қарши курашиш

тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш учун қайси соҳа қай даражада коррупцияланганини билиш талаб қилинади.

Коррупция шуниси билан хавфлики, у ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради, бизнес юритиш харажатларини оширади, демак миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини пасайтиради, муайян даражада сиёсий беқарорликни келтириб чиқаради. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ўтган асрнинг 80 - йиллари бошида коррупция, иқтисодиётни уқувсиз бошқариш билан қўшилиб, Венесуэладек нефтга бой мамлакатнинг тўловга қобилиятсиз бўлишига олиб келди.

Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари, Республика биринчи Президенти И.Каримовнинг кўрсатишича, қуйидагилардан иборат:

- амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш;
- давлатнинг конституциявий асосларини емириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;
- жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариш, ислохотлар ғоясини обрўсизлантириш;
- пул орқали ҳокимиятни қўлга олишга интилиш;
- нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;
- жиноий усуллар билан бойлик орттирган кимсаларни "демократия" учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб, капитал тўплайди, кейин демократия ва адолатни рўқач қилган ҳолда сиёсий обрў орттиради. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳаммаша тайёр турадилар.

Жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик

уйғотиши натижасида мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, "соф" қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади<sup>90</sup>.

Ўзбекистонда коррупциянинг кучайиб кетишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор яратди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун асос бўлмоқда

Босиб ўтилган тараққиёт йўли, дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, тобора жадаллашиб бораётган иқтисодий муносабатлар халқ фаровонлиги соҳасидаги янги давр қўяётган талаблар асосида мослашув ҳамда такомиллашувни талаб қилмоқда. Глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизнинг янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиши учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Қайси соҳада бўлмасин, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг провард натижаси халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Она диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётдан мамнун бўлса, орзу - ҳавасларини рўёбга чиқара олса, хонадони тинч, оиласи тотув бўлиб, моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмаса, давлатдан албатта миннатдор бўлади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишнинг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириб бориш юзасидан салмоқли ишлар олиб

---

<sup>90</sup>Каримов И.А Чавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.: 1998. 88-95-б

борилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа бир қатор тегишли қонуности ҳужжатларининг аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда салмоқли. Яратилган қулайликлар, қатор имтиёзлар туфайли тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит маблағлари ажратилмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни либерал-лаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди ва бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон, 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор ва фармонлар мамлакатимизда ишбилармонликни янада такомиллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш борасидаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб, мазкур саъй-

ҳаракатлар натижасида хўжалик юритувчи субъеклар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизгача етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имконият ва шароитлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ҳам тобора юксалмоқда. Хорижий сармоядорлар иштирокида янги корхоналар ташкил этилиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига худа-беҳуда аралашиларига чек қўйилиши, уларнинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, доимий рағбат соҳа ривожини таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Чет эл тажрибаси тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда ҳамда давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалаш учун вакил институти жорий этиш муҳимлигини кўрсатади. Бундай институт тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назорати шаклларини кучайтириш вазифасини амалга оширади.

Коррупциянинг глобал муаммога айлана бошлаганлиги жаҳон ҳамжамиятини унга қарши курашда ҳамкорлик қилишга ундади. 2003-йилнинг 31- декабрида Австриянинг Вена шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан БМТнинг Коррупцияга қарши Халқаро конвенсияси маъқулланди. Шу йилнинг декабр ойининг бошларида Мексиканинг Мерида шаҳрида жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ушбу конвенсияни имзолادилар. Ушбу ҳужжатнинг муқаддимасида айтилганидек, "Коррупция ендиликда чекланган доирадаги (локал) муаммо эмас, балки барча мамлакатлар жамияти ва иқтисодиётига дахлдор бўлган трансмиллий муаммога айланди. Бу эса Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида



халқаро ҳамкорликнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини белгилайди"<sup>91</sup>.

Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг ҳужжатларида Коррупциянинг иккита тури кўрсатиб ўтилган: “маъмурий” ва “давлатни эгаллаб олиш”.

Коррупционерлар гуруҳи “давлатни эгаллаб олганда” миллий хавфсизликка ички таҳдид кучаяди, чунки бунда давлат сиёсатини тор доирадаги худбин манфаатларга бўйсундириш келиб чиқади.

"Давлатни эгаллаб олиш" деганда, давлат ёки хусусий сектор вакиллари бўлган айрим шахслар, гуруҳлар ёки компанияларнинг ўз манфаатлари йўлида қонунлар, низомлар, фармонлар ҳамда давлат сиёсатининг бошқа воситалари шаклланишига таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатларидир.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг ўлчови сифатида "давлатнинг сотилиш индекси" қўлланилади. Мазкур кўрсаткич парламент қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари, давлат раҳбарининг фармонлари, ҳукумат тузган дастурларнинг айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг худбин корпоратив манфаатига қанчалик қаратганлигини билдиради. Бу кўрсаткич қанчалик паст бўлса, давлат шунчалик "тоза" ҳисобланади (1-илова).

Коррупция шакллари хилма-хил бўлиб, уларга пора олишдан тортиб амалдор хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, жамият маблағларини ноқонуний ўзлаштиришигача киради. Бизнесда энг кўп учрайдиган ва энг кўп тарқалган Коррупция шакли импорт ва экспорт литсензиялари, валюта назорати, солиқларни баҳолаш, имтиёзлар бериш, кредитлар олиш билан боғлиқ равишда ғайриқонуний тўловлар ва пора талаб қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Коррупция жамият ривожига ғов бўлаётган иллат -бу коррупция балосидир”-деб таъкидлайди<sup>92</sup>.

---

<sup>91</sup> Ахмеджонов А. Коррупция и ее влияние на экономику.// Экономическое обозрение. №7. 2004. с. 32

<sup>92</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси

Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари амалдорлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради. Нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутилиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар.

Жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсалар ўз халқлари ва мамлакатларининг тақдирига, озодлик ва мустақиллик идеалларига мутлақо бефарқ қарайдилар.

Жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш шароитида коррупциячиларининг ҳатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатдаги ҳалол фуқароларни тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади<sup>93</sup>.

## **9.2. Коррупцияга қарши курашишнинг жаҳон тажрибаси ва бу борада давлатнинг роли**

Коррупциянинг тарихий илдизлари, афтидан, бирон кишида мойиллик уйғотиш учун совға бериш одатига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға одамни бошқа илтимосчилар орасида ажратиб кўрсатган ва унинг илтимоси бажарилишига хизмат қилган. Шу сабабли ибтидоий жамиятларда коҳин ёки қабила бошлиғига тўлов одат бўлиб қолган. Давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказий ҳукуматнинг кучайиши билан профессионал амалдорлар пайдо бўлган бўлиб, улар, ҳукмдорларнинг фикрига кўра, фақат қатъий белгиланган маош билан кифояланиши лозим бўлган. Амалда эса бу амалдорлар ўз мавқеидан даромадларни яшириш ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. У ҳақида коррупцияга қарши курашган

---

<sup>93</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 88-92 б.

ҳукмдор сифатида хотира қолган шахс Уруинимгина - эрамиздан аввалги XXIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланади. Коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган ва кўпинча шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш кутилган натижаларга олиб бкелмаган. Энг яхши ҳолатда хавфли жиноятларнинг олдини олишга эришилган, лекин майда камомад ва порахўрлик даражасида коррупция оммавий характерга эга бўлган. Коррупция муҳокама қилинган дастлабки асар — «Артха-шастра» — эрамиздан аввалги IV асрда Бхарат (Ҳиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья тахаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф “подшоҳнинг мулки, ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, бу мулкни идора қиладиганлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмас” деган хулоса чиқарган.

Худди шу каби муаммоларга Қадимги Миср фиръавнлари ҳам дуч келган бўлиб, бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчилик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди. Бизнинг кунларгача етиб келган Итахотел деган шахс ўз панд-насихатларида қуйидагича тавсия беради: “Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиққа қаршилиқ кўрсатадигн бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда эса яшаш ҳам осон бўлади”<sup>94</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция янада долзарб халқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш оммавий тусга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунда коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар учинчи дунё билан чегараланиб қолмайди: 1990-

---

<sup>94</sup> Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века / сост. В. А. Томсинов. —М.: Зеркало, 1999; 2004. — С. 56.

йилларда собиқ социалистик мамлакатлардаги эркинлаштириш ўтакетган мансаб суиистеъмоллари билан биргаликда кузатилди. 1995 йил 31 декабрь сонида «Financial Times» газетаси 1995 йилни “коррупция йили” деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Коррупцияга қарши кураш халқаро куни (9 декабрь) таъсис қилди.

Амалда коррупциянинг қуйидаги турларини учратишимиз мумкин:

**Маиший коррупция** оддий фуқаролар ва амалдорларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Унинг таркибига фуқаролардан мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларига турли совғалар ва хизматлар киради. Ушбу тоифага ошна-оғайнигарчиликлар (непотизм) ҳам киради.

**Ишбилармонлик коррупцияси** ҳукумат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Масалан, хўжалик низоси рўй берган ҳолатларда томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш мақсадида судья кўмагини қўлга киритишга ҳаракат қилади.

**Олий ҳукумат коррупцияси** демократик тизимларда олий судлар ва сиёсий раҳбариятга дахлдор. У виждонсиз хулқ-атвори ўз манфаатлари йўлида ва сайловчилар манфаатларига зиён етказган ҳолда сиёсатни амалга оширишдан иборат бўлган ҳукумат тепасида турган шахслар билан боғлиқдир.

Коррупция борасида энг фойдали бўлган соҳалар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Солиқ имтиёзлари;
- Хомашё товарларини бозор нархларидан арзонга сотиш;
- Районлаштириш, чунки бу ернинг баҳосига таъсир этади;
- Табиий ресурслар қазиб чиқариш;
- Давлат активларини сотиш, айниқса, давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- Тижорат фаолиятининг маълум бир турига (айниқса, экспорт-импорт соҳасида) монопол ҳокимлик тақдим этиш;
- Хуфёна иқтисодиёт ва ноқонуний бизнес устидан назорат (таъмагирлик, тақиб қилишдан ҳимоя, рақобатчиларни йўқ қилиш ва ҳ.к.);

- Ҳукумат органларида масъул лавозимларга тайинлаш.

Т.Гильвасоннинг таъкидлашича, фуқароларда давлат бошқаруви ҳақида ахборотга эркин эга бўлиш йўқлиги (яъни унинг шаффоф эмаслиги) коррупцияга хизмат қилади ва иқтисодий инқирозларга олиб келиши муқаррар бўлади<sup>95</sup>.

Куйидаги келтирилган коррупция шакллари биринчи навбатда, судьяларга дахлдор, лекин маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳолатида мос келувчи ишларни кўриб чиқиш ваколатларига эга бўлган мансдор шахсларга (ички ишлар органлари, ёнғинга қарши назорат органлари, солиқ органлари, божхона органлари ва б.) ҳам дахлдор бўлиши мумкин.

**Қонунчиликдаги “санчки”лар.** Кўплаб меъёрлар айб даражасини, ҳуқуқбузарликлар оғирлиги ва бошқа ҳолатларни максимал ҳисобга олиш мумкин бўлиши учун судьяга юмшоқ ва қаттиқ жазо турлари ўртасида танлашга имкон беради. Бунда судьяда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан таъсир этиш воситаси пайдо бўлади. Жазонинг юқори ва куйи чегаралари ўртасида фарқ қанчалик катта бўлса, фуқаро шунчалик катта пора беришга тайёр бўлади.

**Муқобил маъмурий жазолаш.** Муқобил маъмурий жазо бериш, масалан, жарима тайинлаш ёки ҳибсга олиш билан боғлиқ ҳуқуқ меъёрлари мавжуд. Кўпчилик “санчки”-меъёрлардан уларни нафақат жазолар доирасининг кенглиги (шундай экан, фуқаронинг пора бериш мотивацияси кучлироқ эканлиги), балки одил судни суд ҳукумати эмас, ижроия ҳукумати амалга ошириши ҳам фарқлаб туради. Кўплаб ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, бу турдаги жарималардан фойдаланиш фақат жиноий суд жараёнларида ўзини оқлайди, лекин маъмурий жараёнда кўп асосларга эга эмас: “Биринчидан, суд жараёни очиклик (ошкоралик), судда ишни кўришнинг тортишувлилик, оғзакилик ва бевоситалик тамойилларига асосан ташкил қилинади. Маъмурий ишларни кўришда эса аксарият ҳолларда фуқаро ҳукумат вакиллари билан

---

<sup>95</sup> Владимир Снегирев: Нам надо перенять опыт Исландии в борьбе с кризисом — Владимир Снегирев — Российская газета

юзма-юз қолади. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳатто энг қаттиқ жазо ҳам уни дифференциация қилиш маънога эга бўлиши учун жиноий ҳуқуқдаги каби оғир бўлмайди”<sup>96</sup>.

**Ҳуқуқбузарлик таркибини қайта баҳолаш.** “Санчки” турларининг яна бири ҳуқуқбузарлик таркибининг турли кодексларда такрорланиши ҳисобланади. Бу содир этилган ҳуқуқбузарликни юмшоқроқ тоифага (масалан, жинойдан маъмурий ёки фуқаролик тоифасига), ёки аксинча, каттиқроқ тоифага қайта баҳолаш учун имкониялар очиб беради. Жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бир-биридан ажратиш кўпинча қонунчи-ликдаги ифодаларнинг мавҳум эканлиги сабабли қийин бўлади ёки бундай ҳолатларда судья (ёки мансабдор шахс) ўз ихтиёри бўйича қарор қабул қилади, бу эса пора ва тамагирилик учун имкониятлар очиб беради.

**Фуқароларнинг пул билан боғлиқ бўлмаган йўқотишлар.** Айрим ҳуқуқ меъёрлари, агар шахсга нисбатан ҳуқуқ меъёрига бўйсунмиш билан боғлиқ йўқотишлар қўлланадиган бўлса, коррупцияга олиб келиши мумкин. Ҳаттоки жарима миқдори ва жиноят учун жарима миқдори номинал равишда тенг бўлган ҳолатларда ҳам, таъкидлаш жоизки, жарима тўлаш банкда тўловни амалга ошириш ва тўловни амалга оширганлик ҳақида тўлов қоғозини мос келувчи идорага тақдим этиш билан боғлиқ пулсиз, вақт харажатлари билан биргаликда кузатилади. Ҳуқуқ меъёрлари туфайли вужудга келадиган пул билан боғлиқ бўлмаган йўқотишлар хилма-хил бўлиб, фуқаролар учун турли даражада ёқимсиз бўлади. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, судда ўз ҳақлигини ҳимоя қилишга ҳамма фуқаролар ҳам тайёр бўлмайди. Эмпирик маълумотларнинг кўрсатишича, коррупция қуйидаги-ларга сабабчи бўлади:

- давлат маблағлари ва ресурсларини самарасиз тақсимлаш ва сарфлаш;
- мамлакат иқтисодиёти нуқтаи назаридан коррупцион молиявий йўқотишлар самарасизлиги;

---

<sup>96</sup> Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.

- солиқ органлари солиқларнинг бир қисмини ўзлаштириб олган ҳолларда солиқларнинг йўқотилиши;
- кўйиладиган тўсиқлар туфайли вақт йўқотилиши, давлат аппаратида иш самарадорлигининг пасайиши;
- хусусий тадбиркорларнинг хонавайрон бўлиши;
- малакали кадрларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолиши;
- ишлаб чиқаришга инвестициялар пасайиши, иқтисодий ўсишнинг пасайиши;
- ижтимоий сервис сифатининг пасайиши;
- ривожланаётган мамлакатларга халқаро ёрдамдан мақсадли йўналишда фойдаланмаслик, бу унинг самарадорлигини кескин тушириб юборади;
- шахслар қобилиятларидан самарасиз фойдаланиш: моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнига одамлар унумсиз рента излашга вақт кетказдилар;
- ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши;
- уюшган жиноятчиликнинг кучайиши – “банда”лар “мафия”га айланади;
- ҳукуматнинг сиёсий қонуний ҳуқуқларига путур етиши;
- жамиятда одоб-ахлоқ пасайиб кетиши ва шу кабилар<sup>97</sup>.

Кўпчилик мутахассислар коррупция даражаси юқори эканлигининг асосий сабаби ички ва ташқи тийиб туриш механизмларини таъминлайдиган сиёсий институтлар мукамал эмаслигида, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, айрим объектив ҳолатларнинг мавжудлиги ҳам коррупция даражасининг юқори бўлишига олиб келади, деб таъкидлайдилар:

- икки маънода тушуниш мумкин бўлган қонунлар;

---

<sup>97</sup> Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71

- аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги, бу мансабдор шахсларга тегишли тўловларни ошириш ёки бюрократик жраёнларни амалга оширишг тўсқинлик қилиш имконини беради;

- мамлакатдаги сиёсий вазият беқарорлиги;

- ҳукумат институтлари ўзаро алоқа қилиши учун шаклланган механизмлар йўқлиги;

- бюрократик аппарат фаолиятининг негизида ётадиган стандарт-лар ва тамойилларнинг бошқарувчи элита сиёсатига боғлиқлиги;

- бюрократиянинг профессионал чуқур билимларга эга эмаслиги;

- коррупция устидан назорат механизмларини заифлаштира-диган махфий битимлар шакллантиришга олиб келадиган ошна-оғайнигарчилик ва сиёсий ҳомийлик;

- ижроия ҳукумати тизимида ҳамжиҳатлик йўқлиги, яъни бир хил фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши;

- давлат устидан назоратда фуқароларнинг иштирок этиш даражаси пастлиги.

Коррупция даражаси юқорилиги сабаблари бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга нисбатан бошқа тахминлар ҳам кўриб чиқилади:

- давлат секторида иш ҳақи даражасининг хусусий сектор билан таққослаганда пастлиги;

- иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;

- фуқароларнинг амалдорларга боғлиқлиги, маълум бир хизматларга давлат монополияси;

- бюрократия элитасининг халқдан ажралиб қолганлиги;

- иқтисодий беқарорлик, инфляция;

- аҳолининг этник жиҳатдан хилма-хиллиги;

- иқтисодий ривожланиш даражаси пастлиги (аҳоли жон бошига ЯИМ);

- диний анъаналар;

- мамлакат маданияти.



Коррупцияга қарши курашнинг сингапурча стратегияси қаттиққўллик ва изчиллик билан ажралиб туради ва “коррупция устидан назорат мантиғи”га асосланади: “коррупцияни таг томири билан йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар шахснинг порахўрлик билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширишга мойиллик имкониятини ҳам, стимулини ҳам яратадиган шарт-шароитларни минимал қилиш ёки истисно қилишга интилишига асосланган бўлиши лозим”.

Мустақилликни қўлган киритган 1965 йилда Сингапур коррупция даражаси жуда юқори бўлган мамлакат ҳисобланарди. Коррупцияни пасайтириш тактикаси бир қатор вертикал чора-тадбирларга: амалдорлар ҳаракатларини тартибга солишга, бюрократик жараёнларни соддалашти-ришга, юқори одоб-ахлоқ стандартларига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратга асосланган. Унинг марказий бўғинига айланган коррупция ҳолатларини тергов қилиш бўйича мустақил Бюрога фуқаролар давлат хизматчилари устидан арз қилиш ва етказилган зиённи қоплашни талаб қилиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан бир пайтда қонунчилик талаблари кучайтирилди, суд тизими мустақиллиги оширилди (юқори иш ҳақи ва имтиёзли мақом берилган ҳолда), пора берганлик ёки коррупцияга қарши тергов ишларида иштирок этишдан бош тортганлик учун иқтисодий жарима чоралари жорий қилинди, шунингдек, божхона ходимлари ва бошқа давлат хизматчиларига нисбатан ёппасига ишдан бўшатишга қадар бўлган қаттиқ чоралар кўрилди. Бу иқтисодиётни қайта тартибга солиш, амалдорлар иш ҳақини ошириш ва юқори малакали маъмурият кадрлари тайёрлаш билан уйғунлашди. Ҳозирги пайтда Сингапур коррупция йўқлиги, иқтисодий эркинлик ва тараққиёт борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Коррупцияга қарши курашнинг финча стратегиясига хос бўлган хусусият корпорация ҳақида махсус қонун йўқлиги ҳисобланади. Коррупция қаттиқ жиноят турларидан бири сифатида кўриб чиқилган ва қонунчилик, меъёрлар ва бошқа назорат тизимларининг барча даражаларида тартибга солинган. Амалдорларнинг пора олганлик учун нисбатан юмшоқ - жарима тўлашдан тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилинишигача жазо белгиланиши Финляндияга хос

бўлган хусусият ҳисобланади. Урушдан кейинги даврда илгари жуда юқори бўлган порахўрлик даражасининг кескин пасайиши рўй берди - 1945-1954 йилларда пора олганлик учун 549 киши жазоланган бўлса, 1980-1989 йилларда чиқарилган бундай ҳукмлар сони 81 тани, 1990-йилларда эса 38 тани ташкил қилди. 1990-йиллардан бошлаб Финляндияда халқаро воситалар фойдаланила бошлади - 1997 йилги Коррупцияга қарши кураш ЕИ Конвенцияси, 1998 йилги порахўрликка қарши кураш ИХТТ Конвенцияси, Европа Кенгашининг коррупция билан боғлиқ бўлган жиноий ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича конвенцияси, 2003 йил декабрда Мехикода қабул қилинган коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси ратификация қилинди<sup>98</sup>.

XIX аср ўрталарига қадар Швецияда коррупция гуллаб-яшнаган. Меркантилизмни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи мамлакатни модернизация қилишнинг оқибатларидан бири бўлди. Шу пайтдан бошлаб давлат томонидан тартибга солиш фирмалардан кўра кўпроқ уй хўжаликлари билан боғлиқ бўлган ҳамда тақиқлаш ва рухсат беришдан кўра стимулларга асосланган (солиқлар, имтиёзлар ва субсидиялар орқали). Ички давлат ҳужжатларига уланиш имконияти очилган ҳамда мустақил ва самарали одил суд тизими барпо этилган. Шу билан бир пайтда Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурият ходимлари учун юқори ахлоқий стандартлар ўрнатди ва уларни ижро қилишга эришишга интила бошлади. атиги бир неча йилдан сўнг ҳалоллик бюрократия орасида ижтимоий меъёрга айланди. Юқори мансабдаги амалдорлар маоши дастлаб оддий ишчиларнинг иш ҳақидан 12-15 баравар катта бўлган, лекин вақт ўтиши билан бу фарқ икки бараваргача пасайган. Ҳозирги кунда Швеция аввалгидек, дунё бўйича коррупция кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Тарихий тажрибалардан маълумки хуфёна иқтисодиёт хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Лекин, унинг миқёсларини ҳаддан ташқари кенгайиб кетишини олдини олиш вазифаси айнан давлатнинг

---

<sup>98</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

зиммасига тушади. Хуфёна фаолиятга давлат томонидан таъсир этиш масаласи, айниқса, жамиятнинг бир форматсиядан бошқасига ўтиш даврларида, инкирозлар пайтида долзарб бўлиб боради.

Чунки айнан шундай даврларда унинг миқёсларини кенгайиб кетишига сабаб бўладиган омиллар таъсири кучайиб боради. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар натижасида катта корхоналар бозорда ўз ўрнини топа олмай ёпилиб кетиши ёки майда корхоналарга бўлиниб кетиши мумкин. Булардан ташқари янги корхоналар ҳам вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган, очиқ бозор муносабатларига ўтишнинг машҳур беш тамойилининг бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи эканлиги тўғрисидаги тамойилга асосланилганлиги республикада хуфёна иқтисодиёт миқёсларини ҳаддан ташқари кенгайиб кетишини олдини олишда муҳим омил бўлди.

Хуфёна фаолиятга давлат томонидан таъсир этиш усуллари турлича бўлиб, адабиётларда қуйидаги усуллар ажратиб кўрсатилади:

- монетар усул. Бунда хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги гипотезага асосланилади (нақд пул массасининг ҳаракати динамикаси хуфёна иқтисодиёт ҳажмлари тўғрисида фикр юритишга имкон беради);

- даромад ва харажатлар баланси усули. Бунда декларатсия қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси ҳамда товар ва хизматлар истеъмолнинг реал ҳажмлари билан таққосланади;

- иш билан бандликнинг таҳлили. ҳисобга олинмаган ишсизлик даражасининг узоқ вақт сақланиб қолиши хуфёна секторда банд бўлиш имкониятларининг мавжудлигидан далолат беради. (рўйхатга олинмаган ишсизларнинг сони хуфёна иқтисодиёт ҳажмларида далолат беради);

- технологик коэффициентлар усули. Бу усул харажатларнинг технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини беради;

- уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари орасида сўровлар ўтказиш. Бу хуфёна сектор ҳажмини эксперт баҳолаш имконини беради<sup>99</sup>.

Адабиётларда хуфёна фаолиятга давлат томонидан таъсир этишининг бир нечта йўналишлари мавжудлиги таъкидланади. Булардан биринчиси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат стратегияси бўлиб, у миллий хўжалик моделининг асосий параметрларини белгилайди. Хуфёна иқтисодиёт миқёсларини кенгайтиб кетишини олдини олиш борасидаги стратегиянинг муҳим элементлари қуйидагилардан иборат:

- хуфёна иқтисодиётни минимумга етказиш - энг асосий стратегик мақсад;

- ҳалол рақобат асосида миллий иқтисодиётни асосий макроиқтисодий параметрларини шакллантириш;

- монополияга қарши самарали сиёсат олиб бориш;

- хуфёна иқтисодиётнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган миқёсларини белгилаш.

Мукамал хўжалик ҳуқуқини шакллантириш ҳалол фаолият олиб бориш учун маълум рағбатларни яратади.

Мамлакатда аҳоли турмуш даражасини оширишга ва кам таъминланганларни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий сиёсат олиб бориш.

Бизнес билан бўладиган муносабатлар. Бунда давлат ҳокимиятини хусусий бизнес билан ўзаро муносабатларида асосий тамойилларга риоя қилиш кўзда тутилади.

Давлатнинг жазолаш функцияларидан фойдаланиш. Бундай функция давлатнинг криминал иқтисодиётга қарши кураши билан боғлиқ.

Давлатнинг тарбиявий функциясини қўллаш. Бу таълим тизими ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Унинг муҳим элементларига қуйидагилар киради: қонунларга итоат этиш маданиятини

---

<sup>99</sup> Попов Ю.Н., Тарасов М.Е. Теневая экономика в системе рыночного хозяйства . «ДЕЛО», «ЭКОНОМИКА». М., 2005, с.45

шакллантириш, зўравонлик, наркобизнес, фоҳишабозлик, порнографияни қоралаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари асосида миллий ғояни шакллантириш.

Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш. Бунда оила, диний ташкилотлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, турли ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, ижодий уюшмалар каби ижтимоий институтлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам хуфёна иқтисодиётга таъсир кўрсатишнинг бир йўналиши ҳисобланади.

### **9.3. Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашнинг қонуний ва меъёрий асослари**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”га бағишланган бўлиб, унинг 2.4-бандида “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш” масаласи назарда тутилган. Унда қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармонида кўра, фаолиятни иш якун-ларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжат-ларини такомиллаштириш орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш масаласи белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул органлар ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсиниб амалга оширадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишиш асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш деганда тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш назарда тутилади.

Шу маънода, мазкур вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмлари аниқ белгилаб берилади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг моҳияти, мақсади нималардан иборат? Унинг қандай шакллари мавжуд? Мувофиқлаштириш билан ҳамкорликнинг фарқи борми?

- **Мувофиқлаштиришнинг моҳияти.** Умумий мақсадга эришиш йўлида жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини тартибга солиш, самарадорлигини янада ошириш йўлида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш мувофиқлаштиришнинг моҳиятини белгилайди. Модомики, мақсад умумий, яъни жиноятчиликка қарши курашиш экан, демак, шу фаолиятни амалга оширадиган органлар ишини мувофиқ-лаштириш шартми? Ҳаммаси ҳам ягона ва умумий мақсадга хизмат қилади-ку? Тўғри, лекин уларнинг ҳар бири мустақил ҳолда ўз ваколати доираси-дагина ўзларига хос шакл ва усуллар билан жиноятчиликка қарши курашади. Афсуски, жиноят турлари шу даражада хилма-хилки, уларга қарши самарали курашиш, олдини олиш ва йўл қўймаслик мавжуд бутун имкониятни бевосита ишга солишни, барча кучларни бирлаштиришни талаб қилади. Айнан ана шу талабни жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Ана шу тамойилларга ва асосий йўналишларга риоя қилган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ҳамда дастлабки терговни амалга ошириш органларининг фаолияти мувофиқлаштирилиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари ҳамкорлиги йўлга қўйилади, даврий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари, аниқ йўналти-рилган режалар тизими ишлаб чиқилади, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган мувофиқлаштирувчи кенгаш қабул қилган қарорлар ижросига жиддий эътибор қаратилади ва ижроси таъмин-ланади. Ҳар олти ойда тезкор-қидирув ва излов ишларининг аҳволи, натижалари мувофиқлаштириш кенгашларида муҳокама қилиниб, фаолият-нинг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белги-ланиб, ижроси таъминлаб борилади.

- **Мувофиқлаштиришнинг мақсади** - жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишдир. Бу умумий мақсад, табиий равишда, барча кучларни бирлаштиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида бир-бирини такрорламасликни, бири

бошқасининг функциясини бажармаслигини, муайян аниқ мақсад йўлида куч ҳамда имкониятларни бирлаштиришни, айти пайтда ҳар бири қонунчиликка қаттиқ риоя этгани ҳолда қонун доирасида ўз вазифасини малакали бажаришини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, **мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади** жиноятчиликка қарши курашувчи тузилмаларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла ва ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, жиноятни очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларининг олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш, ўз навбатида, жиноятчиликка қарши ҳамкорликка киришган ҳар бир органдан, унинг раҳбари ва ходимларидан (ҳамкорлик иштирокчиларидан) юксак касбий-профессионал малакани ва амалий теран тажрибани талаб қилади. Бу, аввало, содир этилган жиноятнинг, унинг сабаблари ва бошқа ҳолатларни муфассал ўрганиш, таҳлил қила билишда, содир этилиши мумкин жиноятларни олдиндан билиш, қайси жиноят қай даражада содир этилиши мумкинлигини башорат қилиш, бу борада тўпланган барча тажрибаларни ишга солиш, жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, очиш, улар ҳақида огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ ташкилий жараёнлар механизмини пухта ўзлаштириш, уларни тергов-қидирув амалиётида самарали қўллаш маҳоратига боғлиқ, албатта. Ана шундагина жиноятчиликка қарши кураш кутилган натижани беради. Агар мазкур фаолият бошқа давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилса, шубҳасиз, жиноятларнинг олди тез олинади, огоҳлантириш кутилган натижани беради, энг муҳими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишини, шунингдек, жиноий хатти-ҳаракатларга қарши кураш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган янги-янги таклифлар юзага келади. Уларнинг тергов-қидирув фаолиятида ижодий қўллаш, ҳеч шубҳасиз, умумий мақсадга хизмат қилади.



• жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва улар раҳбарларининг биргаликда мувофиқлаштирув кенгашларини ташкил этишлари;

2. Қайд этилган органларнинг жиноятчиликка ва айрим турдаги жиноятларга қарши кураш масалалари бўйича ўзаро ахборотлар алмашинуви;

3. Ўзаро келишилган ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда минтақаларга чиқиш, қуйи бўғиндаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноятчиликка қарши курашда ёрдам бериш, мавжуд ижобий тажрибаларни ўрганиш ва бошқа ҳудудларда амалиётга тадбиқ этиш;

4. Кўп эпизодли ва жамоатчилик эътиборида бўлган аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов-тезкор гуруҳлар тузиш ва терговни ташкил этиш;

5. Жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамкорликдаги мақсадли тадбирлар ўтказиш, шунингдек, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш;

6. Ходимларнинг малакасини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг имкониятларидан фойдаланиш, ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш;

7. Жиноятчиликка қарши кураш фаолияти жараёнида иштирок этаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзаро ёрдам кўрсатиш;

8. Ҳамкорликда буйруқлар, қўшма кўрсатмалар чиқариш, ахборот хатларини ва бошқа ташкилий-фармойиш ҳужжатларини тайёрлаш, ҳамкорликда қўлланмалар, бюллетенлар (тўпламлар) ҳамда бошқа ахборот нашрларини чиқариш;

9. Мувофиқлаштирув фаолиятининг ўзаро келишилган режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш;

10. Мамлакатда амалда бўлган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишга оид қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг ижро этилиш аҳволи бўйича ҳамкорликда ҳудудларга чиқиб текширишлар ташкил этиш;

11. Минтақаларда жиноятчиликка қарши кураш дастурларига киритиш учун ҳамкорликда таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Жиноятчилик ва судланганлик ҳолати ҳақида ўзаро ахборот алмашув;

13. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда суд статистикаси маълумотларидан ва суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

14. Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ҳамкорликда тайёрлаш;

15. Ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ўтказиш, тегишли мутахассисларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини оширишдаги иштироки;

16. Ҳамкорликда ахборот хатларини, маълумотномаларни, шарҳларни жўнатиш ва бошқалар.

Суд раислари, судьялар жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар раҳбарларининг мувофиқлаштирув кенгашларида кузатувчи сифатида ва ёки кенгаш иштирокчиларини ўз органи фаолияти билан таништириш мақсадида қатнашиши мумкин.

Албатта, мувофиқлаштиришнинг ушбу шакллари тўлиқ эмас. Амалиётда ходимларнинг иш тажрибаси, ташаббуси ва изланувчилигидан келиб чиқиб, ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишнинг яна бошқа қатор усулларидан фойдаланиш мумкин.

- Мувофиқлаштиришнинг қайд этилган шакллари жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашишнинг бошқа шакллари каби бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини янада чуқурлаштиришга, мувофиқлаштириш шаклларини такомиллаштиришга, жиноятчиликка қарши курашда тегишли органларнинг ҳуқуқий мақомини ривожлантиришга йўналтирилган. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш.

Ҳозирги кунда терроризм ва диний экстремизм хавфидан ҳеч қайси давлат, жумладан, энг ривожланган давлатлар ҳам кафолатланмаган. Жаҳонда юз бераётган турли кўнгилсиз воқеалар, қон тўкишлар, жумладан, Ироқ ва Сурияда фаолият юритаётган террорчи гуруҳ 2014 йилда ўзини ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) деб атаб, ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланиб, сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадларда турли оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этмоқда. Сир эмаски, ИШИД терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ бир қанча жиноятлар содир этаётган диний экстремистик, террористик жиноий уюшмадир. ИШИД Марказий Осиё мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринмоқда. Африка, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёдаги 15 дан ортиқ диний экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ИШИДнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, уларга ёрдам бериб келмоқда.

Сўнгги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида, хусусан, Франция, Бельгия, Германия, Туркия, Покистонда юз берган террорчилик ҳаракатлари диний экстремизм, терроризм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётганидан далолат беради. Марказий Осиё минтақасида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш, бу турдаги жиноятлар содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш тобора долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса бизга қўшни бўлган Афғонистонда террорчи гуруҳларнинг тинчлик ва хавфсизликка реал таҳдид туғдириб келаётгани масаланинг нақадар жиддий эканини англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш борасида етарли тажриба ва ҳуқуқий база шаклланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000

йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” ги қонуни, 2004 йил 26 августдаги 660-II-сонли “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, шунингдек, мамлакатимизда БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ратификация қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қатор хорижий давлатлар ҳукуматлари ўртасида имзоланган уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қатор ҳамкорлик меморандумлари диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

2017 йил ва ундан кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ИИБ, МХХ, ДБК, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар иштирокида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш амалиётини ўрганиб, ушбу йўналишда ташкилий-амалий тадбирларни янада кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш назарда тутилган.

Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш имконини беради. Давлат органлари ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ва жамоатчилик ўртасида терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик-тушунтириш тадбирларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари бир қатор радио ва теледастурлар ташкил этиш орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш, жамиятда терроризм, экстремизм ва жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган бошқа ишларнинг самарали тизими яратилишига, ушбу соҳада давлат органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги механизминини янада такомиллаштиришга имкон беради.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида

терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан огоҳлантириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шу жумладан, таълим муассасалари доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари янада такомиллаштирилади;

терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилаётганини эътиборга олиб, терроризм ва диний экстремизмга қарши самарали курашиш мақсадида миллий интернет сегментини муҳофаза қилиш, интернет орқали террористик ва диний экстремистик ташвиқот олиб боришни чеклашни назарда тутувчи қонун ҳужжати ишлаб чиқилади.

Жиноятчиликка қарши кураш тизимини ва инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини янада такомиллаштириш, халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш қонунийликни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини ташкил этиш заруриятини намоён этади.

Мазкур соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилишида миллий қонунчиликка халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари тадбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади, буни биз 2008 йили “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишида яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашда унинг олдини олиш бўйича янада самарали ва таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

2010 йили Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти халқаро экспертлари ўзининг бир неча бор амалга оширган ташрифлари натижасидаги

хисоботларида охириги йилларда юртимизда ушбу соҳада амалга оширилган ва тадбиқ этилган ислоҳотларга ижобий баҳо беришди.

Ўзбекистон томонидан ташланган яна бир муҳим қадам - бу 2016-2017 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар комплекс режаси тасдиқланганидир.

Ушбу Комплекс дастур турли давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва илмий соҳа мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилган. Режа коррупцияга қарши курашиш сиёсат ва коррупциянинг олдини олиш бўйича масалаларнинг айрим жиҳатларини ўз ичига олади.

Комплекс режа стратегик ҳужжат ҳисобланиб, ушбу масалада манфаатдор бўлган барча тарафларнинг мажбуриятлари ва бу борадаги вазифаларни ижро этиш босқичлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва институционал асосларнинг келгусида такомиллаштириш мақсадида 2017 йилнинг 4 январь санасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли давлат органлари тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларининг, фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари акс этган.

Қонун билан қамраб олинган чора-тадбирлар доираси Ўзбекистоннинг сиёсий хоҳиш-иродаси ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг жиддийлигини тасдиқлайди. Қонун ягона бир бутунлигича барча коррупцияга қарши курашиш элементларини ўзида қамраб олган.

Қонунга кўра коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга

имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаларининг амалга оширилишига эришиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий ва норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини доимий ва самарали таъминлаш;

унинг зарурий мустақиллигини таъминлаш;

уни тегишли моддий ресурслар билан таъминлаш.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди<sup>100</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон антикоррупцион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш учун институционал

---

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.



базани мустаҳкамлаш мақсадида муҳим қадамларни ташлаган, десак, адашмаймиз.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида:

қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни таъминлаш;

давлат хизмати органлирининг фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш;

жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақ муросасизлик маданиятига эришиш;

халқнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилади.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги - демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омилдир.

Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бунда ғоят муҳим жиҳат - жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув

идоралари фаолияти ҳақида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардан, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига доир қарорлардан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

Бугунги глобаллашув замонида жаҳон жамоатчилигини, халқимизни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотлар олишини кенг таъминлаш, шу йўл билан давлат ва жамиятга бўлган ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш талаб этилади.

Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги ахборот тизимлари сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари муҳим аҳамиятга эга. Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий кадрларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш ва энг муҳими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини жорий “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид давлат дастурида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш борасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

*Биринчидан*, қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижрочиларга ўз вақтида етказишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида “Ҳуқуқий

ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда қуйидаги муносабатларни тартибга солиш назарда тутилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари; ҳуқуқий ахборотни тарқатишга масъул бўлган давлат органлари ва уларнинг ваколатлари; норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг уларни фойдаланувчигача етказиш босқичлари; қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг концепциялари, тушунтириш хатларини эълон қилиш тартиби ва бошқалар.

*Иккинчидан*, фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш самарадорлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш ва бу борадаги муносабатларни тартибга солиш имконини беришга қаратилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури лойиҳаси тайёрланади ва қабул қилинади.

*Учинчидан*, ҳуқуқий ахборотни ўз вақтида ҳамда сифатли етказиш мазкур вазифа юклатилган давлат органлари ахборот хизматларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ушбу фаолиятни режа асосида, мувофиқлаштирилган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аҳолининг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгини янада юксалтириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

*Тўртинчидан*, тарғибот тадбирларининг самарадор шакли бўлиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда аҳолининг турли қатламлари билан ўтказиладиган жонли мулоқот ҳисобланади. Шу сабабли давлат органлари ОАВдан қилинадиган чиқишлардан ташқари асосий эътиборни мазкур турдаги тарғибот тадбирларига қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Барча давлат

органлари томонидан маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, корхона, ташкилот ва идораларда жамият ҳаётидаги долзарб муаммолар муҳокамаси, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида тизимли равишда учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий этилади.

*Бешинчидан*, қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан Адлия вазирлиги тузилмаси қайта кўриб чиқилади, қонун ҳужжатлари миллий электрон базасини қўшимча маълумотлар билан тўлдириш ва аҳолига эркин фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш масаларини назарда тутадиган “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сонли қарори қабул қилинди. Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

*Олтинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизмларини белгилаб беришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

*Еттинчидан*, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш механизмини ўз ичига олган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ишлаб чиқилишини назарда тутувчи

Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси тайёрланади. Қарор асосида ҳуқуқий таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади; узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида ҳуқуқий таълим модели ишлаб чиқилади; оила, мактабгача таълимдан бошлаб ҳуқуқий таълим-тарбия тизимининг сифати яхшиланади.

*Саккизинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш даражасини оширишга қаратилган “Мен ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашда фаол иштирок этаман”, “Маҳалламиз жиноятчиликка қарши туради” акциялари ўтказилади. Бунда, биринчи навбатда, маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш амалиётини кенг жорий этиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида жамиятда қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш борасида фуқаролик позициясининг кучайишига ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

*Тўққизинчидан*, аҳолини, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳаллаларда ва таълим муассасаларида “Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди”, “Диний экстремизм ва терроризм - ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилади. Ушбу дастурнинг жорий этилиши асносида ёшларда динлар бўйича тўғри ва ҳаққоний маълумотлар шаклланишига, уларнинг саволларига мутахассислар томонидан ҳаққоний фактларга асосидаги жавоблар берилишига, миллий анъаналарга, бой маданий меросига таянган ҳолда маънавий ва маърифий ишларни тизимли олиб боришга эришилади.

*Ўнинчидан*, кўрик танловларини ўтказиш режаси асосида таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Тафаккур синовлари”, “Конституция - бахтимиз

пойдевори” республика кўрик танловлари ўтказилади. Танловлар орқали ўқувчи ва талабаларда ҳуқуқий билимларни янада ошириш ва мустаҳкамлашга эришилади ҳамда бу соҳада иқтидорли ёшлар аниқланади. Шунингдек, танлов ва иштирок этган жамоалар билан бирга, тингловчи сифатида жалб қилинган кенг ёшлар қатламининг ҳуқуқий онгини оширишга ҳам эришилади.

*Ўн биринчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳаётий мисолларга асосланган, ҳуқуқий-маърифий йўналишдаги “Жиноятдан сақланинг!” рукнида оммабоп рисоалар тайёрланади ва нашр этилади, уларнинг тақдимотлари ўтказилади. Мазкур адабиётлар “Камолот” ЁИХ орқали ёшларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эса кенг аҳоли оммасига етказилади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини оширишга эришилади.

*Ўн иккинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда ҳафтада бир марта “Ҳуқуқий билимлар” ўқув машғулоти жорий этилади ва доимий ўтказиб борилади. Бунинг натижасида аҳолига амалдаги қонун ҳужжатларининг, айниқса янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мақсади, мазмун-моҳиятини ўз вақтида етказишга эришилади.

Қабул қилиниши кўзда тутилаётган ҳужжатлар ва чора-тадбирлар, авваламбор, олдимизда турган буюк мақсадларимизга босқичма-босқич эришиш, бу йўлда дуч келадиган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳар бир ўзбекистонлик учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч - бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, одамлар қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқий саводхонликнинг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчиликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши муқаррар. Умуман олганда, ушбу давлат дастури мамлакатимиздаги барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш борасидаги ишларини янада жадал, кенг миқёсда ва тартибли ташкил этишлари учун асос бўлади.

#### **9.4. Рақамли иқтисодиёт жамиятда коррупцион ҳолатларнинг камайтиришнинг муҳим асоси сифатида**

Илмий ва технологик тараққиётни жадаллаштириш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, янги технологияларни изчил жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар асносида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда (бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг улуши дунё ЯИМининг 10 фоизини ташкил этади). Шу аснода инновацион тараққиётнинг турли вазифа ва муаммоларини ҳал этиш борасидаги қарашлар ва ёндашувлар ҳам ўзгариб бормоқда. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамли технологияларни жорий этиш глобал иқтисодиёт асосларини ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга олиб келади, чунки замонавий иқтисодиёт маълумотлар базасини бошқаришга асосланган иқтисодиёт ҳисобланади. Бу борада жаҳоннинг энг нуфузи иқтисодий нашрларидан бири The Economist журнали ахборотни – “Fuel of the future” келажак ёқилғиси, деб атайди.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида – “рақамли иқтисодиёт” концепцияси вужудга келди, мазкур концепциянинг асосини катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасини (онлайн хизматлар, электрон тўловлар ва бошқалар) ривожлантириш имконини берувчи рақамли ва компьютер технологияларини ривожлантириш ва уларни жамият ҳаётининг

барча соҳаларига изчил жорий этиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятини ташкил этишнинг ўзига шакл ва усуллари ташкил этади. Замонавий, интеллектуал иқтисодиёт сари ривожланиш, рақамли иқтисодиёт-ни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ ва уларнинг эконометрик таҳлили рақамли иқтисодиётни оқилона бошқариш ҳамда тартибга солиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётига “рақамли технологиялар”ни жорий этиш бугунги кунда ўзининг потенциал имкониятларини кенгайтириш жараёнида бўлгани ҳолда, техник база, дастурий таъминотнинг номукамаллиги, аҳоли компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги, рақамли технологиялар соҳасини тартибга солиш борасида қонунчилик базасининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги каби омиллар компьютер технологияларини кенг жорий этиш ва бизнес муҳитига янги “рақамли техноло-гиялар”ни интеграциялашувига тўсқинлик қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбари жорий 2020 йилнинг 24 январида мамлакат Парла-ментига йўллаган Мурожаатномасида: ”Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда... аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли техноло-гиялардан мутлақо йироқ... Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллан-тириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол



ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”-деб таъкидлаб ўтди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқилиши кўзда тутилган “Рақамли Ўзбекистон-2030” концепциясида Ўзбекистонда билимлар жамиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни барпо этиш, илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт сектори томонидан яратилган товар ва хизматлардан уй хўжалиklarининг фойдалана олишлари учун етарлича имкониятлар яратиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уй хўжалиklари аъзоларининг хабардорлик ва рақамли саводхонлик даражасини ошириш, фуқаролар учун сифатли ва арзон давлат хизматларини кўрсатиш, мамлакатнинг барча ҳудудларини сифатли ва тезкор Интернет алоқаси билан таъминланишини йўлга қўйиш, уй хўжалиklари ва давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, рақамли технологиялар соҳаси мутахассис-ларининг фикрича, бугунги кунда жаҳонда Интернетдан фойдаланувчилар сони дунё аҳолисининг 52 фоизини ташкил этади. Қашшоқ уй хўжалик-ларининг 20 фоизида аъзоларнинг ҳар ўнтасидан еттитасида уяли телефон мавжуд.

Мобил телефонга эга бўлган қашшоқ уй хўжалиklarининг сони оддий ҳожатхона ёки тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлган-лардан анчагина кўпчиликини ташкил этади.

Жаҳон банки экспертларининг фикрича, бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари “рақамли инқилоб”ни бошидан кечирмоқдалар. Улар бу борада бир қатор хулосаларни илгари сурадилар:

1. Интернет, уяли алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тараққий этиши рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;

2. Рақамли иқтисодиёт дунёнинг кўпгина мамлакатларида жадал тараққий этмоқда;

3. Рақамли иқтисодиёт дунё қиёфасининг тубдан ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

Шу туфайли мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белги-ланди. Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам фуқаролар рақамли иқтисодиётнинг авфзалликларидан кенгроқ фойдаланишни истайдилар. Шу сабабли ҳам рақамли инқилоб мамлакатимизда барча фуқароларни бирдек қамраб олиши учун соҳага инвестициялар кириб келишини фаоллаштириш, технологиялар ва инновацион бизнес ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб: “Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак. Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади... Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади”-деб таъкидлаб ўтди.

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологияларнинг изчил жорий этилиши асносида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш сифати яхшиланади, янги иш ўринларини яратиш жараёнлари жадаллашади ва кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда

мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчи уй хўжаликларининг аъзолари 20 миллион кишидан ошиқроқни ташкил этади

Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тараққий этган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчи аҳолининг улуши 2005 йилда 51,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 83,1 фоизгача ошган. Энг юқори ўсиш Африка давлатларида кузатилган, хусусан мазкур минтақа мамлакатларида интернетдан фойдаланувчилар улуши 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб 24,4 фоизгача ўсган-лигини кўришимиз мумкин. МДҲ давлатлари бўйича интернетдан фойдаланувчилар улуши 2018 йилда 71,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2019 йилда 64,7 фоизни ташкил қилган. 2019 йилда The Economist Intelligence Unit томонидан 2017 йилдан буён ўтказилиб келинувчи инклюзив интернет индекси рейтингда Ўзбекистон 100 та мамлакат ичида 69-ўринни эгаллагани ҳолда, ён қўшнимиз Қозоғистон мазкур рейтингда 49-ўринда қайд этилган. Халқаро экспертлар интернет ва рақамли технологиялардан фойдаланиш борасида Ўзбекистонда гендер тенглигига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва уй хўжалик-ларини интернет тармоғи билан қамраб олиш бўйича ишларни сифат жиҳат-дан янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мобил алоқа абонентларининг сони йил сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2013 йилда мобил алоқа абонентлари сони 20,3 миллионгани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, мамлакатимизда мобил алоқа билан қамраб олиш даражаси 96 фоиздан ошган..

Уй шароитида интернет тармоғига уланиш имкониятлари йил сайин ўсиб бормоқда. Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2005 йилда бутун дунёда уйда интернетга улана олиш имконига эга бўлган уй хўжаликлари 20 фоиздан камроқни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб

60 фоиз уй хўжаликларини қамраб олган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бутун дунёда алоқанинг турли шакл ва воситаларидан фойдаланиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, 2021 йилга бориб, интернетдан фойдаланувчи жисмоний шахслар 2018 йилга нисбатан 12 фоизга ошади ва 57,4 фоизни ташкил этади, кенг полосали интернетдан фойдаланувчи уй хўжаликларининг аъзолари 2021 йилга бориб 78,9 фоизни ташкил этади. Юқоридагиларнинг барчаси жаҳонда рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт етакчи кучга айланаётганлигидан далолат беради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига тўртки берувчи технологияларни жадал жорий этиш нуқтаи –назаридан мамлакатларни қуйидаги тўртта гуруҳга бўлишимиз мумкин: етакчи мамлакатлар; истиқболли мамлакатлар, ўсиш даражаси пасаяётган ва муаммоли мамлакатлар.

Етакчи мамлакатлар юқори даражада ривожланган рақамли иқтисод ва кучли ривожланиш динамикасига эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар ўз мавқеларидан самарали фойдаланиб, инновацияларни рағбатлантирадилар. Бироқ, вақт ўтиши билан юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш катта қийинчилик туғдиради ва кўпинча инновациялар иқтисодий таъсирни кенгайтириш учун ишончли асос бўлиб хизмат қила олмайди. Ўз мавқеларини йўқотмаслик учун бу мамлакатлар янги талабни яратишлари ва инновацион ечимларни ишлаб чиқишни янада авж олдиришлари талаб этилади. Акс ҳолда, уларнинг ўсиш суръатлари секинлашаётган мамлакатлар тоифасига тушиб қолиш хавфи юқорилаб бораверади.

Ўсиш суръатлари пасаяётган мамлакатлар рақамли иқтисодиётнинг тараққий этганлиги билан ажралиб турсада, лекин рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари секинлашиши билан ажралиб туради. Мазкур мамлакатлар етакчи мамлакатлардан инновацион ривожланишни қўллаб – қувватлаш борасида улар тўплаган бой тажрибани ўзлаштиришлари асносида етакчи мамлакатлар қаторига ўтишлари мумкин, аксинча улар муаммоли мамлакатлар қаторига ўтиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Истиқболли мамлакатлар ҳозирги кунда рақамлаштириш даражаси паст бўлсада, лекин жадал ривожланаётганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Барқарор ривожланиш динамикаси ва рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги мавжуд катта салоҳият инвесторларда катта қизиқиш уйғотади. Мазкур мамлакатлар рақамли технологияларнинг тараққиётига чекловчи таъсир кўрсатувчи инфратузилма ва институтционал муҳитнинг ёмон сифати билан ажралиб туради. Истиқболли мамлакатлар энг яхши инновацион ечимларни рағбатлантиришга хизмат қилувчи инновацион инфратузилма объектлари ва институтларини барпо қилишга ҳаракат қилишлари лозим.

Муаммоли мамлакатлар рақамлаштиришнинг паст даражаси билан фарқланади. Рақамлаштиришнинг паст даражаси иқтисодий тараққиёт йўлида қатор муаммоларни вужудга келтиргани ҳолда, иқтисодиётнинг инновацион ва рақамли технологиялар асосида ривожлантиришга имкон бермайди. Баъзи муаммоли мамлакатлар инфратузилма танқислиги, институ-ционал чекловлар ва истеъмолчиларнинг уқувсизлиги каби муаммоларни ҳал этишда ўзига хос тарзда ёндашишга ҳаракат қиладилар. Улар учун ривожланиш динамикасини яхшилашнинг энг ишончли йўли интернетдан фойдаланишдаги бўшлиқни камайтириш орқали аҳолининг интернетдан фойдаланиш имкониятларини яхшилашдан иборатдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати рақамли иқтисодиётнинг жадал тараққий этишига таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиёт “оқсоқланиши”нинг олдини олиш мақсадида: рақамли инновациялар соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш; иқтисодиётда янги технология ва ахборот оқимларидан фойдаланишни рағбатлантириш; уй хўжаликлари аъзоларининг рақамли маконда фаолият кўрсата олишларини таъминлаш мақсадида ўқувчи ва талабаларнинг янгича фикрлашларига хизмат қилувчи ўқув дастурларини жорий этиш, рақамли технологиялар соҳаси учун малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт воситаларини иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига кенг жорий этишда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда банklar фаолиятида ҳам рақамли трансформациялашни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Банklar фаолиятида рақамлаштиришдан фойдаланиш – бу энг аввало янги банк хизматларини кўрсатиш, янги бозор имкониятларига эга бўлиш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни кўзда тутди. Бугунги кунда бутун жаҳонда банк амалиётида амалда мавжуд бизнес-моделлар ўрнига рақамли валюталар, P2P-сервислар, мобил ва контактсиз тўловлар тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам банк тизимини рақамли трансформациялаш ва бу борада жаҳон амалиётида кенг қўлланилувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш биринчи навбатда иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлилигини оширишни кўзда тутди. Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМни ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич, 1,21 фоизни ташкил этса, ривож-ланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этади. Демак, интернет тезлиги 2 баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин. Бундан ташқари, экспертларнинг ҳисоблашларича рақамлаштириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатлари 10-40 фоизгача пасаяди, асбоб-ускуналарнинг бўш туриб қолиши 30-50 фоизгача, маҳсулот ва хизматларни бозорга олиб чиқиш харажатлари 20-50 фоизгача, маҳсулот сифатини яхшилаш ва реклама харажатлари 10-20 фоизгача, ишлаб чиқариш заҳираларини сақлаш харажатлари эса 20-50 фоизгача қисқаради. Рақамли технологияларнинг изчил жорий қилиниши натижасида Шарқий Африкада истиқомат қилувчиларнинг 40

фоизи бугунги кунда коммунал тўловларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширмақдалар, Хитойда 8 миллиондан ошиқ тадбиркорлар (уларнинг учдан бири аёллар) электрон тижорат платформасидан фойдаланган ҳолда, дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилмақдалар. Аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишидан ошиқ бўлган Ҳиндистон айнан рақамли технологияларни амалда изчил қўллаш орқали мамлакатда коррупция даражасини сезиларли даражада камайтиришга эришди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса ясашимиз мумкин бўлади.

Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ҳозирги даражаси кам меҳнат, молиявий ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда юқори иқтисодий самарага эришиш имкониятини беради. Хўжалик юритувчи иқтисодий субъектларининг зарурий ахборотларга эгалик қилиши рақобат устунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу уларга ўз фаолиятларини башоратлаш аниқлигини таъминлашга ва пировардида молиявий савод-хонлигини яхшилашга замин яратади.

Рақамли иқтисодиёт молиявий активлар, тўловлар тизими, меҳнат, товар ва хизматлар бозорини янгича ташкил этиш, уларни инновацион асосларда ривожлантириш борасида катта имкониятлар тақдим этади.

Ташкилот ва корхоналарда ҳужжатлар айланишини ва бу билан боғлиқ харажатларни қисқартиради.

Миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъмин этади, маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланишига ва бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишига замин яратади.

### **Қисқача хулосалар**

1. Коррупция фақат бир кўринишда намоён бўладиган ҳодиса бўлмай, у жамият ҳаётининг турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини камраб олади. Коррупция шакллари хилма-хил бўлиб, уларга пора олишдан тортиб

амалдор хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, жамият маблағларини ноқонуний ўзлаштиришигача киради.

2. Коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодаси бўлиб, унинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини йемиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади, жамиятнинг маънавий- ахлоқий асосларини емиради.

3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши кураш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Республикада қисқа давр ичида Коррупцияни олдини олиш, унга қарши кураш учун қонуний ва меъёрий асослар яратилди. Қонун ва меъёрий ҳужжатлар халқаро меъёрлардан келиб чиқиб ишланди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Коррупция жамият ривожига ғов бўлаётган иллат -бу коррупция балосидир”-деб таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замирида нималар ётибди деб ўйлайсиз. Жамиятда коррупцияни бутунлай йўқотиш мумкинми?

2. Жамиятда коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар нималардан иборат?

3. Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашнинг қонуний ва меъёрий асослари тўғрисида қисқача сўзлаб беринг?

4. Коррупцияга қарши курашишнинг дунё мамлакатлари тажрибаси ҳақида гапириб беринг?



*Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшайётган XXI аср - интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса - бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.*

*(Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов)*

## **10-МАВЗУ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Режа:**

**10.1. Интеллектуал мулк тушунчаси ва унинг моҳияти**

**10.2. Интеллектуал ҳуқуқлар**

**10.3. Интеллектуал мулк ва уни муҳофаза қилишнинг аҳамияти**

**10.4. Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш усуллари**

**10.5. Лицензиялаш ва интеллектуал мулкни бошқариш**

**Таянч тушунча ва иборалар:**

Интеллектуал мулк, интеллектуал ҳуқуқ, интеллектуал фаолият, мулк ҳуқуқи, интеллектуал фаолият натижалари, интеллектуал мулк объектлари, товар белгиси, лицензия, патент, муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, саноат намунаси, ихтиро, фойдали модел, лицензия турлари, роялти, интеллектуал мулкни бошқариш.

### **10.1. Интеллектуал мулк тушунчаси ва унинг моҳияти**

Интеллектуал фаолият натижаларининг янги маҳсулотлар, хизматлар ва технологияларда акс этувчи қийматга трансформацияланиши асосида инновацион иқтисодиёт ва билимлар иқтисодиётининг тараққиёти жадаллашади ва унинг кўламлари тобора кенгайиб боради. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда интеллектуал ресурслар аҳамиятининг ортиб бориши маҳсулот ишлаб чиқариш усулларининг ўзгаришига, билимларнинг янги қиймат яратилишида энг муҳим омилга айланишига олиб келади. Инновацион бизнес муваффақиятининг асосий омилларидан бири интеллектуал фаолият натижаларига эгалик қилиш ҳисобланади, шу сабабли ҳам, замо-навий

компанияларнинг рақобатбардошлиги ва фойдалилик даражаси кўп жиҳатдан, интеллектуал мулк сифатидаги ресурсларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

“Интеллектуал мулк” тушунчаси дастлаб, 1967 йил 14 июлдаги “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)ни ташкил этиш тўғрисида”ги Стокгольм конвенциясида илгари сурилган. Мазкур конвенция интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан бирга, унинг таркиби, яъни объектларини ҳам аниқлади ҳамда БИМТ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кўрсатиб берди. Ҳозир 180 дан ортиқ давлат БИМТ аъзоси ҳисобланади. Мазкур ташкилот БИМТ тизимида бўлиб, 1970 йилдан фаолият юритмоқда. 1974 йилда у ҳукуматлараро халқаро ташкилот номини олган. Айти вақтда БИМТ бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини бир хил ҳимоя қилиш, соҳага оид қонунчилик тизимини яратиш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, ҳимояга олинган объектларни халқаро айирбошлашни қўллаб-қувватлаш, бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш орқали ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, соҳага оид турли халқаро шартномаларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Конвенциянинг 2-моддасига кўра, интеллектуал мулк интеллектуал фаолиятнинг аниқ бир натижаси сифатида майдонга чиқувчи, яъни ишлаб чиқариш, илмий, адабиёт ва санъат соҳаларидаги маълум бир объектларга бўлган ҳуқуқни ифода этади. Интеллектуал мулк инсоннинг ижодий фаолияти натижасида яратилган адабий, бадиий, санъат асарлари ва саноат намунасидир. Ижодий фаолият, ўз навбатида, инсон тафаккури маҳсули ҳисобланади. Шу боис интеллектуал фаолият иштирокчилари - муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг энг фаол субъектларидир.

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган, айти пайтда ҳуқуқий ҳимоя таъмин этилувчи товарлар, хизматлар, шахсийлаштириш воситалари кабилар интел-лектуал мулк сифатида тушунилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 97 -моддасида интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагича

таъриф берилган: “Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белги-ланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг рухсати билангина фойдаланишлари мумкин”<sup>101</sup>.

Бошқача айтганда, интеллектуал мулк - тегишли ҳуқуқий механизмлар билан ҳимояланган интеллектуал активлар ҳисобланади. Интеллектуал мулк муҳофазасининг мустақкам тизимига эга бўлиши лозим. Интеллектуал мулк муҳофазаси ихтирочилар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янгиликларидан фойдаланиш учун соҳага инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1031 -моддасига кўра, интеллектуал мулк объектлари уч гуруҳга бўлинади:

1. Интеллектуал фаолият натижалари:
  - Фан, адабиёт ва санъат асарлари;
  - Ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;
  - Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
  - Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари;
  - Селекция ютуқлари;
  - Ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

---

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Фуқаролик муоамаласи иштирокчиларининг товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

- Фирма номлари;
- Товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- Товарлар чиқарилган жой номи.

3. Интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муоамаласи иштирокчиларининг товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини таркибларга ажратиш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Бизнингча, республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаб, алоҳида кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормалар-нинг бошқа қонунларда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги норма-ларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган нормалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттириш имконияти янада кенгаяди.

Шундай экан, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, энг асосийси жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод орасида соҳага оид назарий, ҳуқуқий билимларни тизимли тарғиб қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизнинг асосий қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Бизнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазалаш соҳасида амалдаги қонунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги ҳуқуқлари акс этган Конституциянинг IX бўлими 36 - ва 42 - моддаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк объектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофазалаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қуйидаги қонунлар амал қилади:

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;

1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги қонун;

1994 йил 6 майда қабул қилинган “ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонун;

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун;

2001 йил 12 майда қабул қилинган “Интеграл микроцизмалар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисида”ги қонунлардир. Мамлакатимизда халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий муҳофаза қилинувчи интеллектуал мулк объектларига қуйидагилар киритилган:

1), илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари; 2) электрон ҳисоблаша машиналари учун дастурлар; 3) маълумотлар базалари; 4) ижро; 5) фонограмма; 6) эфир орқали хабарлар юбориш ёки кабел орқали радио эшиттириш ва телекўрсатувлар узатиш; 7) ихтиролар; 8) фойдали моделлар; 9) саноат намуналари; 10) селекция ютуқлари, 11) интеграл микросхемалар, 12) тижорат сирлари (ноу-хау); 13) фирма номлари, 14) товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, 15) товарларнинг келиб чиқиши бўйича жой номлари; 16) тижорат-савдо белгилари.

Интеллектуал мулк объектларининг бу ёпиқ рўйхати интеллектуал фаолиятнинг барча натижалари муҳофаза қилинишини англатмайди, ўз навбатида барча билимларни икки катта гуруҳга бўлишимиз мумкин бўлади: 1)

амалдаги ҳуқуқий механизмлар орқали муҳофаза қилиш имкони мавжуд бўлмаган билимлар (ғоялар, назриялар, кашфиётлар); 2) муҳофазаланадиган билимлар. Муҳофазаланадиган билимлар ўз навбатида қандайдир сабаблар билан муҳофазаланмасдан қолган ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган интеллектуал мулкка бўлинади.

Амалдаги қонунчилик интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоялаш борасида турли интеллектуал мулк объектларини тасарруф этиш, фойдаланиш ва уларга эгалик қилиш тартибини белгилаб берувчи турли ҳуқуқлар (муаллифлик ҳуқуқи, патент ҳуқуқи ва ҳоказо) ларни кўзда тутди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳақида гап боради. Хусусан, мазкур 5-моддага кўра: “Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (ҳайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади<sup>102</sup>.

### **Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий режимлар**

Интеллектуал мулк объектларини бошқаришда, вужудга келган муаммоларга ҳуқуқий жиҳатдан ёндашув борасида ҳуқуқий категория-ларнинг ўрни катта. Моддий мол-мулкка эгалик қилишда бўлгани каби интеллектуал мулк ҳам эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи мавжудлигини белгилайди. Бироқ, ҳимоя объектларининг номоддий-лиги интеллектуал мулкнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади, яъни интел-лектуал мулк қанча истеъмол қилинмасин, у тугамаслик тавсифига эга бўлиб қолаверади. Агар сиз бирор бир мулкдордан моддий буюм ёки ашё олар экансиз, ушбу вазиятда у ўз моддий мулкидан айрилади ва мулк ҳуқуқи бевосита сизга ўтади. Мободо сиз ўзгаларнинг интеллектуал фаолияти натижаларига эгалик қиладиган бўлсангиз, сиз ўзингизга тегишли бўлмаган билимларга эга бўласиз, бундан мавжуд билимлар камаймайди, тугамайди ва ҳатто ўзининг дастлабки эгасини ўзгартирмайди ҳам. Яна шуни ҳам кўзда тутиш керакки, интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижалари мужассамлашган моддий объектларга мулк ҳуқуқини кўзда тутмайди, масалан, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур муаллифи, ушбу дастур ёзилган ахборот ташувчиларнинг мулкдори саналмайди, янги ишлаб чиқариш технологик жараёнининг яратувчиси эса, мазкур жараённи жорий этиш натижасида олинган барча маҳсулотларга даъво қила олмайди. Интеллектуал мулк масалаларини қараб чиқар эканмиз, кўпинча интеллектуал мулкнинг бир қисми сифатида саноат мулки тушунчасидан фойдаланишга тўғри келади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик тарихан икки йўналишда ривожланиб келган: 1) муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилик ва 2) саноат мулки тўғрисидаги қонунчилик. Саноат мулкини муҳофазалаш бўйича

<sup>102</sup> “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Париж конвенциясига мувофиқ, саноат мулки тушунчаси нафақат саноат ёки савдога нисбатан қўлланилади, балки кенг маънода қишлоқ хўжалиги, унидирувчи саноат ва келиб чиқиши табиий ёки саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган: шароб, ғалла, мева, қорамол, фойдали қазилмалар, минерал сувлар, гуллар, ун каби барча маҳсулотларга нисбатан ҳам қўлланилади. Шундай қилиб, “саноат мулки” атамаси етарлича шартли ҳисобланади ва интеллектуал мулкнинг ишлаб чиқаришда (фақат саноатда эмас) фойдаланилаётган бир қисмини ифода этади. Булар ихтиро патентлари, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари ва товарларнинг келиб чиқиш жой номлари кабилар бўлиши мумкин. 1970-йиллардан бошлаб саноат мулкнинг замонавий концепцияси "ноу-хау" ни ўз ичига қамраб ола бошлади, сўнгги пайтларда селекция ютуқлари ва интеграл микросхемалар топологиясини ҳам улар таркибига киритиш ҳолати кузатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, саноат мулки объектлари ва муаллифлик ҳуқуқи объектлари инновацион фаолият маҳсулотларига бевосита боғлиқдир.

## **10.2. Интеллектуал ҳуқуқлар**

Иқтисодий инновацион тарзда ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича ҳаракатлар режасига мувофиқ, “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашнинг зарурияти бир неча сабабларга асосланган. Биринчидан, фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинадиган патентга лаёқатли объектлар доирасини кенгайтириш. Иккинчидан, муаллифнинг патент олиш учун талабнома топшириш ҳамда саноат мулки объектдан фойдаланиш тартибини аниқлаштириш. Учинчидан, талабнома берувчига унинг истаги бўйича талабномани кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имкониятини бериш. Тўртинчидан, талабнома берувчининг



селекция ютуғига патент бериш жараёнини тезлаштириш ҳамда патент бериш муддатларини қисқартириш. Бешинчидан, талабнома берувчига селекция ютуғига патент амал қилиш муддатини тиклаш имкониятини бериш ҳамда интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлаш. Олтинчидан, “товар белгиси”га доир гувоҳномани бериш муддатларини аниқлаштириш.

Лойиҳада амалдаги бир қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилмоқда. Чунончи, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунда фойдали моделлар сифатида муҳофаза қилинадиган патентга лаёқатли объектлар доирасини кенгайтириш мақсадидаги ўзгартиш акс этирилмоқда. Қонуннинг 7-моддаси ҳар қандай соҳада, яъни маҳсулотга (хусусан, курилма, модда, микроорганизм штамп, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига) ва усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим фойдали модель сифатида эътироф этилиши ҳақидаги қўшимча билан тўлдирилмоқда. Бу соҳада бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилганда, мисол учун Украина ва Грузия патент қонунчилигида фойдали модель объекти сифатида маҳсулот (хусусан, курилмалар, моддалар, микроорганизмлар штаммлари, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг турлари) ва усул бўлиши мумкинлиги маълум бўлди. Германиянинг “Фойдали моделни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ фойдали моделлар объекти сифатида моддалар (композициялар, кимёвий моддалар) муҳофаза қилинар экан. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг тегишли моддаси саноат мулки объектини яратишда ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган муаллифнинг патент олиш учун ҳуқуқларини ҳамда муаллиф ўз номига патент олиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаштиришга қаратилган қоидалар билан тўлдирилмоқда. Яъни агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлса ва муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан саноат мулки объекти яратилганлиги тўғрисидаги ёзма равишда иш берувчига билдирган санадан эътиборан тўрт ой

мобайнида иш берувчи Интеллектуал мулк агентлигига патент олиш учун талабнома топширмаса, бошқа шахсга патент бериш учун талабномани топшириш ҳуқуқини ўтказмаса ёки тегишли объектни сир тутиш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) хабар бермаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабномани топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунга талабнома берувчига патент амал қилиш муддатини тиклаш имкониятини бериш мақсадида янги модда киритилмоқда. Унда ифодаланаётганидек, патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган селекция ютуғи патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил ичида, бироқ патентнинг ушбу қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар агентликка топширилиши мумкин. Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак. Селекция ютуғи патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Селекция ютуғи патентининг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда селекция ютуғидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик кўрган шахс ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирмаган ҳолда ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенциянинг 12-моддасига асосан, талабнома берувчига Интеллектуал мулк агентлигига етишмаётган ёки таҳрир қилинган ҳажжатларни тақдим этиш имконини бериш учун тўлдирилмоқда. Унга кўра, агар расмий экспертиза жараёнида талабнома қонунчиликда белгиланган талабларни бузган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига тегишли

билдиришнома жўнатилган санадан уч ой муддат ичида етишмаётган ёки тўғриланган ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисидаги билдиришнома юборилади.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонунга эса товар белгисига доир ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш муддатларини аниқлаштириш учун тузатишлар киритилмоқда. Бундай ҳужжатни бериш ўрнатилган тартибда ўн кун ичида эмас, ўн иш куни ичида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида халқаро тажрибанинг таҳлиliga таянилды. Украина, Грузия ва Германия, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистон АҚШ, Франция, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси қонунчилигига мурожаат қилинди. Мазкур қонун қабул қилинса, саноат мулки объектлари ҳуқуқий муҳофазасига эга бўлиш муддатларини ва патенлаш билан боғлиқ харажатларни қисқартиришга, саноат мулки объектини яратган муаллифнинг патент олиш учун ҳуқуқлари ҳамда муаллиф ўз номига патент олиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш-тиришга, яратилган саноат мулки объектидан фойдаланилганда муаллифга мукофот олиш ҳуқуқини белгилашга, ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофазаси бўйича халқаро конвенция талаблари билан уйғунлаштиришга, селекция ютуғига патентни бериш муддатларини қисқартиришга, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича меъёрларни халқаро тажрибага мослаштиришга имкон беради.

Интеллектуал мулк институти мазкур мулк объектларига интеллектуал мулк ҳуқуқларининг мавжудлигини назарда тутди. Ушбу ҳуқуқлар қонунчилик томонидан кафолатланади ва қуйидагилар:

- учинчи шахсларга нисбатан мутлоқ тавсифга эга бўлиши;
- у муҳофаза қилинувчи мамлакат чегаралари билан чекланиши;
- амал қилиш муддатларининг чекланганлиги билан тавсифланади.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқнинг мутлақ табиати шу билан изоҳланадики, унга кўра интеллектуал мулк эгалари интеллектуал мулк

борасида қонунчиликда кўзда тутилган барча ҳатти -ҳаракатларни амалга оширадилар ва бир пайтнинг ўзида мулкдорларнинг розилигиз бундай ҳатти -ҳаракатларнинг учинчи шахслар томонидан амалга оширилишига чек қўядилар, яъни интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш борасида қонуний монополияга эга бўладилар.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг мутлоқ тавсифга эга бўлиши шунда кўринадикки, у мулкдорнинг розилигисиз ўзгаларнинг интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга йўл қўйиб берган ҳар қандай шахснинг ҳаракатларига нисбатан қарши чиқади. Интеллектуал фаолият натижаларига бўлган интеллектуал ҳуқуқлар мутлоқ (мулк) ҳуқуқи, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа ҳуқуқларни ўз ичига қамраб олади. Моддий наф олиш имконини берувчи мутлоқ ҳуқуқ:

- энг аввал интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифида вужудга келади;
- қонунга мувофиқ шу ҳуқуқни қўлга киритувчида пайдо бўлади;
- давлат рўйхатига олинган тақдирда у ҳимояланади;
- Фуқаролик Кодексида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари маълум бир муддат давомида амалда бўлади;
- ҳуқуқ эгасига интеллектуал фаолият натижаларидан қонунга зид бўлмаган тарзда ва ўз хоҳишига кўра фойдаланиш, бошқа шахслар томонидан интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланилишига рухсат бериш ёки фойдаланишни таъқиқлаш имкониятини беради;
- ҳуқуқ эгасига лицензия шартномаси асосида интеллектуал фаолият натижаларидан бошқа шахснинг фойдаланиши учун рухсат бериш ҳуқуқини беради;
- интеллектуал фаолият натижалари ифодаланган моддий ташувчиларга мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар доимо муаллиф билан қолади, улар кўчирилмайди, мерос қолдирилмайди ва абадий ҳимояланади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар қаторига муаллифлик ҳуқуқи, номга муаллифлик ҳуқуқи,

асарнинг дахлсизлик ҳуқуқи ва бошқалар киради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 99-моддасида шахсий номулкий ҳуқуқлар тўғрисида қуйидагилар келтириб ўтилади: “Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.”<sup>103</sup>


Интеллектуал мулк тўғрисида гапирар эканмиз, муаллиф ва ҳуқуқ эгаси институтларини фарқлаб олишимиз талаб этилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида муаллифга - ижодий меҳнати билан асар яратган шас, деб таъриф берилган. Ҳуқуқ эгасига эса-муаллифлик ҳуқуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош ҳуқуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот, шунингдек шартномада ёки ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар сифатида тушунтириш берилган.<sup>104</sup> Юқорида тилга олиб ўтилган Қонуннинг 12-моддасида ҳаммуаллифлар тушунчасига аниқлик киритилган бўлиб, унга кўра икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>104</sup> Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.



**1-расм. Интеллектуал ҳуқуқлар.**

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Агар ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас<sup>105</sup>.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча “С” ҳарфи;

мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);

асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида ўзбекистон республикаси интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилган бўлиб, мазкур агентликнинг низоми ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 394-сонли қарори билан тасдиқланган.

Мазкур низомга кўра қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини экспертизадан, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Давлат патент фондини ва интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва

---

<sup>105</sup> Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

юритиш, уларнинг сақланишини ҳамда иқтисодиёт реал секторининг хўжалик юритувчи субъектлари, илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар томонидан самарали фойдаланилиши учун қулайлигини таъминлаш;

интеллектуал мулк соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат интерактив хизматлари кўрсатиш;

корхоналар ва ташкилотларга чет элдаги миллий интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича консултатив ва амалий кўмаклашиш, шунингдек интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

интеллектуал мулк соҳасида давлат сиёсати ва қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, электрон ҳисоблаш машиналари (кейинги ўринларда ЭҲМ деб аталади), маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияси учун муҳофаза қилиш ҳужжатлари бериш юзасидан буюртманомаларни кўриб чиқишга қабул қилади;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номларини давлат экспертизасидан ўтказди, кўрсатилган объектларнинг устуворлигини белгилайди, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг расмий экспертизасини ўтказди;



ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини давлат рўйхатидан ўтказишни, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номларини рўйхатдан ўтказишни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказишни ҳамда интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, муҳофаза қилиш ҳужжатларини беради, Ўзбекистон Республикасида умумий маълум бўлган товар белгиларининг тегишли реестрларини ва Рўйхатини юритади;

ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товарларнинг келиб чиқиш жойлари номи, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига, берилган буюртманомаларнинг белгиланган товарларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича, муҳофаза қилиш ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лойиқлик шартларига мувофиқлигини белгилаш натижалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ихтисослаштирилган ташкилотлари хулосалари асосида муҳофаза қилиш ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

муҳофаза қилиш ҳужжатларининг ва бошқа зарур ҳужжатларнинг ягона шакллари белгилайди;

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман ўзгага бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади ва тегишли реестрларни юритади;

интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради, уларнинг сақланиши ва фойдаланилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

Давлат патент фондини бутлаш ишларини ташкил этади ва ўтказади, ундан иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар, илмий

ташкilotлар, олимлар ва мутахассислар томонидан самарали фойдаланиш учун унинг сақланиши ва қулайлигини таъминлайди;

Агентликнинг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади;

патент бўйича ваколатли вакилларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказди, патент бўйича ваколатли вакилларнинг давлат реестрини юритади;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун бузилишлари тўғрисида белгиланган тартибда хулоса беради;

тузилган шартномаларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳақида хулоса беради;

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун дастурларни тиклаш, реализация қилиш, прокатга бериш, фонограммаларни тайёрлашга лицензиялар беради, шунингдек лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

патент-ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатганлик учун тўлов миқдорларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида манфаатдор шахсларга методик ёрдам кўрсатади;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро кооперацияни ва ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича идоралараро ахборот ҳамкорлигини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади, интеллектуал мулк соҳасида кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

интеллектуал мулк соҳасида фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилади ва уларда қатнашади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш учун интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилишнинг мақсади ва аҳамиятини кенг тушунтириш тадбирларини амалга оширади;

қонунчиликка мувофиқ интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро ва миллий илмий анжуманлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилади ва уларда қатнашади;

интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва улардан қонуний фойдаланиш тўғрисидаги масалаларда аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиши;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро шартномалар тузиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда киритади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириғига биноан мазкур шартномаларни имзолайди;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида тегишли халқаро, минтақавий ва

хорижий ташкилотлар билан музокаралар олиб боради, белгиланган тартибда идоралараро шартномалар тузади;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида хорижий патент идоралари, халқаро минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан патент ҳужжатларини ва патент-ҳуқуқий адабиётларни халқаро алмашишни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланишни ташкил этади;

интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади ҳамда ушбу ҳамкорлик доирасида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ишларида қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди<sup>106</sup>.

### **10.3. Интеллектуал мулк ва уни муҳофаза қилишнинг аҳамияти**

Интеллектуал фаолиятнинг натижаси-илмий-технологик маҳсулот-нинг юқори истеъмол хусусиятларига эга бўлган бозорбоп товарга айланиши амалга ошадиган инновацион соҳа янги билимлар ва технологияларга асосланган замонавий иқтисодиётнинг тараққий этишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айнан, интеллектуал мулк объектлари янги товарлар ва янги технологияларнинг асосини ташкил этади. Инновацион иқтисодиётда интеллектуал мулкнинг ўрни ва аҳамияти унинг кўп функционаллиги билан белгиланади.

Интеллектуал мулк:

- қиймат яратишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири саналади;

---

<sup>106</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 394-сон қарорига ИЛОВА Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида Низом [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

- эгаларига ва фойдаланувчиларига сезиларли иқтисодий фойда келтиради;

- компаниянинг узок муддатли рақобат афзалликларини шакллантиради;

- компания капиталлашув даражасининг ошишига хизмат қилади ишга си ( бугунги кунда компаниялар бозор қийматининг қарийб 80 фоизи номоддий активлар улушига тўғри келади);

- бизнесни рақиблардан ҳимоя қилади;

- лицензион даромад олиш имкониятини беради;

- ишлаб чиқариш ва сотишни назорат қилиш имконини беради;

- стандартларни яратишга ёрдам беради.

Бироқ, ушбу функциялар, агар интеллектуал самарали ҳимоя қилинган бўлсагина, ўз натижасини кўрсатиши мумкин. Тадбиркорларнинг интеллектуал мулкка бўлган қизиқиши асосан янги техник ечимлардан фойдаланиш ёки патентлар ва лицензияларни сотишдан даромад олиш имкониятлари билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Одатий маҳсулотлардан фарқли ўлароқ, интеллектуал фаолият маҳсулотлари, давлат томонидан махсус ҳуқуқий ҳимоя билан таъминланмаган бўлса, уларнинг эгаларига кафолатли даромад келтира олмайди. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ишончли механизмларининг мавжудлиги: • рақобат устунлигини сақлаб қолишни таъмин этади;

- инвестицион иқлимни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради;

- қароқчилик ва контрафакт маҳсулотларга қарши курашишда самарали восита ҳисобланади;

- технологиялар трансфери жараёнларини жадаллаштиришади;

- корхонанинг номоддий активларидан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олади.

**Рақобат устунлигини сақлаб қолиш.** Ташкилот инновацион фаолиятни амалга ошириш натижасида инновацияларни интеллектуал мулк объектлари сифатида ҳимоя қилиш жараёнида белгилаб қўйилган рақобат устунлигига эга бўлади. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

инновацион маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун зарур харажатларга эга бўлмасдан рақобатчиларга улардан фойдаланиш орқали фойда олиш имкониятини бермайди, аксинча, агар имитаторлар нусха-маҳсулот билан бозорга кира олсалар, инновацион маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, яхшилаш, шунингдек, уларнинг рекламаси ва бозорга олиб кириш учун сарфланган харажатлар шунчаки ҳавога совурилиши ҳам мумкин. Таклидчилар нусха кўчириш маҳсулоти билан бозорга кирса, реклама таратиши мумкин. Бундан ташқари, улар маҳсулотни концепциядан оммавий ишлаб чиқаришга олиб чиқиш учун зарур бўлган стартап босқичида харажатларга йўл қўймаганликлари боис маҳсулотларга пастроқ нарх белгилашлари ҳам мумкин.

Инвестицион иқлимнинг сезиларли даражада яхшиланиши. Инновацион иқтисодиёт учун зарур бўлган инвестициялар оқими кўп жиҳатдан интеллектуал мулкнинг самарали ҳуқуқий ҳимояси мавжудлигига боғлиқ. Инвесторлар хатарлилик даражаси юқори бўлган корхоналарга сармоя киритмайдилар. Зеро, бундай корхоналарнинг менежерлари ҳали узоқ муддат рақобатчилар кириб бора олмайдиган бозорда корхона улушининг барқарор бўлишини таъминлаш учун зарур даражада ҳимояланиши лозим бўлган интеллектуал меҳнат натижаларини ҳимоя қила олмайдилар. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг тўғри йўлга қўйилган тизими **қароқчилик ва контрафакт маҳсулотларга самарали қарши курашиш воситаси сифатида хизмат қилади.** Интеллектуал фаолиятнинг ҳимояланган натижаларидан ноқонуний фойдаланиш нафақат мамлакатимиз учун, балки бутун дунё мамлакатлари учун ҳам жиддий муаммога айланиб улгурди. Истеъмол бозорида сохта ва контрафакт маҳсулотлар миқдорининг сезиларли даражада ошиб кетиши истеъмолчиларга жиддий зарар етказди, давлат ҳам катта йўқотишларга учрайди, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳам бундан азият чекадилар. Интеллектуал мулкни самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мавжудлиги ҳар қандай мамлакат иқтисо-диётининг жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади, чунки бу соҳада амалга оширилаётган ва тўғри йўлга қўйилган давлат сиёсати **хўжалик юритувчи субъектларнинг**

**инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва инновацион маҳсулотлар яратувчиларининг ижодий фаоллигини ошириш** омили ҳисобланади.

Асосий мақсади у ёки бу масалаларни ҳал этиш учун янги билимларнинг узатилиши бўлган **технологиялар трансферига** интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлиги тўғридан -тўғри таъсир кўрсатади. Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инновацияларни ҳимоя қилиш инновацион жараёнларни бошқаришнинг муҳим вазифасидир. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши технологияларни узатиш жараёни, инновациялар диффузияси, худди бошқа товар ва хизматлар каби уларнинг сотилиши ва сотиб олиниши жараёнларини жадаллаштириш имконини беради. Интеллектуал фаолият маҳсулотларини алмашиш натижасида яра-тилган технологиялар бозорининг аҳамияти бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам ўсиб бораётганлигини кузатишимиз қийин эмас. Интеллектуал мулк - бу катта фойда келтириши мумкин бўлган ташкилотнинг муҳим номоддий активи ҳисобланиши боис, тегишли ҳимояни таъмин этиш асосида рақобатчилар томонидан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш жуда муҳимдир.

#### **10.4. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш усуллари**

Ҳуқуқнинг ривожланиш тарихи бевосита давлат тарихи билан боғлиқ. Ҳуқуқ иқтисодий базис ва унинг асосида жамиятнинг маданий ривожланиши демакдир ва бундан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас деб таърифлаш мумкин..

Ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқий тизим муайян ижтимоий муносабатлардан бошланадиган айрим меъёрлардан ташкил топади.

Ҳуқуқ меъёри айрим шахслар, ташкилотлар, давлат органлари ва ҳоказоларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалардир. Фақат давлат бутун мамлакат миқёсида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаб бериши мумкин.

Ҳуқуқ тизими ўз ичига турли ҳуқуқ соҳаларини камраб олади, улар ўз навбатида кичик соҳа ва институтларга бўлинади. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича бирлаштирилган ҳуқуқий меъёрларнинг алоҳида гуруҳи ҳуқуқ соҳасидир. Ҳуқуқнинг ҳар бир соҳасига уни тартибга солиш предметининг

хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига мос услуби ҳосилдир.

*Интеллектуал мулк ҳуқуқи* ёки интеллектуал мулк фуқаролик ҳуқуқининг кичик соҳасидир. Патент ҳуқуқи ва фуқаро муносабатлари иштирокчиликларини индивидуаллаштириш воситаларини муҳофазалаш, шунингдек ноанъанавий объектларни муҳофазалашдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулки шу кичик соҳанинг институтларидир.

*Патент ҳуқуқи.* У дастлаб феодализмнинг сўнги даврларида феодал жамият негизда хўжалик юрителишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлаши билан юзага келди. Патент ҳуқуқи - ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия қўлига ўтиши натижасида шаклланди.

Хўжалик юрителишнинг капиталистик усулига ўтиш билан сифат жиҳатидан янги вазият юзага келди. Унга зарур моддий-техника базасини яратиш саноат инқилоби тусини олди. Европа XVI асрнинг ўрталарида Буюк саноат инқилоби даврини бошдан кечирди ва у патент ҳуқуқи юзага келиши учун иқтисодий шарт-шароит яратди.

Бу инқилобнинг асосий босқичларидан бири қўл мануфаактурасидан кўплаб ихтиролардан фойдаланишга асосланган машиналар ишлаб чиқаришга ўтиш бўлди.

Капитализмда иш қуроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик типи бўйича ихтироларни ўзлаштиришга эҳтиёж юзага келди.

Маълумки, ихтироларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳар доим дастлабки сармоя сарфлашни талаб этади. Лекин ҳеч бир тадбиркор ўзи сарфлаган маблағдан фойда олишга улгурмай туриб рақобатчилар худди шу ихтиродан нусха олиб унинг тажрибасидан фойдалана бошламасликларига кафолат олмасдан туриб бундай сармояларни хавф-хатарга қўя олмайди. Айнан ана шу объектив омил сабабли ихтиролардан фойдаланишда ундан етарли даражада узок муддат фойдаланиш ва рақобат курашида ютиб чиқиш имконини берадиган монополия зурур бўлиб қолди.



Бундай монополияни яратиш учун юридик восита - патент Европада феодал жамиятидан буён маълум эди.

Феодализмда патентдан турли мол-мулк эгалари ва қирол ўз хазинаси фойдасига даромад манбаларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида кенг фойдаланар эди. Феодал патент тизими капитализм ривожланиши учун тўсиқ эди, чунки қирол кўплаб патент бериш йўли билан исталган нарсдан фойдаланишга яккаҳокимлик (монополь) ҳуқуқни ўзи хоҳлаганча белгилай оларди. Буржуазия табиийки, бундай ҳолатга, хусусан феодал монополиялар ва ихтироларга монополиялар жорий этишга қарши фаол кураша бошлади. Бунда иқтисодиёт ихтироларга монополиялар феодалнинг марҳамати билан эмас, балки мунтазам, яъни қонунда белгиланган қоидалар бўйича берилиши талаб қилинарди.

Патент ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасидаги илк қадамлар Англияда қўйилди. Мамлакатда феодалларга тегишли имтиёзлар тизимини патент ҳуқуқига айлантириш жараёни XVII асрда бошланди. АҚШ Англиядан кейин ихтироларни муҳофазалаш қабул қилинган мамлакат бўлди. Европанинг бошқа мамлакатларида патент қонунлари нисбатан кечроқ қабул қилинди.

Миллий патент тизимларини иккита гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни патент тизимини “континентал ҳуқуқ” тамойили белгилаб берадиган мамлакатлар ташкил этади. Иккинчи гуруҳини миллий ҳуқуқларига Англия ҳуқуқи таъсир ўтказган мамлакатлар ташкил этади.

Англия ҳуқуқининг континентал ҳуқуқдан асосий фарқи шундаки, қонунлар билан бирга суд жараёнлари (прецедентлари) ҳам ҳуқуқ манбалар ҳисобланади. Бундай ҳолат ҳуқуқда муайян ишлар бўйича кучга кирган ва ушбу ҳолатга мос бўлган қонун меъёрларини изохлаб берадиган суд қарорлари бошқа судлар шу каби ишларни кўрган вақтда қўлланиш учун мажбурий намуна бўлиб қолади.

Ҳар икки йўналишдан ташқари миллий патент тизимларини шартли равишда тўрт асосий: герман, роман, инглиз ва америка гуруҳига бўлиш мумкин, улар патент ҳуқуқининг асосий тизимлари ҳисобланади.

Патент ҳуқуқи ҳамма вақт иқтисодий муносабатлар билан белгиланади, чунки у жамият иқтисодий ривожланишининг зарур омили ҳисобланади.

### ***Муаллифлик ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқи объектлари***

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқининг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

ёзма (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);

оғзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);

овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);

тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);

ҳажмли-фазовий (хайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);

бошқа шакллардаги.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади.<sup>107</sup>

Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан

---

<sup>107</sup> Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 9 июнда маъқулланган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра, қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши деб, эътироф этилади :

муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш;

ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир.

Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши маъмурий ва жиноий жавобгар-ликка тортиш билан жазоланади.

Бугунги кунда жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзи алоҳида яшай олмайди. Халқаро савдо, инвестицияларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши, қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва ҳамкорликнинг бошқа шакллари аллақачон жаҳон иқтисодиётининг ажралмас омили бўлиб қолди

Бундан ташқари йил сайин жаҳонда иқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши кузатилмоқда.

Рақобат кураши шароитида фақат ишлаб чиқаришнинг яхшиланган усулларини қўлланиш ёки техник-иқтисодий ва истеъмол (шу жумладан ташқи кўриниши ва савдо имиджи) хусусиятлари яхшиланган товарларни яратиш йўли билан қўшимча фойда олиш мумкин.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк объектлари, хусусан уларнинг асосий хусусияти - қўшимча фойда “келтирувчи” сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда янги интеллектуал мулк объектларини яратиш, уларни ишончли муҳофазалаш ва самарали фойдаланиш (шу жумладан бу объектларини сотиш) ҳар қандай корхона, фирма, корпорация муваффақиятининг ажралмас элементи бўлиб қолмоқда. Табиийки, турли давлатларда интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг бир-биридан фарқ қиладиган тартиблари талабнома берувчилар учун ихтироларни патентлаш, товар белгиларини рўйхатга олишни мураккаблаштирар, бу эса ҳақоро савдотик иқтисодиётини ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлар эди.

Шунинг учун интеллектуал мулк ҳуқуқлари ривожланишининг бутун тарихи давомида давлатлар интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш масалаларига ёндашувларни бир хиллаштириш йўлларини фаол изламоқда. Бу муаммолар интеллектуал мулк соҳасида халқоро ҳамкорликни зарур қилиб қўйди.

Интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқоро ҳамкорликнинг мақсади турли давлатлар ички қонунчилигининг айрим қоидаларини бир хиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасида халқоро стандартлар ва меъёрлар ишлаб чиқиш йўли билан турли мамлакатларда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофазалашни енгиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат .

Халқоро муносабатларда ҳуқуқларнинг асосий манбаи халқоро битим, шартномалардир. Халқоро шартнома бу халқоро ҳуқуқ билан тартибга

солинадиган давлатлар ўртасидаги келишув бўлиб, унда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб берилади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги асосий халқаро битимлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида бирлаштирилади. БИМТ Стокгольмда 1967 йилда имзоланган ва 1970 йилда кучга киритилган конвенция билан таъсис этилган. БИМТ БМТ нинг 16 та ихтисослашган муассасаларидан биридир. БИМТнинг маъмурий вазифаларини бажарадиган Котибияти “БИМТнинг Халқаро бюроси” деб аталади.

Саноат мулкани муҳофазалаш бўйича Париж Конвенцияси интеллектуал ҳуқуқлар соҳасидаги биринчи, энг умумий халқаро битим бўлади. Париж Конвенцияси 1883 йилда тузилган. Конвенция ҳозирги вақтда амал қилаётган таҳрири 1979 йилда Стокгольмда қабул қилинган бўлиб, 2000 йил 1 январдаги маълумотларга кўра 162 давлат, шу жумладан 1993 йил 18 августда Конвенцияга аъзо бўлган Ўзбекистон ҳам унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Конвенция ихтиро, фойдали модель, товар белгилари, саноат намуналари, фирма номлари, товарларнинг келиб чиқиш жойлари, номлари каби объектларни муҳофазалаш, шунингдек ноҳалол рақобатнинг олдини олишнинг умумий асослари, тамойилларини белгилаб беради. 1970 йилда Вашингтонда тузилган Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (РСТ) энг муҳим халқаро шартномалардан биридир. РСТ, биринчи навбатда, ихтироларга бир неча мамлакатда муҳофаза олишни осонлаштириш ва арзонлаштиришга йўналтирилган. Шартнома шунингдек ривожланаётган мамлакатлар патент тизимининг иш самарадорлигини ошириш ва бу мамлакатлар аҳолисининг илғор техник ечимлар, ихтиролар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишини осонлаштириш йўли билан уларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон 1993 йилда РСТ аъзоси бўлди.

Энди халқаро классификация битимларига ўтамиз. Ихтиролар соҳасида 1971 йилда тузилган Халқаро патент классификацияси тўғрисидаги Страсбург битимининг мақсади патент ҳужжатларини муфассал иерархик индексациялаш ва қидиришнинг ягона тизимини яратишдан иборатдир. Бу битим билан

Халқаро патент классификация (ХПК) таъсис этилган бўлиб, у техниканинг ҳамма соҳасини 70000 дан ортиқ кичик рунлардан иборат саккизта асосий бўлимга ажратади. ХПК турли патент-ахборот тадқиқотлари, патент экспертизасини самарали ўтказиш имконини беради, бу эса патент ахборотини тезкор ва тижорат нуқтаи назаридан қимматли ахборотлар манбаига айлантиради. Ҳозирги вақтда ХПКдан деярли барча давлатлар ва ташкилотлар кенг фойдаланмоқда. ХПК тўғрисидаги Битим доирасида Иттифоқ тузилган бўлиб, у ўз Ассамблеясига эга. Ассамблея Иттифоқнинг бюджети ва икки йиллик дастурини қабул қилади.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро кооперациянинг ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга қаратилган энг сўнги йўна-лишлар Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди давомида таклиф этилган эди. Бугунги кунда ТРИПСга қўшилиш ҳар бир давлатнинг БСТга кириши учун зарур шартдир.

Албатта, интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги халқаро кооперацияни кучайтириш, миллий қонунчиликни уйғунлаштириш давлатлар ва минтақаларнинг индустриал, иқтисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда тобора катта аҳамият касб этади.

**Патент ҳуқуқи ва унинг объектлари.** Инновацион ривожланиш шароитида фаол хўжалик фаолиятини амалга ошириш кўп жиҳатдан компанияда ишлаб чиқиладиган ва амалда қўлланиладиган илғор техник ечимларни ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ. Инновацияларни муҳофаза қилишнинг энг самарали воситаси - бу патентлаш ҳисобланади. Патент - бу интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланишда устунлик берувчи, муаллифлик ҳуқуқи ва унинг эгасининг мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Патентнинг қиймати шундан иборатки, у ўз эгасига патент берилган мамлакат чегарасида патентнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар интеллектуал фаолият натижаларидан якка ўзи фойдаланиши борасида мутлоқ ҳуқуқ беради ва патент эгасининг розилигисиз ўзгаларнинг интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланишини таъқиқлайди. Патент ўз эгасига қонуний монополия ва бозорда катта ҳокимиятга эга бўлиш имконини беради. Патент ихтиро ёки фойдали моделнинг моҳиятини ҳар бир киши учун очиб беради, шунинг учун бу ерда тасвирланган техник ечим ҳар қандай шахслар томонидан бошқа мамлакатларда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин, лекин бундай маҳсулотни патент амал қилувчи мамлакат ҳудудига олиб кириш таъқиқланади.

Патент қуйидаги функцияларни бажаради:

- ҳуқуқ эгасининг интеллектуал мулкни нусха олиш ва ўғирлашдан ҳимоя қилади;
  - маркетинг воситаси сифатида рақобатчиларга нисбатан ҳуқуқ эгасининг маҳсулотларини қонунийлигини тасдиқлайди;
  - муайян бозор улушини назорат қилишни таъминлайди;
  - ҳуқуқ эгасига ҳуқуқбузар шахсдан патент бузилишига чек қўйишни, етказилган зарарни қоплашни, обрўни ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган суд қарорини омма ихтиёрига ҳавола этишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.
- Мамлакатимиз қонунчилигига мувофиқ, илмий-техник соҳасидаги ва бадий-конструкторлик соҳасидаги интеллектуал фаолият натижалари патент ҳуқуқининг объектлари ҳисобланади

Илмий-техника соҳасидаги интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагилар киради:

- ихтиро - маҳсулотга (қурилма, модда, штамм, хужайрага) ёки услубга (моддий воситалар билан моддий объектлар устида ҳатти-харакатларни амалга ошириш жараёни) тегишли бўлган техник ечим муҳофазаланади;

□ фойдали модел - қурилмага тегишли техник ечим ҳимояланади (қурилма дейилганда деталь, узел ёки уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган яхлит қисми тушунилади). Фойдали модел одатда, кичик ихтиро ҳам деб номланади.

Бадиий-конструкторлик соҳасидаги интеллектуал фаолият натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

□ саноат намунаси - буюмнинг ташқи кўринишини белгилаб берувчи бадиий-конструкторлик ечими муҳофаза қилинади.

“Саноат намунаси” техник дизайн (маҳсулотнинг эргонометрик тавсифи) ва эстетик дизайн ( ташқи кўриниш, ранг, маҳсулот шакли)ни ўз ичига қамраб олади.

Илмий-техник ёки бадиий-конструкторлик ечимларига патент олиш учун улар маълум бир талабларга ва патентга лаёқатлилик мезонларига жавоб бериши лозим.

Ихтиролар учун қуйидаги талаб ва мезонлар илгари сурилади:

- янгиликнинг жаҳонда мутлоқ янгилик сифатида тан олиниши;
- ихтирочилик даражаси;
- саноатда қўлланилиш даражаси.

Фойдали моделлар учун қуйидаги талаб ва мезонлар муҳим ҳисобланади:

- янгилик;
- саноатда қўлланилиш даражаси.

Саноат намунаси учун қуйидагилар муҳим саналади:

- янгилик;
- оригиналлик.

Патент ҳуқуқи объектлари учун янгилик мезонлари асосий ҳисобланади. Янгилик ихтиро аввалдан маълум бўлмаслиги, мазкур ихтиро элон қилинганга қадар дунёнинг ҳеч бир жойида у ёки бу тарзда очилмаган бўлиши лозимлигини аниқлатади.

Инновацион фаолиятни бошқаришда хизмат асарларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш катта аҳамият касб этади. Мамлакатимиз қонунчилигида мазкур ҳолатга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан,



Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасида Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи борасида тўхталиб ўтилган. Унга кўра хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади.

Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир.

Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун муаллифлик ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Интеллектуал мулк объектларига мулкӣ ҳуқуқлар фуқаро ёки юридик шахснинг шу объектга алоҳида ҳуқуқларидир. Фақат алоҳида ҳуқуқлар эгаси интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига руҳсат бериши ёки ман қилиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар фақат қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва фақат интеллектуал мулк объектларидан меъёрида фойдаланишга ҳамда унинг эгасининг қонуний манфаатларига зарар етказилмаган тақдирдагина чекланиши мумкин.

Алоҳида ҳуқуқлар қуйидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

□ Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги қурилмаларни бошқа давлат, Париж

конвенцияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

□ Таркибида патентланган объектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

□ Табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни қўлланиш. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган объектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб қарор қабул қилади, лекин бундай ҳолларда объектдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади;

□ Таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар қонуний йўл билан хўжалик айланмасига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг лицензияси бўйича)

□ Воситаларни ҳеч қандай даромад олмасдан шахсий мақсадларда қўлланиш;

□ Дорихоналарда шифокор рецепи бўйича дориларни бир марта таёрлаш.

**Ихтирога патент** - ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма йил мобайнида амал қилади, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

**Ихтирога дастлабки патент** (2002 йил октябрь ойигача) - дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин;

**Саноат намунасига патент** - моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади, патент эгасининг илтимоси билан амал қилиш муддатини яна беш йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади;

**Саноат намунасига дастлабки патент** (2002 йил октябрь ойигача)- Дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

**Фойдали моделга патент** - дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

**Товар белгисига гувоҳнома** - экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб қолади.

Агар объект патентга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган объектлар учун қуйидаги мезонлар белгиланган:

- *Ихтиролар учун - унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланилиши;*
- *Фойдали модель учун - унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;*
- *Саноат намунаси учун - унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.*

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча *техника даражаси* тушунчасидир. **Техника даражаси** ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланиладиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият жиҳатидан экспертизадан фарқи энг аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган объектнинг (ихтиро, фойдали модель) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни *патент экспертлари* фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса объектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент, дастлабки

патент ёки гувоҳнома беради. Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан бериледи ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шунинг қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта объектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома) бериледи. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамизки, кейинчалик патент эгаси патент ёки дастлабки патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. *Патент, дастлабки патент қуйидаги ҳолларда ҳам амал қилишдан тўхтатилиши мумкин:*

патентнинг амал қилиш муддати тугагач;

патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;

патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг “Расмий ахборотнома” бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. *Улар патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.*

Инновацион фаолиятнинг барча натижалари ҳам патент ҳуқуқи ёки муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида ҳимоя қилиниши мумкин эмас ва баъзан бу мақсадга мос ҳам келавермайди. Ушбу ҳолатдан инновацион фаолият субъектлари бу борадаги ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 98-моддасида бу ҳақда сўз боради. Мазкур модда хизмат ва тижорат сири деб аталиб унда қуйидагилар ҳақида тўхталиб ўтилади:

Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.<sup>108</sup>

### **10.5. Лицензиялаш ва интеллектуал мулкни бошқариш**

Ташкилотлар инновацион фаолиятининг мақсади нафақат бозорга янги маҳсулотлар ва хизматлар билан кириш, ўзлаштирилган маҳсулотни такомиллаштириш, амалда қўлланилаётган технологияларнинг самарадорлигини ошириш, балки инновацияларнинг ўзини сотиш орқали даромадлар олиш ҳам бўлиши мумкин. Лицензиялаш интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг кенг тарқалган усулларида бири ҳисобланади. Инновациялардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш йўли билан инновациялар билан савдо қилиш кўплаб компанияларга ушбу инновацияларга асосланган инновацион маҳсулотлар ва хизматларни сотишдан тушадиган даромадлардан ҳам кўпроқ даромад олиш имкониятини беради. Кўпинча, тижорат, молиявий, иқтисодий ёки бошқа сабабларга кўра компания ўз ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ва яратилган баъзи янги техник ва технологик ечимларини амалда қўллашни маъқул кўрмайдилар. Бироқ, интеллектуал фаолиятнинг мазкур натижаларини сотиш фавқулодда самарали бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, бу жараён интеллектуал фаолият натижаларини сотишнинг инновацион лицензиялаш бизнес-моделли орқали амалга оширилади.

Мутлоқ патент ҳуқуқларини тижоратлаштириш бошқа хўжалик субъектларига инновациялардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, яъни технологиялар трансферининг муҳим шаклларида бири бўлган лицензиялаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Лицензия (лотинча “licentia”- рухсат, ҳуқуқ) - бу интеллектуал мулк объектига мутлоқ ҳуқуққа (ихтиро, фойдали модел ёки саноат намунаси учун патент) эга бўлган бирор бир юридик ёки жисмоний шахс (лицензиар) нинг

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

қонун йўли билан муҳофаза қилинувчи интеллектуал мулк объектини бошқа бир шахс (лицензиат)га маълум бир шартлар асосида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ёзма тартибда лицензия шартномасида лицензия шартлари томонлар ўртасида келишилади ва албатта давлат рўйхатидан ўтказилади. Одатда, лицензия шартномаси асосида у амал қиладиган ҳудуд, муддат, лицензиатга берилаётган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби ва бошқа шартлар келишиб олинади, бу шартлашувчи иккала томонга ҳам интеллектуал мулк объектларидан энг самарали тарзда фойдаланиш борасида ўз стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Амалиётда бир нечта лицензия турлари мавжуд. Мутлоқ бўлмаган (оддий) лицензия лицензиатга интеллектуал мулк объектдан шартномада назарда тутилган чегаралар доирасида фойдаланиш ҳуқуқини беради (масалан, белгиланган муддатда, белгиланган ҳудудда); бунда лицензиар лицензия шартномаси объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ва уни учинчи шахсларга лицензияга бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Мутлоқ лицензияда лицензиат (харидор) шартномада кўзда тутилган шартлар доирасида (масалан, маълум ҳудуд доирасида, маълум бир келишилган вақт мобайнида) шартнома объектдан мутлоқ фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу эса лицензиар (мулкдор) лицензияни яна бир бошқа шахсга бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини, балки унинг ўзи ҳам мутлоқ лицензия берилган патент ҳуқуқи объектдан фойдалана олмаслигини ҳам англатади. Шундай бўлсада, лицензиар шартномада кўзда тутилмаган шартнома объектнинг маълум бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Шунинг учун, битта интеллектуал мулк ҳуқуқи асосида бир нечта мутлоқ лицензиялар берилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд. Жаҳон амалиётида, интеллектуал мулкдан лицензия асосида фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш қуйидаги уч кўринишдан бирида амалга оширилади: роялти, бир марталик тўлов ва комбинациялашган тўлов шакллари. Ҳақ тўлаш шакли

лицензиар ва лицензиат ўртасида лицензия шартномаси шартларини келишиб олиш чоғида аниқлаштириб олинади.

Роялти-лицензия объектдан фойдаланишнинг иқтисодий натижаларига (лицензиат томонидан олинган даромаднинг улуши ёки инновацион маҳсулот сотиш ҳажми ва бошқалар) қараб, лицензия шартномасининг амал қилиш муддати давомида харидор (лицензиат)нинг даромадидан даврий ажратмалар ҳисобланади. Роялтининг иқтисодий маъноси ҳуқуқ эгасининг фойдасига ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот баҳосининг маълум бир фоизини белгилаб, лицензиат ва лицензиар ўртасида келишилган нисбатларда лицензиядан фойдаланишдан олинган даромадни тақсимлашдан иборатдир. Шу боис, лицензиянинг нархи- бу келгусидаги сотувлар функцияси дейишимиз ҳам мумкин. Интеллектуал мулк эгаси учун роялти шаклида ҳақ тўлаш лицензиат томонидан инновациялардан фойдаланиш натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лицензион битимларнинг 80-90 фоизда лицензиар билан ҳисоб-китоб қилишда роялтидан фойдаланилади. Бир марталик тўлов - бу бир марталик амалга ошириладиган тўлов, яъни. қатъий, олдиндан ҳисоблаб чиқилган сумманинг бирданига яхлит тўлаб берилишидир. Бундай ҳолда, ҳуқуқ эгасига бериладиган ҳақ миқдори лицензиат томонидан интеллектуал мулкдан фойдаланиш натижаларига мутлақо боғлиқ бўлмайди.

Амалиётда тўловнинг комбинациялашган шакли, яъни роялти ва бир марталик тўлов шаклларни ўз ичига олган тўлов шаклидан ҳам фойдаланилади.

Интеллектуал мулк объекти қийматини ҳисоблаш:

- роялтидан озод қилиш усули бўйича

$$V = \sum_{i=10}^n \frac{Ri}{(1+d)^i}$$

Бу ерда:

V-интеллектуал мулк қиймати;

Ri -i-йилдаги даромадлар (роялти) (p\*q\*r);

d- таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкаси;

n-даромадлар келиб турувчи йиллар сони.

- фойдадаги устунлик усули бўйича

$$V = \sum_{i=1}^n \frac{MRi - CRi}{(1 + d)^i}$$

Бу ерда:

V- интеллектуал мулк қиймати;

MRi- i-йилдаги монополия шароитидаги даромад;

CRi- i-йилдаги рақобат шароитидаги даромад;

d- таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкаси;

n-даромадлар келиб турувчи йиллар сони.

- пул оқимларини дисконтлаш усули бўйича

$$Mn = \sum_{t=1}^n \frac{CFt}{(1 + d)^t}$$

Бу ерда:

CFt-фойдаланишнинг t-йилидаги пул оқимлари;

Mn- n йилдан сўнг интеллектуал мулк объектининг қиймати;

d-дисконтлаш ставкаси.


Интеллектуал мулкни бошқариш - стратегик бизнес мақсадларига эришиш қобилиятига таъсир кўрсатадиган инновацион компания бошқарувининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Замонавий юқори технологияли корхонани бошқаришнинг муваффақияти - билимларга асосланган номоддий активларни яратиш, ҳимоя қилиш ва улардан самарали фойдаланишда ўз ифодасини топади.

Компаниянинг интеллектуал мулкни бошқаришнинг моҳияти унинг объектларга бўлган ҳуқуқларининг портфелини бошқаришдан иборатдир. Бундай портфел корхонанинг ҳимояланган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлоқ ҳуқуқларни ва шунингдек, лицензия шартно-малари асосида олинган натижалардан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқлар портфели одатда патент ҳуқуқлари асосида ташкил топсада, унинг



таркибига муаллифлик ҳуқуқи объектларига мутлоқ ҳуқуқларни, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау), товар белгилари ва шу кабиларни ҳам киритишимиз мумкин.

Шундай қилиб, интеллектуал мулкни бошқаришда интеллектуал меҳнат ва шахсийлаштириш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва назорат қилиш назарда тутилади. Интеллектуал мулкни бошқаришнинг асосий вазифаси-бошқарув объектини кейинчалик капиталлаштириш орқали корхонанинг қимматли активига айлантиришдан иборатдир. Интеллектуал мулкни бошқариш бир нечта соҳаларга бўлинувчи функция ва жараёнларни ўз ичига олади (2-расм):



Интеллектуал мулкни бошқариш бўйича фаолият йўналишлари

- интеллектуал фаолият натижаларини яратиш;
- уларга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш;
- ИФНларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш;
- юқорида санаб ўтилган жараёнлар билан боғлиқ операцияларни молиялаштириш;
- интеллектуал мулкни бошқариш бўйича барча тадбирларни ташкилий жиҳатдан ва ахборот билан таъминлаш.

Замонавий илм-фан сиғимли корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мураккаблиги ва улар фаолиятининг юқори даражада хавф-хатарга мойиллиги билан тавсифланади. Интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни доимий янгилаб боришга доимий заруратнинг мавжудлиги шароитида бундай ишлаб чиқаришлар билан боғлиқ хавф-хатар даражаси юқори бўлганлиги боис, интеллектуал мулкни бошқариш жараёнига интеллектуал мулк мавжуд бўлишинининг барча босқичларида юзага келувчи хавф-хатарларни бошқариш ҳам киритилади. Интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш стратегияси компаниянинг катта -кичиклигига, унинг ҳаётийлик циклига, ишлаб чиқаришни диверсификация даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб имкониятлари борасида шубҳасиз катта имкониятларга эга бўлган йирик

корпорациялар қатор тармоқлар ва фаолият соҳаларида бир қатор устунликка эга бўлишлари билан ажралиб турадилар. Лекин барча инновацион компаниялар учун яратилаётган маҳсулотлар асосини ташкил этувчи илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида самарали қарорлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Йирик компанияларда бошқарув қарорларини қабул қилиш интеллектуал мулк объектларини корхона портфелига киритиш ёки ундан чиқариб ташлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Йирик корхоналарнинг интеллектуал ресурсларини бошқариш вазифасига объектларни инвентаризациядан ўтказиш орқали ҳимояга лаёқатли объектларни аниқлаштириш, уларнинг тижорат жиҳатидан муҳимлигини баҳолаш, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоялашнинг мақбул бўлган шакллари танилаш, номоддий активлар сифатида уларни ҳисобга олиш, тижоратлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан энг мақбул шакллари аниқлаштириш, шартномалар бўйича интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бошқаларга бериш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тартибини жорий қилиш, янги билимларни яратувчилар ва улардан фойдаланувчилар (муаллифлар, иш берувчилар, инвесторлар, ҳуқуқ эгалари) ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, шахсийлаштириш воситалари ва интеллектуал фаолият натижаларидан самарали фойдаланиш, бошқа корхоналарнинг устав капиталига интеллектуал мулк билан улуш кўшиш кабилар киради.

Катта компанияларда интеллектуал мулкни бошқариш куйидаги мақсадларга эришишга қаратилган:

- маълум бир бозорда ёки тармоқда технологик жиҳатдан етакчиликни таъминлаш;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш эвазига кўшимча даромад олиш;
- етакчи рақобатдош компаниялар билан биргаликда технологик ҳамкорлик шаклидаги стратегик альянсларда қатнашиш;

- инновациялардан фойдаланиш эвазига маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш; • муомаладан ташқари активлар таркибида номоддий активлар улушини ошириш ҳисобига капиталлашувнинг ўсишига эришиш;

- технологик қарамликнинг олдини олиш ва интеллектуал мулк натижалари, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига барҳам бериш орқали компаниянинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

- инновацион ечимларни яратиш ва уларни амалиётга жорий қилиш жараёнларига ходиларни фаол жалб қилиш.

Ихтирочиси, эгаси ва бошқарувчиси кўпинча бир шахсда мужассамлашган кичик инновацион компанияларда интеллектуал мулкни бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Одатда, бундай корхоналар муайян инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш мақсадида яратилган бўлиб, уларни интеллектуал мулк объектларининг портфелини бошқариш масаласи эмас, балки интеллектуал фаолиятнинг муайян бир натижасидан самарали фойдаланиш, мос равишда интеллектуал фаолият натижасининг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш борасидаги ишларни тўғри ташкил этиш қизиқтиради. Инновацион лойиҳанинг экиш ва экишдан олдинги босқичларида янги маҳсулот концепциясини шакллантириш асносида потенциал рақобатчилар ва истеъмолчилар аниқлаш-тирилади, янгиликларни потенциал тижоратлаштириш имкониятлари аниқланади. Ушбу босқичда бундай компанияларда ўз ишланмаларини тўлақонли патентлаш учун одатда маблағлар етишмайди, бундан ташқари тадқиқотлар ва ишланмалар ўз поёнига етмаганлиги боис, ишлаб чиқиладиган инновацияларни ҳимоя қилиш мақсадида махфийликка амал қилиш талаб этилади. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий ҳимоя стратегияси аниқлаштирилади, бунда у қуйидагиларга ойдинлик киритиши лозим бўлади:

- бўлғуси ҳимоя тартибини танлаш ( патент ҳуқуқи ёки ишлаб чиқаришнинг тижорат сири);

- патентлаш маъқул кўрилса, ихтиро учун патент ва ёки фойдали модел учун патентдан бирини танлаш;

- агар ихтирони патентлаш авфзал кўрилса, патентнинг қурилма учун ёки усул учун бўлишини аниқлаш;

- ҳимоя ҳажмини, сўралаётган патентлар сонини аниқлаш ( патент ёрдамида маҳсулотнинг ўзини уни ишлаб чиқариш усулини, маҳсулот яратилаётган материални, уни тайёрлашда фойдаланилаётган техник ечим ва шу кабиларни ҳимоялаш мумкин);

- асосий рақобатчилар, компаниянинг ишлаб чиқариш ҳажми, компания маҳсулотларини сотиш бозори, потенциал лицензиат, потенциал стратегик инвестор кабиларни ҳисобга олган ҳолда патентлаш амалга ошириладиган мамлакатни танлаш;

- патентлаш жараёнидаги амалиётларни аниқлаштириш (миллий патент идораларига мурожаат қилиш, халқаро патент агентликларига сўровномалар юбориш).

Экиш босқичида, устунликни таъминлаш мақсадида ва шунингдек, янги маҳсулотга қизиққан инвесторларни жалб қилиш мақсадида патент бериш учун ариза бериш тавсия этилади. Стартап босқичида дастлабки синов сотувлари бошланади, аммо бозорга тўлиқ ҳуқуқий муҳофаза қилинмасдан янги маҳсулотлар билан кириб бўлмайди. Айни пайтда интеллектуал мулк аллақачон ишончли ҳимояга эга бўлиши керак. Шу билан бирга, патентлаш билан технологик сирларни ошкор қилиш хавфи ҳам мавжуд, шунинг учун патентларнинг тавсифида ошкор қилиб бўлмайдиган нарсаларни ажратиш ва тижорат сирини сақлаб қолиш зарур.

### **Қисқача хулосалар**

1. Инновацион бизнес муваффақиятининг асосий омилларидан бири интеллектуал фаолият натижаларига эгалик қилиш ҳисобланади, шу сабабли ҳам, замо-навий компанияларнинг рақобатбардошлиги ва фойдалилик даражаси кўп жиҳатдан, интеллектуал мулк сифатидаги ресурсларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

2. Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган, айти пайтда ҳуқуқий ҳимоя таъмин этилувчи товарлар, хизматлар, шахсийлаштириш воситалари кабилар интеллектуал мулк сифатида тушунилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 97 -моддасида интеллектуал фаолият натижаларига қуйидагича таъриф берилган: “Ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белги-ланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

3. Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқнинг мутлақ табиати шу билан изоҳланадики, унга кўра интеллектуал мулк эгалари интеллектуал мулк борасида қонунчиликда кўзда тутилган барча ҳатти -ҳаракатларни амалга оширадилар ва бир пайтнинг ўзида мулкдорларнинг розилигиз бундай ҳатти - ҳаракатларнинг учинчи шахслар томонидан амалга оширилишига чек қўядилар, яъни интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш борасида қонуний монополияга эга бўладилар.

4. Интеллектуал мулкни самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мавжудлиги ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади, чунки бу соҳада амалга оширилаётган ва тўғри йўлга қўйилган давлат сиёсати хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва инновацион маҳсулотлар яратувчиларининг ижодий фаоллигини ошириш омили ҳисобланади.

### **Назорат саволлари**

1. Интеллектуал мулк деганда нимани тушунасиш. Ўз фикрларингизни мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг?

2.Интеллектуал ҳуқуқ нима? Унинг асосий хусусиятларини санаб беринг?

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида интеллектуал мулк ҳуқуқининг қандай объектлари кўрсатиб ўтилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?

5. Инновацион иқтисодиётда интеллектуал мулкнинг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?

6. Интеллектуал мулк объекти қийматини ҳисоблашнинг қандай усуллари мавжуд?

7. Инновацион компаниянинг интеллектуал мулкни бошқариш дейилганда нима тушунилади?

8. Лицензиялаш ва патентлаш тўғрисида батафсил тушунча беринг?

*Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз.*

*Ш. Мирзиёев*

## **11-МАВЗУ. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

**Режа:**

**11.1. Бозор шароитида инновациялар ва корхоналар тараққиётининг асосий йўналишлари**

**11.2. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси**

**11.3. Давлатнинг инновацион сиёсати корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида**

**11.4. Мамлакатда фан соҳасида сиёсат ва унинг асосий йўналишлари**

**11.5. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш концепцияси асослари**

**Таянч тушунча ва иборалар:**

Инновацион фаолиятни бошқариш, давлатнинг инновацион сиёсати, давлатнинг фан ва илмий фаолият борасидаги сиёсати, инновацион муҳит, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, илмий-техник маҳсулот, инновацион кластер, инновацион таваккалчилик, инновацион фонд, технологияларни тижоратлаштириш, миллий инновацион тизим, инновацион фаолият субъектлари, барқарор ривожланиш.

### **11.1. Бозор шароитида инновациялар ва корхоналар тараққиётининг асосий йўналишлари**

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқ-



да. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга ошириладиган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади. Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади. Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим. Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади. Бироқ, бой интеллектуал ва инфратузилмавий салоҳиятга қарамасдан, мамлакатда инновацияларни жорий

этиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилмаган, бунга қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган:

давлатнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада комплекс таҳлил қилинмасдан ва ўрганилмасдан келган; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона орган мавжуд эмас; инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг татбиқ этиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаган;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар соҳасида юқори салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мамлакат иқтисодиёти ва хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этишнинг асосий воситаларидан бири-бу давлат иқтисодий сиёсатининг бугинларидан ҳисобланувчи инновацион сиёсатдир. Давлат инновацион сиёсат ёрдамида бевосита ишлаб чиқариш ҳажми суръатларининг ошишига, фан-техника тараққиёти тезлашишига, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасининг ўзгариши, социал муаммоларни хал қилишга таъсир ўтказа олади.

Инновацион сиёсат деганда давлатнинг иқтисодиётни кўтариш ва иқтисодий-ижтимоий тараққиёт масалаларини хал қилиш мақсадида мамлакат инновацион моҳиятини самарали қўллаш, инновацияларни амалга ошириш

учун зарур шароитларни таъминлашга хизмат қилувчи мақсадли фаолияти тушунилади.

Давлат томонидан фан-техника муҳитини қўллаб-қувватлаш тизимида тубдан ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги” Фармони қабул қилиниши билан юз берди. Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади. Ушбу мамлакатларда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат стратегиясининг ижроси шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи махсус идоралар томонидан амалга оширилади. Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Бошқача қилиб айтганда, биз Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга,

шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантиришимиз лозим.

Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади. Бироқ, бой интеллектуал ва инфратузилмавий салоҳиятга қарамасдан, мамлакатда инновацияларни жорий этиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилмаган, бунга куйидаги тизимли муаммолар мавжудлиги сабаб бўлган:

давлатнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденциялари лозим даражада комплекс таҳлил қилинмасдан ва ўрганилмасдан келган;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона орган мавжуд эмас;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларини кенг татбиқ этиш, инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолият йўлга қўйилмаган;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар соҳасида юқори салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий

ютукларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-хуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **“Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”**ги Фармон қабул қилинди. Мазкур Фармонга инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни кенг жорий этиш борасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалда рўёбга чиқариш бўйича муҳим қадам сифатида қараш мумкин. Фармон билан стратегик режалаштириш тизимини яратиш, давлат бошқарувининг инновацион шакллари амалга киритиш, фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, хуқуқий базани такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг долзарб соҳаларига илғор технологияларни фаол жорий этиш каби мамлакат **инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари** белгиланди. Фармон билан **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги** ташкил этилди ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилди. Бундан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инновацион ва илмий-техник ривожланиши соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган этиб белгиланди. Вазирлик давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси бўлади, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича давлат бошқарув органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Инновацион технологиялар ҳисобига ривожланишнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқувчи, шартли равишда “келажак вазирликлари” деб номланувчи ихтисослаштирилган идораларни ташкил қилиш бўйича жаҳон тенденциясини қайд этиб ўтиш лозим.

Ташкил этилган **Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича ҳисобот беришнинг шаффоф тизимидан фойдаланган ҳолда инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаси ҳисобланади. Фармонни амалга ошириш доирасида фаолиятда бир-бирини такрорлашни истисно этиш мақсадида вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилади, уларнинг ташкилий-штат тузилмалари ва ваколатлари оптималлаштирилади. Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича технопаркларни ташкил этиш мақсадида **Фанлар академияси** ва **Олий аттестация комиссиясининг** фаолиятини танқидий ўрганиш топширилди. Фармонда инновацияларни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ҳамда қўллаб-қувватлаш шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни белгиловчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши инновацион ва илмий-техникавий ривожланиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга қаратилган. Янги идора инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рўёбга чиқариш учун бюджет маблағларидан оқилона фойдаланган ҳолда мавжуд ресурс ва маблағларнинг сафарбар этилишини таъминлайди. Пировард натижада, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион йўли иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, мамлакат барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг омили бўлиши лозим.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг бундай механизми бутун дунёда энг илғор механизмлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда у

ривожланган АҚШ, Германия, Италия, Испания, Франция каби мамлакатларда муваффақият билан қўлланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистан иқтисодий ҳолати учун мос келадиган «инновацион муҳит» ибораси бўлғуси инновациялар учун корхоналар жозибadorлигини тавсифлайди. Инновацион муҳитни баҳолашда одатда бир катор параметр ёки белгилар қўлланилади. Мазкур параметрлар давлатнинг инновацияларни жорий этиш салоҳияти ва уларни амалга ошириш таваккалини характерловчи белгилардир. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир: сиёсий барқарорлик; макроиқтисодий ҳолат; инновацион фаолият ҳукукий асослари; солиқ тизими сифати ва солиққа тортиш даражаси; банк тизими ва бошқа молиявий институтлар ҳолати ва ишончлилиги; инфраструктуранинг ривожланиш даражаси; ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши; давлат бошқарув тизими. Иқтисодий соҳада инновацион муҳит яхшиланишига қуйидагилар ўз таъсирини ўтказади деб ҳисоблаймиз:

- миллий корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш;

- давлат буюртмаси буйича бажарилган ишлар буйича саноат мажмуаси ташкилотлари ва корхоналарининг қарзларини қоплаш;

- давлат буюртмаси буйича саноат мажмуаси корхона ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган инновацион фаолиятларни молиялаштириш.

Фикримизча, бу фаолият ажратиладиган маблағларнинг янади самарали ишлатилишига уларнинг келажакдаги технологик лойиҳаларни бажаришга йўналтиришга ёрдам беради, шунингдек, молиявий ресурсларни мақсадсиз ишлатилишининг олдини олади;

- бюджет томонидан илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ажратиладиган харажатлар хиссасининг оширилиши;

- ташкилот ва корхоналарда фойданинг инновацион ишланмалар учун йўналтириладиган қисмини солиқдан озод қилиш.

Ишлаб чиқариш соҳасида инновацион институтлар фаолиятини мукамаллаштириш давлат инновацион сиёсатининг муҳим йўналиши

ҳисобланади. Кўпгина иқтисодий илмий ишларда инновацион институтлар инновацияларни тадбиқ этишни амалга оширувчи, шунингдек, инновация соҳасида воситачилик ва консалтинг хизматлари кўрсатувчи ҳар қандай ташкилий-ҳукукий шаклдаги ихтисослаштирилган ташкилотлар сифатида қаралади. Давлат инновацион сиёсатининг амалга оширилишида саноат мажмуаси корхоналарининг инновацион жозибadorлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда иқтисодиёт нинг реал секторида инновация ҳолати кунгилдагидай деб бўлмайди. Кўпгина саноат корхоналари рақобатбардош эмас, уларнинг асосий фондлари маънавий ва жисмоний жихатдан эски. Бундай шароитларда давлатнинг саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, алоҳида хўжалик субъектларининг инновацион жозибadorлигини оширишга йўналтирилган инновацион сиёсати муҳим роль уйнайди. Фикримизча, саноат мажмуаси корхоналарининг инновацион жозибadorлиги инновацион лойиҳаларга маблағларни самарали жойлаштириш учун хизмат қилувчи объектив жихатлар мажмуасидир. У корхоналарнинг экспорт ва илмий-техник потенциали, молиявий барқарорлик даражаси, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш даражаси, инновацион дастурлар сифати кабилар билан белгиланади.

Саноат мажмуаси корхоналарининг инновацион жозибadorлигини таъминлаш-бу миллий иқтисодиёт самарадорлигининг муҳим йўналишидир. Уни амалга ошириш учун комплексли ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини атрофлича баҳолаш ва инновацион фаолликка таъсир этувчи ички омиллар сифатини яхшилаш кабилар мазкур дастурнинг асосий йўналишлари сифатида хизмат қилиши лозим.

Саноат мажмуаси корхоналарининг инновацион жозибadorлигини ошириш буйича қўлланиладиган чора-тадбирлар доирасида самолётсозлик, ракета-космик ишлаб чиқариш, атом саноати, биотехнология каби юқори технологик, илмталаб тармоқларни ривожлантириш кузда тутилмоғи лозим.



Бу халқ хўжалигининг техник-технологик қайта курулантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Саноат мажмуаси субъектларининг инновацион жозибadorлиги давлат томонидан корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлашига боғлиқдир. Буни куйидаги йулар билан амалга ошириш мумкин: тўловва қайтарилиш асосида марказлаштирилган молиявий қўйилмаларни ташқи л этиш; реал инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва танлов асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш; инновацион лойиҳаларни давлат ва тижорат ташкилотлари кушма молиялаштириш амалиётини кенгайтиришни тарғиб қилиш. Бунда инновацион лойиҳалар бозорини уларнинг сифатий экспертизаси, юқори самарадорлиги ва қопланиши кабиларни инобатга олган холда ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим.

Паст самарали ва зарар билан ишловчи корхоналарни тугатиш, уларни қайта ихтисослаштириш ҳисобидан саноат тармоғини молиявий соғломлаштириш давлат фаолиятининг муҳим натижасидир. Бунинг жуда зарур босқичи-саноат комплексини таркибан қайта тузиш бўлиши лозим.

Юқорида билдирилган таклифлар асосида Ўзбекистон иқтисодиёти моддий базасини мустаҳкамлашнинг яккол омили ҳисобланувчи замонавий технологияларни ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товар ва хизматларнинг илғор дастурларини яратиш ва ишлаб чиқариш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш мумкин. Шундай қилиб, Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида янги тизим шакллантирилди. У барқарор иқтисодий тараққиётнинг анча зарур масалаларини хал қилишга қаратилган куч ва воситалар концентрациясини таъминлашга қаратилган. Барқарор иқтисодий зсишни таъминлаш учун фаол инновацион, саноат, таркибий, илмий-техник сиёсатни юритиш зарур. Бу эса ўз навбатида давлат иқтисодий кувватининг қайта тикланишнинг бошланиши учун бутун жамиятга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаган илмий тадқиқот ишларида инновациялар ва корхоналар ҳамда бутун иқтисодиётнинг молиявий-иқтисодий ҳолатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир масалалари зарур ҳажмда ва системали тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур таҳлилнинг зарурлиги республикада юргизилаётган таркибий қайта тузишнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ бўлган иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши каби муносабатларга бориб тақалади.

Инновацион фаолият жамиятнинг барча бўғинларига таъсир ўтказиб, иқтисодий жараёнлар тараққиётининг тизимли оқимига айланди. Тизимли ёндошув инновацион жараёнларнинг эволюцияси ва амал қилишини ўзаро боғлиқ бир бутунлик сифатида қараш лозим. У жамият иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи саноат корхоналарининг молиявий ҳолати ва инновациялар ўртасидаги кўп томонлама боғлиқликларни, асос бўлиб хизмат қилувчи механизмларни аниқлашга ёрдам беради. Давлат иқтисодий салоҳияти ҳолатининг муҳим белгилувчи омили-турли тармоқ йўналишларига эга бўлган иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фаолиятидир.

Ишлаб чиқариш соҳаси самарадорлигини шунингдек, ишлаб чиқаришда банд меҳнат ресурслари ҳажми ва хиссаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган ишлаб чиқариш фондлари хиссаси ва ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймат ва натурал кўрсаткичлари, молиявий кўрсаткичлар ҳам характерлайди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон иқтисодий ҳолатининг инновациялар билан ўзаро боғлиқлигини куйидаги асосий жиҳатларда кўриш мумкин:

-биринчидан, инновацион фаолиятнинг миллий иқтисодиётга таъсирини тадқиқ этиш нуқтаи-назаридан давлатнинг моддий асоси сифатида бутунлигича кўриш;

-иккинчидан, инновацияларнинг алоҳида корхона фаолиятига таъсирини таҳлил қилишда алоҳида бозор субъекти сифатида қараш;

-учинчидан, инновацион сиёсатни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ўрганиш.

Фикримизча, бу фаолиятни инновациялар бажарадиган функциялардан келиб чиққан ҳолда амалга оширган маъқул. Маълумки, инновациялар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, миллий ишлаб чиқариш сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун, ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта куриш ва халқ хужалиги барча тармоқларининг тараққиёти учун, саноат учун зарур ҳом ашё базасини яратиш, ишсизлик муаммосини хал этиш, шунингдек, бошқа кўпгина муаммоларни хал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитларида инновациялар авваламбор унинг барқарор ўсиши учун зарурдир. Янги технологияларга инвестициялар рақобатбардош, юқори талаб билан истеъмол этиладиган товарлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Инновацияларнинг иқтисодий тараққиётга макроиқтисодий таъсири жихатлари кўпгина хорижий иқтисодчилар илмий изланишларида уз аксини топган. Улар жумласига И.Фишер, ЖМ.Кейнс, Гарри Маркович, Ж. Тобин, У.Жарп, П.Самуэльсон, М.Шоулз, Ф. Блэк ва бошқаларни киритиш мумкин.

Иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг инновацион фаолиятининг асосий кўрсаткичлар ини тадқиқ этиш, мазкур жараёнларга макромухит омилларининг таъсири, инноваторларнинг ҳатти-ҳаракатини таҳлил этиш, инновацияларнинг даромадлилиги ва хатарлилигини баҳолаш назариянинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшади.

Д.М.Кейнс (1883-1946) тадқиқотлари алоҳида қизиқиш касб этиб, унинг назарияси «Бандлик, фоиз ва пул умумий назарияси» илмий ишида уз аксини топади. Унинг фикрича, ялпи талабнинг рағбатлантирилиши ва фаоллашуви товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва таклиф қилишга таъсир этишга кодирдир. Бунда инновациялар муҳим аҳ'амият касб этади. Инновациялар

ҳажми, даромадлиги ва фойдасидан ишлаб чиқариш кўлами ва суръати боғлиқ бўлади.

Кейнс назариясида мультипликатор тамойилининг ўрни катта. Мультипликаторнинг лугавий маъноси «кўпайтирувчи»дир. Мазкур тушунчани иқтисодиёт соҳасига англиялик иқтисодчи Р.Ф.Кан биринчи бўлиб тадбиқ этди. Мультипликатор назариясида миллий даромад ва бандликнинг ошишида инвестицияларнинг ролини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Д.Кейнс фикрича, инвестицияларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришга қушимча ишчиларни жалб этишга, яъни бандликнинг ошишига, натижада эса-даромад ва истеъмолнинг кўпайишига олиб келади. Д.Кейнс мультипликатор инвестициялар ҳажмининг усиши даромаднинг инвестициялар ўсиши кўрсаткичларига нисбатан  $K$  мартага катта бўлишини англатади, деб уқтиради. Шуниси маълумки, мазкур конда авваламбор натижаси фан ва техника - ютуқларини ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга жорий этиш бўлган инвестициялаш йўналишларидан бири бўлган инновацияларга тааллуқлидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, акселерация принципи деганда, инновацияга талаб савдо ва даромаднинг ошиши билан юзага келувчи ҳолат сифатида изоҳлайдиган жараён тушунилади.

Акселераторнинг оддий формуласи қуйидагича:  $I_t = a(Y_t - Y_{t-1})$

Бунда,  $I_t$ -янги инвестициялар ўсиши;  $a$ -акселерация коэффиценти;  $Y_t - Y_{t-1}$ -даромад ўсиши;  $Y_t$ -даромаднинг сўнгги йилдаги ҳажми;  $Y_{t-1}$ -ўтган йилги даромад ҳажми.

Бундан келиб чиқадики, инновациялар ўсишида изоҳланган даромад усими ва унда уз ифодасини топган самара акселерация коэффиценти билан тўғри боғлиқликка эга. Шу сабабли, даромаднинг ошиши янги инновациялар кўпайишига олиб келади.

Мультипликатор ва акселератор ҳаракатининг мувозанати даромадлар ошиши ва иш фаолиятининг кенгайиши жараёни билан изоҳланади.

Шундай қилиб, истеъмол, жамғармалар, инвестициялар ва миллий даромад ўртасидаги ўзаро муносабат тамойилларининг қўлланилиши

иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсишини таъминлаш имконини беради. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам мазкур тамойиллар муҳим аҳамиятга эгадир.

Оқилона таркибий солиқ, молия сиёсатини юргизиш, статистик базани қўллаб, мамлакат иқтисодий тараққиёти учун ҳаракатлантирувчи куч бўлган мультипликаторни ҳам, акселераторни ҳам ҳисоблаш мумкин.

Мамлакатдаги инновацион фаолият ҳолати, инновациялар ва иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси билан тавсифланиши мумкин:

-инновацион маҳсулотлар умумий ҳажми;

-инновацион маҳсулотнинг, умуман, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси;

-инновацион-фаол корхоналар миқдори ва бошқалар.

Сўнгги йилларда инновацион фаолият кўрсаткичлар ининг ижобий томонга ўзгаришига карамай, Ўзбекистон Республикасида инновацион соҳа тараққиёти суръатлари замонавий тенденцияларга мос келмайди. Бу, авваламбор, бизнинг республикамиз ҳали илмий-техник товарлар бозори тўла шаклланмаган бозор муносабатларига ўтиши билан изоҳланади. Бир томондан, бу инновацион тараққиёт учун зарур ресурс базасининг сустлиги ва етарли бўлмаган молиявий асос, солиқлар ва бюджет ҳамда нобюджет йигимлари учун юқори ставкалар белгиланиши ҳисобланади. Шу билан бирга инновацион тадбиркорлик буйича ҳукукий ва норматив базанинг ҳали тугалланмаганлиги, инновацион тадбиркорлик субъектларининг умумий статуси йуклигини ҳам таъкидлаш зарур. Иккинчи томондан эса, бу - инновацион корхоналар ва ташкилотларнинг ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослаша олмаслиги, инновацион корхоналарда таркибий қайта тузиш ишларининг чузилиши ёки ундан воз кечилиши, корхоналарда малакали илмий ва бошқарув кадрларнинг камайиши, стратегик бошқарув маданиятининг ва бизнес-режалаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги кабиларни ҳам ал охи да кўрсатиш мумкин.

Бундай ҳолатнинг объектив сабаби-инновацион тадбиркорлик тараққиёти ва инновацияларни бошқариш муаммоларининг методологик жihatдан урганиб чиқилмаган-лигидир. Бундан ташқари, корхоналар инновацион фаоллигининг сусайиши маълум даражада инновацияларнинг етарли даражада самарадор эмаслигини ҳам характерлайди.

Инновацион жараёнларни тадқиқ этишда навбатдаги асосий принципларни инобатга олиш зарур:

-давлат субсидияларини олишга даъвогар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;

-“синергетик самара”га эришадиган корхоналарни молиялаштириш. Бунда барча капитал қўйилмалардан келадиган натижа унинг барча алоҳида унсурлари ҳисобидан келадиган натижа унинг барча алоҳида унсурлари ҳисобидан келадиган кўрсаткичлардан юқори бўлади. Бунга катъий белгиланадиган вазифаларни бажариш учун ресурсларни аниқ йўналтириш, воситалар айланишини тезлаштириш, шунингдек, инновацион фаолият ҳисобидан эришиш мумкин ва воситаларнинг қайтарилиши.

Мазкур тамойилларни ҳисобга олиб, инновацион лойиҳалар уларнинг иқтисодий самарадорлиги нуқтаи-назаридан атрофлича баҳолаш зарур бўлади.

Давлат харажатларини таъминлаш учун кетадиган сарфларга келсак, улар йиллик истеъмол циклига кирувчи айланма фондларга ажратмаларни узида ифодалайди ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Инновациялар ва бюджет сиёсати ўзаро боғлиқ бўлиб, нафақат инновацион фаолиятга, балки давлат иқтисодиёти ҳолати ва унинг тараққиёти даражасига таъсир этади. Давлат иқтисодиётининг ҳолати, унинг ривожланиш динамикаси-бу аҳоли турмуш даражасини таъминлаш буйича давлатнинг молиявий имкониятларини белгиловчи асосий омилдир.

Инновациялар ва давлат иқтисодий тараққиёти ўзаро боғлиқлигининг асосий йўналишларидан бири илмий-техник сиёсатни амалга ошириш орқали юз беради. Бунда саноат комплекси юқори малакали кадрлар потенциалинисаклаган ҳолда саноатни таркибан қайта куриш мақсадли

дастурини амалга ошириш зарурлигини, миллий иқтисодиётнинг илмий-техник базасини мукаммаллаштириш ва ривожлантириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий ресурсларини оқилона фойдаланиш зарурлигини инобатга олиш керак.

Инновациялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш, асосий фондларнинг маънавий ва жисмоний эскиришини камайтириш, ишлаб чиқариш техник даражасини ошириш, алоҳида корхоналар яратадиган маҳсулотлар сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш каби мақсадларга эришиш учун ҳам зарурдир. Пировард натижада улар корхоналарнинг келажакда нормал даражада фаолият юритишни, барқарор молиявий ҳолати ва максимал фойдани таъминлаш учун зарурдир.

Илмий -техник ва иқтисодий тараққиётнинг ўзаро боғлиқлигининг чуқурлашуви, илмий-техник тараққиётнинг иқтисодий усиш асосий манбаига айланиши уз навбатида ҳарбий ва фуқаролик технологиялари ўзаро муносабатлари характериға катта таъсир ўтказди. Масалан, АҚШда критик муҳим технологиялар дастурини шакллантиришда энг янги технологик ечимларнинг икқиламчи фойдаланилишиға катта эътибор қаратилади.

Илмий-техника тараққиёти ютуқларини икқиламчи фойдаланиш омилининг роли нафақат АҚШ да, балки дунёнинг барча етакчи ривожланган давлатларида ҳам ўсмоқда. Бу бир томондан, замонавий қуролланиш тизимининг информацион технологияларға боғлиқлигининг ўсишиға боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, у илмий-техник янгиликларнинг яратилишиға қўшиладиган ҳиссанинг ошишиға ва янги технологик жараёнларнинг иқтисодиётнинг потенциал имкониятларини оширишға жорий этишға ёрдам беради. Технологик инновацияларға харажатлар инвестициялар ҳажми билан белгиланади. Унга фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш, мавжуд цехлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда илмий-техник тараққиёт ютуқлари асосида унинг техник-иқтисодий даражасини кўтариш билан боғлиқ объектларни қайта қуриш учун мўлжалланган капитал қўйилмалар анча яқин ҳисобланади. Бугунги кунда фаолият юритаётган

корхоналарни реконструкциялаш ва техник қайта қуроллантиришга, ишлаб чиқаришга мулжалланган барча капитал қўйилмаларнинг ярмидан кўпи сарфланади.

Инновацияларга интилишни ҳосил қилувчи асосий омил-бу товарларнинг илмий-техник кўрсаткичлар бўйича рентабеллик ва рақобатбардошлик даражасининг пастлиги ҳисобланади. Янгиликларни биринчилардан бўлиб жорий этган тадбиркорлар бозорларга анча юқори сифатли маҳсулотлар чиқарадилар ёки анча кам сарф қилиб товарлар ишлаб чиқарадилар. Техник тараққиётдан орқада қоладиган, эскирган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ёки эски технологияни ишлатувчи тадбиркорлар бозордаги ўз ҳиссаларини йўқотадилар. Инновацион фаолиятни бошқариш давлат иқтисодий сиёсати стратегияси доирасида амалга оширилади ва бунда бошқарувнинг асосий воситаси давлат, унинг алоҳида тармоқлари ва худудларининг иқтисодий тараққиётининг етакчи йўналишларига мўлжалланган инвестицион дастурлар ва лойиҳалар бўлиши зарур.

Инвестицион жараёндаги инновациялар муаммоси саноат комплекси корхоналари учун анча долзарб масаладир. Реал ишлаб чиқариш соҳаси тараққиётининг ютуқлари жорий инновацион қарорларга боғлиқ бўлади. Бу қарорларнинг асосий жиҳатлари куйидагилар: янги маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорни кенгайтириш, ускуналар реконструкцияси ва янгиланиши билан боғлиқ таклифларни асосийлаштириш, бу таклифларни амалга ошириш учун зарур пул маблағлари манбаларини ҳисоблаш, пул манбаларини баҳолаш, инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш. Шундай қилиб, иқтисодий ислохотлар даврида муҳим масала-бу ишлаб чиқаришда эскирган технологияларни илгор, замонавий талабларга жавоб берувчи технологияга алмаштиришни таъминлайдиган фаол амалга ошириладиган илмий-техник ва инновацион сиёсатнинг юритилишидир. Иқтисодиёт таркибий ўзгаришларининг асоси сифатида инновацион муҳит қатнашади ва унинг тараққиёт даражаси миллий иқтисодиёт да юз берадиган ўзгаришлар тезлиги ва сифатини белгилайди.



Ишлаб чиқариш соҳасида технологияларни янгилаш жараёни-бу турли манбалардан интеллектуал, моддий ресурсларни жалб қилиш жараёнидир. Марказлашган капитал қўйилмалар ҳажмининг кескин қисқариши билан боғлиқ холда инновацион фаолиятни рағбат-лантиришга йўналтирилган, давлат томонидан бошқариладиган комплекс тизим ишлаб чиқилиши лозим. Янгиликлар потенциални қайта тиклаш муаммоси нафақат пул маблағлари ҳажмини ошириш, балки иқтисодиёт нинг янги сектори-илмий-техника маҳсулотлари бозорининг шаклланишига бориб тақалиши лозим. Давлатнинг келажаги инновацион потенциал шаклланиши ва тараққиётининг асосий масаласи бўлган муаммолар билан боғлиқ бўлиб, унинг амлга оширилиши барча иқтисодий ислохотларнинг асоси сифатида самарали инновацион сиёсатнинг ишлаб чиқилишини талаб қилади.

Инновацияларнинг республика иқтисодиёти ва корхоналарнинг замонавий ҳолати билан боғлиқликлари замонавий шароитларда куйидаги жихатлар асосида юз беради:

1) инновациялар миллий иқтисодиётга тўла таъсир ўтказди, унинг барқарор тараққиётини бюджет ва илмий-техника сиёсати орқали таъминлайди, аҳоли турмуш даражасини кўтариш буйича конкрет вазифаларни бажариш учун жуда зарур ижтимоий-иқтисодий таъминот бўйича иқтисодий имкониятларни яратади;

2) инновацион муҳит иқтисодиётнинг саноат ҳолатига таъсир этади, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш моддий базасини яратиш ва унинг амал қилишини таъминлайди, ишлаб чиқаришни самарали саноат ускуналари намуналари билан жихозлайди;

3) инновацион сиёсатни амалга ошириш муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга, у давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишга ёрдам беради.

Фикримизча, давлат иқтисодий сиёсати ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги узига хос хусусиятларга эга:

- инновацияларнинг жамият тараққиётининг иқтисодий шароитлари билан тўғри муносибликда ўзгариши давлат иқтисодий асосларининг мустахкамланишининг муҳим шарти эканлиги-бу унинг биринчи томони бўлса, иккинчи томондан давлат ҳаётининг иқтисодий асосларини мустахкамлаш зарурлиги инновациялардан фойдаланиш йўналишлари ва воситаларига таъсир кўрсатади;

- иқтисодиёт ва инновацияларнинг ўзаро алоқаси бу алоқанинг миқдорий ва сифатий тавсифини белгиловчи сиёсат орқали амалга оширилади.

Миқдорий кўрсаткичлар инновацияларни давлат тараққиёти учун зарур молиявий ресурсларни мобилизация қилишни асосий омил сифатида тавсифлайди. Сифатий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун зарур инновацияларнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичларни тавсифлайди. Шундай қилиб, инновациялар ва мамлакат иқтисодий тараққиёти муносабатларининг характери ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Инновациялар иқтисодиёт билан боғлиқ бўлиб, улар иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланишига таъсир кўрсатиб, иқтисодиётнинг барқарорлашуви ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Инновациялар жуда муҳим иқтисодий категориялардан ҳисобланади. Ҳар қандай давлатда белгиланган чегарадан паст кўрсаткичга эга бўлган инновацион фаоллик ва унинг янада сусайиши миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солади. Айнан шу сабабли Ўзбекистон Республикасида ислохотлар утқиши шароитларида инновацион фаолият хусусиятларини илмий жихатдан асослаш зарурати сезилади. Инновациялар ва мамлакат иқтисодий ҳолатининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, у фаол ва самарали инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва инновациялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради.

## **11.2. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг илмий-техник сиёсатининг асоси-республикада товар ва хизматларга бўлган ички истеъмолни тезроқ қондириш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида иқтисодиёт тармоқларининг тубдан янгиланишига ёрдам берувчи илмий ва технологик ишланмаларни яратишга хизмат кўрсатишдир.

АҚШ да “янгиликларни жорий этиш тушунчаси”ни “илмий-техник тараққиёт” тушунчаси билан алмаштиришади ва бунда илмий-техник соҳадаги оғирлик маркази жараёндан натижага, яъни мазкур жорий этиладиган янгиликлар таъсири остида иқтисодиёт , ижтимоий соҳадаги пировард натижаларга ўтади. Оғирлик маркази олимлар қизиқишини қондиришдан одамларнинг маълум турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга кучаяди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, техник янгиликларнинг ҳаракатлантирувчилари-бу ўз фаолиятида давлат ёрдамига таянувчи кичик илмий-техник ва инновацион фирмалар ҳисобланади. Масалан, АҚШ да технологик янгиликларни жорий этиш 80-йиллардан бошлаб иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан ва нуфузли жихатларидан бирига айланди.

Инновацион муҳитда кичик корхоналар фаолиятини бошқаришнинг соф бозор механизмлари самарасизлиги саноат ривожланган давлатлар ҳукумати кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мажбур қилади. АҚШ да бундай дастурлар 1982 йилда “Кичик бизнесда новаторлик тадқиқотларини ривожлантириш тўғрисидаги Қонун” қабул қилингандан сўнг кенг қўлланила бошлади. 1992 йилда Small Business Technology Transfer-STTR дастури бошланиб, у кичик бизнес корхоналари учун давлат тадқиқот ташкилотларининг шартномавий фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Дастурнинг асосий мақсади-кичик компанияларнинг янги технологиялар асосида рақобатбар-дош товарлар яратиш учун зарур молиявий имкониятларни

кенгайтириш, шунингдек, давдат тадқиқот чилик ташкилотларини кушимча маблағ ва воситалар билан таъминлашдан иборатдир. Бундан ташқари, дастурнинг яна бир мақсади-университет ва федерал илмий марказлар учун улар томонидан ишлаб чиқиладиган юқори технологик маҳсулотларни кичик бизнес корхоналарининг тижорат борасидаги тажрибасидан фойдаланган ҳолда бозорга чиқариш борасида зарур имкониятларни яратиш ҳисобланади.

Инновацион лойиҳаларнинг хаёт цикли турли босқичларидаги селекцияси куйидаги кўринишга эга: биринчи босқич тугаллангандан сўнг 35 % лойиҳалар давом эттириш учун маблағ ва воситалар билан таъминланадилар; иккинчи босқич тугагандан сўнг 50 % лойиҳалар қўллаб-қувватланадилар. Иккинчи босқичда 23 % молиялаштириладиган лойиҳалар «юқори новаторлик лойиҳалари» сифатида тавсифланадилар. Утказилган суровлар натижасига кура шу нарса аниқландики, бундай дастурлар амал қилмаса, кичик фирмалар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган лойиҳаларнинг фақат 16 % игина амалга оширилиши мумкин экан. Илмий-тадқиқот ва ташкилий-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) га федерал фондларни бирламчи тақсимлаш бугин тури буйича амалга оширилади. Ҳар бир бўғин ўз расмий вазифаларига мос бўлган ИТТКИ ни бажариш билан шуғулланади. Ҳар бир бугин раҳбарияти илмий-тадқиқот бюджетларининг қандай қисмини шу бугин ижрочилари томонидан сарфлаш, қандай қисмини ташқи бугинларга тақдим этишни узи белгилаб олади. Масалан, АҚШ мудофаа вазирлиги ўз ИТТКИ бюджетининг 75 % ини университет ва саноат фирмалари ҳисобланган ташқи ижрочилар орқали сарфлайди.

Давлат томонидан илмий сиёсатнинг амалга оширилишида асосий эътибор Америка фанининг моддий-техник базасининг сифатига, авваламбор университетлар фаолияти сифатига қаратилади. АҚШда мудофаа Вазирлиги 80-йилларда университетлар ва коллежларнинг тадқиқот базасини ривожлантириш дастурини амалга оширди. Бундай дастурларни бошқа бўғинлар ҳам амалга оширганлар, жумладан, Миллий илмий фонд университетлар тадқиқотчилари давлат лабораторияларида ўрнатилган

суперкомпьютерларни маълум вақтга ижарага олишлари учун маблағлар ажратди.

Ҳукумат мақсадли субсидиялар, дотациялар тадқиқот стипендия-ларини фундаментал фанлар ва саноат ўртасида узок муддатли алоқалар ўрнатилганлиги учун ажратади, университет олимлари саноат компаниялари учун қизиқарли бўлган муаммолар билан шуғулланадиган инженерлик марказларини тузади. Бундай марказларнинг умумий сони 100 тага етди. Миллий илмий фонд бундай марказлар учун инфраструктура базасини тузади.

Давлат идоралари тадқиқотчилик лойиҳаларида тенг ҳуқуқли молиявий ҳамкор сифатида қатнашадилар. Саноатда фундаментал фанлар натижаларини таксимлаш канали ролини ИТТКИ ни амалга оширувчи федерал лабораториялар ва университетларда, хусусий фирмаларда фаолият юритувчи мутахассисларни уқитиш махсус курслари бажарадилар. Бундай курслар қатор вазирликлар, ташкилотлар (жумладан, ПАСА, Стандартлар миллий бюроси, Миллий илмий фонд ва бошқалар) ва етакчи техник олий ўқув юртлири ҳузурида ташкил этилган.

Илмий сиёсатни амалга оширишда, АҚШ ҳукумати фундаментал илмий ғоялар захирасини яратади ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун зарур мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради;

- илмий-техник лойиҳалар молиявий хатарини камайтиради;

- академик ва амалий фанлар ўзаро муносабатларини ташкил этишда воситачилик функциясини амалга оширади;

- илмий соҳада мувозанатсизликни тўғрилайди, илм-фан моддий-техник базаси колоклигини бартараф этади, илмий тадқиқотларнинг ахборот базасини ривожлантиради.

Илм-фан соҳасидаги сиёсатдан ташқари, турли давлат маҳкамалари доирасида ижтимоий характердаги тадбирлар ҳам амалга оширилади. Улар бевосита молиявий кумакни кузда тутувчи бизнеснинг инновацион фаоллигига қаратилган бўлади, (масалан, кичик фирмаларда янгиликларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш дастурлари буйича фаолият). Амалий

тадқиқот ларни юритиш учун Миллий илмий фонди маблағларидан фойдаланилиб, улар янгиликларни жорий этиш марказларини шакллантиришга ёрдам беради ва давлат маблағлари ҳисобидан инновацион фирмаларига таваккал капиталини ажратадилар. Таваккал капитал учун мақсадли фондлар, шунингдек, ўз бюджети ҳисобидан маблағлар ажратувчи алоҳида штатлар ва шаҳарлар миқёсида ҳам шакллантирилади.

АҚШ учун давлатнинг инновацион фаоллигига таъсир этишининг узига хос каналига товарлар ва хизматларни ўзлаштириш учун мулжалланган шартнома тизими ҳисобланади. Давлат харидлари-янгиликларни жорий этиш «талаби»нинг муҳим унсуридир, Анча катта савдо ҳажмига эга бўлган кафолатли бозорнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчи фирмаларга ишлаб чиқариш масштаби ва тажриба буйича тежамкорлик асосида сарфларни кескин қисқартиришга имкон беради. Янгиликларнинг техник эксплуатацион параметрларини яхшилаш билан бир каторда харажатларни қисқартириш унинг бозорга чиқиши ва таксимланишида етарли даражадаги самарадорлигини баҳолаш имконини яратади.

Федерал маҳкамаларга қарашли кўпгина шартномаларнинг рақобатлилик хусусиятига эгаллиги шартномаларда келишилган мажбуриятларни қондиришга хизмат қилувчи бир нечта турли янгиликларни бирданига яратишга ёрдам беради. Бунда ҳукумат фақат битта таъминотчига таяниб колмасликка ҳаракат қилади ва янги маҳсулотлар харид қилиш буйича бирданига бир неча ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузади. Маҳкама уз асосий таъминотчисидан бошқа фирмаларга шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун лицензиялар беришни талаб қилади, бу эса янгиликларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг янада кучайишига олиб келади.

Давлат янгиликларни ишлаб чиқарувчи хорижий субъектлар учун тўсиқ қўйиб, миллий ишлаб чиқарувчилар учун тажриба тўплашга имкон беради. Жумладан, янгиликлар асосида турувчи кўпгина кашфиётлар ҳукумат буюртмаси ва маблағларига кўра яратилган. Аввало, мутлоқ давлат бозори учун мўлжалланган маҳсулотлар бўлган янгиликлар аста-секинлик билан

фукаролик тармоқлари учун ишлаб чиқарила бошланди. Масалан, ЭХМлар ва йўлдошли алоқа кабилар.

АҚШ да тахминан ўн беш минг атрофида кичик инновацион фирмалар ҳисобга олинган. Ҳисоб-китоб қилинишига кичик фирмалар йирикларга нисбатан икки марта кўп янгиликлар яратадилар, энг янги маҳсулотлар эса бундай фирмаларда 2,5 марта кўп яратилади. Кичик фирмалар янгиликларни жорий этиш борасида йирик фирмаларни ортда колдирадилар.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб уни тижорат-лаштириш ва янги маҳсулот билан бозорга чиқишгача бўлган вақт даврийлиги кичик фирмаларда 2,2 йилга тенг бўлса, йирик фирмаларда бундан 1,5 марта кўп вақтни талаб этади. АҚШ Миллий илмий фонднинг баҳосига кура, бу мамлакатда яратиладиган янги маҳсулотларнинг 98 % и кичик тадбиркорлик ҳисобидан шаклланади. ИТТКИ га қилинадиган 1 долларлик харажат ҳисобига кичик тадбиркорлик йирик корпоратив тадбиркорликка нисбатан 24 марта кўп янгиликлар яратар экан.

Дастур доирасида аризаларни баҳолаш ва лойиҳаларнинг келгусида бажарилишини назорат қилиш билан шуғулланувчи етти кумита тузилган, Кумита таркибига олимлар, тадбиркорлар, шунингдек, ҳукумат бошликлари киритилган. Зарур бўлганда хориждан экспертлар жалб қилинадилар. Тадқиқотлар ва ишланмалар лойиҳаларини молиялаштириш буйича баҳолаш ва қарор қабул қилиш куйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

-Лойиҳалар Гонконг саноатини инновацион ва технологик жараёнларини реструктуризация қилишга сезиларли хисса кушиши лозим;

-Лойиҳа натижалари фақат бир компаниядагина эмас, балки саноатнинг бир ёки бир нечта тармоқларида қўллана олиши лозим;

-Лойиҳа аниқ технологик ижобий хусусиятларга эга бўлиши шарт.

ITSP 1999 йилда тузилган бўлиб, тузилгандн бошлаб 2002 йил 31 декабригача бўлган давр ичида умумий қиймати 569 млн. АҚШ долларига тенг 114 та лойиҳа маъқулланган.

Сингапурда давлат венчур инвестициялар таваккалини Технологик Инвестицияларни қўллаб-қувватлаш Дастури орқали қисман молиялаштиради. (Technopreneur Investment Incentive Scheme-ТП). Бу дастур энди иш бошлаган компанияларга инвестициялардан кутиладиган зарарларни сугўрталаш имкониятини беради. ТП Статусига эга компания уз инвесторлари учун 3 млн. Сингапур долларидан ошувчи қийматдаги инвестиция учун Сертификат чиқариш ҳуқуқига эга. Бундай сертификатларга эга бўлган инвесторлар қимматбаҳо қоғозлар ишлатилиши мумкин бўлган муддат ичида инвестициялардан келадиган ҳар қандай йўқотишларни солиққа тортиладиган ўз даромадлари ҳисобидан ажратишлари мумкин.

Корея Республикасида кичик бизнесни молиялаштириш тизимида Кафолатли кредит Фонди муҳим рол ўйнайди. У ҳукумат ва ихтисослаштирилган молия идоралари маблағлари ҳисобидан ташкил этилган. Фонд кредитли кафолатларни қарз эвазига ҳатто халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида фаолият юритувчи кичик ва ўрта корхоналар учун ҳам тақдим этади. Агар қарз банк ташкилоти томонидан кичик ва ўрта корхоналарнинг асосий фондларини инвестициялаш учун тақдим этилса, бунда 150 млн. вон.гача бўлган қийматдаги қарз автоматик тарзда 70 % суғурталанади. Комиссион тўлов ҳажми-йиллик 1 % (йирик корхоналар учун-1,5 %).

Шундай қилиб, ривожланган иқтисодиётли мамлакатларда давлатнинг инновацион фаолликка таъсири қуйидаги йўналишларда ўз аксини топади:

-биринчидан, давлат илмий-техник ғоялар таклифини ва ишланмаларни амалга ошириш учун зарур инфраструктурани шакллантиришнинг омили сифатида;

-иккинчидан, давлат инновацион корхоналар уз фаолиятини амалга оширадиган иқтисодий муҳитни шакллантиришнинг муҳим омили;

-учинчидан, давлат маҳкамалари харидлари кейинчалик хўжалик амалиётида кенг тарқаладиган ва қўлланиладиган кўпгина янгиликларни жорий



этиш борасида бошланғич талабни шакллантирувчи омил сифатида қатнашадилар.

Лизинг, венчур капитали, IPO, ЭИХлар инвестицион иқлимни таъминлашнинг асосий инновацион шакллари сифатида қаралади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида лизинг фаолият кўрсатаётган корхоналарни технологик қайта қуроллантириш ва янгидан барпо этилаётган корхоналарни эса илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлашнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Айнан шу сабабли ҳам, лизингнинг иқтисодий моҳиятини қараб чиқиш ва миллий иқтисодиёт доирасида мазкур иқтисодий восита (инструмент)нинг ривожланишини таҳлил этишни зарур, деб ҳисоблаймиз. Мавжуд ишлар асосида лизингнинг асосий авфзалликлари ва камчиликлари ўрганиб чиқилди. Ўзбекистонда, шу жумладан МДХ мамлакатларида лизинг бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарблиги биринчи навбатда, асбоб-ускуналар паркиннинг ночор ҳолати (жисмоний ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарнинг етарлича катта улуши, улардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, эҳтиёт қисмлар билан таъминланмаганлик ва ҳоказо) ва илмий-техник тараққиёт маҳсулот-ларини жорий этиш ҳамда асосий фондларни янгилаш учун айланма маблағларнинг сезиларли даражада етишмаслиги билан изоҳланади. Молиялаштиришнинг лизинг шакли модернизациялаш учун маблағ муам-мосига дуч келган корхона ва қўйилган маблағларнинг қайтарилишининг етарлича кафолати бўлмаганлиги сабабли ушбу корхонага хоҳлар-хоҳламас кредит тақдим этувчи банк ўртасидаги зиддиятларни бартараф этади. Лизинг операциялари барча иштирокчилар учун бирдек фойдалидир: бир томон босқичма-босқич тўлаб бориловчи кредит ва керакли асбоб-ускунага эга бўлса, бошқа бир томон эса кредитнинг қайтарилиш кафолатига эга бўлади, чунки охириги тўлов амалга оширилгунга қадар лизинг объекти лизинг операциясини молиялаштирган банк ёки лизинг берувчининг мулки ҳисобланади.

Венчур капиталини иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва инвестицион иқлимни барпо этишнинг инновацион шаклларида бири сифатида эътироф

этиш мумкин. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, венчурли молиялаштириш миллий хўжаликни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тадқиқот доирасида венчурли молиялаштиришни амалда қўллашнинг маҳаллий ва хориж тажрибаси кенг ўрганилди. АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония ва Ҳиндистонда венчур капиталдан фойдаланиш борасида тўпланган бой ижобий тажрибалар венчурли бизнес бугунги кунга келиб, кучли жаҳон индустриясига айланганлигини амалда кўрсатди ва у иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини қўллаб-қувватлашда муҳим воситалардан бири сифатида ўзини намоён эта олди. Венчурли бизнес инвестицион ресурсларнинг танқислиги ва қимматлигини бартараф этишга кўмаклашгани ҳолда, иқтисодий ўсиш сифатини тубдан ўзгартириши мумкин. Хусусан, Ҳиндистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида инвестицияларни ва венчурли бизнесни қўллаб-қувватлаш натижасида 1990 йилларнинг бошида жуда катта иқтисодий самарага эришилди. Информацион технологиялар экспортидан даромад 1999 йилда 2,7 миллиард долларни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 4 миллиард доллардан ошиб кетди. Дунё дастурий маҳсулотлар бозорининг йиллик ҳажми ҳозирга келиб, қарийб 140 миллиард долларни ташкил этмоқда, бир қатор баҳолаларга кўра, 2008 йилнинг охирига бориб, унинг учдан бир қисми Ҳиндистон улушига тўғри келиши кутилмоқда (таққослаш учун: Россия Федерациясида нефт ва газнинг экспорти сўнгги 10 йил ичида 40 миллиард доллардан ошгани йўқ). 1990-йилларда венчур индустриясига таянган ҳолда, миллий саноатнинг йирик тармоғига айланиб улгурган ривожланган юқори технологияли секторни шакллантира олган Исроил давлатининг тажрибаси ҳам ибратлидир.

Венчурли тадбиркорликка инвестициялар, хусусан, юқори малакали мутахассислар бандлигининг ўсишига, аҳоли турли қатламлари турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Венчур капиталининг дунё бозори ҳажми 1990-йилларнинг ўрталарига келиб 100 миллиард долларлик чегарадан ошиб кетди. Венчурли тадбиркорлик фан сиғимли тармоқларда янги

ишланмаларни жорий этишда муҳим ўрин тутади. Молиялаштириш манбалари тузилмаси ва маблағларни тақдим этиш шартлари нуқтаи назаридан у инвестицияларнинг жалб қилишнинг анъанавий усулларидан бир мунча фарқ қилади. Венчурли бизнес инновацион фаолиятнинг инвестицион механизмининг янги типини яратгани ҳолда, иқтисодиётнинг яхлит ҳолда фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширади. Бизнинг фикримизча, венчурли тадбиркорликнинг барча авфзалликларидан миллий иқтисодиёт-нинг барча бўғинларида бирдек фойдаланилиши лозим.

### **11.3. Давлатнинг инновацион сиёсати корхоналар**

#### **рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида**

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида давлатнинг илмий-технологик тараққиёт соҳасида инновацион ва инвестицион фаолият учун зарур иқтисодий имкониятлар яратиш уз таркибига солиқ, молиявий, амортизацион, кредит ва божхона сиёсати кабиларни камраб олувчи билвосита тартибга солишни амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини рағбатлантириш зарурати фан ва инновацион жараёнларнинг иқтисодий усиш ва миллий саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили эканлиги, ҳамда янги ишчи уринлари яратиш манбаи эканлиги билан изоҳланади.

Тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий шароитлар шаклланиши билан боғлиқ инновацион фаолликни рағбатлантиришнинг билвосита тадбирларидан бири-бу тадбиркорларга маблағ ва ресурсларнинг сезиларли қисмини инновацион жараёнларга йўналтиришга имкон берувчи солиқ ва амортизация сиёсатини юргизиш ҳисобланади.

Давлат томонидан инновацион жараёнларни тартибга солишнинг зарурати аввало уларнинг иқтисодиёт ва умуман жамият учун аҳамияти ошаётганлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти экстенсив ва интенсив омиллар мослигига таянади. Замонавий даврда

ишлаб чиқаришга янги бирламчи ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий узишга эришиш имконияти жуда кучли чеклангандир. Шу сабабли иқтисодий тараққиётда интенсив омиллар хал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, инновацияларнинг умумижтимоий моҳиятининг асосий жихати уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга хал қилувчи таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар ижтимоий ишлаб чиқариш структурасига, институционал иқтисодий механизмларга, социал барқарорликка, атроф-муҳитга, миллий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси жаҳон хужалиги тизимидаги миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигига таъсир этади.

Демак, давлат инновацион жараёнларни бугунги кунда айнан улар мамлакат тараққиёти истикболини белгиланганлиги туфайли ҳам тартибга солиши лозим. Юқоридагилардан келиб чикиб, шуни таъкидлаш мумкинки, давлат инновацион сиёсати уч асосий йўналишга ажратилади:

- инновацион фаолиятни фаоллаштиришни таъминлаш.

У ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- таълим, маданият, экология, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа каби соҳаларда давлат масъулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш борасидаги мақсадли дастурлар буйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

- алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлаштиришни амалга ошириш.

Юқорида белгиланган йўналишларнинг биринчиси, умуман, миллий корхоналар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган, жумладан, корхоналарда ишчи ўринларини сақлаш ва яратиш бўлиб, мазкур мақсадлар учун солиқ тўловчилар ҳисобидан тушувчи маблағлар сарфланади.

Иккинчи йўналиш таъминотчилар ва индивидуал истеъмолчилар ўртасида бевосита икки томонлама келишувлар асосида ўзлаштирилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган неъматлар бозорига хизмат кўрсатади. Мазкур келишувлар учинчи шахсларга келишувда ҳисобга олинмайдиган ташқи ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки давлат таъминотчи ва истеъмолчилар ўртасида улар номидан иш кўриб, маҳсулотлар ва хизматлар сотиб олиб, тадқиқотчилар ва ишланмаларга буюртма бериш орқали воситачи сифатида фаолият кўрсатади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналиш билан муносабатга эга, аммо унча кучли бўлмаган оралиқ ходисалар учун мого бўлиб, уларнинг ташқи ижтимоий самаралари уз урнига эга ва давлатнинг нотижорат мезонлари у ёки бу инновацияларга нисбатан қўлланилади.

Инновацион фаолиятни анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятидан ажратувчи тамийиллар тавсифи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур:

1. Инновацион характерга эга бўлган ва фақат келгусида қопланиши мумкин бўлган кушимча харажатларга эҳтиёжнинг мавжудлиги. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар бир алоҳида олинган инновацияларда бу сарфлар индивидуал характерга эга бўлади - улар ҳажми, қайтариш тезлиги кўпгина объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлади.

2. Инновацияга сарфлар ва уни жорий этишдан олинадиган самара вақт бўйича мос келмайди. Жумладан, қандайдир янги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш бутун даври давомида амалга оширилган сарфлар уни сотиш бошланиши билан қопланмай, маълум муддат ўтишини талаб қилади. Инновацияларнинг қопланиш ҳисоб-китобида вақт омили дисконтлаш усулини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу, хўжалик субъектининг жорий ва истикболдаги манфаатлари бирлигини бузувчи хусусият бўлиб, инновацион фаолият билан шуғулланиш истагига салбий таъсир кўрсатади.

3. Режалаштирилган натижаларга эришишда ноаниқ унсурлар, хавфнинг мавжудлиги. Жаҳон тажрибасидан маълумки, меҳнат ва воситалар сарфлари изланиш характерига эга бўлади ва амалга ошириладиган

сарфларни қоплаб, фойда келтирадиган маҳсулотлар кўринишига эга бўлмайди.

4. Илғор инновацияларнинг кичик фоизлар ташкил этиши, бунда илғор инновациялар нафақат узи учун, шунингдек, омадсиз ғоялар учун сарфларни компенсациялайди.

5. Анъанавий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар молиявий кўрсаткичлар и ёмонлашувининг олдини олиш учун алоҳида бюджет зарурати.

6. Анъанавий фаолиятдан фарқ қилувчи инновацион фаолиятни баҳолаш мезонларининг қўлланилиши. Масалан, «фойданинг йиллик усиши» мезонини ҳар доим қўллаб бўлмайди, чунки инновацион маҳсулот якин истикбол уч-турт йилда ҳеч қандай фойда бермасдан, шундан сўнг фойда жуда кескин кўтарилиб кетиши мумкин.

7. Барча эскирган воситалардан тизимли равишда воз кечиш, бу эса ўз навбатида ресурсларни янги ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун озод этиш имконини беради.

8. Натижалардан ресурслар сарфига ва инвестицияларга қараб тескари алоқанинг йўқлиги.

9. Аниқ оралиқ натижалар бермайдиган инновацияга маблағ сарфлашнинг олдини олиш мақсадида ишни тўхтатиш мумкин бўлган муддатни тўғри танлаш.

Инновацион фаолиятни самарали бошқариш учун зарур шароитлар қуйидагилар ҳисобланади:

-зарур жараён сифатида қараладиган янгиликларни излаш ва ўзлаштиришни рағбатлантирувчи маъқул шароитни яратиш. Инновацион бўғинларда фаолият юритадиган ишловчиларни рағбатлантириш инновацион жараён иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим;

-инновацион фаолиятнинг нуфузли йўналишларини стратегик режа асосида аниқлаш лозим, бунда инновацияларни ташкил этишда етакчи ролни юқори бошқарув раҳбарияти ўйнайди;

-бутун инновацион фаолиятни бозор эҳтиёжларига йўналтириш;  
-инновацион таркибни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда корxonани бошқарув тизимини қайта ташкил этиш.

Корxonада диверсификациянинг барча ижобий хусусият-ларидан келиб чиқиладиган бўлсада, корxonа ўз фаолият соҳасидан жуда четга чиқиб кетиши мақсадга мувофиқ эмас. Агар инновациялар корxonа фаолияти соҳасига нисбатан анча юқори самарадорликка эга бўлсада, инновацион тизимга тегишли бўлган филиал корxonани ташкил этган маъқул;

-корxonанинг бозор талабларига таъсири тезлигини ошириш.

Давлат инновацион сиёсатининг тадбирлари рақобатни рағбатлантириш, жамиятни хабардор қилиш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳамда стандартлаш кабиларни камраб олиши зарур.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бевосита ва билвосита усулларда амалга оширилади. Бевосита усулларга ИТТКИ ва инновацион лойиҳаларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, инновацион фаолият иштирокчилари ҳукукларини ҳимоялаш, давлат патент ва лицензия тизимини ташкил этиш, давлат инновацион инфраструктураси ва инновациялар бозорини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, инновацион фаолиятни маънавий қўллаб-қувватлаш, масалан, илгор олим ва новаторларга давлат мукофотлари топшириш, фахрий унвонлар бериш ва хоказолар.

Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг билвосита усулларининг моҳияти, энг аввало, воситали рағбатлантириш тўғридан-тўғри молиялаштиришга нисбатан анча кам бюджет сарфларини талаб қилади. Бу ҳолат айниқса, Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий ҳолат учун долзарб ҳисобланади.

Давлат инновацион фаолиятнинг ташкилий, иқтисодий, молиявий, меъёрий-ҳуқуқий каби барча тартибга солиш усулларини амалга ошириши лозим. Давлат томонидан инновацион фаолиятни тартибга солишнинг ташкилий омиллари қуйидагилардан иборат:

- Республика миқёсидаги ва ҳудудий инновацион дастурларга киритилган инновацион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- инновацион инфраструктура тараққиётига қўмаклашиш;

- инновацион фаолиятда кадрлар масаласини қўллаб-қувватлаш;

- инновацион фаолиятни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- инновацион фаолиятни информацион қўллаб-қувватлаш, жумладан, инновацион соҳада давлат сиёсатининг жиҳатлари тўғрисидаги ахборотлар, тугалланган илмий-техник тадқиқот тўғрисидаги маълумотларни, бажариладиган ва тугалланган инновацион лойиҳалар ва дастурлар тўғрисидаги маълумотлар олиш борасида эркинликни таъминлаш.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг молиявий омилларига қуйидагилар киради:

- инновацион фаолиятни молиялаштиришни таъминловчи бюджет сиёсатини юритиш;

- давлат маблағларини инновацион соҳага йўналтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- ижтимоий тараққиёт учун муҳим, аммо хусусий инвесторлар учун манфаатли бўлмаган инновацион дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат тўғри инвестицияларини ажратиш;

- инновацион соҳада ижобий инвестицион муҳитни шакллантириш;

- инновацион фаолиятда катнашувчи миллий ва хорижий инвесторларга дотациялар, имтиёзли кредит ва кафолатлар бериш;

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий омиллари қуйидагилардан иборатдир:

- инновацион фаолият субъектларининг ўзаро алоқалари ҳуқуқий



асосларини яратиш;

- инновацион фаолият субъектларининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш, жумладан, инновацион фаолият тараққиёти учун жуда зарур ҳисобланувчи интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш.

Инновацион фаолият субъектлари, шунингдек, улар билан инновацион жараённинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш шартномалар асосида амалга оширилади, жумладан:

- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш борасидаги шартномалар;
- лойиҳа ва кидирув ишларини бажариш шартномалари;
- қурилиш, пудрат ишлари буйича шартномалар;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун хизмат кўрсатиш буйича шартномалар;
- инновацион хатарларни суғурталаш буйича шартномалар;
- инвесторлар билан шартномалар.

Инновацион фаолиятни тартибга солиш қуйидагиларга таянилган ҳолда амалга оширилади:

- инновацион прогнозлар;
- инновацион стратегиялар;
- инновацион дастурлар;
- инновацион лойиҳалар.

Ўзбекистон давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш илмий-техник сиёсатни асосий молиявий воситаларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, инновацион фаолият тараққиёти нафақат алоҳида корхона даражасида, шунингдек, интеграциялашган ташкилотлар ва ҳатто мамлакат миқёсида самарали молиялаштириш тизимини талаб қилади. Фақатгина шундагина маблағларни жамғариш ва уларни сарфлаш учун зарур шароитлар яратилиши ва уларни аниқ йўналишларга қаратиш имконияти туғилиши мумкин.

#### **11.4. Мамлакатда фан соҳасида сиёсат ва унинг асосий йўналишлари**

2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида қайд этилганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бугун жаҳоннинг етакчи университетлари, илмий марказлари ва фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади. Келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади. Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.<sup>109</sup>

Президентимиз Фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш каби қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар тажрибасига назар ташласак, бу юксалиш замирида илм-фани тубдан ривожлантириш турганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, Японияни олайлик. Иккинчи жаҳон

<sup>109</sup> Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// “Халқ сўзи”, 2016 йил 31 декабрь

урушидан сўнг “Кунчиқар юрт” жудаям оғир ахволга тушиб қолган эди. Ўша вақтда бу ўлкада асосий эътибор инсоннинг бошини “тўйдириш”, яъни унга кучли билим беришга қаратилди. Натижада илм-фан тарққиётига ажратилган сармоя бугунги кунгача ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келяпти. Бугун илф-фанга қаратилаётган эътибор ҳам узоқни кўра билиш, ёруғ келажак сари ташланган қадамдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлган мулоқотида кўп масалалар муҳокама қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди, яъни қуйидаги долзарб масалалар тилга олинди:

1. Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар кўплиги, улар ўз мактабларини яратиши, шогирдлар тарбиялаши лозим.

2. Жаҳоннинг етакчи институтлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш. Ўзбек олимлари жуда ҳам катта захира тўплаганлар, уни ривожлантириш зарур.

3. Юқори салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш максаласини такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар, дунё даражасидаги янги олимлар авлодини тайёрлаш даркор.

4. Илм-фан тарққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

5. Илм-фан иқтисодиётнинг барча тармоғи тарққиётида катта ўрин тутди, давлат эса бу йўлда аввало олимларга суянади. Чунки, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграция бўлиши - долзарб масала.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва интеллектуал меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш, шунингдек, ёш авлодни умуминсоний ва миллий анъаналар ҳамда кадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Таъкидлаш керакки, мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида, Фанлар академияси аъзолари билан ўтказган учрашув ва мулоқоти давомида бу борада асосан иккита асосий вазифани ҳал этиш лозимлигини баён этди:

1. Илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимларнинг талабларига мувофиқ, сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт.

2. Академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлардан озод этилган ойлик ганорар белгиланади. Бундан ташқари, улар учун санаторий муассасаларида ҳар йили бепул соғломлаштириш курсидан фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилди. Академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жалб этилиб, уларга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори илм-фан соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишига қаратилган кенг қўламли аниқ мақсадли ишларни амалга оширишни кўзда тутди. Мазкур қарор мунособати билан замонавий талаблар асосида Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

1. Илмий тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар Фанлар академияси таркибига қайтарилди. Бу эса турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятни мужассамлантириб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради;

2. Фанлар академияси бошқарув аппарати ташқилий тузилмаси янада такомиллашади. Унинг таркибида физика-математика, техника фанлари, кимё-биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фан бўлимлари, Фанлар академиясининг Навоий бўлими ташкил этилмоқда.

3. Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон ва Навоий бўлимлари, Хоразм Маъмун академияси раислари мавқеи академия вице-президенти даражасига тенглаштирилди.

4. Илмий-тадқиқот муассаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолитидан тушган соф фойданинг 10 фоизи ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган, салмоқли натижага эришган ФА илмий ходимларини рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

5. Ўзбекистон Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий техника соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, унинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда.

6. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, қуйидаги мақсадга йўналтирилмоқда:

1) илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилмоқда;

2) олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш харажатларини қоплайди;

3) замонавий лабораторияларни илмий асбоб ва ускуналар билан узлуксиз таъминлайди;

4) илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жаҳондаги етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланиши учун сарфланади;

5) ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказлардаги қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиради.<sup>110</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида қуйидаги масалалар акс эттирилди:

1) илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион инфратузилмасини ривожлантириш, истиқболли соҳаларда кичик инновацион корхоналар, технологияларни ташкил этиш (биотехника, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, электроника, роботтехникаси, металлургия, нанотехнология);

2) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтироларга оид ҳуқуқлар ва бошқалар) бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, бу соҳадаги давлат назоратини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга мувофиқ фан номзоди ва докторлик илмий даражасини бериш масаласи қайта кўриб чиқилди.

Умуман, иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлаш илм-фаннинг ролини кучайтиришда амалга оширилаётган тизимли ишларнинг давоми бўлиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.<sup>111</sup>

Умуман, хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими жаҳон талаблари даражасида, юксак маънавият

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

заминида қурилиб, давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизими умумдавлат дастурлари, мактабгача тарбия, бошланғич, умумий ва мактабдан ташқари таълим асосида амалга оширилмоқда. Эндиликда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача таълим сифатини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини ошириш, фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганишга янгича ёндашув юксак тараққиёт гарови ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежи талабаларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимиятларнинг этибор марказида турибди. Шунингдек, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларига ўтишда олий таълим муссасалари фаолияти ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда. Илм-фан тараққиётининг янги босқичи, янги фан, илмий тадқиқот, инновацион ютуқларни рағбатлантириш ва уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмлари яратилмоқда.

Дунёда илмий-техник салоҳият тез суръатларда ривожланиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини интеллектуализация қилиш ўсиб бормоқда. Инновацияларни жорий этиш иқтисодий ўсишнинг ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди. Бу эса ўз навбатида, барча жабҳаларда инновациялар соҳасидаги илғор илмий ишланмалар ва техник ютуқлардан самарали фойдаланишни ҳамда ҳозирги иқтисодий салоҳиятнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун кўплаб давлатлар томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта миқдорда инвестициялар йўналтирилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида инқирози шароитларида корхоналар ва илмий жамоаларга ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи биринчи ўринга чиқади. Шу мақсадларда Европа Иттифоқи

давлатларида ҳар йили “Европа инновациялар таблоси” (European Innovation Scoreboard — EIS) нашр этилади. Фаолият кўрсатувчилар муҳитини таҳлил қилиш усули асосида бир қатор Европа Иттифоқи давлатлари учун техник самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган. Олинган натижалар асосида барча давлатлар 4 гуруҳга бирлаштирилган: инновацион лидер давлатлар; инновацион издошлар; мўътадил инноватор бўлган мамлакатлар; орқада қолган давлатлар.

Ушбу усул ёрдамида қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилиб борилади:

ЯИМнинг илмий интенсивлиги;

бир миллион аҳолига тўғри келадиган олимлар сони;

таълим соҳасига қилинган харажатлар, ЯИМга нисбатан %;

патент олиш учун топширилган миллий аризалар сони;

юқори технологияли экспорт, саноат экспортига нисбатан %;

ахборот коммуникация технологиялари экспорти, жами экспортга нисбатан %.


АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Германия каби ривожланган давлатларда инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган харажатлар самарали фойдаланилади. Шу билан бир вақтда иқтисодиётнинг ўтиш давридаги давлатлар эса ушбу маблағлардан самарасиз фойдаланилмоқда.

Умуман олганда ҳозирги даврда инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини белгилайдиган ҳал қилувчи омил - бу илмий тадқиқот ва принцип жиҳатидан янги маҳсулот турларини яратиш учун ишланмалар натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мамлакатнинг инновацион муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ва ишлатиш ҳамда кейинчалик бозорда жорий этиш ва реализация қилишдир.

Бугунги кунда мамлакатнинг инновацион фаолиятини баҳоловчи яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга қилинган харажатлар Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,2 %ни** ташкил этмоқда.



ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотларига кўра 2013 йилда Корея Республикасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга сарфланган маблағлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4,2 %ни** ташкил этади, Японияда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан **3,5 %ни**, Германияда **2,9 %ни**, АҚШда **2,8 %ни**, Францияда **2,2 %ни**, Хитойда **2,1 %ни**, Буюк Британия ва Канадада **1,6%ни**, Россия Федерациясида эса **1,1 %ни** ташкил этмоқда. Ривожланаётган давлатларнинг аксариятда бу йўналишга сезиларли даражада кам маблағлар ажратилади.



**1-расм. Дунё мамлакатларида ИТТКИга харажатлар, ЯИМга нисбатан %да.**

Бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони бўйича ҳам ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатлардан анча илгарилаб кетганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Корея Республикасида бир миллион аҳолига 6533 нафар тадқиқотчи тўғри келади, Японияда ушбу кўрсаткич 5195 нафарни, Канадада 4494 нафарни, Германияда 4355 нафарни, Францияда 4125 нафарни, Буюк Британияда 4108 нафарни, Америка қўшма штатларида 3984 нафарни, Россия Федерациясида 3085 нафарни, Хитойда 1071 нафарни ташкил этган бўлса, Мисрда 581 нафарни ва Ўзбекистон Республикасида эса 495 нафарни ташкил этмоқда.



2-расм. Дунё мамлакатларида 1 млн аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони.<sup>112</sup>

**Инновациялар** тўғрисида турли хил фикрлар мавжудлиги боис бу тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Шу аснода бир савол туғилиши табиий: инновация тушунчасини нимани англатади, инновациялар қачондан бошлаб ҳаётимизга кириб келган? Бу саволга жавоб топиш кўпчиликни қизиқтирса керак албатта. Келинг тарихга бир назар солайлик.

Инновация инсоният яратилгандан бери мавжуд десак муболаға бўлмайди. Бизнинг аجدодларимиз ҳам жамият ҳаётини ўзгартирган ёки олдинга силжитган, ўзлари яшаган даврга хос ёки базавий инновациялар билан шуғулланган. Масалан, эрамиздан аввалги 1200 йилларда темир қуйиш технологиясини яратилиши инсоният тарихида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлган. Бу жараён эса фаннинг шаклланиши ва у билан шуғулланадиган олимлар қатламининг алоҳида ажралиб чиқишидан анча аввал юзага кела бошлаган. Шунинг учун инновацияларнинг бирдан бир манбаи илм-фан дейиш ҳам ноўрин бўлади. Индустриал даврнинг инновацион портлаши юз берган

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси Кўмитаси маълумотлари.

сўнги юз йилликда йирик инновацияларнинг ташаббускорлари ҳар доим ҳам олимлар бўлавермаган. Уларнинг ташаббускорлари асосан тадбиркорлар, сиёсий арбоблар, архитекторлар, рассом ва муסיқачилар бўлган.

Шу ўринда дунёга машҳур инсонлардан бири “замонавий менежментнинг отаси” деб тан олинган П. Друкернинг инновация тўғрисидаги айрим фикрлари ҳам аҳамиятга моликдир.

П. Друкер “Эртанги кун - бу имконият” деган иборани тез-тез такрорлаб турган. У келажакдаги имкониятларни прогноз қилиш ва унга пул маблағларини сарфлай олиш қобилияти компаниянинг энг муҳим хусусиятларидан бири деб ҳисоблаган.

П. Друкернинг фикрича, фақатгина товарни яратишга ёки брендни кенгайтиришга йўналтирилган инновацион жараёнларга нисбатан умумқабул қилинган қарашлар масаланинг моҳиятини акс эттирмайди. У ҳақиқий инновация харидорларнинг истакларини кескин ўзгаришини талаб этади деб ҳисоблаган.

Друкер агар сиз инновацияни нималигини билмасангиз унда сиз бизнес билан шуғуллана олмайсиз деган қатъий фикрга келган. “Starbucks” компанияси эса П. Друкер тасаввур қилган ҳақиқий инновация намунаси бўла олади. 1971 йилда биргина кафедан бошлаб 2006 йилга келиб “Starbucks” дунёнинг 37 мамлакатада 12 мингтагача савдо нуқталари эга бўлган йирик компанияга айланди. “Starbucks” истеъмолчига фақатгина одатдагидан хушхўр бўлган бир чашка кофе таклиф қилиш учунгина ташкил этилмаган эди. Бу кофе чакана савдосидаги эскича қараш эди. Компания раҳбариятида кенгроқ кўламдаги фикр пайдо бўлди: “Starbucks” кафесини одамлар ўз ҳаётидаги шиддатли суръатдан дам оладиган - уй ва офис ўртасидаги ўзига хос жойга айлантира олиш. Бошқача айтганда компания кофе уруғларини майдалаш, қайнатиш ва филтрлаш каби оддий жараёнлар доирасидан узоққа чиқиб кетди ва у *истеъмолчиларнинг умид ва истакларини ўзгартира олди.*

П. Друкернинг келажак авлодга қолдирган энг катта тухфаси - бу компания менежерлари ва ишчиларини келажакни қандай яратишни

ўргатадиган ижодий меросидир. Питернинг инновацияга боғлиқ қуйидаги фикри жудаям катта аҳамиятга эга: тадбиркор қуйидаги тўртта восита ёрдамида бойлик келтирувчи янги ресурсларни ярата олади:

1. Доимий равишдаги ўтмишдан воз кечишга ва инновация учун жой ажратишга қаратилган иш.
2. Имкониятларни доимий излаш.
3. Ушбу имкониятларни харидорлар учун қадрли қила олиш.
4. Ресурсларни стратегик жойлаштириш.

Бугунги кунда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) ҳамда Евростат “инновация” терминига ўзларининг талқинларини таклиф этмоқда. Унга кўра, **инновация** - бу қандайдир янги ёки сезиларли яхшиланган маҳсулот (товар ёки хизмат) ёки жараёни, маркетингнинг янги усуллари ёки амалиётга янги ташкилий усулни истеъмол учун киритиш, иш ўринлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этишни намоён қилади. Юқоридагилардан келиб чиқилса, инновацияни ёки ғояни ҳақиқатда амалга оширишга олиб келадиган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат фаолияти **инновацион фаолият** ҳисобланади.

Албатта барча соҳаларда янгиликларга интилиш ҳамда рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда самарасиз ўтмишдан воз кечган ҳолда инновацияларга кенг йўл очиб бериш тараққиётнинг энг муҳим асоси бўлиб ҳисобланади.

Айнан бугун давлатимиз раҳбари инновацияларни жамиятимизнинг барча жабҳаларига зудлик билан тадбиқ этишни талаб этаётганлиги ҳам бежизга эмас. Дарҳақиқат, инновациялар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши ва ривожланган давлатлар даражасига эришишида энг асосий омил ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш бўйича самарали механизм ривожлантирилмоқда.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ҳамда технопаркларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида мамлакатимиз Президенти томонидан барча ҳудудда илм-фан салоҳиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-

5099 сонли фармонига мувофиқ, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази ташкил этилди.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда

рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган №ПФ-5185 сонли “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида асосан, мамлакатимизда интеллектуал ва технологик салоҳиятни оширишнинг узок муддатли сценарийларида асосий йўналиш - инновацияларни ривожлантириш, корхоналарда инновацион фаолият билан фаол шуғулланишни рағбатлантириш кўрсатиб ўтилган. Бу иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг янги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик миллий инновация тизимини яратиш билан боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, миллий инновация тизими илм-фан, саноат ва жамият ўртасида шундай узвий муносабатлар тизимини шакллантирадики, унда инновациялар иқтисодийни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, инновацион тараққиёт эҳтиёжлари эса илмий фаолият равнақини белгилаб беради ва рағбатлантиради. Шу боис барча мамлакатлар миллий инновация тизимига таянган ҳолда миллий рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришиш ва сақлаб туриш сиёсатини олиб боришади.

Миллий инновация тизимининг биринчи концептуал пойдевори ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган. Лундвалл, Фримен ва Нелсон унинг асосий мақсадларини таърифлаб беришган. Уларнинг хулосалари замонавий иқтисодийни тараққий эттиришнинг асосий омили бизнесни ривожлантириш манфаатларидаги инновациялар ва илмий тадқиқотлар эканлиги, институционаллик инновацион фаолият мазмуни ва тузилмасига таъсир қилувчи омил ҳисобланиши ва илмий билим иқтисодийни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши тўғрисидаги ғоялардан иборат бўлган.

Олимларнинг умумий фикрича, миллий инновация тизимини миллий чегаралар доирасида илмий билимлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва коммерциялаш билан машғул, мақсад-вазифалари турлича бўлган тузилмаларнинг, жумладан, давлат идораларининг интеграцияси жараёни ва натижаси сифатида эътироф этиш жоиз. Улар мустаҳкам миллий илдишларга, анъаналарга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга институтлар мажмуаси билан таъминланади (Е.Кондратьева). Г.Гольдштейннинг қайд этишича, самарали миллий инновация тизимини яратишнинг муҳим шарт-давлат ундан асосий манфаатдор бўлишига, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини ҳар йили белгилаши ва зарур ресурслар билан таъминлашига боғлиқдир.

Бугун ҳар бир мамлакат илғор иқтисодиёт назариясига асосланган ўз миллий инновация тизимини яратишга интилмоқда. Биз бир неча ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг муваффақиятли ва кутилган натижани бермаган тажрибасини таҳлил қилдик. Пировардида ҳар қайси мамлакатда бу тизимни ривожлантириш стратегияси амалдаги давлат макроиқтисодий сиёсати, меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик, тўғридан-тўғри ва бевосита давлат бошқаруви шакллари, илмий-технологик ва саноат салоҳияти, ички товар ва меҳнат бозорининг ҳолати, тарихий-маданий ривожланиш даражаси билан уйғунликда белгиланганини аниқладик. Масалан, Исроил бугунги кунда технологик жиҳатдан энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир ғояни амалда ишлайдиган, доимий ва юқори даромад келтирадиган технологияга айлантириш бу ердаги бизнес учун анъанага айланган. Исроил инновациялар ривожига шароит яратиш бўйича Global Innovation Index - 2017 рейтингда 17-ўринни эгаллади. У бир пайтлар парчаланаётган собиқ СССРдан кўплаб малакали мутахассисларни қабул қилиб, илмий-техник жиҳатдан жадал илгарилаб кетди. 1989-90 йилларда бу мамлакатга 200 мингдан ортиқ муҳандис ва олим кўчиб келган.

Исроилнинг ривожланганлик даражасини қуйидаги фактлар билан тавсифлаш мумкин:



- унда ҳар йили 15-20 та янги нанотехнология яратилади ва ўзлаштирилади, улар орасида экологик жиҳатдан хавфсизлари ҳам бор. Бу илм-фан ва инновацияларга харажатлар юқорилиги (мамлакат ЯИМнинг 4,4 фоизи атрофида) билан боғлиқ;

- аҳолисининг малакавий маълумоти бўйича Исроил дунёда АҚШ ва Канададан кейин учинчи ўринда туради;

- илмий унвонларга эга ходимлар барча ишловчиларнинг 25 фоизини ташкил этади;

- ҳар минг кишининг 145 нафарини олимлар ташкил қилади. Бу кўрсаткич Японияда 70 тадан, АҚШда 85 тадан ошмайди;

- ҳар минг кишига 109 саҳифа илмий иш тўғри келади;

- аҳоли жон бошига берилган патентлар сони бўйича Исроил дунёда биринчи ўринда;

- мамлакатда аҳоли умумий сонига нисбат бўйича қаралса, дунёдаги энг кўп стартаплар тўғри келади. Исроил юқори технологик ва инновацион компаниялар сони бўйича АҚШдан кейинги етакчи ўринни банд этган. Унда ҳар куни 12 та, йил давомида 4000 дан зиёд шундай компаниялар пайдо бўлади;

- Исроил, АҚШдаги Силикон водийсини истисно этганда, дунёдаги юқори технологик компанияларнинг энг катта концентрациясига, яъни зич жойлашувига эга;

- Исроил АҚШдан кейин NASDAQ биржасида котировканидиган компанияларнинг энг кўп сонига эга;

- Исроил бир инновацион корхонага давлат томонидан киритиладиган инвестициялар ҳажми бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда;

- у аҳоли жон бошига янги очилган биотехнологик компаниялар сони бўйича ҳам энг юқори фоизга эга;

- Исроил тадбиркорлик ривожланиши бўйича жаҳонда учинчи ўринни забт этган. Унда аёллар, 55 ёшдан ошганлар сони бўйича биринчи ўринни эгаллайди;

- Исроил космик кемаларни Шарқдан Ғарбга, яъни Ер айланишига қарама-қарши йўналишда учира оладиган ягона давлатдир. Бу ракеталарнинг душман қўшни ҳудудлар устидан учиб ўтишини истисно этиш имконини беради.

Умуман, инновацияларга асосланган иқтисодиёт Исроилга минтақадаги энг юқори турмуш даражасини таъминлади. Аҳоли жон бошига ЯИМ 2014 йили 28,4 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Исроилда турли соҳаларда технологияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи саноат компаниялари ва университетлар конкорциумларини молиялаштирадиган талай жамғармалар, давлат дастурлари, инфратузилмалар мавжуд. Сирасини айтганда, бу заминдаги инновация тизими олим ва муҳандисларга ўз кашфиётлари асосида кичик фирма очишлари, кейинчалик ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини, яъни ўз инновацион маҳсулотларини бозорда сотишлари учун қулай имкониятлар яратган.

Биз бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ниҳоясида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Инновациялар иқтисодиётни ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди.

2. Узоқ муддатли иқтисодий ўсишни асосан меҳнат унумдорлигининг ўсиши таъминлайди. Ўз навбатида, бу ўсиш фақат инновацияларни жорий этиш орқали амалга оширилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги тахминан 10,97 долларга тенг. Бу Норвегия ва Люксембург кўрсаткичларидан 7 баравар, АҚШдагидан 6 баравар, Туркиядагидан 3 баравар, Россияникига нисбатан 2 баравар кам демакдир.

3. Мамлакатда қулай тадбиркорлик муҳитини яратмай, самарали инновацион ривожланишга эришиш мумкин эмас.

4. Қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантирмасдан инновация лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштиришни кучайтириш паст самарадорлик коэффициентиغا эга бўлади.

5. Миллий инновация тизими яратилиши илмий тадқиқотларнинг коммерциялашиши учун қулай шароитлар шаклланишига олиб келади.

6. Инновация тизимларини ташкиллаштириш ва уларнинг амал қилиш принциплари хорижий мамлакатларда ривожланиш моделларига қараб, ҳар хил даражада фарқланади. Мавжуд тизимларни ўзимизга кўр-кўрона кўчириш кутилган самарани бермайди. Яхшиси, ўша давлатларда бу институтлар уйғун ишлашини ва ўзаро алоқаларни ўрнатиш механизмини ўрганиш керак.

7. Муваффақиятли инновацион ривожланишнинг бош омили иқтисодиётга янги технологияларни сингдириш қобилияти (absorbtion ability) бўлиб, бу инновацияни ўзлаштириш ва қўллаш учун қулай муҳит яратилишидан далолат беради.

8. Ўзбекистон Миллий инновацион тизимига жуда ўхшаш тузилмага эга Беларусь миллий инновация тизими тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланаётган иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик секторига тадқиқотлар олиб бориш учун бюджет маблағларини ажратиш инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда тез натижа беради.

9. Қозоғистон тажрибасидан маълум бўлишича, молиялаштиришнинг венчурли механизмини жорий этиш мураккаб вазифа бўлиб, жиддий ҳаракатларни, ўзгаришлар ва вақтни талаб этади.

10. АҚШнинг ушбу йўналишдаги тажрибаси юқори ички рақобат иқтисодиётда ўз-ўзидан инновация корхоналари мустақил равишда пайдо бўлишига олиб келишини, юқори малакали мутахассислар (яъни, университетлар) қулай макон (лабораториялар, илмий-тадқиқот институтлар)да ва қулай муҳит (инновацион кластерлар)да баракали ишлашини ва инновацияларни ривожлантиришини исботлади.

11. Европа Иттифоқида шуни кўриш мумкинки, фаол молиялаштириш (ЯИМнинг камида 3 фоизи миқдорида) инновация салоҳиятини, унга аъзо мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишини кучайтирди.

12. Германия тажрибаси билвосита қўллаб-қувватлаш тўғридан-тўғри бошқаришдан самаралироқ бўлишини, илм-фан, ишлаб чиқариш ва бозорнинг

интеграциялашуви мамлакат инновация тизими элементлари ҳамкорлигининг энг самарали шакли эканлигини, ҳар бир инвестиция инновацион йўналтирилган бўлишига ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатди.

13. Буюк Британия тажрибасига қараганда, ҳозирги иқтисодиётда фанлараро тадқиқотлар ва ишланмаларнинг натижадорлиги тор йўналишли лойиҳаларникига нисбатан юқорироқдир.


14. Финляндия тажрибасига асослансак, сиёсатни тубдан ўзгартириб, мамлакатни тараққиётнинг инновация йўлига буриш қисқа фурсатда уни дунёдаги етакчи иқтисодиётлардан бирига айлантириши мумкин.

15. Исроил инновацион маҳсулотларни коммерциялаштириш ва бозорга чиқариш учун энг қулай шароитлар яратган мамлакатдир.

Хулосалар ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида биз иқтисодиётни инновацион йўл билан узоқ муддатли ривожлантириш, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш, Маъмурий ислохотлар концепциясида тасдиқланган “Давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш”га қаратилган давлат сиёсатини қадам-бақадам изохлаб берадиган концепция ишлаб чиқилган бўлиб, у 10 та поғонадан иборат. Дастлабки бешта поғона иқтисодиётда инновациялар учун қулай муҳитни шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Бу вазифалар адо этилган тақдирдагина инновацион тараққиёт учун қулай муҳит яратиш, шунда Ўзбекистонда инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш самара бериши мумкин.

Қулай муҳитни таъминлашдан ташқари, инновация сиёсатининг узвий таркибий қисми бўлмиш илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳам муҳим ҳисобланади. Фаол молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсати давлат учун жозибалироқ. Чунки у аниқ ўлчанадиган натижаларга тезроқ эришишини кўзлайди. Жозибали муҳитни яратиш эса унга

нисбатан узоқ давом этадиган жараён бўлиб, мураккаб тизимлаштирилади ва унда ким аниқ наф олувчи эканини олдиндан билиб бўлмайди. Ҳозирда муҳокамада бўлган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида инновацион сиёсат 5 йил муддатга тасдиқланувчи Миллий инновацион тизимни ривожлантириш давлат дастури орқали амалга оширилиши кўзда тутилган (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари.**

Инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш давлат учун жозибадор бўлса-да, айнан қулай муҳит яратишга устуворлик берилиши керак. Инновацион тараққиётда муваффақиятларга эришган барча мамлакатлар, қандай модель доирасида ривожланмасин, биринчи навбатда, қулай инновацион муҳит яратиб олган. Хорижий мамлакатларнинг ривожланиш тажрибасини ўрганиш асосида инновацияни бугунги кунда фаровонлик ва рақобатбардошликнинг асосий омили, инновацияларни ривожлантиришни эса рақобат курашидаги афзалликларни қўшимча тарзда кучайтирувчи восита

сифатида тавсифласак бўлади. Ривожланган мамлакатлар бу омилларни олдиндан ҳисобга олиб, ўз позицияларини халқаро майдонда кучайтириш йўлида фойдаланмоқда. Унутмаслик керакки, инновацион фаолликни бошқаларга нисбатан олдинроқ ишга туширган давлат доимо ютиб чиқади.

1-жадвал.

**Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш концепцияси**

Босқичлар	Йўналишлар	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар
1-поғона	Институтларнинг амал қилиши	Республика иқтисодиётида базавий шарт-шароитларни яратиш мақсадида жамоат, сиёсий ва иқтисодий институтларнинг самарали ишлаши. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўзгармас солиқ ставкалари ва оддий солиққа тортиш тартиби;</li> <li>- корхоналар инновация фаолиятини имтиёзли солиққа тортиш;</li> <li>- мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш;</li> <li>- инвесторлар ҳуқуқини ҳимоялаш;</li> <li>- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;</li> <li>- экспортни қўллаб-қувватлаш;</li> <li>- сифатли банк хизмати;</li> <li>- ҳукуматнинг барқарор сиёсати ва ҳоказолар.</li> </ul>
2-поғона	Сифатли таълим	Аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун сифатли таълим тизимини таъминлаш қуйидагилар орқали тадқиқотларга шароитлар яратади: <ul style="list-style-type: none"> <li>- таълимга юқори харажатлар;</li> <li>- замонавий таълим стандартлари;</li> <li>- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;</li> <li>- малака ошириш ва хусусий таълим марказларини рағбатлантириш;</li> <li>- техник мутахассислар ва муҳандисларни кўпроқ тайёрлаш.</li> </ul>
3-поғона	Тадбиркорлик маданияти	Аҳоли, олимлар ва тадқиқотчилар орасида қуйидагилар орқали тадбиркорлик маданиятини ошириш: <ul style="list-style-type: none"> <li>- инноваторларнинг тадбиркорлик ташаббусини амалга оширишларини қўллаб-қувватлаш;</li> <li>- олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадбиркорлик билан бандлигини таъминлаш;</li> <li>- бизнес юритишда ҳуқуқбузарликлар учун қонуний жавобгарликнинг юмшоқлигини таъминлаш;</li> <li>- аҳоли ўртасида тадбиркорлик ва инновация жараёнларини фаол тарғиб қилиш.</li> </ul>
4-поғона	Ривожланган инфратузилма	Тадбиркорлик фаолиятини юритишни енгиллаштириш учун ривожланган инфратузилмани яратиш: <ul style="list-style-type: none"> <li>- юқори тезликдаги Интернет ва алоқадан фойдаланиш;</li> <li>- муҳандислик-коммуникация тармоқларининг электр таъминоти, газ таъминоти, техник ва ичимлик сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш;</li> <li>- авто ва темир йўллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;</li> <li>- сифатли логистика хизматлари.</li> </ul>
5-поғона	Ривожланган бозорлар	Қуйидаги имкониятлар мавжуд ички рақобат ривожланган бозор: <ul style="list-style-type: none"> <li>- кредитлар ва венчур молиясидан фойдаланиш;</li> <li>- бозорда инновацион ишланмаларни коммерциялаш;</li> <li>- иқтисодиётда кластерлар ривожлангани;</li> <li>- яхши ривожланган меҳнат бозори;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- кўчмас мулк ва тижорат бинолари ижараси ривожлангани;</li> <li>- валюта ва фонд бозорининг ишлаши.</li> </ul>
6-поғона	Илм-фаннинг давлат томонидан молиялаштирилиши	<p>Илмий-техник ютуқларимизни эришилган даражада сақлаб туриш ва янада ошириш мақсадида илм-фан ва фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тадқиқотлар учун грантлар ажратиш;</li> <li>- илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари илмий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида субсидиялар ажратиш;</li> <li>- фанлараро тадқиқотлар фаол олиб бориш;</li> <li>- олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида халқаро тажриба алмашинувини рағбатлантириш.</li> </ul>
7-поғона	Инновация ишланмаларининг давлат томонидан молиялаштирилиши	<p>Умумий товарлар, иш ва хизматлар ҳажмида инновацион маҳсулотлар улушини ошириш учун тажриба-конструкторлик фаолиятини ва инновацион корхоналар ишланмалари коммерциялашувини молиялаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- инновацион ишланмалар ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг давлат томонидан молиялаштирилиши;</li> <li>- кредитларга гаров сифатида кафолатлар бериш;</li> <li>- стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш учун солиқ имтиёзлари бериш;</li> <li>- инновацион янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичларида уларга талабни сақлаб туриш учун давлат харидини таъминлаш;</li> <li>- давлат венчур фондларини ташкил этиш ҳамда хусусий фондлар инвестицияларини рискдан кафолатлаш фондидини ташкил қилиш.</li> </ul>
8-поғона	Инновацион фаоллик	<p>Қулай муҳит шакллантирилиши ва инновацияларни фаол молиялаштириш натижасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион фаоллиги ошади;</li> <li>- меҳнат унумдорлиги кўтарилди;</li> <li>- миллий ва халқаро патентлар бериш кўпаяди;</li> <li>- инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхоналар сафи кенгаяди;</li> <li>- тадқиқотлар ва ишланмалар билан банд кишилар сони ошади.</li> </ul>
9-поғона	Сиёсат натижаси	<p>Шундан сўнг Ўзбекистонда олиб борилган инновация сиёсат натижасини куйидаги кўрсаткичлар орқали ҳис этиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- берилган патентлар сони;</li> <li>- венчурли инвестициялар ҳажми;</li> <li>- юқори технологик экспортнинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши;</li> <li>- хорижий технологияларга боғлиқликнинг пастлиги;</li> <li>- экология, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш даражасининг юқорилиги.</li> </ul>
10-поғона	Иқтисодий оқибатлар	<p>Шу тарихда Ўзбекистон халқаро юқори технологиялар бозоридаги етакчилардан бирига айланади ва турли халқаро рейтингларда мамлакат иқтисодиёти бўйича юқори ўринларга эришилади.</p>

## **11.5. Халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини мустаҳкамлаш йўллари**

Халқаро рейтинг ва индекслар мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини белгилаб беришга хизмат қилади. Жаҳондаги ҳар бир мамлакат халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўрин эгаллашга, мамлакатда олиб борилаётган турли жабҳалардаги ислоҳотларни жадаллаштиришга ҳаракат

қилади. Бир сўз билан айтганда халқаро рейтинг ва индекслар мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга холис баҳо беришга хизмат қилади.

2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас-деб, таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сонли Қарорида.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, дунёдаги нуфузли “Fitch Ratings” ва “Standart & Poors” рейтинг агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Ана шу рейтинг баҳолари “Барқарор” прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12-18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради. Ўзбекистон эришаётган бундай рейтинг баҳолари кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини қайд этиш лозим. Ушбу рейтинг агентликлари Ўзбекистонда валюта, савдо ва нарх сиёсати эркинлашгани, давлат бошқарувидаги институционал ўзгаришлар, мамлакат олтин-валюта ва бюджет захираси етарли экани, давлат қарзининг камлиги сингари омилларга алоҳида эътибор қаратмоқда.





Жаҳон банки “Бизнес юритиш” халқаро рейтинги доирасида охириги бир йил ичида бизнес юритишда энгиликларни назарда тутувчи энг кўп ислохотларни амалга оширган 20та давлатни эътироф этди. Булар ичида Ўзбекистонда 5та йўналиш бўйича амалга оширилган қадамлар алоҳида тан олинди. Жаҳон банки Ўзбекистонни охириги даврда миноритар инвесторларни ҳимоя қилишни мустаҳкамлаган, солиқлар тўлаш тизимини соддалаштирган, шартномалар ижросини амалга оширишни кучайтирган, шунингдек ташқи савдо йўналишида сезиларли янгиликлар киритган давлат сифатида эътироф этади. Жаҳон банки медиация институтини ривожлантиришга қаратилган қадамларни ҳам эътироф этиб, бу борада ягона ҳуқуқий база шаклланишини ва медиациядан фойдаланишни рағбатлантириш механизмлари жорий этилганини таъкидлаган. Божхона соҳасида эса хавф-хатарни таҳлил қилиш асосида текширувларни амалга ошириш тартиблари киритилганини ҳам маъқуллаган.

**Index of Economic Freedom (Иқтисодий эркинлик индекси)** - мамлакатларда иқтисодий эркинлик даражасини баҳолашга йўналтирилган бир қатор кўрсаткичлардан ташкил топган рейтинг ҳисобланади. Американинг The Heritage Foundation илмий-тадқиқот маркази ва The Wall Street Journal газетаси томонидан рейтинг кўрсаткичлари эълон қилиб борилади.

Index of Economic Freedom (Иқтисодий эркинлик индекси) - 10 та назорат кўрсаткичларининг ўртача арифметик қийматини аниқлаш орқали ҳисоблаб топилади: 1. Мулк ҳуқуқи; 2. Коррупциядан ҳолилик; 3. Фискал эркинлик; 4. Ҳукумат аралашуви; 5. Тадбиркорлик эркинлиги; 6. Меҳнат эркинлиги; 7. Монетар эркинлик; 8. Савдо эркинлиги; 9. Инвестициялар эркинлиги; 10. Молиявий эркинлик.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича 0 дан 100 гача бўлган баллар қўйиб борилади ва умумий натижа жамланади. Ўз-ўзидан аёнки мутлоқ эркин иқтисодиётда бу индекс 100 га тенг бўлгани ҳолда, эркинлик даражаси паст бўлган мамлакатларда бу индекс қиймати 0 га яқинлашиб боради.

Index of Economic Freedom (Иқтисодий эркинлик индекси)нинг якуний ҳисоботида рейтингга киритилган барча давлатлар тўплаган рейтинг балларига кўра шартли равишда бешта гуруҳга ажратилади:

1. 80 балдан 100 балгача тўплаган мамлакатлар-эркин иқтисодиётга эга бўлган давлатлар;
2. 70 балдан 80 балгача жамғарган мамлакатлар- иқтисодиёти нисбатан эркин бўлган давлатлар;
3. 60 балдан 70 балгача тўплаган мамлакатлар-иқтисодий эркинлиги мўътадил бўлган давлатлар;
4. 50 балдан 60 балгача тўплаган мамлакатлар- нисбатан иқтисодий эркинлиги паст бўлган давлатлар;
5. 50 балдан паст тўплаган мамлакатлар- мутлоқ иқтисодий эркин бўлмаган давлатлар.

Ўзбекистон мазкур рейтингда дунё мамлакатлари орасида 140 –ўринда қайд этилган.



**The Global competitiveness index (Глобал рақобатбардошлик индекси)-** Бутунжаҳон Иқтисодий Форуми (World Economic Forum) версияси бўйича мамлакатларнинг иқтисодий рақобатбардошлик даражаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва шу асосда уларнинг рейтингини аниқлашни кўзда

тутади.

Бутун жаҳон иқтисодий форуми миллий рақобатбардошликни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакат ва мавжуд институтларнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш олиш лаёқати сифатида тушунтиради. Тадқиқот муаллифлари миллий рақобатбардошликнинг юқори кўрсаткичларига эга мамлакатлар ўз фуқароларининг юксак турмуш даражасини таъмин эта оладилар, деб таъкилайдилар. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва рақобатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида

мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш, узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда мамлакатлар Глобал рақобатбардошлик индексидан фойдаланишлари тавсия қилинади.

Глобал рақобатбардошлик индекси 113 та кўрсаткичдан ташкил топган бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида бўлган мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини тавсифлайди. Жами маълумотларнинг учдан икки қисми корхона раҳбарлари билан ўтказилган сўровлар асосида шакллантирилса, маълумотларнинг учдан бир қисми эса статистик маълумотлар ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилувчи тадқиқотлар натижалари асосида шакллантирилади. Барча кўрсаткичлар миллий рақобатбардошлик даражасини белгилаб берувчи 12 та назорат кўрсаткичлари гуруҳига бирлаштирилади:

1. Институтлар сифати;
2. Инфратузилма;
3. Макроиқтисодий барқарорлик;
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим;
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик;
6. Товар ва хизматлар бозори самарадорлиги;
7. Меҳнат бозори самарадорлиги;
8. Молия бозорининг ривожланганлик даражаси;
9. Технологик тараққиёт даражаси;
10. Ички бозор кўлами;
11. Компанияларнинг рақобатбардошлиги;


12. Инновацион салоҳият.

World Economic Forum: The Global Competitiveness Report 2018 да Марказий Осиё давлатлари орасида биргина Ўзбекистон мазкур рейтингга киритилмаган. Бугунги кунда



Жаҳон иқтисодий форумига Ўзбекистон номидан рейтингга кириш учун хат жўнатилган.

**Бошқа тадқиқотлардан фарқли равишда бизнес юритиш (doing business) қулайлиги индекси** фақатгина тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бўлган қонунлар, меъёрий ҳужжат-ларни ўрганишга асосланади. Инфратузилма, инфляция, ишсизлик, жиноятчилик, бизнес-нинг даромадлилик даражаси каби умумий жиҳатлар мазкур рейтингни тузишда инобатга олинмайди.



**4-расм. Дунё мамлакатларида бизнес юритиш қулайлиги.**

Харитада яшил рангга бўялган давлатларда бизнес юритиш қулай бўлса, қизил рангга бўялган мамлакатларда бизнес юритиш ўта ноқулай. Қулранг билан қайд этилган мамлакатлар бўйича маълумотлар етарли эмас.

**БИЗНЕС ЮРИТИШ (DOING BUSINESS) ҚУЛАЙЛИГИ ИНДЕКСИ** қуйидаги 10 та индикаторни ўз ичига олади:

1. Бизнесни бошлаш- корхонага асос солиш учун минимал капитал, вақт, харажатлар ва бажариладиган амаллар
2. Қурилишга рухсат олиш- қурилишга рухсат олиш билан боғлиқ сарф-харажатлар;
3. Электр тармоғига уланиш- электр токи билан таъминланиш учун сарф бўладиган вақт ва сарф-харажатлар;

4. Мулкни рўйхатдан ўтказиш- тижорат мулкни рўйхатдан ўтказиш учун сарфланадиган вақт ва сарф-харажатлар;
5. Кредит олиш- юридик ҳуқуқнинг кучи, кредит ахборотининг тўлиқлиги;
6. Инвесторлар ҳуқуқини ҳимоялаш-молиявий кўрсаткичларнинг очиклиги, инвесторлар томонидан судга даъво аризалари киритишнинг енгиллиги, раҳбариятнинг жавобгарлиги;
7. Солиқлар тўлаш- солиқлар сони, солиқ ҳисоботлари тайёрлаш учун сарфланадиган вақт, фойдадан улуш сифатида тўланувчи солиқ;
8. Халқаро савдо- экспорт ва импортни амалга ошириш кетадиган вақт ва керак бўладиган ҳужжатлар сони;
9. Шартномалар ижросини таъминлаш- қарзларни ундириш учун кетадиган вақт ва бажариладиган ишлар;
10. Корхонани ёпиш- тўловга лаёқатсиз корхонани ёпиш учун кетадиган вақт ва қўшимча сарф-харажатлар.

Ўзбекистон 2020 йил рейтингида дунё мамлакатлари орасида 69- ўринда қайд этилган. Хусусан мамлакатимиз бизнесни рўйхатга олиш бўйича дунё мамлакатлари ўртасида 8-ўринни банд қилган бўлсада, қурилишга рухсат олиш бўйича 132-ўринда, мулкни рўйхатга олиш бўйича 72-ўринда, халқаро савдони амалга ошириш бўйича 152-ўринда қайд этилганлиги бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш лозимлигини кўрсатади.



**1999 йилдан буён Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Ўзбекистонга кредит рейтингини**

**бериб келади.** 1999 йилдан 2008 йилгача бўлган вақт оралиғида кредит таваккалчилиги бўйича мамлакатларнинг 7 та гуруҳи орасида 1 гуруҳга мансуб кўрилган бўлса, 2008 йилда Ўзбекистон кредит таваккалчилиги бўйича мамлакатлар рейтингининг 6-гуруҳига муносиб деб топилган бўлса, 2019 йилга келиб, ташкилот мамлакат рейтингини 5-даражагача кўтарди. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, миллий валютани конвертация қилиш, савдо


ҳамкорлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакат кредит рейтингининг ўсишига сабаб бўлган муҳим омиллар саналади.



**The Rule of law index (Ҳуқуқ устуворлиги индекси)**– дунё мамлакатларида ҳуқуқий мезонларга таянилган ҳолда барпо этилган ҳуқуқий муҳитнинг қай даражада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолат-ланишига хизмат

қилишини кўрсатиб беради. Мазкур индекс The World Justice Project, нодавлат ташкилоти томонидан тавсия этилган услубиёт бўйича ҳисобланади ва бунда статистик маълумотлар ва глобал миқёсда экспертлик сўровлари натижаларига таянилади. The Rule of law index 2010 йилда ишлаб чиқилган ва у мамлакатларнинг ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида эришган натижаларини баҳолаш имконини беради. The Rule of law index (Ҳуқуқ устуворлиги индекси) 47 та кўрсаткичдан ташкил топган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида бўлган мамлакатларда халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилинишини кўрсатиб беради. Барча кўрсаткичлар 8 та назорат кўрсаткичлари гуруҳига бирлаштирилган:

1. Ҳокимият институтлари ваколатининг чекланганлиги;
2. Коррупциянинг мавжуд эмаслиги;
3. Жамоат тартиби ва хавфсизлик;
4. Асосий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши;
5. Ҳокимият институтларининг шаффофлиги;
6. Қонунларга риоя қилиш;
7. Фуқаролик судлови;
8. Жиноятларни одил судлов қилиш.



**5-расм. Дунё мамлакатларида ҳуқуқ устуворлиги.**

Харитада кўрсатилганидек, қайси мамлакат тўқ қизил рангга бўялган бўлса, ўша мамлакатда ҳуқуқ устуворлиги паст баҳоланади. Ўзбекистон мазкур рейтингда 94-ўринда қайд этилган.



**Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption Perceptions Index)** — бу давлат секторида коррупциянинг тарқалганлик кўрсаткичи-ни ўрганиш бўйича глобал миқёсда амалга оширилувчи тақдқиқот ва шу асосда тузилган мамлакатлар рейтинги ҳамдир. Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти томонидан тақлиф этилган услубиёт асосида

статистик маълумотлар ва глобал кўламда ўтказилган сўровларга таяниб мазкур индекс ҳисобланади ва мамлакатнинг глобал рейтингдаги ўрни аниқланади. Мазкур индекс қиймати 0 ва 100 оралиғида жойлашган бўлиб, индекс қанчалик 0 га яқинлашса, бу мамлакатда коррупциянинг ҳаддан ташқари кучайганлигини кўрсатади. Индекснинг 100га яқинлашиб бориши мамлакатда коррупция даражаси камайиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ушбу индексда ўрнини бироз яхшилаб, 25 балл тўплади. Мамлакат 180 давлат ва ҳудудлар орасида 153-ўринни эгаллади (ўтган йилги кўрсаткич - 158-ўрин).



## **Инсон тараққиёти индекси (Human Development Index)-**

бу дунё мамлакатларида инсон тараққиётини акс эттирувчи кўп қиррали кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур индекс ҳар йили БМТнинг Тараққиёт дастури экспертлари ва мустақил халқаро экспертлар кўмагида ҳисоблаб чиқилади. Тадқиқотлар натижаси ҳар йили БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан турли махсус маърузалар кўринишида чоп этиб

борилади. Инсоннинг бахтли ва узоқ умр кечириши, табиат ва жамият яратган моддий, номоддий ва ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиб яшаши Инсон тараққиёти концепциясининг асосини ташкил этади. Инсон тараққиёти индекси- бу у ёки мамлакат аҳолисининг инсоний тараққий этиш даражасини кўрсатади, шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолатларда уни “турмуш сифати” ёки “турмуш даражаси” каби кўрсаткичлар билан бир қаторда қўллашга ҳаракат қиладилар. ИТИ мамлакат аҳолисининг соғлиқ даражаси, таълим олиш имкониятлари ва амалдаги даромадлари нуқтаи назаридан мазкур мамлакат эришган натижаларни ўлчаш имконини беради ва бунда қуйидаги учта индексдан фойдаланилади:

1. Кутилаётган умр кўриш давомийлиги индекси;
2. Саводхонлик даражаси индекси;
3. Ялпи миллий даромад индекси.

Инсон тараққиёти индекси (ИТИ) human development index (HDI) ни ҳисоблаш натижаларига кўра- ИТИ ўта юқори бўлган, ИТИ юқори, ИТИ ўртача ва ИТИ паст бўлган мамлакатлар фарқланади. 2019 йилда Ўзбекистон ИТИ бўйича 190 та мамлакат орасида 0,71 коэффицент билан 105-ўринда қайд қилинган.

**The Democracy index (Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси)** — дунё

**The Economist**

**INTELLIGENCE UNIT**



мамлакатларида демократик ислохотларнинг амалга оширилиши ва бу борада эришилган натижаларни акс эттирувчи рейтинг кўрсаткичи ҳисобланади. Мазкур индекс Буюк Британиянинг The Economist Intelligence Unit. халқаро тадқиқот марказининг услубиёти бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Жаҳон мамлакатларининг демократияси индекси 60 та асосий кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиб, мазкур кўрсаткичлар бешта асосий гуруҳга бирлаштирилган. Бу кўрсаткичлар мамлакат ичидаги демократик жараён-ларни, хусусан: Сайловлар жараёни ва плюрализм; Ҳукумат фаолияти; Сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштироки; Сиёсий маданият; Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини баҳолашга хизмат қилади.

2019 йилда Ўзбекистон мазкур индекс рейтингда 167 та дунё мамлакатлари орасида 157-ўринни эгаллаган.



#### **Worldwide Press Freedom Index /**

#### **Бутунжаҳон матбуот эркинлиги**


**индекси** – дунё мамлакатларида матбуот эркинлиги-нинг ҳолати борасидаги вазият ва уни акс эттирувчи ўзига хос рейтинг

— ҳисобланади. Матбуот эркинлиги ва

журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Чегара билмас репортёрлар халқаро нодавлат ташкилоти (Reporters Without Borders) мазкур рейтингни юритади. Мазкур халқаро нодавлат ташкилоти сўз эркинлиги ва ўзини намоён қилиш борасида муаммоларга дуч келувчи журналистлар, ёзувчилар ва шунга ўхшаш шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу борада ҳуқуқбузарликларни қайд қилувчи Сўз эркинлигининг таъминланганлик ҳолати бўйича ахборотлар алмашишнинг Халқаро тармоғи (Freedom of Expression Exchange Network, IFEX) нинг аъзоси ҳисобланади.

Эркин матбуот индекси барча турдаги оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлари журналистларининг эркинлик даражасини баҳолайди. Бунда у ёки бу мамлакат ҳукуматининг оммавий ахборот воситалари ва нашрларига бўлган муносабати, уларнинг матбуот эркинлигини таъминлашга бўлган хатти-

ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу индекс дастлаб 2002 йилда 139 та мамлакатни қамраб олган ҳолда тузилган ва дунё ҳамжамиятига тақдим этилган. Тадқиқотлар эксперт баҳолашларига асосланган бўлиб, ташкилот мутахассислари 43 та асосий кўрсаткичлар асосида у ёки бу мамлакатда матбуот эркинлигининг таъминланганлик ҳолатига баҳо берадилар. Индекс давлатларни тўплаган балларига қараб рейтинг рўйхатида киритади. Бунда 0 балл-энг яхши кўрсаткич сифатида баҳоланса ва у мамлакатда матбуот эркинлиги мутлоқ таъмин этилганлигини кўрсатса, рейтинг балларининг 0 дан ортиб бориши мазкур мамлакатда матбуот эркинлиги бузилаётганлигидан далолат беради. Ташкилот экспертлари мазкур индекс ҳар бир мамлакатдаги матбуот ва сўз эркинлигини тўлиқ ва аниқ акс эттиради, деб ҳисоблайдилар.



6-расм. Дунё мамлакатларида ахборот эркинлиги даражаси.

WORLDWIDE PRESS FREEDOM INDEX / БУТУНЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ИНДЕКСИ рейтингда Ўзбекистон 2019 йил 180 мамлакат ўртасида 53,2 балл тўплаган ҳолда 160 ўринда қайд этилди.

**Логистика самарадорлиги индекси (Logistics performance index)**нинг мақсади логистика тизимининг қулайлигини аниқлаш йўли билан мамлакатларга савдо логистикаси самара-дорлигига таъсир кўрсатувчи муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш имкониятларини излаб топишда кўмаклашишдан иборат. Маҳаллий ва халқаро экспедиторлик компаниялари операторлари ўртасида сўровга ўтказишга асосланган ҳолда, логистика самарадорлиги индекси дунёнинг 155 та мамлакати логистика тизимларининг қулайлигини баҳолайди. Индексни аниқлашда ҳам миқдор ва ҳам сифат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Мазкур индекс мамлакатлар логистика тизимлари ўртасида ўзаро яқинлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилади. Мазкур индекс логистика хизматлари занжирининг барча бўғинлари бўйича мамлакат логис-тика тизимига ҳам миллий ва ҳам халқаро даражада баҳо беради.

Логистика самарадорлиги индекси- бу олтига асосий ташкил этувчиларни ўз ичига олган яхлит кўрсаткич логистика сектори фаолияти самарадорлигининг жамланма кўрсаткичидир. Бу кўрсаткичлар сирасига қуйидагилар киради:

- 1.божхона органлари ишининг самарадорлиги;
- 2.инфратузилма сифати;
- 3.халқаро юк ташишларни ташкил этишнинг осонлиги;
- 4.логистика хизматларининг сифати ва компитентлиги;
- 5.юкларни кузатиб бориш имконияти;
- 6.етказиб бериш муддатларига риоя этилиши.

Ўзбекистон логистика самарадорлиги индексида 2018 йилда 99 ўринда қайд этилган.



**The UN Global E-Government Development Index (Электрон ҳукумат-ни ривожлантириш индекси)** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан икки

йилда бир марта мамлакат фуқаролари-нинг давлат хизматларидан қай тарика самарали фойдалана олиш имкониятига эга эканликларини аниқлаш мақсадида тузиб чиқилади. Бунда асосий урғу давлат хизматларини тақдим этиш ва улардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасига берилади. Мазкур индексни ҳисоблашда давлат идоралари томонидан АКТдан кенг фойдаланилишига асосий эътибор қаратилгани ҳолда қуйидаги учта ташкил этувчи индексни ҳисоблашнинг асосини ташкил этади:

- 1.Интернет хизматлари билан қамраб олиш ва уларнинг сифати;
- 2.АКТ-инфратузилманинг ривожланганлик даражаси;
- 3.Инсон капитали.

Ўзбекистон 2018 йилда мазкур рейтингда 190 та мамлакат орасида 81 – ўринда қайд этилган.



**Статистик салоҳият-** бу мамлакатнинг ўз аҳолиси ва иқтисодиёти тўғрисида юқори сифатли маълумотларни жамлай олиш, таҳлил қила олиш ва тарқата олиш салоҳиятини ифода этади. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни мониторинг

қилиш, давлат ресурслари ва ваколатларини тақсимлаш, халқаро ҳамжа-миятни мамлакатда амалга оширилаётган дастурлар ва сиёсат тўғрисида хабардор қилиш каби аниқ маълумотларга асосланган ҳолда, бошқарув жараёнларининг ҳар бир босқичида қарорлар қабул қилишда статистик кўрсаткичларнинг сифати алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон банкининг статистик салоҳият кўрсаткичи мамлакат статистика тизими салоҳиятини баҳоловчи жамланма кўрсаткич ҳисобланади. У услубиёт, маълумотлар манбаи, маълумотларни ўз



вақтида тақдим этилиши ва уларнинг даврийлиги каби соҳаларни баҳолашнинг диагностик тузилмасига асосланади.

Мамлакатлар мазкур соҳаларга мансуб бўлган 25 та мезон бўйича тегишли маълумотлар асосида баҳоланадилар. Баҳолаш 0 ва 100 оралиғида амалга оширилади.

**United Nations Industrial Development Organization (UNIDO)** томонидан ҳисобла-нувчи **Саноат рақобатбардошлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index (CIP))** дунё мамлакатларининг рақобатбар-дошлик даражасини белгилаб берувчи жамланма индекслар орасида энг ёши ҳисобанади. Унинг пайдо бўлганига қарийб 10 йил бўлганига қарамадан, ундан мамлакатлар саноат рақобатбардошлигини баҳолашда **World Economic Forum (WEF)** ва **International Institute for Management Development (IMD)** томонидан ишлаб чиқилган индекслар қаторида фойдаланилиб келинмоқда. CIP мамлакатларнинг рақобатлаша оладиган даражада қайта ишловчи саноат тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қила олиш лаёқатларини кўрсатиб беради. UNDP мута-хассисларининг фикрича рақобатбардошлик кўп қиррали тушунча ва жараён бўлганлиги сабабли у иқтисодий ўсишга нисбатан иқтисодиётда бўлаётган жараёнларни тўла-тўқис тавсифлаб беради. Рақобатбардошлик ўрта ва узок муддатли истиқболда иқтисодиётнинг маълум бир ривожланиш суръатларини таъмин эта олиш имкониятларини кўрсатади. Шу сабабли ҳам саноат рақобатбардошлиги индекси асосий эътиборни қайта ишловчи саноат тармоғига қаратади.



**Инвестицияларнинг тартибга солинишини чекланганлиги индекси**, дастлаб 2003 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ҳисоблаб чиқилган бўлиб, у миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига инвестиция киритаётган хорижий инвесторлар учун миллий қонунчиликда у ёки бу кўринишдаги чекловлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини баҳолаш имконини беради.

Баҳолаш 4 та гуруҳ бўйича амалга оширилади:

- 1.Тармоқ корхоналарида улушли иштирок этишга чекловлар;
- 2.Текшириш ва рухсат беришларнинг зарурати;
- 3.Асосий персонал (раҳбар ва зарурий мутахассислар)ни ёллашга чекловлар;
- 4.Хорижий корхоналар учун бошқа чекловлар (ер, капитал, даромад ва фойдани тақсимлаш ва шу кабилар).

Чекловлар даражаси ва уларнинг кўлаmidан келиб чиққан ҳолда баҳолашлар амалга оширилади. Тармоқлар бўйича баҳолашлар ўтказилиб бўлингандан сўнг, мамлакат иқтисодиёти бўйича ўртача балл чиқарилади. Бугунги кунда мазкур индекс Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 68 та аъзо давлатлари учун ишлаб чиқилган.



**Инновациялар глобал индекси (The Global Innovation Index)**-инновацияларнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичи бўйича мамлакатларни тадқиқ қилиш ва тадқиқот натижалари асосида мамлакатлар рейтингини тузишни кўзда тутди. Мазкур индекс

2007 йилдан буён INSEAD халқаро бизнес мактаби, Корнелл университети (Cornell University) ва Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (World Intellectual Property Organization, WIPO) томонидан тавсия этилган услубиёт асосида ҳисоблаб келинмоқда ва у бугунги кунда мамлакатларнинг инновацион тараққиёт даражасини тўлалигича баҳолаш имконини беради. Инновациялар глобал индекси (The Global Innovation Index) 82 та ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида бўлган мамлакатларнинг инновацион тараққиётни таъминлаш борасида эришган натижаларини баҳолаш имконини беради. Тадқиқот муаллифлари мамлакатда қанчалик инновацион тараққиётга интилиш кучли бўлса, мамлакат шунчалик иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланади, деб ҳисоблайдилар.



**Governance Matters (Давлат бошқару-  
вининг сифати)** -бу давлат бошқарувининг  
самарадорлиги ва сифати борасида мамлакат-  
лар кўрсаткичини ўзида жамлаган тадқиқот ва  
мазкур тадқиқот натижалари асосида тузилган

рейтинг ҳисобланади. Давлат бошқаруви сифати индикатори Жаҳон банки (The World Bank) услубиёти асосида турли манбалардан олинadиган юзлаб маълумотларни таҳлил қилиш асосида мазкур индикатор ҳисобланади.

Давлат бошқаруви сифати (Worldwide Governance Indicators)ни тадқиқ қилишда давлат бошқарувининг турли жиҳатларини ўзида акс эттирувчи олтита турли хил индекслардан фойдаланилади:

1. Аҳоли фикрини инобатга олиш ва давлат идораларининг ҳисобдорлиги (Voice and Accountability) индекси турли сиёсий жараёнлар, фуқароларнинг эркинликлари ва сиёсий ҳуқуқларининг турли жиҳатларини ўлчайди.

2. Сиёсий барқарорлик ва тазйиқларнинг йўқлиги (Political Stability and Absence of Violence) индекси давлат бошқаруви институтларининг ва сиёсий тузумнинг барқарорлиги, давлат ҳокимиятини конституцияда кўзда тутилмаган йўллар билан ағдаришга ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга бўлган интилишларнинг эҳтимоллик даражасини ўлчайди.

3. Ҳукумат фаолиятининг самарадорлиги (Government Effectiveness) индекси давлат хизматларининг сифати, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ички сиёсатга аҳолининг ишончи, давлат аппаратининг самарали фаолият кўрсатиши, давлат хизматчиларининг компитен-циялари, уларнинг турли сиёсий тазйиқлардан ҳоли эканликларини баҳолайди.

4. Қонунчилик сифати (Regulatory Quality) — хусусий секторнинг жадал ривожланишига имкон берувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида ҳукуматнинг қай даражада лаёқатли эканлигини баҳолаш имконини беради.

5. Қонун устуворлиги (Rule of Law) индекси турли субъектларнинг ўрнатилган қонунчилик нормаларига нисбатан ишонч билдириши ва

шунингдек уларнинг мазкур меъёрларга риоя қилишларини, жинойтчилик даражасини, жамиятнинг жинойтчиликка бўлган муносабатини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг самарадорлигини баҳолайди.

6. Коррупцияни жиловлаш (Control of Corruption) индекси ҳукумат идоралари ва кенг жамоатчиликнинг коррупцияга бўлган муносабатлари, жамиятда коррупцияга қарши олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ўлчашга хизмат қилади.



**Бюджет очиқлиги индекси (Open budget index)** 1990 йилда асос солинган бугунги кунда штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган нуфузли халқаро нодавлат ташкилоти (International Budget Partnership) томонидан эълон қилиб борилади. Бу борадаги тадқиқотлар доимийлик тавсифига эга бўлиб, ҳар икки йилда бир марта эълон қилиб борилади. Бюджет очиқлиги индексини тузишда урта асосий омил: бюджетга тегишли маълумотлардан кенг жамоатчи-ликнинг хабардорлиги; бюджет жараёнларида кенг жамоатчиликнинг иштироки ва бюджет жараёнларини назорат қилишда расмий назорат идоралари, шу жумладан қонунчилик институтлари ва давлат тафтиш ва назорат идоралари фаолиятининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бюджет очиқлигига доир маълумотларни жамлашда 145 та саволни ўз ичига олган анкета сўровномасидан фойдаланилади.

Ўзбекистоннинг халқаро индекс ва рейтинглардаги бугунги кундаги ўрнини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ақл ва илм талаб қилинса, ўша жойда мамлакатимизнинг ўрни жуда паст даражада, юртимизга ато этилган бебаҳо ресурслар бўйича эса мамлакатимиз дунё рейтингларида юқори поғоналарни эгаллайди. Шу боис, барча ишларимизни ақл ва илмга таяниб амалга оширсак, мамлакатимизнинг дунё рейтингларидаги ўрнини яхшилашга эришишимизга шубҳа йўқ.

### **Қисқача хулосалар**

1. Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи



янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

2. Бугунги кунда Ўзбекистан иқтисодий ҳолати учун мос келадиган “инновацион муҳит” ибораси бўлғуси инновациялар учун корхоналар жозибadorлигини тавсифлайди. Инновацион муҳитни баҳолашда одатда бир катор параметр ёки белгилар қўлланилади. Мазкур параметрлар давлатнинг инновацияларни жорий этиш салоҳияти ва уларни амалга ошириш таваккалини характерловчи белгилардир. Уларнинг энг асосийлари куйидагилардир: сиёсий барқарорлик; макроиқтисодий ҳолат; инновацион фаолият ҳукукий асослари; солиқ тизими сифати ва солиққа тортиш даражаси; банк тизими ва бошқа молиявий институтлар ҳолати ва ишончлилиги; инфраструктуранинг ривожланиш даражаси; ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши; давлат бошқарув тизими.

3. Инновацион фаолиятни самарали бошқариш учун зарур шароитлар куйидагилар ҳисобланади:

-зарур жараён сифатида қараладиган янгиликларни излаш ва ўзлаштиришни рағбатлантирувчи маъқул шароитни яратиш. Инновацион бўғинларда фаолият юритадиган ишловчиларни рағбатлантириш инновацион жараён иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим;

-инновацион фаолиятнинг нуфузли йўналишларини стратегик режа асосида аниқлаш лозим, бунда инновацияларни ташкил этишда етакчи ролни юқори бошқарув раҳбарияти ўйнайди;

-бутун инновацион фаолиятни бозор эҳтиёжларига йўналтириш;  
-инновацион таркибни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда корxonани бошқарув тизимини қайта ташкил этиш.

### **Назорат саволлари**

1. Мамлакатимизда ташкил этилган Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?

2. Давлат инновацион сиёсатининг моҳияти ва уни амалга оширишдан кўзланган асосий вазифаларни тушунтириб беринг?

3. Бугунги кунда мамлакатимизда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш борасида тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар нималардан иборат?

4. Инновацион муҳит тушунчасини шарҳлаб беринг?

5. Миллий инновацион тизим нима?

6. Миллий иқтисодиёт даражасида инновацион фаолият самарадорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичларни санаб беринг?

7. Мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ривожланганлик даражаси қандай? Уни янада ривожлантириш учун нима ишлар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?

*Жамиятда бойларга қараганда, пул ҳақида энг кўп ўйловчи синф-бу камбағаллардир. Зеро, уларда пулдан бошқа ўйлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Камбағалликнинг муаммоси ҳам, айнан шундадир...*

*Инглиз ёзувчиси ва шоири Оскар Уайльд*

## **12-МАВЗУ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ**

**12.1. Демографик соҳадаги таҳдидлар. Демографик жараёнларни баҳолаш усуллари ва демографик хавфсизлик кўрсаткичлари тизими**

**12.2. Ижтимоий соҳадаги таҳдидларни тизимлаштириш ва баҳолаш**

**12.3. Қашшоқлик чегараси ва даражаси, аҳоли даромадларининг табақаланишини ўрганиш усуллари**

**Таянч тушунча ва иборалар:** демография, ижтимоий-демографик хавфсизлик, демографик хавфсизлик кўрсаткичлари, аҳолининг табиий ўсиши, ишчи кучи миграцияси, қашшоқлик, камбағаллик, очлик даражаси, даромадларнинг табақаланиши.

**12.1. Демографик соҳадаги таҳдидлар. Демографик жараёнларни баҳолаш усуллари ва демографик хавфсизлик кўрсаткичлари тизими**

Ижтимоий-демографик хавфсизликни тадқиқ қилиши ҳудудларни ривожлантиришнинг мумкин бўлган истиқболларини белгилаб берувчи асосий масалалардан биридир. Замонавий илмий адабиётларда ҳудудларнинг ижтимоий-демографик хавфсизлигини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Ушбу категориянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон фаолиятининг барча соҳаларига фаол таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-демографик хавфсизлик дейилганда шундай ҳолат ва унинг ўзгариши тенденциялари тушуниладики, бунда ҳудудда (давлат, минтақа) аҳолининг кўпайиши ва муносиб яшаш шароитлари ва шахсий ривожланиш жараёнларининг барқарорлиги таъминланади<sup>113</sup>.

---

<sup>113</sup> Татаркин А.И. Социально-демографическая безопасность регионов России: текущее состояние и проблемы диагностики/ А.И.Татаркин, А.А.Куклин, А.В.Черепанова// Экономика региона.2008.С.154-162.

Ижтимоий ва демографик хавфсизлик қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- аҳолининг табиий кўпайишини тавсифловчи кўрсаткичларни доимий равишда тартибга солиш ( йўл қўйилиши мумкин бўлган минимал даражадан паст эмас), бу эса ўз навбатида яқин ўн йилликда ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароит яратиш имконини беради;

- миллат соғлиғини юқори даражада сақлаш ва қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар яратиш, хавfli касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида санитария-эпидемиология меъёрларига қатъий риоя қилиш;

- замонавий дунё стандартларига жавоб берадиган, муносиб турмуш даражаси ва турмуш даражасини сақлаб қолиш учун шароит яратиш, бу ўз навбатида аҳолининг популяциясининг сақланиб қолиши ва барқарор иқтисодий ўсишга ёрдам беради;

- шахснинг хавфсизлигига ва унинг тўлиқ ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган зарур бўлган сифат кўрсаткичларига жавоб берадиган ижтимоий муҳит (жиноятчиликка қарши курашиш, ҳаёт фаолияти хавфсизлик ва бошқалар);

- аҳолининг ҳудудлардан миграциясини чеклаб қўядиган ва рухсат этилган чегаралар доирасида миграция оқимини сақлаб турадиган шароитлар яратиш<sup>114</sup>.

Демографик хавфсизлик ҳақида гап кетганда, ижтимоий, иқтисодий, миллий, инновацион, сармоявий, эпидемиологик ва экологик, молиявий ва солиқ хавфсизлиги ва бошқа шу каби категорияларнинг инсон капитали сифати билан ўзаро боғлиқлиги назарда тутилади. Демак, демографик хавфсизлик - бу инсон ҳаётининг барча сегментлари ва соҳаларини қамраб оладиган категориядир<sup>115</sup>, деб таърифлашимиз мумкин.

---

<sup>114</sup> Куклин А.А. Социально-демографическая безопасность регионов России: подходы к диагностике ситуации /А.А.Куклин // Известия УрГЭУ.2008.№3(22). С.85-93.

<sup>115</sup> Карманов М.В. Демографическая безопасность: теория, методология, оценка/М.В.Карманов, О.Кучмаева, О.Л. Петрякова //Экономика, статистика и информатика.2015.№4.С.123-128

Кўпинча ижтимоий ва демографик хавфсизлик категориялари алоҳида қараб чиқилади. Тадқиқотларда “демографик хавфсизлик” категорияси ҳар хил нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

Демографик хавфсизлик даражасини демографик мувозанат ва аҳолининг мақбул сони нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин.

Аҳолининг мақбул сони дейилганда “кутилаётган ва имконият даражасида бўлган аҳолининг энг мақбул бўлган сони” тушунилади. Аҳолининг мақбул сони назарияси демографик босим ва аҳолининг турмуш кечириш учун зарур бўлган воситалар билан таъминланганлик даражаси муаммоларини ёритиб беради. А. Совининг фикрига кўра, аҳолининг мақбул сонини аниқлаш учун одамлар интилиши мумкин бўлган: фаровонлик; бандлик; куч; соғлиқ, маданият, билим; аҳоли сони каби мақсадларни ҳисобга олиш лозим. Демографик хавфсизликнинг мақсади - демографик таҳдидларнинг олдини олиш ва зарарсизлантириш учун етарли шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Демографик таҳдидлар-демографик соҳанинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ва демографик ривожланишнинг миллий ва (ёки) минтақавий мақсадларига зид келадиган, давлатнинг яхлитлиги, мустақил-лиги ва суверенитетига даҳл қилувчи ҳодисалар, тенденциялар ва ҳаракатлар мажмуини ифода этади<sup>116</sup>.

Депопуляция, аҳолининг қариши, тартибга солинмаган миграция жараёнлари, аҳоли саломатлиги ҳолати, аҳоли сони, оила институтининг таназзулга учраши, аҳолининг этно-демографик таркиби қабиларни демографик таҳдидлар сирасига киритишимиз мумкин<sup>117</sup>.

---

<sup>116</sup> Гордиенко.О.И. Исследование проблемы обеспечения демографической безопасности Витебской области/О.И.Гордиенко//Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D 2011.№14. С.9-18.

<sup>117</sup> Гордиенко.О.И. Исследование проблемы обеспечения демографической безопасности Витебской области/О.И.Гордиенко//Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D 2011.№14. С.9-18., Соболева С.В. Демографическая безопасность России: региональные измерители, оценка результатов/С.В.Соболева, Н.Е.Смирнова, О.В.Чудаева//Мир новой экономики.2016.№4.С.142-153.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган оқибатларга қуйидагилар киради:

- шаклланган салбий табиий ўсиш (аҳолининг депопуляцияси) натижасида узоқ муддатли истиқболда ҳудуд аҳолисининг қисқариши;

- аҳолининг оддий кўпайишини таъминлай олмайдиган туғилишнинг паст даражаси, шунингдек кўп сонли абортлар нафақат туғилишнинг ҳозирги даражасини пасайтириб юборади, балки келажакда репродуктив саломатликнинг ёмонлашишига олиб келади;

- умр кўриш давомийлигининг қисқалиги (айниқса эркакларда);

- популяциянинг механик ва табиий ҳаракати натижасида ёш ва жинс таркибидаги салбий ўзгаришлар; меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли улушининг муттасил ўсиб бориши шароитида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва улушининг камайиши;

- касалланишнинг кўпайиши, репродуктив ва руҳий саломатликнинг ёмонлашиши, алкоголизм, гиёҳвандлик ва бошқалар туфайли инсон ресурслари сифатининг ёмонлашиши;

- никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ўзгариши, оилавий қадриятларнинг ўзгариши натижасида келиб чиқувчи ажралишларнинг юқори даражаси, тўлиқ бўлмаган оилалар, никоҳсиз туғилишлар, фарзандсиз ва кам фарзандли оилаларнинг кўпайиши, ижтимоий етимлик ва бошқалар;

- давлат ташкил этувчи (субект ташкил этувчи) этник гуруҳнинг сони ва улушининг қисқариши;

- аҳолининг стратегик муҳим ҳудудлардан кўчиб кетиши натижасида аҳоли зичлигининг ҳудудлар бўйича сезиларли равишда табақаланиши<sup>118</sup>;

- шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасида сезиларли фарқлар мавжудлиги оқибатида қишлоқ аҳолиси сонининг камайиши.

---

<sup>118</sup> Соболева С.В. Демографическая безопасность России: региональные измерители, оценка результатов/С.В.Соболева, Н.Е.Смирнова, О.В.Чудаева//Мир новой экономики.2016.№4.С.142-153.

Худудларнинг демографик хавфсизлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу категорияни баҳолашнинг аниқ бир мезони мавжуд бўлмаганлиги боис, тадқиқотчилар томонидан танланган кўрсаткичлар рўйхати фақат демографик жараёнларни тавсифловчи омилларни ўрганиш билан чекланиши мумкин ёки аҳолининг ҳаётининг бошқа жиҳатлари ёки демографик хулқ-атворга таъсир этувчи омилларни тавсифловчи рўйхат кенгайтирилган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

Демографик хавфсизликни ҳозирги демографик жараёнларни ўрганиш нуқтаи назаридан кўриб чиқишда:

1) демографик хавфсизликнинг айрим жиҳатлари;

2) демографик хавфсизликнинг индивидуал кўрсаткичлари даражасининг ўзгариш йўналиши ва даражаси;

3) демографик хавфсизликнинг индивидуал кўрсаткичларининг ўзгариши оқибатлари (демографик йўқотишлар) кабиларни тавсифловчи кўрсаткичлардан кенг фойдаланишимиз мумкин.

Танланган кўрсаткичларнинг критик ёки чегаравий қийматларини аниқлаш тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Чегаравий критик қиймат дейилганда шундай қийматни тушуниш лозимки, унга кўра индикаторнинг бундай миқдорий қийматида иқтисодиётнинг фаолияти ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган салбий жараёнларнинг келиб чиқиш хавфи кескин ошади<sup>119</sup>.

Ушбу қийматларни баҳолаш эксперт хулосалари асосида ёки математик тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Бу таҳлил қилинган кўрсаткичларга сифатли баҳо бериш, ривожланишнинг амалдаги даражаси белгиланган мезонларга мувофиқ-лигини аниқлаш имконини беради. Тадқиқотларда кўпинча пастки ёки юқори чегара қийматлари топилади (1-жадвал).

**1-жадвал.**

---

<sup>119</sup> Глазьев С.Ю. Оценка предельно критических значений показателей состояния российского общества и их использование в управлении социально-экономическим развитием/С.Ю.Глазьев, С.Е.Локосов //Экономи-ческие и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2012.№4(22). С.22-41.

**Демографик хавфсизлик кўрсаткичлари мезонлари<sup>120</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чегаравий-критик қиймат</b>
Депопуляция даражаси,%	0
Аҳолининг қарилик коэффициенти,%	15
Репродуктив ёшдаги аҳолининг жинсий таркибининг номуносивлик даражаси,%	0
Оилалик нисбати,%	51
Титулли миллат вакилларининг улуши,%	0
Туғилишнинг жамланма коэффициенти,%	22
Репродуктив ёшдаги абортларнинг интенсивлиги,%	Иқтисодий тараққий этган мамлакатлар даражаси
Аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти,%	
Болалар ўлими коэффициенти,%	
Туғилгандан буён кутилувчи ўртача умр кўриш давомийлиги (аёллар ва эркеклар учун алоҳида), йил	
Аҳолининг миграцион ўсиш коэффициенти,%	0
Норасмий миграция даражаси,%	0
Аҳоли кўпайишининг нетто-коэффициенти, киши	1

2-жадвал.

**С. Ю. Глазьев ва С. Э. Локосовларнинг баҳолашларига кўра, демографик хавфсизлик соҳасида мамлакатда инсон салоҳиятининг такрор ишлаб чиқарилишини тавсифловчи баҳолашлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чегаравий-критик қиймат</b>
Туғилиш даражаси (1000 кишига), %	22
Ўлим даражаси (1000 кишига), %	12,5
Табиий ўсиш (1000 кишига)	12,5
Миграциянинг ўсиши (1000 кишига), %	1,1
Мигрантлар улуши (аҳоли сонига нисбатан %)	3,9
Аҳолининг ўртача умр кўриши, йиллар	75

Демографик хавфсизликни тадқиқ қилишда иккита ёндашувдан фойдаланилади:

1) танланган кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш, шунингдек уларни танланган стандартлар билан таққослаш.

2) мутахассислар томонидан танланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳисобланган коэффициентлар тизимидан фойдаланган ҳолда демографик хавфсизликнинг интеграл индексини ҳисоблаш.

Кўп қиррали статистик тадқиқот усулларини қўллаш орқали интеграл индексни ҳисоблашимиз мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, интеграл индексга

<sup>120</sup> Методология анализа демографической безопасности и миграция населения/Н.Д. Эпштейн,Е.А. Егорова, М.В.Карманов и др.М.: Финансы и статистика,2013. С.44.



таъсир кўрсатувчи танлаб олинган кўрсаткичларнинг таъсирини тавсифловчи улушли коэффициентлар ҳисоб-китоблар орқали аниқланади, бу эса кўрсаткичларнинг индексга таъсир қилиш даражасини баҳолашда мутахассис томонидан хатога йўл қўйиш эҳтимолини камайтиради.

## **12.2. Ижтимоий соҳадаги таҳдидларни тизимлаштириш ва баҳолаш**

Ўрганиш объекти сифатида ижтимоий хавфсизлик кўп қиррали илмий категория бўлиб, уни ўрганиш давомида турли-туман кенг қамровли қарама-қарши фикрлар вужудга келган. Ижтимоий хавфсизлик масалалари социологлар, психологлар, ўқитувчилар, иқтисодчилар ва юристлар томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда.

Инсонлар, уларнинг ҳаётий қизиқишлари ва эҳтиёжлари, жамоалар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ижтимоийлашув тизимлари (таълим, тарбия, маданият, кундалик ҳаёт) ва инсоннинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш тизимлари (соғлиқни сақлаш, савдо, таъминот) ижтимоий хавфсизликнинг объекти саналади.

Ханин Ф. Г. ижтимоий таъминотни баҳолаш учун қуйидаги асосий мезонларни кўрсатиб ўтади:

- 1) шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари;
- 2) хусусий мулк институтининг дахлсизлиги;
- 3) ижтимоий жараёнларнинг барча иштирокчилари учун қонунларнинг универсаллиги ва устуворлиги;
- 4) миллатнинг маданий ўзига хослиги;
- 5) шахснинг битта ижтимоий таъминот тизимидан бошқа ижтимоий таъминот тизимига мустақил ўтиш имконияти<sup>121</sup>.

Сенчагов В.К. иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни ўрта катта блок асосида тизимлаштиради:

- 1) аҳолининг пул даромадлари даражаси билан боғлиқ таҳдидлар;

---

<sup>121</sup> Ханин Ф.Г. Социальная безопасность или основной приоритет национального развития России /Ф.Г.Ханин //Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер.6.2005. Вып.2. С.129-134.

2) ишсизлик даражасининг юқорилигида намоён бўлувчи аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги таҳдидлар;

3) уй-жой ва коммунал хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида юзага келувчи таҳдидлар.

Ўз навбатида, биз ижтимоий соҳадаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни уларнинг пайдо бўлиши эҳтимолини янада самарали баҳолашга имкон берадиган бешта асосий блокларга ажратишни таклиф этамиз:

1) аҳолининг пул даромадлари даражаси билан боғлиқ таҳдидлар;

2) демографик вазият билан боғлиқ таҳдидлар;

3) бандлик соҳасидаги таҳдидлар, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳолларда;

4) ижтимоий нафақалар миқдори ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан боғлиқ таҳдидлар;

5) соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва коммунал соҳада юзага келадиган жараёнлар туфайли келиб чиқадиган таҳдидлар.

Ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг биринчи блоки аҳолининг реал пул даромадлари (иш ҳақи ва бошқа тўловлар) даражасининг пасайиши билан боғлиқ бўлган таҳдидларни ўз ичига олади. Аҳолининг пул даромадлари динамикаси кўрсаткичини яшаш таннархи билан таққослаш, ушбу маблағларнинг зарур эҳтиёжларни қондириш учун мослигини аниқлашга имкон беради. Бу ижтимоий соҳадаги ҳозирги кунга хос долзарб таҳдидлардан бири- жамиятнинг кам сонли бойлар ва кам таъминланган фуқаролар доирасининг кенгайиши хавфини ўз ичига олади.

Ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг иккинчи блоки мамлакатдаги демографик таҳдидларни ўз ичига олади. Табиий камайиш туфайли доимий аҳоли сонининг камайиши (туғилишнинг камайиши ва ўлимнинг кўпайиши), миграция, қариш, умр кўришнинг пасайиши кабилар мазкур блокда асосий таҳдидлар сифатида кўрилади. Иқтисодий фаол аҳоли сонининг камайиши ва уларнинг репродуктив саломатлигининг ёмонлашиши яна бир жиддий салбий жиҳат ҳисобланади. Бу ерда муҳим баҳоловчи

кўрсаткичлардан бири бу 1 нафар аёлга туғилиш сонининг нисбати бўлиб, бу популяциянинг ўсиши эҳтимолини баҳолашга имкон беради.

Ижтимоий соҳанинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг учинчи блоки - бандлик соҳасидаги муаммолардир. Бунга муносиб маош ва ишсизлик даражаси юқори бўлган бир пайтда иш ўринларининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган меҳнат бозоридаги вазиятга боғлиқ таҳдидлар киради, яъни. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсиясига кўра, ишга жойлашмаган ва ҳозирда фаол иш излашда бўлган иқтисодий фаол аҳоли ишсиз сифатида эътироф этилади. Ишсизликнинг кўпайиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатади. ХМТ услубиёти бўйича ҳисобланувчи ишсизлик кўрсаткичи меҳнат бозоридаги вазиятни объектив баҳолаш мезони ҳисобланади.

Таҳдидларнинг тўртинчи блоки - аҳолини турли хил ижтимоий имтиёзлар ва қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган фуқароларни қўллаб-қувватлаш чораларини кафолатлайдиган давлат тузилмаларини молия-лаштириш билан боғлиқ таҳдидлардир. Давлат бюджетининг давлат томонидан қабул қилинган ижтимоий мажбуриятларини бажариш учун назарда тутилган моддаларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик билан боғлиқ таҳдидлар ҳам бу борада муҳим саналади. Шунингдек, Россияда мажбурий ижтимоий суғурта тизимининг молиявий барқарорлиги, яъни ижтимоий бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетларининг бажарилишида ҳам номутаносибликлар мавжуд.

Бешинчи блок - соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва уй-жой коммунал хўжалигидаги салбий жараёнлар натижасида келиб чиқадиган таҳдидлардир. Бундай таҳдидлар кўпчилик аҳоли учун юқори технологияли тиббий хизматлардан, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, уй-жой қурилишининг камайиши, уй-жой коммунал хўжалиги бино ва иншоотларининг эскириши, уй-жой коммунал хизматларига тўловларнинг ошиши билан изоҳланади. Шундай қилиб, бундай вазиятларда аҳолининг аксарияти ҳаётий хизматлардан тўла-тўқис фойдалана олмайдилар. Баҳолаш

учун биз ҳар бир кишига тўғри келувчи уй-жой майдони кўрсаткичидан фойдаланамиз<sup>122</sup>.

Кам сонли бойлар ва кўп сонли кам таъминланган аҳоли қатламининг шаклланиши, камбағаллик чегарасидан қуйида яшовчи аҳоли улушининг кўпайиши ва ишсизликнинг муттасил ўсиб бориши ижтимоий соҳада мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий хавфлар ҳисобланади. Мазкур муаммолар ва шунингдек, жамиятнинг демографик ва ижтимоий таркибидаги деформациялар, оилалар инқироzi, фуқароларнинг маънавий, ахлоқий ва ижодий салоҳиятининг пасайиши, ижтимоий ва сиёсий можаролар ижтимоий барқарорликка катта хавф туғдиради<sup>123</sup>.

Халқаро тажрибага мувофиқ, жамиятда барқарорликни таъминлашнинг муҳим мезонларидан бири – бу жамиятда таъсир доираси катта бўлган ўрта синфни яратишдир. Агар жамиятда барча мулкдорларнинг 85 фоизи ўрта синф вакилларига тўғри келса, бойлар ва камбағаллар биргаликда 15 фоизни ташкил қилсагина, ушбу шартни бажариш мумкин бўлади<sup>124</sup>. Юқори ва кам ҳақ тўланадиган ишчилар ўртасидаги даромад нисбати ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу нисбат одатда 1:10 дан ошиб кетмаслиги шарт. Ушбу нисбатларнинг ҳар қандай ўзгариши жамиятда ижтимоий кескинликнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин<sup>125</sup>.

Жамиятни модернизациялаш - бу жамият ҳаётининг турли жиҳатларига таъсир қилувчи кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади. Агар модернизация меҳнат унумдорлигини ошириш, инсонлар ҳаётини осонлаштирувчи янги технологияларни жорий этиш нуктаи назаридан қаралса, машинасозлик, самолётсозлик, робототехника соҳаларида янги технологияларни жорий этиш,

---

<sup>122</sup> Борзых Л.А. Инструментарий обеспечения экономической безопасности в социальной сфере России: монография//Л.А.Борзых,Е.Ю.Меркулова. Тамбов: Изд-во Першина Р.В.,2017.200 с.

<sup>123</sup> Хаджалова Х.М. Социально-экономическая безопасность и угрозы социальной стабильности в регионе/Х.М.Хаджалова // Национальные интересы: приоритеты и безопасность.2010.№2(59).С.58.

<sup>124</sup> Хаджалова Х.М. Социально-экономическая безопасность и угрозы социальной стабильности в регионе/Х.М.Хаджалова // Национальные интересы: приоритеты и безопасность.2010.№2(59).С.58.

<sup>125</sup> Хаджалова Х.М. Социально-экономическая безопасность и угрозы социальной стабильности в регионе/Х.М.Хаджалова // Национальные интересы: приоритеты и безопасность.2010.№2(59).С.62.

ахборот технологиялари доирасини кенгайтириш кабиларни ўзида акс эттиради. Улар бугунги кун инсонининг ҳаётини яхшилаш, қулайроқ қилиш учун хизмат қилиши лозим. Жамиятни модернизациялаш жараёнида баъзи бир касблар кераксиз бўлиб борса, баъзи бир янги касблар пайдо бўла бошлайди. Техник модернизациялаш давлат ва жамиятнинг ижтимоий тузилмасига катта таъсир қилади. Техник модернизациялаш жамиятда таркиб топган урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар ва унинг маданиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бугунги кунда техник модернизациялаш ижтимоий модернизациялашнинг ўзига хос катализаторига айланиб улгурди. Агар техник модернизациялаш конструктив тавсифга эга бўлса, унинг оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий модернизациялашни баҳолаш ҳар доим ҳам ўринли бўлавермайди. М. В. Решетова ўз тадқиқотларида ижтимоий модернизация-лашнинг салбий жиҳатларини қайд этиб ўтади. Технократик жамиятдан ахборотлашган жамиятга ўтиш даврида маълум бир хавфлар пайдо бўлади, чунки инсонларнинг тор гуруҳи ижтимоий онгни шакллантиришни назорат қила бошлайдилар ва улар тезда ахборотлашган жамиятнинг кибор азоларига айланадилар. Аксарият инсонлар ахборот технологияларидан унинг ўзига жиҳатларга эга эканлиги боис, тўлиқ фойдалана олмайдилар, бу эса инсонларнинг тор гуруҳи ва кўп сонли жамият азолари ўртасида маълум бир зиддиятларни келтириб чиқаради. Вужудга келган карама-қаршиликлар хавфсизликнинг асосий шартсиз рефлексларини ва ҳаётга хавф солувчи хатти-ҳаракат шаклларини: тажовуз, жиноятчилик, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқаларни чеклаш орқали намоён бўлади. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун жамият албатта катта харажатларни амалга ошириши талаб этилади.

3-жадвал.

**Ижтимоий соҳа иқтисодий хавфсизлиги индикаторлари<sup>126</sup>**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чегаравий қиймат</b>
Пенсия ва меҳнатга қобилиятли ёшдаги инсонларнинг нисбати	0,4 дан кўп эмас
Соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий тадбирлар учун харажатлар,	15 дан кам эмас

<sup>126</sup> Сенчагов В.К. Использование индексного метода для оценки уровня экономической безопасности/ В.К.Сенчагов, С.Н.Митяков //Вестник Академии экономической безопасности МВД России.2011.№5.С.41-50

ЯИМга нисбатан %	
Жами аҳоли таркибида яшаш минимумидан кам даромадга эга бўлганлар улуши,%	6 дан кўп эмас
Ўртача пенсиянинг ўртача иш ҳақига нисбати,%	40 дан кам эмас
Фондлар коэффиценти ( 10 % юкори даромадли аҳоли даромадларининг 10 % паст даромад олувчи аҳоли даромадларига нисбати), марта	7 дан кўп эмас
Ўртача аҳоли жон бошига тўғри келувчи аҳоли пул даромадларининг яшаш минимумига нисбати, марта	3,5дан кам эмас
ХМТ услубиётига кўра ишсизлик даражаси,%	4 дан кўп эмас
Бир кишига тўғри келувчи яшаш майдони, м <sup>2</sup>	25 дан кам эмас.

Энг муҳим ижтимоий муаммолар қаторига аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, қашшоқликка барҳам бериш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, ногиронлар ва кам таъминланган фуқаролар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солиш кабилар киради.

В.К.Сенчагов, С.Н.Митяковларнинг илмий- тадқиқотларида ҳудудларнинг ижтимоий хавфсизлигини тавсифловчи бир қатор чегаравий кўрсаткичлар ва уларнинг қийматлари келтирилган (3-жадвал).

Жадвалда келтирилган рўйхатни С.Ю.Глазев ва С. Э. Локосов томонидан тавсия этилган кўрсаткичлар билан тўлдиришимиз мумкин (4-жадвал).

4-жадвал.

**Аҳолининг ижтимоий хавфсизлигини тавсифловчи чегаравий қийматли кўрсаткичлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чегаравий қиймат</b>
Джини коэффиценти	0,3 дан кўп эмас
Жиноятчилик даражаси (ҳар 100000 минг кишига тўғри келувчи рўйхатга олинган жиноятлар сони)	1000 дан кўп эмас
Тиббиёт тавсиясига кўра бир суткада истеъмол қилиниши лозим бўлган килокалория	3000 дан кам эмас
Спиртли ичимлие истеъмол қилиш ( аҳоли жон бошига тўғри келувчи алкгогол маҳсулоти, литр)	8 дан кўп эмас
Гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи инсонлар улуши, %	3,5дан кўп эмас
Ўз жонига қасд қилиш (ҳар 100000 аҳолига)	20 дан кўп эмас
Руҳий бузилишларнинг тарқалиши (ҳар 1000 кишига)	360 дан кўп эмас

Ижтимоий хавфсизлик борасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг энг муҳим саволларидан бири бу- аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ўрганишдир. Бугунги кунда мутахассислар “турмуш даражаси” тушунчасини

моддий бойлик, фаровонлик, бахтни туйиш ва жамият аъзоларининг яшаш шароитларидан қониқиш даражаси билан боғлашади.

Кўпинча “турмуш даражаси” категорияси аҳолининг моддий турмуш фаровонлиги, товарлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси, одамларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи шарт-шароитлар ва кўрсаткичлар сифатида тавсифланади.

Одатда аҳоли турмуш даражасини фаровонлик, меъёрий ҳаёт даражаси, қашшоқлик ва камбағаллик сифатида таснифлаш қабул қилинган. Бойлик дейилганда инсоннинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган имтиёзлардан фойдаланиш қобилияти тушунилади. Нормал даража илмий асосланган меъёрларга мувофиқ оқилона истеъмол қилишни ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида инсонни жисмоний ва интеллектуал салоҳияти тикланишини таъминлайди. Камбағаллик шароитида одам меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлиш ва уни сақлаб қолиш учун ишчи кучни такрор ишлаб чиқариш чегараси даражасида товарларни истеъмол қилади. Қашшоқлик инсоннинг ҳаётий фаолиятини давом эттиришни таъмин этувчи биологик мезонларга мувофиқ истеъмол қилиниши мумкин бўлган минимал миқдордаги товарлар ва хизматларни истеъмол қилиш имкониятини англатади<sup>127</sup>.

Аҳолининг турмуш даражаси: жами аҳоли; ижтимоий гуруҳлар ва ҳар хил даромадли уй хўжаликлари нуқтаи назаридан ўрганилади. Турмуш даражасини баҳолаш мураккаб ва зиддиятли жараён саналади. Унинг шаклланишига бир томондан жамият эҳтиёжлари ва унинг таркиби таъсир кўрсатса, иккинчи бир томондан эса эҳтиёжларни қондириш имкониятлари чегараси таъсир кўрсатади.

Чекловлар мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий вазият билан боғлиқ бўлган яхлит омиллар таъсири остида юзага келади. Хусусан, буларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги, илмий-техник тараққиётнинг ҳолати, аҳолининг маданий ва маърифий даражаси, миллий хусусиятлар ва бошқалар киради.

---

<sup>127</sup> Статистика:учебник/под ред. С.А.Орехова.М.: Эксмо,2010. 448 с. (С.229)

Мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолашда фойдаланилувчи маълумотлар манбалари бўйича аҳолининг турмуш даражасини баҳолашг борасидаги ёндашувларни қуйидаги катта гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) кенг қамровли статистик кўрсаткичлар асосида турмуш даражасини баҳолаш;

2) уй хўжаликлари бюджетларини танланма статистик ўрганиш;

3) аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида турмуш даражасини баҳолаш;

4) аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш орқали аҳоли турмуш даражасини баҳолаш.

1992 йилда Россия Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Иқтисодий вазият ва прогнозлаш маркази турмуш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг яхлит тизимини ишлаб чиқди, уларнинг ҳар бири инсон ҳаётининг ҳар қандай томони ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Кўрсаткичлар тизими 39 та кўрсаткичдан иборат бўлган еттита бўлимни ўз ичига олади:

1. Умумий кўрсаткичлар, масалан: турмуш даражаси, яшаш қиймати индекси, жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий маҳсулот;

2. Аҳоли даромадлари, улар аҳолининг реал жами даромадлари, аҳолининг реал даромадлари, аҳолининг жами, шахсий ва пул даромадлари ва бошқалар билан тавсифланади;

3. Аҳолининг истеъмоли ва харажатлари, шу жумладан, аҳолининг моддий товарлар ва хизматлар истеъмол қилишининг умумий ҳажми, аҳолининг пул харажатлари, аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши ва бошқалар.

4. Аҳолининг пул маблағлари.

5. Тўпланган мол-мулк ва уй-жой, унга йиғилган уй (шахсий) мол-мулкнинг қиймати, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва аҳолининг мулки мавжудлиги ва хусусиятлари, аҳолининг уй-жой шароитлари киради.

6. Аҳолининг:



- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромаднинг қиймати;
- аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи даромаднинг турли даражасига эга бўлган аҳоли гуруҳларининг асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларидан фойдаланиш даражаси;
- даромадларнинг концентрациялашув даражаси, аҳоли турли қатламларининг амалдаги ва норматив қиймати динамикаси бўйича ижтимоий табақаланиши

7. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: яшаш минимуми, энг кам иш ҳақи, минимал истеъмол бюджети, минимал пенсиянинг харид қобилияти, кам таъминланганлик даражаси, даромад тақчиллиги, қашшоқлик зонаси, қашшоқликнинг ижтимоий чизгиси<sup>128</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсиясига кўра, турмуш даражасини тавсифлаш учун кўрсаткичларнинг 12 та йириклаштирилган гуруҳидан фойдаланилади.

**5-жадвал.**

**Аҳоли турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Чегаравий қиймат</b>	<b>Изоҳ</b>
Туғилгандан кутилаётган умр кўриш давомийлиги (кутилаётган ўртача умр кўриш)	75 ёш	Кам эмас
Психотроп моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолда аҳоли ўртасида руҳий зўриқиш ва оғишларнинг тарқалганлиги	10000 кишига 500 киши	Кўп эмас
Аҳоли ўртасида психологик паталогияларнинг тарқалганлиги	10000 кишига 500 киши	Кўп эмас
Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим коэффициенти	Меҳнатга қобилиятли 1000 кишига 3,0 киши	Кўп эмас
Аҳоли ўртасида болалар ўлими коэффициенти	1000 туғилган чақалоққа 5,0 киши	Кўп эмас
Ташқи сабаблар ҳисобига аҳолининг ўлими	10000 кишига 50 киши	Кўп эмас
Уй-жойга эга бўла олиш	3,0 йил	Кўп эмас
Уй-жой фондининг яхшиланганлик даражаси	90%	Кам эмас

Турмуш даражаси - бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланади, шунинг учун бозор иқтисодиётининг тараққий этиш шароитида мазкур категорияни ўрганиш иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий

<sup>128</sup> Интегральная оценка уровня жизни сельского и городского населения .М.: Гриф и КО,2009.88 с.

ривожланишнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг моддий аҳволи, шунингдек, таҳлил этилаётган даврда жамият ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари бўйича аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ҳар томонлама баҳолашимиз мумкин<sup>129</sup>.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш мақсадида кўрсаткичларнинг чегаравий қийматидан фойдаланилади (5-жадвал).

Турмуш даражасини баҳолашда умумий ахборот хусусиятига эга бўлган кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар аҳоли турмуш даражаси ва сифатини халқаро миқёсда таққослаш учун ишлатилади. Ҳозирда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини баҳолаш усуллари буюн бир тўплами ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида инсон салоҳияти индекси; дунё мамлакатларининг фаровонлик индекси; аҳолининг бахт даражаси; буюн дунё бахт индекси каби муҳим ўрин тутди.

### **12.3. Қашшоқлик чегараси ва даражаси, аҳоли даромадларининг табақаланишини ўрганиш усуллари**

1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига кўра, ҳар йили 17 октябрь Халқаро қашшоқликка қарши курашиш куни сифатида нишонланади. БМТнинг резолюциясида барча давлатларни ушбу кунда камбағаллик ва қашшоқликни бартараф қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш борасида чақириқ мавжуд. 2000 йилнинг сентябр ойида БМТга аъзо бўлган 189 та аъзо мамлакатлар делегациялари иштирокида ўтказилган Минг йиллик Саммитида қабул қилинган Минг йиллик декларациясида камбағаллик ва қашшоқликка курашиш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилган.

Қадимги юнон файласуфи Аристотельнинг “Камбағаллик- ҳар қандай жиноят ва зиддиятларнинг асосий манбаи” деган сўзлари жамият тараққиётининг ҳар қайси босқичида ўз тасдиғини топиб келганлиги, бу ҳаётий

---

<sup>129</sup> Кулькова И.А. Проблемы оценки качества жизни муниципального образования/И.А.Кулькова, А.Ю. Рогозина// Интернет-журнал «Науковедение» 2015.Т.7,№4. URL:<http://naukovedenie.ru>

ҳақиқатдир. Шу сабабли ҳам, давлатчилик шаклланган замонлардан буён, камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиб келинади.

Қадимги Мисрда Имхотеп давридаёқ (бу эрамиздан аввалги III минг йиллик бориб тақалади) камбағалликка қарши курашиб келинган. Бунда асосий эътибор ижтимоий лифтларни яратиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилган, хусусан бойлар ҳам камбағаллар ҳам бирдек ўқишлари мумкин бўлган “Ҳаёт мактаблари”-деб аталувчи, давлат мактаблари тармоғи яратилган ва таълим харажатларини давлат тўлалигича қоплаб берган.

Қадимги Юнонистонда камбағалликка бугунги кундаги қарашлардан фарқли ўлароқ, бошқача ёндашилар эди. Агар фуқаро бирор фалокатга (шикастланиш, ёнғин, очарчилик) учраган бўлса, бутун жамоа унга озиқ-овқат билан, солиқлар тўлашдан озод қилиш орқали кўмак кўрсатганлар. Агар аскарлар жароҳат туфайли хизматни давом эттира олмасалар, улар нафақа олишган. Қадимги Римда императорлар қашшоқлик билан, асосан, ўз маблағлари билан курашганлар. Хазинадан эркин фуқаролар учун нон ва пул тўловларини амалга оширишнинг ўзига хос тизими яратилган эди. Қадимги Римда ногиронликни суғурталаш амалиёти биринчи маротаба синовдан ўтказилган. Давлат ва ҳарбийлар ногиронларга ва жабрланганларнинг оилаларига товон пули тўлайдиган жамғарма ташкил этишган. Рим империясида фуқаро ўз қобилияти ва имконияти даражасида меҳнат қилиши ва даромад топиши лозим, деб ҳисобланган ва шунинг учун ҳам доим тиланчилик маъқулланмаган ва таъқиб қилинган.

Собиқ Совет Иттифоқида 1930-йилларга қадар фоҳишалар, тиланчилар ва дайди-тиланчиларнинг мавжуд бўлишига, эски тузумнинг сарқити сифатида муносбатда бўлинган. Собиқ Иттифоқда ҳам камбағаллик мавжуд бўлсада, сиёсий, мафкуравий ва ахлоқий жиҳатдан бу ҳақда лом-мим дейилмас эди. Чунки социализм ғалаба қилган бундай мамлакатда камбағаллик мутлақо бўлиши мумкин эмас эди. 1950-йилларнинг ўрталаридан бошлаб собиқ Иттифоқда қашшоқликка қарши турли ижтимоий чора-тадбирлар амалга оширила бошланди, 1960 йилда Жиноят Кодексига ҳимоя чораларини ишлаб

чикмоқда. 1960 йилда жиноят кодексига 209-модда киритилиб, унга кўра дайдилик ва тиланчилик учун иной жавобгарликка тортиш белгилаб қўйилди. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тиланчи ва камбағаллар сонини сезиларли даражада қисқартиришга эришилди. Аммо 1991 йилга келиб, Жиноят кодексининг 209-моддаси бекор қилиниши билан, қашшоқлар, тиланчи ва дайдилар ҳақида яна гапирила бошланди.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг хусусиятларидан қатъи назар, ўз иқтисодиётларининг барқарор ўсишига эришишни устувор вазифа сифатида илгари сурадилар. Яхши кўшничлик алоқаларини йўлга қўйиш, халқаро меҳнат тақсимотида мамлакатларнинг кенг иштирокини таъминлаш ва рақобат устунликларидан фойдаланиш тамойилларидан амалда фойдаланиш орқалигина, бундай кенг кўламли вазифани самарали ҳал этиш мумкин бўлади.. Миллий хўжаликлар ривожланишининг ижобий динамикаси шароитида аҳоли даромадлари ошади, ўрта синф шаклланади, жамиятда тенглик ва ҳамжиҳатлик муҳити қарор топади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти турли молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасида турли савдо урушларининг авж олиши натижасида дунё мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг чекланиши каби жараёнлар билан тавсифланади. Бунинг натижасида эса, дунёнинг кўпгина миллий иқтисодиётларда ЯИМ ўсишининг секинлашуви, реал даромадларнинг пасайиши, ижтимоий табақаланишнинг чуқурлашуви ва қашшоқликнинг ортиши кузатилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, камбағаллик -муайян мақбул турмуш даражасини таъмин эта олмасликдир. Бир сўз билан айтганда, бу муайян бир шахс ёки оиланинг зарурий эҳтиёжлари даражасининг уларни қондириш имкониятларидан ошиб кетишидир.

Мутлоқ, нисбий ва субъектив камбағаллик тушунчалари фарқланади.

Инсоннинг озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой бўлган бирламчи физиологик эҳтиёжларини тўлиқ ёки қисман қондира олмаслик ҳолати мутлоқ камбағаллик тушунчасини ифода этади. Камбағаллик даражасининг миқдорий ҳисоб-китоблари тўғрисида дастлаб инглиз олимлари Чарлз Бут ва Сиб Раунтрилар фикр юритишган ва улар томонидан “камбағаллик оstonаси” тушунчаси илмий муомалага киритилган. Камбағаллик чегараси инсоннинг фақат энг муҳим бўлган бирламчи озиқ-овқат, кийим-кечакларни сотиб олиш ва истиқомат қилиш учун етарли бўлган даромадларнинг минимал миқдорини ифода этади. Жамият ривожланиши билан ҳаёт учун зарур буюм ва хизматлар мажмуи кенгая борсада, лекин юқорида тилга олиб ўтилган усул ўз моҳиятини йўқотганича йўқ. Бирор бир шахс ёки оилани камбағаллар тоифасига киритиш уларнинг нимага эгалик қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур усулдан фойдаланган ҳолда мутлоқ камбағаллик даражасини ўлчамимиз мумкин.

Нисбий камбағаллик дейилганда бирор бир шахс ёки оиланинг жамиятда қабул қилинган муайян турмуш даражасини таъмин эта олмаслик ҳолати тушунилади. Нисбий камбағаллик инсоннинг бошқа одамларга нисбатан қанчалик даражада камбағал эканлигини кўрсатади. Кўпчилик ҳолатларда инсонлар ҳаётий зарур неъматлар билан таъминланган бўлсаларда, жамиятда таркиб топган турмуш андозаси даражасида кун кечира олмайдилар. Ҳаёт сифати ва шароитларига эътибор бериш шахснинг (ёки оиланинг) ижтимоий мавқеи ва унинг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда камбағалликни аниқлашда респондентларнинг ўзларини –ўзлари баҳолашларига асосланган субъектив усулдан кенг фойдаланимоқда. Бунда респондентлардан “сиз ўзингизни камбағал деб ҳисоблайсизми ёки йўқ”- деган саволга жавоб бериш сўралади. Бундай ёндашувнинг авфзаллиги шундаки, у ижтимоий муаммо сифатида камбағалликни баҳолашга ва уни ҳал этиш борасида зарурий чора-тадбирлар кўрилишига имконият беради. Шу билан бир қаторда, унинг ўзига хос камчилик томони ҳам мавжуд бўлиб, унга

кўра, кўпчилик респондентлар ўзларини камбағал сифатида эътироф этишдан уяладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қашшоқ ҳудудларга нисбатан “ривожланиш даражаси бир мунча паст мамлакатлар” тушунчасидан фойдаланади. БМТ маълумотларига кўра, 2019 йилда “ривожланиш даражаси бир мунча паст мамлакатлар” рўйхатидан 47 та, шу жумладан Молдова, Украина, Тожикистон, Ўзбекистон, Афғонистон каби мамлакатлар ўрин олган. Камбағал давлат мақомини олиш махсус комиссия хулосаларига асосланган бўлиб, у учта мезонга мувофиқ баҳоланади: иқтисодий заифлик индекси; аҳоли даромадлари даражаси (сўнгги 3 йил давомида аҳоли жон бошига ЯИМ); ва ҳаётнинг ҳақиқий сифатини баҳолаш. Ривожланиш даражаси бир мунча паст мамлакатларни баҳолаш фавқулодда мураккаб вазифа ҳисобланади.

Камбағаллик борасида янада аниқроқ таъриф Жаҳон Банки томонидан берилган бўлиб, унга кўра камбағаллик чегараси 2015-йилдан бошлаб, кунига 1,25 доллардан 1,95 долларгача кўтарилган. Кунига 3,20 долларга кун кечириш ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлардаги камбағаллик чегарасини акс эттирса, кунига 5,50 долларга кун кечириш ўртачадан юқори даромадга эга бўлган мамлакатларда камбағаллик чегарасини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Бу ҳақда, Жаҳон банкининг ҳар икки йилда бир маротаба эълон қилинувчи маърузасида сўз юритилади. Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад ҳажми бўйича ўртача даромадли мамлакатлар қаторига киради ( аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад мамлакатимизда 2018 йилда 1533 долларни ташкил этган). Шу билан бир қаторда, 2018 йилда Ўзбекистон Focus Economics компаниясининг маълумотларига кўра, энг камбағал давлатлар рўйхатида 8-ўринда, яқин кўшнимиз бўлган Тожикистон эса мазкур рўйхатда 4-ўринда қайд этилган.

Бугунги кунда камбағалликнинг фавқулодда кўриниши бўлган қашшоқлик дунёдаги энг катта ва айтиш мумкинки, оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қашшоқлик-бу инсоннинг кунига 1,95 долларга ёки ундан ҳам

камроқ маблағ ҳисобига кун кечиришини англатади. Шу билан бир қаторда, қашшоқлик-бу инсоннинг камбағаллик чегарасидан ҳам паст даражада даромадга эга бўлишини ва инсоннинг шунчаки ҳаётда мавжуд бўлишини акс эттиради. Камбағаллик чегараси кунига 1,95 доллар этиб белгиланган бўлсада, ҳар бир мамлакат ўзининг ривожланиш даражаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик чегарасини белгилайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида агар инсоннинг даромадлари ўзи истиқомат қилаётган мамлакатдаги ўртача иш ҳақининг 60 фоиздан камроқ қисмини ташкил этса, у камбағал инсонлар сирасига киритилади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида камбағаллик чегараси дейилганда, яшаш минимумидан паст даражадаги даромад чегараси тушунилади.

Ўзбекистонда шу пайтгача яшаш минимуми ҳақида сўз юритилмаган. Айни вақтда эса, дунёнинг аксарият мамлакатларида яшаш минимуми тушунчасидан амалиётда кенг фойдаланиб келинади. Мамлакатимизда “камбағаллик” ва “қашшоқлик” тушунчаларининг ўрнига “кам таъминланганлар” тушунчасидан фойдаланиб келинди. Яшаш минимуми миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат зиммасига юклатилган вазифалар кўламининг кенгайишига олиб келади.

Яшаш минимуми-инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг энг кам тўпламларини, шунингдек мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз ичига олган истеъмол саватчасини қиймат баҳосини ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, яшаш минимуми инсоннинг энг зарурий эҳтиёжларини қондира олмайдиган ёки камбағаллик қашшоқликбилан алмашинувчи чегарани акс эттиради.

Содда қилиб айтганда, истеъмол саватчаси – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Ҳамма овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим ва ҳ.к. Буларнинг бари маҳсулотлар саватчасини бутлаш учун асос

ҳисобланади. Унинг маълумотларидан, ўз навбатида, **тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни** (*истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини*) белгилаш учун фойдаланилади.

Республикамизда «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлигача ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш режалаштирилган эди. Бу 2018 йилги Давлат дастурида (*Президентнинг 22.01.2018 йилдаги [ПФ-5308](#)-сон Фармони билан тасдиқланган*) мамлакат аҳолиси даромадларининг зарур даражасини аниқлаш учун назарда тутилган бўлиб, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ижрочилар этиб тайинланган бўлсада, Давлат дастурининг мазкур бандининг ижроси ҳануз таъминланмаган.

Фикримизча, истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда – аҳолининг барча жинс ва ёшдаги гуруҳлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш нормаларини белгилашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам жалб этилиши керак.

Истеъмол саватчаси қуйидагиларнинг миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлмоғи лозим: энг кам иш ҳақи ва пенсиялар; базавий ижтимоий тўловлар: ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар ва бошқалар.

Истеъмол саватчасига кирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар: табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товарлар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Одатда, истеъмол саватчаси 3 қисмдан иборат бўлади: **1 – озиқ-овқат маҳсулотлари; 2 – ноозиқ-овқат товарлари**: кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик



учун мўлжалланган товарлар ва ҳ.к.; 3 – **хизматлар:** коммунал, транспорт, маданий-маърифий ва ҳ.к.

Одатда истеъмол саватчаси аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи: меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш. Ёки барча коммунал харажатларни қоплаши учун ойига қанча сумма зарурлигини.

Бунда одатда истеъмол саватчаси таркибига киши уларсиз бамайлихотир, соғлом яшаши мумкин бўлган товарлар: тамаки маҳсулотлари, алкогольли ичимликлар, тансиқ маҳсулотлар, зеб-зийнат буюмлари киритилмайди.

Хизматлар ҳам инсон учун муҳимлик даражаси ва ҳаётий зарурлигига қараб фарқланиши мумкин. Бироқ озиқ-овқат товарлари юзасидан бир қарорга келиш масаласи озми-кўпми тушунарли бўлса, хизматларнинг зарур тўпламини белгилашда саволлар юзага келиши мумкин. Аҳоли тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда қандай хизматлар тўлови ҳисоб-китобга киритилиши керак? Тўғри, биринчи навбатда, булар коммунал ва транспорт харажатларидир.

Айни вақтда, инсон ўз ҳаётий фаолиятида бошқа, долзарблиги жиҳатидан муҳим сервис турларидан ҳам фаол фойдаланади: уяли алоқа ва интернетдан фойдаланади, тиббий ёрдам, турли мутахассислар маслаҳатларини олади.

**6-жадвал.**

**МДХ давлатларида ўртача ойлик иш ҳақи ва яшаш минимуми даражаси**

Мамлакат	Ўртача иш ҳақи (АҚШ доллари)	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача яшаш минимум (АҚШ доллари)
Россия	745	160
Қозоғистон	483	79
Беларусь	562	106

Молдова	416	114
Арманистон	392	130
Озарбайжон	366	102
Қирғизистон	240	68
Тожикистон	140	...
Ўзбекистон	243	...

Маданий-маърифий тадбирлар: театр, музейларга бориш харажатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро киши нафақат жисмоний эҳтиёжларини қондириши, балки ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада ривожланиши лозим.

Яшаш минимуми жуда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Ундан энг кам иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни белгилаш, давлат ва маҳаллий бюджетларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон 2019 йилда глобал очлик индексида 10,7 балл тўплаб, дунё мамлакатлари ўртасида 49-ўринда қайд этилди.

Глобал очлик индекси (GHI) ҳар йили Concern Worldwide ва Welthungerhilfe халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан эълон қилинади. Баҳолашлар турли манбалардан олинган маълумотларга таянган ҳолда, уч босқичли жараёндан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Глобал очлик индексини ҳисоблашда ҳар бир мамлакат учун тўртта кўрсаткичдан фойдаланилади:

Тўйиб овқатланмаслик: аҳолининг тўйиб овқатланмайдиган улуши (яъни озиқ-овқат калориясининг пастлиги ҳолатида).

Болаларнинг тўйиб овқатланмаслиги: тўйиб овқатланмайдиган беш ёшгача бўлган болалар нисбати (яъни, тўйиб овқатланмаслик натижасида улар бўйининг тана вазнига мос келмаслиги).

Болалар ўсишидаги кечикишлар: ўсишдан кечикаётган беш ёшгача бўлган болаларнинг нисбати (яъни, болаларнинг ёшига нисбатан ўсишдан кеч қолаётганлиги, уларнинг сурункали равишда тўйиб овқатланмас-ликларини кўрсатади).


Болалар ўлими: етарлича овқатланмаслик ва носоғлом муҳит каби омилларнинг натижаси сифатида беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси.

Тадқиқотлар давомида глобал кўламда сўнгги ўн йилликда кузатилган энг юқори кўрсаткичга таянилган ҳолда, 100 баллик шкала бўйича тўрттала кўрсаткичнинг ҳар бири баҳоланади. Агар мамлакат 0 ва 10 балл оралиғида балл тўплаган бўлса, бу мамлакатда “очликнинг паст даражаси” кузатилади. Тўпланган баллар 10 ва 19,9 балл атрофида бўлса бу “ўртача очлик”, 20 баллдан 34,9 баллгача бўлса – “очликнинг юқори”, 35 баллдан 49,9 баллгача бўлса “очликнинг критик” даражасини кўрсатади. Тўпланган баллар 50 ва ундан юқори бўлса, бу мамлакатда очлик даражаси “ҳалокатли” кўламда эканлигидан далолат беради.

Қўшни Қозоғистон -20, Қирғизистон-35 ва Туркманистон -54 ўринда қайд этилган.

Қуйида кунига 1,95 доллар ва ундан камроқ маблағ ҳисобига кун кечирувчи аҳолининг улуши борасида Жаҳон банкининг маълумотлари келтирилган.

## People Living in Extreme Poverty in Asia Percentage of Population Living on less than \$1.90 a day\*



1-расм. Дунёда кунига 1,95 доллар ва ундан камроқ маблағ ҳисобига кун кечирувчи аҳолининг улуши.

Мамлакатимизда бундай аҳолининг улуши 2018 йилда жуда катта рақамни 62,1 фоизни ташкил этди. Камбағалликни статистик ўрганиш борасида замонавий услубиётнинг мавжуд эмаслиги, мазкур муаммони тўлалигича ҳис қилиш ва бу борада тегишли чора-тадбирлар кўриш имконини бермайди. Масалан, Россия Федерацияси 1992-йилдаёқ, минимал истеъмол саватчаси асосида камбағаллик даражасини расман ҳисоблаш амалиётини жорий қилди. 2000 йилдан бошлаб, мамлакатда яшаш минимуми миқдорини ягона услубиёт орқали ҳисоблаш амалиёти расман қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб қўйилди, истеъмол саватчасини ҳар чоракда қайта кўриб чиқиш тизими жорий этилди. Расмий статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Россияда 20,9 млн киши (мамлакат аҳолисининг 14,3 %) қашшоқлик чегарасида кун кечириб келмоқда.

Камбағаллик кўрсаткичи вазиятни тўлиқ ёритиб бера олмайди. У жамият аъзоларининг даромадга эгалик қилиш нуктайи назаридан табақаланиш даражасини акс эттирмайди. Мазкур ҳолатда, Джини коэффициентидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Джини коэффициентини 1912 йилда италян статисти Коррадо Джини томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у кўпинча “аҳоли даромадлари концентрацияси индекси” ёки “адолатлилик индекси” ҳам деб юритилади ва турли аҳоли қатламлари ўртасида даромадларнинг нотекис тақсимланишини кўрсатади. Коэффициент 0 (ёки 0%) билан 1 (ёки 100%) оралиғида тебраниб туради, бунда 0 мутлоқ тенгликни, 1 эса мутлоқ тенгсизликни ифода этади. Агар даромадлар инсонлар ўртасида бир хил тақсимланса, Лоренц эгри чизиғи тўғри бурчакни 45 градус остида кесиб ўтувчи биссектрисага ўхшаб кетади. Бу чизма мутлоқ тенглик чизиғи ҳам деб юритилади, аммо бундай ҳолат фақатгина, назарий жиҳатдангина мавжуд бўлиши мумкин ҳолос. Ҳаётда баъзи бир инсонлар бойроқ, баъзи бирлари мутлоқ тенглик чизиғи ҳаётда учрамайди: баъзи одамлар бойроқ, бошқалари эса камбағал, шунинг учун ҳам уларнинг даромадлари уларнинг жамиятда эгаллаган мавқеларига мутаносиб эмас.

2018 йилда энг юқори даражада таъминланган 10 фоиз аҳолининг даромадлари барча даромадларнинг 23,7 фоизини ташкил этган бўлса, кам таъминланган 10 фоиз аҳолининг даромадлари жами даромадларнинг атиги 3,9 фоизини ташкил этган. Даромадлар табақаланишининг дециль коеффициенти 6,1 ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётида хуфёна иқтисодиёт кўламларининг катталиги (Жаҳон банки маълумотларига кўра бу кўрсаткич 51 фоизни ташкил этади) маълумотларни ўта аниқликда ҳисоблаш имконини бермайди.

7-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида 10 фоизли аҳоли гуруҳлари ўртасида даромадларнинг нотекис тақсимланиши (%)да**

Дециль кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
I дециль	2,9	3,0	3,1	3,2	3,3	3,7	3,8	3,9	3,9
II дециль	4,8	4,9	5,0	5,0	5,1	5,3	5,4	5,5	5,4
III дециль	6,0	6,1	6,1	6,0	6,0	6,3	6,4	6,4	6,4

Iвдециль	6,9	7,0	7,0	7,0	7,0	7,2	7,3	7,2	7,3
Vдециль	7,9	7,8	7,9	7,9	7,7	8,0	8,1	8,1	8,1
VIдециль	9,1	9,0	8,9	9,0	8,8	9,0	9,1	9,1	9,1
VIIдециль	10,5	10,4	10,2	10,3	10,2	10,0	10,2	10,2	10,3
VIIIдециль	12,2	12,2	12,2	11,9	11,9	11,4	11,5	11,6	11,7
IX дециль	14,9	14,9	15,1	14,4	13,8	13,5	13,8	13,9	14,1
X дециль	24,8	24,7	24,5	25,3	26,2	25,6	24,4	24,1	23,7
10 фоизли гуруҳлар бўйича аҳоли даромадларининг табақаланиш коэффициенти	8,5	8,2	8,0	7,9	7,8	7,0	6,4	6,2	6,1

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-25 моддаларида: “Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг кадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга, ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”-дейилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, камбағалликка қарши курашиш ҳар қандай ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир, дейишга тўла асосимиз бор.

Аmmo шуни қайд этиш лозимки, камбағалликни камайтириш учун турли манбалардан катта миқдордаги молиявий маблағларни ажратишнинг ўзи камлик қилади. Камабағаллик фавқулодда кўп қиррали бўлгани ҳолда, уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳам турличадир. Камбағалликни шунчаки ажратилаётган нафақаларни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига берилаётган кредит маблағларининг миқдорини кўпайтириш орқали камайтириб бўлмаслигини ўтган йиллар тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Хусусан, мамлакатимизда сўнгги 2,5 йил ичида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари сўнгги 30 йил ичида ажратилган маблағлардан анчагина кўп бўлсада, бу ўзининг етарлича ижобий таъсирини бермади. Камбағалликка қарши курашиш бўйича Европа тармоғи (EAPN) инсоннинг камбағаллик ҳолатига тушиб холиш хавфини кучайтирувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатади, хусусан бундай омиллар сирасига қуйидагилар киритилади: ишсизлик, саводхонлик даражасининг пастлиги, ногиронлик, инсон саломатлигининг ёмонлиги, у ёки бу кам сонли этник гуруҳга мансублик, узок ёки қашшоқ ҳудудларда истиқомат қилиш ва шу қабила. Бизнинг фикримизча, бу ўринда энг катта эътибор берилиш лозим бўлган жиҳат- бу инсонларнинг иқтисодий тафаккур даражасидир. Инсонларда ўз ҳаётларини яхшироқ қилиш ва ривожлантириш истаги бўлиши керак. Улар ўзларини ҳимояланган ҳис қилишлари ва мол-мулкларининг йўқ қилиниши, ҳукуматга яқин амалдорлар ёки ишбилармонлар томонидан олиб қўйилишидан кўрқмасликлари керак. Улар овозининг сайлов кампанияси бошланганида эмас, балки ҳар доим ҳокимият томонидан эшитилишини таъминлайдиган муассасаларга эга бўлиши лозим. Инсонларга муносиб иш жойлари билан таъминланиш, уй-жойга эга бўлиш, тиббий ва бошқа шу қаби ижтимоий хизматлардан бемалол фойдалан олиш имкониятлари тақдим этилиши зарур.

Камбағалликка қарши курашишда дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқишда Хитой тажрибасидан фойдаланиш ижобий самара беради. Хитой бугунги кунда камбағалликни тугатиш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Хитойда бугунги кунга келиб 850 миллион киши қашшоқлик чегарасидан чиқарилди. Хитойда камбағаллик даражаси 1981 йилда 88 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги камбағаллик даражаси билан тўла мос тушади, хусусан камбағаллик даражаси

АҚШда (1%), Швецияда (0,61%), Германияда (0,19%), Италияда (1,5%)ни ташкил этади.

Хитойда камбағалликка қарши курашиш чора-тадбирлари қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларининг аниқ манзилга йўналтирилганлиги;

2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий бозорларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида илмий-тадқиқот ишларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

3. Камбағалликка қарши курашишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ёндашиш;

4. Хитойда амалга оширилувчи ижтимоий сиёсат аҳоли турли қатламларининг манфаатларини қамраб олишга қаратилган. Хусусан, кекса ёшдаги аҳоли учун тегишли ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш мақсад қилиб олинган бўлса, меҳнатга лаёқатли ва айниқса ёшларнинг меҳнат салоҳиятларини рўёбга чиқариш Хитойда камбағалликка қарши курашиш сиёсатининг асосини ташкил этади, бунда асосий эътибор ёшларни касб-ҳунарга ўргатишга қаратилади, яъни “Инсонларга қармоқ бериб, уларга балиқ тутишни ўргатиш керак”-деган Конфуций таълимотига қатъий амал қилинади;

5. Қишлоқ ҳудудларида камбағалликни камайтириш мақсадида қишлоқ ҳудудларига саноат ишлаб чиқаришини олиб кириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш;

6. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш амалиётидан кенг фойдаланиш;

7. Ижтимоий дастурларга йўналтирилган ҳар қандай маблағнинг сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш.

Жаҳон банкининг қашшоқликни камайтириш бўйича ҳар икки йилда эълон қилинувчи ҳисоботига кўра, дунё аҳолисининг деярли 46 фоизи (3.4



миллиард киши) кунига 5,5 доллардан камроқ маблағга кун кечиради. 1.9 миллиарддан ортиқ киши эса (дунё аҳолисининг 26,2 фоизи) кунига 3,2 доллардан камроқ маблағ ҳисобига кун кечиради. Кунига 1,95 долларга кун кечирувчи энг қашшоқ аҳолининг улуши дунё бўйича 10 фоизгача қисқарган бўлсада, ҳануз дунёда камбағалликни камайтириш муаммоси ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. Oxfam халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича йиғилаётган солиқ тушумларининг ҳар бир долларига тўғри келувчи бойлар тўлайдиган олиқ атиги 4 центни ташкил этар экан. Агар дунё бўйича энг бой инсонларнинг атиги 1 фоизи тўланаётган солиқлар миқдорини атиги 0,5 фоизга оширсалар, дунё мамлакатлари бўйича бугунги кунда оддий мактаб таълимидан бебаҳра қолаётган 262 миллион бола учун мактабга қатнаш имконияти яратилар экан.

Камбағаллик тўғрисида фикр юритар эканмиз, камбағаллик ва қашшоқликни тавсифлашда “камбағаллик тузоғи” деб аталувчи механизм мавжуд эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Бир қатор “камбағаллик тузоқлари” мавжудки, инсон улардан исталган бирининг домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Қуйида улардан баъзи бирларини келтириб ўтамиз:

**1. Қашшоқ мамлакатда туғилиш ва истиқомат қилиш.** Иқтисодий ривожланишнинг паст даражаси ўз навбатида таълим сифатининг ёмонлашишига, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг талаб даражасида бўлмаслигини келтириб чиқаради. Бундай вазият иш ҳақи даражасининг пастлиги ва ишсизликнинг юқори кўрсаткичлари билан тавсифланади. Бундай ҳолатда тузоқдан чиқиб кетишнинг ягона йўли – бу меҳнат миграцияси ҳисобланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 9,3 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда ишсиз ва ишга жойлашиш умидида бўлганлар сони 1,3 миллион кишини ташкил этади. Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлигидан олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги катта ташвиш уйғотади, жумладан 20-30 ёшгача

бўлганлар орасидаги 15,1 фоизни, 15-25 ёш оралиғида бўлганлар ўртасидаги ишсизлик 16,8 фоизни ташкил қилгани ҳолда, аёлларнинг 12,7 фоизи иш ўрнига эга эмас. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлака-тимиз фуқароларининг 4,5 миллион нафаридан ошикроғи хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланишади. Меҳнат мигрантлари мамлакатимизга ҳар йили 5 миллиард доллардан кўпроқ пул маблағлари жўнатишади, бу эса мамлакат ЯИМининг 10 фоиздан ортиғи демакдир. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, агар меҳнат мигрантлари томонидан пул ўтказмаларининг кескин қисқариши мамлакатимизда камабағаллик даражасининг икки баробарга ортишига олиб келар экан.

**2. Қишлоқ ҳудудларида туғилиш ва истиқомат қилиш.** Сир эмаски, шаҳар фуқаролар учун сифатли турмуш даражасини таъмин этади. Қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳарликлар таълим, маданият, тиббий хизматлар кўрсатиш, юқори иш ҳақига эга бўлиш борасида бир қатор авфзалликларга эгалар. Қишлоқ аҳолисининг паст даромадлари тараққиёт-нинг қатор ютуқларидан фойдаланишга имкон бермайди. Ўзбекистонда ЯИМнинг 75 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 85 фоиздан ошикроғи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиз бўйича кўрсатилаётган ахборот-коммуникация хизматларининг 99,1 фоизи, молиявий хизматларнинг 98,3 фоизи, таълим хизматларининг 80,8 фоизи ва тиббий хизматларнинг 71,9 фоизи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади.

**3. Эрта ёшда фарзанд кўриш ва кўп болали оилалар.** Ёш аёллар бола кўрганидан сўнг, ишга жойлаша олмаганликлари боис, кўпчилик ҳолларда камбағаллик тузоғига тушиб қоладилар. Агар керакли даражада таълим олмаган бўлса, вазият янада мураккаблашади. Етарлича таълим даражаси ва амалий иш кўникмаларига эга бўлмаслик оқибатида аёллар муносиб иш жойи ва иш ҳақига эга бўлиш имкониятидан маҳрум бўладилар. БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг таъкидлашича болали оилаларнинг фақатгина 17 фоизи бола парвариши бўйича нафақа оладилар, аммо нафақа пуллари камбағаллик даражасини пасайтиришга сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. 15 ёшгача

бўлган болалар ўртасида камбағаллик даражаси катта ёшдагиларга нисбатан 1,5 баробарга юқорирокдир.

**4. Камбағал оилада дунёга келиш ва яхши таълим олмаслик.** БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) экспертларининг таъкидлашича кам таъминланган оилалар ўз фарзандларининг етарлича касбий ва олий таълим олишларига имкониятлар яратиш борасида жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келадилар. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг ҳозирда бундай имкониятлардан маҳрум бўлиши уларнинг келгусида молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келади.

**5. Узоқ муддат давомида паст ҳақ тўланувчи ишда ишлаб келиш.** Агар инсон узоқ муддат давомида битта фаолият тури билан шуғулланса, у аста-секинлик билан малака ва кўникмаларини йўқотиб боради. Узоқ муддат мобайнида инсон битта жойда ишлар экан унда ўз ҳаётида бирор бир ижобий ўзгаришлар ясашга интилиш иштиёқи аста-секинлик билан сўниб боради.

Россия Федерацияси Иқтисодиёт олий мактаби аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси таҳли Марказининг тадқиқотларига кўра, камбағаллари тоифасига кирувчи инсонларнинг хулқ-атвори маълум йиллар оралиғида куйидагича тартибда ўзгарар экан. Дастлабки йилда инсонлар ўз жамғармалари, қариндош-уруғ ва таниш-билишлардан қарз олиш ҳисобига ҳозирги пайтдаги истеъмол ва турмуш сифати даражасини сақлаб қолишга интиладилар. Улар барча куч ва имкониятларини ишга солиб янги ёки қўшимча иш топишга ҳаракат қиладилар.

Навбатдаги босқич икки йил давом этади. Инсонлар мазкур босқичда истеъмол таркибини ўзгартира бошлайдилар. Арзон товарларни кўплаб сотиб ола бошлайдилар, қиммат хорижий сайёҳлик сафарларини ички арзон туристик маршрутларга алмаштирадилар. аммо озиқ-овқат товарлари истеъмоли аввалги даражада қолади. Уч йилдан сўнг агар муносиб иш жойи топилмаса, ўз бизнесини йўлга қўймаган бўлса, инсонлар бошқа ва ҳаттоки жинойий даромад

топиш йўллари излай бошлайдилар. Улар ўз истеъмолларини кескин пасайтирадидилар.

Еттинчи йилга келиб, инсон камбағалликка кўникади ва уни унумдор меҳнат соҳасига қайтариш энди жуда қийин кечади. У ишга чиқиш ёки вақтинчалик даромад келтирувчи фаолият турлари билан шуғулланишдан кўра, нафақага кун кечиришни, қариндошларнинг ёрдамига кўз тикишни авфзал билади.

Камбағаллик ҳақида сўз юритганда, у битта инсон учун тегишли бўлган муаммо эмаслигини англаб етишимиз лозим. Камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади. Камбағаллар етарлича таълим олиш имкониятига эга бўлмаганликлари боис, малака ва касбий кўникмалари паст ходимлар сафини тўлдирадидилар. Жамият учун зарур бўлган касб эгалари, хусусан ўқитувчи ва шифокорлар юқори даромадга эга бўлиш мақсадида ўз иш жойларини ташлаб бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади, чунки тирикчилик қилиш учун инсонлар даромад топишнинг ноқонуний йўлларида ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жамиятда даромадларнинг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади.

Америкалик иқтисодчи Джеффри Сакс ўзининг “Камбағалликнинг интиҳоси”-деб номланувчи китобида жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишга имкон берувчи капиталнинг 6 та турини ажратиб кўрсатади, улар сирасига қуйидагиларни киритади: инсон капитали, ишбилармонлик капитали, инфратузилма, табиий капитал, ижтимоий ўрнатилган капитал ва билимлар капитали.

Сакс давлат, энг аввало, ўзининг барча куч ва имкониятларини инсон капиталига инвестициялар (соғлиқ, таълим, озиқ-овқат), инфратузилма (йўллар, коммунал хизмат кўрсатиш, ичимлик суви, атроф муҳит муҳофазаси ва

санитария), табиий капитал (биохилма-хиллик ва экотизимларни сақлаб қолиш), ижтимоий ўрнатилган капитал (самарали давлат бошқаруви, судлов тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқ.) ва билимлар капитали (жамият тараққиётига хизмат қилувчи турли соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишланмаларини қўллаб-қувватлаш)га йўналтириши лозим, деб ҳисоблайди.

Камбағалликни қисқартириш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар миқдорини кўпайтиришимиз, тадбиркорларга турли имтиёз ва енгилликлар тақдим қилган ҳолда, уларни кенг қўламли хайрия ишларига жалб қилишимиз мумкин. Аммо бундай тадбирларни амалга ошириш билангина жамиятда камбағаллик муаммосини бартараф қилишнинг деярли имкони йўқ. Бундай тадбирлар аҳолининг яшаб қолишига, шунчаки кун кечиришига замин яратсада, лекин камбағаллик чангалидан кутулиб чиқишга имкон бермайди. Бунинг учун энг аввало, мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий сиёсатни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда камбағалликка қарши курашишга доир чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- Жамиятда камбағалликка сабаб бўлувчи коррупция, сифатсиз инфратузилма, кўрсатилаётган турли хил ижтимоий хизматлар сифатининг пастлиги, атроф-муҳит ва ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар ва шу кабиларни чуқур таҳлил қилиш асосида камбағалликка қаршиш курашиш борасида илмий асосланган дастур ва режалар ишлаб чиқиш;

- Яшаш минимуми ва уни ҳисоб-китоб қилиш механизмининг зудлик билан қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйиш;

- Кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларини ҳал этиш;

- Ёшларни арзон уй-жойлар билан таъминлашда ипотекали кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириш, ажратилаётган ипотека кредитларининг фоиз ставкаларини ҳудудлар кесимида қайта кўриб чиқиш;

- Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг айниқса ёшлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш;

- Ўзбекистонда аҳоли ўртасида “намоёна ҳаёт” даражаси ҳаддан ташқари юқори ҳисобланади. Бу энг аввало, йиллаб йиғилган маблағлар эвазига серҳашам тўйлар қилиш, қимматбаҳо машиналар сотиб олиш, чиройли телефон ва автомобил рақамларига жуда катта маблағлар сарфлаш кабиларда кўринади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий ҳуқуқатвори “камбағаллик фалсафаси” устига қурилганлигини кўрсатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фикрлашини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Ёшларнинг касб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олиниш даражасини ошириш ва бунда асосий эътиборни меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларни замонавий ва истиқболли касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга қаратиш;

- Иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини изчил йўлга қўйиш;

- Инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш;

- Билимлар иқтисодиётини шакллантиришга алоҳида урғу бериш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида рақамли технологияларнинг тобора изчил жорий этиб борилишига эришиш ва шу кабилар.

### **Қисқача хулосалар**

1. Демографик хавфсизлик ҳақида гап кетганда, ижтимоий, иқтисодий, миллий, инновацион, сармоявий, эпидемиологик ва экологик, молиявий ва

солиқ хавфсизлиги ва бошқа шу каби категорияларнинг инсон капитали сифати билан ўзаро боғлиқлиги назарда тутилади. Демак, демографик хавфсизлик - бу инсон ҳаётининг барча сегментлари ва соҳаларини қамраб оладиган категориядир, деб таърифлашимиз мумкин.

2. Бугунги кунда камбағалликнинг фавқулодда кўриниши бўлган қашшоқлик дунёдаги энг катта ва айтиш мумкинки, оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қашшоқлик-бу инсоннинг кунига 1,95 долларга ёки ундан ҳам камроқ маблағ ҳисобига кун кечиришини англатади. Шу билан бир қаторда, қашшоқлик-бу инсоннинг камбағаллик чегарасидан ҳам паст даражада даромадга эга бўлишини ва инсоннинг шунчаки ҳаётда мавжуд бўлишини акс эттиради. Камбағаллик чегараси кунига 1,95 доллар этиб белгиланган бўлсада, ҳар бир мамлакат ўзининг ривожланиш даражаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик чегарасини белгилайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида агар инсоннинг даромадлари ўзи истиқомат қилаётган мамлакатдаги ўртача иш ҳақининг 60 фоиздан камроқ қисмини ташкил этса, у камбағал инсонлар сирасига киритилади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида камбағаллик чегараси дейилганда, яшаш минимумидан паст даражадаги даромад чегараси тушунилади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Демографик соҳада иқтисодий хавфсизликнинг асосий таҳдидларини таснифлаб беринг
2. Демографик хавфсизлик индикаторлари тизимини ишлаб чиқинг.
3. Ижтимоий соҳадаги иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни баҳоланг.
4. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга тўсқинлик қилувчи асосий муаммоларни санаб ўтинг.
5. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тавсифловчи асосий интеграл кўрсаткичлар қайсилар.
6. Аҳоли даромадларининг табақаланиши, камбағаллик ва қашшоқлик чегаралари тўғрисида тушунча беринг.

7. Ижтимоий-демографик соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдид-ларни бартараф этиш борасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб, ўйлайсиз.

## **“ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Қуйидаги таърифлардан қайси бири “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини тўлароқ тавсифлаб беради?**

А) Иқтисодий хавфсизлик - бу иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондиришга қодирлигидир

В) Иқтисодий хавфсизлик - бу шахс, жамият ва давлатнинг мавжудлиги ва уларнинг талаб-эҳтиёжларининг қондирилишидир

С) Иқтисодий хавфсизлик - бу миллий иқтисодиёт мустақиллигининг, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароит ва омиллар йиғиндисидир

Д) Иқтисодий хавфсизлик - бу турли беқарорликни, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички имокониятлар йиғиндисидир

**2. Иқтисодий хавфсизликнинг умумий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:**

А) турмуш даражаси ва сифати, инфляция суръати, иқтисодий ўсиш, бюджет дефицити, давлат қарзи

В) мулк таркиби, солиқ тизими, “хуфёна иқтисодиёт” фаолияти, инфляция



С) инфляция, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси, турмуш даражаси ва сифати, иқтисодий ўсиш

Д) А ва В жавоблар

**3. \_\_\_\_\_ англандан ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шаклидир.**

А) иқтисодий манфаат

В) давлат манфаати

С) жамият манфаати

Д) шахсий манфаат

**4. Иқтисодий таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлади?**

А) глобал экологик таҳдидлар

В) геосиёсий ва ташқи иқтисодий таҳдидлар

С) мамлакат ичидаги таҳдидлар

Д) ички ва ташқи таҳдидлар

**5. Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш концепцияси**

**\_\_\_\_\_ асосланган ҳолда ишлаб чиқилади.**

А) иқтисодий ҳолатни объектив баҳолашга

В) иқтисодий ҳолатни объектив баҳолашга ҳамда иқтисодий ҳолатнинг ривожланиш тамойили ва тенденцияларини башорат қилишга

С) иқтисодий ҳолатнинг ривожланиш тенденцияларини башорат қилишга

Д) иқтисодий ҳолатни объектив баҳолашга ҳамда иқтисодий ҳолатнинг ривожланиш тенденцияларини башорат қилишга

**6. Иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан қуйидаги соҳалардан қайси бири энг муҳим тармоқлар қаторига киради?**

А) ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат саноати, транспорт ва алоқа

В) ёқилғи-энергетика, ҳарбий соҳа, илмий техника салоҳияти

С) транспорт ва алоқа, илмий техника салоҳияти, ҳарбий соҳа

Д) озиқ-овқат саноати, ёқилғи-энергетика, илмий техника салоҳияти

**7. Шахс хавфсизлиги деганда \_\_\_\_\_ тушунилади.**

А) инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳимояланганлиги

В) инсоннинг иқтисодий фаолиятига бўладиган салбий таъсирлардан ҳимояланганлиги

С) инсон ҳаётига, саломатлигига, мол-мулки ва капиталига бўлган таҳдидлардан ҳимояланганлиги

Д) тўғри жавоб йўқ.

**8. Бозор муносабатлари шароитида инсоннинг имкониятлари қайси омил ёки омиллар билан белгиланади?**

А) шахсий мол-мулки, бойлигининг миқдори

В) шахс бошқарадиган капитал миқдори

С) шахсга маъмурий, ихтиёрий ёки мажбурий равишда бўйсунувчи ёки унга қарам жисмоний шахслар сони

Д) барча жавоблар тўғри

**9. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги - маъмурият ва персонал томонидан амалга оширилган \_\_\_\_\_ чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.**

А) ҳуқуқий, ижтимоий, инженер - техник

В) ташкилий - иқтисодий, инженер - техник

С) ҳуқуқий, ташкилий - иқтисодий, инженер - техник

Д) ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий - иқтисодий, инженер - техник

**10. Қуйида келтирилган омиллардан қайси бири корхонанинг тижорат сирлари ва ахборотларини ҳимоялаш чораларига кирмайди?**

А) ахборотни патентлаштириш

В) бозор конъюнктурасини билиш

С) муаллиф ҳуқуқини олиш

Д) тижорат ахборотини ҳисобга олиш.

**11. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашни бошқариш тизими ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:**

А) ички ва ташқи бозорларни ҳимоялаш, коммуникация ва ўзаро алоқа тизими

В) ахборотлар, ташлилий тузилмалар, ички ва ташқи бозорларни ҳимоялаш

С) ташкилий тузилмалар, коммуникация ва ўзаро алоқа тизими, ахборотлар

Д) ҳар томонлама тайёрланган кадрлар, ташлилий тузилмалар

**12. Хуфёна иқтисодиётга қарши қандай чора-тадбирлар қўлланилиши мумкин?**

I. Корхоналар хўжалик молиявий фаолияти тўғрисида ҳаққоний маълумотларни тўплаш;

II. Жисмоний шахсларнинг даромад олиши ва харажатлари тўғрисида ҳаққоний маълумотларни тўплаш;

III. Таҳлил қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни кенг қамровли назорат қилиш тизимини шакллантириш;

А) I, II

В) II, III

С) I, II, III

Д) I, III

**13. Солиқ юкининг оғирлиги қандай натижаларга олиб келади?**

А) иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишига

В) солиқ объектларининг камайишига

С) бюджет даромадларининг ошишига

Д) турли ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига

**14. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви сабабларини нима билан изоҳлаш мумкин?**

А) аҳолининг камбағал ва бойлигида

В) икки табақа ўртасидаги ҳаддан ташқари катта фарқнинг юзага келиши

С) амалдорларнинг ислохотларнинг моҳиятини тушуниб етмаслигида

D)норасмий яширин ишсизлик даражасининг ўсиб боришида

**15.Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши қандай ижобий оқибатларга олиб келади?**

I. ЖСТнинг бошқа аъзолари билан савдо қилишда мумкин қадар қулай режимга эга мамлакат мақомини олиши;

II. Экспорт, импорт хорижий ва маҳаллий сармоялар салмоғининг ортиши натижасида давлатнинг фискал даромадлари ошади;

III. Иқтисодиётнинг айрим стратегик тармоқларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат имкониятларининг камайиши;

IV. Ички бозор нархлари, монополия тарифлари, техник нормалари ва стандартлар, интеллектуал мулкдан фойдаланиш қоидалари каби амалиётда мавжуд бўлган тартибга солиш усулларини ўзгармаган ҳолда сақлаб қолиш имконияти камаяди;

V. Хорижий сармоядорларнинг ишончи мустаҳкамланади, республика иқтисодиётига хорижий сармояларнинг оқими ортади.

A) I, II, V

B) I, II, III

C) II, III, IV, V

D) I, II, III, IV, V

**16.Иқтисодий хавфсизлик иншоотлари - бу**

A) маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ва сотувчилари

B) координациялашган иқтисодий муносабатлар

C) хавфсизлик сиёсатининг асосий мазмуни ва стратегик мақсадини ташкил этувчи, реал мавжуд бўлган ҳодиса, жараён ва муносабатлар

D) банklar, биржалар, жамғармалар ва суғурта компаниялари

**17.Ўзбекистоннинг харбий доктринаси Олий мажлиснинг нечанчи сессиясида кўриб чиқилди?**

A)1995 йил 14-Сессиясида

B)1996 йил 14-Сессиясида

C)1995 йил 11-Сессиясида

D)1996 йил 11-Сессиясида

**18.Ўзбекистон Республикаси «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни Олий мажлиснинг нечанчи сессиясида янги тахрирда қабул қилинди?**

A)11май 2001 йил 2-чақириқ 7- сессиясида

B)12май 2001 йил 3-чақириқ 7- сессиясида

C)15май 2000 йил 2-чақириқ 8- сессиясида

D)11май 2001 йил 2-чақириқ 8- сессиясида

**19. \_\_\_\_\_ Қуролли Кучларнинг олий бошқарувини амалга оширади ва Олий Бош қўмондони ҳисобланади.**

A)Ўзбекистон Республикаси ИИВ Вазири

B)Ўзбекистон Республикаси Молия вазири

C)Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазири

D)Ўзбекистон Республикаси Президенти

**20. Ўзбекистонда қайси органлар мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлайди?**

A)Ички Ишлар Вазирлиги

B)Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

C)Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кучлари

D)Ўзбекистон Республикаси Қуролли ва Миллий Хавфсизлик Кучлари

**21. Қуйидагилардан қайси бири ташқи хавф таркибига киради?**

A) иқтисодиётга, айниқса баъзи регионларда, юқори демографик босим

B)тоталитар тузумдан қолган иқтисодиётдаги чуқур қайта ишлаш, соҳа ва ҳудудий диспропорциялар

C)Ўзбекистонни Жаҳон иқтисодий тизими ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодий интеграциясига тўсқинлик қилиш

D)бозор инфратузилмасининг ривожланмаганлиги

**22.Иқтисодий хавфсизлик мезонлари деганда нимани тушунаси?**

A)иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини баҳолаш

В)иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини ифодаловчи, муҳим жараёнлар нуқтаи назаридан иқтисодий ҳолатни баҳолаш

С)ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал этиш имкониятларини баҳолаш

Д)ресурс салоҳияти ва уни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш

**23. Иқтисодий хавфсизлик объекти даражаси бўйича қуйидагиларга ажратилади:**

А)макроиқтисодий даража, мезо даража, микро даража, оила ва шахс даражаси

В)макроиқтисодий даража, мезо даража, микро даража

С)мезо даража, микро даража, оила ва шахс даражаси

Д)макроиқтисодий даража, микро даража

**24. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўрсаткичлари ичида энг муҳимларидан бири - бу:**

А)меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва иш билан таъминлаш кўрсаткичидир

В)меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва аҳолининг пул даромадлари кўрсаткичидир

С)меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси кўрсаткичидир

Д)иш билан таъминлаш кўрсаткичидир

**25. Барқарорлик - бу \_\_\_\_\_ дир.**

А)жамиyatнинг фавқулодда ҳолатларда ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти

В)жамиyatнинг фавқулодда ҳолатларда ҳам ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти

С)жамиyatнинг иқтисодий беқарор ҳолатларида ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти

Д)жамиyatнинг ижтимоий беқарор ҳолатларида ўз манфаатларини қониқтириш қобилияти, ҳолатни тиклаш имконияти

**26. Қуйидаги омиллардан қайси бири ички хавф таркибига киради?**

А)ташқи транспорт, ахборот ва илмий-техника коммуникациялар тизимининг ривожланмаганлиги

В)Ўзбекистон Республикасини хом ашё базаси ва паст сифатли, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ўтказиш бозори сифатида сақлаб қолиш

С)Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодий тизимига ва Марказий Осиё худудида иқтисодий интеграциясига тўсқинлик қилиш

Д)иқтисодий соҳада жиноятнинг тарқалиши, хўжалик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш механизмининг мукамал эмаслиги

**27. Қайси органлар иқтисодий хавфсизликни таъминлашда фаол иштирок этади?**

А)қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият

В)қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти

С)қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти

Д)ижро этувчи ва суд ҳокимияти

**28.Миллий иқтисодий манфаатларни химоя қилиш шакл ва воситаларни танлаш давлатнинг сиёсати стратегияси ва \_\_\_\_\_ асосида амалга оширилади.**

А)иқтисодий хавфсизлик концепцияси

В)иқтисодий хавфсизлик дастури

С)конституцион қонун

Д)ҳукумат қарорлари

**29. Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими деганда нимани тушунаси?**

А)Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техник, инфорацион шарт-шароитлардир.

В)Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитларидир.

С)Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими бу ички ва ташқи хавфларнинг олдини олиш учун кўрилган чора тадбирлардир.

Д)Иқтисодий хавфсизлик омиллари тизими бу сиёсий, экологик, илмий, техник, инфор­мацион шарт-шароитлардир.

**30.Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи иқтисодий омиллар қаторига киради?**

- А)миллий ва маданий масалаларни ҳал қилиш
- В)аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти
- С)энергетика ресурслари ва маҳсулотлари
- Д)ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма

**31.Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи ижтимоий демографик омиллар қаторига киради?**

- А)ёқилғи энергетика ресурслари ва маҳсулотлари
- В)аҳоли ёши, жинсий бўлиниши, билим даражаси
- С)ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма
- Д)миллий ва маданий масалаларни ҳал қилиш

**32. Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи сиёсий омиллар қаторига киради?**

- А)ахборотни қайта ишлаш тизими
- В)давлатнинг ра­внақи, сиёсий ҳаракатлар ва партиялар
- С)аҳолининг миллий таркиби
- Д)ёқилғи энергетика ресурслари ва маҳсулотлари

**33.Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи этнографик ва иқтисодий омиллар қаторига киради?**

- А)давлатнинг ра­внақи, сиёсий ҳаракатлар ва партиялар
- В)туғилиш ва ўлим кўрсаткичи
- С)аҳолининг миллий таркиби
- Д)ахборотни қайта ишлаш тизими

**34.Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи инфор­мацион ва инфор­мацион-психологик омиллар қаторига киради?**

- А)туғилиш ва ўлим кўрсаткичи
- В)ахборотни қайта ишлаш тизими



С) ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма

Д) ёқилғи энергетика ресурслари ва маҳсулотлари

**35. Қуйидагилардан қайси бири хавфсизликка таъсир кўрсатувчи иқтисодий ва табиий шароитлар таъсирини синтезловчи омиллар қаторига киради?**

А) табиий ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан оқилона фойдаланиш

В) ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма

С) ўрмон, сув, ер, биологик ресурслар

Д) соғлиқни сақлаш тизими ривожланиши даражаси

**36. Иқтисодий инқироздан чиқиш мақсадида 1934 йилда қайси мамлакатда иқтисодий хавфсизлик бўйича махсус Федерал Қўмита ташкил этилган?**

А) Франция

В) Швеция

С) АҚШ

Д) Россия

**37. Қайси мамлакатнинг иқтисодий модели бошқа моделларга нисбатан инсонпарварроқ?**

А) Франция модели

В) АҚШ модели

С) Япон модели

Д) Швеция модели

**38. Ким геосиёсий хавфсизлик субъекти бўлиб ҳисобланади?**

А) давлат

В) жаҳон ҳамжамияти

С) халқ

Д) ҳукумат

**39. Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқарувини ким амалга оширади?**

- A)Олий Мажлис
- B)Вазирлар Маҳкамаси
- C)Иқтисодиёт Вазирлиги
- D)Адлия Вазирлиги

**40.АҚШда иқтисодий хавфсизлик бўйича Федерал Қўмита қачон ташкил топган?**

- A)19 июн 1924 йил
- B)29 июл 1934 йил
- C)29 июн 1934 йил
- D)19 июл 1934 йил

**41.“Қачонки Франция биринчилар қаторида турар экан, шундагина у ҳақиқий Франция бўлади” ибораси қайси давлат арбобига тегишли?**

- A)Миттеран
- B)Шарль де Голь
- C)Жак Ширак
- D)Наполеон Бонапарт

**42.Ўзбекистон Республикаси Сенати “Хавфли саноат объектларининг ишлаб чиқариш хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунни қачон қабул қилди?**

- A)25 август 2006 йил
- B)3 октябр 2006 йил
- C)3 октябр 2005 йил
- D) 25 август 2005 йил

**43.Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича ижтимоий меҳнат самарадорлигининг барқарор ўсиши қандай бўлиши керак?**

- A)5 %дан ошмаслиги керак
- B)7%дан кам бўлмаслиги керак
- C) 5 %дан кам бўлмаслиги керак
- D)11 %дан кам бўлмаслиги керак

**44.Швеция иқтисодий модели қандай мақсадга йўналтирилган?**

- A) даромадларни назорат қилиш
- B) ижтимоий мақсадларга эришиш
- C) капиталдан фойдаланиш
- D) антимонопол қонунлар

**45. Мамлакатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун илмий тадқиқот ишларига ажратиладиган харажатлар ЯИМга насбатан неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?**

- A) 2 %
- B) 2.5 %
- C) 1.5 %
- D) 4 %

**46. Хавфсизлик тушунчаси биринчи бор қачондан бошлаб қўлланила бошланди?**

- A) 1980 йилдан
- B) 1288 йилдан
- C) 1880 йилдан
- D) 1190 йилдан

**47. ЕВРАЗЭС ташкилотини тшкил қилиш бўйича шартнома қачон ва қаерда имзоланган?**

- A) 17 июн 2002 йил, Остонада
- B) 10 ноябр 2000 йил, Тошкентда
- C) 10 октябр 2000 йил, Остонада
- D) 21 декабр 1999 йил, Москвада

**48. 100 минг кишилик аҳолига тўғри келадиган жиноятлар сони қанча бўлса хавфсизлик чегараси бузилади?**

- A) 4000
- B) 5000
- C) 4500
- D) 3000

**49.МДХ мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик ғоялари ва у билан боғлиқ бўлган иқтисодий хавфсизлик тушунчалари тўғрисидаги китоб биринчи марта қачон чоп этилган?**

A)1989

B)1988

C)1987

D)1986

**50.2017 йилда ЯИМнинг ўсиш суръатлари неча фоизни ташкил этди?**

A)107.4%

B)105.6%

C)108.1%

D)109,7.%

**51. Аҳоли турмуш даражаси қайси мамлакатда энг юқори?;**

A)АҚШ;

B)Япония;

C)Хитой;

D)Канада

**52. АҚШдаги Буюк Депрессия қайси йилларда содир бўлган?;**

A)1911-1913 йилларда;

B)1925-1928 йилларда;

C)1929-1933 йилларда;

D)1941-1945 йилларда

**53. Иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқариш самарадорлиги бўлиши учун қайси омил мавжуд бўлиши керак?**

A)мақсадга йўналтирилган омил;

B)бошқарувчанлик омили;

C)самарадорлик омили;

D)Мақсадга йўналтирилган бошқарувчанлик ва самарадорлик омиллари

**54.Мамлакатни иқтисодий ривожланишидаги асосий омилларни белгиланг**

- A)Моддий ва ташкилий характердаги омиллар;
- B)Моддий, маъна-вий, иқтисодий омиллар;
- C)Иқтисодий ва ижтимоий омиллар;
- D)Талаб ва таклиф омиллар

**55. Аҳолининг турмуш даражаси қайси мамлакатда энг юқори курсаткични ташкил этади?**

- A)АҚШ;
- B)Канада;
- C)Япония;
- D)Хитой

**56. 90 йилларда рўйхатга олинган патентларнинг сони бўйича дунёда етакчи бўлган давлатни аниқланг?**

- A)АҚШ;
- B)Япония;
- C)Германия;
- D)Буюк Британия

**57. Энг кўп энергия сарф қиладиган давлат?**

- A)АҚШ;
- B)Хитой;
- C)Канада;
- D)Япония

**58. Фан - техника сиёсатининг муҳим йўналиши бу - ...;**

- A)Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- B)Миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш;
- C)Янги технология яратиш;
- D)Лойиҳаларни ишлаб чиқиш

**59. 2000 йилда дунё бўйича киши бошига ўртача энергия истеъмоли неча тонна бўлган?**

- A)5.74 тонна;
- B)8.32 тонна;

С)1.62 тонна;

Д)6.82 тонна

**60.Яқин орада яна иш олишга умид қилаётган одам:**

А) бандлар гуруҳига киради; ;

В)ишсизлар гуруҳига киради;

С)ишчи кучи таркибига кирмайди;

Д)тўлиқ булмаган банд ҳисобланади;

**61.Агар иқтисодиёт мувозанат ҳолатида турган бўлса, таъкидлаш мумкинки:**

А)истеъмол харажатлари инвестицияларга тенг бўлиши лозим;

В) давлат бюджети баланслашган;

С)истеъмол харажатларини ҳар қандай ошириш инфляцион узилишга олиб келади;;

Д)барча келтирилган жавоблар нотўғри.

**62.Давлат харажатларининг ўсиши реал ЯИМни кўпайишига олиб келади, қачонки:**

А) давлат харажатлари ва пул таклифи бир вақтда ўсса;

В) давлат харажатларининг ортиши нодавлат сеторининг шунга тенг миқдордаги харажатлари камайишига олиб келмаса;

С)бу харажатлари давлат хизматчилари иш ҳақи оширилишига эмас, балки товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланса;

Д) бу харажатлари давлат облигациялари чиқарилиши ҳисобига молиялаштирилса

**63.Қуйида санаб ўтилганларнинг қайсиси потециал ЯИМ ўсишининг омили ҳисобланади?**

А) ишчи кучи сонининг ўсиши;

В) иқтисодиётда капитал захираларининг кўпайиши;

С) иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиши;

Д) келтирилган барча жавоблар тўғри;

**64.Тўлиқ бандликка эришган иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланиши учун:**

- A) жамғариш ва инвестиция меъёрлари кичик бўлиши лозим;
- B) жамғариш меъёри катта ва инвестиция меъёри кичик бўлиши лозим;
- C) жамғариш ва инвестиция меъёрлари катта бўлиши лозим;
- D) жамғариш меъёри кичик, инвестиция меъёри эса катта бўлиши лозим.

**65. Тарихан ишчи кучининг қишлоқ хўжалигидан саноатга кўчиб ўтиши:**

- A) инфляция ҳолатларини юзага келтиради;
- B) ўртача меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади;
- C) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг пасайишига олиб келади;
- D) ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади

**66. Экспорт божларининг киритилиши қуйидагиларнинг қайси бирига олиб келмайди?**

- A) ишлаб чиқарувчилар даромадларининг камайишига;
- B) мамлакат истеъмолчиларининг баҳоларнинг пасайиши ҳамда ушбу товарни истеъмол қилиш қисқариши натижасида йўқотишларига;;
- C) ушбу товарнинг ички баҳоларини пасайишига;
- D) ( бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолатда) давлат даромадларининг ўсишига.

**67.Импорт тарифларининг киритилиши олиб келиши мумкин:**

- A) давлат бюджетига тушумларнинг ва истеъмол ҳажмининг ортишига;
- B) ички ресурслардан оқилона ( рационал) фойдаланишга;
- C) импортига тариф киритилган товарни мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, бу товар импортининг ва ички истеъмолининг қисқаришига;
- D) мамлакатда импортига тариф киритилган товарни ишлаб чиқариш қисқаришига ва унинг импорт билан алиштирилишига.

**68.Қуйида санаб ўтилганларнинг қайсиси потециал ЯИМ ўсишининг омили ҳисобланади?**

- A) ишчи кучи сонининг ўсиши;
- B) иқтисодиётда капитал захираларининг кўпайиши;
- C) иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- D) келтирилган барча жавоблар тўғри;

**69. Марказий Банк пул таклифини камайтиришга қарор қилса, у холда:**

- A) депозитларни мажбурий захиралаш нормасини пасайтиради;
- B) очик бозорда облигацияларни сотади;
- C) қайта молиялаш ставкасини кўтаради;
- D) пул-кредит сиёсатини юмшатади.

**70. Давлат харажатларининг ўсиши реал ЯИМни кўпайишига олиб келади, қачонки:**

- A) давлат харажатлари ва пул таклифи бир вақтда ўсса;
- B) давлат харажатларининг ортиши нодавлат сеторининг шунга тенг миқдордаги харажатлари камайишига олиб келмаса;
- C) бу харажатлари давлат хизматчилари иш ҳақи оширилишига эмас, балки товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланса;
- D) бу харажатлари давлат облигациялари чиқарилиши ҳисобига молиялаштирилса

**71. Қуйидагиларнинг қайси бири ялпи ички маҳсулот таркибига киради?**

- A) уй бекасининг хизматлари;
- B) қўшнидан сотиб олинган эски машина баҳоси;
- C) брокердан сотиб олинган янги акция қиймати;
- D) кондаги янги китобларнинг нархи.

**72. Тарифлар қисқарса, унда...;**

- A) экспорт соҳасида ишлайдиганлар учун иш жойини йўқотиш хавфи кучаяди;
- B) импорт маҳсулотларининг нархи ошади
- C) яшаш даражаси мамлакатда пасаяди



D) импорт муҳофазасига доир соҳаларда ишлайдиган ишчиларнинг бир қисми ишсиз қолиши мумкин

**73. Халқаро меҳнат тақсимоти дастлаб қайси омиллар таъсирида шаклланган ?**

- A) табиий омиллар;
- B) демографик омиллар;
- C) геосиёсий омиллар;
- D) ижтимоий сиёсий омиллар;

**74. Жаҳон хўжалиги учун мулкчиликнинг қайси тури хос?**

- A) хусусий
- B) аралаш;
- C) давлат мулки
- D) акционер мулки

**75. Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимоти қайси омиллар таъсирида шаклланади ?**

- A) демографик омил
- B) фан-техник тараққиёти;
- C) ижтимоий -сиёсий омил
- D) геосиёсий омил

**76. Ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шакллари:**

- A) ташқи савдо
- B) қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар
- C) хизматлар экспорти ва импорти
- D) ташқи савдо, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар, хизматлар экспорти ва импорти

**77. Дунёдаги энергия ресурсларини асосий қисмини қайси мамлакатлар истъеъмол қилади:**

- A) ривожланган мамлакатлар;
- B) ривожланаётган мамлакатлар;
- C) паст даромадли мамлакатлар ;

D)барча мамлакатлар.

**78. Қайси жавобда иқтисодиёт биносининг таркибий қавати тўғри келтирилган?**

A)микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, уй хўжалиги, глобал иқтисодиёт

B)уй хўжалиги микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, глобал иқтисодиёт

C)микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, глобал иқтисодиёт, уй хўжалиги,

D)микроиқтисодиёт, , глобал иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, уй хўжалиги

**79. АҚШнинг ташқи сиёсати учта наҳанг устида туриши керак, деган ибора қайси давлат арбобига тегишли?**

A)Ж.Буш;

B)У.Кристофер;

C)М.Олбрайт;

D)Р.Рейган

**80. Ишсизлик даражасининг неча фоизи иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади?**

A) 2-3%;

B)10-11%;

C)6-7%;

D)5-6%

**81. Қайси мамлакатлар НАФТА аъзоси бўлиб ҳисобланади?**

A)Германия, АҚШ, Буюк Британия;

B)Канада, Мексика, Австралия;

C)АҚШ.Канада, Мексика;

D)Канада, Германия, Англия

**82. Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармаси Президентнинг қайси Фармони асосида ташкил этилди?**

A)Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ;

В)Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида;

С)Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида;

Д)Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида

**83. Қайси йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш Жамғармасинининг активлари шакллантирилади?**

А)2006-2009 йиллар давомида;

В)2007 йил давомида;

С)2008 йил давомида;

Д) 2006-2010 йиллар давомида

**84. Жаҳон Савдо ташкилоти қайси йили ташкил этилган?**

А) 1990 й.;

В)1995 й.;

С)2000 й.;

Д) 1993 й.

**85.Мамлакатдан товарлар олиб чиқиш(экспорт) ва олиб кириш (импорт)дан иборат бўлган алоқалар нима деб аталади?**

А)эркин савдо зонаси;

В)валюта бозори;

С)ташқи савдо;

Д)интеграция

**86.Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига қачон асос солинган?**

А)1948 йил 16 апрел;

В)1946 йил 21 апрел;

С)1945 йил 5 май;

D)1951 йил 27 июн

**87. Мамлакада иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қайта ишлаш саноатининг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?**

A) 50%дан ;

B)70%дан;

C)60%дан;

D)30%дан

**88. Мамлакатда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун машинасозликнинг машина ишлаб чиқаришдаги улуши неча фоиздан кам бўлмаслиги керак?**

A) 20 %дан;

B)25 %дан;

C)40 %дан;

D) 15 %дан

**90. Инфляция даражаси неча фоиздан ошмаганда мамлакат иқтисодий хавфсизлигига тахдид бўлмайди?**

A) 10 %;

B)20%;

C)30% ;

D) 15%

**91. Яшаш минимуми бўйича мамлакат минтақаларининг дифференциацияси неча мартадан ошганда хавфсизлик чегараси бузилади?**

A) 2 мартадан;

B)3 мартадан;

C)1,5 мартадан;

D) 5мартадан

**92. Мамлакат ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ?**

A) аҳоли жон бошига ўртача даромад;

В) аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми;

С) мамлакат ЯМД ҳажми;

Д)соф маҳсулот

**93. Ўзбекистон иқтисодий сиёсати нечта тамойилга асосланади?**

А)учта;

В)бешта;

С)иккита;

Д)тўртта.

**94. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида саноатнинг қайси тармоқлари устунлик қилади?**

А) энергетика;

В) газ саноати;

С) нефт;

Д) тоғ-кон саноати.

**95. Қайси кўрсаткич умр кўриш узунлиги бўйича хавфсизлик чегарасини билдиради?**

А)60 йил ;

В)50 йил;

С)70 йил;

Д)75 йил

**96.Интеграция субъектлари:**

А)давлат;

В)жисмоний шахслар;

С)юримдик шахслар;

Д)барча жавоблар тўғри

**97. Хавфсизлик чегараси сақланиши учун ички истъмолда импорт улуши неча фоизни ташкил қилиши керак?**

А) 20% дан ошмаслиги керак;

В) 40%;

С)30% дан ошмаслиги керак;

D) 10%

**98. Яширин иқтисодиёт-бу?**

A) солиқларни кўпайиши ёки тақчилликнинг ортиши ;

B) даромадларни яширин кўриниши ёки солиқларни тўламаслик;

C) жамғарилган маблағлар ёки инвестиция ;

D) корхоналар ихтиёридаги даромад ёки мулклари .

**99 Мамлакатда иқтисодий хавфсизлик чегараси сақланиши учун бюджет танқислиги неча фоиздан ошмаслиги керак?**

A) 7%дан;

B) 3%дан;

C) 4%дан;

D) 5%дан

**100. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида маҳсулотларнинг янги турларининг улуши неча фоиздан кам бўлмаганда хавфсизлик чегараси бузилмайди?**

A) 3 %дан;

B) 10 %дан;

C) 6 %дан;

D) 5 %дан

**101. Миллий валютанинг паритети ва курси ўртасида юзага келган фарқни бартараф этишда қўлланиладиган воситани кўрсатинг.**

A) Девальвация

B) Деноминация

C) Стагфляция

D) Нуллификация

**102. Валюта интервенцияси нима мақсадда ўтказилади?**

A) Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида

B) Миллий валюта курсининг кескин тебранишига барҳам бериш

мақсадида

С) Миллий валютанинг паритети ва курси ўртасида юзага келган фарқни бартараф этишда

Д) Хорижий валюталар таклифини барқарорлаштириш мақсадида

**103. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги (янги тахрир) қонуни қачон қабул қилинган?**

А) 1993 йил 7 май

В) 2003 йил 11 декабрь

С) 2003 йил 8 октябрь

Д) 2007 йил 6 май

**104. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси:**

А) Марказий банк томонидан тижорат банкларига тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан берилган кредитнинг фоиз ставкаси

В) Марказий банк томонидан тижорат банкларига қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан берилган кредитларнинг фоиз ставкаси

С) Марказий банкнинг овернайт кредитларининг фоиз ставкаси

Д) Марказий банк томонидан тижорат банкларига хорижий валютани гаровга олиш йўли билан берилган кредитларнинг фоиз ставкаси

**105. Ўзбекистонда миллий валютани хорижий валюталарга эркин конвертация қилишни тўлиқ таъминлаш қачондан бошлаб жорий қилинди?**

А) 2003 йил 8 октябрь

В) 2003 йил 11 декабрь

С) 2017 йил 1 январь

Д) 2017 йил 5 сентябрь

**106. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қачон қабул қилинган?**

А) 2016 йил 26 октябрдаги (ПФ-4853-сонли);

В) 2014 йил 26 октябрдаги (ПФ-4550-сонли);

С) 2001 йил 5 ноябрдаги (ПФ-43-сонли);

D) 2015 йил 12 мартдаги (ПФ-1253-сонли).

**107. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?**

A) 1982 йилда Лондонда ташкил қилинган бўлиб - Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат

B) 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган бўлиб - Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат

C) 1992 йилда Парижда ташкил қилинган бўлиб - Марказий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кредитлар ажратишдан иборат

D) 1995 йилда Италияда ташкил қилинган бўлиб - Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат

**108. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг функциялари?**

A) Европа мамлакалари валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш

B) Европа мамлакалари иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш

C) Ривожланаётган мамлакатлар валюта тизими барқарорлигини таъминлаш

D) Ўтиш даври мамлакатлари иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш

**109. 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг асосий мақсади нимадан иборат?**

A. Инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муқаддас саналиши;

B. Эркин демократик давлат барпо этилиши;

C. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш масалалари;

D. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш.



**110. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси нечанчи йилларни ўз ичига қамраб олади?**

- A. 2017-2021 йиллар;
- B. 2017-2019 йиллар;
- C. 2017-2020 йиллар;
- D. 2018-2021 йиллар.

**111. Стратегия — бу**

- A) Янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир;
- B) Иқтисодий ривожланиш дастури;
- C) Информацион технологияларга асосланган дастур;
- D) Олдиндан режалаштирилган истиқболли чора-тадбирлар дастури.

**112. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиши, жумладан, турар-жойига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу модда қайси қонун ҳужжатида акс этган?**

- A) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;
- B) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- C) Меҳнат кодекси;
- D) БМТ резолюциялари.

**113. “Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун” тамойили асосида қандай давлат сиёсати амалга оширилади?**

- A) Фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш;
- B) Жамиятнинг ҳимояга муҳтож қатламларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш;
- C) Имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш;
- D) Барча жавоблар тўғри.

**114. World Happiness Index” (“Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари”) янги рейтингида Ўзбекистон нечанчи поғонани эгаллаган?**

- A) 158 та мамлакат орасида 44-поғонани;
- B) 158 та мамлакат орасида 43-поғонани;

С) 158 та мамлакат орасида 46-поғонани;

Д) 158 та мамлакат орасида 47-поғонани.

**115. Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-банди қандай номланади?**

А) Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш;

В) Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишнинг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириш;

С) Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш;

Д) Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш.

**116. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)нинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

А) Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

В) Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

С) Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Д) Барча жавоблар тўғри.

**117. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бугунги кунда неча фоизни ташкил этади?**

- A) 66 фоизни;
- B) 56 фоизни;
- C) 52 фоизни;
- D) 47 фоизни.

**118. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юртимизда тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида 2016 йил 5 октябрда қандай Фармон қабул қилинди?**

A) «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»;

B) «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

C) «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

D) «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида».

**119. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд аҳолини неча фоизи меҳнат қилмоқда?**

- A) 67фоизи;
- B) 70 фоизи;
- C) 74 фоизи;
- D) 77 фоизи.

**120. Ўзбекистонда миллий валютани хорижий валюталарга эркин конвертация қилишни тўлиқ таъминлаш қачондан бошлаб жорий қилинди?**

- A) 2003 йил 8 октябрь
- B) 2003 йил 11 декабрь
- C) 2017 йил 1 январь
- D) 2017 йил 5 сентябрь

**121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республи-касини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида асосан минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича нечта инвестиция лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган?**

- A) Умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та;
- B) Умумий қиймати қарийб 50 млрд. долларга тенг бўлган 150 та;
- C) Умумий қиймати қарийб 60 млрд. долларга тенг бўлган 180 та;
- D) Умумий қиймати қарийб 70 млрд. долларга тенг бўлган 359 та.

**122. Doing Business рейтинг агентлигининг индикаторларига асосан 2016 йилда Ўзбекистон “янги бизнесни қўллаб қувватлаш” бўйича 189та давлат ичида нечанчи ўринни банд этган?**

- A) 42 - ўринни;
- B) 55 - ўринни;
- C) 82 - ўринни;
- D) 5 - ўринни.

**123. Минтақавий можаро - ...**

- A) Икки мамлакат ўртасидаги ечилмаган муаммолар
- B) Бу икки ва ундан ортиқ чегарадош давлатлар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилик
- C) Алоҳида олинган давлат ичидаги можаро
- D) Бир неча мамлакатлар ўртасидаги ва даражасидаги тарихий, сиёсий, этник муаммолар

**124. Геосиёсат нима?**

- A) Жамиятдаги барча куч ва ҳаракатлар
- B) Мамлакатнинг истиқболли интилишлари
- C) Давлатнинг имкониятларини ҳисобга олиб юритилаётган фаолият
- D) Мамлакат ёки минтақанинг географик жойлашуви.

**125. Халқ ҳокимиятидаги сиёсий тузум шакли.**

- A) Демократия

- B) Анархия
- C) Монархия
- D) Олигархия

**126. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ғояси...**

A) Инсонни ва унинг ҳаётини эркинлик билан таъминлаш бозор муносабатларига кенг йўл очиб, савдо муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир.

B) Инсонни, унинг ҳаётини, эркинлиги, шаън-шавкати ва қадр-қимматини ҳаммадан юқори қўядиган умуминсоний тамойилларга тарафдорликдир.

C) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқ органларининг жамиятдаги аҳамиятини янада ошириш ва умуминсоний тамойилларга тарафдорликдир.

D) Ўтиш тажрибаларидан фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ислоҳ қилиш ва унга туб ўзгаришлар киритишдир.

**127. Миллатлараро тотувлик - бу ...**

- A) Иқтисодий ҳодиса
- B) Сиёсий воқелик
- C) Маънавий- ахлоқий ҳодиса.
- D) Фалсафий қоида.

**128. Мамлакат учун асосий таҳдид, бу ...**

- A) Халқаро терроризм таҳдиди
- B) Диний экстремизм таҳдиди
- C) Коррупция таҳдиди
- D) Ички таҳдид.

**129. Ўзбекистон ташқи сиёсатида қандай амалий принципларига асосланади?**

A) Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик.

B) Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, тенглар орасида тенг бўлиш, мафкуравий қарашлардан қатъий назар очиқ-ойдинлик, барча давлатлар

билан кенг ташқи алоқани ўрнатиш, ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш, ўзаро манфаатдорлик, умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги.

С) Чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг суверенитети, тенглиги.

Д) Фақат А ва С жавоблар тўғри.

**130. 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси”да белгилаб берилган минтақавий ва халқаро сиёсати, бу ...**

А) Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш.

В) МДҲга аъзо мамлакатлар, АҚШ, Россия ва Европа, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш.

С) Трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш.

Д) А ва С жавоблар тўғри.

**131. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар - бу ...**

А) Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган урушдир.

В) Экологик муаммолар.

С) Буюк давлатчилик шовинизм ва агрессив миллатчилик.

Д) Этник ва миллатлараро зиддиятлар ва терроризм.

**132. Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш бўйича халқаро Конвенцияларни кўрсатинг.**

А) Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция, Хельсинки, 1992 йил 17 март, Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Нью-Йорк, 1997 йил 21 май

В) Атроф - муҳитни муҳофазаси бўйича халқаро конференция. Рио - де - Женеиро 1992 йил. Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни

муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция, Хельсинки, 1992 йил 17 мартда

С) Экологик ахборотларни етказиш ва ундан жамоатчиликни қарор қабул қилиш жараёнида иштироки тўғрисида Конвенция;

Д) Трансчегарадош ҳаво атмосферасини ифлосланиш тўғрисидаги Конвенция. Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Нью-Йорк, 1997 йил 21 март

**133. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни қандай тушунаси?**

А) Табиат муҳофазаси тўғрисидаги барча қонун ва қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда улардан жамиятга фақат ҳозирги кунда эмас, балки тасаввур қилиш мумкин бўлган узоқ келажакда ҳам энг юқори самара олишни таъминловчи фойдаланишни тушунаман;

В) Сув ресурсларидан навбатма навбат тартибда фойдаланишни тушунаман

С) Сув ресурсларидан лимит асосида фойдаланишни тушунаман;

Д) Сув ресурсларидан дастлаб энг катта иқтисодий самара берувчи экинларни кейин қолган экинларни суғориш учун фойдаланиш тартибини тушунаман.

**134. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-чи сессиясида қилган маърузасида:**

А) Афғон фожиасига инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишга чақиради

В) Иқтисодий, маданий алоқада бўлишга чақиради

С) Толибонларни расмий ҳукумат билан ўзаро келишувга чақиради

Д) Жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкам ўрнатишга чақиради

**135. Афғонистондаги қуролли можаролар, қонли тўқнашувлар қарийб неча йилдан буён давом этмоқда?**

А) 40 йил

В) 50 йил

С) 20 йил

D) 100 йил

**136. Дунё аҳолисининг қанча қисмини ёшлар ташкил этади?**

A) 1,5 миллиарддан ортиқ.

B) 4 миллиарддан ортиқ.

C) 2 миллиарддан ортиқ.

D) 3 миллиарддан ортиқ.

**137. Бола деганда ким тушунилади?**

A) Мактабда ўқиётган шахс.

B) Ота-она учун ҳар қандай ёшдаги фарзанд боладир.

C) 18 ёшга етмаган шахслар.

D) 30 ёшга етмаган шахслар.

**138. Ёшлар деганда кимлар тушунилади?**

A) 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар.

B) Болалик давридан бошлаб 30 ёшгача бўлганлар.

C) Оила қурмаган, бироқ 30 ёшдан ошмаганлар.

D) Барча турдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар.

**139. Нима учун Ўзбекистон Президенти Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномани қабул қилиш лозимлигини айнан БМТ минбаридан туриб таклиф этди?**

A) Чунки кимнинг қаерда таклиф киритиши унинг ўз хоҳиш-иродасига боғлиқдир.

B) Чунки халқаро миқёсда киритиладиган таклифлар фақат БМТ минбаридан туриб айтилади.

C) Чунки бошқа ташкилотларда бундай таклифни киритишнинг имкони мавжуд эмас.

D) Чунки БМТ сайёрамизнинг деярли барча давлатларини қамраб олган йирик халқаро ташкилот саналади.

**140. “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида ўз аксини топган.**



- A. 7-моддасида
- B. 8-моддасида
- C. 17-моддасида
- D. 28-моддасида

**141. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида инвестиция-ларга қандай таъриф берилди?**

- A. инвестиция - бу иқтисодиёт драйвери
- B. инвестиция - бу келажак пойдевори
- C. инвестиция - бу тараққиёт асоси
- D. инвестиция - бу фаол пул маблағларидир.

**142. “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечирishi, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши - бизнинг бош мақсадимиздир”- деган Президент Ш. Мирзиёевнинг қайси маърузасида тилга олиб ўтилган?**

- A. 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида
- B. 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида
- C. Қишлоқ хўжалиги ходимлари билан ўтказилган учрашувда
- D. БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган маърузасида

**143. Ўрта муддатли бюджетлаштириш нима?**

- A. одатда уч йил муддатга режалаштириладиган бюджет жараёни
- B. бюджетнинг амал қилиш режасини бир неча йилга (асосан 3-5 йил) мўлжалланган давлат харажатларини амалга ошириш учун мавжуд ресурсларни ҳисоблаш, ўзидан олдинги молия йилидаги бюджетнинг вориси бўлган ҳолда келгуси молия йилларига замин яратувчи бюджет амалиёти
- C. давлатнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган молиявий ҳужжати
- D. бюджетнинг амал қилиш режасини бир неча йилга (асосан 3-5 йил) мўлжалланган давлат харажатларини амалга ошириш учун мавжуд ресурсларни ҳисоблаш, амалдаги ва янги стратегик лойиҳаларнинг қийматини ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек харажатларга оид мажбуриятларни кўзланган

натижалар билан қонуний боғлашга йўналтирилган ўзидан олдинги молия йилидаги бюджетнинг вориси бўлган ҳолда келгуси молия йилларига замин яратувчи бюджет амалиёти

**144. 2018 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари неча фоизни ташкил этди?**

- A. 7,3%
- B. 5,2%
- C. 6,3%
- D. 7,0 %

**145. Стратегия — бу**

- A) Янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир
- B) Иқтисодий ривожланиш дастури
- C) Информацион технологияларга асосланган дастур
- D) Олдиндан режалаштирилган истиқболли чора-тадбирлар дастури

**146. Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-банди қандай номланади?**

A) Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш

B) Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишнинг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириш

C) Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш

D) Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш

**147. 2018 йил якунларига кўра мамлакатимизда инфляция суръатлари неча фоизни ташкил қилди?**

- A. 22 %

B. 16,7 %

C. 15,5 %

D. 16,8 %

**148. Рақамли иқтисодиёт нима?**

A. Ишлаб чиқариш, давлат ва бошқарув жараёнларига рақамли\ахборот технологияларини доимий жорий этиб бориш асосида шаклланган иқтисодий фаолият

B. Рақамли технологияларга асосланган ва рақамли маконда амалга оширилувчи иқтисодий фаолият

C. A ва B жавоблар тўғри

D. интернет технологияларидан кенг фойдаланилувчи интернет банкинг хизматлари

**149. Рақамли иқтисодиёт маҳсулотлари келтирилган қаторни топинг?**

A. электрон почта, булутли хизматлар, электрон имзо

B. интернет банкинг, интернет орқали чакана савдо, интернет-реклама, криптовалюталар

C. криптовалюталар

D. интернет-ўйинлар, электрон тўловлар

**150. 2018- йилнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Инновацияларнинг глобал индекси рейтингида дунёнинг 126 та мамлакати орасида нечанчи ўринни эгаллади?**

A. 76-ўринни

B. 152-ўринни

C. 98-ўринни

D. Ўзбекистон бундай рейтингга киритилмаган

**151. 2018- йилнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индекси рейтингида дунёнинг 180 та мамлакати орасида \_\_\_ ўринни эгаллади?**

A. 76

B. 152

C. 98

D. 105

**152. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг бўлган қанча лойиҳа амалга оширилди?**

A. 8130 та лойиҳа

B. 131 мингта лойиҳа

C. 76 мингта лойиҳа

D. 105 мингта лойиҳа

**153. Ўзбекистонда миллий валютани хорижий валюталарга эркин конвертация қилишни тўлиқ таъминлаш қачондан бошлаб жорий қилинди?**

A) 2017 йил 5 сентябрь

B) 2003 йил 11 декабрь

C) 2017 йил 1 январь

D) 2003 йил 8 октябрь

**154. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا асосан (3-банди) кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлса неча йилгача амал қилади?**

A) 3 йилгача

B) 5 йилгача

C) 15 йилгача

D) 10 йилгача

**155. 2019 йилда иқтисодиётимизга йўналтирилган инвестициялар ҳажми тўғри қўрсатилган жавобни танланг.**

A) 21,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 28,6 фоизга кўп

В) 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 15,3 фоизга кўп

С) 12,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 12 фоизга кўп

Д) 26,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2018 йилга нисбатан 6 фоизга кўп

**156. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида асосан минерал-ҳом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича нечта инвестиция лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган?**

А) Умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та

В) Умумий қиймати қарийб 50 млрд. долларга тенг бўлган 150 та

С) Умумий қиймати қарийб 60 млрд. долларга тенг бўлган 180 та

Д) Умумий қиймати қарийб 70 млрд. долларга тенг бўлган 359 та

**157. Doing Business рейтинг агентлигининг глобал рейтингда 2020 йилда Ўзбекистон 189та давлат ичида нечанчи ўринни банд этган?**

А) 69 - ўринни

В) 72 - ўринни

С) 82 - ўринни

Д) 134 - ўринни

**158. Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясининг хусусиятлари нимада?**

А) Ягона иқтисодий макон яратиш

В) Энергетика объектларини бирлаштириш

С) Етакчи тармоқларнинг муштараклиги

Д) Мустақил давлатларни бирлаштириш ғоялари

**159. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилганида нималарга амал қилади?**

А) Бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка

- В) Ички ишларига аралашмасликка
- С) Ўз маҳсулотларини кўпроқ экспорт қилишга
- Д) Интеграцияни чуқурлаштиришга

**160. Минтақавий можаро - ...**

- А) Бу икки ва ундан ортиқ чегарадош давлатлар ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилик
- В) Икки мамлакат ўртасидаги ечилмаган муаммолар
- С) Алоҳида олинган давлат ичидаги можаро
- Д) Бир неча мамлакатлар ўртасидаги ва даражасидаги тарихий, сиёсий, этник муаммолар

**161. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий ғояси...**

- А) Инсонни, унинг ҳаётини, эркинлиги, шаън-шавкати ва кадр-қимматини ҳаммадан юқори қўядиган умуминсоний тамойилларга тарафдорликдир.
- В) Инсонни ва унинг ҳаётини эркинлик билан таъминлаш бозор муносабатларига кенг йўл очиб, савдо муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир.
- С) Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқ органларининг жамиятдаги аҳамиятини янада ошириш ва умуминсоний тамойилларга тарафдорликдир.
- Д) Ўтиш тажрибаларидан фойдаланиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ислоҳ қилиш ва унга туб ўзгаришлар киритишдир.

**162. Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш бўйича халқаро Конвенцияларни кўрсатинг.**

- А) Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция, Хельсинки, 1992 йил 17 март, Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Нью-Йорк, 1997 йил 21 май
- В) Атроф – муҳитни муҳофазаси бўйича халқаро конференция. Рио – де – Женеиро 1992 йил. Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция, Хельсинки, 1992 йил 17 мартда
- С) Экологик ахборотларни етказиш ва ундан жамоатчиликни қарор қабул қилиш жараёнида иштироки тўғрисида Конвенция;
- Д) Трансчегарадош ҳаво атмосферасини ифлосланиш тўғрисидаги Конвенция. Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Нью-Йорк, 1997 йил 21 март



## ГЛОССАРИЙ

**Ахборот хуружи**- жамият аъзоларининг руҳиятига, хулқ -атвориға таъсир кўрсатиш.

**Аҳоли бандлиги** — меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий меҳнатда қатнашиш даражаси, қонунчиликка зид бўлмаган тарзда фуқаронинг шахсий ва ижтимоий талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолияти.

**Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсати** — давлат томонидан фуқароларнинг меҳнатга, тўлиқ, самарали ва эркин танланган бандликка бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият.

**Аҳолининг умумий даромади** — пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар ҳамда доимий асосда, такрорланувчи ҳусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан таркиб топади.

**Барққорлик** - тинчлик-осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил мустаҳкам ўрнатилган муҳим шароит. Барққорлик ҳар қандай бунёдқорлик фаолиятининг замини ва зарурий шарти ҳисобланади.

**Битим** - фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

**Валюта биржаси** - хорижий валюталар олди-сотди қилинадиган биржа бозори.

**Валюта захираси** - бирор-бир мамлакатнинг хорижий валюталардаги маблағлари.

**Валюта интервенцияси** - Марказий банк томонидан миллий валютанинг фавқулодда юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида



хорижий валютани сотиб олиниши ёки сотилиши. Одатда, битта хорижий валюта интервенция воситаси ҳисобланади. Ўзбекистонда АҚШ доллари валюта интервенцияси воситаси ҳисобланади.

**Валюта курси**- бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳосидир.

**Валюта сиёсати** - валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш тадбирларининг йиғиндиси.

**Глобаллашув** - иқтисодий тараққиётнинг индустриал босқичидан постиндустриал босқичига ўтиш даврининг маҳсули бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг бугунги кундаги тараққиёти босқичини ифодаловчи жараён.

**Геосиёсий мувозанат** - маълум бир ҳудуддаги мавжуд сиёсий вазиятни барқарорлаштириш.

**Гиперинфляция** - товарлар баҳоси ва пул массасининг юқори суръатларда ошиб кетиши. Гиперинфляцияда баҳоларнинг ойлик ўсиш суръати 50фоизни ва ундан юқори бўлади.

**Глобал молиявий-иқтисодий бозор** - жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишга асосланган муносабатлар.

**Давлат қарзи** - давлатнинг тўланмаган заёмлар ва уларнинг берилмаган фоизларини акс эттирган барча қарзларининг умумий суммаси. Давлат қарзи икки хил бўлади: ички ва ташқи қарз.

**Давлат суверенитети** - давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги. Суверенитет давлат ҳокимиятининг муҳим белгиси саналади.

**Девальвация**- миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрсизланиши.

**Демаркация** (фран. Чегараларни ўрнатиш) - у ёки бу мулоҳазанинг илмий ёки ноилмийлигини аниқлаш мезони.

**Демократия** - конституциявий тузумнинг халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон

ҳуқуқларининг дахлсизлиги кабиларини эътироф этишга асосланган давлатнинг сиёсий режими.

**Деноминация** - янги пул бирлигини маълум нисбатда эски пул бирлигига алмаштирилиши. Ўзбекистонда миллий валюта 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб муомалага киритилганда янги валюта сўм эски валюта-сўм - купонга 1га 1000 нисбатда алмаштирилган эди.

**Денонсация** (фр. Denoncer - бекор қилмоқ) - халқаро шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши. Денонсация шартноманинг ўзига мувофиқ ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларига кўра амалга оширилади. Денонсация шартноманинг бузилиши ҳисобланмайди, балки шартноманинг ҳуқуқий бекор қилиниши ҳисобланади.

**Дефляция** - товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайиши.

**Диверсификация** - ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолияти соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

**Диний бағрикенглик** - турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъий назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қараш.

**Диний экстремизм** - жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт; диний ташкилотлардаги ўта мутаассиб гуруҳларнинг ашаддий реакцион, динни ниқоб қилиб олган, унинг қонун-қоидаларига мафкуравий тус бериб, ундан ўзларининг стратегик геосиёсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга қаратилган диний-сиёсий ҳодиса.

**Давлат-хусусий шериклик** — давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига

дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги.

**Дисконт сиёсати** - мамлакат тўлов баланси ва валюта курсига таъсир этиш мақсадида Марказий банкнинг дисконт ставкасини ўзгартириш сиёсати.

**Диверсификация** — (лотинча *diversus* - ҳар хил, *facere* - қилмоқ, бажармоқ) - ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган.

**Диверсификация стратегияси** — корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегияси. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденцияларидан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарнинг бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатдошлигини оширади. Диверсификация стратегияси - корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, кўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга оширилиши мумкин.

**Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ)** бош бўлими Лондонда жойлашган бўлиб, 1990 йил 29 майдаги келишувга асосан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларини кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган халқаро молиявий ташкилот.

**Ёшларга оид давлат сиёсати** — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизми.

**Ёшлар (ёш фуқаролар)** — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.

**Ёш оила** — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган бева эркак (бева аёл).

**Ёш мутахассис** — олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилда кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим.

**Ёшлар тадбиркорлиги** — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

**Ёшлар ва бандлик** — ижтимоий етукликка эришиш даврини бошдан кечираётган ўн беш ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ижтимоий демографик гуруҳларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлик муаммоси.

**Жаҳон банки гуруҳи**-Бирлашган миллатлар ташкилотининг ихтисослашган молия институти ҳисобланиб, асосий мақсади ишлаб чиқариш капитал қўйилмалари учун қулай шароитлар яратиш, халқаро узоқ муддатли инвестициялар оқимини рағбатлантиришдан иборат.

**Иқтисодий хавфсизлик**- иқтисодий категория бўлиб, иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсиш таъминланган, ижтимоий эҳтиёжлар оптимал даражада қондирилган, рационал бошқариш амалга оширилган, миллий ва халқаро даражаларда иқтисодий манфаатларнинг ҳимоялангандаги ҳолатини ифодалайди.

**Иқтисодий соҳадаги терроризм** - террорчиларнинг иқтисодий манфаатга эришиш мақсадида рақибларига, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига, давлатлар ва уларнинг бошлиқларига таъсир ўтказиши.

**Ижтимоий терроризм-жиноятчилик** миқёсларининг кенгайиши, криминал вазиятнинг кескинлашуви, умумий ижтимоий беқарорликнинг вужудга келиши.

**Иқтисодий хавфсизликнинг мезони-** иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини ифодаловчи муҳим жараёнлар нуқтаи назаридан иқтисодий ҳолатни баҳолаш.

**Иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичлари** - иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларнинг миқдор жиҳатдан ифодаланиши.

**Ижтимоий инвестицияларга** инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.

**Инвестициялар** - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

**Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA)-инвестор** ва кредиторларга сиёсий рискларларни суғуртаси ва ривожланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида кредитлар сифатини ошириш хизматларини кўрсатади.

**Инвестицион баҳсларни тартибга солишнинг халқаро маркази (ICSID)-инвестицион баҳсларни арбитражда кўриб чиқилиши** ва тартибга солишнинг халқаро механизмларини таъминлайди.

**Инвестицион муҳит** - муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгиладиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади.

**Инвестиция фаолияти** - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи.

**Инвестиция фаолияти иштирокчиси** - инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти.

**Инвестор** - ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

**Инновация инвестицияларига** янги ёки такомиллаштирилган товарларни (ишларни, хизматларни), ишлаб чиқариш жараёнини, тадбиркорлик фаолиятини юритишда янги маркетинг услубини ёки ташкилий услубни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга киритиладиган инвестициялар киради.

**Ички таҳдидлар** - мамлакат ичида вужудга келадиган таҳдидлар.

**Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тактикаси**- тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқ бир чора -тадбирларни қўллаш.

**Иқтисодий хавфсизлик стратегияси**- узок муддатли истиқболда тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалар йиғиндиси.

**Инфляция** — товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши натижасида муомалада ортиқча пул массасини пайдо бўлиши ва шунинг асосида пулнинг қадрсизланиши.

**Ислом**- сўзи арабча бўлиб, «худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини англатади

**Ислом тараққиёт банки (итб)** 1973 йилда ташкил этилиб,асосий мақсади аъзо- мамлакатлар ва мусулмон уюшмаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат.

**Иқтисодий самара** - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради

**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш** — ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий

жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.

**Иқтисодиётнинг реал сектори** — иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

**Иқтисодий ўсиш** — реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

**Корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги** - маъмурият ва персонал томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий, ташкилий- иқтисодий ва инженер - техник чора - тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф - хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати.

**Капитал инвестицияларга** асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар киради.

**“Коррупция”** - лотинча (corruptio) сўздан олинган бўлиб, бузилиш деган маънони англатади. коррупция - хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса ва хуфёна иқтисодиётнинг кўринишидир.

**Коррупцияга қарши курашиш** — коррупцияга оид ҳолатларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек коррупцион жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар амалга ошириш.

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси** — коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш комиссияси.

**Миллий хавфсизлик** - манфаатларни ҳимоялашнинг умумий шакли сифатида манфаат ва эҳтиёжларни қондириш, моддий, маънавий, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш ва фаровонликка интилиш тўғрисидаги барча тасаввурларни ифодалайди.

**Манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Мафкуравий хавфсизлик** - шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларида намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражаси.

**Молиявий пирамида схемаси** - Интернет - технологиялардан фойдаланган ҳолдаги одатий молиявий пирамида. Мазкур схемада инвесторлар иқтисодий жараёнга янги иштирокчиларни жалб қилган ҳолда даромад оладилар.

**Маърифат** - (арабча -“ориф”, “орифа” - “билмоқ”, “танимоқ” сўзидан), кўплиги “маориф” - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. “маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан чамбарчас боғланган; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

**Маънавий мерос** - қадим замонлардан бери аجدодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар-сиёсий, фалсавий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадий ва санъат асарлари мажмуидир

**Маънавият** - арабча “маънолар мажмуи”. Кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввур ва тушунчалари мажмуи. Маънавият “мафкура”, “тафаккур” тушунчаларига яқин ва улар бир-бирини



тақозо этади. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган восита саналади. Маънавият маънавий бойликлар, қадриятлар давлат, халқ, миллат, жамият, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдланишга кенг йўл очилди.

**Миллатлараро тотувлик** - миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, у муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг ҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

**Миллатчилик** - миллатларнинг тенглигинини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқи миллатлар манфаатларидан афзал кўриш.

**Миллий валюта тизими** — бир мамлакатда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

**Миллий маънавият**- муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир

**Миллий хавфсизлик** - шахс, жамият ва давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички хавфдан қонун билан қафолатланган ҳимояси.

**Миллий ўзликни англаш** - миллий ўз-ўзини англаш ҳар миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишидир. Миллий ўз-ўзини англаш, миллат шаклланиши муайян, нисбий, юқори босқичининг мезони ҳисобланади.

**Миллий ғоя** - муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат

тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради.

**Минтақавий хавфсизлик** - маълум бир минтақага оид хавфсизлик. Масалан, марказий осиеда хавфсизлик, яқин шарқ хавфсизлиги.

**Меҳнат ресурслари** — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар.

**Миллат** — (араб. - *халқ*) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

**Осие тараққиёт банки (ОТБ)**- 1966 йилда Осие-Тинч океани минтақаси мамлакатларини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги** - давлатнинг мамлакат ва унинг минтақаларини озиқ-овқат билан таъминлаш тизимида турли табиий офатлар ва фавқулотда ҳолатлар натижасида юзага келадиган бузилишларни олдини олишга бўлган қодирлигини кўзда тутди. “Хуфёна иқтисодиёт”- бу жамият томонидан назорат қилинмайдиган товар моддий бойликлар ва хизматларнинг харажати. Алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги давлат бошқарув органларидан яширинадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди.

**Прагматик** - иш, ҳаракат, фаоллик хусусияти.

**Превентив қўллаб-қувватлаш ва ликвидлик линияси**-иқтисодий

сиёсати асосланган ва ишончли иқтисодий детерминатларга эга бўлган мамлакатлар учун инструмент бўлиб, бозор, шу жумладан молия секторини барқарорлиги, мустаҳкам асосдаги ташқи иқтисодий позиция ва иқтисодий сиёсатга кредит бериш шартидир.

**Ратификация** - ўзбекистон конституциясига мувофиқ ўзбекистоннинг халқаро шартномалари олий мажлис томонидан ратификация қилинади.

Ўзбекистоннинг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги олий мажлиснинг тўхтами — қарор шаклида қабул қилинади. Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан худудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; ўзбекистоннинг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек Ўзбекистоннинг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади.

**Рационалист** - ақллилик хусусияти, оқилона ёндашув.

**Референдум** - қонунларни ва бошқа қарорларни қабул қилиш

мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум ўзрнинг бутун худудида ўтказилади. Ўзрнинг бутун худудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки ғавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек ҳарбий вақт тугаган ёки ғавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди. Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди. Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қонунлар белгиланган тартибда ўзрнинг референдумини ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

**Реинвестициялар** - инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

**Расмий иқтисодиёт** - бу давлат томонидан кузатиладиган ва назорат қилиниши мумкин бўлган иқтисодиёт.

**Сиёсий барқарорлик** - маълум бир давлат ёки минтақада тинчликни таъминлашга қаратилган изчил сиёсат.

**Сиёсий жараёнлар** - давлат, минтақа ёки жаҳон миқёсидаги сиёсий фаолият ҳаракати.

**Сиёсий терроризм** - сиёсий арбобларга, улар ўтказаетган сиёсатга, ҳукуматларга таъсир ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар.

**Сепаратизм** — (лотин. - *ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш*) ҳокимиятни конституцияга зид йўллар билан қўлга киритишга интилувчи кучларнинг сиёсатга аралаштиришлари.

**Таҳдид** - жамият, давлат ва уларнинг субъектлари, алоҳида шахснинг нормал ҳаёт фаолиятига, улар манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиган, зиён - захмат келтирадиган, хавф - хатар туғдирадиган омиллар ва шарт - шароитлар.

**Террор** - (лотинча “terror”) “қўрқинч”, “даҳшат” маъносини англатади.

**Террорчи**- террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс.

**Терроризмни молиялаштириш**-террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни,

ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият.

**Террорчилик фаолияти-террорчилик** ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

**Террорчилик ҳаракати-гаровда** ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни шу жумладан континентал шельфда жойлашган стационар платформаларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан кўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима қўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли билан зарар етказиш ёки хавф туғдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар билан ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жиноятларни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

**Технопарк** — материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида барпо этилади. Технопарк фаолияти металларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов

асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат қилади.

**Уюшган жиноятчилик** — жамиятнинг барча асосий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларига киришиб кетган жиноий фаолиятга ихтисослашган махсус ва универсал йўналишда ўз фаолиятини диверсификациялаштириб, бир неча йўналиш бўйича жиноятларни содир этишга мўлжалланган жиноятчилик тури.

**Фундаментализм** - (лотин. - асос) маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замоннинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш.

**Хавфсизлик** - шахс, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи, барқарорлик, тинчлик, бунёдкорлик, яратувчанлик омилларининг мажмуини ифода этувчи тушунча.

**Хавфсизлик кенгаши** - давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи.

**Ҳамкорлик** - турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги маънан бирлашувини ифодаловчи тушунча.

**Халқаро иқтисодий хавфсизлик** - ҳар бир давлат, яъни дунё ҳамжамияти аъзосининг ўз ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти стратегиясини эркин танлаш ва амалга ошириш имкониятларининг таъминлангандаги ҳолати.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)**-бирлашган миллатлар ташкилотининг ихтисослашган муассассаси бўлиб, аъзо-давлатлар валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва тўлов балансидаги дефицит туфайли юзага келадиган валюта қийинчиликларини хорижий валютада қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш орқали уларга молиявий ёрдам кўрсатади.

**Халқаро молия корпорацияси (ХМК)** - қарзлар беради, корхоналар акционерлик капитали ва ривожланаётган малакатлар хусусий сектори корхоналарига инвестицияларни рағбатлантириш мақсадларида маслаҳат хизматлари кўрсатади.

**Халқаро резерв валюталар**- дунёнинг барча мамлакатларида халқаро тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган етакчи валюталар.

**Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА)**-қамбағал мамлакатлар ҳукуматларига фойсиз қарзлар (кредитлар) ва грантлар беради.

**Халқаро терроризм** - давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпоровчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узок вақт давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

**Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)**-паст даражадаги даромадли мамлакатларнинг тўловга қодир ҳукуматларига ва ўрта даражадаги даромадли мамлакат ҳукуматларга кредит ресурслари тақдим этади.

**Хусусий мулк ҳуқуқи** — шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

**Халқаро шартнома** - халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув бўлиб, улар иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва қўп томонлама шартномаларга бўлинади. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Муддатига қараб шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади. Халқаро шартномалар бошқа турларда ҳам тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир. Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Конституциясига, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунга, шартноманинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тўхтатилади, тўхтатиб турилади ва денонсация қилинади. Халқаро шартномалар: шартнома,

битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши мумкин. Халқаро шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади. ЎзРнинг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Ўзбекистоннинг Президенти давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон номидан иш кўради ва халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ махсус ваколатларсиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини имзолайди.

**Ҳаракат стратегияси** — давлатнинг маълум муддатга ёки узоқ йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури.

**Ҳарбий-сиёсий блоклар** — бир неча давлатларнинг бирлашган ҳарбий уюшмаси. Масалан, НАТО.

**Шартнома** - икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув. Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

**Экстремизм** - (лотин. - ақл бовар қилмас даражада, ҳаддан ошиш) ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар.

**Эркин иқтисодий ҳудуд** - бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир;

**Эркин ишлатиладиган валюта**- тўлов баланснинг жорий операциялар бўлимида валютавий чеклашлар бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталари.



**Экспорт** — товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

**Экспорт салоҳияти** — миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон нархлари бўйича етарли ҳажмларда экспорт қилиш қобилияти.

**Экологик хавфсиз муҳит** — инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсир этувчи зарарликлардан холи бўлган ҳудуд (кенглик).

**Яширин ёки норасмий иқтисодиёт**- расмий ҳисоботларда ва расмий шартномаларда акс эттирилмайдиган хўжалик муносабатлари йиғиндиси.

**Юмшоқ валюта**- халқаро миқёсда тўлов воситаси вазифасини бажара олмайдиган, яъни ташқи конвертирликка эга бўлмаган валюталар.

**Қадрият** - воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсон учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум, ва бошқалар ҳисобланади.

**Қаттиқ валюта**- иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор ҳисобланган мамлакатларнинг алмашув курси барқарор бўлган валюталари.

**Қонун** - энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда ЎзР Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. ЎзРнинг Конституцияси, ЎзРнинг қонунлари, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Коррупцияга тортилганлик индекси 2015\*

Ўрин	Мамлакат	Баллар
1	Дания	91
2	Финляндия	90
3	Швеция	89
4	Янги Зеландия	88
5	Нидерландия	87
5	Норвегия	87
7	Швейцария	86
8	Сингапур	85
9	Канада	83
10	Германия	81
10	Буюк Британия	81
10	Люксембург	81
13	Австралия	70
13	Исландия	79
15	Бельгия	77
16	Австрия	76
16	АҚШ	76
18	Гонконг	75
18	Ирландия	75
18	Япония	75
21	Уругвай	74
22	Қатар	71
23	ОАЭ	70
23	Чили	70
23	Эстония	70
23	Франция	70
27	Бутан	65
28	Ботсвана	63
28	Португалия	63
30	Польша	62
30	Тайвань	62
32	Кипр	61
32	Исроил	61
32	Литва	61
35	Словения	60
36	Испания	58
37	Чехия	56
37	Жанубий Корея	56
37	Мальта	56

Ўрин	Мамлакат	Баллар
40	Латвия	55
40	Сейшел ороллари	55
44	Руанда	54
45	Иордания	53
45	Маврикий	53
45	Намибия	53
48	Грузия	52
48	Саудия Арабистони	52
50	Хорватия	51
50	Бахрайн	51
50	Венгрия	51
50	Словакия	51
54	Малайзия	50
55	Қувайт	49
56	Куба	47
56	Гана	47
58	Греция	46
58	Руминия	46
60	Омон	45
61	Италия	44
61	Лесото	44
61	Сенегал	44
61	ЖАР	44
61	Черногория	44
66	Македония	42
66	Сан-Томе ва Принсипи	42
66	Туркия	42
69	Болгария	41
69	Ямайка	41
71	Сербия	40
72	Сальвадор	39
72	Панама	39
72	Тринидад ва Тобаго	39
72	Мўғилистон	39
76	Босния и Герцеговина	38
76	Бразилия	38
76	Буркина-Фасо	38
76	Ҳиндистон	38
76	Тунис	38

40	Кабо-Верде	55
40	Коста-Рика	55
83	Бенин	37
83	Хитой	37
83	Шри-Ланка	37
83	Колумбия	37
83	Либерия	37
88	Албания	36
88	Жазоир	36
88	Миср	36
88	Индонезия	36
88	Марокко	36
88	Перу	36
88	Суринам	36
95	Мали	35
95	Мексика	35
95	Филиппин	35
<b>95</b>	<b>Арманистон</b>	<b>35</b>
99	Боливия	34
99	Джибути	34
99	Габон	34
99	Нигер	34
103	Доминикан Республикаси	33
103	Эфиопия	33
103	Косово	33
<b>103</b>	<b>Молдова</b>	<b>33</b>
107	Аргентина	32
<b>107</b>	<b>Беларусь</b>	<b>32</b>
107	Кот-д'Ивуар	32
107	Того	32
107	Эквадор	32
112	Гондурас	31
112	Малави	31
112	Мавритания	31
112	Мозамбик	31
112	Вьетнам	31
117	Покистон	30
117	Танзания	30
<b>119</b>	<b>Озарбайжон</b>	<b>29</b>
119	Гайана	29
<b>119</b>	<b>Россия</b>	<b>29</b>
119	Сьерра-Леоне	29
123	Гамбия	28
123	Гватемала	28
<b>123</b>	<b>Қозоғистон</b>	<b>28</b>
<b>123</b>	<b>Қирғизистон</b>	<b>28</b>

76	Замбия	38
76	Таиланд	38
123	Ливан	28
123	Мадагаскар	28
123	Шаркий Тимор	28
130	Камерун	27
130	Эрон	27
130	Непал	27
130	Никарагуа	27
130	Парагвай	27
<b>130</b>	<b>Украина</b>	<b>27</b>
136	Комор ороллари	26
136	Нигерия	26
<b>136</b>	<b>Тожикистон</b>	<b>26</b>
139	Бангладеш	25
139	Гвинея	25
139	Кения	25
139	Лаос	25
139	Папуа - Янги Гвинея	25
139	Уганда	25
145	Марказий Африка Республикаси	24
146	Конго Республикаси	23
147	Чад	22
147	Конго Демократик Республикаси	22
147	Мьянма	22
150	Бурунди	21
150	Камбоджа	21
150	Зимбабве	21
153	Узбекистан	19
154	Эритрея	18
154	Сурия	18
<b>154</b>	<b>Туркменистон</b>	<b>18</b>
154	Яман	18
158	Гаити	17
158	Венесуэла	17
158	Гвинея-Бисау	17
161	Ироқ	16
161	Ливия	16
163	Ангола	15
163	Жанубий Судан	15
165	Судан	12
166	Афғонистон	11
167	Шимолий Корея	8
167	Сомали	8

\* Мазкур рейтингга бирор бир мамлакат тўғрисидаги маълумотларнинг киритилмасдан қолиши ушбу мамлакатда коррупциянинг йўқлигини кўрсатмайди. Таҳлилий маълумотларнинг етишмаслиги оқибатида

айрим мамлакатлар мазкур рўйхатга киритилмасдан қолган. 2015 йилда 168 та мамлакат ва ҳудудлар ушбу рейтингга киритилган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони 175 та бўлган.

## 2-илова

### Дунёнинг айрим мамлакатларида хуфёна иқтисодиёт кўламларини қисқартириш мақсадида кўриладиган чора -тадбирлар

	Чора -тадбирлар	Мамлакатлар
<b>Солиққа тортиш</b>		
1. Солиқ юкини қисқартириш	Янги иш ўринларини яратиш учун солиқ имтиёзлари бериш.	Нидерландия, Буюк Британия
	Янги ходимлар учун солиқ имтиёзлари бериш.	Черногория
	Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини солиқлардан озод этиш	Венгрия
	Солиққа тортилмайдиган даромад чегарасини ошириш.	Болгария, Бельгия
	ЯИМда ялпи солиқ юкини қисқартириш (%).	ЕИнинг кўплаб мамлакатларида
	Индивидуал даромад солиғини пасайтириш.	Эстония, Словакия
	Реинвестиция қилинган даромадларни солиқдан озод қилиш.	Эстония
	Меҳнат сиғимли хизматлар учун ҚҚСни пасайтириш.	Нидерландия, Боливия
	Корпоратив даромад солиғини пасайтириш.	Венгрия, Польша, Словакия
	Рўйхатга олинмаган ходимлар улуши юқори бўлган тармоқлар учун солиқ имтиёзлари бериш.	Швеция, Бельгия, Франция
	Норезидентлар учун ягона солиқ ставкасини белгилаш.	Черногория
2. Қонунийликни рағбатлантириш. Солиқ тизимини соддалаштириш	Солиқ тизимининг шаффофлигини ошириш.	Австрия, Греция, Нидерландия, Франция, Португалия, Дания
	Кичик ва ўрта бизнес учун солиқ тизимини соддалаштириш. Бразилия кичик ва ўрта бизнес учун солиқ ва тўловларнинг интеграциялашган тизими (SIMPLES)ни амалиётга жорий этиши натижасида фирмаларнинг рўйхатдан ўтиши 10-30%гача ўсди. Худди шунингдек, меҳнат шартномасисиз ходимларни ёллаш даражаси ҳам қисқарди. Аргентина ҳам ўз навбатида кичик бизнес учун соддалаштирилган солиқ тизимини жорий этди ва бу эса солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келди. Бироқ Боливия ва Чилида соддалаштириш борасида кўрилган чора -тадбирлар аксарият ҳолларда ўз ижобий натижасини бермаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.	Кения, Танзания, Уругвай, Бразилия, Аргентина
	Рўйхатга олиш ва тўловларни амалга оширишнинг онлайн тизимининг жорий этилиши.	Эстония
	Норезидентлар учун ягона солиқ ставкасининг белгиланиши.	Черногория
	ҚҚС/даромад солиғи/нинг ягона солиққа алмаштирилиши. Лотин Америкаси мамлакатларида бундай чора -тадбирлар ўз ижобий натижасини берганлигини кузатишимиз мумкин, бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши натижасида кўплаб фирмалар ўз фаолиятларини легаллаштиришган.	Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Гватемала, Гондурас,

		Мексика, Никарагуа, Парагвай, Перу
<b>Ижтимоий таъминот</b>		
3. Янги ходимларни рўйхатга олишни рағбатлантириш	Шахсий бадаллар ва даромад солиғига мутаносиб равишда ижтимоий тўловларни тўлаш.	Эстония ва бир қатор ЕИ мамлакатлари
	Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун бадалларни қисқартириш.	Венгрия
	Янги ходимлар учун бадалларни қисқартириш.	Польша
	Пудратчи буюртмачи -компаниянинг ижтимоий таъминоти бўйича ҳам жавобгарликни ўз зиммасига олади.	Германия, Нидерландия, Буюк Британия

<b>Меҳнат фаолиятини тартибга солиш</b>		
4. Ходимларни ёллашдаги эгилувчанлик	Рўйхатга олинган ишсизлар тўлиқсиз иш куни ишлашлари ва даромад олишлари мумкин.	Чехия
	Тўлиқсиз иш кунини кўрсатган ҳолда меҳнат шартномаларининг тузилиши.	Словакия
	Вақтинчалик шартномаларнинг эгилувчанлигини ошириш орқали вақтинчалик шартномаларни жорий этиш. Бундай тадбирларнинг жорий этилиши Испанияда рўйхатдан ўтмаган ишсизлар сонининг қисқаришига олиб келди.	Испания, Словакия, Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Перу
5. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги эгилувчанлик	Ёш, ҳудуд ва шу каби белгилар бўйича табақалашган минимал иш ҳақини жорий қилиш, нарх индексидан келиб чиққан ҳолда минимал иш ҳақини энг юқори даражагача кўтариш.	Польша
6. Ходимларни рўйхатга олишни рағбатлантириш	Рўйхатга олинмаган ходимларни легаллаштириш.	АҚШ, Испания, Италия
	Ишсизлар учун “вақтинчалик иш ўринлари”ни жорий этиш.	Германия
	Ишсиз/меҳнатга лаёқатсиз инсонларнинг ижтимоий кўмакка муҳтожлик даражасини қисқартириш ва уларга иш излашда кўмаклашиш.	Болгария, Венгрия, Литва, Словакия, Буюк Британия
<b>Меҳнат қонунчилигига риоя этиш</b>		
	Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ноҳалол рақобатни денонсация қилишни рағбатлантириш.	ЕИнинг 15 дан ортик давлатлари
	Ижтимоий кўмак беришга ихтисолмлашаган муассасаларда янги ходимларни рўйхатга олиш бўйича мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш.	Болгария, Франция
	Муассасалар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш.	ЕИнинг 15 дан ортик давлатлари
	Рўйхатга олинмаган ходимларнинг мониторингини юритиш билан шуғулланувчи агентликларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	ЕИнинг 15 дан ортик давлатлари
	Рўйхатга олинмаган ишчи кучи ортиқча бўлган тармоқларда (қишлоқ хўжалиги, уй ишларини бажариш ва бошқ.) мақсадли дастурларни амалга ошириш.	Нидерландия, Австрия, Испания, Швеция, Дания
	Ходимларни рўйхатга қўймаган иш берувчилар устидан мониторинг юритиш, бу эса ишчиларга ижтимоий нафақалар тўлаб берилишини талаб қилиш имконини беради.	Япония
<b>Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш</b>		
7. Тадбиркоркорларни рўйхатга олиш борасида қулай муҳит яратиш	Хусусий мулкни рўйхатга олиш борасида қўшимча рағбатлар яратиш. Боливияда қишлоқ хўжалиги ходимларининг ерга бўлган мулк ҳуқуқининг кенгайтирилишига қаратилган чора -тадбирлар бизнесни рўйхатга олиш тизимининг ҳаддан ташқари мураккаблиги ва кичик бизнес корхоналари ва микрофирмаларни қўллаб -қувватлаш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобига ўзининг ижобий натижаларини бермади. Перуда 1996 ва 2000 йиллар оралиғида 512000 оила ерга бўлган мулк ҳуқуқини қўлга киритишган.	Боливия, Хорватия, Перу
	Мулк ҳуқуқига тегишли қонунлар ва уларнинг ижросини такомиллаштириш	Хорватия
	Бизнесни рўйхатга олиш кунлари, жараёнлари ва қийматини қисқартириш. “Бизнесни тезкор рўйхатдан ўтказиш” тизимининг жорий этилиши натижасида 2002 йилда Мексикада кичик ва ўрта бизнесни рўйхатдан ўтказиш икки кунгача, рўйхатга олиш босқичлари эса 8дан 2 тагача қисқарди. Бунинг натижасида рўйхатга олинган компаниялар 4 фоиздан 8 фоизгача ўсди.	Мексика, Португалия, Польша, Буюк Британия
	Рўйхатга олишнинг “ягона дарча” тизимини барпо этиш. Бундай чора -тадбирлар натижасида рўйхатдан ўтказилган фирмалар улуши Колумбияда 5,2%га ўсди.	Австралия, Бельгия, Украина,

		Эстония, Литва, Колумбия, Уганда
	Бизнеснинг ягона умумий ID (паспорт)ини юритиш.	Финляндия
	Ўз бизнесини расмийлаштириш истагида бўлган тадбиркорлар учун вақтинчалик амнистиялар қўллаш.	Италия
	Бизнесни рўйхатга олишнинг рамиё тасдиқлаш мақсадида судлар учун вақтинчалик чекловлар жорий этиш.	Босния
8. Лицензиялаш тизимини соддалаштириш	Лицензиялаш тизимини соддалаштириш, автоматик лицензиялашни жорий қилиш.	Грузия
	Лицензиялаш ва унинг муддатларини автоматик узайтириш жараёнларини соддалаштириш. Бундай лойиҳа доирасида Угандада лицензия бериш муддати икки кундан 30 минутгача қискарди, маъмурий харажатлар 10 %гача пасайиб, иш куни самарадорлиги 2%га ошди.	Уганда, Танзания
9. Харажатларни қисқартириш	Бизнесни тугатиш жараёнларини соддалаштириш.	Македония
10. Талабларни кучайтириш	Коррупцияга қарши курашиш борасида қонунлар қабул қилиш; давлат ва хусусий сектор учун ахлоқ кодексинининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши.	ЕИнинг 15 дан ортиқ давлатлари
	Агентликлар ва инспекциялар (аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари, солиқ бюрolari ва шу қабилар) ўртасида муттасил тарзда ахборот алмашинувининг йўлга қўйилиши. Қатъий кўрилган чоралар натижасида Испанияда солиқ тушумларининг сезиларли даражада ошиши ва норасмий бандликнинг қисқариши кузатилди.	ЕИнинг 15 дан ортиқ давлатлари
	Ходимлар ижтимоий таъминот борасида ўзига хос идентификацион рақамга эга бўлишлари, инспекторларга исталган пайтда маълумотларни тезкор текшириб кўриш имконини беради.	ЕИнинг 15 дан ортиқ давлатлари
	Текширувлар частотасининг оширилиши. Бразилияда текширишлар сонининг 1 %га оширилиши норасмий бандликнинг 1,5%га қисқаришига олиб келди ва айни пайтда ходимларнинг иш ҳақидан бюджетга солиқ тушуми ҳам кўпайди. Аргентинада ҳар 100 минг кишига тўғри келувчи меҳнат инспекторлари сонининг кўпайтирилиши хусусий секторда ишчи кучи расмий бандлигининг 1,4%га ўсишига сабаб бўлди.	ЕИнинг 15 дан ортиқ давлатлари
	Давлат инспекцияси органлари ваколатларининг кенгайтирилиши.	Литва, Германия
	Норасмий бандлик борасида қонунчиликда кўзда тутилган жазо чораларини кучайтириш. Бундай чора -тадбирлар натижасида Испанияда ЯИМда солиқ тушумларининг улуши икки баробарга ортди.	Австрия, Бельгия, Дания, Германия, Ирландия, Словения, Испания
	Назорат қилувчи органлар ходимларининг ваколатларининг кенгайтирилиши.	Австрия, Германия
	Миллий даражада ходимларни рўйхатга олувчи фирмаларни ташкил этиш.	Польша
	Коммуникацион стратегияни яхшилаш, жамиятни хабардор қилиш тизими самарадорлигини ошириш.	Дания, Швеция, Франция, Буюк Британия, Литва, Эстония,
	Рўйхатдан ўтмаган ходимларни кузатиш мақсадида хусусий детективлар ёллаш.	Германия
	Қонун бузилишига йўл қўйган шахсларнинг номини оммага ошкор қилиш.	Ирландия
	Рўйхатга олиш тартиб -таомиллари кечиккан пайтда қорхоналарга товон тўлаб бериш.	Ҳиндистон

**3-илова.**

**БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари ва Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларнинг ўзаро уйғунлиги**

<b>БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари</b>	<b>2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар</b>
Қашшоқликсиз дунё сари	4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш. 4.3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш
Очликсиз дунё сари	3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш
Соғлом ҳаёт ва тараққиёт	4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш
Сифатли таълим олиш	4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш
Гендер тенглиги	4. 2.Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш
Тоза ичимлик суви ва яхши санитария ҳолати	4.3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш
Арзон, ишончли ва барқарор энергия манбалари билан таъминлаш	3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш
Муносиб иш ўрни ва иқтисодий ўсиш	3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш 3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш
Инновациялар ва инфратузилма	3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш 3.5. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:



Тенгсизликка барҳам бериш	4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш
Шаҳарлар хавфсизлиги ва уй -жой билан таъминлаш	4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш
Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мутаносиблиги	3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш 3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш
Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш	5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:
Денгиз экотизимларини асраб авайлаш	5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:
Қуруқлик экотизимларини муҳофаза қилиш	5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:
Одил судлов ва самарали институтлар	1.1. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш 1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш 2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш
Барқарор ривожланиш мақсадида ҳамкорлик	5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар

4-илова

**ТЕРРОРИЗМ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ  
РЕЙТИНГИ**

University of Maryland, Institute for Economics and Peace: Global Terrorism Index 2017.

РЕЙТИНГ	МАМЛАКАТ	ИНДЕКС
---------	----------	--------

1	<b>Ироқ</b>	10.0
2	<b>Афғонистон</b>	9.44
3	<b>Нигерия</b>	9.01
4	<b>Сурия</b>	8.62
5	<b>Покистан</b>	8.40
6	<b>Яман</b>	7.88
7	<b>Сомали</b>	7.65
8	<b>Ҳиндистон</b>	7.53
9	<b>Туркия</b>	7.52
10	<b>Ливия</b>	7.26
11	<b>Миср</b>	7.17
12	<b>Филиппин</b>	7.13
13	<b>Конго Демократик Респу- бликаси</b>	6.97
14	<b>Жанубий Судан</b>	6.82
15	<b>Камерун</b>	6.79
16	<b>Таиланд</b>	6.61
17	<b>Украина</b>	6.56
18	<b>Судан</b>	6.45
19	<b>Марказий Африка Республикаси</b>	6.39
20	<b>Нигер</b>	6.32
21	<b>Бангладеш</b>	6.18
22	<b>Кения</b>	6.17
23	<b>Франция</b>	5.96
24	<b>Эфиопия</b>	5.94
25	<b>Мали</b>	5.88
26	<b>Саудия Арабистони</b>	5.81
27	<b>Ливан</b>	5.64
28	<b>Бурунди</b>	5.64
29	<b>Колумбия</b>	5.60
30	<b>Фаластин</b>	5.55
31	<b>Хитой</b>	5.54
32	<b>Америка Қўшма Штатлари</b>	5.43
33	<b>Россия</b>	5.33
34	<b>Чад</b>	5.27
35	<b>Буюк Британия</b>	5.10
36	<b>Исроил</b>	5.06
37	<b>Мьянма</b>	4.96
38	<b>Германия</b>	4.92
39	<b>Мозамбик</b>	4.88
40	<b>Бельгия</b>	4.66
41	<b>Тунис</b>	4.62
42	<b>Индонезия</b>	4.55
43	<b>Буркина Фасо</b>	4.52
44	<b>Непал</b>	4.39
45	<b>Уганда</b>	4.32
46	<b>Греция</b>	4.14
47	<b>Жанубий Африка</b>	4.09
48	<b>Конго</b>	4.04
49	<b>Жазоир</b>	3.97
50	<b>Қувайт</b>	3.80
51	<b>Иордания</b>	3.79

52	Швеция	3.76
53	Эрон	3.71
54	Кот-д'Ивуар	3.70
55	Бахрайн	3.67
56	Венесуэла	3.63
57	Парагвай	3.60
58	Япония	3.60
59	Танзания	3.41
60	Малайзия	3.33
61	Мексика	3.29
62	Мадагаскар	3.29
63	Чили	3.25
64	Ирландия	3.14
65	Австралия	3.09
66	Канада	2.96
67	Қозоғистон	2.95
68	Шри-Ланка	2.91
69	Италия	2.75
70	Косово	2.55
71	Перу	2.54
72	Тожикистон	2.43
73	Нидерландия	2.41
74	Гаити	2.40
75	Арманистон	2.37
76	Финляндия	2.34
77	Грузия	2.11
78	Босния ва Герцеговина	2.03
79	Қирғизистон	1.99
80	Лаос	1.96
81	Руанда	1.93
82	Кипр	1.89
83	Чехия	1.89
84	Сенегал	1.80
85	Испания	1.70
86	Эквадор	1.62
87	Бразилия	1.57
88	Гондурас	1.56
89	Австрия	1.52
90	Дания	1.51
91	Албания	1.49
92	Никарагуа	1.44
93	Македония	1.19
94	Болгария	1.18
95	Озарбайжон	1.15
96	Джибути	1.12
97	Доминикан	0.89
98	Венгрия	0.84
99	Аргентина	0.81
100	Уругвай	0.78
101	Гвинея	0.72
102	Сьерра-Леоне	0.67
103	Янги Зеландия	0.61

103	Жанубий Корея	0.61
105	Гватемала	0.51
106	Тайвань	0.50
107	Молдова	0.47
108	Эстония	0.46
109	Польша	0.38
109	Лесото	0.38
111	Гана	0.33
112	Швейцария	0.27
113	Тринидад ва Тобаго	0.25
114	Словакия	0.23
115	Бирдашган Араб амирликлари	0.21
116	Зимбабве	0.20
117	Панама	0.15
117	Гайана	0.15
117	Ангола	0.15
120	Либерия	0.13
120	Исландия	0.13
122	Қатар	0.12
123	Ўзбекистон	0.08
123	Черногория	0.08
123	Марокко	0.08
126	Ямайка	0.06
127	Сербия	0.04
128	Камбоджа	0.04
128	Гвинея-Бисау	0.04
128	Бутан	0.04
128	Беларусь	0.04
132	Хорватия	0.03
133	Боливия	0.02
134	Замбия	0.0
134	Вьетнам	0.0
134	Тимор-Лешти	0.0
134	Туркменистон	0.0
134	Того	0.0
134	Свазиленд	0.0
134	Словения	0.0
134	Сальвадор	0.0
134	Сингапур	0.0
134	Руминия	0.0
134	Португалия	0.0
134	Шимолий Корея	0.0
134	Папуа — Янги Гвинея	0.0
134	Омон	0.0
134	Норвегия	0.0
134	Намибия	0.0
134	Малави	0.0
134	Маврикий	0.0
134	Мавритания	0.0
134	Монголия	0.0
134	Латвия	0.0
134	Литва	0.0

134	<b>Экваториал Гвинея</b>	0.0
134	<b>Гамбия</b>	0.0
134	<b>Габон</b>	0.0
134	<b>Эритрея</b>	0.0
134	<b>Куба</b>	0.0
134	<b>Коста-Рика</b>	0.0
134	<b>Ботсвана</b>	0.0
134	<b>Бенин</b>	0.0

**ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ United Nations Development Programme: Human Development Index 2016.**

**ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ ЭНГ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР**

<b>ЎРИН</b>	<b>МАМЛАКАТ</b>	<b>ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ</b>
1	Норвегия	0.944
2	Австралия	0.935
3	Швейцария	0.930
4	Дания	0.923
5	Нидерландия	0.922
6	Германия	0.916
6	Ирландия	0.916
8	Америка Қўшма Штатлари	0.915
9	Канада	0.913
9	Янги Зеландия	0.913
11	Сингапур	0.912
12	Гонконг	0.910
13	Лихтенштейн	0.908
14	Швеция	0.907
14	Буюк Британия	0.907
16	Исландия	0.899
17	Жанубий Корея	0.898
18	Исроил	0.894
19	Люксембург	0.892
20	Япония	0.891
21	Бельгия	0.890
22	Франция	0.888
23	Австрия	0.885
24	Финляндия	0.883
25	Словения	0.880
26	Испания	0.876
27	Италия	0.873
28	Чехия	0.870
29	Греция	0.865
30	Эстония	0.861
31	Бруней	0.856
32	Кипр	0.850
32	Қатар	0.850
34	Андорра	0.845
35	Словакия	0.844
36	Польша	0.843
37	Литва	0.839
37	Мальта	0.839
39	Саудия Арабистони	0.837
40	Аргентина	0.836
41	Бирлашган Араб Амирликлари	0.835
42	Чили	0.832

43	<b>Португалия</b>	0.830
44	<b>Венгрия</b>	0.828
45	<b>Бахрайн</b>	0.824
46	<b>Латвия</b>	0.819
47	<b>Хорватия</b>	0.818
48	<b>Кувайт</b>	0.816
49	<b>Черногория</b>	0.802

**ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР**

<b>ЎРИН</b>	<b>МАМЛАКАТ</b>	<b>ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ</b>
50	<b>Беларусь</b>	0.798
50	<b>Россия</b>	0.798
52	<b>Уммон</b>	0.793
52	<b>Руминия</b>	0.793
52	<b>Уругвай</b>	0.793
55	<b>Багам ороллари</b>	0.790
56	<b>Қозоғистон</b>	0.788
57	<b>Барбадос</b>	0.785
58	<b>Антигуа ва Барбуда</b>	0.783
59	<b>Болгария</b>	0.782
60	<b>Палау</b>	0.780
60	<b>Панама</b>	0.780
62	<b>Малайзия</b>	0.779
63	<b>Маврикий</b>	0.777
64	<b>Сейшель ороллари</b>	0.772
64	<b>Тринидад ва Тобаго</b>	0.772
66	<b>Сербия</b>	0.771
67	<b>Куба</b>	0.769
67	<b>Ливан</b>	0.769
69	<b>Коста-Рика</b>	0.766
69	<b>Эрон</b>	0.766
71	<b>Венесуэла</b>	0.762
72	<b>Туркия</b>	0.761
73	<b>Шри-Ланка</b>	0.757
74	<b>Мексика</b>	0.756
75	<b>Бразилия</b>	0.755
76	<b>Грузия</b>	0.754
77	<b>Сент-Китс ва Невис</b>	0.752
78	<b>Озарбайжон</b>	0.751
79	<b>Гренада</b>	0.750
80	<b>Иордания</b>	0.748
81	<b>Македония</b>	0.747
81	<b>Украина</b>	0.747
83	<b>Жазоир</b>	0.736
84	<b>Перу</b>	0.734
85	<b>Албания</b>	0.733
85	<b>Арманистон</b>	0.733
85	<b>Босния ва Герцеговина</b>	0.733

88	Эквадор	0.732
89	Сент-Люсия	0.729
90	Хитой	0.727
90	Фиджи	0.727
90	Монголия	0.727
93	Таиланд	0.726
94	Доминика	0.724
94	Ливия	0.724
96	Тунис	0.721
97	Колумбия	0.720
97	Сент-Винсент	0.720
99	Ямайка	0.719
100	Тонга	0.717
101	Белиз	0.715
101	Доминикан	0.715
103	Суринам	0.714
104	Мальдив	0.706
105	Самоа	0.702

**ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ ЎРТАЧА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР**

<b>ЎРИН</b>	<b>МАМЛАКАТ</b>	<b>ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ</b>
106	Ботсвана	0.698
107	Молдова	0.693
108	Миср	0.690
109	Туркменистон	0.688
110	Габон	0.684
110	Индонезия	0.684
112	Парагвай	0.679
113	Фаластин	0.677
114	Ўзбекистон	0.675
115	Филиппин	0.668
116	Сальвадор	0.666
116	Жанубий Африка	0.666
116	Вьетнам	0.666
119	Боливия	0.662
120	Қирғизистон	0.655
121	Ирок	0.654
122	Кабо-Верде	0.646
123	Микронезия	0.640
124	Гайана	0.636
125	Никарагуа	0.631
126	Марокаш	0.628
127	Намибия	0.628
128	Гватемала	0.627
129	Тожикистон	0.624
130	Ҳиндистон	0.609
131	Гондурас	0.606
132	Бутан	0.605



133	<b>Тимор-Лешти</b>	0.595
134	<b>Сурия</b>	0.594
134	<b>Вануату</b>	0.594
136	<b>Конго</b>	0.591
137	<b>Кирибати</b>	0.590
138	<b>Экваториал Гвинея</b>	0.587
139	<b>Замбия</b>	0.586
140	<b>Гана</b>	0.579
141	<b>Лаос</b>	0.575
142	<b>Бангладеш</b>	0.570
143	<b>Камбоджа</b>	0.555
143	<b>Сан-Томе ва Принсипи</b>	0.555

**ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ ПАСТ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР**

<b>ЎРИН</b>	<b>МАМЛАКАТ</b>	<b>ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИ</b>
145	<b>Кения</b>	0.548
145	<b>Непал</b>	0.548
147	<b>Покистон</b>	0.538
148	<b>Мьянма</b>	0.536
149	<b>Ангола</b>	0.532
150	<b>Свазиленд</b>	0.531
151	<b>Танзания</b>	0.521
152	<b>Нигерия</b>	0.514
153	<b>Камерун</b>	0.512
154	<b>Мадагаскар</b>	0.510
155	<b>Зимбабве</b>	0.509
156	<b>Мавритания</b>	0.506
156	<b>Соломон ороллари</b>	0.506
158	<b>Папуа — Янги Гвинея</b>	0.505
159	<b>Комор ороллари</b>	0.503
160	<b>Яман</b>	0.498
161	<b>Лесото</b>	0.497
162	<b>Того</b>	0.484
163	<b>Гаити</b>	0.483
163	<b>Руанда</b>	0.483
163	<b>Уганда</b>	0.483
166	<b>Бенин</b>	0.480
167	<b>Судан</b>	0.479
168	<b>Джибути</b>	0.470
169	<b>Жанубий Судан</b>	0.467
170	<b>Сенегал</b>	0.466
171	<b>Афғонистон</b>	0.465
172	<b>Кот-д’Ивуар</b>	0.462
173	<b>Малави</b>	0.445
174	<b>Эфиопия</b>	0.442
175	<b>Гамбия</b>	0.441
176	<b>Конго Демократик Республикаси</b>	0.433
177	<b>Либерия</b>	0.430
178	<b>Гвинея-Бисау</b>	0.420

179	<b>Мали</b>	0.419
180	<b>Мозамбик</b>	0.416
181	<b>Сьерра-Леоне</b>	0.413
182	<b>Гвинея</b>	0.411
183	<b>Буркина Фасо</b>	0.402
184	<b>Бурунди</b>	0.400
185	<b>Чад</b>	0.392
186	<b>Эритрея</b>	0.391
187	<b>Марказий Африка Республикаси</b>	0.350
188	<b>Нигер</b>	0.348

**ГЛОБАЛ РАҚОБАТБАРДОШЛИК РЕЙТИНГИ**  
World Economic Forum: The Global Competitiveness Report 2017-2018.

<b>РЕЙТИНГ</b>	<b>МАМЛАКАТЛАР</b>	<b>ИНДЕКС</b>
1	<u>Швейцария</u>	5.9
2	<u>АҚШ</u>	5.9
3	<u>Сингапур</u>	5.7
4	<u>Нидерландия</u>	5.7
5	<u>Германия</u>	5.7
6	<u>Гонконг</u>	5.5
7	<u>Швеция</u>	5.5
8	<u>Буюк Британия</u>	5.5
9	<u>Япония</u>	5.5
10	<u>Финляндия</u>	5.5
11	<u>Норвегия</u>	5.4
12	<u>Дания</u>	5.4
13	<u>Янги Зеландия</u>	5.4
14	<u>Канада</u>	5.3
15	<u>Тайвань</u>	5.3
16	<u>Исроил</u>	5.3
17	<u>Бирлашган Араб Амирликлари</u>	5.3
18	<u>Австрия</u>	5.2
19	<u>Люксембург</u>	5.2
20	<u>Бельгия</u>	5.2
21	<u>Австралия</u>	5.2
22	<u>Франция</u>	5.2
23	<u>Малайзия</u>	5.2
24	<u>Ирландия</u>	5.2
25	<u>Қатар</u>	5.1
26	<u>Жанубий Корея</u>	5.1
27	<u>Хитой</u>	5.0
28	<u>Исландия</u>	5.0
29	<u>Эстония</u>	4.8
30	<u>Саудия Арабистони</u>	4.8
31	<u>Чехия</u>	4.8
32	<u>Таиланд</u>	4.7
33	<u>Чили</u>	4.7
34	<u>Испания</u>	4.7
35	<u>Озарбайжон</u>	4.7
36	<u>Индонезия</u>	4.7
37	<u>Мальта</u>	4.6
38	<u>Россия</u>	4.6

39	<u>Польша</u>	4.6
40	Хиндистон	4.6
41	<u>Литва</u>	4.6
42	<u>Португалия</u>	4.6
43	<u>Италия</u>	4.5
44	<u>Бахрайн</u>	4.5
45	<u>Маврикий</u>	4.5
46	<u>Бруней</u>	4.5
47	<u>Коста-Рика</u>	4.5
48	<u>Словения</u>	4.5
49	<u>Болгария</u>	4.5
50	<u>Панама</u>	4.4
51	<u>Мексика</u>	4.4
52	Кувейт	4.4
53	<u>Туркия</u>	4.4
54	<u>Латвия</u>	4.4
55	<u>Вьетнам</u>	4.4
56	<u>Филиппин</u>	4.4
57	Козоғистон	4.3
58	<u>Руанда</u>	4.3
59	<u>Словакия</u>	4.3
60	<u>Венгрия</u>	4.3
61	Жанубий Африка	4.3
62	Уммон	4.3
63	<u>Ботсвана</u>	4.3
64	<u>Кипр</u>	4.3
65	<u>Иордания</u>	4.3
66	<u>Колумбия</u>	4.3
67	<u>Грузия</u>	4.3
68	<u>Руминия</u>	4.3
69	<u>Эрон</u>	4.3
70	<u>Ямайка</u>	4.2
71	<u>Марокаш</u>	4.2
72	<u>Перу</u>	4.2
73	<u>Арманистон</u>	4.2
74	<u>Хорватия</u>	4.2
75	<u>Албания</u>	4.2
76	<u>Уругвай</u>	4.1
77	Черногория	4.1
78	Сербия	4.1
79	<u>Тожикистон</u>	4.1
80	<u>Бразилия</u>	4.1
81	<u>Украина</u>	4.1

82	<u>Бутан</u>	4.1
83	<u>Тринидад ва Тобаго</u>	4.1
84	<u>Гватемала</u>	4.1
85	<u>Шри-Ланка</u>	4.1
86	<u>Жазоир</u>	4.1
87	<u>Греция</u>	4.0
88	<u>Непал</u>	4.0
89	<u>Молдова</u>	4.0
90	<u>Намибия</u>	4.0
91	<u>Кения</u>	4.0
92	<u>Аргентина</u>	4.0
93	<u>Никарагуа</u>	3.9
94	<u>Камбоджа</u>	3.9
95	<u>Тунис</u>	3.9
96	<u>Гондурас</u>	3.9
97	<u>Эквадор</u>	3.9
98	<u>Лаос</u>	3.9
99	<u>Бангладеш</u>	3.9
100	<u>Миср</u>	3.9
101	<u>Монголия</u>	3.9
102	<u>Қирғизистон</u>	3.9
103	<u>Босния ва Герцеговина</u>	3.9
104	<u>Доминикана</u>	3.9
105	<u>Ливан</u>	3.8
106	<u>Сенегал</u>	3.8
107	<u>Сейшель ороллари</u>	3.8
108	<u>Эфиопия</u>	3.8
109	<u>Сальвадор</u>	3.8
110	<u>Кабо-Верде</u>	3.8
111	<u>Гана</u>	3.7
112	<u>Парагвай</u>	3.7
113	<u>Танзания</u>	3.7
114	<u>Уганда</u>	3.7
115	<u>Покистон</u>	3.7
116	<u>Камерун</u>	3.7
117	<u>Гамбия</u>	3.6
118	<u>Замбия</u>	3.5
119	<u>Гвинея</u>	3.5
120	<u>Бенин</u>	3.5
121	<u>Мадагаскар</u>	3.4
122	<u>Свазиленд</u>	3.4
123	<u>Мали</u>	3.3
124	<u>Зимбабве</u>	3.3

125	<b><u>Нигерия</u></b>	3.3
126	<b><u>Конго Демократик Республикаси</u></b>	3.3
127	<b><u>Венесуэла</u></b>	3.2
128	<b><u>Гаити</u></b>	3.2
129	<b><u>Бурунди</u></b>	3.2
130	<b><u>Сьерра-Леоне</u></b>	3.2
131	<b><u>Лесото</u></b>	3.2
132	<b><u>Малави</u></b>	3.1
133	<b><u>Мавритания</u></b>	3.1
134	<b><u>Либерия</u></b>	3.1
135	<b><u>Чад</u></b>	3.0
136	<b><u>Мозамбик</u></b>	2.9
137	<b><u>Яман</u></b>	2.9

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. "Ўзбекистон" НМИУ. 2017 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда*)

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда*)

4. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуни. 2006 йил

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 20 октябрдаги ПҚ-2637-сон Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 26 ноябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 12-сон, 110-модда*)

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2-сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент, 2017. -№36 (796). -945-модда

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармойиши. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017-йил 15-август.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 йил - Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб -қувватлаш йили давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5308 сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора -тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

15. ПП-4086 от 26.12. 2018 года “О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистана 2019 год и бюджетных ориентиров на 2020-2021 годы

---

16. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий



яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь// Ш.М. Мирзиёев, Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан курашимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган./ Ш.М. Мирзиёев. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. - Т.: “Маънавият” НМИУ. - 2017.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>

20. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Т.ТДИУ -2017 й.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009.

22. Экономическая безопасность: учебник для вузов/ под общей редакции Л.П. Гончаренко, Ф.П. Акулинина. М.: издательство-ЮРАЙТ. 2018. 478 стр. Серия: Специалист

23. Экономическая безопасность: учебное пособие/ М.В. Кунцман. - М.: МАДИ, 2016. - 152 с.

24. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий ҳавфсизлик.-Т.: Академия, 2006.

25. Богомолов В.А. и др. Экономическая безопасность: учеб. пособие

для студентов экономических вузов, обучающихся по специальностям экономики и управления. - М. ЮНИТИ ДАНА, 2009.

26. Левин М.И., Левина Е.А., Покатович Е.В. Лекции по экономике коррупции. Учебник. М.:Издательство высшей школы экономики. 2001.

27. Гончаренко Л.П.. Экономическая и национальная безопасность. Учебник. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2008.

28. Ортиқова Д. Иқтисодий хавфсизлик: (ўқув қўлланма). Т.: Иқтисодиёт, 2011.

29. Гордиенко, Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекции. Учебно-методическое пособие / Д.В. Гордиенко. - М.: Инфра-М, Финансы и статистика, 2013. - 625 с.

30. Светлаков А.Г., Андруник А.П., Сысуев Ю.Б. Концепция экономической безопасности: методы предотвращения рисков и угроз организаций службой управления персоналом. Учеб. пособие. - Пермь, ФГОУ ВО ПФНА МВД России, 2010. - 576 с.

31. Светлаков А.Г. Экономическая безопасность: Учебное пособие / А.Г. Светлаков [и др.]; под общей ред. д.э.н., профессора Н.А. Светлаковой, Министерство с.-х. РФ ФГОУ ВО «Пермская ГСХА» 2010. - 328 с.

32. “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон 2018йил.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ .....	
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ.....	
ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ТАҲДИДЛАР ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ .....	
ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ, ХАЛҚАРО УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА РЕГИОНАЛ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РОЛИ .....	
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК .....	
МАМЛАКАТДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ - ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ .....	
КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ .....	
ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАЪСИРИ .....	
ИҚТИСОДИЁТНИНГ КРИМИНАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ .....	
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ .....	
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ .....	
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ- НИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ .....	
“ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ	
ГЛОССАРИЙ .....	
ИЛОВАЛАР .....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	

## СОДЕРЖАНИЕ

ПРЕДИСЛОВИЕ .....	
ПРЕДМЕТ, МЕТОД И ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ДИСЦИПЛИНЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ .....	
ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ.....	
УГРОЗЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ .....	
ВЛИЯНИЕ ТЕРРОРИЗМА, ЭКСТРЕМИЗМА, МЕЖДУНАРОДНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ И РОЛЬ РЕГИОНАЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ ПРОТИВ НИХ .....	
РОЛЬ РАЗВИТИЯ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ В ПОВЫШЕНИИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ.....	
ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ В СТРАНЕ - ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ .....	
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЯ.....	
ТЕНЕВАЯ ЭКОНОМИКА И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ.....	
НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УСЛОВИЯХ КРИМИНАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ И РОЛЬ ГОСУДАРСТВА В НЕМ.....	
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ СОБСТВЕННОСТЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ И ПУТИ ЕЕ ЗАЩИТЫ .....	
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В СФЕРЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ЕЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ.....	
СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ .....	
ТЕСТОВЫЕ ВОПРОСЫ ПО ПРЕДМЕТУ" ЭКОНОМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ"	
ГЛОССАРИЙ .....	
ПРИЛОЖЕНИЯ .....	
СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ .....	